Thus, the physicochemical properties of Kuimazar waters show that in this water they are not suitable for human needs, because the hardness of this water was 47 mEq / l, and according to the standard, the water hardness should not exceed 7 mEq / l. and you can’t use this water to cool hydrocarbons in a refinery without purifying it from mechanical impurities and without softening. To solve this problem, it is advisable to soften the water with a reagent method.

В статье, приведены результаты изучения химического (элементного) состава исследуемой Тудакульской воды Бухарского вилоята и Куймазарской воды Кашкадарьинского вилоята (которые используются для охлаждения углеводородного сырья на БухНПЗ) со специалистами института геологии

гидроминеральных ресурсов лаборатории «Гидрохимлаборатория» и результаты дальнейшего исследования по определению коллоидных свойств механических примесей этих вод. Определены дисперсности твердых частиц механических примесей ситовым анализом (размеры от 0,25 мкм до 50 мкм). Также исследованы, снижения количества мелкодисперсных твердых частиц механических примесей при их коагуляции от 24,3% до 15,3% в гравитационном поле.

Очистка циркуляционных технических вод нефтеперерабатывающего завода является актуальной проблемой. Техническая вода-коллоиднодисперсная система, в ее составе размеры твердых частиц колеблется от $0{,}25 \cdot 10^{-6}$-$50 \cdot 10^{-6}$ м, мелкодисперсные частицы не оседают при любой продолжительности отстаивания дисперсной системы. Коллоидные частицы, совершая броуновское движение, могут при столкновении приближаться настолько, что между ними начинают проявлять себя силы Вандер-Ваальса. В результате частицы начинают слипаться, частицы дисперсной фазы укрупняются. При этом, большей частью образуются настолько крупные хлопья (процесс флокуляции), что они выпадают в осадок (процесс седиментации) [1]. Твердые частицы не только стабилизируют эмульсию воды, они уменьшают производительность аппаратов и трубопроводов, в результате соле - и осадкообразования, увеличивают расход топлива вследствии снижения коэффициента теплоотдачи в теплообменниках, но и создаются условия локализации коррозионных процессов, а также иногда они способствуют эрозионному износу деталей центробежных насосов, штуцеров, фитингов и запорной арматуры. Механические примеси образуют с технической водой также дисперсную систему – «жидкость-твердое тело», разделение которой проводится методом отстаивания в сепараторах и отстойниках на промыслах.

Нами также изучена жесткость Куймазарской воды. Для определения жесткости на 10 мл воды добавляется 1 капля 25 %-ной аммиачной жидкости, после чего добавляется 1-2 капли индикатора, после встряхивания колбы для титрования его вставляют в магнитную мешалку, наблюдается попадание каждой капли в колбе и останавливается попадание капли в колбе до превращения её от красноватого цвета до синего.

Таким образом, физико-химические свойства Куймазарских вод, показывают, что в данной воде не пригодны для человеческих нужд, потому что жесткость этой воды составляло 47 мг-экв/л, а по стандарту жесткость воды не должно превышать 7 мг-экв/л, а также нельзя использовать данную воду для охлаждения углеводородного сырья в нефтеперерабатывающем заводе без ее очистки от механических примесей и без умягчений. Для решения этой проблемы целесообразно умягчить воду реагентным способом.

Очистка циркуляционных технических вод нефтеперерабатывающего завода является актуальной проблемой. Техническая вода-коллоиднодисперсная система, в ее составе размеры твердых частиц колеблется от $0{,}25 \cdot 10^{-6}$-$50 \cdot 10^{-6}$ м, мелкодисперсные частицы не оседают при любой продолжительности отстаивания дисперсной системы. Коллоидные частицы, совершая броуновское движение, могут при столкновении приближаться настолько, что между ними начинают проявлять себя силы Вандер-Ваальса. В результате частицы начинают слипаться, частицы дисперсной фазы укрупняются. При этом, большей частью образуются настолько крупные хлопья (процесс флокуляции), что они выпадают в осадок (процесс седиментации) [1]. Твердые частицы не только стабилизируют эмульсию воды, они уменьшают производительность аппаратов и трубопроводов, в результате соле - и осадкообразования, увеличивают расход топлива вследствии снижения коэффициента теплоотдачи в теплообменниках, но и создаются условия локализации коррозионных процессов, а также иногда они способствуют эрозионному износу деталей центробежных насосов, штуцеров, фитингов и запорной арматуры. Механические примеси образуют с технической водой также дисперсную систему – «жидкость-твердое тело», разделение которой проводится методом отстаивания в сепараторах и отстойниках на промыслах. [2,3,4].

Прежде чем очистить циркуляционные воды нефтеперерабатывающего завода от механических примесей и их смягчение, нами сначала изучен химический (элементный) состав исследуемой Тудакульской воды Бухарского вилоята и Куймазарской воды Кашкадарьинского вилоята (которые используются для охлаждения углеводородного сырья на БухНПЗ) со специалистами института геологии гидроминеральных ресурсов лаборатории «Гидрохимлаборатория». Результаты полученных данных приведены в табл.1 и 2.

Таблица 1

Элементный анализ Тудакульской воды

	Название элементы					
	Hg	*Ai*	*As*	*Be*	*Mo*	*Mn*
Содержание элементов, *мг/л*	0,000063	0,030	0,0035	0,000004	0,0075	0,0059

ПДК (предельная допустимая концентрация), *мг/л*	0,0005	0,2	0,05	0,0002	0,25	0,1

Таблица 2

Элементный анализ Тудакульской воды

	Название элементы						
	Pb	*Ni*	*Se*	*Cu*	*Zn*	*Cd*	*Sr*
Содержание элементов, *мг/л*	0,00011	0,0029	0,0066	0,010	0,0037	0,000031	3,4
ПДК (предельная допустимая концентрация), *мг/л*	0,03	0,1	0,01	1,0	3,0	0,001	7,0

Содержания *Hg* в составе Тудакульской воды составляет 0,0000063 мг/*л*, а по ПДК его концентрация не должна превышать от 0,0005 мг/*л* (табл.1). Содержание *Ai* составляло 0,030 мг/*л*, а по ПДК 0,2 мг/*л*. Также определены другие элементы (*Pb, Ni, Se, Cu, Zn, Cd, Sr)* в составе исследуемой воды. Результаты проведенных исследований приведены в табл.2.



Рис.1. Содержание химических элементов в составе Тудакулььских технических вод.

Из рис.1 видно, что содержание *Pb* в составе Тудакулььской воды составляет 0,00011 мг/*л*, а по предельным нормам этот показатель должен не превышать от 0,03 мг/*л*. Из проведенных исследований по определению элементного состава исследуемой воды содержание всех элементов, приведены в табл.1 и 2 не превышают от предельных норм.

По ходу экспериментальных исследований также определены катионы и анионы в составе исследуемой воды. Результаты приведены в табл.3.

Таблица 3

Содержание катионов и анионов в составе Тудакульской воды

Катионы	**Содержание в литре**		
	мг/л	**мг-экв/л**	**%-экв/л**
Na^+	213	9,27	41
K^+	6	0,15	1
NH_4^+	<0,1	-	-
Ca^{2+}	152	7,60	33
Mg^{2+}	68	5,60	25
Fe^{3+}	<0,3	-	-
Fe^{2+}	<0,3	-	-
Итого		**22,62**	**100**
Анионы	**Содержание в литре**		
	мг/л	**мг-экв/л**	**%-экв/л**
Cl^-	230	6,50	29
SO_4^2	675	14,06	62
NO_2^-	<0,01	-	-
NO_3^-	4	0,06	-
CO_3^-	Отсутствует		
HCO_3^-	122	2,0	9
Итого		**22,62**	**100**

Из табл.3 видно, что содержание катионов, т.е. Na^+ в составе исследуемой воды составляло 41 %, K^+ 1,0 %, содержание NH_4^+ отсутствует, Ca^{2+} составляло 33%, Mg^{2+} 25%, катионы Fe^{3+} и Fe^{2+} отсутствуют. Содержание анионов Cl^- составляло 29%, SO_4^2 - 62%, NO_2^- и NO_3^- почти не заметно, CO_3^- - отсутствует, HCO_3^- - 9 %.

Нами также определены другие показатели Тудакульской воды (табл.4).

Таблица 4

Физико-химические показатели Тудакульской воды

Жесткость, мг-экв/*л*, общая	13,20
Устранимая	-
Постоянная	-
Карбонатная	2,0
Некарбонатная	11,2
pH	6,5
CO_2 своб. мг/*л*	22
CO_2 агрег. мг/*л*	4
Окисляемость, мг O_2/*л*	1,26
SiO_2 мг/*л*	10
H_2S мг/*л*	отсутствует
PO_4 мг/*л*	
Сухой остаток:	
эксперимент., мг/*л*	1488
вычислен., мг/*л*	1419
Физические свойства:	
Прозрачность	прозрачный
Вкус	сл.солен.
Цвет	безцвет.
Запах	беззапах.
Осадок	без.осадок

Изменение при стоянии	без изм.

Из табл.4 видно, что жесткость Тудакульской воды составляет 13,2 мг-экв/л, среда данной воды *pH* составляет 6,5, т.е. почти нейтральная, содержание свободного CO_2 – 22 мг/л, CO_2 агрег. – 4 мг/л, окисляемость – 1,26 мг O_2/л, SiO_2 – 10 мг/л, H_2S и PO_4 – отсутствуют. Также определены физические свойства данной воды: прозрачность – прозрачный, вкус -слабо-соленый, цвет – без цветный, запах – без запаха, осадок – без осадок, изменение при стоянии - не изменяется.

Нами также изучена жесткость Куймазарской воды. Для определения жесткости на 10 мл воды добавляется 1 капля 25 %-ной аммиачной жидкости, после чего добавляется 1-2 капли индикатора, после встряхивания колбы для титрования его вставляют в магнитную мешалку, наблюдается попадание каждой капли в колбе и останавливается попадание капли в колбе до превращения её от красноватого цвета до синего. Результаты проведенных исследований по снижению жесткости Куймазарской воды реагентным способом приведены в табл.5.

Таблица 5

Снижение жесткости Куймазарких вод с помощью Na_3PO_4

(жесткость воды 47 мг-экв/л)

№	Объем воды, мл	Na_3PO_4, мг	Жесткость воды N_2 (мл. экв./л)
1	10	0,01	24
2	10	0,03	21
3	10	0,05	16
4	10	0,07	7
5	10	0,08	5
6	10	0,1	2
7	10	0,2	2

Из табл.5 видно, что при добавлении реагента Na_3PO_4 0,01 мг жесткость воды снижается до 24 мг-экв/л, а при добавлении реагента 0,03 мг ее жесткость снижается до 21 мг-экв/л. Дальнейшее добавление реагента от 0,05 до 0,08 мг жесткость воды снижается от 16 мг-экв/л до 5 мг-экв/л. При добавлении реагента 0,1 и 0,2 мг жесткость воды снижается до 2 мг-экв/л. Нами выбраны оптимальные варианты добавки реагента – 0,1 мг.

Таким образом, физико-химические свойства Куймазарских вод, показывают, что в данной воде не пригодны для человеческих нужд, потому что жесткость этой воды составляло 47 мг-экв/л, а по стандарту жесткость воды не должно превышать 7 мг-экв/л, а также нельзя использовать данную воду для охлаждения углеводородного сырья в нефтеперерабатывающем заводе без ее очистки от механических примесей и без умягчений. Для решения этой проблемы целесообразно умягчить воду реагентным способом.

С целью изучения гидродинамики процесса умягчения и предварительной очистки циркуляционных вод от механических примесей, собрана экспериментальная стеклянная установка (рис.2).

Установка состоит из отстойника *1* для отстаивания циркуляционной воды, фильтра *2* предназначенной для разделения мелкодисперсных твердых частиц механических примесей, ёмкости с мешалкой *3* для перемешивания технической воды с реагентами; насосов *4,5,6* для подачи жидкости, а также установка снабжена задвижками *7,8,9* для регулирования жидкого потока.

Установка работает следующим образом: вода подаётся в отстойник *1*, с помощью насоса *4* для осаждения крупнодисперсных твердых частиц механических примесей в гравитационном поле, входящий неочищенный поток в системе регулируется с помощью задвижки *7*, после чего очищенная вода из грубодисперсных частиц поступает в фильтр *2* через насос *5* для очистки мелкодисперсных твердых частиц, очищенная вода с помощью насоса *6* подается в ёмкость с мешалкой *3* с целью умягчения технической воды различными реагентами.



Рис.2. Лабораторная установка для умягчения и очистки жёсткой воды от механических примесей: 1 – отстойник; 2 – фильтр для разделения суспензии; 3 – ёмкость с мешалкой для перемешивания технической воды с реагентами; 4,5,6 – насосы для передачи жидкости; 7,8,9 – задвижки для регулирования потока.

Нами также определены концентрации механических примесей и их дисперсности ситовым методом. Традиционным методом контроля однородности и дисперсности сыпучих и порошковых материалов является ситовой анализ. Данный вид анализа регламентируется ГОСТ 6613-86, ГОСТ 3584-5. Сущность метода заключается в том, что порошок просеивают через сита, с разными размерами ячеек, установленные последовательно друг над другом. Вверху располагается сито с наибольшей ячейкой, далее размер ячейки сита последовательно уменьшается. Ситовой анализ позволяет определить размер частиц, отделить частицы разного размера друг от друга и вычислить количественное соотношение частиц различной дисперсности [5,6,7]. Результаты проведенных исследований приведены в табл.6.

Таблица 6

Дисперсный состав твердых частиц механических примесей

Куймазарких вод

Размер частиц, мкм	<0,25	0,5-0,25	0,5-1,0	1,0-2,0	2,0-3,0	3,0-5,0	5,0-10	10-20	20-50	Σ
В %	24,3	16,9	14,4	11,6	9,4	7,3	6,8	5,4	3,9	100

Из табл.6 видно, что концентрация твердых частиц механических примесей размером 20-50 мкм в составе циркуляционных вод составляет 3,9 %, 10-20 мкм частиц 5,4 %, 5-10 мкм частиц 6,8 %, дальнейшее уменьшение размера твердых частиц механических примесей до 0,25 мкм его концентрация увеличивается до 24,3 % т.е. с уменьшением размера твердых частиц их концентрация постепенно увеличивается. Мелкодисперсные твердые частицы практически не осаждаются, из-за незаметных их сопротивлений на среду, поэтому, для интенсификации процесса очистки твердых мелкодисперсных частиц целесообразно коагулировать, либо их укрупнять.

Таким образом, исследуемая Куймазарская вода – является смесью с мелкодисперсными твердыми частицами (<0,25÷50 мкм) и высокой твердости 47 мг-экв/л, мелкодисперсные твердые частицы при недостаточном турбулентном режиме движений внутри аппарата не очень сцепляется друг с другом, и практически не осаждаются из-за незаметного сопротивления на среду. Результаты по определению элементного состава Тудакульской воды доказывают, что в ее составе содержание Hg составляет – 0,0000063 мг/л, содержание Ai составляет – 0,030 мг/л, As-0,0035 мг/л, Be – 0,000004 мг/л, Mo – 0,0075 мг/л, Mn – 0,0059 мг/л, Pb – 0,0001 мг/л, Ni – 0,0029 мг/л, Se – 0,0066 мг/л, Cu – 0,010 мг/л, Zn – 0,0037 мг/л, Cd – 0,000031 мг/л, Sr – 3,4 мг/л.

Литература

1. Кульман А.Г. Общая химия. Изд. 2-е, перераб. -М.: «Колос». – 1979. – 528 с.

2. Хурмаматов А.М. Совершенствование процесса глубокой очистки нефтегазоконденсатного сырья от механических примесей. Дисс….докт. техн.наук. – Ташкент, 2018. – 184 с.

3. Терновский И.Г., Кутепов А.М. Гидроциклонирование. – М.: Наука, 1994. – 350 с.

4. Мустафаев А.М., Гутман Б.М. Гидроциклоны в нефтедобывающей промышленности. – М.: Недра, 1981. – 207 с.

5. Болдырев Д.М. Разработка метода расчета вязкости нефтепродуктов: Дис. ... канд. техн. наук. Грозный, 1994. – 227 с.

6. Плотность (удельный объем) жидких нефтей и нефтепродуктов / Григорьев Б.А., Расторгуев Ю.Л., Ковальский Е.В., Шевченко Н.В. РМР- 8. ГСССД Методика. 1982. – 26 с.

7. Хурмаматов А.М. Совершенствование процесса глубокой очистки нефтегазоконденсатного сырья от механических примесей. Дисс….докт. техн.наук. – Ташкент, 2018. – 184 с.

8. Коровин Н.В. Общая химия. -М.: Высш.шк., 2011. – 496 с.

9. Ахметов Н.С. Общая и неорганическая химия. -М.: Высш. шк., 2001. – 743 с.

10. Болдырев Д.М. Разработка метода расчета вязкости нефтепродуктов: Дис. ... канд. техн. наук. Грозный, 1994. – 227 с.

11. Григорьев Б.А., Расторгуев Ю.Л., Ковальский Е.В., Шевченко Н.В. / Плотность (удельный объем) жидких нефтей и нефтепродуктов РМР- 8. ГСССД Методика. 1982. – 26 с.

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
03.00.00 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
BIOLOGICAL SCIENCES

КОПСИНИН ВА N4-ЙОД МЕТИЛАТ КОПСИНИН АЛКАЛОИДЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ СТРУКТУРАСИГА БОҒЛИҚ ВАЗОРЕЛАКСАНТ ТАЪСИРИ

Юнусов Лазизбек Содиқжонович., Зайнабиддинов Анвар Эркинжонович., Усманов Пулат Бекмуратович[2]., Адизов Шахобиддин Мухаммадович[3]., Халилов Эргаш Халилович., Ахмедов Фазлиддин Юсупович., Муталипов Азизбек Абдуллажон ўғли.
1. Андижон давлат университети
2. УзМУ хузуридаги биофизика ва биокимё интитути
3. ЎзР ФА акад. С. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти

Аннотация. *Тадқиқотда изометрик шароитда Vinca erecta ўсимлиги ер устки қисмидан ажратиб олинган - копсинин ва унинг ҳосиласи N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг каламуш аорта қон томири силлиқ мускул препарати қисқариш фаоллигига кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксант таъсири ўрганилган. Тажрибаларда копсинин ва N4-йод метилат копсининнинг вазорелаксант таъсири концентрация ва кимёвий структурасига боғлиқ бўлиб, қон томир силлиқ мускул ҳужайралари плазмолеммасида жойлашган $Ca^{2+}{}_L$–канали блокадаси билан боғлиқлиги аниқланган.*

Калит сўзлар: *алкалоид, копсинин, N4-йод метилат копсинин, қон томир, силлиқ мускул, $Ca^{2+}{}_L$–канали, вазорелаксант.*

ВАЗОРЕЛАКСАНТНОЕ СТРУКТУРНО-ЗАВИСИМОЕ ВЛИЯНИЕ АЛКАЛОИДОВ КОПСИНИНА И N4-ЙОД МЕТИЛАТ КОПСИНИНА

Юнусов Лазизбек Содиқжонович., Зайнабиддинов Анвар Эркинжонович., Усманов Пулат Бекмуратович[2]., Адизов Шахобиддин Мухаммадович[3]., Халилов Эргаш Халилович., Ахмедов Фазлиддин Юсупович., Муталипов Азизбек Абдуллажонович.

Аннотация. *В исследовании изучалось вазорелаксантное влияние, связанное с химическими структурами алкалоидов копсинина и его производного N4-иод метилат копсинина, выделенных из надземных частей растения Vinca erecta на сократительную активность гладкомышечного препарата аорты крысы. В опытах вазорелаксантное влияние копсинина и его производного N4-иод метилат копсинина связано с концентрацией и химической структурой, выявлено зависимость с блокадой $Ca^{2+}{}_L$–каналов в плазмалемме гладкомышечных кровеносных клеток.*

Ключевые слова: *алкалоид, копсинин, N4-иод метилат копсинин, кровеносный сосуд, гладкая мышца, $Ca^{2+}{}_L$–каналов, вазорелаксантный.*

VASORELAXANT STRUCTURALLY DEPENDENT EFFECT OF ALKALOIDS COPSININE AND N4-IODINE COPSININE METHYLATE

Yunusov Lazizbek Sodiqjonovich., Zaynabiddinov Anvar Erkinjonovich., Usmanov Pulat Bekhmuratovich[2]., Adizov Shaxobiddin Mukhammadovich[3]., Khalilov Ergash Khalilovich., Axmedov Fazliddin Yusupovich., Mutalipov Azizbek Abdullajonovich.

Abstract. *In the research it was examined the vasorelaxant effect associated with the chemical structures of the alkaloids - copsinin and its derivative N4-iodine methylate copsinine, isolated from the aerial parts of Vinca erecta plant on the contractile activity of the rat aortic smooth muscle. In the experiments, the vasorelaxant effect of copsinin and its derivative N4-iodine methylate copsinine is associated with the concentration and chemical structure, and a relationship with $Ca^{2+}{}_L$-channel blockade in the plasmalemma of smooth muscle blood cells.*

Keywords: *alkaloids, copsinin, N4-iodine methylate copsinine, blood vessel, smooth muscle, $Ca^{2+}{}_L$-channel, vasorelaxant.*

Кириш. Ҳозирги вақтда ~400 дан ортиқ ўсимликлардан ажратиб олинган алкалоидлар тавсифланган бўлиб, алкалоидларнинг классификацияси, синтез/биотрансформацияси ва кенг спектрдаги фармакологик фаоллиги айрим тадқиқотчилар томонидан батафсил ўрганилган ва ушбу алкалоидларнинг потенциал манбаларидан бири – *Vinca erecta* ўсимлик турлари ҳисобланади [1]. *Vinca erecta* ўсимлик турлари асосан тоғ минтақасида тарқалган турлар бўлиб, икки йиллик ёки кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар ҳисобланади. Ҳалқ табобатида *Vinca erecta* ўсимлик турлари тана ҳароратини туширувчи, оғриқ қолдирувчи, шунингдек гастрит, тонзиллитни даволашда, яллиғланишга қарши, қон босмини туширувчи, жигар касалликлари, безгакни даволашда, тетиклаштирувчи сифатида [2] фойдаланилади.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади – *Vinca erecta* ўсимлик турларидан ажратиб олинган – копсинин ва унинг ҳосиласи N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг каламуш аорта қон томири силлиқ мускулининг изометрик қисқариш фаоллигига кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксант таъсирини таҳлил қилишдан иборат (1–расм).

Vinca erecta



1–расм. Копсинин (А) ва N4-йод метилат копсинин (Б) алкалоидларининг кимёвий структура формуласи [1].

Материал ва методлар. Аорта қон томир препаратини тайёрлаш стандарт услуб ёрдамида амалга оширилди.

Тажрибалар стандарт озуқа ва сув билан таъминланган шароитда боқилган, соғлом оқ, зотсиз каламушларда (150–200 гр.) амалга оширилди. Тажриба ҳайвонлари цервикал дислокация усулида жонсизлантирилгандан кейин, жарроҳлик усулида аорта қон томири ажратиб олинди ва ҳалқасимон сегментлар (*l*=2–4 мм; ё=1–2 мм) шаклида кесилди. Тажрибаларда қуйидаги кимёвий таркибга эга бўлган Кребс–Хензелейт физиологик эритмасидан фойдаланилди (мМ ҳисобида): (мМ): NaCl – 120,4; KCl – 5; $NaHCO_3$ – 15,5; NaH_2PO_4 – 1,2; $MgCl_2$ – 1,2; $CaCl_2$ – 2,5; $C_6H_{12}O_6$ – 11,5 (*pH*=7,4) [3]. Физиологик эритма карбоген (O_2–95% ва CO_2–5%) билан аэрацияланди, ҳарорат доимийлиги (*t*=+37±0,5°C) ультратермостат (U–8; Болгария) ёрдамида таъминланди. Аорта қон томир препаратининг қисқариш фаоллиги изометрик шароитда FT–03 (Grass Instrument Co., АҚШ) куч сенсори, сигнал кучайтиргич қурилма (Grass Instrument, АҚШ) орқали Endim 621.02 самописецида (Чехия) стандарт услуб (механография) ёрдамида қайд қилинди.

Тажрибаларда верапамил гидрохлорид [4,5] («Sigma–Aldrich», Германия), $NaHCO_3$, $CaCl_2$, $MgSO_4$, глюкоза, NaCl, KCl, NaH_2PO_4 (Россия) реактивларидан фойдаланилди. Тажрибаларда ўрганилган алкалоидларнинг $Ca^{2+}{}_L$–каналига таъсири KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи амплитудаси бўйича баҳоланди [6,3]. Тажрибаларда ўрганилган алкалоидларнинг заҳирадан ишга тушувчи Ca^{2+}–канали (SOCC – store–operated Ca^{2+}–channels)/рецепторга боғлиқ функция бажарувчи Ca^{2+}–каналлари (ROCC – receptor–operative Ca^{2+}–channels) фаоллигига таъсири фенилэфрин (1 мкМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи амплитудаси бўйича баҳоланди [7]. Олинган натижалар OriginPro v. 8.5 SR1 (EULA, Northampton, MA 01060–4401, АҚШ) махсус дастур пакети ёрдамида статистик қайта ишланди. Натижалар Лакин Г.Ф. (1990) томонидан келтирилган услублар ёрдамида математик–статистик қайта ишланди [8]. Натижалар *n* марта такрорийликда амалга оширилган тажрибалар натижаларининг *M*±*m* шаклида келтирилган бўлиб, *M* – ўртача арифметик қиймат ва *m* – стандарт хатолик қийматини ифодалайди. Шунингдек, тажриба натижалари гуруҳлар ўртасидаги қийматларнинг статистик ишончлилик даражаси Стьюдент *t*–мезони асосида ҳисобланди ва $p<0,05$, $p<0,01$ қийматларда статистик ишончли деб баҳоланди.

Дастлаб, каламуш аорта препарати 1 гр (9,8~10 мН) кучланиш бериш асосида, ~45–60 минут давомида меъёрий электромеханик фаоллик қайд қилинишга қадар инкубацияланди. Қуйидаги расмда каламуш аортаси препаратларини қисқариш фаоллигини қайд қилиш учун мўлжалланган экспериментал қурилманинг блок–схемаси кўрсатилган (2–расм).



2–расм. Каламуш аорта қон–томир силлиқ мускул препаратининг изометрик шароитда қисқариш фаоллигини қайд қилиш қурилмасининг умумий схематик кўриниши [9]. Бунда, А – тажриба қурилмаси, 5 мл ҳажмга эга бўлган (1) махсус идиш физиологик эритма билан (2) тўлдирилган бўлиб, физиологик эритманинг ҳарорати доимийлиги термостат (3) ёрдамида таъминланади. Шунингдек, эритма 95%–O_2; 5%–CO_2 таркибли газлар аралашмаси билан таъминланган (5) бўлиб, механик фаолликни сезувчи қурилма (4) сигнал кучайтиргич (6) орқали Endim 621.02 қурилмасига (7) уланган. В – алоҳида ажратиб олинган аорта силлиқ мускул препарати (8) ҳаракатланмайдиган илгакка (9) ва иккинчи томонидан эса механотрон илгагига махкамланган (10).

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Тажрибаларда копсинин (50–300 мкМ) ва N4-йод метилат копсинин (5–30 мкМ) алкалоидлари каламуш аорта қон томирининг KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган изометрик қисқариш фаоллигига (*in vitro*) сезиларли даражада вазорелаксант таъсирга эгалиги аниқланди. Жумладан, копсинин 50 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан 6,1±3,1% га камайтириши ва максимал 300 мкМ концентрацияда 62,2±4,9% га камайтириши аниқланди (n=4–6). Шунингдек, N4-йод метилат копсинин 5 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан 34,5±4,7% га камайтириши ва максимал 30 мкМ концентрацияда 83,2±3,2% га камайтириши аниқланди. Бунда копсинин ва N4-йод метилат копсинин учун (EC_{50}) қиймати мос равишда – 178,8 мкМ ва 8,7 мкМ га тенглиги аниқланди (3–расм А ва Б).



3-расм. Копсинин (А) ва N4-йод метилат копсинин (Б) алкалоидларининг аорта препаратида KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқаришга концентрацияга боғлиқ вазорелаксант таъсири. Ордината ўқида – аорта қисқариш кучи 50 мМ KCl ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи 100% деб олинган. Абцисса ўқида – алкалоидларнинг концентрацияси мкМ ифодаланган. Барча ҳолатларда ишончлийлик кўрсаткичи (* – p<0,05; ** p<0,01; n=4–6).

Тажрибаларда копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг релаксант таъсирини таъминлашда L-типдаги потенциалга боғлиқ Ca^{2+}–каналларининг иштроки баҳоланди ва бунда 50 мМ KCl билан кальсийсиз муҳитга $CaCl_2$ кумулятив қўшиш орқали чақирилган аорта препартлари қисқаришига уларнинг таъсири ўрганилди. Бу тажрибаларда инкубатция муҳитида $CaCl_2$ (0-2,5 мМ) концентрациясини ошириш L-тип Ca^{2+}–каналлари орқали Ca^{2+} ионларини кириши натижасида аорта қисқариш кучини поғонали кўтарилишига сабаб бўлган (4-расм А). Инкубация муҳитида ўрганилаётган алкалоидларини мавжудлиги $CaCl_2$ ни ортишига жавобан қисқариш кучларини ривожланишини сезиларли камайтирган (4-расм А). Ушбу натижалар ўрганилаётган алкалоидларнинг релаксант таъсири L-тип Ca^{2+}–каналларининг киришини камайиши $[Ca^{2+}]_i$ миқдорини пасайиши ва бу қисқариш фаоллигининг сусайиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Тажрибада копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг релаксант таъсирини таъминланишида L-тип Ca^{2+}–каналлари иштрокини янада ойдинлаштириш мақсадида ушбу каналнинг спесифик блокатори верапамил мавжуд шароитда уларнинг таъсири ўрганилди. Ушбу тажрибадан маълум бўлдики, верапамил EC_{50} = 0,1 мкМ мавжудлигида уларнинг релаксант таъсири камайганлиги кузатилди. Бунда копсинин (EC_{50}=178,8 мкМ) ва N4-йод метилат копсинин (EC_{50}=8,7 мкМ) қисқариш кучини қўшимча мос равишда – 4,6±3,4% гача (назоратга нисбатан 54,6±4,2%) ва 8,3±3,1% гача сусайтириши (назоратга нисбатан 58,3±4,8%) аниқланди (4–расм Б).



4-расм. Копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг релаксант таъсири $[Ca^{2+}]_o$ концентрациясига ва потенциалга-боғлиқ L-тип Ca^{2+}–каналлари ҳолатига боғлиқлиги. А-Кребс эритмаларига $CaCl_2$ ни комулятив қўшиш билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига Копсинин ва N4-йод метилат копсининнинг таъсири. Ординаата ўқида – аорта қисқариш кучи 50 мМ KCl билан чақирилган қисқариш кучи 100 % деб олинган. Абсцисса ўқида - $CaCl_2$ концентрацияси келтирилган. Б – верапамил (0,1 мкМ) мавжуд шароитда 50 мМ KCl ёрдамида чақирилган мускул қисқаришига копсинин ва N4-йод метилат копсининнинг релаксант таъсири (барча ҳолатларда ишончлийлик кўрсаткичи * – $p<0,05$; ** $p<0,01$; $n=4–6$).

Олинган натижаларга асосланиб айтиш мумкинки, копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг релаксант таъсири асосида L- Ca^{2+}-каналлари блокадаси ётади. Лекин, верапамил мавжуд шароитда ўрганилаётган алкалоидларнинг релаксант таъсирини қисман сақланиб қолиши, L- Ca^{2+}-каналлари блокадаси билан бир қаторда силлиқ мускул ҳужайраларидаги Ca^{2+}-ионлари транспорти камайишида бошқа механизмлар ҳам харакатга келган бўлиши мумкин.

Силлиқ мускул ҳужайраларида Ca^{2+} гомоеостазини бошқарилишида потенциалга боғлиқ Ca^{2+}–каналларидан ташқари рецептор бошқарилувчи Ca^{2+}–каналлари ҳам мухим роль ўйнайди [6]. Навбатдаги тажрибаларда ўрганилаётган алкалоидларнинг рецептор бошқарилувчи Ca^{2+}-каналларига таъсир эффектини баҳолаш учун $б_1$–адренорецептор агонисти фенилэфрин (ФЭ) билан чақирилган аорта мускули қисқариши асосан рецептор-бошқарилувчи Ca^{2+}-каналлари орқали кирувчи Ca^{2+}-ионлари билан таъминланади [10].

Бизнинг тажрибаларимизда L-тип Ca^{2+}-канали блокатори-верапамил мавжуд шароитда ФЭ ёрдамида чақирилган аорта қисқариш кучига алкалоидларнинг таъсири ўрганилди. Ушбу шароитда ФЭ билан чақирилган мускул қисқариши, верапамилсиз шароитга нисбатан назоратдан 13,7±2,8% га камайиши кузатилди.

Ушбу шароитда копсинин (200 мкМ) ва N4-йод метилат копсинин (50 мкМ) алкалоидлари ФЭ билан чақирилган аорта қисқаришини назоратга нисбатан 77,4±5,1% ва 60,2±4,3% га максимал камайтирди (5-расм А ва Б).



5-расм. Копсинин (А) ва N4-йод метилат копсинин (Б) алкалоидларининг фенилэфрин билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига таъсири. Копсинин ва N4-йод метилат копсининларнинг 1 мкМ ФЭ билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига дозага боғлиқ таъсири. Ордината ўқида – аорта қисқариш кучи 1 мкМ ФЭ ёрдамида чақирилган аорта қисқариш кучи 100 % деб олинган. Абсцисса ўқида – алкалоидлар концентрацияси. (барча ҳолатларда ишончлийлик кўрсаткичи * – $p<0,05$; ** $p<0,01$; $n=4–6$).

Ушбу тажрибаларда копсинин ва N4-йод метилат копсининларнинг EC50 қийматлари мос равишда 68,1 мкМ ва 33,5 мкМ ни ташкил қилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ўрганилаётган алкалоидларнинг кузатилаётган таъсири рецептор-бошқарилувчи Ca2+-каналлар блокадаси билан юзага келишини таҳмин қилиш мумкин. Рецептор-бошқарилувчи Ca2+-каналларига ўрганилаётган алкалоидларнинг таъсирини қўшимча тасдиғи сифатида б-адренорецепторлар блокатори-фентоламин (ФА) билан ўтказилган тажрибалар орқали изоҳлаш мумкин. Тажрибаларимизда копсинин (200 мкМ) ва N4-йод метилат копсинин (50 мкМ) алкалоидларнинг релаксант таъсири 10 мкМ фентоламин мавжуд шароитда ФЭ қисқариши фентоламинсиз шароитга нисбатан 51,6±5,3 ва 45,4±4,5 га камайиши кузатилди (6-расм).



6-расм. **Копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг релаксант самарасига фентоламиннинг (10 мкМ) таъсири.** Ординаta ўқида – аорта қисқариш кучи 1 мкМ ФЭ ёрдамида чақирилган аорта қисқариш кучи 100 % деб олинган. (барча ҳолатларда ишончлийлик кўрсаткичи * – p<0,05; **p<0,01; n=4–6).

Ушбу олинган натижалар шундан далолат берадики, ўрганилаётган алкалоидларнинг релаксант эффекти рецептор бошқарилувчи Ca^{2+}-каналлар блокадаси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хулосалар

Алкалоидлар - копсинин ва унинг ҳосиласи N4-йод метилат копсинин релаксант таъсирга эга бўлиб, гиперкалийли эритма ва фенилэфрин билан олдиндан чақирилган каламуш аортаси қисқаришини самарали бўшаштиради.

Адабиёт маълумотлари ва тажриба натижалари таҳлили асосида, *Vinca erecta* ўсимлик турларидан ажратиб олинган – копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг каламуш аорта қон томири препаратининг *in vitro* шароитида изометрик қисқариш фаоллигига вазорелаксант таъсири асосан L-тип Ca^{2+}–канали блокадаси билан боғлиқлиқ бўлиши мумкин.

Ўсимликдан олинган копсинин асоси билан метил йодиднинг (CH_3I) ўзаро таъсирлашувидан олинган ҳосиласи N4-йод метилат копсинин релаксант фаоллигини сезиларли даражада ортишига олиб келади.

Ушбу тадқиқот ишида олинган илмий/экспериментал натижалар дитерпеноид алкалоидлар асосида антигипертензив фармакологик препаратларни ишлаб чиқиш учун назарий асос сифатида фойдаланилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

18. Adizov Sh.M.,Tashkhodzhaev., Pratik P., Upadhyay P.Kh., Yuldashev M., Mirzaeva M. Alkyl-and Acyl-Derivatives of Copsinine and Pseudocopsinine and Their Criystal Structures // Chemistry of Natural Compounds. – 2018. – V.54. – P.147-152.
19. Sadritdinov F.S., Kurmukov A.G. The Pharmacology of the Plant Alkaloids and Their Use in Medicine // Tashkent – 1980. – P.47.

20. Kim B., Jo C., Choi H.–Y., Lee K. Vasorelaxant and hypotensive effects of cheonwangbosimdan in SD and SHR rats // Hindawi Evidence–Based Complementary and Alternative Medicine. – 2018. – V.2018. – P.1–8.
21. Ozaki H., Ohyama T., Sato K., Karaki H. Ca^{2+}–Dependent and independent mechanisms of sustained contraction in vascular smooth muscle of rat aorta // Japan J. Parmacol. – 1990. – V.52(510). – P.509–512.
22. Martinsen A., Baccelli C., Navarro I., Abad A., Quetin–Leclerc J., Morel N. Vascular activity of a natural diterpene isolated from *Croton zambesicus* and of a structurally similar synthetic trachylobane // Vascular Pharmacology. – 2010. – V.52. – P.63–69.
23. Cherkaoui–Tangi K., Israili Z.H., Lyoussi B. Vasorelaxant effect of essential oil isolated from *Nigella sativa* L. seeds in rat aorta: Proposed mechanism // Pak. J. Pharm. Sci. – 2016. – V.29(1). – P.1–8.
24. Hoe S.–Z., Lee C.–N., Mok S.–L., Kamaruddin M.Y., Lam S.–K. *Gynura procumbens* Merr. decreases blood pressure in rats by vasodilatation via inhibition of calcium channels // Clinics. – 2011. – V.66(1). – P.143–150.
25. Лакин Г.Ф. Биометрия // Москва. – Изд – во «Высшая школа». – 1990. – С.23–284.
26. Vandier C., Le Guennec J.Y., Bedfer G. What are the signaling pathways used by norepinephrine to contract the artery? A demonstration using guinea pig aortic ring segments // Adv. Physiol. Educ. – 2002. – V.26. – P.195–203.
27. Karaki H., Ozaki H., Hori M. et al. Calcium movements, distribution, and functions in smooth muscle // Pharmacological Reviews. – 1997. – V.49(2). – P.158–229.

СУРХОН-ШЕРОБОД БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИГА АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ.

Ачилова Н.Т.[1], Курбаниязова Г.Т.[2]
[1]Жиззах давлат педагогика институти докторанти
[2]Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти кичик илмий ходими

Аннотация: *Жануби-гарбий Ҳисор округи 5та ботаник-географик районга бўлинади: шундан Сурхон-Шеробод ботаник-георафик райони Сурхондарё ва Шерободдарё оралиғида жойлашган ҳудуд. Асосан ўсимликлар олажинсли ва гипсли тупроқда тарқалган. Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси таркибидаги ўсимлик турларига антропоген омилларнинг тасири, унинг оқибатида ҳудудда тарқалган эндем ва камёб турлар сонининг камайиб, баъзан йўқолиб кетганлиги кузатилган. 2019 йил апрель ойида олиб борилган дала тадқиқотларида Хаудак тоғ чўлидаги Қозоқ қабристонида Allium rhodanthum Vved.нинг 16 тупдан иборат кичик популяцияси аниқланган.*

Калит сўзлар: *Сурхон-Шеробод, ботаник-географик, флора, эндем, субэндем, антропоген.*

ВЛИЯНИЕ АНТРОПОГЕННЫХ ФАКТОРОВ НА ФЛОРУ БОТАНИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКОГО РАЙОНА СУРХАН-ШЕРАБАДА.

Ачилова Н.Т.[1], Курбаниязова Г.Т.[2]

[1]Докторант Джизакского государственного педагогического института

[2]Младший научный сотрудник института Ботаники Академии наук республики Узбекистан

Аннотация: *Юго-западный Гиссарский район разделен на 5 ботанико-географических районов: из них Сурхан-Шерабадский ботанико-географический район расположен между Сурхандарьей и Шерабаддарьей. Растительность в основном размножаются на пестросветных и гипсовых почвах. Влияние антропогенных факторов на виды растений во флоре Сурхан-Шерабадского ботанико-географического района, в результате некоторые эндемичные и редкие види в регионе сократилась, и исчезла. Полевое исследование, проведенное в апреле 2019 года, выявило небольшую популяцию из 16 кустов Allium rhodanthum Vved. На казахском кладбище в пустыне Хаудак тау.*

Ключевые слова: *Сурхан-Шерабадский, ботанико-географический, флора, эндемичный, субэндемичный, антропогенный.*

INFLUENCE OF ANTHROPOGENIC FACTORS ON THE FLORA OF BOTANICAL-GEOGRAPHICAL REGION OF SURKHAN-SHERABAD.

Achilova N.T.[1], Kurbaniyazova G.[2]

[1]Doctoral student of Jizzakh state pedagogical institute

[2]Junior Researcher, Institute of Botany, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

Annotation: *The southwestern Gissar district is divided into 5 botanical and geographical regions: of these, the Surkhan-Sherabad botanical-geographical region is located between Surkhandarya and Sherabaddarya. Vegetation mainly reproduces on variegated and gypsum soils. The influence of anthropogenic factors on plant species in the flora of the Surkhan-Sherabad botanical and geographical region, as a result of endemic and rare species in the region, decreased and disappeared. A field study conducted in April 2019 revealed a small population of 16 bushes of Allium rhodanthum Vved. At the Kazakh cemetery in the Haudak Tau desert.*

Keywords: *Surkhan-Sherabad, botanical-geographical, flora, endemic, subendemic, anthropogenic.*

Дунёда биохилма-хилликни сақлаб қолишнинг асосий йўналишларидан бири табиий экосистемалардаги турларни биологик ҳужжатлаштириш, камёб, эндем ва йўқолиб кетиш арафасида турган ўсимликларнинг популяцияларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш ва турларни сақлаб қолиш чораларини ишлаб чиқиш зурур. Ер юзида ҳар соат дунё флора ва фаунасида тахминан 3 га яқин тур қирилиб бормоқда, уларнинг айримлари ҳали олимлар томонидан очиб улгурилмаган. Бунга сабаб сайёрамизнинг турли регионларидаги экологик шароитлардир: ўрмонларнинг қисқариши, сув ресурсларинин камайиши, ишлаб чиқариш чиқиндиларининг табиатга ташланиши – экобаланснинг бузилишига олиб келмоқда. 95 давлатнинг 1300 га яқин олимлари олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра ҳар йили 6 млн

гектар ўрмон кесилмоқда. Халқаро Қизил китобга сўнги 500 йилда 844 турдаги йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонлар киритилган.

Ўзбекистон Республика Қизил китобининг 2009 йил янги нашрида 321 тур ўсимлик киритилган. Бу республикамиз флорасининг 7,3 %ини ташкил қилади [4]. Республикамизда ҳам Ўзбекистон флорасидаги турлар ҳилма-хиллигини сақлаб қолиш, тиббиёт, давлат аҳамиятига эга бўлган турларни аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, камёб ва эндемик турларни мухофаза қилишнинг турли усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ботаник-георафик районлаштириш ва уларни замонавий флористик тадқиқотларнинг энг асосий бирлиги сифатида қабул қилиниши, бу борада келгусида олиб борилиши лозим бўлган асосий йўналишлар ва тадқиқот ҳудудларини аниқлашга замин яратди [1]. Ўзбекистон ҳудудини ботаник-географик районлаштириш схемасида Тоғли Ўрта Осиё провинцияси 8 та округ, 23 та район, Турон провинцияси 8 та округ 15 та районга ажратилган.

Ғарбий Ҳисор округи 5та ботаник-географик районга бўлинади: шундан Сурхон-Шеробод ботаник-георафик райони Сурхондарё ва Шероботдарё оралиғида жойлашган Сурхон-Шеробод водийси ва унинг шимолгача (Бойсун тоғларигача) чўзилган (100 км) тоғ олди ҳудудларини ўз ичига олади. Ботаник - географик районнинг иқлими қуруқ субтропик, ўсимликлар қоплами асосан гипсли, олажинсли тупроқда тарқалган. [1].

Материал ва методлар.

Олиб борилган дала тадқиқотларида А.В. Щербаков, С.Р. Майоровлар (2006) томонидан ишлаб чиқилган маршурутли методдан фойдаланилди. Тадқиқотлар давомида терилган гербарий намуналарини аниқлашда 11 жилдли “Определитель растений Средней Азии” (1968-2016), 6 жилдли “Флора Узбекистана” (1941-1962), Туркум ва турларнинг номлари “Определитель растений Средней Азии” (2015) ва International Plants Names Index (www.ipni.org), World Checklist of Selected Plant Families (wcsp.science.kew.org.) бўйича келтирилди. Таксонларнинг муаллифлари “Authors of Plant Names” R.K. Brummit, C.E. Powell (1992) қўлланмаси асосида, камёб ва эндем турларни аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби (2009) дан, Миллий гербарий (TASH) фондидаги гербарий намуналаридан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби (2009)га Сурхон-Шеробод ботаник-георафик райони эндем турлари *Allium rhodanthum* Vved. ва *Dipcadi turkestanicum* Vved. киритилган [4]. Улар Ўзбекистон флорасининг эндем турларидир, тарқалиш ареали типи Хаудак тоғ қумлиги, Помир Олой синфига мансуб.

Олинган натижалар.

Сурхон-Шеробод ботаник-георафик райони ўсимликлар дунёси асосан олажинсли ва гипсли тупроқларда тарқалган, ҳудуднинг энг баланд нўқтаси Келиф-Шеробод паст тоғларида 900-1000 метргача етади, қумлик қисми 50000 гектар майдонга эга Хаудак тоғ ва Каттақум чўлидир. Тўпланган маълумотларга кўра Сурхон-Шеробод ботаник-георафик районида дала тадқиқотлари кам олиб борилган, асосан ҳудуд билан чегарадош ботаник-географик районларда олиб борилган. Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Ботаника институти

Миллий гербарий фондида Сурхон-Шеробод ботаник-георафик районидан терилган 1500га яқин гербарий намуналари сақланади, бу курсаткич бошқа ботаник-георафик районидан терилган намуналарга нисбатан анча кам, асосий коллекторлар 1928-1930 йилларда В. Бочанцев, А. Введенский, 1941 йилда П. Гомолицкий. Москва давлат университети гербарий фондида 90га яқин ҳудуддан терилган гербарий намуналари сақланиши аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотларга, илмий адабиётларга, олиб борилган дала тадқиқотларида йиғилган намуналарга, Миллий гербарий фондидаги намуналарга асосланган ҳолда Сурхон-Шеробод ботаник-георафик районида 15 та эндем ва 16 та субэндем турлар ўсиши аниқланди. Эндемларнинг асосий қисми олажинсли тупроқларда ўсади.

Сурхон-Шеробод ботаник-георафик районида антропоген омилнинг таъсири жуда кучли, айниқса, чорва молларнинг тартибсиз боқилиши ҳудуд камёб эндем турларининг сони қисқариб, йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Хаудак тоғ чўлида ҳудуд учун тор эндем турлар *Allium rhodanthum* Vved. ва *Dipcadi turkestanicum* Vved.нинг сони қисқариб, йўқолиб кетишига аҳоли пунктларининг чўл ҳудудига яқинлиги, чиқиндиларнинг тонналаб ташланиши, чорва молларининг тартибсиз боқилиши, қизил тупроқларнинг қурилиш материаллари хомашёси сифатида ковланиши, иқтисодиётнинг бир тармоғи нефтнинг қазиб олиниши ва чиқидиси очиқ табиатга ташланиши чўл экологисига салбий таъсир қилиб, камёб эндем турларнинг йўқолиб кетишига олиб келган.

Allium rhodanthum Vved.нинг Миллий гербарий фондида 9 та намунаси, *Dipcadi turkestanicum* Vved.нинг 2 та намунаси сақланади. Охирги намуналар 1958 йилда терилган. Кўп йиллар давомида олиб борилган дала тадқиқотларида ушбу турлар бошқа учратилмаган, 2019 йил апрель ойида олиб борган дала тадқиқотларимизда Хаудак тоғ чўлидаги Қозоқ қабристонида *Allium rhodanthum* Vved.нинг 16 тупдан иборат кичик популяцияси топилди, турни сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсадида Ботаника боғининг "*Allium боғи*"та 6 та туп пиёзи экилди. (1-расм)

Dipcadi turkestanicum бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари натижа бермади. Бу турларнинг йўқолиб кетишига антропоген омилларнинг кучли таъсиридир.

1-расм. Allium боғига экилган *Allium rhodanthum* Vved.

Хулоса.

Сурхон-Шеробод ботаник-георафик райони флораси, табиати, географик ўрнига кўра Ғарбий Ҳисор округида алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Ҳудуддаги эндем ва субэндем турлар Ўзбекистон флорасининг 0,70%, Сурхон-Шеробод ботаник-георафик райони флорасининг 3,8%ини ташкил қилади. Турлар сонининг қисқариб, йўқолиб кетишига асосан чорва молларининг кўп боқилиши, камёб турларнинг илдизи билан аҳоли томондан ковлаб кетилиши, қурилиш хомашёси сифатида олажинсли тупроқларнинг қазиб олинишидир. Турларни муҳофаза қилишда чорва молларини боқишнинг меъёрий чекловларини қўллаш, аҳолининг экологик онгини ўстириш, турларни инвентаризациялаш, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоят, туман бўлимлари томондан назорат ишларини олиб бориш даркор, шундагина Сурхон-Шеробод ботаник-георафик райони ўсимликлар дунёсини асраб қолиш имконияти юқори бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Папов В.А.. Ботанико-географическое районирование Узбекистана.//Ботанический журнал 2016,№10.
2. Хасанов Ф.О. Эндемичные растения юго-западных отрогов Гиссарского хребта//Узб.биолог.журн. 1990. № 3. С. 41-45.
3. Хасанов Ф.О. Флора Узбекистана том I - «Навруз» Ташкент 2017, С. 34
4. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби».– Тошкент: Chinor ENK,2009.Т.1.– 86,178б.
5.www.ipni.org
6.wcsp.science.kew.org.

IN VITRO ШАРОИТИ УЧУН ЎСИМЛИК РЕСУРСЛАРИНИ СТЕРИЛЛАШ АСОСЛАРИ

Дехқонов Даврон Бурхонович[1], Махмуджонов Дилмурод Иброхим ўғли[2]
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти
(б.ф.н., катта илмий ходим[1], кичик илмий ходим[2]), davron-b@bk.ru

Аннотация: *мазкур мақолада in vitro шароитида ўсимликларни кўпайтириш учун стериллаш бўйича маълумотлар келтирилган ва ҳар бир эксперимент учун тадқиқотчи томонидан стериллаш жаранини оптимал усули ва шароити танлаб олиниши зарурлиги таъкидланган.*

Калит сўзлар: *in vitro, стериллаш, ўсимлик ресурслари, каллус тўқимаси, симоб тузлари.*

МЕТОДЫ СТЕРИЛИЗАЦИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ ДЛЯ IN VITRO КУЛЬТУРЫ

Дехканов Даврон Бурханович[1], Махмуджанов Дилмурод Иброхим угли[2]
Институт Ботаники Академия Наук Республики Узбекистан
(к.б.н., старший научный сотрудник[1], младший научный сотрудник[2]), davron-b@bk.ru

Аннотация: *в данной статье приведена способы и методы стерилизиции растительных ресурсов и предложено проводит оптимизации метода и условия проведение процесса со стороны исследователья.*

Ключевые слова: *in vitro, стерилизация, растительные ресурсы, каллусная ткань, соли ртута.*

STERILIZATION APPROACHES OF PLANTS RESOURCES FOR IN VITRO CULTURES

Dekhkonov Davron[1], Makhmudjanov Dilmurod[2]
Institute of Botany Academy Sciences of Republic of Uzbekistan
(candidate of biological sciences, senior scientific staff[1], junior scientific staff[2]), davron-b@bk.ru

Annotation: *the current shows some approaches of sterilization of plant resources and it was suggested that optimization of sterilization method and condition for every process by investigator.*

Key words: *in vitro, sterilization, plant resources, callus tissue, mercury salts.*

Ўсимлик хужайралари ва тўқималарини *in vitro* шароитида кўпайтиришга оид дастлабки тадқиқотлар 1934 йилда Гаузерет [1] ва Уайт томонидан амалга оширилган [2]. Гаузерет тадқиқотлар давомида озиқа муҳитига индол 3-сирка кислотаси ва витаминларни қўшиш натижасида *Salix* турларида 18 ой давомида культура олишга муваффақ бўлган. Кейинчалик 1939 йили Уайт ўзининг "Potentially Unlimited Growth of Excised Plant Callus in an Artificial Nutrient" номли тадқиқот натижаларини эълон қилиб [3], ҳосил бўлган каллус тўқималари дифференциация ва полярлик хусусиятларини кўрсатмаганини аниқлади. 1970-1980 йилларга келиб, ўсимлик тўқималарини *in vitro* шароитида култивирлаш ва каллус тўқималарини олиш анчайин осон вазифага айланди [4].

Айни пайтга келиб *in vitro* шароитида ўсимликларни кўпайтиришнинг турли (уруғидан ундириш, эмбрион культураси, каллус культураси, гаплоид технологияси, соматик эмбриогенез, протопласт технологияси ва ҳ.к.) усуллари мавжуд [5].

in vitro шароитида стериллаш муҳим босқич ҳисобланиб, мазкур жараённи тўғри амалга оширилиши танланган объектда мавжуд микроорганизмларни нобуд қилиш ва натижада соғлом ўсимлик олишга ҳизмат қилади. Ўсимликларни стериллашда кўплаб кимёвий реагентлар қўлланилади.Буларга мисол қилиб этил спирти, водород пероксиди, гипохлорид тузлари, кумуш хлорид ва бошқа кўплаб реагентларни келтириш мумкин [6].

Одатда ҳар бир объектни стериллашнинг оптимал шароитлари тадқиқот ўтказиш орқали аниқлансада, стериллашнинг умумий қоидаларига риоя қилиш талаб этилади.

Стериллаш жараёнини ўтказишдан олдин танлаб олинган объект оқиб турган илиқ сувда совун билан ва кейинчалик дистилланган сув ёрдамида тупроқ қолдиқлари, қуриган тўқима қолдиқлари ва бошқа кераксиз қисмлардан тозаланади. Ўт ўсимликларнинг барги ва куртаклари дастлаб илиқ сувда совунлаб ва кейинчалик дистилланган сувда ювилади. Кўп ҳолатларда ўсимликларнинг уруғи, барги ва куртакларини стерилизациялаш 96% этанолда 2-10 секунд давомида амалга оширилса, илдиз, илдизмева ва пиёзчалар билан бу жараён 1-2 ҳатто ўсимлик ресурсини катталигига қараб 5 минутгача стерилланади. Ўсимлик ресурсининг хажмига қараб вата ёрдамида абсолют этил спирти билан ҳам ишлов берилиши мумкин. Этил спирти билан ишлов бериш ўсимлик тўқималаридаги мум қатламларни ювишда самарали восита ҳисобланади. Стерилизация самарадорлигини янада ошириш учун турли детергентлар ёки кундалик ювиш махсулотларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Интакт ўсимлик тўқималарини стериллаш учун хлорли (натрий ва кальций гипохлорид, хлор кукуни, хлорамин), симоб препаратлари (сулема, диацид), оксидловчи реагентлардан (водород пероксид, калий перманганат) ва кам ҳолларда кумуш тузларидан (кумуш нитрат) фойдаланилади.

Токсик хусусиятга эга бўлишига қарамай қулай концентрация танланганда симоб тузлари эритмалари ҳисобланган диацид, сулема, фамосепт) стериллашда жуда самарали натижа беради. Булардан сулеманинг ($HgCl_2$) 0,1% ли эритмаси тугунакли ва илдизмевали ўсимлик ресурсларини стериллаш учун 15-20 минут, дарахт куртаклари учун 10-20 минут ва ўт ўсимликларни барги ва пояси учун 4-8 минут вақт давомида ишлов бериш лозим [6].

Айнан симоб тузларидан фойдаланган ҳолда, истиқболли ток (*Vitis vinifera* L.) ўсимликларини кўпайтириш учун уларни шохларидаги куртаклар ва новдалардан кўпайтириш амалга оширилган. Бунинг учун эксплантантлар (0,5-0,7 см) 30 дақиқа давомида сув оқимида, 25 минут давомида марганцовкали сувда ювилиб, 0,1% ли сулема эритмасида стерилланган. Стериллаш жараёни тугагандан сўнг ўсимлик ресурслари бир неча бор дистилланган сувда ювилган [7]. Айнан *Vitis vinifera* L. ўсимлиги навлари билан ин витро шароитида ишлаш мобайнида ўсимликни кўпайтириш учун апикал меристемалар танлаб олинган ва 35 секунд мобайнида 70% ли этанол ва 12 минут давомида брадофен билаш ишлов берилган ҳамда стериллаш жараёни якунида 3 маротаба дистилланган сув билан ишлов берилган [8].

Бундан ташқари ўзида М-цитилпиридинхлорил (666,5 мг/л) ва этилмеркурхлорид (333,5 мг/л) тутган диацид стериллаш жараёнидан сулемага нисбатан кучсизроқ таъсирга эга бўлиб, одатда стериллаш учун 0,1% эритмаси қўлланилади. Ўсимлик ресурсларини ўзида симоб тутган агентлар билан 3-4 маротабагача ишлов бериш мумкин. Стериллаш жараёни тугагандан сўнг ўсимлик ресурсини дистилланган сув билан 15-20 минутдан 4–5 мартагача ювиш талаб этилади [6].

Шунингдек, стериллаш жараёни учун 6-10-20 минут давомийликда водород пероксидини (10-30%) ҳам қўллаш мумкин. Бу агент ўсимлик тўқимасини камроқ зарарлаши ва ундан сўнг сув билан ювиш жараёни камроқ бўлганлиги ҳамда агентни сув ва экин кислородгача парчаланиб кетиш хусусияти мавжуд.

Стериллаш жараёнида самарали натижага эришиш учун фақатина битта агентдан эмас, балки бир неча агентлар комбинациядан ҳам фойдаланилади. Бунга қуйидагилар мисол бўла олади:

1. этил спирти (30-60 сек) – сулема (5-10 мин) – пергидрол (10 мин);
2. этил спирти (30-40 сек) – натрий (кальций) гипохлорид (10-15 мин) – пергидрол (10 мин)
3. спирт (40-60 сек) – сулема (диацид) (5-8 мин) – хлор кукуни (10-15 мин).

Масалан, *Pistacia vera* L var. Siirt ни стериллаш учун 5 хил йўналишда комбинирланган стериллаш жараёни ўтказилган [9]. Уни қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

***Pistacia vera* L var. Siirt ўсимлигини турли реактивлар комбинацияси асосида стериллаш**

1	2	3	4	5
%70 Этанол (2 мин)	70% Этанол (4 мин)	70% Этанол (2 мин)	70% Этанол (2 мин)	70% Этанол (5 мин)
SdH_2O да ювиш (1х)	SdH_2O да ювиш (2х)	SdH_2O да ювиш (1х)	SdH_2O да ювиш (1х)	SdH_2O да ювиш (1х)
5% NaOCl (5 мин)	10% NaOCl (10 мин)	20% H_2O_2 (10 мин)	5% NaOCl (5 мин)	15% NaOCl (15 мин)
SdH_2O да ювиш (1х)	SdH_2O да ювиш (1х)	SdH_2O да ювиш (2х)	SdH_2O да ювиш (1х)	SdH_2O да ювиш (1х)
15% NaOCl (10 мин)	5% NaOCl (5 мин)	10% NaOCl (5 мин)	20% H_2O_2 (15 мин)	70% Этанол (2 мин)
SdH_2O да ювиш (3х)	SdH_2O да ювиш (2х)	SdH_2O да ювиш (3х)	SdH_2O да ювиш (3х)	SdH_2O да ювиш (3х)
	5% H_2O_2 (5 мин)			
	SdH_2O да ювиш (3х)			

Баъзи ҳолларда маълум бир стерилловчи агентнинг турли концентрациялари ўсимликнинг турли органларини стериллашда қўлланилади. Масалан, орхидеяни тўқималарини стериллаш учун 10% ли хлорокс (10 мин), баргдаги қисмларни стериллаш учун 5% ли хлороксда (5 мин), алоҳида куртакларни стериллаш учун эса 1% ли хлороксда 1 минут давомида ишлов берилади ва дистилланган сув билан ишлов бермасдан қуритилади. Биологик ресурсни кумуш нитратнинг ($AgNO_3$) 0,8-1,0% ли эритмаси билан 10-12 минут давомида ишлов бериш самарали натижа беради [6].

Тугунакли, пиёзли ва илдизмеваларни ички қисмларида жойлашган микроорганизмларни анъанавий стериллаш усуллари билан йўқотиш мураккаб масала ҳисобланади. Бу турдаги бактериал ва замбуруғли зарарланишдан ҳоли бўлиш учун антибиотиклар комбинациясидан (стрептомицин (10-80 мг/л) + тетрамицин (200-400 мг/л) + ампициллин/нистатин (20 мг/л)) фойдаланиш тавсия этилади. Лекин ушбу ишлов бериш натижасида каллус тўқима пролиферацияси ва ўсимлик регенерациясига салбий таъсир кўрсатади [6].

F.ferulaeoides уруғларини стериллаш учун 4^0C хароратда сақлагандан сўнг, уруғларни дистилланган сув билан 2 соат давомида ювилган, 70% ли этанол билан 90 секунд кейинчалик 4% ли натрий гипохлорид билан 20 минут давомида стерилланган. Жараён тугагач дистилланган сувда 4 маротаба ювилган [10].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўсимликларни ин витро шароитида кўпайтириш жараёнида уларни стериллашнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Тадқиқотчи стериллаш жараёнини ўтказишда ўсимликлар ва уларнинг ресурслари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, стериллаш жараёнларини оптималлаштириш бўйича мустақил тадқиқот ва синов ишларини олиб боришлари тавсия этилади.

Мазкур мақоладаги маълумотлардан ўсимликларни ин витро шароитида кўпайтиришга қизиқувчи мутахассислар ҳамда Олий таълим муассасаларида ўсимликлар биотехнологиясига оид машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

- R.J. Gautheret. Culture du tissus cambial.C. R. Acad. Sci. 1934. 198. –P. 2195–2196.
- P.R. White. Potentially unlimited growth of excised tomato root tips in a liquid medium. Plant. Physiol. 1934. 9. –P. 585–600.
- P.R. White. Potentially unlimited growth of excised plant callus in an artificial nutrient. Am. J. Bot. 1939. 26. –P. 59–64.
- T.Murashige. Plant propagation through tissue cultures. Annu. Rev. Plant Physiol. 1974. 25. –P. 135–166
- W.Kreis. In-Vitro Culturing Techniques of Medicinal Plants. In: Kayser, O. & Quax, W. J. (eds) Medicinal Plant Biotechnology. From Basic Research to Industrial Applications. WILEY-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Weinheim. 2007. -604 c.
- Ф.Калинин. Технология микроклонального размножения растений. Наукова думка. Киев. 1992. -115с.
- Н.А. Рябушкина. Микроклональное размножение перспективных сортов винограда, созданных в Казахстане. Биотехнология. Теория и практика. 2012. №1. –С. 41-49.
- Л.А. Бугаенко. Морфогенез винограда в культуре in vitro. Ученые записки Таврического национального университета им. В. И. Вернадского. Серия «Биология, химия». Том 24 (63). 2011. № 2. -С. 73-82.
- C. Can. In vitro micrografting of pistachio, Pistacia vera L. var. Siirt, on wild pistachio rootstocks. Journal of Cell and Molecular Biology. 2006. #5. -P.25-31.
- D. Suran. In vitro Seed Germination and Callus Induction of Ferula ferulaeoides (Steud.) Korov. (Apiaceae). Mongolian Journal of Biological Sciences. 2016. –P. 53-58.

УДК: 582.(581.9).3.2

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДА ТАРҚАЛГАН *PHLOMOIDES LABIOSA* (BUNGE) ADYL., R. KAM. ET MACHMEDOV (*LAMIACEAE, PHLOMOIDES*) ТУРИНИ ТАКСОНОМИК ВА ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ

Ғуломов Рустамжон Комилжон ўғли
Наманган давлат университети, Биология кафедраси
1-босқич таянч докторанти.
Tel: 93 409-45-00, e-mail:gulomovr92@mail.ru

Аннотация: *Мазкур мақолада Phlomoides Moench туркумини бугунги кундаги мақоми ва туркумга мансуб Phlomoides labiosa (Bunge) Adyl., R. Kam. et Machmedov турини таксономияси билан боғлиқ масалалар, ботанник таснифи ҳамда географик тарқалиши юзасидан ГАТ харитаси, ботаник-географик ҳудудлар бўйича, дала тадқиқотлари, Ўзбекистон миллий гербарийси (TASH), Москва давлат университети гербарий (MW) фондида сақланаётган намуналарини таҳлилий натижалари келтириб ўтилган.*

Калит сўзлар: *Phlomoides labiosa, тип, синоним, секция, субсекция, ГАТ.*

ТАКСОНОМИЧЕСКИЙ И ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ *PHLOMOIDES LABIOSA* (BUNGE) ADYL., R. KAM. ET MACHMEDOV (*LAMIACEAE, PHLOMOIDES*), РАСПРЕДЕЛЕННЫХ НА ФЛОРЕ УЗБЕКИСТАНА

Ғуломов Рустамжон Комилжон ўғли
Наманганский государственный университет базовая докторантура кафедры Биологии
Tel: 93 409-45-00, e-mail:gulomovr92@mail.ru

Аннотация: *В этой статье обсуждается современное состояние семейства Phlomoides Moench и вопросы, связанные с таксономией видов Phlomoides labiosa (Bunge) Adyl., R. Kam. et Machmedov, принадлежащих к семейству, карта GAT по ботанической классификации и географическому распределению, полевые исследования по ботаническим и географическим регионам, Национальный гербарий Узбекистана (TASH), гербарий МГУ (MW) являются результатами анализа образцов, хранящихся в фонде.*

Ключевые слова: *Phlomoides labiosa, тип, синоним, секция, субсекция, ГАТ.*

TAXONOMICAL AND GEOGRAPHICAL ANALYSIS OF *PHLOMOIDES LABIOSA* (BUNGE) ADYL., R. KAM. ET MACHMEDOV (*LAMIACEAE, PHLOMOIDES*) DISTRIBUTED IN THE FLORA OF UZBEKISTAN

Ғуломов Рустамжон Комилжон ўғли
Namangan State University base doctoral student of the department of Biology
Tel: 93 409-45-00, e-mail:gulomovr92@mail.ru

Annotation: *This article discusses the current status of the Phlomoides Moench family and issues related to the taxonomy of the Phlomoides labiosa (Bunge) Adyl., R. Kam. et Machmedov species belonging to the family, GAT map on botanical classification and geographical distribution,*

field research on botanical and geographical regions, national herbarium of Uzbekistan (TASH), herbarium of Moscow State University (MW) are the results of the analysis of samples stored in the fund.

Keywords: *Phlomoides labiosa, type, synonym, section, sub-section, GAT.*

Кириш. Бугунги кунда флористик ва систематик тадқиқотлар натижасида ўсимликлар тур таркибини конкретлаштириш, тур сифатида ўрнини мустаҳкамлаш, систематик чалкашликларни бартараф этиш, географик тарқалиши ҳамда турни келиб чиқиш марказларини аниқлаш асосий масалалардан бирига айланди. Мазкур масалалар қаторига *Phlomoides* Moench (*Lamiaceae; Lamioideae; Phlomideae*) туркум турларини келтириш ўринли. Мазкур туркум турлари Марказий Европа ва Россиянинг Узоқ Шарқигача, турлар хилма-хиллигининг асосий марказлари сифатида, Хитой, Жанубий-Европа, Марказий Осиё, Эрон (Эрон ва Афғонистон тоғли ҳудудлари) ва Ўрта-Ер денгизи минтақаларини келтириш мумкин [8,2,4].

Тадқиқот объекти ва методи. Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон флорасида тарқалган *Phlomoides labiosa* (Bunge) Adyl., R. Kam. et Machmedov. тури.

Тадқиқотнинг методлари. Дала тадқиқотлари машрутли метод асосида амалга оширилди. Тур номи “Определитель растений Средней Азии” (2015) асари ва International Plants Names Index (www.ipni.org), халқаро электрон маълумотлар базалари асосида келтирилди. Мавжуд гербарий намуналарининг ботаник-географик таҳлили Tojibaev & al. (2016) томонидан ишлаб чиқилган схема асосида бажарилди [7]. Мавжуд гербарий намуналарида келтирилган ҳудудларнинг кординаталари *Googl Earth* дастури орқали аниқланди [9]. Олинган маълумотларга асосланган ҳолда, турнинг Ўзбекистон флорасида ҳудудида тарқалиши юзасидан замонавий гео-ахборот (ГАТ) харитаси, ArcGIS 10. дастури асосида яратилди.

Тадқиқот натижалари. *Phlomoides labiosa* (Bunge) (=*Phlomoides napuligera* (Franch.) Adylov, Kamelin & Makhm., тури *Phlomoides* Moench туркумига мансуб ареали кенгайиб бораётган тур саналади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Ботаника институти” нинг миллий гербарий (TASH) фондида *Phlomoides* Moench туркум турларининг 3200 дан ортиқ гербарийнинг 400 яқини, Москва давлат университети гербарийсида (MW) сақланаётган 1000 яқин гербарийни 40 та намунаси *Phlomoides labiosa* турига тегишли [10].

Ўзбекистон Миллий гербарийсида (TASH) сақланаётган *Phlomoides labiosa* турини гербарий намуналарини инвентаризацияси бўйича натижалар келтирилди. Жумладан, 1908-1928 йилларда (135 намуна); Дробов, Кнорринг, Введенский, Симонов, Гомолицкий, Гранитов, Культиасов, Райкова, Коровин, Попов, Аболин; 1929-1949 йилларда (120 намуна); Короткова, Культиасов, Коморова, Кошурников, Кудряшев, Пазий, Линчевский; 1950-1970 йилларда (98 намуна); Ли, Арифханова, Момотов, Зокиров, Тайжонов, Адылов, Ашурова, Бутков, Введенский, Туйчиев; 1970-1990 йилда (30 намуна); Аширова, Набиев, Адылов, Пратов, Махмедов, Камелин; 1990-2020 йилларда (15 намуна); Адылов, Баканова, Бешко, Матвафаева, Батошов,

Тургинов, Тожибаев каби коллекторлар томонидан терилганлиги ўрганилди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон миллий гербарий (TASH) фондида сақланаётган *Phlomoides labiosa* тур намуналарини йиллар бўйича тақсимланиши

Тур таксономик жиҳатдан таҳлил этилганда қуйидаги натижа олинди.

***Filipendula* секцияси** (Adylov et al., 1986) Sennikov at Lazkov (Флора, 2015: 213: – P. 40–48).

Тип: *Phl. labiosa* (Bunge) Adyl., R. Kam. et Machmedov.

Субсекция. *Labiosae* (Popov) Kamelin, Makhm. subsect. nov. – *Eremostachys* grex *Tuberosae* M. Pop., 1940, Нов. мем. Моск. исп. прир. 19:109.

Typus: *Phl. labiosa* (Bunge) Adyl., R. Kam. et Machmedov.

Илдизолди барглари бутун, чуқур ёки лирасимон ўйилган. Косачабарг найсимон, найсимон-қўнғироқсимон. Гултожбарг оқ, сариқ ёки тўқ сариқ; пастки лаб юқориги лабдан икки марта узун, ўрта қисмининг икки ён томондан ингичклашган, узун туклар билан халқасимон қопланган.

Тип: *Phl. labiosa* (Bunge) Adyl., R. Kam. et Machmedov.

Species: *Phlomoides labiosa* (Bunge)(=*Phlomoides napuligera* (Franch.) Adylov, Kamelin & Makhm., Opred. Rast. Sred. Azii 9: 92 (1987) [1,3].

Таксономик синонимлар.

Phlomoides labiosa (Bunge) Adylov et al. in Adylov, Consp. Fl. Asiae Mediae 9: 92. 1987 = *Eremostachys labiosa* Bunge in Mem. Acad. Imp.Sci. Saint Petersbourg, Ser. 7, 21(1): 79. 1873. - Lectotype (designated here): Kazakhstan/ Uzbekistan, “Inter Wernoje [Almaty] et Taschkent [Toshkent]”, 1871, *A. Petzholdt* (P 00686204; photo at LE!)

= *Eremostachys tournefortii* Jaub. At Spach var. *macrocalyx* Herder in Bull. Soc. Imp. Naturalistes Moscou 41 (2): 390. 1868 = *Eremostachys diversifolia* Regel var. *subvillosa* Regel in Trudy Imp. S.-Peterburgsk. Bot.Sada 6(2): 382. 1880, nom.illeg. – Holotype: Kazakhstan, “Tschikent” [Shymlent], N.Sewerzow (LE!)

= *Eremostachys discolor* Bunge in mem. Acad. Imp. Sci. Saint Petersbourg, Ser. 7, 21(1): 79. 1873. – Lectotype (designated here): Uzbekistan, “prope Taschkent” [=in vicinity of Tashkent, Toshkent], “Kuz-gulak” [Tuz-bulaq], [abundant], 2.6. 1871, *H. Krause* (LE [the upper two larger plants]!)

= *Eremostachys diversifolia* Regel in Trudy Imp. S.-Peterburgsk. Bot. Sada 6(2): 380. 1880. – Lectotype (designated here): as for *Eremostachys discolor* Bunge

= *Eremostachys diversifolia* Regel var. *canescens* Regel in Trudy Imp. S.-Peterburgsk. Bot. Sada 6(2): 382. 1880. – Lectotype (designated here): Uzbekistan, “prope pagum Daul, in Kokania (valle Zaravschan)” [= Samarqand Region: Daul], 24.6.1869, *O. Fedtchenko* (LE!)

= *Eremostachys napuligera* Franch. in Ann. Sci. Nat., Bot.,ser. 6, 18: 237. 1884 =*Phlomoides napuligera* (Franch.) Adylov at al. in Adylov, Consp. Fl. Asiae Mediae 9: 93. 1987. – Holotype: Uzbekistan, “Boukharie: Tengi-Charam” [= Qashqadaryo Region: Dehqonobod?], 32.4.1881, *G. Capus 109* (P 00686222)

= *Eremostachys dielsii* Bornm. In Bot. Jahrb. Syst. 66: 240. 1934. – Syntypes: Afghanistan, “Dar-Ul-Aman, Hugel, 2000 m (Juli 1927, Nr. 24); alter Friedhof (26.6.1928, Nr. 98)”, *C.Manger* (B, destroyed) [4].

Ботаник таснифи. Гемикриптофит. Бўйи 30-60 см. Илдизининг ён шохлари базан йўғонлашиб тугунаксимон шакл ҳосил қилади. Барг асоси лирасимон бўлакли. Гултожбарги 27-32 мм, сариқ ёки тўқ сариқ. Устки лаб бироз тор кўринишда, пастки лаб бироз қайрилган. Устки лаб ташқи ва ички томондан туклар билан қопланган. Чангчи иплари қайрилган. Меваси тук билан қопланган. Апрел-июнь ойларида гуллаб, май-июнь ойида уруғ беради [5]. Наманган, Тошкент, Жиззах, Сурохонарё ва Қашқадарё ҳамда Самарқанд, Навоий вилоятларини асосан соз тупроқли тоғ, адир, теккисликларда (600-2700 м) учратиш мумкин (2-расм).

Муҳофаза ҳолати: LC (IUCN, 2008): Ўзбекистон ва унга туташ минтақаларда кенг тарқалган [4].



2-расм. А) *Phlomoides labiosa* турини табиатдаги ҳолати, Б) Илдиз олди барглари тузулиши С) Поядаги тўпгуллар ҳолати, Д) Гултожбаргнинг ички кўриниши, В) Гулкосача ва гултожбаргнинг умумий тасвири, Г) Гултожбаргни туклaниш ҳолати

Мавжуд адабиётлар, гербарий намуналари ва дала тадқиқотлари натижасида турнинг тарқалиш ареали Марказий Осиёнинг Афғанистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва қисман Покистон ҳудуди бўйлаб ўсиб бормоқда. Жумладан; Тошкент олди теккислиги, Мирзачўл, Қизилқум (жанубий), Карнабчўл, Қарши чўли, Памир-Олой (Туркистон, Малгузар, Нурота тизмалари, Писталитоғ, Хобдинтоғ, Балиқлитоғ, Зарафшон тизмаси: ғарбий томонлар, Олой, Ҳиссор: ғарбий томонлар, Кугитанг, Жанубий Тожикистонни юқори қисмлари), Копетдаг, Карабиль-Бадхиз, Тянь-Шань (Кирғизистон Олатоғ тизмаси, Каратоғ, Каражантоғ, Угам, Пском, Чотқол, Қурама, Фарғона, Моголтоғ), Кара-Кум каби аксарият тоғли ва қисман теккислик ҳудудларни келтириш мумкин (1-харита) [6].



1-харита. *Phlomoides labiosa* (Bunge) Adyl., R. Kam. et Machmedov турини тарқалиш (ГАТ) харитаси

Ўрта-Осиё ҳудудининг аксарят қисмини Тянь-шань, Помир-Олой, Олой тоғ тизмалари эгаллаган бўлиб, уларнинг географик жойлашуви, денгиз сатҳидан баландлиги, иқлими, тупроқ геологияси *Phlomoides labiosa* турини тарқалиш ареалига ҳамда популятциялар сонига таъсир этади. Мазкур тизмаларни чуқур таҳлили турнинг Ўрта-Осиё бўйлаб тарқалиш прогресси ва доминант минтақаларни ажиратишга имкон беради. *Phlomoides labiosa* тури ботаник-географик жиҳатдан таҳлил этилди ва қуйидаги натижалар олинди [7].

I. Тоғли Ўрта Осиё провинсияси.

I-1 Ғарбий-Тянь-шань округи. I-1-б Ғарбий-Чотқол райони; Чотқол тизмаси, **I-1-д Қурама (Охангарон) райони**; Қурама тизмаси, **I-1-ф Тошкент олди райони**; Каржантоғ тизмаси, **I-3 Фарғона-Олой округи. 1-3-б Шарқий-Олой район**; Олой тизмаси, **I-4 Нурота округи. I-4-а Нурота райони**; Нурота тизмаси, **I-4-б Оқтоғ райони**; Оқтоғ тизмаси, **I-4-с Нурота қолдиқ тоғ райони**; Нурота қолдиқ тоғ тизмаси, **1-5 Кухистанг округи**. **1-5-а Шимолий-Туркистон райони**; Молгузар тизмаси, **1-5-б Молгузар райони**; Молгузар тизмаси, **1-5-с Ургут райони**; Зарафшон тизмаси, **1-5-д Зирабулоқ-Зиаидин райони**; Зирабулоқ-Зиаидин тоғи, **1-6 Ғарбий-Ҳисор округи**. **I-6-а Қашқадарё райони**; Ҳиссор тизмаси, **I-6-с Бойсун**

райони; Бойсун тоғ тизмаси, **I-6-д Кўгитанг райони**; Кугитанг тизмаси, **I-6-е Сурхон-Шерабод райони**; **I-8 Панж округи. I-8-а Бобатоғ райони**; Бобатоғ тизмаси.

II. Турон провинсияси.

II-2 Ўрта Сирдарё округи. **II-2-а Чиноз райони**; **II-2-б Мирзачўл райони**; **II-3 Қизилқум округи**. **II-3-а Қизилқум райони**; **II-3-б Қизилқум қолдиқ тоғ райони**; **II-4 Бухоро округи. II-4-а Ўрта-Зарафшон райони; II-4-б Пастки-Зарафшон райони; II-4-с Қарши-Карнобчўл райони** [7].

Хулоса. *Phlomoides labiosa* тури популяциясини ўсиб бораётганли унинг экологик омилларга чидамлилигини, ўсимликлар фитоценологиясида тутган мустахкам ўрнини англатади. Турни манзарали ўсимлик сифатида *in-situ* шароитда иқлимлаштириш ҳамда таркибидаги алкалоидлар, флавоноидалар каби органик бирикмаларни ажиратиб олиш орқали фармацевтика соҳасида дори-дармонлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Popov M.G. 1940. Opyt monografii roda *Eremostachys* Bge. (An attempt of a monograph of the genus *Eremostachys* Bunge). Novye. Med. Moskovsk. Obshch. Isp. Prir. 19: 45.

2. Salmaki Y., Zarre S., Ryding O., Lindqvist C., Scheunert A., Brauchler, C. & Heubl G., Phylogeny of the tribe *Phlomideae* (*Lamioideae*: *Lamiaceae*) with special focus on *Eremostachys* and *Phlomoides*: New insights from nuclear and chloroplast sequences. // Taxon, 2012:61 (1): – P. 177.

3. Kamelin, R.V., Makhmedov, A.M., 1990. Sistema roda *Phlomoides* (*Lamiaceae*) [The system of the genus *Phlomoides* (*Lamiaceae*)]. Bot. Zhurn 75, 241–250.

4. Sennikov, A., Lazkov, G., 2010. Typification of *Eremostachys labiosa* (*Phlomoides labiosa, Lamiaceae*) and its synonyms. Willdenowia 40, 221–226.

5. Введенский А.И. *Eremostachys* Bunge. Флора Узбекистана. – Ташкент: АН. Уз ССР, 1961. – Т. V. – С. 335-336.

6. Адылов Т.А., & Махмедов А.М., *Phlomoides Moench*. Определитель растений Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1987. – Т. 9. – С. 82-106.

7. Тожибаев К.Т., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана. // Узб. Бот. Журн. 2016. №10. - Т. 101.- С. 1118-1121.

8. http://wcsp.science.kew.org/do

9. www.googleearth.com

10. https://plant.depo.msu.ru

ГЕРБАРИЙ КОЛЕКЦИЯЛАРИ ФЛОРИСТИК ТАДҚИҚОТЛАРДА: *HELICHRYSUM* MILL. ТУРКУМИ ГЕРБАРИЙЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Махкамов Тробжон Хусанбоевич
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти
етакчи илмий ходим, биология фанлари номзоди, Тошкент давлат аграр
университети "Доривор ўсимликлар" кафедраси доценти
Хужанов Алишер Нуралиевич
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти
кичик илмий ходим
Хужанова Дилфуза Нуралиевна
Самарқанд вилояти Қўшробот тумани Халқ талимига қарашли 9-умум таълим
мактаби ўқитувчиси
Батошов Авазбек Рисқулович
Наманган давлат университети
биология фанлари доктори, доцент

Аннотация. *Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) фондини рақамли форматга ўтказишга бағишланган тадқиқотлар доирасида Helichrysum Mill. (Asteraceae) туркумига мансуб намуналарининг инвентаризацияси амалга оширилди. Мазкур мақолада 1909 йилдан бошлаб тўпланган ва ҳозирда 300 дан ортиқ бўлган намуналар бўйича таҳлил натижалари келтирилган. Helichrysum туркумининг каталоги тузилди. Гербарий намуналари терилган йиллари бўйича тўлиқ таҳлил қилинди.*

Калит сўзлар. *Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH), Helichrysum, флора, каталог.*

ГЕРБАРНЫЕ КОЛЛЕКЦИИ В ФЛОРИСТИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ: ОБЗОР ГЕРБАРИИ РОДА HELICHRYSUM MILL.

Махкамов Тробжон Хусанбоевич
Институт ботаники Академии наук Республики Узбекистан
Ведущий научный сотрудник, кандидат биологических наук, доцент кафедры
«Лекарственные растения» Ташкентского государственного аграрного университета
Хужанов Алишер Нуралиевич
Институт ботаники Академии наук Республики Узбекистан
младший научный сотрудник
Хужанова Дильфуза Нуралиевна
Учитель 9-й общеобразовательной школы народного образования Кошработского
района Самаркандской области
Батошов Авазбек Рискулович
Наманганский государственный университет
Доктор биологических наук, доцент

Аннотация. *В рамках исследований по оцифровке коллекции Национального гербария Узбекистана (TASH) проведена инвентаризация образцов рода Helichrysum Mill. (Asteraceae). В данной статье приводятся результаты анализа более 300 образцов,*

собранных с 1909 года. Составлен каталог рода Helichrysum. Гербарные образцы были детально проанализированы по годам сбора.

Ключевые слова. *Национальный гербарий Узбекистана (TASH), Helichrysum, флора, каталог.*

HERBARIUM COLLECTIONS IN FLORISTIC STUDIES: HERBARIUM SURVEY OF GENUS HELICHRYSUM MILL.

Makhkamov Trobjon Husanboevich
Institute of Botany of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Leading researcher, candidate of biological sciences, associate professor of the Department of Medicinal Plants of Tashkent State Agrarian University
Khuzhanov Alisher Nuralievich
Institute of Botany of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Junior Researcher
Khuzhanova Dilfuza Nuralievna
Teacher of the 9th comprehensive school of public education of the Koshrabot district of the Samarkand region
Batoshov Avazbek Riskulovich
Namangan State University
Doctor of Biological Sciences, Associate Professor

Annotation. *As part of the digitization of the collection of the National Herbarium of Uzbekistan (TASH), an inventory of samples of the genus Helichrysum Mill was carried out. (Asteraceae). This article presents the results of an analysis of more than 300 samples collected since 1909. A catalog of the genus Helichrysum has been compiled. Herbarium samples were analyzed in detail by year of collection.*

Keywords. *National Herbarium of Uzbekistan (TASH), Helichrysum, flora, catalog.*

Кириш.

Биологик хилма-хилликни тадқиқ этувчи фанларнинг ҳозирги кундаги устивор йўналишларидан бири табиий экотизимлардаги турларини биологик хужжатлаштириш ҳисобланади [1, 2]. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг расмий маълумотларига кўра яқин ўн йилликлар давомида 1 000 000 биологик тур йўқолиб кетиши мумкин [3]. Ҳозирги кунда ер юзасидаги ўсимлик турларининг умумий сони турли манбаларда 310 000 дан ортиқ [4], 374 000 дан ортиқ [5], ≈ 400 000 [1] га яқин деб баҳоланмоқда. Index Herbariorum маълумотлар базасига кўра 2017 йил 1 декабрь ҳолатига рўйҳатга олинган 3400 гербарий коллекцияларида 390 миллион намуналар мавжуд бўлиб, уларда охирги 400 йил ичида йиғилган гербарий намуналари сақланмоқда [2].

Шу муносабат билан дунёдаги барча йирик гербарийларни рақамли форматга ўтказиш [6, 7], ягона электрон тармоғини яратиш [8] каби лойиҳаларнинг кўлами йил сайин ортиб бормоқда. Сўнгги йиллар давомида эса биологик хужжатлаштирилмаган гербарий намуналарнинг автоматлаштирилган идентификацияси учун сунъий интелектдан фойдаланиш борасидаги тадқиқотлар

йўлга қўйилди [9, 10]. Шунингдек, гербарий намуналари миллий флоралар [11] ва тўр тизимли хариталаш борасидаги илмий тадқиқотларда энг асосий восита сифатида баҳоланади [12]. Бу каби тадқиқотларнинг юқори даражада самара бериши мавжуд коллекциялардаги намуналарнинг электрон каталогларини тузиш, маълумотлар базаларини яратиш ва уларнинг кенг кўламли таҳлили билан боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) фондини рақамли форматга ўтказишга бағишланган тадқиқотлар доирасида *Helichrysum* Mill. (Asteraceae) туркумига мансуб намуналарининг инвентаризацияси амалга оширилди. Мазкур мақолада 1909 йилдан бошлаб тўпланган ва ҳозирда 300 дан ортиқ бўлган намуналар бўйича таҳлил натижалари келтирилган. *Helichrysum* туркумининг каталоги тузилди. Гербарий намуналари терилган йиллари бўйича тўлиқ таҳлил қилинди.

Материал ва методлар.

Тадқиқотнинг объекти "Ўзбекистон Миллий гербарийси" ноёб илмий объекти (TASH) фондида сақланаётган *Helichrysum* туркуми турларининг гербарий намуналари хисобланади.

Туркумнинг TASH фондида сақланаётган намуналарининг каталоги А.Л.Тахтаджан [13] системасига мувофиқ тузилди. Таксономик бирликларнинг илмий номлари "Определитель растений Средней Азии" [14] ва International Plants Names Index (www.ipni.org) халқаро электрон маълумотлар базаси [15] асосида келтирилди. Таксонларнинг муаллифлари R.K.Brummit, C.E.Powell [16] бўйича қайд этилди. Гербарий намуналарининг географик координаталари Google Earth бўйича аниқланди. Турларнинг Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлари бўйича тақсимланиши акс эттирувчи ГАТ хариталари ArcGIS 10.0 дастуридан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили.

Helichrysum туркуми П. Миллер [17] томонидан фанга киритилган. *Helichrysum* номи грекча сўздан олинган бўлиб, helios-қуёш, chrysos-олтин деган маънони англатади. Илк бор туркум систематикасини тузишга бўлган уриниш Л.П. Декандоль [18] томонидан амалга оширилган. Туркумнинг янада такомиллаштирилган ва қайта ишланган системаси Г. Бентамга тегишлидир. Туркум систематикаси кейинчалик СССР флораси учун *Helichrysum* туркумига монографик қайта ишлов берган М.Э. Кирпичников [19] ишлари билан тўлдирилган. Классификацияга Г. Бентам системаси асос қилиб олинган, унга кўра собиқ СССР ҳудудида ёввойи ҳолда тарқалган барча туркум турлари Helichrysum секцияси таркибига киради. М.Э.Кирпичников [19] ушбу секцияни 16 тур ва 5 қаторга ажратди.

Helichrysum туркуми вакиллари ўзининг полиморфлиги билан алоҳида ажралиб туради. *Helichrysum* туркуми турлари ривожланишига органларнинг ҳосил бўлиши ёки ривожланмаслиги, новданинг ўсиш характери, ер устки массасининг ривожланиш даражаси, вегетатив ва генератив новдаларнинг сони, ўсимликнинг баландлиги ва диаметри ўртасидаги мутаносибликлар киради. Г.Н. Высоцкий таклиф қилган классификациясига кўра, *Helichrysum* туркуми турлари кўп йиллик, тик пояли чалабута, поликарп, гемикриптофит ўсимликлар ҳисобланади [20].

***Helichrysum* туркуми турларининг** ер юзида 800 га яқин тури учраб, **МДҲ мамлакатларида туркумнинг 16 тури қайд этилган** [21]**. Туркум вакилларининг Ўрта Осиё мамлакатларида, хусусан Қозоғистон флорасида [22] 2 тури (*H.arenarium* Moench, *H.maracandicum* Popov ex Kirp), Тожикистон флорасида [23] 3 тури (*H.maracandicum* Popov ex Kirp., *H.mussae* Nevski, *H.thianschanicum* Regel), Қирғизистон флорасида [24] 3 тури (*H.maracandicum* Popov ex Kirp., *H.mussae* Nevski, *H.thianschanicum* Regel), Туркманистон флорасида 3 тури (*H.bracteatum* Andr., *H.kopetdagense* Kirp., *H.mussae* Nevski) ҳамда Ўзбекистон флорасида [25] 4 тури (*H.arenarium* Moench, *H.maracandicum* Popov ex Kirp., *H.mussae* Nevski, *H.nuratavicum* Krasch) қайд этилган. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, *H.mussae* Nevski тарқалиш ареали бошқа турларга нисбатан кенгроқ саналади.**

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон флорасида ***Helichrysum*** туркумининг 4 тури учраб, TASH фондида сақланаётган туркум турларининг инвентаризацияси натижасида 342 та гербарий намуналари мавжудлиги аниқланди (1-жадвал).

Жадвал 1

Ўзбекистон Миллий гербарийсида сақланаётган *Helichrysum* Mill. турлари

№	Турнинг номи		Сони
	Гербарий ёрлиғидаги	**Қабул қилинган (accepted named)**	
Ўзбекистон флорасида учрайдиган турлар			
1.	*Helichrysum arenarium* (L.) Moench	*Helichrysum arenarium* (L.) Moench	5
2.	***Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp.**	***Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp.**	146
	***Helichrysum plicatum* DC.**		56
3.	***Helichrysum mussae* Nevski**	***Helichrysum mussae* Nevski**	110
4.	***Helichrysum nuratavicum* Krasch.**	***Helichrysum nuratavicum* Krasch.**	21
Ўзга худуд флораларида учрайдиган турлар			
5.	*Helichrysum thianschanicum* Regel	*Helichrysum thianschanicum* Regel	4
Жами намуналар сони			**342**

Ўзбекистон Миллий гербарийсида сақланаётган ***Helichrysum*** туркуми 2 турининг саноқли гербарий намуналари мавжуд: *H. thianschanicum* (4 дона), *H. arenarium* (5дона). *H. thianschanicum* туридан кам терилганлигининг асосий сабаби юқоридаги жадвалдан кўриниб турганидек, ўзга худуд флорасига мансублигидир. *H. arenarium* тури Ўзбекистон флораси асарида келтирилган бўлсада, хақиқатдан Ўзбекистон худудида ўсишини исботловчи хужжат, яъни гербарий намуналари TASH фондида мавжуд эмас. Турнинг мавжуд 5 дона гербарий намуналари Россия худудидан 1916-1925 йиллар оралиғида Б.А.Куфтин, Е.П.Коровин каби олимлар томонидан терилган. 1978 йил С.Е. Ережеповнинг "Флора Каракалпакии, ее хозяйственная характеристика, использование и охрана" монографиясида турлар

таркибида келтириб ўтилган [27]. Лекин хозирги кунгача қарийб 100 йил вақт оралиғида турнинг ўсиш маконлари қайд этилмаган. Шунинг учун ушбу турнинг гербарий намуналари кам сонда.

Ўзбекистон Миллий гербарийси асосий фондида ***H. nuratavicum*** **Krasch** турининг 21 дона гербарий намуналари сақланаётган бўлса, 2018 йилгача фақат 3 дона гербарий намунаси мавжуд бўлган. Ушбу 3 дона гербарийлардан энг дастлабки гербарий намунаси 1931 йил 27 июлда Кобрапова томонидан Нурота тоғ тизмасининг шарқий ёнбағирликларидан терилган. Қолган 2 донаси Бочанцев томонидан 1934 йилда Кой-таш тоғидан (Памироалай. Горы Кой-таш. По дороге: из киш. Кок-булак в киш.Омандара. 5.08.1934 год. Собр. Бочанцев.). Сўнгги йилларда олиб борилган мақсадли дала тадқиқотлари давомида, яъни 2018 йил 4-5 июнда кичик илмий ходим А.Н. Хужанов томонидан Нурота тоғ тизмаси Нурота қўриқхонаси Хаётсой, Андигенсой, Тикчасой, Душох худудларида ***H. nuratavicum*** тури қайд этилди. Ҳар бир худуддан ўсимликнинг табиий популяцияларига зиён етказмаган ҳолда 2-3 донадан, жами 18 дона гербарий намуналари олинди (1-расм). Шуни айтиш лозимки, ***H. nuratavicum*** **Нурота тоғ тизмаси учун эндем ҳисобланиб, 2009 йил Ўзбекистон Қизил китобига киритилган** [26] .

Helichrysum Mill. туркумининг гербарий намуналарининг кам сонда терилганлигига асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- аксарият турлари тор тарқалиш ареалига эга;
- экологик маконидаги қоплаш ва учраш даражаси паст;
- сўнгги йиллар давомида ***Helichrysum*** туркуми махсус тадқиқотларнинг объекти сифатида ўрганилмаган;
- янги гербарий намуналарини йиғиш бўйича мақсадли дала тадқиқотлари ўтказилмаган.

TASH фондида мавжуд ***Helichrysum*** Mill. турларининг 1910 йилдан 2019 йилгача бўлган муддат давомида гербарий намуналарининг сони бўйича маълумотлар 2-расмда келтирилган.



1-расм. *Helichrysum* Mill. туркуми турларининг гербарий намуналари терилган жойлар

1910 йиллардан бошлаб намуналар сонини ортиб бориши Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистон худуди бўйлаб флора тадқиқотлари кўламини кенгайиши билан изоҳланиши мумкин (2 -расм). 1920–1949 йиллар оралиғига ***Helichrysum*** туркуми бўйича тўпланган гербарий намунларининг энг катта кўрсаткичи тўғри келади. Шу вақтда ҳозирги кунда TASH фондида сақланаётган ***Helichrysum*** намуналарнинг 46% дан ортиқ қисми йиғилган. Агарда А.Н. Хужанов томонидан 2018 йилда йиғилган 131 дона гербарий намуналарини хисобга олмасак, 1920–1949 йиллар оралиғида TASH фондида сақланаётган ***Helichrysum*** намуналарнинг 75% дан ортиқ қисми йиғилган. Бу давр Марказий Осиё флораси бўйича дастлабки йирик илмий асаарларни яратилиши (О.А. Федченко, Б.А. Федченко, 1906–1916), Марказий Осиёдаги энг биринчи университетни ташкил этилиши (1920) ва номдор ботаник олимлар сафи билан тўлдирилиши (М.Г. Попов, Р.И., Аболин, П.А. Баранов, И.А. Райкова, Е.П. Коровин ва бошқ.) ҳамда ўсимликлар қопламини ўрганиш билан боғлиқ бўлган тадқиқотларнинг кучайиши билан чамбарчас боғлиқ.



2-расм. TASH фондидаги *Helichrysum* Mill. турларининг гербарий намуналарини йиллар бўйича тақсимланиши

Гербарий намуналарини тўплашдаги иккинчи катта босқич 2010-2019 йилларда А.Н.Хўжанов томонидан мақсадли дала тадқиқотлари олиб борилган даврига тўғри келади. А.Н. Хужанов томонидан шу йиллар оралиғида жами 131 дона гербарий намуналари йиғилган бўлиб, ҳозирги кунда TASH фондида сақланаётган ***Helichrysum*** намуналарнинг 40% га яқин қисми йиғилган. Шу билан бирга ушбу йиллар оралиғида Ўзбекистон Миллий гербарийсида инсерация-гербарий намуналарини аниқ тартиб бўйича жойлаш ишлари жадал равишда олиб борилганини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.

Энг кам гербарий намуналари 1970-2009 йилларга тўғри келганини, 1990-2009 йиллари эса умуман терилмаганлиги флористик тадқиқотлар натижасида терилган гербарий намуналарини TASH асосий фондига умуман жойлаштирилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бир асрдан кўпроқ вақт оралиғида Ўзбекистон худудида учрайдиган ***Helichrysum*** туркуми турларига оид гербарий намуналари TASH фондида 342 донадан кўпроқни ташкил этса, шундан энг кўп терилган гербарий намуналари 2 турга тўғри келади: ***Helichrysum maracandicum* -146 намуна, *Helichrysum mussae* – 110 намуна**.

Ушбу турлардан гербарий намуналарининг кўп терилганлигига асосий сабаблар сифатида, уларнинг географик ареаллари ва экологик диапазонларини кенглиги, шу билан бирга чорва моллари учун истемолга яроқсизлигини келтириш мумкин.

Хотима.

Ўзбекистон Миллий гербарийси ноёб илмий объекти инвентаризациядан ўтказилиши натижасида оила ва туркумлар кесимида флористик, географик, хронологик каталоглар тайёрланмоқда. Каталог ўз ичига флористик, ареологик, хронологик маълумотларни олиб, Ўзбекистон Миллий гербарийсида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларининг фойдалилик коэфицентини юқори бўлишига замин бўлади. TASH фондида *Helichrysum* Mill. туркумининг Ўзбекистон худудида учровчи асосан 3 турининг мавжудлиги ва С.Е.Ережеповнинг "Флора Каракалпакии, ее хозяйственная характеристика, использование и охрана" монографиясида келтирилган биргина тури *Helichrysum arenarium* (L.) Moench охирги йилларда каллекторлар томондан умуман гербарий намуналари йиғилмаганлигини инобатга олган ҳолда йўқолиб кетган бўлиши мумкин деган фаразга келишимиз мумкин. Кам сонда терилган турлардан мақсадли дала тадқиқотлари давомида янги гербарий намуналари тайёрланиши натижасида туркумнинг замонавий ареаллари ва экологик маконларини тўлиқ тасвирлаш имкони яратилади.

Адабиётлар рўйҳати

1. Pimm S. L. & al., Science 344, 1246752 (2014). DOI: 10.1126/ science.1246752.
2. Zhang, Z.-Q., Christenhusz, M.J.M., Esser, H.-J., Chase, M.W., Vorontsova, M.S., Lindon, H., Monro, A. & Lumbsch, H.T. (2014) The making of the world's largest journal in systematic botany. Phytotaxa 191 (1): 1–9. http://dx.doi.org/10.11646/phytotaxa.191.1.1.
3. Summary of United Nations report from the Intergovernmental Science-Policy Platform on Biodiversity and Ecosystem Services (IPBES). May 2019.
4. Chapman, A.D. (2009) Numbers of Living Species in Australia and the World, 2nd edition. A Report for the Australian Biological Resources Study September 2009. Australian Biodiversity Information Services, Toowoomba. Available from: http://www.environment.gov. au/node/13866 (accessed 5 March 2016).
5. Christenhusz, M.J.M., & Byng James W. The number of known plants species in the world and its annual increase. 2016. Phytotaxa 261 (3): 201–217.
6. Seregin, A.P. 2018. The largest digital herbarium in Russia is now available online! *Taxon* 67(2): 465–467. http://dx.doi.org/10.12705/672.34.
7. Kislov, D.E., Bakalin, V.A., Pimenova, E.A., Verkholat, V.P. & Krestov, P.V. 2017. An electronic management system for a digital herbarium: development and future prospects. *Botanica Pacifica* 2: 59–68. http://dx.doi.org/10.17581/bp.2017.06207.

8. Thiers, B.M. 2019. The World's Herbaria 2018: a summary report based on data from Index Herbariorum. Issue 3.0. New York. 18 p. http://sweetgum.nybg.org/science/docs/The_Worlds_Herbaria_2018.pdf
9. Jose Carranza-Rojas, Herve Goeau, Pierre Bonnet, Erick Mata-Montero, and Alexis Joly. Going deeper in the automated identification of Herbarium specimens. BMC Evolutionary Biology, 17(1):181, Aug 2017.
10. Sohaib Younis, Claus Weiland, Robert Hoehndorf, Stefan Dressler, Thomas Hickler, Bernhard Seeger, and Marco Schmidt. Taxon and trait recognition from digitized herbarium specimens using deep convolutional neural networks. Botany Letters, 03 2018.
11. Sennikov A.N. (ed.) 2017. *Flora of Uzbekistan*, vol. 2. Navroʻz Publishers, Toshkent. xii + 200 pp.
12. Серегин А.П. Флора Владимирсокй области: анализ данных сеточного картирования. Москва, Товарищество научных изданий КМК, 2014.
13. Тахтаджян А.Л. Система магнолиофитов. – Л.: Наука, 1987. – 439 с.
14. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. Т. XI. – Т.: Фан, 2015. – 497 с.
15. International Plant Names Index [Электронный ресурс].–URL: www.ipni.org (Accessed 22 January 2020).
16. Bruckner C. Gynoecium Ontogeny and Carpology in Corydalis DC. section CIzeilanthifoliae LIDEN Fumariaceae) // Flora. 187, 1992. – P. 299-316.
17. Miller P. H. 1754. The Gardenery Dictionary, ed. 4. London.
18. De Candolle Aug. P. Prodromus systematis naturalis regni vegetabilis,vol.6. Parisis. - 1837.
19. Кирпичников М. Э. Род цмин, бессмертник - *Helichrysum* Mill // Флора СССР. М.; Л., 1959. - Т. XXV. - С. 404-430.
20. Аглиуллина Н. А. Ценопопуляционные характеристики и особеннсти биологии *Helichrysum arenarium* (L.) moench. В Башкирском зауралье. Дипломная работа. Сибай, 2004. – 53 с.
21. Флора СССР. – М. 1959.–Т. XXV.– С. 404-431.
22. Флора Казахстана. В 9 т.– Алма-Ата: изд. АН КазССР 1956-1966.
23. Флора Таджикистана. В 10 т.– М., Л.: изд. АН СССР, 1957-1988.
24. Флора Киргизской ССР. В 12 т. – Фрунзе: изд. АН КиргССР 1952-1962.
25. Флора Узбекистана. – Ташкент, 1962.–.Т. VI.–С. 78-81.
26. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». 2-томда. – Тошкент: Chinor ENK, 2009. Т.1. – 360 б.
27. Ережепов С.Е. Флора Каракалпакии, ее хозяйственная характеристика, использование и охрана. Издательство «Фан» УзССР, Ташкент. 1978 г. – С. 300.

ВЫДЕЛЕНИЕ И КОЛИЧЕСТВЕННОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ *β*-ЭКЗОТОКСИНА В ЭФФЕКТИВНЫХ ШТАММАХ *BACILLUS THURINGIENSIS*

Халилов Илхом Маматкулович
Институт микробиологии АН РУз,
кандидат биологических наук
Кадырова Гульчехра Хакимовна
Институт микробиологии АН РУз
доктор биологических наук
Халилова Феруза Маматкуловна
Бухарский Государственный Университет,
ассистент преподавателя
email: ilkhom2002@yahoo.com

В данной работе определены количественные содержания β-экзотоксина в эффективных штаммах *Bacillus thuringiensis.* При культивирования наибольшая продукция β-экзотоксина выявлено в штамме *Bt*1–300,0 мг/*л* среды выращивания, далее в штамме *Bt*18фо – 123,0 мг/*л*, и низкая продукция токсина установлено в штамме *Bt*M_{th1} – 42,02 мг/*л*. Проведенные вычисления коррелируются с полученными данными по биоинсектицидной активности штаммов-продуцентов, так, для штамма *Bt*1 – 80% гибели насекомых, *Bt*18фо – 60%, *Bt* M_{th1} – 30%.

Ключевые слова: бактерии, *Bacillus thuringiensis*, β-экзотоксин, инсектицидная активность

САМАРАДОР *BACILLUS THURINGIENSIS* ШТАММЛАРИДА β - ЭКЗОТОКСИННИ АЖРАТИШ ВА МИҚДОРИЙ АНИҚЛАШ

Халилов Илхом Маматкулович
ЎзРФА Микробиология институти,
биология фанлар номзоди
Кадырова Гульчехра Хакимовна
ЎзРФА Микробиология институти,
биология фанлар доктори
Халилова Феруза Маматкуловна
Бухоро Давлат Университети,
ассистент ўқитувчи
email: ilkhom2002@yahoo.com

Ушбу илмий ишда самарадор *Bacillus thuringiensis* штаммларида β-экзотоксиннинг миқдори аниқланди. Озиқа муҳитида ўстирилганда энг юқори β-экзотоксин хосил қилиши *Bt*1 штаммида –300,0 мг/*л* миқдорда, сўнгра *Bt*18фо-123,0 мг/*л*, токсиннинг кам миқдори *Bt*M_{th1} – 42,02 мг/*л* бўлиши кузатилди. Ўтказилган тадқиқотлар штамм-продуцентларнинг биоинсектицид фаоллиги, яъни *Bt*1 штамма – 80%, *Bt*18фо – 60%, ва *Bt* M_{th1} – 30% зараркунанда хашаротларни нобуд бўлиши, экзотоксин ҳосил қилиш миқдори билан корреляцияланади.

Калит сўзлар: бактерия, *Bacillus thuringiensis,* β-экзотоксин, инсектицид фаоллик

ISOLATION AND QUANTITATIVE DEFINITION OF β -EXOTOXIN IN EFFECTIVE STRAINS OF BACILLUS THURINGIENSIS

Khalilov Ilkhom Mamatkulovich
Institute of Microbiology, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,
PhD of biological sciences
Kadirova Gulchekhra Khakimovna
Institute of Microbiology, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Doctor of Biological Sciences
Khalilova Feruza Mamatkulovna
Bukhara State University,
teaching assistant
email: ilkhom2002@yahoo.com

The quantitative content of β-exotoxin was determined in the effective strains of Bacillus thuringiensis. It was established that the greatest production of β-exotoxin in the *Bt*1 strain is 300.0 mg / L of the growing medium, then in the *Bt*18fo strain it is 123.0 mg / L and the low toxin production in the *Bt*Mth1 strain is 42.02 mg / L. The calculations correlate with the data on the bioinsecticidal activity of producer strains, for example, for strain *Bt*1 - 80% insect death, *Bt*18fo - 60%, *Bt* Mth1 - 30%.

Key words: bacteria, Bacillus thuringiensis, β-exotoxin, insecticidal activity

Анализ литературных данных говорит о широком использовании в мировой сельскохозяйственной практике препаратов на основе штаммов *Bacillus thuringiensis* (*Bt*) против жесткокрылых насекомых, а также по отношению тех насекомых, которые не чувствительны к δ-эндотоксину. Следовательно, основным действующим агентом наряду с *δ*-эндотоксином является *β*-экзотоксин. К таким препаратам относятся битоксибациллин (БТБ-202) и туринген (Россия), туринтокс (Румыния), мускобак (Финляндия), инсектицидный препарат ABG – 6146 (США), содержащий 55% экзотоксина, рекомендованных против личинок мух и долгоносика [1].

β-экзотоксин секретируемый некоторыми штаммами *B. thuringiensis* в начале спорообразования является термостабильным соединением с молекулярной массой 701 Да. Следует отметить, что большое значение имеют высокочувствительные и надежные методы количественного определения β-экзотоксина у бактерий. Несомненно, во многих странах препараты на основе β-экзотоксина не могут быть распылены на сельскохозяйственные культуры [2]. Кроме того, скрининг штаммов *B. thuringiensis* на наличие новых инсектицидных соединений требует удаление образцов, содержащих β-экзотоксин. Таким образом, для исследований по регуляции биосинтеза и секреции β-экзотоксина требуются чувствительные методы для их количественного определения.

На основе вышеизложенного целью данного исследования является выделение и изучение особенностей токсинобразования у штаммов *B. thuringiensis*.

Материалы и методы исследований

Выявление β-экзотоксинобразующих культур. Способность бактерий выделенных штаммов синтезировать термостабильный β-экзотоксин определяли по методу Э.И.Неудачиной (1988) [3]. Для глубинного культивирования использовали конические широкогорлые колбы, объемом 500 мл, содержащие по 350 мл пептонной среды [4]. Культуру выращивали при 28°-30°С в течение 24 час на круговой качалке 185 об/мин. Посевная доза составляла 5% от объёма. После бактериальную культуру отстаивали в холодильнике в течение сутки. Далее, с верхнего слоя надосадочной жидкости отбирали по 100 мл и центрифугировали в течение 15 мин при 4000 об/мин. Супернатант стерилизовали через бактериальный фильтр и автоклавировали в течение 15 мин при 1атм. Проавтоклавированную надосадочную жидкость использовали для инфицирования тест-насекомых *Galleriae mellonella L.*, через корм [5]. Ежедневно проводили визуальное наблюдение за состоянием тест-насекомых *Galleriae mellonella L.* в течение 14 сут. При этом регистрировали внешние проявления инфекционного процесса. Процент погибших насекомых подсчитывали по отношению к исходному количеству насекомых отобранных для экспериментов с учётом данных контрольного варианта. Данную серию экспериментов проводили в 5-ти кратной повторности.

ВЭЖХ анализ. ВЭЖХ анализ и подготовка образцов β-экзотоксина проводили по методу Gohar M. at al., (2001) [6]. Хроматография на силикагеле проводили по методу Shim Chang-Bum at al., (1985) [7]. В качестве маркера использовали АТФ (Sigma).

Результаты и их обсуждение

Ранее нами были исследованы инсектицидная активность местных энтомопатогенных штаммов *Bacillus thuringiensis.* Для культивирования бактерий были отобраны питательные среды на основе дешевого местного сырья, такие как послеспиртовая барда, меласса, кукурузный экстракт [4,8].

В данной работе отобраны штаммы (*Bt*1, Bt M_{th1}, Bt*18Фо*) с различной степенью активности по синтезу β-экзотоксина. В колонку HPLC-прибора вводили по 20 мкл частично очищенных препаратов β-экзотоксина. ВЭЖХ-анализ показал, что пики соответствующие активности β-экзотоксина у всех исследуемых препаратах очень сходны. При этом, были получены наиболее выраженные и максимально характерные данные для исследуемых штаммов *Bacillus thuringiensis* №1 (см рис.1).

В соответствии рисунка 1, фракции препарата *Bacillus thuringiensis* 1 имеют до 9 пика, но наиболее максимальный выход фракций, регистрированный УФ-датчиком, наблюдается в диапазоне от 1,3 до 2,3 мин. Следует отметить, что в работе нами были использованы колонки длиной 15 см, а по литературным данным выход β-экзотоксина в интервале времени 4,5-5,5 мин при использовании колонки длиной 25

см, предположительно, что данные фракции являются изоформами β-экзотоксина [6].

Анализ длины волн (см. рис. 2) показал, что данные фракции зарегистрированы прибором при длине волны от 220 до 260 нм. В той или иной мере похожая хроматограмма наблюдается для других препаратов, содержащих β-экзотоксин (рис. 3-6).

Если рассматривать фракции с максимальными площадями пиков в диапазоне времени выхода от 1,3 до 2,0 мин и УФ-диапазоне волн, то наиболее продуктивным штаммом, продуцирующий β-экзотоксин, можно считать, образец фракций препарата *B. thuringiensis* 1 – 29,3659 % β-экзотоксина от общего количества органических веществ супернатанта (табл. 5), далее образец фракций препарата *B. thuringiensis* 18фо – 11,7912 % (рис.5,6 и табл.3) и образец фракций препарата *Bacillus thuringiensis* M_{th1} – 7,9621 % (рис.3,4 и табл.2). Учитывая что препараты содержали частично очищенные формы β-экзотоксина, их разделение на HPLC-приборе показало, что образец препарата *Bacillus thuringiensis* 1 является самым активным препаратом, что соответствует с данными по энтомоцидной активности этого же штамма-продуцента.

Таблица 1

Свойства фракций препарата *Bacillus thuringiensis* 1

№ Фракции	Время выхода, мин	Высота пика, [mAU]	Площадь пика, %
1	1,331	151,48112	16,1135
2	1,544	19,23003	4,4807
3	1,628	67,95843	9,9270
4	1,801	65,56070	11,8842
5	1,907	10,60598	1,2496
6	2,023	192,48969	**29,3569**
7	2,398	27,75698	6,1784
8	2,965	2,04863	0,4811
9	3,187	3,37075	0,5979
10	3,346	4,90436	1,5761
11	4,112	49,99836	12,4379
12	4,294	9,95671	2,5303
13	5,109	12,45991	2,7508
14	6,553	1,57034	0,3996

1



Рис. 1. HPLC-хроматограмма частично-очищенного препарата *Bacillus thuringiensis sp.* №1.

2



Рис. 2. Спектр фракций препарата *Bacillus thuringiensis* №1.

3



Рис. 3. HPLC-хроматограмма частично-очищенного препарата *Bacillus thuringiensis* M*th1*.

4



Рис. 4. Спектр фракций препарата *Bacillus thuringiensis* M*th1*.

5



Рис. 5. HPLC-хроматограмма частично-очищенного препарата *Bacillus thuringiensis* №18фо.

6



Рис. 6. Спектр фракций препарата *Bacillus thuringiensis* №18фо.

Таблица 2

Свойства фракций препарата *Bacillus thuringiensis var. thuringiensis* M_{th1}

№ Фракции	Время выхода, мин	Высота пика, [mAU]	Площадь пика, %
1	1,337	275,99881	43,4251
2	1,598	34,92855	9,3312
3	1,774	14,33115	3,1562
4	1,866	13,80181	2,7433
5	1,961	49,96936	**7,9621**
6	2,204	10,15452	5,3160
7	2,462	5,16351	3,1677
8	2,874	3,74460	2,2260
9	3,243	6,12494	3,3861
10	3,455	2,57899	1,0647
11	3,996	24,91386	10,8810
12	4,250	7,82519	2,9867
13	4,618	2,02276	0,9581
14	4,966	7,20083	2,3006

Таким образом, без наличия стандартного эталона β-экзотоксина на основании данных по HPLC-хроматографии и литературных данных нам удалось выявить фракции токсина и оценить его относительное количество в полученных препаратах штаммов-продуцентов β-экзотоксина.

Дальнейшей задачей является фракционирование и выделение отдельных наиболее активных фракций β-экзотоксина с промежуточной проверкой энтомоцидных свойств и структуры биоинсектицида с помощью ТСХ и других анализов.

Таблица 3

Свойства фракций препарата *Bacillus thuringiensis* 18фо

№ Фракции	Время выхода, мин	Высота пика, [mAU]	Площадь пика, %
1	1,337	37,49684	8,2722
2	1,437	10,06393	3,0445
3	1,608	41,73624	9,2853
4	1,769	32,75264	7,6902
5	1,861	10,32029	2,1153
6	1,994	57,57872	**11,7912**
7	2,261	24,27281	16,2210
8	2,840	5,05304	5,3730
9	3,199	4,87892	3,4825
10	3,931	81,08135	29,2305
11	4,630	1,69398	1,8203
12	4,877	5,03577	1,8203
13	6,753	2,85198	0,8965

Тонкосолойную хроматографию (ТСХ) выделенных образцов β-экзотоксина проводили с использованием в качестве контроля АТФ, поскольку β-экзотоксин является низкомолекулярным веществом, которое по своей структуре аналогична с АТФ.

В некоторых работах, например, корейские ученые в качестве контроля при проведении ТСХ образцов β-экзотоксина использовали АТФ [7].

При проведении ТСХ выделенных образцов β-экзотоксина и проявлении хроматограммы обнаружилось, что препараты β-экзотоксина имеют R_f, близкой с R_f пробега АТФ.

При этом препарат штамма 1 (рис. 7) показывает самую большую концентрацию β-экзотоксина по сравнению с другими отобранными препаратами, то есть далее следует препарат 18фо и в препарате *B.thuringiensis* M_{th1} обнаруживается самая низкая концентрация β-экзотоксина (рис.7). Полученные данные по содержанию β-экзотоксина в препаратах согласуются с данными ВЭЖХ (HPLC), а также биоинсектицидной активностью (биологическое воздействие штаммов-продуцентов на личинки насекомых).

При вычислении количественного выхода β-экзотоксина отобранными штаммами-продуцентами установлено, что наибольшая продукция β-экзотоксина у штамма *Bt*1–300,0 мг/*л* среды выращивания, далее у штамма *Bt*18фо – 123,0 мг/*л*, и низкая продукция токсина у штамма *Bt*M_{th1} – 42,02 мг/*л*. Проведенные вычисления коррелируются с данными по биоинсектицидной активностью штаммов-продуцентов, так, для штамма *Bt*1



1 2 3 4 5

Рис. 7. Тонкослойная хроматография препаратов β-экзотоксина полученных из отобранных штаммов-продуцентов. 1,3 - Маркер – АТФ, 2 – штамм *Bacillus thuringiensis* M_{th1}, 4 – штамм 18 фо, 5- штамм 1

– 80% гибели насекомых, *Bt*18фо – 60%, *Bt* M_{th1} – 30%.

В задачу последующих исследований входит оптимизация условий культивирования и подбор доступных дешевых сред для повышения выхода β-экзотоксина с целью увеличения биоинсектицидной активности отобранных штаммов-продуцентов. На основании полученных данных можно заключить, что отобранные штаммы энтомопатогенных бактерий *Bacillus thuringiensis* обладают способностью к продукции β-экзотоксина и их можно рекомендовать в качестве экологически чистых инсектицидных препаратов против насекомых-вредителей в сельскохозяйственной практике Республики.

Использованная литература

1. Ignoffo C., Garcia C., Kroha M. Susceptibility of the Colorado potato beetle Lepinotarsa decelineata to *Bacillus thuringiensis*.//J. Econ.Entomol.-1996. – 39.P.244-246.
2. Tompkins, G., Engler, R., Mendelson, M., and Hutton P. (1990) *in* Analytical Chemistry of *B. thuringiensis* (Hickle, L. A., and Fitch, W. L.,Eds.), pp. 9–13, ACS Symposium Series, Washington, DC.
3. Неудачина Э.И. Спектр действия бета-экзотоксина бацилл *Bacillus thuringiensis*// В сб: Микроорганизмы в защите растений. Иркутск, университет, 1988. С.45-52.
4. Кадырова Г.Х., Шакиров З.С., Халилов И.М. Оптимизация питательных сред для повышения продуцирования β-экзотоксина бактериями группы *Bac.thuringiensis*// ДАН АН РУз, 2010. №5. С. 76-80.
5. Cantwell G. E., Heimpel A. M., Thompson M. J.// The production of an exotoxin by Various Crystalforming bacteria Related to *B. thuringiensis* Berliner(1974). J. Insect Path. 6, 466-480.
6. Gohar M. and Perchat S. (2001) Sample Preparation for b-Exotoxin Determination in *B. thuringiensis* Cultures by Reversed-Phase High- Performance Liquid Chromatography// J. Analytical Biochemistry 298, P.112– 117.
7. Shim, Chang-Bum, Hyng-Hoan Lee and Hee-Moo Lee. Purification and partial characterization of *Bac.thuringiensis var. thuringiensis* exotoxin// Kor. J. Microbiol. 1985. V.23. N4. P.271-281.
8. Кадырова Г.Х., Шакиров З.С., Халилов И.М. Скрининг местных штаммов энтомопатогенных бактерий группы *Bacillus thuringiensis* по способности к синтезу β-экзотоксина// ДАН АН РУз, 2010. №4. С. 85-89.

07.00.00 ТАРИХ ФАНЛАРИ
ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
HISTORICAL SCIENCES

ЧОР РОССИЯСИТОМОНИДАН ТУРКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ ЎЛКАДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ (“ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ” МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

Хусниддин Жўраев
ФарДУ мустақил изланувчиси

Аннотация: *мақолада Чор Россиясининг Туркистонга аҳолининг кўчириш сиёсати, ундан кўзланган ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий мақсадлари, ўлкада ташкил этилган рус посёлкалари, улардаги кўчирилган аҳолининг ҳаёти, турмуш тарзи, шугулланган машгулотлари, диний ва маънавий ҳаёти тадқиқ қилинган.*

Калит сўзлар: *Чор Россияси, Туркистон, мустамлака, кўчириш сиёсати, кўчирилган аҳоли, посёлкалар, маиший ҳаёт, иқтисодий-ижтимоий ҳаёт, диний эътиқод, ҳарбийлар.*

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ПОЛОЖЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ, ПЕРЕСЕЛЕННОГО ИЗ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В ТУРКЕСТАН (НА ОСНОВЕ МАТЕРИАЛОВ “ТУРКЕСТАНСКОГО СБОРНИКА”))

Хусниддин Джураев
независимый исследователь ФерГУ

Аннотация: *В статье исследованы политика переселения населения царской России в Туркестан, намеченные военно-политические и социально-экономические цели, организованные в области русские поселки, образ жизни, занятость переселенцев, религиозная и духовная жизнь.*

Ключевые слова: *царская Россия, Туркестан, колониальная, миграционная политика, переселенцы, поселки, быт, хозяйственно-социальная жизнь, религиозные убеждения, военные.*

THE SOCIO-ECONOMIC SITUATION OF THE POPULATION DISPLACED FROM TSARIST RUSSIA TO TURKISTAN IN THE COUNTRY (BASED ON THE MATERIALS OF THE "COLLECTION OF TURKISTAN)

Khusniddin Ja'raev
independent researcher of FerSU

Annotation: *the article explores the policy of Tsarist Russia on the resettlement of the population to Turkestan, the military-political and socio-economic goals pursued by it, the Russian settlements established in the country, the life of the displaced population in them, the lifestyle, the occupation, religious and spiritual life.*

Keywords: *Tsarist Russia, Turkistan, colonial, relocation policy, displaced population, settlements, household life, economic-social life, religious e'tiqod, military.*

Ватанимизнинг XIX аср охири XX аср бошлари даври тарихига ойдинлик киритишда алохида аҳамиятга эга бўлган 594 жилддан иборат, ноёб "Туркистон тўплами" нашрини киритиш мумкин. "Туркистон тўплами" асосан рус хорижий матбуот саҳифаларида эълон қилинган 10.700 дан ортиқ китоб, газета ва журнал материалларидан ташкил топган бўлиб[1], уларда Россия босқини арафасида ва мустамлака йилларида Ўрта Осиё халқлари ҳаёти, империянинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда олиб борган сиёсатини тахлил қилиш мумкин бўлган маълумотлар ётибди. "Туркистон тўплами" га киритилган материалларнинг қиммати шундаки, уларнинг муаллифлари ўзлари ёзган воқеаларнинг бевосита гувоҳи ёки иштирокчиси бўлган информаторлардир. Шунинг учун ҳам кўплаб тадқиқотчилар Туркистон ўлкаси мустамлакачилик даври тарихининг у ёки бу қирраларини ўрганишда "Туркистон тўплами" даги маълумотларига мурожаат қилганлар. Лекин шунга қарамасдан, "Туркистон тўплами"даги тўлиқ манбалари ханузгача ўрганилмаган ва илмий муомалага киритилмаган. Бу манбаларни танқидий, илмий асосланган холда архив ва бошқа манбалар билан таққослаган ҳолда мушоҳада қилиш Ватанимиз тарихини чуқурроқ ўрганишга, шу билан биргаликда хаққоний тарихимизни тиклашга ва халқимизга етказиб беришга хизмат қилади.

"Туркистон тўплами" ва рус даврий матбуотида 1847-йиллардан 1917-йилга қадар Туркистонга кўчирилган рус ахолисининг сони ҳақида кўплаб маълумотлар кертириладики, улардаги рақамлар бири иккинчисини тўлдириши билан бирга, ҳамма вақт ҳам ўзаро мос келмайди. Рус манзилгоҳ посёлка ва қишлоқлардаги аҳолининг аниқ сонини белгилашдаги асосий тўсиқ бўладиган омиллари шундаки, биринчидан, давлат йўли билан кўчиб келганлар ва ўз ихтиёрига кўра кўчганларнинг барчаси ўз жойларида муқим яшаб қолмасдан, яшаш манзилларини муттасил ўзгартириб турганлар. Еттисув вилояти уездларига кўчганларнинг 49,5 дан 50 фоизи 1882-1885 йилларда беқарор бўлиб, бир ердан иккинчи ерга кўчиб яшаганлар[2].

Туркистон генерал-губернатори П.А.Кауфман даврида Сирдарё вилоятида кўчирилганларнинг 10 фоизи олдин келган ерларига қайтиб кетишди, 3 дан 1 қисми Еттисув вилоятига кўчиб ўтган[3]. Ҳолбуки, Еттисувда Кауфман даврида 1875-1881-йилларда Еттисувда ҳар йили ўртача 110 та оила кўчирилиб, жаъми 2075 та деҳқон хўжалиги жойлаштирилганди.

1847-1867-йилларда Еттисувга казаклар кўчиб улар 14 станцияда 15 минг нафарни ташкил этган бўлса, илк бор 1869-йилдан бошлаб деҳқон манзилгоҳлари пайдо бўлган[4]. Сирдарё ҳарбий чизиғидаги 1-сонли фортда 2944 киши, шундан 1550 нафари ҳарбий, 336 таси ҳарбийлар оиласи, 734 нафари дехқонлар бўлиб, улардан 275 таси хотин-қизлар бўлган[5].

1875-йилда Сирдарё вилояти Авлиёота уездида биринчи рус деҳқонлари қишлоғи ташкил этилиши билан ҳарбийлар манзилгохларида истеъфодаги

солдатларни ўлкага жойлаштириш билан бирга, марказий губерниялардан оддий кишилар кўчирила бошланди. 1876-йилларда қирғиз чўлларига кўчиш, 1877-1878-йилларда "Ер худоники" шиори остида янада жараён авж олди.

"Туркистон тўплами" ва даврий матбуот маълумотлари архив ҳужжатларида келтирилган далил ва рақамлар билан мос келади. 1875-йилда Авлиёота уездига Саратов губерниясидан 100 та оила, 1876-йилда Воронеждан 28 оила кўчирилган[6]. 1875-1876 йилларда Уралортидан Сирдарё ва Орол денгизи бўйларига Урал казаклари кўчирилиб, улар 130 нафар бўлган, улар ортидан яна 50 оила кўчирилиб, ортидан 99 нафар аёллари, 233 нафар болалари келган[7] деб маълумот берилади архив ҳужжатларидан бирида. Кўчириб келганларни уй-жой билан таъминлаш, савдогар ва қурол-яроғ усталари учун квартира ҳақини тўлаш муаммолари Сирдарё вилояти ҳарбий округи учун бир қатор муаммолар туғдиргани ҳам даврий матбуот ва архив манбаларида далилларда кўрсатилади. Ўнлаб хужжатларда квартира харажатлари билан боғлиқ рақамлар келтирилиб, 1876-йилда бу 7229 рубль 55 копекни ташкил этган бўлса, 1881-йилда 9225 рубль 60 копекка етган[8].

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики Туркистон генерал-губернаторлиги уездларида рус қишлоқ ва посёлкалари асосан 1874-1893-йилларда ташкил топган.1893-1900-йилларда бор-йўғи 15 та посёлка тузилиб, 1901-йилда 1 ҳам рус қишлоғи ташкил топмаган.

Туркистон генерал-губернаторлигининг учта вилоятида; Сирдарё, Самарқанд ва Фарғонада 1906-йилда 74 та рус қишлоғида 4800 та оила истиқомат қилган[9]. 1910-йилга келиб Туркистон ўлкасида 170 та рус манзилгоҳида 16 минг оила, 110 минг нафар аҳоли истиқомат қилган. Ушбу аҳоли қўлида 380 минг десятина ер майдонлари бўлган[10].

Россия маъмурларининг "Янги рус Туркистони"ни ташкил этиш дастурида 300 минг мустаҳкам рус хўжалигини тузиб, 1,5 млн аҳолини кўчириш, 3 млн десятина ер фондлари яратиб, унинг 1млн десятинасига пахта экиш мўлжалланган эди.

XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигининг аҳолиси билан боғлиқ маълумотлар ҳам манбаларда келтирилади. 1910-йилда Фарғона вилоятида 2062531 нафар, 1911-йилда Самарқанд вилоятида 967 минг нафар, 1913-йилда Сирдарё вилоятида 2097896 минг нафар аҳоли истиқомат қиларди[11].

Империя маъмурятининг режасида кўчирилган аҳоли маҳаллий миллат вакилларига нисбатан 10 фоизни ташкил этиши керак эди. Бироқ бу мақсад ва режа амалга ошмади, кўчирилган аҳолини ҳукумат томонидан етарлича қўллаб қувватланмади.

"Туркистон тўплами" ва рус даврий матбуотининг ўнлаб нашрларида Туркистон ўлкасида ташкил этилган юзлаб рус қишлоқ ҳамда посёлкаларининг жойлашган ўрни, уларда истиқомат қилган оилалар сони, ер фонди, аҳолини ўсиш динамикаси масалалари аниқ берилган[12]. Манбаларда келтирилишича рус деҳқонлари қишлоқларида 9-10 та оиладан, 120-125 та оилагача аҳоли яшаганлиги аён бўлади.

Туркистонга кўчирилган рус деҳқонларига ҳукумат томонидан берилган 10 десятина ер участкасидан фойдаланиш учун махсус кўрсатма ҳам ишлаб чиқилган эди. Деҳқонлар ушбу ер майдонидан ўртача 850-1000 рубль миқдорида даромад олишлари белгилаб қўйилган.

"Туркистон тўплами"да келтирилишича, 10 десятина ернинг 2 десятинасига уй-жой (хата, усадьба) мевали ва манзарали дарахтлардан боғ, томорқа қилиш тавсия этилган. 8 десятина қолган ер 8 бўлакка бўлинган. Уларга буғдой, арпа, сули, тариқ, пахта, картошка, лавлаги, сабзи, беда (клеверь-рус бедаси) сабзавот ва полиз, мол озуқаси, моллари боқиладиган ерда узум етиштириш кўзда тутилган. Чорвачиликнинг уй хўжалигида сигир, қўй, парранда, чўчқа боқиш даромад манбасини оширади, деб хисобланган. Деҳқонларнинг ўз хўжалигидан оладиган даромади ва ҳосилдорлик даражаси тахминан ўртача олганда қуйидагича бўлиши керак эди. 100 пуд пахта-1 пуди-3 рублдан-300 рубль, 800-850 пуд картошка-1 пуди-30 копейкдан-240 рубль, 100 пуд буғдой-1 пуди-75 копейкдан-75 рубль, 100 пуд арпа-1 пуди-60 копейкдан-60 рубль, беда (клеверь) 3000 боғлам-ҳар бири 6 копейкдан-180 рубль жами: 855 рубль[13].

Бироқ сунъий суғоришга асосланган хўжаликдан хабарсиз рус деҳқонлари суғорма деҳқончиликка асосланган ер фондларидан унумли фойдалана олмадилар. Улар меҳнатталаб бўлган пахта ва сабзавот полиз экинлар (майда экинлар) етиштиришдан воз кечиб, асосан бошоқли (донли) экинлар (буғдой, арпа, сули, тариқ) экиш билан шуғилландилар. Улар учун лалмикор деҳқончилик қулай ва осон эди. Бир қатор рус деҳқонлари ўз ерларини махаллий ахолига ижарага бердилар. Рус деҳқонларининг намунали, ўзига тўқ қишлоқ ва посёлкалари оз сонли бўлиб қолишида ўзлари фойдаланаётган ер фондларида унумдорлик пастлиги эди[14].

Манбалар маълумотига кўра рус посёлкаларида деҳқончилик ва чорвачиликдан кутилган натижа ўртача 54,2 фоиздан 44,2 фоизгача бўлиб, бу аввало, ўлкага кўчиб келганларнинг дастлабки партияси 30-35 йил илгари (1908-1910 йиллар) кўчганлар салмоғига тўғри келган.

1908-йилда рус қишлоқларида аҳоли жон бошига йиллик ялпи маҳсулот тақсимоти ўртача 67,5 рублни ташкил этган, ҳар бир жонга бир кунлик тақсимот 18,5 копейк бўлиб, олинган даромаднинг 60 фоизи озиқ-овқат, 20 фоизи кийим-кечак учун сарфланган. Жон бошига пуд ҳисобида донли маҳсулотлар-12,04 пудни, картошка-3,79 пудни, полиз ва сабзавот экинлари 4,86 пудни, мева-1,63 пудни, қовун ва тарвуз -12,5 пудни, гўшт-2,46 пудни, тоза балиқ- 0,69 пудни, мол ёғи-0,45 пудни, сут-13,0 пудни, чўчқа саласи-0,79 пудни ташкил этган[15]. Аслида ҳар бир кўчирилганнинг жон бошига йиллик харажат 110 рубль бўлган. Агар ўртача бир йилга ҳар бир оила 1333 рубль топса, жон бошига 233 рубль сарфланса меъёрий даржа ҳисобланарди. Ҳолбуки бундай хатодан зарар 12,8 фоизни ташкил этган.

1874-1905 йилларда ўлка вилоятларида рус посёлкалари йилдан йилга кўпайиб борди. Сирдарё вилоятида 1879 йилда 200 та рус хонадони яшаган бўлса, 1884-1885 йилларда ушбу вилоятдаги 8 та рус қишлоғи, 4 та немис меннонент колониясида 540 оила, 2522 нафар аҳоли истиқомат қилган.

Юқорида қайд қилинган 21 йил давомида Сирдарё вилоятидаги Чимкент уездида 18 та, Авлиёота уездида 25 та, Перовскийда 4 та, Тошкент уездида 11 та, вилоятнинг бошқа худудларида яна 7 та рус қишлоғи мавжуд бўлган.

Фарғона вилоятида 7 та рус посёлкаси бўлиб, Наманган ва Скобелев уездларида 1 тадан, Ўш уездида 2 та, Андижон уездида 3 та рус посёлкаси бўлиб, уларда 650 нафар оила истиқомат қилган. Самарқанд вилоятида 3 та рус посёлкаси бўлиб, Хўжанд уездида 180 оила, Каттақўрғон уездида 100 оила яшаган. Бундае ташқари Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган Дашт чўл худудида 1889 йилда 7 та рус қишлоғида 420 хонадон, XIX аср охирида 9 та қишлоқда 680 хонадон истиқомат қилади. Тадқиқот давомида амин бўлиндики, 1906 йил Туркистонда 74 та рус қишлоғида 4800 оила яшаган. Туркистондаги рус посёлкалари ва қишлоқлари 1893 йилгача ташкил топиб, 1893-1901 йилларда 15 та посёлка тузилган бўлса, 1901 йилда 1 та ҳам рус турар жойлари вужудга келмади.

Туркистондаги рус қишлоқлари аҳолиси христианлик динининг турли мазхабида бўлиб, улар орасида немис меннонитлари, малоканлар,евангелистлар, староверлар, баптистлар оқимига кирувчилар мавжуд эди.

Немис меннонитлари ўзларининг ахлоқий маънавият тартиб қоидаларига эга бўлиб, давлат бошқаруви ва ҳарбий ишда иштирок этмасдилар. Улар тинчлик ва фаровон хаётда яшаш, бошқаларнинг ишларига аралашмаслик тарафдори эдилар. Немис меннонетлари Россия империясига Германиядан XVIII-асрда кўчиб ўтишган эди. Улар Туркистоннинг вилоятлари (асосан Авлиёота, Чимкент ва Тошкент уезди)га Россиянинг Саратов ва Самара губерняларидан ҳамда Волга бўйидан кўчиб келишган.

Молоконлар христиан динидаги оқимлардан бири. Худони хақиқат тимсоли сифатида тан олади, икона ва крестларга ишонмайди, муқаддас жойларни зиёрат қилишга қарши, чўчқа гўшти ва спиртли ичимликлар истемол қилиш гуноҳ, тамаки чекиш ва наркотик моддалар истемол қилишдан ҳазар қилиш керак деб ҳисоблайди.”Христианлик” луғатида ушбу оқим XVIII-асрнинг 60-70 йилларида “Россиянинг ҳозирги диний ҳаёти” китобида (2003) XVII-XVIII асрларда вужудга келган деб маълумотлар берилади. Молоконларнинг “Солнца” яни Қуёш номли журнали мавжуд бўлган. Уларни протестант оқим вакиллари ҳам деб ҳисоблашган.Россия империясидауларни “зарарли ярес” деб аташ 1805 йил 22 июлда Александр I нинг буйруғи чиққунга қадар давом этган. Улар сув ва сутга чўқинади. Молоконлар Туркистонга асосан Кавказ губерниялардан кўчиб келишган.

Асосан Шимолий кавказ ва Қиримдан ўлкага темир йўл орқали юк вагонларида ўлкага кўчганлар ўз қўйлари билан келишган.

“Туркистон тўплами” ва ўша даврий матбуоти ўрганилар экан, кўчиб келганлар орасида маҳаллий аҳоли билан жанжал қўзғатишга мойил шахслар, ичкиликка ружу қўйганлар, от ва мол ўғрилари ҳам бўлганлигига гувоҳ бўлинди. Ушбу муҳитга салбий таъсир кўрсатганлигини хатто рус амалдорлари тан олганлиги рус манбаларида келтирилганлиги эътиборга лойиқдир

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобохўжаев М.А Очерки социально- экономической и политической истории Афганистана (конц XIX в) Т.: Фан. 1975. С .11.
2. С. Велецкий. О колонизационном Селиречья// ТС.-Том 496.-С.82.
3. Русская поселения в Семиречья// ТС. Том , 472-С2-3.
4. Граф Головин. О колонизации Туркестан// ТС. Том , 428.-С.20-21.
5. Андревич П. Очерки историй колонизации Туркестана// ТСю Том 469.-С.61.
6. ЎЗРМДА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 13485-ҳужжат, 11,15- варақлар
7. ЎЗРМДА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 188-хужжат, 195,196,237,238- варақлар
8. ЎЗРМДА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 317,405,406,407,408- варақлар
9. История Русской колонизации// ТС. -
10. Граф Головин. О колонизации Туркестан// ТС. –Том 586. -С. 29.
11. Зеленский Н. Наши переселенцы// ТС. Том 506. –С. 72. Исследование новых колонизационных районов// ТС. Том 501. –С. 5.
12. Дингельштедт. Наша колонизация в Туркестан(Русские посёлки в Туркестан)//ТС.-Том 429. –С. 59-85. Маргиланский уезд// Средныйазиатской газеть 1906- №147, Андижанской уезд // ўша газета, Ташкентский уезд// ўша газета, Село Кауфманское//ўша газета, 1906. -№52, Село Константиновское // ўша газета, 1906. №55, Село Треицкое// ўша газета, 1906. №56. Ва бошқалар
13. Головин. Мелкая фермерская хозяйства в Туркестан// ТС. Том 492. –С. 54-55
14. Илья Ил Левитов. Поездка в Туркестанский край с переселенцев //ТС. Том 492. –С. 142, газета Туркестанский ведомости, 1906. № 6. К вопросу о колонизации Туркестанского края// ТС. Том 445. –С. 97-100.
15. Юферев В. Опыт о переселения нормы надела переселенцев в Туркестан// ТС. Том 473. –С. 324.

09.00.00 ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

ХУРОСОН ВА ЎРТА ОСИЁДА РАСМИЙ ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИДА ФАЛСАФИЙ АНЪАНАЛАРНИНГ ЎРНИ

Эватов Салимжон
ФарДУ Фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *мақолада тасаввуф таълимотининг ислом дини негизида пайдо бўлишининг ижтимоий, сиёсий ва маънавий омиллари, тарқалишига сабаб бўлган мафкуравий асослар, Хуросон ва Мовароуннаҳрда расмий ислом ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг тасаввуфнинг ривожига таъсир қилган минг йиллик фалсафий гоя ва анъаналар таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *тасаввуф, сўфий, борлиқ, билиш, аскетизм, ахлоқий меъёрлар, инсон камолоти, инсон бахти, фазилат, аристотелизм.*

РОЛЬ ФИЛОСОФСКИХ ТРАДИЦИЙ В ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ ОФИЦИАЛЬНОГО ИСЛАМА И МИСТИКИ В ХОРАСАНЕ И СРЕДНЕЙ АЗИИ

Эватов Салимжон
ФерГУ, Преподаватель кафедры "Гражданского общества".

Аннотация: *в статье проанализированы социальные, политические и духовные факторы возникновения мистического учения на основе исламской религии, идеологические основы, способствующие его распространению, тысячелетние философские идеи и традиции, повлиявшие на развитие мистики после установления официального Исламского господства в Хорасане и Мавераннахре.*

Ключевые слова: *мистицизм, суфизм, существование, познание, аскет, нравственные нормы, человеческое совершенство, человеческое счастье, добродетель, аристотелизм.*

THE ROLE OF PHILOSOPHICAL TRADITIONS IN THE INTERACTION OF OFFICIAL ISLAM AND MYSTICISM IN KHORASAN AND CENTRAL ASIA

Evatov Salimjon
Teacher of the chair "Civil Society" FerSU

Annotation: *the article analyzes the social, political and spiritual factors of the emergence of the doctrine of Sufism on the basis of Islamic religion, the ideological foundations that led to the spread, the millennial philosophical ideas and traditions that influenced the development of Sufism after the establishment of official Islamic rule in Khorasan and Movarounnahr.*

Key words: *mysticism, philosopher, universe, cognition, asceticism, moral norms, perfection of human, felicity of human, feature, aristotelism.*

Хуросон сўфийларининг билиш ва билим тўғрисидаги таълимоти илк исломнинг ўрта асрлар фалсафасида муҳим нуқта бўлган, шунингдек хурфикр мистик-илоҳиётчилик мақсадларига бўйсундирилган эди. Бу диний фанатизм ва расмий исломнинг илоҳиётини қарор топтиришига қаратилган ўзига хос ҳаракат, Қуръон ва суннанинг мусулмон аҳлига тушунарли баён қилиш эди. Хуросон тасаввуфининг гносеологик яъни оламни билиш тўғрисидаги қарашлари интуитив (тажриба) билиш-англаш жараёнининг моҳиятини билдирган. Аммо, улар билишнинг ушбу шаклининг механизми, уни ҳиссий ва ақлий омиллар билан боғлиқлигини очиб беролмаган бўлсаларда, инсонни аҳлоқий тарбиялашни асосий мақсад қилиб олганлар.

Хуросон тасаввуфи моҳият жиҳатидан расмий ислом билан бир жиҳатдан яқин эди. Таниқли шарқшунос В.Вяткин бу ҳақда шундай ёзган эди: “Суфий ўзининг таълимотини ислом билан келиштиришга ҳаракат қилган ва шу йўналишда мусулмон дини ва таълимотини ҳам, аммо уни воситасида фақат моҳиятни яширишга эришди, бу мумкин эмас эди, чунки улар илдиздан ўзаро тафаввутга эга эди – ислом мутлоқ яккахудолик бўлса, тасаввуф моҳиятан пантеизмга асосланган эди. Ислом фақат араб тилини диний, илоҳийшунослик, ҳуқуқ тили сифатида эътироф этган, - деб ёзади академик А.В.Кримский, - натижада келиб чиқиши жиҳатдан араб бўлмаган халқ Қуръонни ва илоҳийшуносликка оид мусулмон асарларини ўқий олмаган, исломни билмаган ва мистик-тасаввуфга қарши тура олмаган. Мусулмон оммаси учун Қуръон ғоялари қуруқ, аҳамияти йўқ товуш бўлиб қолаверган. Бундай вазиятда тасаввуф ғояларини илоҳий тарғиб этиш оммага шунчалик тушунарли эдики, у тўғридан-тўғри халқнинг юрагига гапирар эди.

Бунда Абдураҳмон ас-Сулламий (буюк сўфий)нинг тасаввуфий таълимотини беқиёс аҳамиятига бағишланган “Китоб ас-само” асари ислом оламида машҳур бўлган[1]. Тасаввуф таълимоти қанчалик диний-илоҳий мазмунга эга бўлмасин тарихий ва ижтимоий-сиёсий муҳитга боғлиқ ҳолда, даврнинг маънавий-руҳий талабларига мувофиқ амал қилган.

Хуросон сўфийларининг таълимотида ақл, қалб, юрак каби тушунчалар тасаввуфий борлиқ ва билиш назариясида муҳим ўринни эгаллайди. Бу мактабнинг баъзи мутафаккирлари қарашларида бу тушунча-категориялар инсонни руҳий ҳолатининг мазмунини ва эмоционал иродасининг ифодаси сифатида қўлланилган.

Хуросон сўфийларининг фалсафий қарашлари X-XII асрларда кўп ўлчовли ва зиддиятли бўлган. Шу туфайли тадқиқотчилар уни экзистенционал монизм (якка асос), пантеизм (икки асос) ва субъектив идеализм деб шархлайдилар. Баъзилар эса тасаввуф пантеизмини материалистик характерга эга таълимот [2] деб характерлайди.

Хуросон тасаввуфи зароастризмдан яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги абадий кураш тўғрисидаги ғояни, буддизм ва монийлик динидан таркидунёчилик – аскетизм ғоясини қабул қилган. Хуросон тасаввуфининг йирик вакили Абул Ҳасан Хараконий жавонмарди тариқатини “жавонмарди-бу дарё, у учта булоқдан озиқланади: биринчи-марҳаматлилик, иккинчи-бағрикенглик, учинчиси-мустақиллик ва Оллоҳга қарамлик”[3] деб таъкидлайди.

Хуросондаги исломий ва фалсафий мактаблар ҳамда қарашлар турлича бўлган. Бу ҳақда Қосим Ғани, Е.Э.Бертельс, М.Т.Степанянц каби олимлар тасаввуф ислом негизида вужудга келганлигини таъкидлаш билан бирга мавжуд интеллектуал анъаналарини – зардуштийлик, буддизм, христианлик, маздакийлик, монийлик ғояларини ўзида сингдирганлигини таъкидлашади.

X-XII асрларда Самарқанд, Бухоро, Балх каби шаҳарларда буддизм храм-мачитлари бўлган. Бу диннинг шеърий жозибадорлиги ва мулойимлиги, худо ва дунёнинг яратилиши ҳақидаги таълимоти, борлиқни, дунёни билиш, онг ва тафаккур тўғрисидаги ғоялари ўз давридаги илғор таълимот бўлган. Бу вақтда Иброҳим Калободи, Мустаммлий Бухорий, Абдурахмон Суллами, Абдуллох Ансорийларнинг ислом дини ва тасаввуфга бағишланган китоблари Хуросон ва Мовароуннаҳрда маълум ва машҳур ҳисобланган. Абдурахмон Сулламийнинг “Маломатия” номли асари махсус трактатлардан иборат бўлиб, уни тасаввуф билан алоқасини асосий тамойиллари яратиб берилган. X-XII асрларда Хуросонда тасаввуфнинг буюк намоёндалари – Абдурахмон Суллами, Абдулхасан Хараконий, Абдуллох Ансорий, Абу Саид Ансорий, Мустаммлий, Ардазар Аббоди сингари тасаввуф алломалари яшаб ижод қилган ва тасаввуф таълимотини яратганлар. Хуросон мактаби тасаввуфни исломлаштиришни жуда эҳтиёткорлик билан, шариат талабларига мувофиқ амалга оширган. Масалан, Абдулла Хараконий сўфийлар орасида энг қизиқ “чуқур мазмунли” асарларни ёзиб қолдирган мутафаккирдир. Тасаввуф тамойиллари ва амал қилиш шартларини Аббоди ўзининг “Сўфинома” номли асарида таҳлил қилиб берган. Унда сўфийнинг турмуш маданияти, кийиниши, овқат истеъмол қилиши ва бошқалар баён этилган. Инсон ўзига ўхшаш кишилар билан бирга яшайди, у танҳо ҳолда яшай олмайди. Оллоҳ томонидан шундай тартиб қоидалар ўрнатилганки одамлар бир-бирига ёрдам кўрсатади, уларсиз ўз эҳтиёжларини қондира олмайди. Бу Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарининг бош ғояси бўлган

Тасаввуф таълимотининг моҳияти ва тузилиши тўғрисида турли ижтимоий-фалсафий ҳамда бошқа фан вакиллари турлича фикрларни олдинга сурадилар. Улардан баъзи бирларини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ. Аслида, - деб қайд этилади тасаввуфга бағишланган мусулмон тўпламида, - фалсафий тасниф, усул ҳам эмас, диний мазҳаб ҳам эмас, бу ҳаёт туринининг асоси, такомилига етган поклик. У дин ақидаларига ҳам, аниқ қоидаларга ҳам, аниқ фикрлар-қарашларга ҳам эга эмас. Унинг болиғи-ҳиссиётда, сезги-интуиция, тасаввур ва бошқа ҳис-туйғуларда эканлиги номаълум, аниқланган эмас. Сўфий-мусулмон ҳам, христиан ҳам, хинду ҳам эмас. Бунга жавобан шундай фикр берилган. Суфий динни амалда синаш, қўллаш, татбиқ этиш демакдир. Бу усул моҳиятан асосан инсонни зиммасига дин томонидан юклатилган ҳар қандай чеклашлардан устун туриш демакдир. Ҳамма суфийларнинг бош мақсади Оллоҳга етишиш ва У билан бирлашишдир, аммо бунга эришиш йўли турлича.

Марказий Осиёда тасаввуф тариқатларини асосий йўналишларини яратган машҳур олиму-уламолар, машойихлар яшаб ижод қилган. Хива (Хоразм) шаҳрида таваллуд топган буюк аллома, кубровия тариқатига асос солган Нажмиддин Кубро

(1145-1221) мистик илоҳийшуносликнинг кўплаб “занжир”ларига асос солган. Мутафаккир тасаввуф илмини Мисрда ўрганади, кейинчалик она юрти Хивада хонақо қуради, кўплаб машҳур суфий шайх, шоирларни тарбиялайди. Улар орасида дунёга машҳур буюк эрон шоири Фаридиддин Аттор, илоҳийшунос Мажиддин Боғдодий кабилар бор эди. Унинг тасаввуф таълимотининг ғоявий асоси сифатида эътироф қилинган “Хулқ-атвор қоидалари” деб номланган асари Мовароуннаҳр сўфийлари учун дастур бўлган. Тарихдан маълумки Нажмиддин Кубро халқ қахрамони, Ватан озодлиги учун курашда халок бўлган мўғуллар истибдодига қарши туриб, шаҳарни (Хивани) охирги нафасигача ҳимоя қилишга раҳнамолик қилган. Кубровия тариқати – тоифаси ислом дини доирасидаги хозирги кунгача энг эътиборли тариқат бўлиб қолмоқда. Донишмандниг Қуръоннинг таҳлилига бағишланган катта шарҳи ислом оламида машҳур бўлган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, бу қўлёзма Қуръоннинг моҳиятини баён қилишга бағишланган ҳамда катта-катта мақолаларида тасаввуфнинг бош масалалари бўйича тасаввуфий ғоялар берилган. Таниқли сўфийшунос олим Е.Э.Бертельснинг ёзишича Кубронинг қўлёзмасининг бир қисми Санкт-Петербургнинг Публичный (оммавий) библиотекасида сақланмоқда. Қуръон таҳлили ёритилган қисмида ҳурия-ҳур (араб мусулмон-араб мифологиясида жаннат париси, адабиётда-шеъриятда гўзал хотин, ҳур) пари ҳақида сўз боради. Аммо, сақланиб қолган қўлёзма матнидан Нажмиддин Кубронинг ҳур-париларни қандай тасаввур этганлигидан маълумот олиш мумкин. Малоиклар – “маънавий олам” ҳурларидир. Бу билан Кубровия таълимотида малоиклар маънавий олам поклиги, муқаддаслиги ва абадийлигининг тимсолидир. Мажозий талқинга кўра жаннат фаришталари, малоиклар илоҳий Ҳақни (Оллоҳни) вақтинча кўриш шоҳиди бўлади. Оллоҳ марҳамати билан унга тоза, мисоли гулоб тарзидаги ичимлик ва соф ахлоқ келтиради. Шундай қилиб малоиклар бу маънавий кучларнинг намоён бўлиши, қайсики инсон руҳи маънавий кўз очилишидан кейин ўзига хос мистик-илоҳий никоҳга киришади[4]. Нажмиддин Кубро бу ўринда инсонни маънавий руҳи ва оламини илоҳий талқин этиш билан, инсонни маънавий поклик ва гўзалликка чақиради. Унинг тасаввури улуғ Шайх Ибн Арабий қарашларига мос келади: парилар-ҳур қизлар ҳеч қандай жисмга, баданга, ҳиссиётга эга эмас, аксинча Оллоҳнинг йўлдошларининг эманцияси, инсон руҳияти учун ягона намоён бўлиш шартидир.

Хоразмнинг Замахшар қишлоғида 1075 йилда таваллуд топган Махмуд аз-Замахшарий ўзининг беназир ақл-заковати, юксак илмий салоҳияти ва даҳоси билан Ғарб ва Шарқни забт этган алломалардан саналади. Замондошлари олимнинг қомусий илм, диний-исломий маърифат, ўз халқи, Ватанига чексиз муҳаббатини таърифлаб унга – Устоз уд-дунё (Бутун дунёнинг устози), Устоз ул-араб вал-ажам (Араблар ва ғайри араблар устози), Фахри Ховаразм (Хоразмнинг фахри), Каъбат ул-адаб (Адаб аҳли учун бамисоли Каъба), айниқса Жоруллоҳ (Аллоҳнинг қўшниси) каби ўта шарафли ном-тахаллуслар дунёдаги бирорта алломага насб этмаган[5].

Махмуд аз-Замахшарийнинг ислом тасаввуфига бўлган муносабати юқорида келтирилган номлардан ҳам кўриниб турибди. Мутафаккир биринчи навбатда ислом асосларини – Қуръон ва ҳадисларнинг мазмун-моҳиятини чуқур эгаллаган;

иккинчидан, буюк илоҳий манбаларни арабларнинг ўзини тили-араб тилида шарҳлаб берган; учинчидан, арабларнинг адабий тили ва грамматикасини ишлаб чиққан; тўртинчидан, тасаввуф тариқатининг асоси бўлган – назария билан амалиёт бирлигини амалда таъминлаган; бешинчидан, жоруллоҳ (Оллоҳнинг қўшниси) сифати – Оллоҳга интилиш, билиш, поклик, У билан бирга бўлиш каби тасаввуфга хос ғояларни тарғиб қилишда куч-ғайратини аямаган[6]. Донишманд алломанинг доно фалсафий фикрларидан айрим парчалар келтириш, унинг қанчалик олим, уламо, буюк тасаввуфчи олим бўлганидан далолат беради:

1. Отага нисбатан бошқага кўра шарафлироқ ва машҳурроқ, яъни фалончининг ўғли деб аталар, аммо она эса доимо шафқатли ва матлаблироқдир.
2. Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки ҳалок (жувонмарг) бўласан.
3. Фисқу фасод қилувчилар ва фожирлар кўпайса Аллоҳ таоло вабо юборади.
4. Тўғри ва хақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан ҳам ҳайбатлироқдир.
5. Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам берувчидир.

Хулоса қилиб айтганда, VIII-XII асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда расмий ислом ҳукмронлиги даврида илғор маънавий фалсафий дунёқараш бўлган тасаввуф ғоялари ривожланди, у оддий меҳнаткашлардан тортиб ҳукмдорлар, алломаларнинг қалбидаги фалсафий илми ва туйғуларини ифодалаб берди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М.: Изд. “НАУКА”, 1965, с-57.
2. Ибрагим Т.М. Философские концепции суфизма. Л-М.: Восточная литература, 1988. Ст 100
3.Абдул-Хасан Хараконий. Техрон, 1367, с-72.
4. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Изд. «Наука», М.: 1965, с-93
5.Убайдулла Уватов. Хоразмлик буюк аллома. Маҳмуд аз-Замахшарий. “Навобиғ ал-калим”, Т.: “Янги аср авлоди”, 2006, 5-б.
6. Убайдулла Уватов. Ўша асар, 22-б.

ОИЛАДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА РЕПРАДУКТИВ САЛОМАТЛИК

Каримов Зафар Атабоевич
Урганч Давлат Университети тадқиқотчиси

Аннотация *: Мақолада соғлом турмуш тарзи ва репродуктив тараққиёт, саломатлик масалалари муҳокама қилинади, улар ўртасидаги диалектик боғлиқлик олиб борилади. Бу борада Ўзбекистондаги тажрибаларга асосланилади, шу муаммолар кўрсатилади.*

Таянч сўзлар*: Соғлом турмуш тарзи, саломатлик, она, бола, репродуктив тараққиёт, тиббиёт, туғилиш, касаллик, жисмоний ва руҳий саломатлик, оила.*

ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ И РЕПРОДУКТИВНОЕ ЗДОРОВЫИЕ СЕМЪЕ

Каримов Зафар Атабоевич
Соискатель Ургенчского государственного университета

Аннотация *: В статье обсуждаются вопросы здоровья,здорового образа жизни и репродуктивного развития, раскрываются диалектические из связи. Обобщается ответ рабочы Узбекистана, показываются проблемы существующие в формировании здорового образа жизни.*

Ключевые слова: *Здоровый образ жизни, здоровые мать, дитя, репродуктивное развитие, медицина, рождение, болезнь, физическое и духовное здоровье, семья.*

HEALTHY LIFESTYLE AND REPRODUCTIVE HEALTH IN THE FAMILY

Karimov Zafar Ataboyevich, Researcher at Urgench State University

Annotation: *The article discusses healthy lifestyle and reproductive development, health issues, and the dialectical connection between them. In this regard, based on the experience of Uzbekistan, these problems are highlighted.*

Key words: *Healthy lifestyle, health, mother, child, reproductive development, medicine, childbirth, illness, physical and mental health, family.*

Оилада соғлом турмуш тарзи “Соғлом оила-соғлом жамият” концепциясининг мазмун - моҳиятини ташкил этади. Мазкур концепцияда асосий урғу жамият ядроси бўлган оилага берилаётгани бежиз эмас. Жамиятнинг соғлом бўлиши, унда вужуди соғлом, фикри соғлом, нияти соғлом, амаллари, фаолияти соғлом инсонларнинг яшашига боғлиқдир. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 18 февралда имзо чеккан “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғламлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонида “оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало “Соғлом оила-соғлом жамият” ғоясини ҳаётга тадбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш зарур”,[1,1] деб кўрсатилади. Агар бу фикрдан келиб чиқсак, ижтимоий ҳаётда қарор топадиган соғ-саломатлик, соғлом авлод шаклланишининг ибтидоси оилададир, деган хулосага келамиз.

Оилада соғлом турмуш тарзи ва никоҳдаги барқарор муносабатлар ёшларнинг саломатлиги, ақли жисмонан, ҳам руҳан тетиклиги, бақувватлигига боғлиқ экани илмий асосланган. Мутахассисларнинг фикрича, нафақат жисмоний саломатлик, шунингдек оиладаги соғлом турмуш тарзи айниқса соғлом маънавий муҳит муҳим роль ўйнайди. Оилавий барқарорлик ана шу омиллар натижаси сифатида вужудга келади.[2, 124-127] Шу билан бирга, мутахассислар рационал овқатланиш интим алоқалар, авлодларидаги муносабатларда амал қилинадиган нормалар, қадриятлар, моддий таъминланганлик, жисмоний тарбия билан ҳам

боғлиқлигини қайд этадилар.[3,4-5] Демак, оилада соғлом турмуш тарзини ва аёлларда рекродуктив саломатликни шакллантириш индивидуал ва ижтимоий омилларга қадар боғлиқки, уларни ҳисобга олганда мавжуд муаммоларга ечим топиш мумкин.

Соғлом турмуш тарзининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари маълум бир яхлит воқелик ўзининг имманент хусусиятлари ва қонунларига эга ҳодиса сифатида ўрганиш ҳали шаклланмаган. Мазкур ҳодисани илк бор тадқиқ этган Ф.Холдибекова тўғри ёзади: "Кўпчилик ҳолларда "соғлом турмуш тарзи" категориясини "саломатлик" категорияси билан чалкаштириш ҳолларига дуч келамиз.[6,16] Соғлом турмуш тарзининг кенг маъноси - соғлом фикрлаш тарзи, ўзлигини англаш йўли, ривожланиш техникалари бўлиб, уларнинг инсон томонидан турмуши ва фойдаланиши руҳ ва саломатлик ҳолатини белгилаб беради. Яъни, соғлом турмуш тарзининг янада аҳамиятлироқ мақсади инсоннинг заминда яшаш санъатини жисмонан соғлом танани шакллантириш, тўлиқ ўзлигини англаш, руҳий комиллик ва бахтиёрликка эришишни ўргатиш бўлиши мумкин.[6,17] Таърифдаги баъзи мужмалликни, ноаниқликни ҳисобга олмаганда, муаллиф соғлом турмуш тарзига жисмонан ва руҳан саломатлик ифодаси сифатида қарайди. Ҳа, баъзи бир илмий адабиётларда шундай ёндашув учрайди. Аммо соғлом турмуш тарзининг оилавий, жамият, умуминсоний шакллари, кўринишлари ҳам мавжудки, уларнинг имманент хусусиятлари ва қонунларини билмай индивидуал саломатлик, шахсий соғлом турмуш тарзи ҳақида объектив тасаввурга эга бўлиш қийин. Таажжубли жойи шундаки, ҳаттоки "Оила энциклопедияси" да ҳам оилавий соғлом турмуш тарзи" "оилавий саломатлик" тушунчалари учрамайди. Бироқ энциклопедияда "рекродуктив саломатлик" алоҳида воқелик сифатида келтирилган. Муаллифлар фикрича, репродуктив саломатлик - кишининг, инсоннинг зурриёт қолдириш учун зарур бўлган ақлий, жисмоний ва ижтимоий етуклигидир".[7, 276] Шу муаллифлар инсоннинг фарзанд кўришига бўлган эҳтиёжларини қондириш она - бола соғлигини таъминлаш рекродуктив касалликлар олдини олиш, рекродуктив ҳуқуқ, касалланган ҳомиладорликдан сақланиш ва бошқаларни кўрсатади. Шу тариқа репродуктив саломатлик фақат аёл ва унинг организми билан боғлиқ воқелик эмас, у бутун оила саломатлиги, оиладаги соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ ҳодисадир.

Рекродуктив тараққиётни аёлнинг болалар туғиши билангина боғлиқ ҳодиса сифатида тасаввур этиш соф ёндашувдир. У соғлом фарзандлар туғишигача бўлган жараёнлар, оиладаги соғлом маънавий муҳит, фарзандларни соғ-саломат ўстириш ҳамда аёлнинг ўз саломатлигини тиклаш билан боғлиқ ҳодисаларни ҳам ўз ичига олади. "Репродуктив тараққиёт" ижтимоий демографик муммога оид тушунча бўлгани нуқтаи назаридан унга ижтимоий-фалсафий ёндашиш мумкин. Репродуктив тараққиётдаги ижтимоийлик, яъни жамият ҳаётига, халқ, миллат ривожланишига оидлик унга ижтимоий-фалсафий ёндашиш имконини беради.

Соғлом турмуш тарзининг жисмоний маданият билан боғлиқлиги аксиомадир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жисмоний машқлар, югуриш, чопиш, сузиш, меҳнат қилиш очиқ ҳавода бўлиш, сайр ва саёҳат инсонни тетик,бақувват,

касалликларга чидамли қилади, унда яшашга, яратишга, ён-атрофга фаол муносабатда бўлишга ундайди. Тарихда кекса ёшда ёки уч тўрт фарзандлар чиққач ҳам жисмоний тарбия ва меҳнат орқали саломат, узоқ яшаган аёллар бўлган. Демак, инсон организмида жисмоний тарбияга, меҳнатга бўлган хайриҳоҳлик, мойиллик бор. Оилада фарзандларни жисмоний тарбияга, меҳнатга ўргатиш саломат фарзандларни вояга етказиш демакдир. Кейинги йилларда АҚШ, Япония, Хитой, Россия, Франция, Германия, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Буюк Британия каби мамлакатларда югуриш билан шуғулланиш миллион-миллионлаб ошиқларнинг хоббисига айланган. Баъзи маълумотларга кўра, бугун дунёда югуриш билан шуғулланувчи кишилар сони 100 миллиондан кам эмас.[8,66] Машҳур олим, профессор, табиий даволаниш усули асосчиси К.Ниши ёзади: Фақат соғлом турмуш тарзигина инсондаги мудраб ётган шифобахш кучларнинг уйғониши ва ҳаракатга келишига олиб келади ҳамда организмни ҳар бир ҳужайрагача жонлантириши мумкин бўлган ҳаётий энергия билан тўлдиради.[9,14]

Она соғлом бўлса, бола ҳам соғлом бўлади, деган нақл бор. Эмбрионнинг соғ саломат ўсиши онанинг тўғри нафас олиши, рационал овқатланиши, турли жисмоний машқлар қилиб туриши, ҳатто маънавий-руҳий (психологик) ҳолати билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам миллатнинг рекродуктив тараққиёти жамият ва давлатнинг сиҳат-саломатлигига бўлган муносабатларига боғлиқ. Бу вазифанинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини Абу Наср Форобий қуйидагича ифодалайди. “Фозил одамлар шаҳри-деб ёзади аллома- соғлом баданчага ўхшайди. Ушбу шаҳарнинг соғломлик даражаси, биринчи навбатда, табибга ўхшаш раиснинг назоратига боғлиқ бўлса, иккинчидан, ундаги аъзолар, яъни ишчилар бўлган шаҳар аҳлининг ўз ифодаларини тўғри бажаришларига мувофиқ равишда таъминланади. Бошқача ибора билан айтганда, раиснинг ўз зиммасидаги вазифасини бажаришга бўлган иқтидори ва қобилияти, бир томондан аъзоларнинг ўз зиммасидаги ишларни тўғри ва тўла бажара олишга бўлган иштиёқи, иккинчи томондан шаҳарнинг соғлом чиқинини таъминлайди.[10,29] Демак, жамиятда соғломлик даражасини таъминлайди, раиснинг яъни давлат ва давлат раҳбарининг сиёсати, саъй-ҳаракатларига, ҳамда жамият аъзоларининг ўз вазифаларини бурчларининг тўғри бажаришга боғлиқдир. Тўғри , аллома бу ўринда аёллар саломатлиги ҳақида тўхталмайди, аммо у жамият аъзолари деганида аёлларни ҳам назарда тутгани шубҳасиздир.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 27 январда соғлиқни сақлаш соҳасига ва илм-фан йўналишларини ривожлантиришга бағишланган йиғилишда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини янада яхшилаш туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўринишини тизимли ташкил этиш, касалликка чалинганларни соғломлаштириш зарурлигини уқтирди.[11]

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрда қабул қилган Фармонига мувофиқ тасдиқланган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси“га кўра, касалликларни профилактика қилиш учун врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ходимларининг уйма-уй юриб, аҳолини патранаж билан қамраб олиш, тиббий ва жисмоний маданиятни

ошириш оналик ва болаликни ҳимоя қилишш, аёллар репродуктив саломатлигини таъминлаш жаҳон стандартлари даражасида олиб бориш вазифа қилиб қўйилган. Юқоридаги йиғилишда бугун соғлиқни сақлаш тизимида 75 минг нафар врач фаолият юриттаётгани, улар имкониятлари даражасида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатаётгани айтиб ўтилади. Шу билан бирга, тиббиёт тизимида 2 минг 900 та умумамалиёт шифокори, 10 мингта соф мутахассис етишмаётгани кўрсатилган. Илмий изланишлар натижаларини ҳаётга жорий этиш эса 5 фоиздан ҳам ошмайди.

Бундай аҳволда тиббиёт тизимининг аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва репродуктив тараққиётга самарали таъсир кўрсатишини юқори баҳолаш қийин. Демак, соғлом турмуш тарзини ва репродуктив тараққиётни таъминлаш кишиларнинг тиббий саводхонлигига, ҳамда ўзларида тиббий ва жисмоний маданиятни шакллантиришига бевосита боғлиқ бўлади. Соғ-саломат яшаш аввало ҳар бир инсоннинг ҳаёт тарзи, мақсади ва соғлом авлодни етиштириш, вояга етказиш орзуси бўлиши даркор.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Жамиятда... Халқ сўзи, 2020, 20 февраль.
2.Қаранг: Каримов Ш.И., Асадов Д.А, Рубин Б.А. Медико-социальные аспекты семейно-врачных отношений в Узбекистане - Ташкент: Медицина, 1935.
3.Юлдашев К.Ю., Куликов Ю.А. Физиотерапия.-Ташкент: Изд. Им.Ибн Сино, 1994.
4.Мухиддинов А.Тиббий маданият фалсафаси.-Ташкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашр, 2009.
5.Юлдашев И., Туленова Х., Алимбоева Р., Каримов Ф.Жисмингиз тоза бўлсин.-Ташкент: Дизайн-пресс нашр,2012.
6.Холдибекова Ф.Соғлом турмуш тарзи-жамиятимиз тараққиётининг асосий омили-Тошкент.Ўзбекистон, 2013.
7.Оила энциклопедияси. Муаллиф тузувчилар:Ғ.Б. Шоумаров, З.А. Расулова-Тошкент: Илм-ЗАКОВАТ; 2016.
8.Абрамов М.С. Аэробика и мы.-Ташкент: Медицина, 1999.
9.Ниши К. Кишининг соғломлаштириш чизиғи.-Ташкент: Адабиёт учқунлари, 2015.
10.Форобий, Абу Наср. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида.-Ташкент: Ёзувчи, 2001.
11.Халқ сўзи, 2020, 28 январь

ОСОБЕННОСТИ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Матчанов Алимжан Атабаевич
Исполняющий обязанности профессора кафедры политико-правовых учений Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, доцент

Аннотация. *В статье рассматривает особенности общественного мнения о деятельности органов внутренних дел, особое внимание уделяется уровню доверия граждан, их отношению к правоохринительной и правоприменительной функциям органов внутренних дел Республики Узбекистан.*

Ключевые слова. *Общественное мнение, правоохранительная деятельность, правоприменение, органы внутренних дел.*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ИЖТИМОИЙ ФИКРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. *Мақолада ички ишлар органларининг фаолиятида ижтимоий фикрнинг хусусиятлари кўриб чиқилди, Ўзбекистон Республиксининг ички ишлар органларининг ҳуқуқни мухофаза қилиш ва қўллаш функциясияларга нисбатан фуқаролар томонидан ишонч, уларнинг муносабатларига алоҳида эътибор қаратилган.*

Таянч сўзлар. *Ижтимоий фикр, ҳуқуқни мухофаза қилиш фаолияти, ҳуқуқни қўллаш, ички ишлар органлари.*

FEATURES OF PUBLIC OPINION ABOUT ACTIVITY OF LAW-ENFORCEMENT BODIES

Annotation. *In article considers features of public opinion about activity of law-enforcement bodies, the special attention is given to level of trust of citizens, their relation protection of the rights and to right application to functions of law-enforcement bodies of Republic Uzbekistan.*

Keywords. *Public opinion, law-enforcement activity, to right application, law-enforcement bodies.*

PUBLIC OPINION PLACE ABOUT ACTIVITY OF LAW-ENFORCEMENT BODIES IN LEGAL PHILOSOPHY

Annotation. *In article considers a public opinion place about activity of law-enforcement bodies in legal philosophy, the special attention is given to level of trust of citizens, their relations to right application to function of law-enforcement bodies of Republic Uzbekistan.*

Keywords. *Legal philosophy, public opinion, law-enforcement activity, right application, law-enforcement bodies.*

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев, в своем Указе «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел,

усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» от 10 апреля 2017 года отмечает: «В республике создана целостная правовая система по защите прав, свобод и законных интересов граждан, охране общественного порядка, обеспечению безопасности личности, общества и государства, предупреждению и профилактике правонарушений, особая роль в которой отводится органам внутренних дел»[1].

Основным средством выполнения органов внутренних дел (далее по тексту ОВД) является право (правовые нормы). Исходя из тезиса, что право общепризнанное в социальном обществе понятие, как и философия, то они вместе составляют философию права. Она, как и другие разновидности философии, занимается выяснением смысла права, его сущности, связи с законом, природы тех или иных правовых норм, ценности права и его роли в жизни общества и граждан.

Философия и право имеют непосредственное отношение к гражданам, которые находясь в социуме человеческого общества должны соблюдать нормы права как субъекты права и в свою очередь являются индикатором деятельности государственных органов посредством общественного мнения о них. Философия и право генетически связаны, поскольку и философия и право занимаются познанием человека, его природы и норм жизнедеятельности.

В.В. Кожевников указывает, что роль философии права в изучении права уникальна и поэтому философско-правовая рефлексия не может быть заменена научным исследованием[2, С. 65], но, в свою очередь, не может и подменить последнее.

Право представляет собой одну из основных составляющих взаимодействия общества и личности, помогающий адаптироваться индивиду к меняющемуся миру. Объект юридической науки является личность и общество, которые гармонично взаимодополняют друг с друга. И в этом отношении ОВД являются той самой государственной структурой, которая осуществляет правоохранительную и правоприменительную деятельность.

Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» от 16 сентября 2016 года, в статье 9. «Принцип открытости и прозрачности» устанавливает положение, что органы внутренних дел осуществляют свою деятельность открыто и прозрачно, во взаимодействии с государственными органами, органами самоуправления граждан, другими организациями и гражданами, а также со средствами массовой информации. Они обеспечивают доступ к информации о своей деятельности в порядке, установленном Законом Республики Узбекистан «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления».

Задачами Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах, принятой 7 февраля 2017 года, а также в соответствии с другими нормативно-правовыми актами являются коренное повышение эффективности деятельности органов внутренних дел, обеспечения надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан. Для этого в настоящее время продолжается реформирование важнейших направлений деятельности органов внутренних дел. К ним отнесено и обеспечение системного

адресного диалога с народом, развитие тесного взаимодействия с органами самоуправления граждан, другими институтами гражданского общества, оказание всестороннего содействия в решении насущных проблем населения. Из этого можно сделать вывод, что общественное мнение является одним из важнейших критериев официальной оценки деятельности ОВД.

Эффективность борьбы с преступностью предполагает активную деятельность государственных органов: следователей, дознавателей, органов осуществляющих доследственную проверку или оперативно-розыскную деятельность, которые взаимодействуя между собой, посредством уголовно-процессуального порядка, криминалистического, оперативно-розыскного обеспечения и проводят «задержание скрывающихся преступников» [3, С.286].

Деятельность вышеуказанных субъектов органов внутренних дел, посредством изучения общественного мнения населения оценивается и у народа складывается мнение о деятельности органов внутренних дел охраняющих общественный порядок и борьбу с преступностью.

Систематическое изучение общественного мнения о деятельности ОВД и их отчет перед гражданами, должно рассматриваться в качестве составной части общей стратегии развития органов внутренних дел. Данный процесс включает в себя систему взглядов и подходов в области принципов и основных направлений работы по повышению репутации и престижа органов внутренних дел и формированию положительного имиджа ее сотрудников. Общественное мнение, гласность и открытость как критерии оценки эффективности деятельности органов внутренних дел имеют большое научное и практическое значение для организации обеспечения общественного порядка и борьбы с преступностью. Так, общественное мнение и общественная критика существенно влияют на эффективность как управленческой, так и административно-служебной деятельности органов внутренних дел. Своевременное реагирование ОВД на критические замечания и рациональные предложения, высказываемые гражданами по отношению к деятельности ОВД, способствует не только исправлению ошибок и предупреждению их нежелательных последствий, но и укреплению законности, служебной дисциплины, повышению и ответственности сотрудников ОВД.

Критические предложения населения, направленные на выявление и устранение недостатков в сфере охраны общественного порядка и борьбы с преступностью, являются действенным средством обеспечения общественной безопасности. Отношения в сфере охраны общественного порядка и борьбы с преступностью имеют свою динамику, развиваются в результате совместной деятельности и являются актуальным предметом обсуждения населения.

Важность решения задач укрепления авторитета и повышения степени доверия населения к ОВД посредством информирования общественности о деятельности ОВД является тем, что объективное общественное мнение о состоянии правопорядка в стране. Это позволяет более предметно показывать роль ОВД в обеспечении защиты интересов личности и государства, укреплении режима законности и правопорядка, реально влиять на формирование общественного

мнения о ее деятельности, способствовать воспитанию уважительного отношения к закону и предупреждению правонарушений.

В Указе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» определено, что важнейшими направлением реформирования системы органов внутренних дел Республики Узбекистан является преобразование органов внутренних дел в общественно ориентированную профессиональную службу, деятельность которой должна быть направлена на оказание своевременной и качественной помощи населению, безусловное выполнение каждым сотрудником своего служебного долга – «Служить интересам народа» [4]

Исходя из этого, в современных условиях необходимо формировать у общественности уважительного отношения к деятельности ОВД и формирование позитивного отношения к профессии «сотрудник органов внутренних дел». Важно показать, что они занимаются этим по призванию и чувством долга перед народом в борьбе с преступностью, применяя при этом предусмотренные уголовно-процессуальным и оперативно-розыскным законодательством мерами. И поэтому в последние годы общественные связи с органами внутренних дел получили организационно-правовое оформление, расширены контакты со СМИ, органами самоуправления граждан (махалля) и другими общественными объединениями. В территориальных подразделениях ОВД создаются и действуют общественные пресс-центры, что открывает широкое участие СМИ в решении правоохранительных задач, обеспечивает целенаправленное формирование объективного общественного мнения о деятельности органов внутренних дел и повышение их авторитета.

Для информирования населения о реальном положении дел о деятельности ОВД по охраны общественного порядка и борьбы с преступностью используются «прямые линии» телефонной, информационно-коммуникационной связи с гражданами. Кром этого предусматриваются меры по улучшению пропаганды среди населения работы органов внутренних дел и общественных формирований по укреплению законности и правопорядка, охране прав, свобод и законных интересов граждан.

Органы внутренних дел с учетом особенностей социально-экономического и культурного развития того или иного региона, сложившихся местных традиций используют различные формы взаимодействия со СМИ, трудовыми коллективами, населением по месту жительства. К ним относятся: регулярные встречи (брифинги, пресс-конференции, интервью) руководителей и ответственных работников с представителями СМИ, творческих союзов, организаций и населением для информирования их об особенностях оперативной обстановки, положительных результатах и имеющихся проблемах деятельности органов внутренних дел. Не менее важными являются выступления в центральной и местной печати, по радио, телевидению руководителей и иных ответственных работников МВД, ГУВД г.

Ташкента, УВД областей по актуальным вопросам обеспечения общественной безопасности и укрепления законности.

Общественное мнение можно рассматривать, как утверждает Е. В. Климовская, в качестве «важнейшего оценочного критерия» [5, С.94-95].

Общественное мнение о деятельности ОВД в регионе и (или) в конкретных социальных группах предполагает выявление социальной позиции по поводу того или иного направления правоохранительной политики, которое может быть выражено в СМИ, в групповом сознании. Практическое значение исследований общественного мнения о правоприменительной деятельности ОВД состоит в повышении научного уровня построения эффективной системы информационного обеспечения управленческой и правоприменительной деятельности ОВД за счет дополнения социологическими данными информационной базы принятия управленческих решений, особенно на стадии текущего и перспективного планирования. Реальное освещение деятельности органов внутренних дел может быть достигнуто при надлежащих контактах их сотрудников со СМИ, целенаправленном развитии деловых связей с населением для выявления его интересов, положительных и отрицательных оценок правоприменительной практики. В этих условиях крайне необходим исключительно профессиональный подход к освещению проблем обеспечения общественной безопасности, а равно и тех проблем, которые оказывают прямое влияние на результативность выполнения сотрудниками ОВД служебного долга.

Литература

4. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 15, ст. 243.
5. Кожевников В.В. О статусе философии и права//Вестник Омского университета. Серия «Право». 2013. № 4 (37). С. 65-71.
6. Джуманов Ш.Т. Криминалистика: Учебник. – Академия МВД Республики Узбекистан, 2017. – С. 286.
7. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 15, ст. 243
8. Климовская Е. В. Общественное мнение как средство совершенствования деятельности органов внутренних дел // Актуальные проблемы совершенствования деятельности штабных подразделений органов внутренних дел: Труды Академии управления МВД России. 1998. С. 94 - 95.

ТАРИХИЙ – МАДАНИЙ МЕРОС ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Қорабоева Дилдора, Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация: *Мазкур мақоладатарихий-маданий мерос феномени ва унинг миллий ўзликни англаш жараёнларига таъсири масалаларига эътибор қаратилган. Мустақиллик халқимизга ўзлигини, ўзининг умуминсоний тараққиёт ва глобал ижтимоий борлиқда ўз ўрнини англашга имкон берди. Бироқ тажриба кўрсатадики, миллий ўзликни англаш тарихий-маданий мерос феноменига таянганидагина халқ, миллат руҳига, менталитети ва турмуш тарзига таъсир этади. Мақолада юқоридаги масалалар билан бирга*

глобаллашувнинг зиддиятли хусусятлари ва уларнинг тарихий-маданий меросга, этномадниятга таъсири масалалари ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: *тарихий – маданий мерос, феномен, миллий ўзликни англаш, умуминсоний тараққиёт, глобал борлиқ, ижтимоий борлиқ, миллат руҳи, халқ менталитети, турмуш тарзи, глобаллашувнинг зиддиятли хусусиятлари, этномаданият.*

ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ И НАЦИОНАЛЬНОЕ САМОСОЗНАНИЕ

Карабоева Дилдора, Ташкентская медицинская академия

Аннотация: *В данной статье рассматривается феномен историко-культурного наследия и его влияние на процесс национальной идентичности. Независимость позволила нашим людям осознать свою идентичность, свое место в человеческом развитии и глобальном социальном существовании. Однако опыт показывает, что понимание национальной идентичности влияет на дух, менталитет и образ жизни народа, нации только тогда, когда оно основано на феномене исторического и культурного наследия. В статье также рассматриваются противоречивые особенности глобализации и их влияние на историко-культурное наследие, этнокультуру.*

Ключевые слова: *историко-культурное наследие, феномен, национальная идентичность, универсальное развитие, глобальное существование, социальное существование, национальный дух, менталитет людей, образ жизни, противоречивые черты глобализации, этнокультура.*

HISTORICAL-CULTURAL HERITAGE AND NATIONAL SELF-AWARENESS

Karabayeva Dildora, Tashkent Medical Academy

Annotation: *This article discusses the phenomenon of historical and cultural heritage and its impact on the process of national identity. Independence has allowed our people to realize their identity, their place in human development and global social existence. However, experience shows that an understanding of national identity affects the spirit, mentality and lifestyle of a people, nation only when it is based on the phenomenon of historical and cultural heritage. The article also discusses the contradictory features of globalization and their impact on the historical and cultural heritage, ethnic culture.*

Key words: *historical and cultural heritage, phenomenon, national identity, universal development, global existence, social existence, national spirit, people's mentality, lifestyle, contradictory features of globalization, ethnic culture.*

Миллий ўзликни англаш объективлик, тадрижийлик ва ворисийлик принципларига мувофиқ аста секин, гоҳо зиддиятли рўй берадиган, халқ, миллат қалбидан жой оладиган воқеликдир. Бирданига ёки тасодифан ўзининг алоҳида конгломерат, этнос ёки миллат англаган халқ йўқ, жаҳон халқлари тарихи кўрсатадики, ҳар бир миллат ўзлигини англашнинг узоқ, зиддиятли йўлларини

босиб ўтади. Баъзан халқ, миллат кучли ташқи таъсир остида ассимиляцияга учраши, тарих саҳнасидан тушиб қолиши ҳам мумкин. Шундай ғайримиллий ҳодисанинг рўй бермаслиги учун ҳар бир халқ ўзлигини англаши ва унинг атрофида юзага келадиган деструктив омилларни, таъсирларни бартараф этиши керак. Бунинг энг самарали ва замонавий тараққиёт талабларига мувофиқ келадиган усули халққа, миллатга ўзлигини англашга ёрдам бериш, ҳатто буни давлат сиёсати даражасидаги вазифага кўтаришдир. Чунки, "ўзлигини англаган киши оламнинг бор ранг- баранглигини, ҳаёт мазмунини, бу маконда ўзини фақат тириклик ва мавжудлик белгиси сифатида эмас, аксинча, табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлигини англай бошлайди. Маърифатга эҳтиёжсизлик,хурофот ва жаҳолатга берилиш, манқуртликоламни унутиш эканлигини чуқурроқ англайди. Демак, англаш жараёни орқали маънавий етукликка, комилликка интилади" [1: 333-334 б.].

Тарих,мерос,инсон триадаси мавзумизга йўналиш беради. Биз қандай тарих ва тарихий-маданий мерос ҳақида гапирмайлик, фикр юритмайлик мудом инсон (халқ, миллат) масаласига дуч келаверамиз. Э.Гуссерль инсоният тарихини "улкан феномен" деб атаб, унинг марказида инсон туришини қайд этган [2: -С.59]."Инсон,деб ёзади у,ўзининг тарихи, ўзининг онгли мавжудотлиги ҳақида "метафизик", хусусан фалсафий муаммоларникўтарганида тарихнинг "моҳияти" ва онгнинг тарихдаги роли ҳақида фикрлаган бўлади"[3: -С. 55.].Тарих фалсафаси инсонни тарих ва меросмарказига қўяр экан, уни тарихни шунчаки қайд этувчи деб эмас, балки унга онгли муносабатда бўлиш орқали ўзлигини, ота боболари салоҳиятини, ушбу салоҳиятдан униб чиққан ўзини, ўз авлодини қандай сифатларга эга бўлиши мумкинлигини англаб етади. Тарихга бўлган муносабатни шакллантириш, агар бу ғайримиллий сиёсат нуқтаи назаридан амалга оширилса, халқ, миллатни ўзига тобе эттириш, унда ўз наслини билмайдиган, эсламайдиган манқуртлик хислатларини шакллантириш, пировард натижада уни ассимиляция қилишга интилишдир. Бу ўринда тоталитар тузум давридаги ғайримиллий сиёсатни эслаш мумкин. Н.Жўраев ёзганидек: "Шўро даврида "совет турмуш тарзи" шаклидаги ҳавойи, миллий манфаатлардан узоқлашган тенденциянинг вужудга келганлиги ҳукмрон мафкуранинг ғайриодатий, ясама ва зўраки ғоялар йиғиндисига айлантириб юборди. Айни совет турмуш тарзи шаклидаги тоталитар ғоянинг илдиз ота бошлаганлиги айниқса миллий республикаларнинг қадимий анъаналарини сиқиб чиқарди. Зўравонлик билан одамлар ҳаётини ўзгартириб юборди. Натижада жамиятда мафкуравий парокандалик, руҳий озурдалик, маънавий кемтиклик, маърифий таназзул вужудга келди.Мафкура янги "совет анъанлари"ни вужудга келтиришга интилди. Миллий руҳ, миллий психология, халқ маънавий эҳтиёжи сингари миллий тарихий анъаналарни йўқ қилишга интилди. Халқ ўзининг тарихий анъаналари билан совет анъаналари ўртасидаги зиддият қуршовида қолди. Бундай руҳий ва маънавий зиддият ўтмиш ва истиқбол ўртасидаги муносабатларни чигаллаштириб юборди"[4: 335-б.]. Ҳа, тоталитар тузум шунинг учун ҳам яккаҳукмронлик қилади, унинг таъсир воситасикуч, зўравонлик ва алдаш. Советлар даврида халқимизнинг тарихий-маданий меросни авайлаб, асраб ва уни янги

босқичга кўтаришга қодир, маърифатли вакилларидан 11 мингдан зиёди қатл қилингани, сургунга жўнатилгани ҳақиқатдир. Эскичакитобни ўқиш тақиқлангани, ижодкорларимиз пролетар, прогрессив ва буржуа, қолоқ, душманларга ажратилиб баҳолангани ҳам бор ҳодисалардир. Бироқ, шу билан бирга, айнан XX асрда тарихий-маданий меросга илмий нуқтаи назардан ёндашиш бошланганини, Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарлари ЮНЕСКО шафеълигига киритилганини, қўлёзмалар институтлари ва илмий тадқиқот марказлари ташкил этилганини, махсус кадрлар (масалан, Тошкент давлат Маданият институти ва унинг Наманган филиали, Рассомчилик ва театр институти, Санъатшунослик илмий тадқиқот институти) тайёрланганини инкор қилиш мумкин эмас. Коммунистик идеологияни танқид қилганда халқимиз яратган тарихий-маданий бойликларни, тўплаган гносеологик тажрибалардан кўз юммаслигимиз керак, бу ўтмишга нообъектив ёндашишдир.

Тарих,мерос,инсон (халқ, миллат) триадаси тарихдан бошлангани бежиз эмас. Тадқиқот, тафаккур объектитарих, уни ўзида ифода этганмерос. Шу нуқтаи назардан тарих ва мерос тадқиқотнинг, тафаккурнинг таҳлил объектлари ҳисобланади. Триада субъектиинсон, унинг тафаккури эса объектнинг хусусиятларини ўрганади. Шу билан бирга ушбу субъект ўзига ўзи ҳам субъект, ҳам объект. Унинг ўзлигини англаши ушбу субъект ва объектлар алоқаларининг инъикоси, маҳсулидир. Демак, ўзликни англаш субъектобъект алоқаларининг субъектдаги инъикоси сифатида келади. Агар субъект омилининг етакчи, устуворлигидан келиб чиқсак, ўзликни англаш субъектнинг гносеологик изланишлари, тарихни англашга қизиқиши, ўз халқи, миллати ўтмишидан хабардорлиги даражасини англатади. Бу аслида шахс муносабатларининг ифодаси. Тарихни ва меросни баҳолаш унинг ихтиёрида. Объектларнинг беҳад кенглиги,мураккаблиги шахсда турли, гоҳо нообъектив, тор ва нотўғри ёндашишларни келтириб чиқариши мумкин. Улардан қўрқмаслик керак, чунки бундай ёндашишда объективлик учун барибир бир нима бўлади. Масалан, О.Шпенглер ва А.Тойнби қўллаган туғилиш, ўсиш, ривожланиш ва ўлиш (биологизм) усули цивилизациялар, тарихий-маданий ривожланишларни янгича талқин қилишга етаклади. Социал дарвинизм эса бу ривожланишни тадрижий воқелик сифатида талқин этади, лекин унда тарихий-маданий жараёнларни прогрессив ўзгаришлар тарзида талқин қилиш устуворлик қилади. Формацион ёндашувда историцизм кучли, яъни инсоният келажаги коммунизмдир, яъни ибтидоий жамоавийликка қайтиш тарзида тушунтирилади. Тарихни маданий жараёнлар, уларнинг эволюцион ривожланиши тарзида қараш ҳам мавжуд. Лекин унда маълум бир қитъа ёки қавм маданиятини, субъектнинг хоҳиш иродасидан ташқарида юз берадиган воқелик сифатида улуғлаш кўзга ташланади. Европоцентризм ва американизм шундай қарашлар ифодаси сифатида келади. Қандай бўлмасин, субъектнинг объектга муносабати маълум бир назарий моделлар ифодаси, бу моделларни шахс, унинг гносеологик қизиқишлари шакллантиради.

Шу ўринда саволлар туғилади: Ўзликни англаш шахс гносеологик қизиқишларининг ифодасими? Унда тарих ва мероснинг мавжудлиги, таъсири

масалалари нима бўлади? Тарихий-маданий мерос бирламчи (субстанция) онг, билим иккиламчи (акциденция) бўладими? Онгсиз, билимсиз тарихни, меросни англаш бўлмаганидек, тарихсиз, мероссиз ўзликни англаш, билиш бўлиши амри маҳол. Кўриниб турибдики, тарихий-маданий меросни, ўзликни англаш бир қатор қийинчиликларга дуч келади, бу саволлар аслида беором идрокнинг ўзини ўзи англашидир.

Илмий адабиётларда тарихий-маданий меросни асос, субстанция сифатида қараш устувор. Объектнинг мавжудлиги асосий мезон қилиб олинади. Объективлик, тадрижийлик ва ворисийлик принципларининг амал қилиши объектнинг мавжудлигидан келтириб чиқарилади. Мавжуд тарихий-маданий мерос, гносеологик тажрибалар ва артефактлар билим, ўзликни англаш манбаларидир. Бу ўринда объектни мутлақлаштиришга мойиллик кўзга ташланади. Билим ва ўзликни англаш субъектив воқеликлар, улар онг, тафаккур, когнитив гносеологик изланишларнинг маҳсули ҳисобланади. Субстанция уларга қанчалик таъсир қилмасин, шахс (тадқиқотчи, субъектлар) уни ўзича талқин қилади, идрок этади. Мазкур талқин ва идрок ўзликни англаш мезони ҳисобланади.Айтмоқчи бўлган фикримиз шундаки, тарихий-маданий мерос (субстанция, объект) нинг “ўзи ўзи учун” мавжудлиги онг, идрок (акциденция, субъектив воқелик)нинг ҳаракатга келишигача давом этади, бундан кейин эса бу мерос априори, яъни тажрибадан келиб чиқилмаган, тажрибадан ташқаридаги омиллар билан вужудга келадиган жараёнга айланади. Йўқ, бу субъективизм эмас. Биз тарихий-маданий мероснинг маълум бир пайтгача “ўзи ўзи учун” мавжудлигини инкор қилолмаймиз, у объектив нарса сифатида онг, идрокдан ташқарида. Тарихда қолган моддий ва маънавий бойликларнинг ўз ҳаёти бор, уларни реал воқелик сифатида у ёки бу томонга ўзгартириш шахс ихтиёрида эмас. Бироқ уларни шахс ўзича талқин қилиш имкони ва ҳуқуқига эга. Ўзликни англаш мана шу имкон ва ҳуқуқнинг акси, ифодасидир. Маълумки, “ҳар қандай инсон алоҳида индивид сифатида тўпланган тажриба, тарихий хотира, тарихий мероснинг ўзига хос давомчиси. Фақат айни ана шу тажриба ва меросга ким қандай шаклда, қандай мақсадни олдига қўйиб ёндашганлиги билан фарқ қилади. Бу ўз ўзидан тарихий меросга ёндашишда услуб муаммосини келтириб чиқаради. Демак, ҳар бир киши алоҳида шахс, алоҳида дунё, ўзига хос феъл атвор, муносабатлар, муаммолар мезонларига эга экан, тарихий тажрибага муносабатда ҳам ўздунёқараши, ўз муносабати ва услуби орқали ёндашади”[5: 231-б.].Услубнинг, ёндашишнинг хилма-хиллиги тарихий-маданий меросга бевосита таъсир қилмайди, ундаги жиҳатларни ўзгартирмайди. Услуб, ёндашиш гносеологик изланишларнинг бир қиррасидир, холос. “Масалан, кимдир учун тарих қаҳрамонликлар, мислсиз жангу жадаллар даври, яна бошқаси учун кучли драматик ҳолатлар, инсон руҳияти, изтироблари ва дард андуҳларининг жамулжами, учинчи бир тадқиқотчи учун узлуксиз давом этиб турадиган мантиқсиз “сериал”, яна бошқаси учун эса дунёнинг якуни, охиратнинг яқинлиги ва охир оқибатда инсоннинг ўз тарихига ўз феъл атвори ва маънавий ахлоқий даражаси орқалинуқта қўйиши билан боғлиқ бўлган тушкун ҳолатлар тизими”[6: 232-б.]. Менингфикримча, услуб ва ёндашишлар тарихнинг моҳиятини ўзгартирмайди,

аммо шахсдаги “ўз феъл атвор”га таъсир этади. Ўзликни англаш ана шу жараён билан боғлиқ. Демак, ўзликни англашда тайёр қолиплар, схемалар йўқ, услублар ва ёндашишларнинг хилма хиллиги, плюрализми ўзликни англашнинг кафолати сифатида келади. Демократик тафаккур амал қиладиган жамиятда бу ҳеч қандай таажжуб уйғотмайди, кишилар ўзлигини ана шу услублари, ёндашишлари орқали ифода этаверадилар.Бу ўринда ўзликни англаш шахс гносеологик қизиқишларининг маҳсули эканлигини таъкидлашга бориб тақалаётганини пайқаш қийин эмас. Ўзликни англаш икки йўл билан содир бўлади:

биринчисиўзининг гносеологик қизиқишларини субъект сифатида идрок этиш, ўзидаги ички салоҳиятни англаш, билиш ва уларни маълум бир гносеологик тажрибалар сифатида намоён этиш;

иккинчиси, ўзлигини тарихий-маданий мерос, аждодларнинг ҳаётий тажрибалари,яратган артефактлари ва қадриятлари орқали англаш.

Ўзини гносеологик қизиқишлар субъекти сифатида идрок этиш шахсий “Мен” феноменига бориб тақалади. Шахс “Мен”и ва миллат “Мен”и ёки “Биз” и уйғундир. Биринчисидан иккинчиси олдин келиши аксиомадир. Лекин ўзликни англаш феномени мудом шахсий “Мен”ни таҳлил қилишга, ундаги шахсий ва ижтимоий когнитив жараёнларни ўрганишга даъват этади. “Мен” феноменини ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, шахснинг “Мен”и динамик воқелик, кишининг ўзи ҳақидаги когнитив тасаввурлари бўлиб, у:

- шахснинг жисмоний “Менобраз”;
- долзарб мен;
- реал мен;
- идеал мен;
- ролларни ижро этувчи мен;
- ижтимоий мен;
- этник ёки ирқий мен кабилардан иборат [7: С. 278-280.]. Мазкур “Мен”ларнинг шахс тасаввурларида намоён бўлиши, акс этиши турличадир. Масалан, шахс ўзининг жисмоний ёки биологик, физиологик менини аввало маълум бир ташқи кўринишларда тасаввур этади. У ўзининг юз тузилиши, бўйи, бурни ёки кўзларининг рангига қараб ўзини у ёки миллатга, этник бирликка мансублигини тасаввур қилади. Шахс ўзини тарихий-маданий бирлик, тип орқали идрок этади, мазкур типдаги этник белгиларни ўзида кўради. Шу тариқа унда “мен инглизман”, “мен арабман”, “мен хитойман” ёки “мен ўзбекман” деган фикр шаклланади. Кўриниб турибдики, шахс “Мен”и маълум бир тарихий-маданий ва этник омиллар таъсирида юзага келади.Баъзан айтишадики, миллий ўзликни англашда биологик, физиологик элементлар деярли ҳеч қандай рол ўйнамайди, ижтимоий тарихий ва маданий омиллар таъсири етакчидир. Тўғри, ижтимоий муносабатлар тизими ва динамикасида биологик, физиологик омиллар мудом ҳам кўзга ташланавермайди, Масалан, маълум бир ижтимоий вазифани ёки меҳнатни амалга ошираётганида кишидаги сочнинг қоралиги, бурнининг қингирлиги, кўзининг кўклиги ёки сариқлиги ҳеч қандай ахамиятга эга эмас. Шубҳасиз, улар этник белгилар, уларга қараб шахснинг қандай этник бирликка мансублигини, қандай этник муҳитда

ўсганини, тарбияланганини билиш мумкин. Лекин ушбу этник белгилар дискриминацияга сабаб бўлиши, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмас. Ижтимоий вазифа, меҳнат аввало ушбу умуминсоний талабга қурилгандир. Шу билан бирга, ташқи этник белгиларнинг шаклланишида тарихий-маданий мерос ва тажрибалар муҳим рол ўйнашини инкор қилиб бўлмайди.

Долзарб мен феномени, А.А.Налчаджян таърифига кўра, шахснинг шу ондаги ва шу вазиятдаги "Менобрази"дир. Бу образ кишига ўзини ўзи ҳис этиш, интроспекция ва ўзининг хулқи, хатти ҳаракатлари ва уларнингнатижаларини объектив кузатиши орқали берилади. Долзарб мен ғоят ўзгарувчан: бу кишининг уйғоқ ва онгли ҳолатдаги ўзини узлуксиз ва динамик ўзгарувчанлигини англатувчи жараён [8: -С.279.].

Тарихий-маданий мерос "биз"нинг ўтмишдаги ифодаси. Меросга муносабат ўз навбатида "биз"га муносабатдир. Бироқ уларни айнанлаштирмаслик керак. "Мерос" ва "биз" ретроспектив нуқтаи назардан ҳам, ижтимоий нуқтаи назардан ҳам, бошқа бошқа тушунчалар, воқеликлардир. Бироқ улардан умумийлик, яқинлик излаган маъқул, чунки фарқларни излаш бизни тадқиқот мақсадидан узоқлаштирган бўларди. Масалан, шундай умумийлик халқимиз турмуш тарзида, менталитетида акс этади. Бу борада социология фанлари доктори, профессор М.Бекмуродов қуйидагиларни қайд этиб, "Мен" ва "Биз" воқеликлари уйғунлигини очиб беради. "Жамоавий турмуш тарзини мустаҳкамлашдан иборат жамоавий ҳаракат қадим қадимдан халқимиз вакилларининг ҳудудий даражада қишлоқ, маҳалла тузилмалари муҳитида яшашларини, шаҳар миқёсида эса муайян касб, ҳунар ёки илм-фан соҳаларида биргаликда тиғиз, зич, жамоа тарзида компакт фаолият юритишларини тақозо этиб келган. Бунинг яққол кўриниши сифатида мамлакатимиз қишлоқлари номланишига эътибор қаратиш жоиз. Дўрмон, Найман, Қатоғон, Барлос, Некуз, Сарой, Қанғли ва ҳакозо номланишлар халқимиз вакилларининг муайян уруғ доирасида қариндошлар жамоаситарзида яшаб келганликларини, тўпчилар, кулолчилар, қандолатчилар, мисгарлар, темирчилармаҳаллаларида эса касб ҳунар асосида бирлашиб яшаш тенденциясини кўриш мумкин. Илм, тасаввуф ва бадиий ижодиётда сулолавийлик, ворисийлик, қавмий довомийлик ҳам жамоавийлик анъаналарининг узвий давоми бўлиб келган. Моҳият эътиборига ва оддий мантиқ талабларига кўра жамоавий турмуш тарзи мустаҳкам бўлган ўзбекларнинг дунёда маҳв этувчи миллат бўлишини тасаввур этиш ҳам қийин"[9: 82-83 б.]. "Мен" ва "Биз" феноменларининг диалектик алоқларида умумингсоний қадрият устуворлиги туфайли миллий турмуш тарзида, халқимиз менталитетида бошқалар маданий бойликларига тажаввузлар учрамайди. Масалан, "Англия тарихида миллат хазинаси икки минг йиллик ўтмиши мобайнида бир марта (1104 йилда Англиянинг французлар томонидан босиб олниши пайтида) талон тарож этилган бўлса, АҚШ хазинаси сўнгги 200 йилдан кўп вақт мобайнидабирор марта ҳам, Япония хазинаси эса умуман ҳеч ким томонидан эгалланмаган, Россия давлат хазинасининг таланиши фақат бир мартамўғуллар босқини пайтида 1230 йилда юз берган. Аммо Ўзбекистон ҳудудидаги давлатлар хазиналари эса 3000 йил мобайнида жами 50 мартадан кўпроқ ички ва ташқи

босқинлар туфайли талон торож этилган. Мамлакатимиз бойликлари,осори атиқалар, китоблар, муҳим тарихий обидалар олиб кетилган. Маданиятимиз, тилимиз, ҳудудимиз оёқости қилинган"[10: 83-б.].. Халқимизда "Мен" ва "Биз" ёки "Улар" ўртасидаги келишмовчиликлар, низолар консенсусга, муросага мойиллик борлигидир.Айнан ушбу фазилат боис халқимиз, миллатимиз бошқа халқлар, миллатлар тарихий-маданий бойликларига кўз олайтирмаган, уларни талон торож қилмаган. Кўриниб турибдики, "Мен" ва "Биз", "Улар" тушунчалари миллий ўзликни намоён этишда, бошқалар билан муносабатларда аниқ кўзга ташланади. "Ижтимоий мен" ва "Улар" ўртасидаги зиддият ана шу миллий фазилат орқали идрок этилади. Яъни"Этник мен" миллий ўзликни англаш тарзида келади. Шу нуқтаи назардан каелиб чиқиб айтишимиз мумкинки, этник мен шахс бажарадиган ролларнинг юқори поғонаси бўлиб, у шахсда бирор халқ, миллатга мансублик туйғусининг шаклланганидан далолат беради. Тарихий-маданий мерос турли "Мен"ларни уйғунлаштирувчи феномен сифатида уларнинг "Этник мен"да тўлароқ намоён бўлишига замин тайёрлайди. Агар биз этник менга миллий ўзликни англашнинг ифодаси сифатида қарасак, тарихий-маданий мероснинг ижтимоий вазифалари, миллий менталитетга таъсири қанчалик сезиларли эканини кўрамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. -Тошкент: Маънавият, 2008. 333-334 б.
2. Гуссерль Э. Философия как строгая наука. -Новочеркасск: Агантство САГУНА, 1994. С. 59.
3. Ўша асар. С.55.
4. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. -Тошкент: Маънавият, 2008. 335 -б.
5. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. -Тошкент: Маънавият, 2008. 231 -б.
6. Ўша асар. 232 -б.
7. Қаранг: Налчаджян А.А. Этнопсихология. 2 е издание. -СПб.: Питер, 2004. С.278-280.
8. Қаранг: Ўша асар. С.279.
9. Бекмурадов М. Ўзбек менталитети. -Тошкент: Info Capital Group, 2011. 82-83 б.
10. Ўша асар. 83-б.

ФАННИНГ ШАХС ИНТЕЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ГАРМОНИК РИВОЖЛАНИШДА ИНСОН АҚЛ ҚУВВАТИНИНГ ЎРНИ (ТАРИХИЙ ЭКСКУРС)

Соипова Мавжуда Каримжоновна
ФарДУ мустақил изланувчиси

Аннотация: *мақолада фаннинг ижтимоий институт сифатидаги жамият тараққиётидаги аҳамияти, унинг ривожида интеллектуал салоҳият ва фаолиятининг замонавий вазифалари, фан ва шахс камолотида ақл қуватининг ўрни таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар*: инсон, жамият, фан, интеллект, интеллектуал салоҳият, илмий фаолият, ақл, ақл қуввати, илмий тараққиёт, фан ривожи, шахс камолоти.*

РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО РАЗУМА В ГАРМОНИЧНОМ РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ С ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ НАУКИ (ИСТОРИЧЕСКИЙ ЭКСКУРС)

Сойпова Мужджуда Каримжоновна
независимый исследователь ФерГУ

Аннотация: *В статье анализируется значение науки в развитии общества в качестве социального института, современные задачи интеллектуального потенциала и деятельности в его развитии, роль интеллекта в совершенствовании науки и личности.*

Ключевые слова: *человек, общество, наука, интеллект, интеллектуальный потенциал, научная деятельность, интеллект, научный прогресс, развитие науки, личность.*

THE ROLE OF HUMAN INTELLIGENCE POWER IN HARMONIC DEVELOPMENT WITH THE INTELLECTUAL ACTIVITY OF THE INDIVIDUAL IN SCIENCE (HISTORICAL EXKURS)

Saipova Mavjuda
independent researcher of FerSU

Annotation: *the article analyzes the importance of Science in the development of society as a social institution, modern functions of its development, the role of intelligence in the perfection of Science and personality.*

Keywords: *person, Society, science, intellect, human potential, scientific activity, intelligence, intelligence, scientific development, science fiction, personality perfection.*

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида илмий, техник ва инновацион салоҳият фан ривожланишининг энг муҳим унсурларидир. Айниқса, фан ва узлуксиз таълимнинг интеграциялашуви икки томон учун ҳам тенг манфаатли бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу борадаги қуйидаги фикри муаммо борасида методологик асос бўлмоқда: “биз сизларнинг бой билим ва тажрибангизга таянамиз. Шу мақсадда сизларни, илмий йўналишингиздан келиб чиқиб, республикамиздаги олий ўқув юртлари, ўрта

махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига, вазирлик ва идораларга, йирик банкларга бириктиришни лозим топдик.

Сизларнинг ҳар бирингиз бириктирилган таълим муассасаларида илмий мактабларингизни ташкил этишингиз, юқорида зикр этилган технопарк ва инновацион марказда эса инновацион ишланмаларни жорий этиш бўйича зарур маслаҳатлар бериб боришингиз кўзда тутилмоқда"[1].

Фуқаролик жамияти ривожланишида ҳар бир кишидан тобора чуқурроқ илмий саводхонлик ва ижодий ёндашувлар талаб этилмоқда. Тадқиқотчи Э.Қосимов фикрича, илмий ишни таҳлил қилиб исботлаш учун ақл, фикрлаш қобилияти, тажриба ва натижа зарурдир. Шуларни эплаган одам билимлидир[2]. Ўзбекистонлик файласуф олимларнинг янги авлоди айни пайтда билимдон, зукко, истеъдодли бўлиши билан бирга ўз билимларини ёшларга тушунарли тилда баён этиш қобилиятига ҳам эга. Ҳозирги ёш ўзбек олимларининг ватанпарварлиги уларни фидойиси бўлишади. Улар аждодларимиз яратган, буюк алломаларимиздан то бугунги кунгача яратилган бой маънавий мероснинг ворисларидир.

Ахборотлашган жамиятнинг характерли хусусиятларидан бири ҳам жамият ва инсон ҳаётида билимлар ва ахборот технологиялари, билимларга асосланган янги ишлаб чиқариш усулларининг яратилиши, ахборот ва фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучи турига айланиб бориши каби жараёнлар билан боғлиқ. Мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ислоҳотлар ҳам одамларнинг ақлий фойдали меҳнати билан боғлиқ. Улуғ мутафаккир Маҳмуд аз Замахшарий бобомиз таъкидлаганидек: "Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур"[3].

Ақл қуввати (энергияси)ни жамиятнинг манфаатлари, равнақи ва тараққиёти томон бутунлай буриб юбориш, биринчи навбатда комил инсон ва етук малакали мутахассис тайёрлаш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг асосий вазифа қилиб қўяди. Кадрлар тайёрлашнинг улкан вазифаларига назар ташланса, унинг моҳияти, фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига узвий боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олади. Бу – шахс, давлат ва жамият узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлигининг билдиради. Худди шу ердан ақл қувватини бунёдкорлик томон буриб юбориш вазифаси яққол юзага чиқади. Ақл қуввати инсоннинг билими воситасида реал воқеликка айланиб боради, демак бунёдкорлик касб этади.

Воқелик ҳақидаги билимларимиз онгимизда тўпланиб, тажриба асосида юқори босқичга ўсиб ўтади, ақл фаолияти натижасида илмий билимга айланади. Ақл қуввати (энергияси)нинг воқелик ҳақидаги маълумотларни илмий билим даражасига маълумотлар объектив борлиққа мутаносиб бўлиши; иккинчидан, етарли даражада ишончли бўлиши; учинчидан, олинган маълумотлар далиллар билан асосланган бўлиши, Тўртинчидан, ҳаётий тажриба синалган бўлиши, бешинчидан бобокалонимиз Ибн Сино таъкидлаганидек, - "Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳимдир"[4].

Ақл қуввати(энергияси)ни мунтазам тарбиялаб, ривожлантириб боришда диний ва дунёвий билимларнинг ҳар иккисига ҳурмат билан қараш зарурлиги мутафаккирлар томонидан таъкидланиб келинади. Демак, ҳар бир ватандошимиз, айниқса ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Бу эса ёшларда дин билан дунёвий ҳаёт масалаларининг бир-бирига бўлган таъсири ҳамда улар ўртасидаги мўътадил муносабатнингоқилона амалга ошириш зарурлигини англаб етадилар. "... бу масала айнан бугунги кунда, дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ва радикализм кучайиб, диний экстремизи ва терроризм тобора авж олиб бораётган ҳазирги даврда айниқса муҳим ва долзарб аҳамиятга эга"[5].

Инсондаги хилма хил эҳтиёжларнинг энг асосийларидан бири билимга бўлган эҳтиёждир. Зеро, билим Аллоҳнинг ўзи яратган инсонларнинг ақл нури, шундай экан у буюради: "Ёзгил, менинг илмим менинг халқимга то қиёмат кунигача бўлур. Бас, қалам Аллоҳ таолонинг яратган махлуқотига оид илмини, то қиёмат кунигача нимани ирода қилган бўлса ҳаммасини ёзди. Коинотдаги ҳамма нарса ва ҳар бир воқеа-ҳодиса Аллоҳ таолонинг илми, тақдири, изни ва ҳоҳиш иродаси билан бўлур"[6]. Демак, яратганнинг каромати билимдон, ўқиш ва ўрганишдан бошланган.

Ақл қуввати тўғрисидаги фалсафий қарашлар Шарқ мутафаккирлари таълимотида асосий ўринни эгаллаб келган. Бунинг ёрқин ифодасини буюк аллома Абу Наср Форобийнинг ақл концепцияси мисолида кўриш мумкин. Унинг "Ақл маънолари ҳақида", "Саволларнинг моҳияти", "Ақл(сўз)нинг аҳамияти ҳақида", "Ақл тўғрисида трактат", "Фанларнинг келиб чиқиши тўғрисида", "Донишмандликнинг моҳияти"[7] номли асарларида ақл қуввати тўғрисидаги илмий-назарий ва амалий таълимотлар асослаб берилган ва инсон ўзининг фаолиятида, оламни билиш ва ундан унумли фойдаланишда ақлга асосланиши лозимлиги уқтирилади. Форобийнинг ақл концепциси тўғрисида батафсил тўхталиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, чунки бу аллома Аристотелнинг бу борадаги қарашларини такомилига етказди, батафсил ва ҳар томонлама ривожлантирди. Унинг рационалистик (ақл) ақл салоҳияти тўғрисидаги фикрлари, гарчи муайян даражада диний мистик бўлсада, аммо ундаги инсонни улуғлаш, билиш қобилиятлари, ақл қувватини (ақл билан қувват) йўқотгани йўқ. Инсон энг олий камолотга эришмоғи учун унга, яъни инсон табиати ва фаолиятига қўшимча иккита: амалий ва назарий фикрий қувватлар зарурдир, деб таъкидлайди, мутафаккир[8].

Форобий ақлий қувватни инсондан ажралмас табиий хислати эканлигини ва бу хислатларни турли томонларини характерлаб берганлигидадир. Форобий талқинида салоҳиятли ақл биргина моддий борлиқни билиш билан тўхтаб қолмайди, балки нарса ва воқеаларни моҳияти тушунишга олиб боради. Ўзининг "Ақл ҳақида" номли трактатида мавжуд нарсалар моҳиятини билиб олишни таъминловчи имконий ақлни воқеликка олиб чиқувчи ақл – воқеий ёки фаолиятдаги ақл деб таърифлайди[9]. Ақлнинг куч-қудратини исботлар экан "Фусус ул-ҳакам (Ҳикматлар жавҳари)" номли асарида ҳақиқатга йўл муҳокама ва ақл орқали боради, аммо, унгача, бу мақсадга эришиш учун фақат ақлнинг ўзи кифоя эмас,

бунинг учун ички оламни поклаб бориш керак, дейди. “Афлотун фикрича, - деб ёзади Абу Наср Форобий, - ҳар бир одамнинг қалбида қарама-қарши, ўзаро туташ жуфт қувват: ғамгинлик ва қувонч, лаззат ва изтироб ва ҳоказолар бор. Бу қувватлардан бири (Ватан, халқ ҳақида ғам ейиш, адолатсиз, нохақ ишлардан изтироб чекиш) – таҳсинга сазовор, иккинчиси (доимо ўзини хурсанд қилиш, кўнгилхушлик, лаззатпарастлик) – хайвонийдир. Қонун хайвоний кучни эмас. Таҳсинга сазовор кучни ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарур. Афлотун ҳайвоний қувват томонидаги (яъни, ёмонликнинг яхши феълга қаршилиги) кучли ва таҳсинли қувват томонидаги зиддият (яъни, яхши феълнинг ёвузликка, ёмонликка қаршилиги) гўзалроқ, ёқимлироқ деб тушунтиради. Ҳар бир инсон шу икки зиддиятли ҳолат (яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик) ҳақида ўйлаши, таҳсинга сазовор қувватга бўйсуниши керак”[10].

Форобий инсоннинг ақлий қувватини турли хил шарт-шароитларда ва қандай ишларга, яхшилик ёки ёвузликка қаратилганини аниқ ва мазмунли англаб олиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Айниқса, унинг ақлий қувват ҳақида, ақл ва тафаккур тўғрисидаги фикрлари эътиборлидир. Унда ақл қувватини вужудга келиши ва қарор топишининг сабаблари кўрсатилган. Тафаккур қилиш (интеллект) жараёнида фикр қуввати (майдони)да турли ақлий нарсаларнинг (тушунчанинг сувратлари, шакллари, қолиплари) ақлий қувватда мухрланиб келади. Ақлда акс этувчи мавжудотлар ақлдан ташқарида моддий ҳолда бўлсалар-да (тошлар, ўсимликлар ва бошқалар) фикрлаш жараёнида (моддий ҳолда эмас, таассурот тарзида) бил-қувва (тушунча сифатида) қатнашадилар. Лекин, бу тушунчалар фикрлаш жараёнида ақл-бил феъл (фаол интелект)га айланади ва ундан одам ўзининг амалий фаолиятида фойдаланади.

Ақл қуввати (энергия)ни бунёдкорлик томон буриб юборишда баркамол инсонлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бундай инсонлар ўзларининг табиати, ижтимоий мавқеи, билим даражаси, тафаккури билан ижралиб туради. Улар юқори билим, тажрибаси, тафаккури, шижоати, собит қадамлиги билан илм-фанда ҳамда ижтимоий сиёсий ҳаётда етакчилик (лидер) ролини эгаллайди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, - “Ўзбек номи, ўзбек илм-фани ва маданиятини, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг қандай буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улуғ зотлар фидоийлик намуналарини кўрсатиб келган. Бундай инсонлар диёримизда ҳозир ҳам кўплаб топилади ва бундан кейин ҳам уларнинг сафлари кенгайиб бораверади”[11].

Хулоса қилиб айтганда, баркамол инсонларнинг ақл қуввати (энергия)сини ифодаловчи қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш лозим:

- инсонлар ўзининг ақл қуввати, заковати воситасида фанда техникада буюк кашфиётлар ва ихтиролар қилади ва уларнинг бевосита ёрдамида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари инсоният тараққиётини, бир бутун цивилизацияни, миллатни, халқни янги тарихий босқичга кўтарилишига хизмат қилади;

- ақл қувватига таянган баркамол инсонлар илмий башоратлар қилади ва уларни инсонга, унинг бугуни ва келажаги учун хизмат қлишга йўналтиради, табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг муҳим қонуниятларинбби очиб беради ва ҳаётга тадбиқ этишнинг самарали йўлларини кўрсатади;

- инсоннинг ақл қувватини бунёдкорлик ишлари томон буриб юбориш масаласи инсоннинг эркинлиги ва заруриятни англаб етиши билан бевосита боғлиқ. Инсон ўз фаолиятида эркинликни англанилган зарурияти сифатида қабул қилсагина ақл қувватини яратувчиликишларига, истиқболни белгилашда сафарбар қила олади;

- баркамол инсонларнинг ақл қуввати уларни ижодий, ижтимоий фаоллиги, эркин, ижодий, оқилона ҳамда оқилона ташкил этилган сермаҳсул меҳнатининг натижаларида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. –Т.: Ўзбекистон. 2017. Б- 173
2.Қосимов Э.У. Доноликка етакловчи сўзлар. –Т.: Турон-иқбол. 2006. Б- 73.
3.Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ. 1999. Б- 144
4.Ҳақиқий манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Т.: Янги аср авлоди. 2009. Б- 197
5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: Ўзбекистон. 2-том. Б- 456
6.Қасос ул-анбиё (Пайғамбарлар қиссаси). Сино. Илмий журнал. 2011 Баҳор-ёз-куз-қиш. Б-108-109
7.Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: Ўзбекистон. 1971. Б-87
8.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 1993. Б- 140-150
9.Аль-Фараби. О разуме и науке. Алма-Ата. Наука. 1975. С.11
10.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Халқ мероси. 1993. Б- 21-22
11.Каримов И.А. Юксак манъавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 121-122

10.00.00 ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

ЛИСОНИЙ ОНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Акбарова Зухро Акмалжоновна
Фарғона давлат университети
филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: *Мақола лисоний онг тушунчасининг психолингвистик тадқиқига бағишланган бўлиб, объект сифатида психолингвистиканинг шаклланиши, унинг асосчилари, психолингвистика ва тилшунослик соҳасига тегишли лисоний онг атрофида бирлашувчи тушунчалар ва бирликлар таҳлили натижаси ёритилган.*

Калит сўзлар: *лисоний онг, психолингвистика, когнитив тилшунослик, тил сатҳлари, тил ташувчиси.*

ЯЗЫКОВОЕ СОЗНАНИЕ КАК ОБЪЕКТ ПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ

Акбарова Зухро Акмалжоновна
Ферганский государственный университет
кандидат филологических наук, доцент

Аннотация: *Статья посвящена психолингвистическому изучению понятия языкового сознания, становлению психолингвистики как объекта, его основателей, результатам анализа понятий и единиц, объединяющих лингвистическое сознание, относящихся к области психолингвистики и лингвистики.*

Ключевые слова: *языковое сознание, психолингвистика,когнитивная лингвистика, уровни языка,носитель языка.*

LANGUAGE CONSCIOUSNESS AS AN OBJECT OF PSYCHOLINGUISTIC RESEARCH

Akbarova Zuxro Akmaljonovna
Fergana State University
PHD Philological

Annotation: *The article is devoted to the psycholinguistic study of the concept of linguistic consciousness, the formation of psycholinguistics as an object, its founders, the results of the analysis of concepts and units uniting around linguistic consciousness in the field of psycholinguistics and linguistics.*

Keywords: *linguistic consciousness, psycholinguistics, cognitive linguistics, language levels, native speaker.*

Лисоний онг – муайян тил вакилининг лексик ва грамматик сатҳ бирликлари орқали оламни идрок этиш ва англаш жараёнини ифодаловчи когнитив тилшунослик категориясидир. Т.Н.Ушакованинг таъкидлашича, “лисоний онг” атамаси алоҳида, лекин бир-бирига алоқадор бўлган психология ва тилшунослик соҳаларига оид тушунчаларни ифодаловчи сўзлардан ташкил топган ва уларни бирлаштирувчи бирикмадир.

Бир-бирига мос тушунчаларнинг бу тарздаги уйғунлашувига, бизнингча, тараққий этиш белгиси деб қараш керак. Бундай хулосага келишимизнинг сабаби шундаки, уларнинг ўзаро мувофиқлигини доимий алоқадорлик ҳаракатида кузатишимиз мумкин. Дарҳақиқат, инсоннинг бирор фикрни ифодалашда тил бирликларидан нутқда фойдаланиши унинг руҳий олами инъикоси сифатида юзага келадиган жараёндир. Шубҳасиз, тил ва нутқ тушунчаларининг моҳияти ҳам шунда.”1

Лисоний онг психолингвистиканинг турли тушунчаларига оид ишларда тадқиқ қилинади. Жумладан, А.Н.Леонтьевнинг фикрича, лисоний онг тушунчаси, биринчидан, ҳар бир шахс воқеликнинг маъносини тафаккур доираси асосида ифодалаш имконига эга бўлса, иккинчидан, шахснинг воқеликка муносабати жараёнидир2.

Е.Ф.Тарасов лисоний онг деганда “тафаккурда образлар сифатида шаклланган ва турли тил бирликлари – сўз, сўз бирикмаси, турғун бирикмалар, гап, матн ва боғланишли майдонлар орқали ифодаланган воқелик”ни тушунади.3

Лисоний онг масаласини тадқиқ қилиш – тилшуносликда нисбатан янги мавзу. Н.В.Уфимцева таъкидлайдики, «Янгича йўналишдаги изланишлар муайян бир этник маданий онг образларини бошқа бир миллий маданият образлари билан қиёсий ўрганиш жараёнида этник тафаккурни таҳлил қилишнинг маданиятлараро қонуниятлари тўғрисидаги тасаввурнинг шаклланишига олиб келди. Муайян жамиятдаги онгнинг шаклий кўриниши сифатида “ўзлик тимсоли” (ўз этник дунёси образи) ва “бошқа тимсол” деб қарашга асос бўладиган тил ва маданиятни қарама-қарши қўйиб ўрганиш методикасини шакллантиришдаги муаммо ҳам айнан шунда… Муайян этник маданиятнинг асосий таркибий қисми сифатида шу маданият вакилларининг онгида шаклланган дунё образи тадқиқотнинг марказий объекти этиб белгиланади. Айнан дунё образи этник маданият вакилининг ҳаракатланиши учун зарур бўлган мувофиқлаштирувчи тизимда ўз атрофидаги дунёга мослашувидаги универсал механизм ҳисобланади. Этник ривожланиш жараёнида дунё ҳақидаги тасаввур ўзгариши мумкин, лекин барқарор сифатлар – онгдан ташқаридаги жамоавий этник тизим белгилари ўзгармай қолаверади.»4 Лисоний онгни белгилашнинг бир неча вариантлари мавжуд. “Лисоний онг –

---

[1] Ушакова Т.Н. Понятие языкового сознания и рече-мысле-языковой системы // http://www.psychol.ras.ru/boiko-school/texts/2004/ushakova_yazykovoe_sozn.pdf

[2] Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: Наука, 1975. – С. 171 – 172

[3] Тарасов Е.Ф. Актуальные проблемы анализа языкового сознания Языковое сознание и образ мира: Сб. статей/ Отв. Ред. Н.В. Уфимцева, М.: Вече, 2000, – С. 26

[4] Уфимцева. указ.соч.

психолингвистикада кенг қўлланадиган атама. Бу атама орқали ментал фаолият натижаси ўлароқ миллий тил лексик воситалари орқали ифодаланадиган ҳодисани белгиловчи тушунчани англаш кўзда тутилади. Кенг маънода лисоний онг тушунчаси инсон нутқий фаолиятини таъминловчи руҳий механизмни ҳам ўз ичига олади."5

В.В.Красных лисоний онг маъносини ифодалаш учун homo loquens атамасини қўллайди.6 Homo loquens - "гапирадиган одам" – homo sapiens ("ақлли одам") ва шу каби ибтидоийлик қуйи турларининг бошқа номлари билан ўхшашлик асосида яратилган. Homo sapiens ("ақлли одам") homo erectus ("тўғри юрадиган одам")га нисбатан юқорироқ эволюцион босқични ифодалайди. Шу тариқа, homo loquens - "гапирадиган одам" эса homo sapiens ("ақлли одам")га нисбатан юқорироқ эволюцион босқични ифолайди десак, мантиқан тўғри бўлади.

"XX асрнинг биринчи ярмида тилшунослик марказида тилга тизим сифатида, адабиётшуносликда – адабиётга санъат соҳаси қаралган бўлса, аср охирига келиб ҳар иккала фан марказида ҳам homo loquens категорияси турибди." Фақат биринчи ҳолатда икки томонлама "сўзловчи – тингловчи" тарзида юқори даражадаги мулоқот вакиллари назарда тутилса, иккинчи ҳолатда "муаллиф – ўқувчи" сифатида алоҳида-алоҳида функция бажарувчи тарафлар мавжуд. Ижтимоий муҳит тараққиётига мувофиқ равишда тил орқали коммуникатив фаолиятнинг "Журналист - Ўқувчи", "Рекламачи – Реклама истеъмолчиси", "Жамоатчилик билан алоқалар мутахассиси – Жамоатчилик" ва бошқа анъанавий мулоқот модификациялари каби янгидан-янги турлари пайдо бўлишига замин яратилди."7 [Чувакин].

Тилдан фойдаланувчи ҳар бир шахс бошқа одамларни ўз нутқига қизиқтиришга интилади, шунинг учун барча нотиқлик усуллари учун характерли бўлган тагмаъно ёки яширин маъно ифодалаш, хусусан, метафора, эпитет, қиёслаш, метонимия, такрор, риторик сўроқ, сўзларни тушириб қолдириш ва бошқа воситаларга таянади.

Сўздаги яширин маънолар сўзловчининг атрофдаги дунё, нарса-ҳодисалар хусусиятларини билишига асосланади. Тил ташувчисининг шахсияти миллий ва маданий жиҳатдан ўзига хосдир. Сўзловчи бошқа одамлар билан мулоқотга киришганда кўпроқ "бахт", "пул", "тинчлик", "ҳақиқат", "тақдир", "оила", "ватан" каби асосий тушунчаларга мурожаат қилади.

Миллий ўзига хослик шундаки, у ёки бу сўзнинг маъноси бирор ҳолат билан боғлиқ ҳолда юзага келса-да, метафорик ёки метонимик кўчма маъно тамоман бошқа тушунча билан боғлиқ тарзда юзага келиши мумкин.

Ҳар бир сўздаги концептуал маънони ўзгартирган ҳолдаги яширин мазмун сўзловчининг олам, одамлар, атрофдаги воқелик, дунёдаги сиёсий жараёнлар ва ҳоказоларни англашдаги дунёқарашидан пайдо бўлади.

---

[5]Овчинникова И.Г. Что скрывается за термином «языковое сознание»? // http://philologicalstudies.org/dokumenti/2008/vol1/1/8.pdf

[6] Красных В.В. Свой среди чужих, чужой среди своих. – М.: АСТ, 2002.

[7]*Чувакин А.А.* Теория текста: объект и предмет исследования // Критика и семиотика. Вып. 7. – С. 89.

Л.И.Богданова таъкидлайдики, “янги маъно шундай пайдо бўладики, бизнинг дунёни англашимизда аниқ онгимиз даражасида ниманидир тўлдириш, қандайдир бўшлиқни қоплаш зарурияти юзага келганда, олдиндан кутилган жавоб мавжуд маъно чегарасидан кенгроқ мавқеда бўлади, чунки ҳеч қандай детерминистик шакллантириш, математик моҳият, аниқ далиллар асос маъно доирасидаги тушунчани камайтирмайди.”8 [Богданова].

Турли психолингвистик ахборотлар, бизнинг фикримизча, сўзловчи томонидан сўз, сўз бирикмаси, гап ва матнлар орқали баён қилинади.

Психолингвистика XX аср ўрталарида шаклланди. Олим ва тадқиқотчиларнинг инсон тафаккури, фикрлаши, таъсир қилиш ҳолат ва жараёнлари, мулоҳаза юритиш, англаш, билим каби масалаларга катта қизиқиши илмий парадигманинг ўзгаришига олиб келди. Бир вақтнинг ўзида бир неча илмий йўналишлар, хусусан, тилшунослик, когнитив психология, психология, фалсафа ва бошқаларни бирлаштирган психолингвистиканинг пайдо бўлиши замонавий илм-фанда “психологик инқилоб”ни юзага келтирди.9

Бу ўзгаришларнинг асосий ғояси қуйидагича: инсон тафаккури ички (ментал) когнитив жараёнларни бошқарган ҳолда ўз навбатида турли хил намойишлар, сценарийлар, моделлар ва ҳоказоларга таянган ҳолда воқеликни ташкил қилади ва мулоҳаза юритади. Бунда ҳар бир одамнинг алоҳида олинган ҳар қандай ижроси тўлиқ англанмайди. Биз фақат лисоний баённинг асосий хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритишимиз мумкин, аммо ҳеч қачон биз уни тўлиқ англай олмаймиз.

70-йилларнинг иккинчи ярми психолингвистик йўналишнинг пайдо бўлиши даври ҳисобланади. Россия илмий адабиётларида ушбу йўналиш маҳаллий тилшуносликдаги анъанавий тадқиқот манбалари билан узвий алоқадорликда шаклангани кузатилади.

Россияда психолингвистиканинг ривожланиши натижасида мавжуд манбаларни жамлаш ва тизимлаштириш, тадқиқотларнинг терминологик базасини яратиш зарурати пайдо бўлди.

Когнитив тадқиқотларнинг турли услублари мавжудлигига қарамай, тилшунослар А.Н.Баранов ва Д.О.Добровольскийлар таъкидлайдиларки, тадқиқотлар ичида ҳали “тилга психолингвистик ёндашувнинг методологик асосларини аниқ шаклда жамлайдиган монографик тадқиқотлар” яратилмади.10

Рус тилшуноси А.А.Леонтьев психолингвистика асосчиларидан ҳисобланади. Унинг фикрича: “Психолингвистика ўрганиш предмети тил тизими (тил предмет сифатида) билан тилдан фойдаланиш қобилияти ўртасидаги муносабатга асосланган фандир.” Кейинги таъриф ҳам унга қарашли: “Психолингвистика – нутқ ҳосил бўлиши жараёнларини, шунингдек, нутқни тил тизими билан алоқадорликда идрок этиш ва шакллантириш масалаларини ўрганувчи фандир.”11

---

[8] Богданова Л.И. Стилистика русского языка и культура речи. – М.: ФЛИНТА Наука, 2016. – с.34

[9] Маслова Ж.Н. Поэтическая картина мира и ее репрезентация в языке. – Дисс. … д.ф.н. – Тамбов, 2011. – С.8

[10] Баранов, А.Н. Введение в прикладную лингвистику. – М.: Едиториал УРСС, 2003.

[11] Леонтьев, А.А. Основы психолингвистики. – М.: Смысл,2003.

Е.С.Кубрякова ҳам психолингвистикага қуйидагича таъриф беради: “Психолингвистика – бу, тилни маълумотни шакллантириш, қайта ишлаш, амалда қўллашни амалга оширадиган умумий механизм, ахборотни тақдим этиш (кодлаш) ва ўзгартиришда восита ролини ўйнайдиган белгилар тизими сифатида ўрганувчи лингвистик йўналишдир”.12

Тадқиқотчилар психолингвистиканинг асосий масаласи “инсоннинг фаолияти ва хатти-ҳаракати маълум даражада унинг билим ва тасаввурларига боғлиқ”лигини эътироф этадилар.13 Бунда инсон нутқида унинг фикри тўлиқ ифодаланмаган бўлиши мумкинлиги назарда тутилиши керак, негаки, мулоқот жараёни сўзловчи билан бирга тингловчининг иштирокини ҳам қамраб олади.

Тилшуносликда тилнинг вазифаси ташқи дунё элементларини лисоний бирликлар орқали ифодалашда деб ҳисоблайдиган қадимий анъана мавжуд. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ҳолатлар маълум тил бирлигига мос келадиган бир қатор қисмларга бўлиниши мумкин.

Психолингвистлар эса бундай тўғридан – тўғри таққослаш йўқлиги, аниқ вазиятни бошқача талқин қилиш мумкинлиги, вазиятни ифодалашнинг ҳар хил усуллари турли хил бирликлар орқали юзага чиқиши мумкинлиги, натижада сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги тушуниш турлича бўлиши эҳтимоли ҳам мавжудлигини таъкидлайдилар. Масалан,

(1) John gave the book to Betsy;

(2) John gave Betsy the book.

Анъанавий ёндашув бўйича бу жумлалар айнан бир хил мазмун ифодалайди, гапнинг синтактик тузилишидаги фарқ жумла мазмунининг ўзгаришида аҳамиятга эга эмас деб қаралади.

Аммо айрим ҳолатларда бундай шаклларнинг фақат биттаси тўғри келиши мумкин, масалан, биз: «John covered the fence with a new layer of paint» деб айта оламиз, лекин мана бундай ифодалаш мутлақо нотўғри бўлар эди: «John gave a new coat of paint to the fence».

Бу икки ҳолатнинг фарқи шундаки, (1) ва (2) шаклдаги икки хил синтактик қурилишда “айнан бир ҳолат” турлича талқин қилинган бўлиб, айрим ҳолларда ифодалашнинг фақат бир усулигина ўринли ёки табиийдир.

Энг муқобил вариантни танлаш шартларидан бири нутқни шакллантириш ва идрок этиш омиллари билан боғлиқдир.

(3) The path slides into the valley;

(4) The trail rises from the valley.

Ушбу жумлалар бир хил ҳолатни тасвирлаш учун ишлатиш мумкин бўлса ҳам, улар бир хил мазмунни юзага чиқаради деб айта олмаймиз. Улар орасидаги фарқ – кўзланган мақсадда. (3) гапда кимдир водийга юқоридан қараётгани назарда тутилса, (4) гапда шахс водийнинг ўзида туриб қараётгани англашилади.

12Кубрякова Е.С. Начальные этапы когнитивизма: лингвистика - психология - когнитивная наука. // Вопросы языкознания. 1994., № 4. – С.34-37// http://www.issuesinlinguistics.ru/pubs/

13Маслова Ж.Н. Поэтическая картина мира и ее репрезентация в языке. – Дисс. … д.ф.н. – Тамбов, 2011.

Иккинчи мисол орқали эса (5) ва (6) мазмун ўртасидаги қарама – қаршиликни кузатишимиз мумкин:

(5) John bought a car from Betsey;

(6) Betsy sold the car to John.

Бу ерда "бир хил воқеа" деб аталган икки жумла мавжуд бўлса ҳам, улар айнан бир хил маънони англатмайди. Воқеликлар ўртасидаги фарқ шундаки, (5) жумлада вазият Жоннинг нуқтаи назари билан талқин қилинса, кейинги (6) жумла Бетсининг нуқтаи назари ифодасидир.

Кўп ҳолларда прагматик омиллар нутқнинг бошқариш нуқтаси ва нарса-ҳодисанинг моҳиятини танлашга таъсир қилади.

Қиёсланаётган синтактик қурилмалар билан боғлиқ иккинчи омил эса вазият компонентларининг аҳамиятига асосланган, бошқача қилиб айтганда, дисскурсда айрим сўзлар бошқаларига нисбатан кўпроқ эътибор марказида бўлади.

Олдинги режада қисман лисоний шакллантириш ва қисман идрок этиш масаласи туради. Масалан, ҳолат бирдан ортиқ ҳодисаларда ифодаланган дейлик – майсазорни ўриш пайтида деразага тош учиб келиб, уни чил-парчин қилди. Бу ҳолатни қуйидагича ифодалаш мумкин:

(1) I broke the window;

(2) The stone broke the window.

Бундай шаклларнинг танланиши ҳолатдаги конструкциялар билан боғлиқ. (1) ҳолатда сўзловчига эътибор қаратилади, (2) шаклда эса асосий эътибор тошга қаратилиши билан бирга ифодаланаётган вазиятда сўзловчининг иштирок этаётгани ҳам таъкидланади.

(3) You can not open this door with this key;

(4) The key will not open this door.

Ушбу мисолларнинг ҳар иккаласида ҳам эшикни маълум бир калит билан очишга ҳаракат қилинадиган вазиятда фойдаланиш мумкин бўлса-да, аммо адресатнинг эътибори ҳаракатнинг бажарувчисига қаратилади. Мавжуд вазият ва ифода мақсади идрок этиш орқали лисоний шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Воқеликнинг ўзига хос талқини визуал идрок этилаётган вазиятдаги муайян унсурларни ифодалаш билан бирга кўриш майдонимиздан ташқаридаги белгиларни ҳам ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, бид кўриб чиқаётган мавзу доирасида, кўп ҳолларда субъект етакчи иштирокчидир.

Тилшуносликда кейинги ўттиз йил давомида фаол қўлланиб келаётган "тил ташувчиси" атамаси психолингвистиканинг марказий қисми сифатида "дунёнинг тилдаги ифодаси" атамаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Узоқ тарихга эга бўлган ва Вильгельм фон Гумбольтга бориб тақаладиган ушбу тушунча XX асрнинг етакчи чет эл ва рус тилшунослари асарларида ривожлантирилди ва XXI аср арафасига келиб, бу муаммога қизиқиш яна кучайди.14 Ҳар бир алоҳида тил, В. Фон Гумбольдт таърифича, ўзига хос тузилишга,

[14]Гумбольдт В. Фон. Отличие и разница строения человеческих языков и его влиянии на развитие человека / под ред. проф. Г.В. Рамишвили. – М.: Прогресс, 2001. – Б.73-85.

“миллий руҳнинг ўзига хослиги” туфайли юзага келган “ички шакл”га эга бўлиб, биринчи навбатда фразеологизмлар ва мақол-маталлари орқали халқнинг жамоавий онгини ифодалай оладиган воситадир.

В. Фон Гумбольдтнинг сўзларига кўра, ҳар бир алоҳида тил муайян бир халқнинг миллий ўзликни англаш қатламларидан сизиб чиқадиган яхлит кучини у ёки бу тарзда ифода этади.

Унинг фикрича, тил дунёнинг бевосита акси эмас.

Ҳар бир алоҳида тил одамни муайян нарсалар, ҳодисалар, бошқа одамлар билан қандай муомала қилиш кераклигини талаб қилиши билан инсоннинг хулқ-атвори ва тафаккурига таъсир қилади.15

Тил ташувчиси, хусусан, миллий, маданий, тарихий, гендер, ижтимоий қарашларга эга бўлган шахс одамлар билан мулоқот қилишда у ёки бу тилдан фойдаланиб, дунёни миллий жиҳатдан ўзига хос талқин қилади.

Ҳар бир алоҳида тил дунёни миллий маданият нуқтаи назаридан талқин қилади. Гарчи “тил ташувчиси” атамасининг ўзи ушбу шахснинг ўз-ўзини англашида ҳар бир тил бирлигига сингган дунёни тушунишнинг баъзи бир фундаментал, энг муҳим хусусиятлари борасида алоҳида фикрлар тўғридан-тўғри акс этишини назарда тутса-да, аммо биз муайян минтақадаги дунёнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларда одамнинг ўрни ҳақидаги ғоялар хусусида гапиришимиз мумкин.

“Тил ташувчиси” атамасининг ўзиёқ тилга антороподентрик ёндашув туфайли юзага келган инсон омилининг тилдаги роли билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахснинг бутун когнитив фаолиятини, шунингдек, унинг атрофдаги табиий дунё, ижтимоий қадриятлар, бошқа инсонлар ва ўз-ўзига бўлган муносабатни акс эттиради.

Ҳар бир алоҳида тил ҳақиқатдан фарқ қиладиган кўплаб бошқа оламларни яратади. Тил ташувчисининг онги ҳаёл билан белгиланади, шу билан бирга, нутқ ҳақиқий ва ҳаёлий олам, мумкин бўлган ва тасаввурга сиғмайдиган ҳолатларни бирлаштиради.

Тилшунослик дунёси ҳақидаги билимларнинг аксарият қисми тил туфайли шаклланади, аммо у агар дунёни ғайритабиий нуқтаи назардан талқин қилган бўлса, давр ўтиши билан дунёнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида турли халқлар орасида тушунмовчиликлар кучаяр эди. Лекин бу нарса кутилмаслиги керак, негаки, турли тил ва маданиятлар бўлишига қарамай, вақт ўтиши билан, маданиятлараро алоқалар туфайли дунё ҳақидаги билимларни мувофиқлаштиришда нафақат сўз бойлиги, балки фразеологизмларни ҳам ўзлаштиришга тўғри келади.16 [Виноградов, 91].

Тилдан фойдаланувчи шахс тафаккурида ҳар бир алоҳида ҳолатга одамларнинг жамоавий онгида шаклланган фикрлар билан ҳаёт ҳақидаги ўз фикрларини мавофиқлаштириш механизми мавжудлигини эътиборга олиш кифоя.

---

[15]Там же – Б.85-104

[16] Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М.: Наука, 1959.-С.91

Лисоний онгнинг психолингвистик жиҳати маълум бир тил гуруҳи вакилларига хос бўлган турли ассоциатив соҳаларда ўзини намоён этади. Ассоциатив майдоннинг мавжудлиги ёки маълум бир тушунчаларда унинг йўқлиги муайян бир тилда сўзлашувчилар луғавий онгининг белгисидир.

Лисоний онгнинг психолингвистик хусусиятлари тилнинг турли сатҳларида намоён бўлиши мумкин. Тиллар нафақат грамматик категориялар ёки синтактик қурилиши билан, балки дунёни акс эттиришида ҳам фарқланади.

Бир тил билан бошқа бир тилнинг грамматик тизими бир-бирига шу қадар мос келмаслиги мумкинки, бирор категорияни ифодалаш учун расмий сўзлардан фойдаланиш керак бўлади. Шундай қилиб, ўзбек тилида perfect ва continuous типидаги феълларда ўнлаб замонни ифодаловчи турларининг йўқлиги ўзбек тилида сўзловчиларнинг ўз фикрини ўтган замон ёки ҳозирги замон феъл шакли билан ифода этишига тўсқинлик қилмайди, лекин мазмунни тўлиқроқ ифодалаш учун кўпгина имкониятларга эга, масалан, “ҳозир” ёки “эндигина” каби лексик бирликларни қўшиб фойдаланишга мажбур бўлади.

Лисоний онгни шакллантириш ҳаёт давомида амалга оширилади. Л.А.Этманова таъкидлаганидек, “Москва психолингвистик мактаби вакилларига таяниб, лисоний онг тушунчаси орқали биз психик механизмлар авлодининг нутқни тушуниш ва тилни онгда сақлаш, яъни инсоннинг нутқ фаолияти жараёнини таъминлайдиган ақлий механизмлар билан умумийлигини тушунамиз. Лисоний онг инсонда маданият ва тилни ўзлаштириш жараёнида шаклланади ва доимий такомиллашиб боради, чунки тил қоидалари ва меъёрлари, янги сўзлар, янги маънолар турли соҳаларда мулоқот қилиш кўникмаларини яхшилайди.”17

Лисоний онг хусусиятларини аниқлашда, биринчи навбатда, ассоциатив тажриба усули муҳимдир. “Маҳаллий психолингвистика онгни фаолият иштирокида вужудга келган тасаввурларни умумлаштиришнинг кучли воситаси бўлган тил иштирокида шаклланади деган фикрдан келиб чиқади. Москва психолингвистик мактаби анъаналарини асос қилиб олсак, биз ассоциатив тажрибани турли миллат вакилларининг лисоний онг тасвирларини тавсифлаш ва изоҳлаш учун имконият берадиган восита деб биламиз.”18

Ю.Н.Караулов “вербал-семантик тармоқ” атамаси билан дунё ҳақидаги билимларнинг умумийлигини билдиради: “Семантиканинг мавжудлиги квазисистематик вербал тармоқ бўлиб, унда ҳар бир сўз (маъно) бошқалари билан боғланади (тизим ҳолатида), аммо бу боғланишлар ҳеч қандай устунликни кўрсатмайди, ҳеч қандай мойиллик (квазив аспект) ва чуқурлик, учинчи ўлчов йўқ, улар чизиқли ва текис.

Сўзлар бир-бири билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг маънолари хиралашган, тармоқ бўйлаб “тарқалиб кетган” ва бу ерда устунлик қиладиган ягона қонун бу “олти босқичли қоида” бўлиб, бу бизга субъектив семантик майдоннинг изотропия хусусиятини кузатиш, амалга ошириш, дискурсив равишда намойиш

---

[17] Этманова Л.А. Психолингвистические особенности языкового сознания естественныхбилингвов. – М., 2006. – С.20

[18] Указ.соч. – С.2

этиш имконини беради. Ўзига ўхшаш алоқадорликдаги сўз бойлиги билан боғланган вербал-семантик тармоқ жуда очиқ ва шунинг учун чексиз кўриниши мумкин.”19 [Караулов, 163].

Лисоний онгни ўрганиш когнитив тилшунослик вазифаларидан бири бўлиб, когнитив муаммоларни ва уларнинг тилда акс этишини, тил ташувчиси дунё хусусидаги маълум ғояларни етказувчи сифатида муайян тил жамоасининг тилда намоён бўладиган тажриба концентрацияси акс эттирилган объектив ифодалар тўплами сифатидаги тушунчани ўз ичига олади. Психолингвистикада “оламнинг лисоний манзараси” тушунчаси етакчи ўринлардан бирини тутади. Дунё тилларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари лингвистик онг фаразига оид тадқиқотлар доирасида ўрганилиши зарур.

Адабиётлар.

1. Ушакова Т.Н. Понятие языкового сознания и рече-мысле-языковой системы // http://www.psychol.ras.ru/boiko-school/texts/2004/ushakova_yazykovoe_sozn.pdf

2. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: Наука, 1975. – С. 171 – 1723.

3. Тарасов Е.Ф. Актуальные проблемы анализа языкового сознания Языковое сознание и образ мира: Сб. статей/ Отв. Ред. Н.В. Уфимцева, М.: Вече, 2000, – С. 26

4. Уфимцева. указ.соч.

5. Овчинникова И.Г. Что скрывается за термином «языковое сознание»? // http://philologicalstudies.org/dokumenti/2008/vol1/1/8.pdf

6. Красных В.В. Свой среди чужих, чужой среди своих. – М.: АСТ, 2002.

7. Чувакин А.А. Теория текста: объект и предмет исследования // Критика и семиотика. Вып. 7. – С. 89.

8. Богданова Л.И. Стилистика русского языка и культура речи. – М.: ФЛИНТА Наука, 2016. – с.34

9. Маслова Ж.Н. Поэтическая картина мира и ее репрезентация в языке. – Дисс. … д.ф.н. – Тамбов, 2011. – С.8

10. Баранов, А.Н. Введение в прикладную лингвистику. – М.: Едиториал УРСС, 2003.

11. Леонтьев, А.А. Основы психолингвистики. – М.: Смысл,2003.

12. Кубрякова Е.С. Начальные этапы когнитивизма: лингвистика - психология - когнитивная наука. // Вопросы языкознания. 1994., № 4. – С.34-37// http://www.issuesinlinguistics.ru/pubs/

13. Маслова Ж.Н. Поэтическая картина мира и ее репрезентация в языке. – Дисс. … д.ф.н. – Тамбов, 2011.

14. Гумбольдт В. Фон. Отличие и разница строения человеческих языков и его влиянии на развитие человека / под ред. проф. Г.В. Рамишвили. – М.: Прогресс, 2001. – Б.73-85.

[19]Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 2001.–С.163

15. Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М.: Наука, 1959.-С.91

16. Этманова Л.А. Психолингвистические особенности языкового сознания естественныхбилингвов. – М., 2006. – С.20

17. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 2001.–С.163

ЎЗБЕК МИФОЛОГИЯСИДА ПАРИ ОБРАЗИ ВА УНИНГ ШОМОН МАРОСИМЛАРИ ФОЛЬКЛОРИДАГИ ЎРНИ

Маматқул ЖЎРАЕВ,
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти фольклор бўлими мудири,
филология фанлари доктори, профессор
Олимжон ҚАЮМОВ,
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти тадқиқотчиси,
филология фанлари номзоди, доцент

***Аннотация**: Мақола ўзбекларнинг пари образи билан боғлиқ мифологик тасаввурлари таҳлилига бағишланган. Этнофольклористик материаллар таҳлили асосида пари образининг шомон маросими фольклоридаги рамзий-ритуал вазифалари очиб берилган.*

***Калит сўзлар**: шомон маросими фольклори, мифология, персонаж, антропоморф образ, ҳосилдорлик культи, зооморф образ, генезис, поэтик функция.*

ОБРАЗ ПАРИ В УЗБЕКСКОЙ МИФОЛОГИИ И ЕГО РОЛЬ В ШАМАНСКОМ ОБРЯДОВОМ ФОЛЬКЛОРЕ

Маматкул ЖУРАЕВ,
Заведующий оделом фольклора Института узбекского языка, литературы и фольклора, доктор филологических наук, профессор
Олимжан КАЮМОВ,
Научный исследователь Института узбекского языка, литературы и фольклора,кандидат филологических наук, доцент

***Аннотация**: Данная статья посвящена анализу мифологических представлений узбеков об образе пери. На основе анализа этно-фольклорных материалов выявлены символико-ритуальные функции этого мифического образа в шаманском обрядовом фольклоре.*

***Ключевые слова**: шаманский обрядовый фольклор, мифология, персонаж, антропоморфный образ, культ плодородии, зооморфный образ, генезис, поэтическая функция.*

THE TYPE OF PARIS IN UZBEK MYTHOLOGY AND ITS ROLE IN SHAMAN RITUAL FOLKLORE

Mamatqul JO'RAEV,
Head of the Department of Folklore of the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore, Doctor of Philology, Professor
Olimjon QAYUMOV,
Researcher of the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor

Resume: *This article is devoted to the analysis of mythological representations of Uzbeks about the type of peri. Based on the analysis of ethno-folklore materials, the symbolic and ritual functions of this mythical type in shamanistic ritual folklore are revealed.*

Key words: *shamanistic ritual folklore, mythology, character, anthropomorphic image, cult of fertility, zoomorphic image, genesis, poetic function.*

Маълумки, сўз сеҳри билан боғлиқ ўзбек шомон маросими фольклорида ҳомий-персонаж сифатида тасаввур қилинган асотирий персонажлардан бири пари бўлиб, бу образнинг тарихий-генетик асослари қадимги аждодларимизнинг серҳосиллик культини ўзида мужассамлаштирган аёл илоҳалар ҳақидаги мифологик тасаввурларига бориб тақалади. Туркий халқлар орасида шомон билан ғайб олам вакиллари ўртасида воситачи вазифасини бажарувчи бу мифологик персонаж тўғрисидаги иноnч-эътиқодларнинг юзага келиши, уларнинг ташқи қиёфаси, одамлар билан мулоқоти ва ҳомийлиги хусусида хилма-хил тасаввурлар сақланган.

Ўзбек мифологиясида бахши, қушночларнинг ҳомийларидан бири ҳисобланган пари ҳақидаги халқ қарашларига доир материалларни ўрганиш шундан далолат берадики, парилар тўрт хил қиёфада тасаввур этилар экан: а)антропоморф, яъни инсоний қиёфада тасаввур қилинган парилар; б) зооморф, яъни ҳайвоний қиёфада тасаввур қилинган парилар; в) қурама, яъни ярим инсон, ярим жонивор тарзидаги гибрид кўринишда тасаввур қилинадиган парилар; г)тимсолий қиёфа, яъни нарса-ҳодисалар тарзида тасаввур қилинган парилар.

Инсоний қиёфа-париларнинг асосий шакли шамойили. Бу кўринишдаги парилар образининг бош белгиси ҳаддан зиёд гўзаллигидир. Одатда бундай парилар ниҳоятда сулув, ойдай гўзал қизлар ёки баркамол йигитлар тарзида, баъзи ўринларда хунук занги қиёфасида ҳам тасаввур қилинади. Хоразмликларнинг исломдан бурунги мифик қарашларини ўрганган этнограф Г.П.Снесарев ҳам парилар асосан антропоморф кўринишда, яъни чиройли йигит-қизлар сифатида тасаввур қилинса-да, баъзан жонивор, қуш, олов тарзида ҳам кўриниши мумкин, дейди (1). Худди шу мулоҳазани И.Жабборов ва Г.Дресвянскаялар ҳам эътироф этишган (2). Помирлик тожиклар мифологиясини тадқиқ этган Б.А.Литвинский пари образининг икки хил тасаввур этилиши ҳақида шундай ёзади: “Помирликлар эътиқодича, парилар ёвуз ва эзгу тоифага бўлинган бўлиб, улар ҳам аёл ва эркак, мусулмон ва кофирга ажралар экан. Эзгу ниятли парилар зооморф қиёфада

кўринишади. Эзгу ниятли парилар зооморф қиёфа касб этган одатда чиройли қушлар (лочин, тўти, каптар), шунингдек, оқ ёки сариқ илон кўринишига кираркан. Ёвуз парилар эса заҳарли илон, қурбақа, тошбақа, йиртқич ҳайвонлар, хусусан, йўлбарс сувратида намоён бўларкан" (3). Пари қизларнинг бир думалаб каптарга айланиши, турли хил жониворлар ёки қушлар қиёфасида тасвирланиши туркий халқлар эртакларидаги муштарак эпик анъаналардан бири эканлигини Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, Б.Саримсоқовлар ҳам қайд қилишган (4).

Эзгу кучлар тоифасига мансуб париларнинг қуш, оқ илон сувратида кўриниши, ёвуз парилар эса қурбақа, тошбақа, заҳарли илон ёки йиртқич ҳайвонга эврилиши мумкинлиги ҳақидаги халқ қарашлари мифологик қомус ва луғатларда алоҳида таъкидланади (5). Антропоморф қиёфа париларнинг асосий кўриниши бўлиб, улар муайян зарурат (бир манзилдан бошқасига кўчиш, ҳимояланиш, ҳужум қилиш ва ҳ.к.) туғилган тақдирдагина ўз шаклу шамойилини ўзгартиришар экан.

Парилар зооморф қиёфа касб этганда, кўпинча каптар кўринишига кирадилар. Бу ҳақда проф. Б.Саримсоқовнинг қуйидаги фикрлари жуда асослидир: "париларнинг кўпроқ қайси парранда қиёфасига кириши масаласида ўзбек халқ эртаклари ва достонлари бир хил хусусиятга эга. Ҳар икки жанрда ҳам парилар каптар қиёфасига кирадилар, агар истисно тарзида пари қизлар бошқа хил қушлар қиёфасига кирса, бу ҳодиса фақат кейинги даврларга хос трансформация натижаси сифатида олиб қаралиши лозим" (6). Қушноч, бахши, қоқимчи сингари шомонларнинг ритуал маросимларни ўтказиш чоғида ижро этадиган айтимларида номи зикр қилинган мифологик персонажлар орасида Мурғ пари, Лочин пари, Каптар пари каби парилар образи мавжудлиги ҳам парининг зооморф қиёфа касб этишида қушга эврилиш мотиви марказий ўрин тутишидан далолат беради.

Халқ қарашларига кўра, пари кўпинча кўк каптар бўлиб учиб юради. Халқ бахшиси Раҳматулло Юсуф ўғли томонидан тўпланган эътиқодий инончларга кўра, "каптар – пари деб тахмин қилинган. Ҳатто қирқта каптар бўлса, ҳар ким тош отса, шикаст кўради. Чунки пари қирқ канизи билан бирга юради". (7) Хатирчиликлар ҳам кўк каптарни кўрганда, пари деб гумон қилиб, иложи борича ҳуркитмасликка, озор етказмасликка ҳаракат қиладилар. Каптарларни ушлаб олган, уларга тош ёки кесак отган киши бирор дардга йўлиқади, деб ирим қиладилар. Каптар гўштини ейиш гуноҳ дейдилар. Нурота тоғларида истиқомат қилувчи овчилар ҳам каптарни отиб олса, увол бўлади, чунки мабодо парилардан бўлса, отгувчи зарарланиб қолади, деб ишонадилар. Агар каптарлар айланиб, "ҳу-ҳу"ласа, "парилар зикрга тушиб, ҳалқа солаяптилар" деб таъбир қиладилар (8).

Парилар Кўҳи Қоф ва Боғи Эрамдан инсон яшайдиган манзилга келиш ёки бир эпик макондан бошқасига кўчиш мақсадида ўз шаклини ўзгартириб, каптарга эврилар экан. Бу ўринда зооморф ёки ҳайвоний қиёфа пари учун эпик маконни ўзгартириш воситасини бажаради. Чироқчилик шомон Аширой Рўзиева париларини чақираётганда Қоф тоғида кўк каптар бўлиб келадиган париларига шундай мурожаат қилади:

Кўҳи Қофдан энганлар,
Кўк каптар бўп юрганлар,

Кўк ҳавога учганлар,
Хиромон пари, энинглар,
Мисқол пари, энинглар (9).

Шомон маросими айтимида “кўк каптар бўлиб юрган” парилар эпик номлар билан аталиши бежиз эмас. Чунки Кўҳи Қоф париларининг кўк каптарга айланиб учиб юриши ўзбек халқ достонларига хос эпик анъанадир.

“Малика айёр” достонида Зебит чўлидаги Шакар кўлига овга борган Гўрўғлининг париларга дуч келиши шундай тасвирланади: “Осмондан кўк каптар қуюлиб келиб, бир оғнаб туриб, бир сурхайил гапдон, бир офатижон, писта даҳан бир ажиб нозанин пари бўлиб турди, бу париларнинг жамолига Гўрўғлибек қаради: нақш олмадай пишган, қора зулфи оч белига тушган, кўрганнинг ақли шошган, жамолига ою кунлар талашган ажаб бир паризод”. Ўзининг насли насаби, манзил маконини айтган пари яна “бир ағанаб туриб, каптар либосини кийиб, фалакка парвоз қилиб, учиб жўнайберди” (10). Париларнинг каптар бўлиб учиб келиши ва қуш либосини ечиб, ҳовузда чўмилиши мотиви ўзбек халқ эртакларида, хусусан, “Аҳмаддлар” эртагида ҳам мавжуд (11).

Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида пари образининг поэтик вазифалари бизнинг олдинги тадқиқотларимизда ўз ифодасини топган. Зеро, қадимги мифологияда каптар ҳаётининг абадийлиги, узоқ умр кўриш, илоҳийлик, ғайритабиийлик рамзи бўлиб келган экан. Унинг бу сифатлари пари образининг айрим белгилари (абадий навқиронлик, безавол ҳусн, ҳеч қачон ўлмаслик ва ҳ.к.)га айнан мос келади. Ана шу муштарак мифологик талқин бу икки образни ўзаро яқинлаштиради. Ўрта Осиё ҳудуди осори атиқаларидаги чизгиларда акс этган мифик тасаввур изларини махсус ўрганган Л.И.Ремпель “каптар – аёл илоҳаларнинг муқаддаслигини билдирувчи белги” деб ҳисоблайди (12). Каптар образи дунё халқлари мифологиясида шомон ёрдамчиси, марҳумлар руҳи, ўликлар ва тириклар олами ўртасидаги рамзий воситачи вазифаларида келишини З.П.Соколова ҳам қайд қилади (13).

Дунёдаги кўпгина халқларда бўлгани сингари, ўзбекларда ҳам одам ўлса, унинг жони қушга эврилади деган анимистик қараш мавжуд бўлган. Чунки қуш юқори олам – руҳлар маскани, деб тасаввур қилинган кўкнинг зооморф атрибути. Бундан ташқари, айрим қабилаларда қуш тотеми ҳам бўлган (14). Қадимги одам назарида инсон туғилиши тотем иштирокида рўй берадиган ҳодиса, ўлим эса тотемга айланиш жараёнидан иборат эди. Шу боис, қадимги анимистик мифларда қуш жон рамзи бўлиб келади. Парининг қуш(каптар)га эврилиши ҳам жоннинг қуш сувратида намоён бўла олиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар билан боғланадиган мотив.

Ўзбек халқ эртакларида парилар жони танасидан ташқарида, яъни каптар сувратида мавжуд бўлиши мотиви ҳам борки, бу юқоридаги фикр тўғрилигига яна бир далилдир: “Қирон ботир” эртагида парилар қаҳрамонга: “... иккита қутичада иккита каптар бор. Шу каптарларни қўлингга олиб, сал сиқсанг, иккимиз ҳам дарров етиб келамиз”, – дейди. Париларнинг жони шу каптарларда экан (15).

Париларнинг зооморф қиёфасини белгиловчи талқинлардан яна бири илон образидир. Халқимизда илон муқаддас ҳисобланиб, табулаштирилган. Бундай илон

гоҳ ота боболар арвоҳи, гоҳида эса Хизр тимсоли, баъзан эса пари, деб қаралади. Оқ илон хонадонга барака, бойлик ато қилади деб ишонадилар. Ўзбек мифологиясида Илон пари, Аждар пари, Мор пари каби образлар бор. Бундай ном билан аталган парилар илон сувратида тасаввур қилинган. Пари образи генетик жиҳатдан қадимги ҳосилдорлик культига бориб тақалганлиги сабабли бу образ кўпинча сув манбаларига алоқалантирилиб талқин қилинади. Парининг илонга эврилиши ёки аксинча ҳолатнинг содир бўлиши ҳақидаги халқ қарашлари ҳам ана шу мифологик тасаввурларни бевосита давоми бўлиши керак.

Халқ қарашларида парилар гоҳида нималиги аниқ бўлмаган жонивор тарзида, яъни мавҳум зооморф қиёфада тасаввур қилинади. Масалан, Нурота шаҳрида яшовчи 54 яшар Қурбонгул Набиевадан пари тўғрисидаги қуйидаги ҳикояни ёзиб олган эдик: “Бир одам эрта билан барвақт бозор қилгани кетаётса, жангални орасидан бир нарса думи чувалиб кетибди. От бир ҳуркиб орқага тисарилибди. У киши отни қанча қистамасин, юрмабди. Яна бир оздан кейин ўша думли нарса қайтиб ўтибди. Бир қаттиқ қамчиндан сўнг от йўлини давом этибди, аммо эгасининг дармони қуриб, аҳволи оғирлашибди. Фолда аён бўлишича, отни ҳуркитиб, ўтган нарса пари бўлиб, улар ўша ерда ўйнашиб ўтирганда бу одам уларга халал бериб, отда бориб қолибди. Бир пари унга ошиқ бўлиб қолибди. Энди ўша пари, йигит умрининг охиригача бирга юрар эмиш. Ўшандан буён йигит юрса, сояси иккита бўлиб юрармиш ”.

Келтирилган оғзаки ҳикояда зооморф қиёфада доҳил бўлган парининг кўриниши қандай жонзотга ўхшашлиги номаълум. Умуман, пари бу йигитга зооморф қиёфада кўринганлигини ҳам атиги битта деталь исботлайди, холос. У ҳам бўлса, “чуваланиб ўтган дум”, яъни жониворларга хос белги. Назаримизда, илгари нуроталиклар фольклорида парининг бу зооморф қиёфаси аниқ бир жонзот шаклида тасвирланган, даврлар ўтиши билан у ҳақдаги тасаввурлар хиралашиб, унутилиб кетган. Натижада, зооморф образ қиёфаси мавҳумлик касб этган.

Ўзбекларнинг пари ҳақидаги мифологик қарашлари тизимида қурама, яъни ярим жонзот, ярим инсон кўринишида тасаввур қилинган афсонавий образлар алоҳида ўрин тутади. Ана шундай асотирий тимсоллардан бири қадимги антик давр ва ўрта аср тасвирий санъатида кенг ишланган анъанавий образлардан бири, боши гўзал қиз сувратида, танаси эса қуш сийратли мифологик жонзотдир. Бу мифологик образ сиренлар деб аталади (16). Юнон мифологияси талқинича, сиренлар Архелой деган дарё билан бир фариштадан туғилган демонологик мавжудодлардир. Танасининг ярми аёл, қушга менгзаган бу жонзодлар денгиз ўртасидаги серқоя ороллларда яшашар, ўзларининг сеҳрли овозлари билан ўтган кетган кема йўловчиларини мафтун этиб, орол сари чорлашар экан. Мўъжизакор овозга мафтун бўлиб оролга сузиб келган кишилар сиренлар қўлида нобуд бўлишар экан. Шу боис сиренлар ороли қирғоқлари одам суяклари-ю, қуруқшаб қолган одам гавдалари билан тўла бўларкан (17).

Сиренлар образи Ўрта Осиё халқларининг қадимги мифологиясида ҳам мавжуд бўлган. Юртимиз худудида топилган археологик ёдгорликлар ҳам шу фикр тўғрилигини тасдиқлайди. Л.И.Ремпелнинг маълумотларига қараганда, қадимги

Хоразмнинг II-III асрларга мансуб ёдгорлиги – Тупроқ қалъа деворида йигит қиёфасидаги сирен тасвирланган. Қиз-сиренлар тасвири эса қадимги Нисо(милоддан бурунги II аср)дан топилган кумуш идишнинг тутқичида, Варахшадан қазиб очилган бухорхудотлар саройи (VIII аср) деворидаги ганч лавҳаси, XI-XII асрга оид кўплаб мис буюмлардаги чизгиларда мавжуддир (18). Умуман, мусулмон шарқи халқларининг X-XII асрларга оид ҳунармандчилик намуналари ва тасвирий санъатида гавдаси қушга ўхшаш қизлар сувратини тасвирлаш анъанаси юксак даражада тараққий этган (19).

Назаримизда, ярим қуш, ярим инсон (қиз ёки йигит) кўринишида тасвирланадиган сиренлар образининг юзага келишига пари ҳақидаги халқ қарашлари, аниқроғи, унинг антропоморф ва зооморф (қуш) қиёфасидаги талқинларнинг мифологик пантеонда бирлашиб кетиши асос бўлган. Бошқача қилиб айтганда, парилар дастлаб инсоний (гўзал қиз) қиёфада тасаввур қилинган. Кейинчалик бу образнинг зооморф ва тимсолий қиёфалари ҳақидаги халқ қарашлари шаклланган. Зооморф қиёфа талқинича, пари асосан инсоний шаклу шамойилини сақлаб қолгани ҳолда маълум вазиятлардагина қуш кўринишини олади. Бу инсон → қуш; қуш→ инсон йўналишида кечади. Париларнинг антропоморф (гўзал қиз) ва (қуш) кўриниши айрим мифологик тизимларда яхлит ҳолда тасаввур қилинган. Натижада одам бошли, қуш суратли афсонавий жонзот ёки пари образининг қурама қиёфаси юзага келган. Парининг инсон+қуш кўринишидаги гибрид қиёфаси билан алоқадор мифологик қарашларнинг оммалашиши ҳамда халқ амалий ва тасвирий санъатида кенг ишланиши таъсирида кейинчалик грек мифологиясидаги сиренлар образи келиб чиққан.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги мифологиясида қуш+одам кўринишидаги қурама образнинг яна бир типи мавжуд. Бу қанотли одам образи бўлиб, унинг илк тасвирий ифодалари қадимги Бақтриянинг бронза даврига оид тумор – мухрларида акс эттирилган. *Л.И.*Ремпель қанот қоқиб учаётган одам (кўпинча аёл) образида қадимги ўрта осиёликлар мифологиясида халоскор илоҳа ёки кишиларни бало-қазодан сақловчи фаришта сиймоси гавдалантирилган, – деб ҳисоблайди. Олим ўз фикрини исботлаш учун ёзиб олинган қуйидаги матнни келтирган: Улар бамисоли дарёда оқимни бошқариб турадилар, наботот оламига ҳаёт бахш этадилар, мазда ва амеша спенталар иродаси билан қуёш, ой ва юлдузларга абадий эркинлик ато этадилар. Улар ўз жойлари ва хонадонлари шарафи учун мардонавор жанг қиладилар.” Ана шу далилга асосланган *Л.И.*Ремпель ислом кириб келгандан кейин “Авесто”да тасвирланган бу мифологик образнинг барча хусусиятлари пари сиймосига кўчирилган, деб хулоса чиқаради (20).

“Қанотли одам” образи бевосита париларнинг ўзига хос атрибутларидан бири. Чунки ўзбек халқ достонлари эпик анъанасига кўра, парилар баъзан бир думалаб каптарга айланмасдан, одам сувратидаги кўринишини сақлаган ҳолда “қанот боғлаб” ҳам учадилар. “Мисқол пари” достонида Юнус париникида меҳмон бўлган Гулнор пари билан Мисқол парининг ўз юртларига жўнатилиши шундай таърифланади: “иззат, ҳурмат қилиб Юнус паризот, Кийимдан чўртта кўнглини тўлдириб, Ҳиндистонга Гулноржонни жўнатди, Эрам боққа Мисқолжон қанот

боғлаб, Кўҳи Қофга Гулнор пари қанот боғлаб, париллаб, Осмонга давра олиб кетди (21). Халқ достонларида “қанот боғлаб учиш” детали парининг бир эпик манзилдан бошқасига кўчишини англатувчи анъанавий бадиий формула сифатида қўлланади. Бу пари образининг инсон+қуш кўринишидаги қурама эпик қиёфасининг яратилишини таъминлаган бадиий воситадир.

Биз томонимиздан тўпланган материаллар орасида парининг қурама қиёфаси ҳақидаги халқ қарашларига доир фақат битта маълумот қайд қилинган. Навбаҳорлик қушноч Шоира Ҳақбердиева ўзи мулоқот қиладиган париларнинг кўринишини шундай таърифлайди: “Уларнинг тузилиши бел қисмигача ҳудди қизларга ўхшаш, жуда нозик, қўллари ингичка, жуда чиройли, жозибали. Белидан қуйиси эса балиқнинг думига ўхшайди. Оёқлари йўқ.” Кўринадики, юқоридаги мулоқотчи ҳикоясида сув париларининг инсон+балиқ кўринишидаги қурама образи тасвирланган.

Илмий адабиётларда париларнинг ўт-олов тарзида ҳам кўриниши қайд қилинади (22). Ҳатто париларнинг бир тоифаси Олов пари, Оташ пари сингари номлар билан ҳам аталган. Н.П.Дыренкованинг қайд қилишича, тоғли олтойликлар оила ўчоғини муқаддас ҳисоблайдилар ва унга “от энэ”, яъни “ўт эна” деб мурожаат қиладилар. Ўчоқ оила баракаси, омонлиги манбаи ҳисобланган, унинг ҳақига қурбонлик қилинган, оила ўчоғининг олови(чўғи)ни бегона кишига бериш мумкин бўлмаган (23). Сибирь ва Узоқ Шарқда яшовчи жуда кўплаб халқлар мифологиясида олов ҳомийси ёки қабиланинг муқаддас оловини қўриқлаб турадиган афсонавий аёл мавжудлиги маълум.

Ўйлашимизча, қабила оловини сақловчи “ўт эгаси” ҳақидаги қарашлар ибтидоий мифологияда “ўт эна” (яъни “олов аёл”) сифатида тасаввур қилинган олов инончининг туғилишига асос бўлган. Бу мифологик тасаввурлар эволюцияси натижасида “ўт эна” образининг талқинлари кейинчалик пари сиймосига кўчирилган. Ўт образининг туркий мифология анъаналари орқали сақланиб қолган реликтлари ўзбекларнинг эътиқодий қарашларида қайта идрок этилиши натижасида парининг олов тарзидаги мифологик қиёфаси ҳақидаги инончлари юзага келган. Ўзбек шомонларининг Алас маросими ҳам қадимги аждодларимизнинг муқаддас олов билан боғлиқ мифологик тасаввурлари натижасида шаклланган ва шомон мифологиясидан ўрин олган.

Демак, ўзбек шомон мифологиясида пари образи дуалистик қарашлар билан боғлиқ бўлиб, баъзан ниҳоятда гўзал қиз (ёки йигит) сувратида намоён бўлади. Бундай пари одамларга ошиқ бўлиб, уларни шомонлик касби билан машғул бўлишга ундайдиган ҳомий куч тимсоли сифатида талқин қилинади. Айрим жойларда эса парилар муайян тақиққа амал қилмаганлиги учун зиён етказувчи ёвуз куч сифатида ҳам тасвирланади. Бу пари образи табиатига хос дуал ҳусусият ифодасидир. Парилар ўзбек мифологиясида шомоннинг фаол мифологик ҳомийларидан бири сифатида қаралади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.28.
2.Джаббаров И., Древянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии. – Тошкент: Узбекистан, 1993. – С.64.
3.Литвинский Б.А. Семантика древних верований и обрядов памирцев // Средняя Азия и ее соседи в древности средневековья. – М., 1991. – С. 94.
4.Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981. – Б.139; Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабатлар. – Тоошкент: Фан, 1979. – Б.104; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.157.
5.Мифы народов мира. Т.2. – М., 1992. – С.287.
6.Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси... – Б.139.
7.ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №1713/22.
8.ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №1713/4.
9.ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1315/1. –Б.89.
10.Малика айёр (достон). Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1988. – Б.7-9.
11.Олтин бешик (эртаклар). Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1988. – Б.141.
12.Ремпель Л.И. Цепь времен: Вековые образы и бродячие сюжеты в искусстве Средней Азии. – Тошкент, 1987. – С.32.
13.Соколова З.П. Культ животных в религиях. – М.: Наука, 1972. – С.34-37.
14.Соколова З.П. Кўрсатилган асар. – Б.9-42.
15.Олтин бешик... – Б.30-31.
16.Мамаев М.М. О некоторых мифологических и фольклорных образах в средневековом декоративно-прикладном искусстве Дагестана // Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. – Махачкала, 1989. –С.106.
17.Мифы народов мира. Т.2. – М., 1992. – С.438.
18.Ремпель Л.И. Цепь времен… – С. 54.
19.Беленицкий А.М. Из истории культурных связей Средней Азии и Индии в раннем средневековье // Краткие сообщение Института археологии. – М. 1964. – Вып. 98.– С.38-39; Ремпель Л.И. Искусство среднего Востока // Избранные труды по истории и теории искусств. – М., 1978. – С. 44; Даркевич В.П. Светское искусство Византии. – М., Наука, 1975. – С.194-197.
20.Ремпель Л.И. Цепь времен... – С. 54-57.
21.Гулнор пари (достон). Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1974. – Б.43.
22.Снесарев Г.П. Реликты… – С. 28.
23.Дыренкова Н.П. Культ огня у алтайцев и телеут // Сборник музея археологии и этнографии. Т.4. – Л., 1927. – С. 63-64, 66-71.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ КАСБ-ҲУНАР НОМЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАҲЛИЛИ

Муҳаммадалиева Мадина,
НамДУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: *Мақолада ўзбек тили лексикасидаги касб-ҳунар номларининг тарихий ва замонавий луғатларда берилиши, миқдори ва лексикографик талқини ҳамда ҳозирда қўлланиши далиллар асосида ёритилган.*

Калит сўзлар: *касб-ҳунар номлари, лексикографик таҳлил, статистик таҳлил, луғат, изоҳли луғат, архаизм, историзм, моносемантик лексика.*

ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ИМЕН В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Мухаммадалиева Мадина,
Соискательница НамГУ

Аннотация: *В статье описывается изложение, количество и лексикографическая интерпретация профессиональных имен в лексике узбекского языка в исторических и современных словарях, а также их функционирование на основе фактических данных*

Ключевые слова: *профессиональные имена, лексикографический анализ, статистический анализ, словарь, толковый словарь, архаизм, историзм, моносемантические лексика.*

LEXICOGRAPHIC ANALYSIS OF PROFESSIONAL VOCATIONAL NAMES IN THE UZBEK LANGUAGE

Muhammadaliyeva Madina
Researcher of NamSU

Annotation: *In this article there described the expression of the names of professions and vocations of the Uzbek lexics in historical and modern dictionaries, their number and lexicographic interpretation, as well as, modern use is explained on the base of evidence.*

Keywords: *professional-vocational names, lexicographic analysis, statistic analysis, dictionary, archaic words, historical words, monosemantic lexics.*

Тил лексикасининг тараққиёти ва такомили луғатларда мукаммал кўринади. Луғатлар ўз яратилган даври, маълум тил тараққиёт босқичи лексикасининг ёрқин кўзгусидир. Шу боис муайян луғавий бирликлар мавзуий гуруҳини даврий тараққиёти ва ривожини кузатишда луғатлар муҳим манба бўла олади.

Биз ўзбек тили касб-ҳунар номлари мавзуий гуруҳи лисоний ривожи ва такомилини тарихий ҳамда замонавий луғатлар асосида ўрганишга ҳаракат қилдик.Машҳур тилшунос Маҳмуд Кошғарий ибн Ҳусайн ибн Муҳаммаднинг “Девону луғатит турк” асари туркий халқларнинг илк луғатидир. Туркий халқлар тарихидаги диалектологик, изоҳли, этнографик, тарихий-этимологик луғатларнинг

барча унсурларини қамраб олган дастлабки универсал луғат.

Маҳмуд Кошғарийнинг мазкур луғатида 40 га яқин касб-ҳунар номлари берилган: *алим (олим), этукчи (этикдўз), сатғуч (сотувчи), суғаргучи (суғорувчи), темурчи (темирчи), қоруғчи (қўруқчи), ажақчи (кулол), эмчи (табиб), этмакчи (новвой), жатчи (афсунчи), жирағу (чолғувчи, ашулачи), жичи (тикувчи), журчи (ҳунарманд, уста, йўл кўрсатувчи), отачи (табиб), салчи (ошпаз), сарт (савдогар), сағун (табиб), табуғчи (хизматкор), тергучи (тўпловчи)* каби [2].

Луғатдаги *алим (олим), этукчи (этикдўз), сатғуч (сотувчи), суғаргучи (суғорувчи), темурчи (темирчи), қоруғчи (қўруқчи)* каби касб-ҳунар номлари нафақат қадимги туркий тилда, балки эски ва ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда қўлланган, қолганлари эскирган сўзлар қатламидан ўрин олган.

“Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да эса 300 дан зиёд касб-ҳунар номлари кузатилади: *адиб, аёлғучи, аламкаш, анжумшунос, атиббо, баззоз, баковул, бахши, бахясоз, бовурчи, боркаш, боғбон, бузкаш, вазир, воиз, гозур//козур, гулчин, дабир, далк, даллол, дарбон, деҳқон, дидбон, донарез, доягар, доранда, жоду, жат, жомабоф, зориб, закотчи, имом, итмакчи, йиров, каниз, кемачи, лашкар, лаҳнапардоз, мактабдор, маллоҳ, марзбон, массоҳ, матбахий, мисоҳат, мошита, мубошир, муздур, мулозим, мунший, мураббий, мусаввир, муҳаддис, муҳандис, муҳосиб, муҳрдор, мавокаш, мавосоз, мавкар, нажжор, найзачи, нақшбанд, нақшсоз, наққош, новакаш, нозир, новвой, нотиқ, обпош, ошпаз, оҳангар, пайк, пойкор, саббоғ, сабукаш, савдогар, савдопеша, сайёд, сакбон, таббох, табиб, таҳвилдор, темирчи, тешавор, устод, фаррош, хидам, хозин, чокар, чўпон* каби [1].

Булардан *аёлғучи, анборкаш, анжумшунос, атиббо, аттор, афсона-гузор, афсонапардоз, афсонасарой, ахтаршунос, ахтачи, баззоз, баковул, банно, барбатнавоз, барзагар, бони//боний, дойгар, нақшпайванд, новакаш, розалиқ, ваззон, гозур//козур, гулчин, гўркан, гўянда, дабир, дарбон, дарёгард, дарёкаш, дидбон, дирамсанж, дойгар, итмакчи* каби касб-ҳунар номлари эскирган, *аламкаш, дирамсанж, закотчи, жаллод, канизак, коҳин, сайрафий, сарроф, шиғовул* каби касб-ҳунар номлари тарихий сўзлар (историзмлар) қатламидан ўрин олган.

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган *адиб, бахши, меъмор, муҳандис, муаллим, мураббий, мусаввир, новвой, ошпаз, раққос, савдогар, созанда, сувчи, табиб, темирчи, фаррош, хаттот, наққош, сангтарош, боғбон, воиз, даллол, деҳқон* каби касб-ҳунар номлари ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам фаол қўлланмоқда.

Ўзбек тилига рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган русча-интернационал касб-ҳунар номлари ҳам тилимизда салмоқли ўрин эгаллайди.

“Русча-интерна-ционал сўзлар изоҳли луғати”да 440 дан ортиқ касб-ҳунар номларига изоҳ берилган: *авиатор, автоматчи, автор, агроном, адвокат, академик, актириса, акушер, археолог, архитектор, астролог, астронавт, атомшунос, банкер, бетончи, боксчи, ботаник, буфетчи, врач, волейболчи, газетчи, геофизик, гидролог, дипломат, зоотехник, инженер, инспектор, кассир, кимёгар, киноактёр, киномеханик, климатолог, комик, кондуктор, курьер, лексикограф, лимнолог, магазинчи, машинашунос,*

мебелчи, медик, методист, микробиолог, минералог, монтёр, невролог, окулист, оператор, официант, педагог, психолог, социолог, телемеханик, теннисчи, сатирик, фермер, хирург, циркчи каби [7].

Кўринадики, ўзбек тили касб-ҳунар номлари маъновий гуруҳи тил тараққиётининг барча босқичларида ички ва ташқи лисоний ҳамда нолисоний омиллар таъсирида бойиб, такомиллашиб борган.

Ўзбек тилининг касб-ҳунар номларидан икки жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (Москва: Рус тили, 1981) сўзлигидан 620 та касб-ҳунар номини ифодаловчи сўзлар ўрин олган.

Мустақиллик йилларида ўзбек тили лексикологияси, айниқса, лексикографияси соҳасида ҳам муҳим ютуқларга эришилди. Хусусан, луғатчилик соҳасидаги назарий ва амалий изланишлар диққатга сазовордир. Беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" ва бошқа кўплаб луғатларнинг мустақиллик йилларида яратилганлиги луғатчилик соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганидан, шу соҳага қизиқиш ортиб бораётганлигидан дарак беради.

Беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" ўзбек халқи ижтимоий-маданий ҳаётида, ўзбек тили ва тилшунослиги тарихида улкан ҳодиса ҳисобланади. Ушбу луғат, аввало, республикамизда мустақиллик йилларида олиб борилаётган тил сиёсатининг ижобий самараси сифатида юзага чиқди.

Луғатнинг илмий қиммати шундаки, у ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бойлигини ўзида мужассам қилган, ўзбек тилининг дунёдаги энг ривож-ланган тиллардан бири эканини намойиш қилувчи муҳим манбадир [3,11].

Янги "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" сўзлигидан қуйидаги 1000 га яқин тарихий ва замонавий касб-ҳунар номлари ифодаловчи сўзлар ўрин олган: *аваriячи, авиатор, автомат, агроном, адабиётчи, адвокат, адиб, азончи, акушер, аламдор, алоқачи, алтчи, аптекачи, астролог, астонавт, астроном, атомчи, аттор, баскетболчи, бедакор, бекатчи, боксчи, бодафуруш, ботаник, бошоқчи, географ, гулдўз, гўрков, буфетчи, врач, деҳқон, дипломат, дурадгор, дуторбоз, ишчи, йилқичи, йилқибоқар, калитбон, китобдор, комик, композитор, киношунос, кимёгар, магазинчи, кулол, кучер, молбоқар, муаллим, телемеханик, туманбоши, тужжор, тунукачи, хакер, хазинадор, хатиб, чиндовул, шоир, шишасоз, эмчи, элакчи, ўнбоши, этикчи, яловдор, ўлкашунос, юзбоши, қадимшунос, қассоб, қозончи, қулуфуруш* каби [5].

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"даги *аллоф, аттор, афанди, бозиргон, бозоргон, вофуруш дарбон, тимбон, азайимхон, аламдор, божгир, бўнакчи, дарвозабеги, закотчи, муҳрдор, муҳтасиб, нажжор, офтобачи, рихтгар, тарихнавис, навкар, худайчи, гўзафуруш, қўрғонбеги, қўшбеги, қушбеги, қутидор, қулфуруш, қози, юзбоши, эровул, экинчи, чоракор, хаттот, фармоначи, туманбоши, жевачи, жиловбардор, жигадор* каби касб-ҳунар номлари бугунги кунга келиб эскирган сўзлар қатламидан ўрин олган.

Икки жилдли изоҳли луғатда ҳам этимологик маълумот берилган бўлиб, унда муайян касб-ҳунар номининг қайси тилга мансублигини шартли қисқартма орқали кўрсатиш билангина чекланилган: *а – арабча, ф-т – форс-тожикча, р – русча* ва ҳоказо. Масалан, **тожир** [а] эск.кт. Тижоратчи, савдогар. *Кими кўрсам менинг дардимдин*

ортиқ дардини сўйлар, Ажаб мотамсаросен тожиру карвонни йиғлатдинг. Моҳзода Бегим.[7,196]

Янги изоҳли луғатда эса муайян сўз асли мансуб бўлган бўлган тил (шартли қисқартма билан), сўзнинг ўша тилдаги ёзилиши ва маъноси қайд этилади. Масалан:

Раққос арабча бўлиб, *ўйинга, рақсга тушувчи* маъносини англатади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *рақсга тушувчи санъаткор эркак; ўйинчи* маъноларида ишлатилади: *Зангиота сайридаги базмда ногора ва чилдирма авжга чиққан, сурнайлар чийиллаган, ўртада ёш раққослар ўйин тушиб турар эди.* (М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.) [8,361]

Икки жилдли луғатда муайян ўзлаштирма касб-ҳунар номигага этимология белгилашда у сўз қайси тилга (эски ва янги европа тиллари, базан араб, форс ёки ҳинд тилларига) мансуб бўлишидан қатъи назар, уни рус тили орқали ўзлашганлигига, охирги манба рус тили эканлигига ишора қилинган эди (*р < грек, р < лат, р < инг л, р < фр* тарзида).

Беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да бундай усул қўлланмай, сўзнинг асли қайси тилга мансублиги кўрсатилган, чунки этимологик маълумотда сўзнинг қайси тил орқали ўзлашгани эмас, балки бу сўзнинг қайси тилга оидлиги қайд этилади [9,62].

Беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"га *атамашунос, атлет, баленеолог, битикчи, бордончи, бриолог, брокер, бузоқбоқар, видеочи, виночи, дефектолог, журналист, зиғиркор, инвестор, ихтирочи* каби 400 га яқин касб-ҳунар номлари қўшилган.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғатида" 1000 га яқин касб-ҳунар номлари-дан 680 таси бир маъноли (моносемантик) ҳисобланади. Масалан, *алтчи, агроном, аравасоз, астроном, арфачи, архивчи, баззоз, бедакор, боксёр, ботаник, зоотехник, мевафуруш, тужжор, тунукачи, фотограф, фолбин, хазинадор* каби.

Масалан, *баққол* – майда-чуйда рўзғор моллари ва озиқ-овқатлар сотувчи майда савдогар [4,189].

Луғатда касб-ҳунар номларининг асл маъносидан ташқари бошқа маънолари ҳам қайд қилинган:

Шоир 1. Шеърий асарлар ёзадиган киши.

2. Бахши ёки оқинлар исмига ҳурмат юзасидан қўшиб айтиладиган сўз.

3. с.т. гапдон, сўзамол, ҳозиржавоб одам ҳақида.

Механик 1. Механика мутахассиси.

2. Машиналарни назорат қилувчи ва ишга солувчи лавозимли киши, мутахассис.

Луғатда сўз маъноларини изоҳлашда айрим ўринларда умумий изоҳ билан чекланилган. Чунончи, *Аллоф* – эск. Ун, буғдой савдоси билан шуғулланувчи савдогар [4,72].

Аёқчи – шароб қуювчи, косагул[4, 43].

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да *аллоф, аёқчи* касб-ҳунар номларига қисқа, умумий тарзда изоҳланган бўлса, "Ўзбекистон миллий энцикло-педияси" да эса кўп маъноли сўз сифатида қуйидагича изоҳланган:

Аллоф – 1) гиёҳфуруш, ўтин-чўп, сотиш билан шуғулланувчи киши; 2) бозорда ғалла, нон, ун сотувчи [4, 231].

Аёқчи – 1) ўтмишда (11-14-асрлар) бирор мансабдор шахс томонидан уюштирилган тантана, зиёфат ёки қабул чоғида меҳмонларга турли шароб май қуювчи, косагул, соқий. Эски ўзбек тили ёдгорликларида кенг қўлланган;

2. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида келтирилишича, *аёқчи кулол* маъносида ҳам қўлланган [2].

Жамият ривожи, объектив борлиқ ва табиатдаги ўзгаришлар, улар ҳақида кишилар тасаввури ва тушунчасининг бойиши, инсоният илмий, маънавий ва маданий тафаккурининг камол топа бориши натижасида янги сўз, янги термин ва иборалар билан бойиб боради. Бу, албатта, тилнинг бошқа луғавий бирликлари қатори касб-ҳунар номларини ифодаловчи луғавий бирликларга ҳам хос. Буни касб-ҳунар номларини ифодаловчи сўзларнинг луғатлар сўзлигидаги миқдори ва изоҳида, лингвостатистик таҳлилида ҳам кузатамиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар, ислоҳотлар ва янгиланишлар таъсирида ўзбек тилининг луғавий таркибидаги бошқа маъновий гуруҳлар каби касб-ҳунар номлари ҳам янги луғавий бирликлар билан бойиди. Сўнгги йилларда тилимизга кириб келган *брокер, маклер, бизнесмен, пайнетчи, менежер, инвестор* каби касб номлари фикримиз далилидир.

Келгусида мукамал касб-ҳунар номларининг изоҳли, этимологик луғатларини яратиш мақсадга мувофиқ. *Нанотехнолог, имижмейкер, маркетолог, пайнетчи, логист-нақлиётчи, веб-услубчи, веб-дизайнер, программист, блогер, пайнетчи, дастурчи* каби янги касб-ҳунар номлари изоҳли луғатлар сўзлигидан ўрин олиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983. – 1–4-ж.
2. Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Тошкент: Фан, 1967. – 550 б.
3. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масала-лари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 1-ж. – 680 б.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. – 1-ж. – 736 б.
6. Усмонов О., Дониёров Р. Ўзбек тилидаги руссча-интернационал ўзлаштирма сўзлар изоҳли луғати. – Тошкент, 1965. – 580 б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Рус тили, 1981. – 1-т. – 720 б.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 3-ж. – 688 б.
9. Мадвалиев А. Ўзбек тилида кимё терминлари ва уларнинг изоҳли луғатда берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. № 5. .

ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

Адхамжонов Муҳаммадали, ФарДУ ўқитувчиси
Нуриллаев Элбек, ФарДУ талабаси

Аннотация. *Мақолада коммуникатив қобилият, хорижий тил ўқитувчиси коммуникатив қобилиятининг педагогик шарт-шароитлари, йўналишлари, меъёрлари ҳақида илмий-назарий фикр-мулоҳазалар келтирилган.*

Таянч сўзлар: *қобилият, коммуникатив қобилият, коммуникатив кобилият йўналишлари ва талаблари, педагогик рефлекция, ишонтириш, таъсир этиш, тақлид қилиш, таҳлил этиш, баҳолаш, истиқболни башорат қилиш, мамлакатшунослик, нутқ техникаси, педагогик маҳорат.*

СОВРЕМЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА

Адхамжонов Муҳаммадали, преводаватель
Нуриллаев Элбек, студент ФерГУ

Аннотация: *В статье представлены научно-теоретические взгляды на коммуникативные способности, педагогические условия, направления, нормы развития коммуникативных способностей учителя иностранного языка.*

Ключевые слова: *способность, коммуникативная способность, направления и требования коммуникативных способностей, педагогическая рефлексия, убеждение, влияние, подражание, анализ, оценка, прогнозирование перспектив, страноведение, речевая техника, педагогическое мастерство.*

MODERN REQUIREMENTS FOR COMMUNICATIVE COMPETENCE OF A FOREIGN LANGUAGE TEACHER

Adhamjonov Muhammali, teacher of FerSU
Nurillaev Elbek, student of FerSU

Annotation: *The article presents scientific and theoretical views on communicative abilities, pedagogical conditions, directions, norms of communicative abilities of a foreign language teacher.*

Key words: *ability, communicative ability, aspects of communicative ability, requirements, pedagogical reflection, influence, persuasion, imitation, analysis, country study, prognosis, technique of speech, pedagogical skills.*

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув-методик таъминотини яхшилаш, мутахассис-кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида профессор-ўқитувчиларнинг илғор таълим технологиялари ва ўқитиш усулларини татбиқ этиш бўйича ташаббускорлигини ошириш, чет тилларини ўқитишнинг интерфаол методларини

жорий этиш имкониятлари кенгаймоқда. Шунингдек, олий таълим муассасалари хорижий тил ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолияти мазмунини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “олий таълим муассасаларида таълим сифатини шахс, давлат ва жамиятнинг долзарб истиқболий эҳтиѐжларига мувофиқлаштириш, чет тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш” [1] каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борада чет тилларини ўқитишнинг касбий-педагогик шарт-шароитлари ва амалиѐтини таҳлил қилиш, хорижий тил ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини ташкил этишнинг дидактик таъминоти, чет тил таълими мазмунини такомиллаштириш, шакл, метод, воситаларини қўллаш самарадорлигини ошириш муҳим ҳисобланади.

Замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, ҳалқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш [2] мақсадга мувофиқ.

Аннотация: *Ушбу мақолада замонавий ўзбек шеъриятида даврнинг турли воқеликлари мифологик образлар воситасида метафоризация қилиниши ҳақида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *замонавий шеърият, мифологик образ,* метафора, метафоризация, аждаҳо, юҳо, ялмоғиз, Азроил, иблис, шайтон.

ВЫРАЖЕНИЕ СОБЫТИЙ ПЕРИОДОВ С ПОМОЩЬЮ МИФОЛОГИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ

Нуруллаева Сарвиноз Мажидовна
Бухарский государственный университет
докторант

Аннотация*: В данной статье рассматривается метафоризация разных событий периодов с помощью мифологических образов в современной узбекской поэзии.*

Ключевые слова: *современная поэзия, мифологический образ, метафора, метафоризация, дракон, Баба Яга, Азраил, дьявол.*

EXPRESSION OF EVENTS OF PERIODS THROUGH THE MYTHOLOGICAL IMAGES

Nurullayeva Sarvinoz Majidovna
Bukhara State University
PhD student

Annotation: *This article discusses the metaphorization of events of different periods through the mythological images in modern Uzbek poetry.*

Key words: *modern poetry, mythological image, metaphor, metaphorization, dragon, witch, Azrael, devil.*

Маълумки, ўзини ўраб турган ташқи оламни ва унда юз берувчи ҳодисалар сабабини билишга қизиққан ибтидоий одам уни образли тасаввур қилган. Натижада ҳиссий образлар сифатида мифологик образлар пайдо бўлган. Мифологик образлар барча халқларнинг тилида мавжуддир ва ҳар бир халқнинг миллий, маданий тушунчалари асосида кодлаштирилган. Мифонимларни метафоризациялаш воситасида кўпинча мифопоэтонимлар ҳосил бўлади ва инсоннинг турли кечинмаларини бадиий ифодалашга хизмат қилади. Шулардан ялмоғиз очкўзлик, шайтон айёрлик, аждар ёвузлик, Азроил шафқатсизлик, дўзах азоб-уқубат, дев душманлик каби семаларда инсон нафратини интенсив ифодалаш рамзига айланган.

Рус олими Н.Д. Арутюнова “сўзнинг маъноси қанчалик мавҳум ва камситувчи бўлса, шунчалик осон метафоризация қилинади”, деб ҳисоблайди. Метафоризация ёрқин образ яратиш, нутқ қаратилган предметга эмоционал-ҳиссий муносабатни, баҳони ифодалаш мақсадида сўзларни кўчма маъносида қўллашдир. У нутқ адресатига таъсир кўрсатишга хизмат қилади” [9]. Рамз ва метафора, асосан, бадиий асарнинг ўзига хос ифода услуби сифатида қўлланилади. Бу шуни англатадики, метафоризациялаш орқали ўқувчининг тасаввурига конкрет образ тасвири етказиб берилади.

Ватанимиз тарихида шундай саҳифалар мавжудки, унинг талқини ва тасвири бадиий ижодда акс этмай қолмаган. Хусусан, адабиётимизда Иккинчи жаҳон уруши даври, мустабид тузумнинг миллионлаб фуқаролар қони билан юргизилган қатағон сиёсати оқибатлари, шахсга сиғиниш даври фожиалари, истиқлолнинг илк йилларида душманларнинг юрт мустақиллигига қарши қилган ёвуз қилмишлари, диний экстремизм ва террорчилик ҳаракатларининг мудҳиш манзаралари ўзига хос рамзий образлар воситасида тасвирлаб берилган.

Ҳар қандай уруш ҳамиша инсонлар бошига чексиз кулфатлар келтирган. Шунинг учун у ҳар доим қораланган. Замонавий ўзбек шеъриятида ҳам уруш мавзуси талқин қилинар экан, унинг ёвуз мифологик образлар воситасида ифода этилгани алоҳида диққатни тортади. Бу мавзуда яратилган кўплаб шеърларда уруш, босқинчилар, замбараклар, ёнғин тасвири, асосан, аждар метафораси воситасида берилса, фашистлар бошлиғи малъун Гитлер, қирувчи самолётлар ялмоғиз

қиёфасида, атом бомбаси, жанг майдони эса дўзах метафораси орқали ифодаланганини кўриш мумкин.

Замонавий ўзбек шеърияти вакили Ойдин Ҳожиева “Балоғат йиллари” шеърида уруш ҳамма ёқни вайрон этиб, кул қилувчи, одамларни ҳалок этувчи даҳшат эканини кўрсатиш учун аждаҳо образидан фойдаланган:

Қишлоқларнинг не-не ўғлонин
Ютди уруш деган *аждаҳо.*
Бўй қизларнинг гулдай армони
Истар эди севгидан зиё [8, 274].

Аждаҳо (аждар, аждарҳо) энг мураккаб ва универсал зооморф образлардан бири бўлиб, у турли халқлар оғзаки ижодида қанотли, оғзидан ўт пуркайдиган, икки ва ундан ортиқ бошли илон қиёфасидаги афсонавий махлуқ образи сифатида гавдалантирилади. [3, 23].

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ажда(р)ҳо форсча сўз бўлиб, афсонавий катта илон эканлиги, кўчма маънода қонхўр, ёвуз одамга нисбатан нафратни ифодалаши айтилади [6, 44]. Бадиий ижодда аждаҳо, асосан, ёвузлик ва очкўзлик тимсоли саналади ва кўчма маънода нафс, нафрат маъноларини ифодалашга хизмат қилади.

“Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати”да аждаҳо образи ўндан ортиқ кўчма маъноларда қўлланилиши қайд этилган [3, 23-24]. Жумладан, аждаҳо сўзи ғоят кучли туйғу (масалан, ишқ, нафс, аёвсизлик ва раҳм-шафқатсизлик), салбий иллатлар (манманлик, очкўзлик, босқинчилик), зарарли тузум (масалан, собиқ тоталитар тузум, қатағон даври), дард (касаллик, ғам-андуҳ, ташвиш), жангу жадал (уруш), техник қурол (масалан, замбарак), босқинчилар, зўравонлар, жиноий тўдалар, нафси бузуқ кимсаларга нисбатан поэтик кўчимни ифодалаши айтиб ўтилган.

Шоир Жамол Сирожиддин “Тарих варақлари – кеч куз хазони” шеърида аждаҳонинг жуда катта майдонга қутқу солиш, ямлаш, осмондан учиб ўтиб заҳри қотилини сочиш (олов пуркаш) семасидан фойдаланиб, нафсни унга менгзайди:

Нафсимиз қуритди денгиз, кўлларни,
Тоғларни ямлади нафс отлиғ *аждар*,
Суяклар безади бизнинг йўлларни
Сепдик худо халқи устидан заҳар [4, 56].

Ҳақиқатан, тарих инсоннинг нафс туфайли табиат ва жамиятга жуда катта талофат етказганига гувоҳ. Энг катта урушлар ҳам нафс сабабли, бойлик орттириш, шуҳрат қозониш илинжида бошланган. Табиатга шафқатсизларча муносабат ва урушлар туфайли денгизлар чекинди, чўллар кенгайди, инсонлар ва жониворлар нобуд бўлди, иқлим ўзгарди, сув ва ҳаво заҳарланди, гумбазлар ўрнини кул тепалар эгаллади. Шу жиҳатдан шоирнинг нафсни аждарга қиёслаши тўғридир. Ж.Сирожиддин ушбу шеърида ўтмишдаги қора кунларнинг дев, жин ё аждаҳо каби намоён бўлиши – ваҳм уйғотишини қуйидагича ифодалайди:

Тарих деб аташган бу зулмат аро
Тиккайган ҳар вақо қутлу солажак.

Ким дер: *“дев ё жин бу!”*, ким дер: – *“аждаҳо!!”*
Кечир биз гумроҳни ёруғ келажак [4, 55].

XX аср ўзбек шеъриятининг забардаст вакили Тўра Сулаймон “Онаизор” шеърида II жаҳон урушининг бошланишига сабабчи бўлган фашист Гитлерни ялмоғизга, урушнинг ўзини эса аждаҳога ўхшатган:

Аждаҳо мисол элга
Баралла очиб оғиз,
Уруш бошлаганида
Гитлер номли *ялмоғиз,*
Олдинма-кейин кетди
Уч ўғлим саллотликка [5, 56].

Замонавий ўзбек шеъриятида Ялмоғиз образининг ямламай ютиш, еб-тўймаслик, очкўзлик ва очофатлик каби хусусиятлари назарда тутилиб, уруш, ғам, талофат, нафс каби тушунчаларни рамзий ифодалаш учун қўлланилган. Бундан бошқа мифологик образлар қатори ушбу образ ҳам кўпинча тўғридан-тўғри стилизация қилинмай, кўчма маънода қўлланилиши, яъни метафоризация қилиниши англашилади. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, бадиий нутқ экспрессивлигини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “метафоризация ҳодисасининг заминида қиёслаш натижасида эришилган (аниқланган) ўхшатиш идеяси ётади”.

Ялмоғиз образи деярли барча жаҳон халқлари фольклорида мавжуд. Қадимги туркларнинг оғзаки ижодида фаол персонаж саналган ялмоғиз ташқи кўриниши жиҳатидан аждарҳо билан қиёсланади. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодида ялмоғиз ўта хунук қари кампир, дуч келган ҳамма нарсани еб-ютиб юборадиган афсонавий махлуқ, жодугар сифатида тасвирланади.

Сир эмаски, қатағон деб аталган қонли сиёсат маънавиятимизнинг минглаб дарғалари илдизига болта урди, уларнинг ижоди айни гуллаган чоғида ҳаётларини хазон қилган совуқ шамол бўлди. Омон Матжоннинг “Нега мен?!” достони қатағон сиёсати фожиаларини акс эттирган асарлардан бўлиб, унинг “Турғунлик йиллари” бобида миллатнинг ҳақиқий фарзандларини йўқ қилмоқни мақсад қилган қонли тузум юҳо образи орқали ифодаланган:

Ҳеч ким ўз молига қўёлмас баҳр,
Бору йўғимизни билмайди дунё,
Ҳеч кимдан сўрамай-нетмай не *юҳо*
Бу юртдан қурбонлик ямлашга тушди [2, 19].

Шоир ҳатто “айбин билмай кетган” ота-боболаримиз, “халқ душмани” тамғаси урилган, аслида миллатпарвар бўлган инсонларни сўрамай-нетмай қурбон қилган қатағон сиёсатининг нақадар қонхўр ва ваҳшийлигини кўрсатиш учун юҳо метафорасидан фойдаланади.

Халқ қарашларига кўра, илон тўққиз ёшгача “илон”, тўққиздан тўқсон тўққизгача “афҳи”, тўқсон тўққиз ёшдан тўққиз юз ёшгача “аждар”, тўққиз юздан тўқсон минг ёшгача “юҳо” деб аталади [1].

Демак, шоир тузумнинг ёвузлик даражасини ва унга нисбатан халқнинг нафратини энг юқори кўрсатгичда ифодалаган. Бегуноҳ инсонларни ёппасига қурбон қилган қаттол тузум ўлжасини ямламай ютувчи ёвуз ва очкўз махлуқ – юҳога тенглаштирилган.

Қўчқор Норқобилнинг “Карантинда” шеъридан олинган қуйидаги мисраларда короновирус касаллигининг жамийки одамларга етказаётган азияти, азоби иблиснинг ёвузлигига, шафқатсизлигига тенглаштирилган бўлса, унинг ўлимга сабабчи бўлаётгани Азроилга ўхшатилиб, тожсимон вирусга инсонлар нафрати кучайтирилиб ифода этилган:

Бунчалар жоҳилсан, эй қизил *иблис*,
Азият тортмоқда сендан одамзод.
Қудратингни танга гоҳ эттириб ҳис,
Азроил мисоли жон оласан, дод! [10]

Бугунги кунда дунё халқларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётига хавф солиб турган воқеликлардан энг каттаси, шубҳасиз, коронавирус пандемияси бўлиб турибди. Барча соҳалар каби бадиий адабиёт ҳам унга муносабат билдирмай қолмади, албатта. Замонавий ўзбек шеърияти вакилларининг бугунги кунда ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган ушбу мавзуга оид аксарият шеърларида тождор вирусга нисбатан нафратни ифодалаш мақсадида ёвузлик семасини ташувчи мифологик образлардан фойдаланилган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “иблис” арабча сўз бўлиб, одамларни дин йўлидан оздирувчи, уларни гуноҳга, жиноятга, разолатга бошловчи ёвуз руҳ ёки ёвуз руҳларнинг бошлиғи, шайтон деб кўрсатилган. Кўчма маънода айёр, қув, алдамчи одамга нисбатан ишлатилади [7, 534].

Азроил ўлим фариштаси бўлиб, арабчада “Малак ул-мавт” дейилади. Бадиий ижодда жон олувчи, фотиҳ, босқинчи, бераҳм маъноларини образли ифодалаш учун Азроил метафорасидан фойдаланилади.

Умуман олганда, образлилик, тасвирийлик каби категориялар хос бўлган бадиий нутқда тилнинг эстетик функцияси намоён бўлади. Ўқувчига алоҳида куч билан таъсир қилиш, образ яратиш учун тасвирий восита сифатида, асосан, метафорадан фойдаланилади. Шунинг учун улар орқали инсоннинг турли эмоцияси экспрессив тарзда ўз ифодасини топади.

Замонавий ўзбек шеъриятида давр воқеликлари талқинида ҳам хилма-хил поэтик ва рамзий ифодалар яратишда мифологик образлар ўзига хос ўрин эгаллайди. Ёзма адабиётда ижодкор фольклорга хос мифологик образларни қўллар экан, уларни ўз мақсади ва ғояси йўлида ишга солади.

Хуллас, замонавий ўзбек шеъриятида турли даврларнинг синовли воқеалари акс эттирилар экан, даврга хос ярамасликлар салбий мифологик образлар орқали кўрсатилган. Бу эса ижодкор туйғулари (нафрати)нинг нутқий экспрессивлигини таъминлашга хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

10. Жўраев М., Ўраева Д. Ўзбек мифологияси. Дарслик. – Т.: Наврўз, 2019. – 555 б.
11. Матжон О. Одамнинг сояси қуёшга тушди (Шеърлар). – Т.: Ёзувчи, 1991. – Б. 19.

12. Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. – Т.: Чўлпон, 2018. – 100 б.
13. Сирожиддин Ж. Заҳҳок салтанатинда (шеърлар). – Самарқанд: Суғдиёна, 1994. – 136 б.
14. Сулаймон Т. Истар кўнгил (Шеърлар, достонлар). – Т.: Ғ.Ғулом, 1984. – 222 б.
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2006. – 680 б.
16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2006. – 672 б.
17. Ҳожиева О. Мушфиқ онажон. – Т.: Ғ.Ғулом, 1983. – 274 б.
18. Из истории русского языка. Язык XX века. https://studfiles.net/preview/1771962/
19. Қўчқор Норқобил. Карантинда Халқимга. https://t.me/yozuvchilar_uz

RIK RIORDANNING “PERSI JEKSON VA OLIMPIYLIKLAR” ASARIDA PASTISH TAHLILI

Xabibullaeva Roza Muhammadayubovna Buxoro DavlatУниверситет Xorojiy tillar fakulteti Ingliz adabiyoti kafedrasi

***Annotatsiya**: ush bu maqolada pastishning Amerikalik yozuvchi Rik Riordanning “Persi Jekson va Olimpiyaliklar” pentalogiyasining birinchi romani “Chaqmoq o’g’risi” da tahlil qilinadi.*

***Kalit so’zlar:** pastish, pentalogiya, anturaj, xronotop.*

АНАЛИЗ ПАСТИШ В ПЕНТАЛОГИИ АМЕРИКАНСКОГО ПИСАТЕЛЯ РИКА РИОРДАНА «ДЖЕК ПЕРСИ И ОЛИМПИЙЦЫ”

Хабибуллаева Roza Muxammadayubovna Бухарский Государственный Университет Факультет иностранных языков кафедра Английской филологии

***Аннотация:** Данная статья посвящена исследованию пастиша в пенталогии американского писателя Рика Риордана «Джек Перси и Олимпийцы», а именно в первом романе под названием «Похититель молнии».*

***Ключевые слова:**пастиш, пенталогия, антураж, хронотоп.*

THE ANALYSIS OF PASTICHE IN “PERSI JACKSON AND THE OLIMPICS” BY RICK RIORDAN

Khabibullaeva Roza Mukhammadayubovna Bukhara State University Foreign Languages Faculty English Literature Department

***Abstract**: This article deals with the analysis of pastiche in literature, particularly in “The Lightning Thief” by American author Rick Riordan. The research identifies pastiche as a term which is applied to a literary work that is a broad mixture of things – such as themes, concepts, and characters – imitated from different literary works.*

***Key words:** pentalogy, pastiche, mythology, entourage.*

Kirish. Zamonaviy ingliz adabiyotshunosligida pastish asosida yaratilgan asarlar taxlili muhim o'rin egallaydi, zero bunday asarlar o'ziga xos xususiyatlari va mohiyati bilan boshqa asarlardan alohida ajralib turadi. Rik Riordanning "Persi Jekson va Olimpiyaliklar" pentalogiyasi esa bunga yaqqol misol bo'la oladi.

Avvalo, pastish so'ziga ta'rif beradigan bo'lsak,bu so'z italiancha *pasticcio* so'zidan olingan bo'lib, "atala" degan ma'noni anglatadi va "qo'shma" yoki "aralashma" kabi ko'chma ma'nolarda uchraydi. Pastishtermin sifatida ilk bora Fransiyada 17 asrda paydo bo'lib, musiqashunoslikda "opera-popurri" ma'nosini anglatgan. Ammo, jahon adabiyotshunosligi tarixida pastish 1767 yilda chop etilgan mashhur fransuz yozuvchisi va faylasufi D.Didroning "Adabiyotshunoslik asoslari" kitobida quidagicha ta'rif berib o'tilgan: "Adabiyotshunoslikda pastish biror badiiy asar muallifi uslubiga taqlid qilish demakdir."[1,604c]

Ingliz yozuvchisi P. Berri ta'rifiga ko'ra, pastish biron asardagi mavjud mavzu, konsept yoki personajlarning yangilari bilan aralashmasidir.[2,67c] Shuningdek, rus adabiyotshunosi E.E. Sviridova fikricha, adabiyotshunoslikda pastish biron bir muallif asarining uslubi, personajlari, anturaji arashtirilgan holda yangi syujetli asarni yaratish tushuniladi. Stilisatsiyadan farqli o'laroq pastish yozuvchidan yangi syujetlarni mavjud personajlar yordamida rivojlantirishni hamda qo'shimcha yangi personajlarni kiritishni talab etadi.[3,171c]

Asosiy qism. Yuqorida keltirilgan ta'riflarga asoslangan holda, pastish bu mavjudpersonajlar zamonaviy asarlarda taqlidiy uslub orqali gavdalantirilib, ularning harakterli belgilari va jihatlari zamonaviy personajlarda namoyon etilishi degan hulosaga kelish mumkin. Amerika yozuvchisi Rik Riordanning "Persi Jekson va Olimpiyaliklar"pentalogiyasi esa bunga yorqin misol bo'la oladi.Bu fantastikroman to'plamida pastish analizini taqdim etishdan avval asar haqida quidagi ma'lumotlarni keltirish mumkin.

Ushbu asar pastishga asoslanganligi tufayli unda bir necha yaqqol misollarni tahlil etamiz. Muallif Grek yarim hudosi siymosini zamonaviy personaj Persi qahramonida namoyon qiladi va uni grek mifologiyasidan olingandengiz xudosi Poseydonning o'gli qilib yaratadi. Misol tariqasida Persining sinfdoshlari bilan muzeyga borib, jig'iga tekkan sinfdosh qiz Nensi Bobfitni o'zi bilmagan holda to'lqin yordamida fontan suvini chiqarib, Nensini fontanga uloqtirib yuborishga erishganligini ko'rsatish mumkin. Asar boshida Persi hali o'zini g'ayritabiiy kuchga egaligini bilmaydi. Asarda bu syujet shunday tasvirlanadi:

"I was about to unwrap my sandwich when Nancy Bobofit appeared in front of me with her ugly friends…"Oops." She grinned at me with her crooked teeth.

I tried to stay cool. But I was so mad my mind went blank. A wave roared in my ears.

I don't remember touching her, but the next thing I knew, Nancy was sitting on her butt in the fountain, screaming, "Percy pushed me!"

Some of the kids were whispering: -Did you see? - The water – like it grabbed her"[5,6c]

“Men endigina sendvichimni olmoqchi bo’lgan paytimda Nensi Bobofit o’zining xunuk do’stlari bilan ro’paramda paydo bo’ldi… “Ups”. U qiyshiq tishlarini g’ichirlatdi.

Men o’zimni bosib olishga harakat qildim. Ammo men jahlim chiqqanidan o’zimni boshqara olmay qoldim. Quloqlarimda to’lqin paydo bo’ldi. Men u qizni qo’lim bilan tekkanimni eslolmayman, ammo u fontanda o’tirib “Persi meni itarib yubordi” deb yiglayotganini bildim. Bolalarning ba’zilarini shivirlayotgan edilar:

- Ko’rdingmi? Suv… – xuddi suv qizni yutib yuborgandek bo’ldi – a?”.(so’zma-so’z tarjima muallif tomonidan amalga oshirildi)

Bu syujetda pastish yaqqol ko’zga tashlanadi, ya’ni Persi “men u qizni qo’lim bilan tekkanimni eslolmayman, ammo u fontanda o’tirib “Persi meni itarib yubordi” deb yiglayotganini bildim” deydi, ya’ni Persi o’zi bilmagan holda fontandagi suvni boshqaradi va suv Nensini fontan ichiga tushirib yuboradi. Muallif asar boshidanoq asosiy personaj g’ayrioddiy kuchga ega ekanligini va bu kuch u dengiz xudosining o’g’li ekanligi uchun berilganligini kitobxonga anglatadi. Persi nafaqat sirli kuchga, balki g’alati, insonda yoq xislatlarga egadir. Bu narsa quyidagi misol, ya’ni Persi qattiq yaralanganda suvga tushib jaroxatlari yoqolganligida ham ko’rinadi: “… My chest felt warm and wet, and I knew I was badly cut. "You're wounded," Annabeth told me. "Quick, Percy, get in the water." I stepped back into the creek, the whole camp gathering around me. Instantly, I felt better. I could feel the cuts on my chest closing up….”

“… Mening ko’kragim qondan iliq va ho’l edi; men qattiq jaroxatlanganimni bilardim. “Sen jaroxatlanding,” dedi menga Annabes.”Tez, Persi, suvga tush”. Men qaytib ariqchaga tushdim, butun lager bolalari esa meni atrofimni o’rab oldi.

Asarning shu qismida pastishga yaqqol bir misol beriladi, Persining yana bir xislati – suvda kuchli bo’lib ketishi, va jarohati to’liq sog’ayb ketishi ko’rsatilib o’tilgan. Bu xislat unga otasi Poseydondan o’tgan va asarda Poseydonga shunday ta’rif berilgan: "My father?" I asked, completely bewildered. "Poseidon," said Chiron. "Earthshaker, Stormbringer, Father of Horses. Hail, Perseus Jackson, Son of the Sea God." “Mening otam? - deb so’radim, o’yga tolib. “Poseydon,” dedi Chiron. “Yer qimirlatuvchi, Bo’ron chaqiruvchi, Otlar Otasi. Xoy, Perseus Jekson, Dengiz xudosining o’gli.” (so’zma-so’z tarjima muallif tomonidan amalga oshirildi)

Poseydon asar personaji Chiron tomonidan Yerqimirlatuvchi, Bo’ron chaqiruvchi, Otlar Otasi deb tasvirlanadi. Shuningdek Zevs, Afina va Gades kabi xudolar ham shu asarda aks ettirilgan. Shuni ta’kidlash joizki, pastish nafaqat Grek mifologiyasidagi mavjud xudolarni xislatini zamonaviy qahramonlarda jonlantirilganlikda ko’rinadi, balki yozuvchi zamonaviy asarda haqiqiy Grek xudolarini ham ishtirok ettirib, asarni yanada qiziqarli va noodatiy uslubda yaratilganlikda belgilanadi.

Asarda muallif nafaqat Grek va Rim mifologiyasidagi mavjud xudolarni, balki ularning bolalarini ham yaratadi va xudo va yarim xudolarning xususiyatlarini bolalarida namoyon qiladi. Bu jarayon quyidagi misolda ko’rinadi:

Athena had made an alliance with Apollo and Hermes, the two biggest cabins…

Ares had allied themselves with everybody else: Dionysus, Demeter, Aphrodite, and Hephaestus. From what I'd seen, Dionysus's kids were actually good athletes, but there were only two of them. Demeter's kids had the edge with nature skills and outdoor

stuff but they weren't very aggressive. Aphrodite's sons and daughters I wasn't too worried about. They mostly sat out every activity and checked their reflections in the lake and did their hair and gossiped. Hephaestus's kids weren't pretty, and there were only four of them, but they were big and burly from working in the metal shop all day. That, of course, left Ares's cabin: a dozen of the biggest, ugliest, meanest kids on Long Island, or anywhere else on the planet. Afina ikkita eng katta xujralar egalari Apollon va Germes bilan ittifoq tuzdi… Ares esa qolganlar bilan ittifoqlashdi: Dionis, Demetra, Afrodita va Gefest. Men ko'rganlarimdan angladimki, Dionis bolalari, faqatgina ikkitasi juda yaxshi atletlar edi. Demetra bolalari esa tabiiy qobiliyatlari kuchli edi, ammo ular agressiv emasdilar. Afrodita o'g'illari va qizlari xaqida unchalik ham qayg'urmasdim. Ular xech qanday mashg'ulotda ishtirok etmas va faqatgina o'zlarini akslarini ko'l suvida tomosha qilib, sochlarini turmaklar va g'iybat qilar edilar. Gefest bollari chiroyli emas edi, ular atigi to'rtagina edi, ammo kun bo'yi temir do'konida ishlayverganidan juda bahaybat va kuchli edilar. Ares xujrasi qolib ketdi: Long Aylenda va umuman planetada eng xunuk, eng yo'qimsiz bolalar shu xujrada edi."(muallif tomonidan tarjima qilingan)

Bu syujet tasvirining o'ziga xosligi shundaki, mif xudolarining o'zlari bilan birga yangi personajlar – xudolarning bolalari xam yaratilgan. Masalan, urush va g'alaba xamda aql-zakovat xudosi Afina quyo'sh xudosi Apollon va savdo-sotiq xudosi Germes bilan ittifoq tuzadi. Lekin Dionis bollari – sog'lom atletlar o'z otalariga o'xshamaganlar, otalari esa aksincha, sharob ta'sirida shirakayf bo'lib, xamma narsani unutgan va faqatgina o'yin-kulgi bilan band bo'lgan. Demak, yuqorida berilgan parcha pastishga aniq misol bo'la oladi. Shunday misollardan yana birini, Persining grek mifologiyasiga tegishli kallasi buqa tanasi inson bo'lgan Minatavr bilan jangi haqidagi syujetni keltiramiz:

Avval u judaa go'zal va oddiy sharqona ayollarga xos libosda, so'ngra esa maxluq kabi uzun tirnoqli etib tasvirlanadi:

"Then the door creaked open, and standing in front of us was a tall Middle Eastern woman-at least, I assumed she was Middle Eastern, because she wore a long black gown that covered everything but her hands, and her head was completely veiled. Then I heard a strange, rasping sound above me. My eyes rose to Aunty Em's hands, which had turned gnarled and warty, with sharp bronze talons for fingernails. I couldn't move. I stared at Aunty Em's gnarled claws…."

"So'ngra eshik g`ichirlab ochildi va eshik oldida juda baland bo'yli - O'rta Sharq ayoli kamida – turardi. Men uni Sharq ayoli deb o'yladim, chunki u qo'lidan boshqa hamma erini yo'pib turadigan uzun qora ko'ylakda edi va yuzining yarmi o'ralgan edi. So'ngra tepamda juda galati, chiyillagan ovoz eshitdim. Xolajon Em qo'llariga ko'zim tushdi, ular qiyshiq va so'gallar bilan qoplangan edi, barmoqlar esa uzun bronza tirnoqlarga aylangan edi.

Men joyimda qotib qoldim. Men xolajon Emning qiyshiq panjalariga tikilib qoldim…."(muallif tomonidan tarjima qilingan)

Yuqorida keltirilgan ikkala syujetda ham zamonaviy ayollar personajlari sarguzasht davomida salbiy qahramonga aylanib Persini yo'q qilishga xarakat qiladilar. Salbiy personajlar aynan mifologiyada uchraydigan nodatiy ko'rinish yordamida

gavdalantiriladi. Bu esa o'z navbatida pastishning ishlatilishining yana bir yo'rqin belgisini ko'rsatadi.

Xulosa. Xulosa qilib aytganda, Rik Riordanning "Jek Persi va Olimpiyaliklar" pentalogiyasining birinchi romani "Chaqmoq o'grisi"da pastish ishtiroki, ya'ni qadimiy grek mifologiyasi personajlari zamonaviy talqin etilgan. Bundan tashqari, mifologik qahramonlar avvaldan grek miflarda mavjud bo'lgan, biroq Rik Riordan nafaqat bu qahramonlarni taqlidiy uslubda o'z asarlarida ishlatgan, balki qadimiy grek xudolarining hislatlari yordamida yangi personajlar yaratib, xronotopda detallarga o'zgacha sayqal bera olgan.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Кузнецов В.Н. Дидро Д. Сочинения: Том 2..-М.: Мысль, 1991.-604 с.
2. Barry P. Beginning Theory: An Introduction to Literary and Cultural Theory.- New York: Manchester University Press. 2009. p-67.
3. Е. Е. Свиридова. Пастиш как один из приемов языковой игры. – Таллин. Вестник ТГПУ. 2016. стр-171.
4. Arp R. T. andJohnsonG. Story and Structure. - United States: Thomson Higher Education, 2006.- 31p.
5. Rick Riordan. Percy Jackson and the Olympians. The lightning thief - Book 1 – New York. ExSmo Publishing House. 2005. – p – 6.
6. Андреева Л.Л. Художественный синтез и постмодернизм. // Вопросы литературоведения. – М., 2001.- с-22.
7. Апресян Ю. Д. Языковые аномалии: типы и функции // Филологические исследования. Памяти академика Г. В. Степанова. М.; Л., 1990. С. 50–71.
8. Arp R. T. and Johnson G. Story and Structure. - United States: Thomson Higher Education, 2006.- 58p.
9. Barry P. Beginning Theory: An Introduction to Literary and Cultural Theory.- New York: Manchester University Press. 2009.
10. Kennedy, X.J. and Gioia, D. Literature: An Introduction to Fiction, Poetry, and Drama 9th ed.- United States: Pearson Longman. 2005.
11. Кузнецов В.Н. Дидро Д. Сочинения: Том 2..-М.: Мысль, 1991.-604 с.
12. Rick Riordan. Percy Jackson and the Olympians. The Lightning Thief – New York. ExSmo Publishing House. 2005. – p – 6.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ИБОРАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ЖИЛОЛАРИ

Ражабова Маърифат Бақоевна
Бухоро давлат университети
филология фанлари нмзоди, доцент

Аннотация: *Маълумки, Алишер Навоий лирик меросининг мавзулар олами кенг. Шоир қаламга олган ҳар бир мавзуни такрорланмас тасвирлар, муболағавий ифодалар, гўзал ташбеҳлар, истиоравий иборалар орқали ёритар экан, бунинг учун халқ тилидан унумли фойдаланади. Шоир лирикасидаги умуминсоний ғоялар тарғиби учун қўлланилган*

халқона ифодалар унинг халқ тили ва бадиий тафаккуридан самарали фойдаланганини кўрсатади.

Мақолада Алишер Навоий лирик мероси таркибида қўлланилган тургун ибораларр таҳлилга тортилади. Таҳлиллар жараёнида халқона ибораларни қўллашдаги шоир маҳорати ёритиб берилади.

Калит сўзлар: *халқ тили, сўз, ибора, фольклор, ёзма адабиёт, образ, бадиият*

СТИЛИСТИЧЕСКИЙ ОКРАСК ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ОБОРОТОВ В ЛИРИКЕ АЛИШЕРА НАВОИ

Раджабова Марифат Бакаевна
Бухарский государственный университет
кандитат филологических наук, доцент

Аннотация*: Известно, что лирическое наследие Алишера Навои имеет широкий мир тем. Поэт писав каждую тему, освещал её уникальными образами, риторическими выражениями, красивыми метафорами, аллегорическими выражениями. Популярные выражения, использованные в лирике поэта для агитации общечеловеческих идей, показывают, что он эффективно использовал народное и художественное мышление.*

В статье анализируются устойчивые выражения, используемые в лирическом наследии Алишера Навои. В процессе анализа подчеркивается высокое мастерство поэта применять народные выражения.

Ключевые слова: *народный язык, слово, фразеологическое выражение, фольклор, письменная литература, образ, художество*

STYLISTIC REFINEMENTS OF PHRASES IN ALISHER NAVOI'S LYRICS

Anatation: *It is known that Alisher Navoi's lyrical heritage has a wide range of topics. As the poet describes each theme through unique images, rhetorical expressions, beautiful metaphors, allegorical expressions, he makes effective use of people's dialect for this purpose. The folk expressions used in the poet's lyrics to propogandize universal ideas show his effective use of the folk language and artistic thought. The article analyzes the set expressions used in the lyrical heritage of Alisher Navoi. The poet's skill in applying popular expressions is highlighted in the process of analysis.*

Key words: *folk language, words, phrases, folklore, written literature, images, art.*

Адабиёт – сўз санъати. Тил эса ҳар бир халқнинг энг муҳим миллий бойлиги, маънавий хазинасидир. Сўз санъатининг муҳим вазифаларидан бири теварак-атрофни ўраб олган оламни бадиий тасвирлаш орқали инсонлар қалбида эзгуликни тарбиялаш, ҳаётда нима яхши-ю нима ёмонлигини реал воқелик асосида тушунтиришдан иборатдир. Шунинг учун буюк ижодкорлар, соҳир қалам соҳиблари сўзнинг буюк қудратидан, халқнинг асрлар давомида тил воситасида яратган тимсолий (образли) ифода ва тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланганлар. Айниқса, ижодкорлар халқнинг сермазмун мақоллари қатори

турғун ибораларида мужассамланган бадиий фикр ва ўзига хос нозик қочиримлардан ҳам ўз поэтик мақсад-муддаолари йўлида фойдаланишга айрича эътибор қаратишган.

Ўзбек адабий тили ва адабиётининг етакчи анъаналарини мукаммал билганлигидан уни юксак тараққиётга эриштирган Алишер Навоийдек мутафаккир шоир ҳам халқнинг ўткир диди ва юксак нафосатини кўрсатувчи иборалардан ўз асарларида, хусусан, лирик меросида унумли фойдаланган.

Навоий шеъриятидаги бой поэтик образлар ва образли ибораларни қиёсий ўрганиш шоир поэтик услубининг шаклланишига таъсир кўрсатган адабий анъаналарнинг ролини объектив баҳолашга имкон яратади [1, 119].

Алишер Навоий асарларининг тили бирмунча мураккаб. Боиси, шоир асарларида арабий, форсий тил қатламига мансуб тил материаллари, тасаввуф шеърияти ғояларини тарғиб қилувчи мажозий-рамзий образлар, истилоҳлар анчагина. Шундай бўлса-да, улуғ шоир кўпроқ туркий сўз ва ибораларидан унумли фойдаланди. А. Навоий лирик меросида қўлланувчи жуда кўп иборалар борки, улар бугунги кунда ҳам истеъмолда.

Навоийшунослигимизда шоир асарларида қўлланилган ибораларини ўрганиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган.[20] Бироқ бу соҳадаги ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Навоий асарлари фразеологик луғатининг ягона намунаси ҳозирча Э.А.Умаров томонидан яратилган. Бу фразеологик луғат ҳам алифбо тартибида тузилган, иборалар изоҳи рус тилида берилган, Алишер Навоий асарларидан олинган мисоллар ҳам рус тилига таржима қилинган. Ҳар бир луғат мақолачадан сўнг бир неча мисоллар келтирилган. Аммо китоб охирида луғатдан фойдаланишни осонлаштиришга хизмат қилувчи кўрсаткичлар берилмаган. Бундан ташқари, Э.Умаровнинг мазкур асарини Алишер Навоий лирик поэзиясининг мукаммал изоҳли фразеологик луғатига дебоча дейиш мумкин, чунки айрим иборалар (ҳатто “Хазойин-ул-маоний”да қўлланган иборалар ҳам) бу китобда ўз аксини топмаган. Бундай иш Алишер Навоий асарлари фразеологиясини, кўп асрлик тарихий фразеологияни тўплаш ва тизимлаштиришнинг илк тажрибаси бўлгани учун уни янада такомиллаштириш лозим кўринади [2,77].

Кўриниб турибдики, улуғ шоир асарларидаги ҳар бир сўз ва ибора бадиийликнинг юксак намунаси сифатида талқин ва тадқиқ қилишга эҳтиёж сезади.

---

[20]**Умаров Э.** Ўзбек тили фразеологиясининг тараққиётида Алишер Навоийнинг роли // Адабий мерос, мақолалар тўплами, 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 188-191; **Умаров Э.** Фразеологический словарь “Хазойинул-маоний” Алишера Навои. – Ташкент: Фан, 1971. 140 с.; **Йўлдошев Б.** Алишер Навоий асарларида ибораларнинг қўлланиш усуллари ва ҳозирги давр билан муносабати ҳақида // Филологик тадқиқотлар (илмий мақолалар тўплами), 1-китоб. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1995. – Б. 62-70; **Йўлдошев Б.** Алишер Навоий асарларида фразеологизмларнинг қўлланиш хусусиятларига доир // Ўзбек журналистикаси ва филологияси масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд: Суғдиёна, 1998. – Б. 45-51.

Кулини кўкка совурмоқ, боши кўкка етмоқ, кўксини чоқ қилмоқ, ерга урмоқ, кўзи учмоқ, кўзига тўтиё қилмоқ, оғзини очмоқ, кўзидан уйқу қочмоқ, қўлдан бермоқ, кўз юмиб-очмоқ, кўздан учар (ўтар), тегирмон тошини айлантирмоқ, кечани кеча демай, кундузни кундуз демайин каби қатор халқ иборалари шоир шеърияти бадиийлигини таъминлаган омиллардан биридир.

"Кулини кўкка совурмоқ" ибораси "Ўзбек тилининг фразеологик луғати"да "Бутунлай емирмоқ, йўқ қилмоқ" маъносида қўлланиши таъкидланган [7, 129]. Ушбу ибора А. Навоий лирикасида ҳам худди шу маънода қўлланган. Шоир лирик қаҳрамон – ошиқ руҳий ҳолатининг муболағавий тасвирида мазкур иборага мурожаат қилади:

Эй ишқ, яна фурқат ўтин жонима урдунг,
Жисмимни кул айлаб, кулини кўкка совурдунг [1, 300].

Мазмуни: Эй ишқ, айрилиқ ўтини жонимга урдинг. Айрилиқ ўтидан жисмимни кул, кулини эса кўкка совурдинг.

Байтга диққат қилинса, унда бир иборанинг икки шаклда – **кул қилдинг, кулини кўкка совурдинг** тарзида берилганини кўриш мумкин. Бундан кўзланган мақсад ошиқ вужудининг ишқда нафақат кул бўлгани, балки унинг кулидан ҳам асар қолмаганлигини тасвирлашдир. Мумтоз адабиётда ҳақиқий ошиқнинг ишқда "йўқ" бўлиши унинг комиллик сифатларидан бири тариқасида баҳоланади. А. Навоий ошиқнинг ана шу сифатини беришда халқона иборадан маҳорат билан фойдаланган. Қуйидаги байтда ҳам ибора худди шу мақсаднинг рўёби учун хизмат қилган:

Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди,
Фано қуюни етибон кулумни кўкка совурди. [1, 564].

Биринчи байтда ишқнинг ошиқ "кулини кўк совурган"и айтилаётган бўлса, иккинчи байтда фано қуюни бу вазифани бажаргани таъкидланади. Чунки фано сўзининг луғавий маъноси ҳам "йўқ бўлиш, ўлиш". Инсон табиатига хос бўлган фанолик қуюндек келди-ю, "кулумни кўкка совурди", дейди шоир.

Кўксума урмоққа олған тошқа ўқи тегди, лек
Қилди кул жисмимни ўтким, секриди пайконидин [1, 442].

Мазкур байтда "кўксига урмоқ" ва "жисмини кул қилмоқ" иборалари қўлланган. Ошиқнинг жисми нимадан кул бўлди, деган савол туғилиши табиий. Байтдаги ўқ маъшуқа кипригини маъносида англашилса, у тошга тегишидан чиққан ўт эса ўқувчини шубҳага солади.

Маълумки, қадимда камон ўқининг учи ўткир учли металдан қилинган ва "башоқ" деб аталган. У эса узоқ масофага оловни отиш ёки олов олдириш учун қулай бўлган. Худди шундай ҳолат маъшуқа кипригини билан боғлаб ифодаланган. Ошиқ вужудига текан ўқ (яъни киприк) унинг вужудини оловлантирган, жисмини кул қилган.

Шоир ғазалларида **"кўзи учмоқ"** ибораси ҳам қўлланган. Бу иборадан оғзаки нутқда кўпинча киноя маъносини ифодалаш учун фойдаланилади. Навоий лирикасида эса маъшуқани кўриш иштиёқидаги ошиқнинг қалб талпинишларини бериш учун қўллангани кузатилади.

Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот,
Биайниҳ анга кирпиклар ўлмиш икки қанот [1, 93].

Демоқчики, кўзим учмоқдаки, сенинг қутлуғ юзингни яна кўрсам керак. Учаётган кўзимга киприкларим худди икки қанот бўлгандай.

Эй Навоий, кўргали они учар ҳар дам кўзум,
Лек не суд учмоқ ул қушки манга йўқтур қанот [4, 56].

Ёки:

Ул парий кўздин учар, кўз даҳи шавқидин учар,
Ваҳки, мен учқали ҳам йўқтурур эгнимда қанот [4, 55].

Ҳар учала байтда ҳам "кўз учмоқ" ибораси орқали маъшуқа висолига интизор, уни кўриш иштиёқида ўртанаётган ошиқ ҳолати тасвирланган. Учинчи байтда "кўздан парининг учиши" ҳамда "кўзнинг шавқдан учиши" омоним иборалар бўлиб келган. Халқда "кўзнинг учиши"га яхшилик аломати сифатида, яъни хурсандчилик келишидан дарак, деб қаралган.

Шунингдек, келтирилган байтларнинг барчасида "кўз учмоқ" иборасидаги "учмоқ" ҳаракати фақатгина қанотли мавжудотларга тегишли эканлиги ҳам инобатга олинган. Биринчи байтда учаётган кўзга киприклар қанот бўлган бўлса, иккинчи байтда учаётган қуш қанотсиз, учинчи мисолда эса ошиқнинг учишга қаноти йўқлиги тасвирланган. Байтлардаги қанот детали ибора мазмунини чиройли далиллаш учун хизмат қилган.

Улуғ шоир ғазалларида қўлланган халқона иборалардан яна бири **"кўз юмуб-очгунча"** бирикмасидир. Мазкур ибора "Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғатида" **"кўз очиб-юмгунча"** тарзида келтирилади ва "жуда қисқа муддатда, тезда" деган маънони англатиши таъкидланади [7, 147]. Эътибор берсак, мазкур иборани оғзаки нутқда ҳам кўпинча луғатдагидек ишлатамиз. Ҳолбуки, ҳазрат Навоий биргина ибора таркибидаги сўзнинг ўрни ўзгариши натижасида ҳаётий мантиқ бузилишини жуда яхши билган. Шу боис, ўз ғазалларида мазкур иборани **"кўз юмуб-очгунча"** тарзида қўллаган.

Умр ғафлат уйқуси бирла тиларсен, кеча, оҳ,
Кўз юмуб-очқунча кимнинг иътимоди бор анга? [1, 45].

Ёки

Тушдек эрур даҳрда нокому ком,
Кўз юмуб-очқунча ўтубдур тамом [7, 344].

Ҳар иккала байтда панд-насиҳат руҳи устувор. Бу даҳр (дунё)да истагига етган ҳам, етмаган ҳам "кўз юмиб-очқунча" ўтиб кетиши эслатилган.

А. Навоий назмиётида қўлланган туркона фразеологизмлардан яна бири **"қўлдан ихтиёрини бермоқ"** иборасидир. Бу турғун бирикма бугунги кунда фаол истеъмолда. Қуйидаги учта байтда мазкур ибора қўлланган:

Биравни, эйки, севмак орзу қилдинг, ҳавосинда
Илигтин ихтиёринг бермагил зинҳор мен янглиғ [6, 211].

Бировни севмоқни орзу қилсанг, мен каби кўйида ихтиёрингни зинҳор қўлдан бермагин. Ошиқ – ишқда банди бўлган шахс. Банди бўлган кишининг қўлида эса

эрки бўлмайди. Қуйидаги байтда эса элнинг инон-ихтиёри бутунлай (яксар) қўлдан чиқиши мазкур ибора орқали берилган.

Эл инони ихтиёри чиқти яксар илгидин,
Пўяда ҳар сари ул чобукки қайтарди жилав [6, 356].

А. Навоий ҳамд ғазаларида ҳам мазкур иборанинг қўллангалигини кўриш мумкин. Шоир мазкур ибора орқали инсоннинг бу дунёга келиб-кетиши унинг ихтиёрида эмаслиги туфайли уни ўз ҳолига ташлаб қўймаслигини Яратгандан сўраб, муножот қилади. Бунинг учун Қуръони каримнинг "Анбиё" сурасидаги "**Эй Роббим, мени ёлғиз ташлаб қўйма, Сен Ўзинг ворисларнинг энг яхшисисан**" деган муборак оятига мурожаат қилади.

Ўз илгида чун ҳеч йўқ ихтиёри,
Ўзига ани қўймағайсен, худоё [6, 5].

Ҳар учала мисолда "қўл" сўзининг қадимий шакли "илиг" қўлланган. Бу билан, бир томондан, давр руҳини бериш назарда тутилган бўлса, иккинчи томондан, шеърий вазн "илиг" сўзининг қўлланишини талаб қилади.

Шоир **"қўлдан ихтиёрини бермоқ"** иборасининг **"қўли ихтиёри бор"** шаклидаги антонимидан ҳам ўз мақсад-муддаосини ифодалаш учун фойдаланган.

Фиғонни забт қилурмен, валек ул қотил
Чу жилва айлади, **илгимдин ихтиёр борур** [6, 110].

Хулоса қилиб айтганда, А. Навоий туркий адабиётни юксак чўққига кўтариши билан бирга, туркий тилнинг бой хазинасига мурожаат қилиш орқали умумхалқ тилининг такрорланмас жилосини кейинги авлодларга кўрсатиб берди. Мутафаккир шоир асарларида халқона ифода йўсинида тарғиб қилинган инсоний ғоялар унинг халқ тили ва бадиий тафаккуридан усталик билан фойдаланганини кўрсатади.

Адабиётлар:

3. Ё. Исҳоқов. Новоий поэтикаси. –Т.: Фан. 1983.
4. А. И. Исаев "Э.А.Умаров. Фразеологический словарь "Хазойин-ул-маоний" Алишера Навои // Бюллетень по фразеологии. № 1. Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 234. – Самарканд, 1972.
5. Навоий Алишер.Мукаммал асарлар тўплами. ХХ жилдлик. I жилд. Бадоеъ ул-васат. –Т.: Фан, 1990.
6. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. ХХ жилдлик. IV жилд. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 1989.
7. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. ХХ жилдлик. VI жилд. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990.
8. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. ХХ жилдлик. VIIжилд. Ҳайрат ул – аброр. – Т.: Фан, 1991.
9. Раҳматуллаев Ш.Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи. 1976.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК УНДОШ ТОВУШЛАРИ ТИЗИМИ ВА УЛАР ОРАСИДАГИ ФАРҚЛАР

Хайдарова Ирода Низомиддиновна,
Узбекский государственный университет мировых языков, (PhD) Докторант
iymonasad@gmail.com

Аннотация: *Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ товушлари, улар орасидаги ўхшашлик ва фарқлар шарҳланган, мисоллар билан бойитилган. Инглиз тилини ўрганувчилари дуч келадиган қийинчиликлар (интерференция) ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *нутқ товушлари, ундош товушлар, интерференция.*

АНГЛИЙСКИЙ – УЗБЕКСКИЙ КОНСОНАНТИЗМ И ИХ РАЗЛИЧИЯ

Аннотация: *В данной статья объясняет речевые звуки на английском и узбекском языках, дана комментирии их сходство и различия, обогащен с примерами. Отражено трудности (интерференция) с которыми сталкиваются изучающие английский язык.*

Ключевые слова: *речевые звуки, согласные звуки, интерференция.*

ENGLISH - UZBEK CONSONANTISM AND THEIR DIFFERENCES

Annotation : *In this article explains speech sounds in English and Uzbek, commented on their similarities and differences, enriched with examples. The difficulties (interference) encountered by students of English are reflected.*

Key words: *speech sounds, consonants, interference.*

Нутқ товушлари инсониятга хос хусусият бўлиб, диафрагма, ўпкалар, бронх, ҳаво йўллари, хиқилдоқ, товуш найлари, ҳалқум, оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиғи иштирокида ҳосил бўлади. Товушларнинг сифати оғиз бўшлиғининг тузилиши, ўлчами, хажми, шакли, тил ва лабларнинг ҳолатига қараб фарқ қилади.

Маълум-ки, инглиз тилида 6 та унли ҳарфлар ва улар ифодаловчи 21 фонема ([iː], [ɪ], [e], [æ], [ɑː], [ɔ], [ɔː], [ʊ], [ʊː], [ʌ], [ə], [əː], [eɪ], [oʊ], [aɪ], [aʊ], [ɔɪ], [ɪə], [ɛə], [ʊə], [ɔə]) бор. Ундош ҳарфлар эса 20 та бўлиб, 24 ундош фонемани ([p], [b], [t], [d], [k], [g], [s], [z], [ʃ], [ʤ], [ʧ], [f], [v], [θ], [ð], [ʃ], [ʒ], [h], [m], [n], [ŋ], [l], [r], [j], [w]) ифодалаб келади. Талаффузда эса, фонема эмас, унга тегишли бўлган товуш талаффуз қилинади.

Ҳарф бу, товушларни ифодаловчи, ёзувдаги шартли белги ҳисобланади. Товушлар ҳарфларга нисбатан бўёқдор бўлганлиги сабабли ёзувда ҳарфлар товушларни тўла-тўкис ифода эта олмайди. Бу эса инглиз тилининг талаффузи ва ёзувида ҳам катта фарқ борлигини кўрсатади (1-жадал).

,

1-жадвал

Ҳарф	Талаффузи	Ҳарф	Талаффузи
Aa	[eɪ]	Nn	[en]
Bb	[bi:]	Oo	[əu]
Cc	[si:]	Pp	[pi:]
Dd	[di:]	Qq	[kju:]
Ee	[i:]	Rr	[a:]
Ff	[ef]	Ss	[es]
Gg	[ʤi:]	Tt	[ti:]
Hh	[eɪʧ]	Uu	[ju:]
Ii	[aɪ]	Vv	[vi:]
Jj	[ʤeɪ]	Ww	[ˈdʌblju:]
Kk	[keɪ]	Xx	[eks]
Ll	[el]	Yy	[wa
Mm	[em]	Zz	[zed]

Бу фарқларни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: Mien [mi:n], mid [mid], mika [məɪkə], mock [mɔk], moan [məun], meal [mi:l], mace [meis]… Шу фарқларни ҳисобга олган ҳолда, инглиз тили талаффузини ўргатишда қайси ҳарф ва ҳарфлар бирикмаси қандай товуш билан ўқилишига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ундош товушлар (консонантизм – бирор тилнинг ундош товушлар сестемаси) **[5. 396]** нинг эшитилиш (акустик) хусусиятига кўра икки турга бўлинади:

20. ***Сонантлар*** – ундош товушлар ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради ва бу ундош товушлар ҳосил бўлиш ўрнига кўра портловчи ва сирғалувчи ундош товушларга бўлинади.

21. ***Консонантлар*** – артикуляцияси (ҳосил бўлиши) ва акустикисига кўра ҳам турфадир. Шу нуқтаи назардан консонантларнинг уч тури тасниф этилади:

а) артикуляция ўрни:
–лаб артикуляция ўрни;
–тил артикуляция ўрни;
- бўғиз артикуляция ўрни.
б) артикуляция усулига кўра:
- портловчилар;
- сирғалувчилар;
- қоришиқ (аффрикатлар).
с) акустикасига кўра:
- жарангли;
- жарангсиз.

Инглиз тилидаги жарангли консонант товушлар артикуляциясида нутқ органлари кам куч сарфлайди, жарангсиз товушлар ҳосил бўлишида эса, нутқ органлари жарангли товушларга қараганда кўп куч сарфлайди. Бу фарқ шуни кўрсатади-ки, фонологик нуқтаъи назардан, товуш ҳис-ҳаяжонсиз ҳосил бўлади.

Инглиз тилида мавжуд саккизта жарангли-жарангсиз консонант товушлар жуфтлиги фарқланади **[2. 86]**. Улар: [p-b], [t-d], [f-v], [s-z], [ʃ-ʒ], [θ-ð], [ʧ-ʤ], [k-g].

Ундош товушлар талаффузида ҳаво оқимининг ҳаракатига кўра 3 гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ товушларига оғиз бўшлиғида ҳаво оқими тўла тўсиққа учрашидан ҳосил бўлган *жарангли* ундош товушлар киради. Жарангли ундош товушларнинг оҳангига кўра кучли жарангли ([b], [d], [g]) товушлар ва кучсиз жарангли ([p], [t], [k]) товушларга бўлинади.

Иккинчи гуруҳ товушларига ундош товушларнинг ҳосил бўлишида ҳаво оқими тўла бўлмаган тўсиққа учрайди ва ҳаво оқими секинлашади. Бунинг натижасида ҳосил бўлган ундош товушлар *сирғалувчи* ундош товушлар дейилади. Ўз навбатида сирғалувчи ундош товушлар оҳангига кўра иккига бўлинади.

- Жарангли сирғалувчи товушлар [v], [ð], [z], [ʒ].
- Жарангсиз сирғалувчи товушлар [f], [θ], [s], [ʃ], [h].

Учинчи гуруҳ товушлари *жарангдор-сирғалувчи* товушлар қоришмаси бўлиб, фанда қоришма товушлар деб номланади. Инглиз тилида улар 2 та [ʧ] ва [ʤ] товушлари. [ʧ] товуши жарангли ва кучсиз товуш бўлса, [ʤ] товуши жарангсиз кучли товуш ҳисобланади.

Ундош товушларни ҳосил қилувчи органларга уч тури мавжуд: лаб товушлари, тиш товушлари ва танглай (glottal) товушлари.

Лаб ундош товушлари:

- юқори ва пастки лаблар иштирокида ҳосил бўлувчи ундош товушлар: [p], [b], [m], [w].

- пастки лаб билан юқори тишлар иштирокида ҳосил бўлувчи ундош товушлар: [f], [v].

Тил ундош товушлари:

- тил олди: [θ], [ð], [t], [d], [l], [n], [s], [z] ва [r].
- тил ўрта: [j].
- тил орқа: [k], [g], [ŋ].

Глоттал ундош товушлар танглай билан тил учи ҳаракати кўра 4 гурухга бўлинади.

10. Тиш ундошлари: [θ], [ð].
11. Алвеолар: [t], [d], [l], [n], [s], [z].
12. Танглай-алвеолар: [ʃ], [ʒ], [ʧ], [ʤ].
13. Олд алвеолар: [r].

Юмшоқ танглай холатига кўра ундош товуш турлари:

14. Бурун товушлари: [m], [n], [ŋ].
15. Оғиз товушлари: [θ], [ð], [t], [d], [l], [k], [g], [f], [v], [ʃ], [ʒ], [ʧ], [ʤ], [w], [r], [j], [s], [z].

Юқорида кўриб чиқилган таснифлар асосида, ундош товушларга таъриф берсак. Бу ундош товушлар ҳақида янада кенгроқ тушунча ҳосил қилишга имкон беради.

[b] - ундоши лаб-лаб, шовқинли, портловчи товуши бўлиб, у кучсиз жарангли ундошлар гуруҳига ҳам киради. Ўзбек тилидаги [б] ундош товуши инглиз тилидаги [b] товушидек кучли талаффуз қилинмайди. Унинг артикуляциясида пастки лаб тепа лабга туташади. Тил учи пастки курак тишлар учига томон тўғриланган ҳолда, бутун тил танаси орқа томонга сал тортилади. Ичкаридан келган ҳаво лаб орқасида тўпланиб, тепа лабни тепа курак тишлари учидан сезилар-сезилмас кўчиради ва лабларни, жуда кичик оралиқ ҳосил қилиб, очиб чиқади. Ҳавонинг лабларни бирдан очиб, портлаб чиқишидан ҳосил бўлган шовқин қисман товуш биргаликда [b] жарангли консонантини шакллантиради. У маълум даражада резонатор тонга эга бўлади.

[d] - фонемаси тил олди, шовқинли, апикал-альвеоляр, портловчи, жарангли кучсиз ундош бўлиб, унинг талаффузида товуш пайчалари титрайди. Артикуляцияда оғиз сал очилади. Тил учи тепа курак тишлар асосига тақалади. Тил олдининг қолган қисми курак ва қозиқ тишлар бўйича ёй шаклида туташади ва тил ёни жағ тишлар юзасига тегади. Натижада, оғиз бўшлиғи ташқаридан тўсилади. Тил юзаси ўртача кўтарилишда бошидан охиригача бир текис ҳолатда бўлади. Ичкаридан келган ҳаво тил олди оғиз бўшлиғида тўпланиб, босим ҳосил қилади, кейин бирдан артикулция ўрнини очиб, яъни портлаб чиқади. Шу тариқа товуш пайларида юзага келган товуш оғиз бўшлиғида резонатор тонни ҳосил қилиши натижасида резонатор тон, тил олди портлашидан ҳосил бўлган шовқин биргаликда портловчи жарангли [d] консонанти шакллантиради.

Айрим сўзлар талаффузида [d] товуши билан [t] товуши эшитилиши ўхшаш бўлсада, талаффузда [t]товуши [d] товушидан товуш пайчаларининг титраши билан фарқланади.

Ўзбек тилидаги [д] товуши тил учи товуши бўлиб, талаффуз жараёнида тил учи тишларга тегиб туради. Жарангсиз ундошлар билан ёндош келганда бир мунча кучсиз талаффуз этилади. Айрим сўзлар оҳирида талаффуз этилмасада, ёзувда ўз аксини топади: *баланд-балан, хурсанд-хурсан.*

[f] - лаб-тиш, сирғалувчи, жарангсиз товуш бўлиб, талаффузида пастки лаб тепа тишларга тегиб туради. Ҳаво оқими эса улар орасида ҳосил бўлган оралиқдан ўтади. Инглиз тилида “p” ва “h” ҳарфлари бирикмаси ҳам [f] товушини беради. 2-жадвалда шу ва бошқа ҳарфлар бирикмасига оид товушлар берилган **[7.40]**.

2-жадвал

Bt	[t]	debt, doubt, subtle
Ght	[t]	dight, night, right
Gn	[n]	sign, design, reign
Kn	[n]	know, knife, knit
Ph	[f]	photo, philosophy
Sh	[ʃ]	wish, show, fresh
ss+ion	[ʃn]	Permission
Ss	[s]	passive, possible
th (лексик маъно англатувчи сўзларни бошида ва охирида келганида)	[θ]	thin, thick, month, path
th (ёрдамчи сўзларни бошида келганида, ўндовда, равиш ва унли товушлар ўртасида келганида)	[ð]	the, this, that, those, thus, they, gather, bathe, weather

Унинг артикуляциясида пастки лаб кўтарилиб, тепа тишга жуда яқин келади ва улар орасида жуда тор оралиқ қолади. Лаб учлари сезилар-сезилмас даражада чўччаяди. Тил учи пастки курак тишлар учига, худди [b] ва [p] консонантлари артикуляциясига ўхшаш ҳолда тўғриланади ва бутун тил танаси орқа томонга тортилади, чуқур тил орқаси ҳам лаклукка яқин боради. Тил юзаси ўртача кўтарилган бўлиб, орқаси юқорироқ ҳолат олади. Ичкаридан келган ҳаво лаблар оралиғидаги тор тирқишдан сизиб ўтади. Шунинг натижасида лаб-тиш сирғалувчи [f] жарангсиз консонанти ҳосил бўлади.

Ўзбек тилида [f] товуши худди инглиз тилидаги товуш каби, жарангсиз, сирғалувчи, лаб ундоши. Ўзлашган сўзларда [p], баъзан [b] ундош товушларига мойил талаффуз этилади **[3.11]**. Шу билан бир қаторда айрим ўзбек тилидаги шевалар таъсирида ҳам бу товуш [p] ва [b] ҳолатида айтилади: фабрика-пабрика, фасл-пасл, фойда, пойда, физика-пизика **[8.34]**.

[g] - фонемаси тил орқа, шовқинли, портловчи, жарангли кучсиз ундошдир. Талаффузда тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга кўтарилиб, ҳаво тўла тўсиқдан шовқин билан ўтади. Инглиз тилида [g] сўз охирида келса жарангсизлашмайди, [g] ни сўз охирида жарангсиз талаффуз қилса, инглиз тилида сўзлар маъносини ўзгартириб юборади. М: pig-чўчқа, pick- термоқ **[1.21]**. Инглиз тилида бу товушнинг фонема варианти бошқа товушларнинг фанемасига нисбатан кўп (3-жадвал **[7.39]**). Ёзувда [g] ёзилсада [dʒ] товуши ўқилади ва талаффуз қилинади. Бундай ҳолат “g” ундош ҳарфларидан сўнг унли “i” ва “a” ҳарфлари бирикмаси [ia] дифтонги ёки “y” ҳарфи келган сўзларда кўришимиз мумкин. М: giant ['dʒɪəant], gyrate [dʒaɪƏ'retɪ].

3-жадвал

Cc	**e, i, y** унли ҳарфларидан олдин келса	[s]	Face, city, bicycle
	Ундошлардан ва **a, o, u** унли ҳарфларидан олдин келса	[k]	Case, cat, cut, cool, coal, class, fact
	ch, tch	[ʧ]	Watch, match, bench, chief
	Ck	[k]	Clock, thick, quick
	c ҳарфи сўзлар охирида келса	[k]	Music
Gg	**e, i, y** унли ҳарфларидан олдин келса	[ʤ]	Page, age, engineer, gym
	a, o, u унли ҳарфларидан олдин келса	[g]	Gate, got, gun, fog, great
	Ng	[ŋ]	Bring, sing, ring
	gm (кўп бўғинли сўзларда)	[m]	Diaphragm, paradigm
	gh (сўз бошида келганида)	[g]	Ghost
	gh (сўз оҳирида келганида талаффуз этилмайди)	-	High
	Gu	[g]	Guard, guide
	gn (сўз бошида ва оҳирида келганида)	[n]	Gnat, gnore, sign, design, feign
Ss	Сўз бошида келганида	[s]	Say, such, send, stop, speak
	Жарангсиз ундош ҳарфлардан олдин келганида	[s]	Rest, best, ask, test
	Жарангсиз ундош ҳарфлардан кейин келганида	[s]	Books, desks, asks, gets, puts
	Жарангли ундош ҳарфлар ва унли ҳарфлардан кейин келганида	[z]	Beds, reads, boys, days, goes, factories
	Унли ҳарфлар ўртасида келганида	[z]	Rise, these, please
	-ion, -ure	[ʒ]	Occasion, pleasure, measure
	Ous	[s]	Famous, numerous
Ww	Унли ҳарфлфрдан олдин келганида	[w]	Wind, was
	h ҳарфидан олдин келганида	[w]	When, where, what, why, white
	Who	[h]	Who, whose, whom, whole
	Wr	[r]	Write, wrote, wrong

[h] - фонемаси бўғиз, шовқинли, сирғалувчи жарангсиз товуш бўлиб, талаффуз жараёнида енгил шовқин билан бўғиздан чиққан ҳаво оғиздан ўтади. Ўзбек тилидаги [h] товушига нисбатан майинроқ талаффуз этилади.

[h] консонантининг яна бир шакли [x] консонанти мавжд. Унинг артикуляциясида оғизнинг очилиши кенг бўлади. Лаб четлари билинар-билинмас икки томонга тортилади. Тил учи пастки курак тишлар милки остига тақалиб, тил олди ва маълум даражадаўрта юзаси паст тушган ҳолда, орқаси кескин кўтарилиб, чуқур тил орқа юмшоқ танглайнинг лаклук олдига тушади, лекин тил ўрта этаги

билан юмшоқ танглай ўртасида тор оралиқ қолади. Ҳаво нисбатан кучли босим билан чуқур тил орқасидаги тил ўота эгати ҳам юмшоқ танглай ўртасидаги тор оралиқдансизиб ўтади. Артикуляцион кечимдаги артикуляция ўрни мускулларининг зўриқиши ортиқ бўлиб, [x] консонантини шакллантиради. Унинг таркибида резонатор тон бўлмайди.

[ʤ] - фонемаси тил олди, юмшоқ, сирғалувчи ундош товуш. Талаффузда тилнинг олд қисми камроқ кўтарилади, ҳаво оқими тил ва танглай ўртасидаги кенг оралиқдан ўтади. Ёзувда "Jj" белгиси билан ифодаланади. Бу фонема қоришиқ товуш ҳисобланади ва [dʒ] товушини беради. Мисалан: justice ['dʒʌstɪs], javelin ['dʒævlɪn], jostle ['dʒɒsl]. Ўзбек тилида [j] товушиниг ўқилиш жиҳатидан икки шакли мавжуд. Ёзувда эса бир ҳил ифода этилади. Биринчи тур [j] товуши тил олди-танглай, қоришиқ портловчи, жарангли, шовқинли ундош. М: *жигар, мажлис, ижозат*. Иккинчи тур [j] товуши тил олди-танглай, сирғалувчи, жарангли, шовқинли ундош. Бу тур ундошлар фақат русча – байналминал ўзлашмаларда учрайди. Шу сабабли талаффузда рус тилидаги [ж] товушидек талаффуз этилади. М: *жаргон, аждар, экипаж*.

[ʒ] – фонемаси тил олди, шовқинли сирғалувчи, жарангли ундоши. Бу товуш талаффузида тил олди қисми қаттиқ танглай томон кўтарилади, шу сабабдан бир оз юмшоқ талаффуз этилади. Ўзбек тилидаги [ж] ундоши инглиз тилидаги талаффуздан анча юмшоқдир. [ʒ] товушини "c" ҳарфи *–sion*, *-sure* харф бирикмаси таркибида ифода этади. Масалан: *permission, division, leisure.*

[k] - фонемаси тил орқа, шовқинли, портловчи, жарангсиз кучли ундошдир. Талаффузда тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга кўтарилиб, ҳаво тўла тўсиқдан шовқин билан ўтади. Инглиз тилидаги [k] фонемаси худди [p] ва [t] сингари унлилардан олдин келганда, нафас товуши қўшиб талаффуз этиладиган [kʰ] вариантига эга бўлиб, "fortis" товушлар гуруҳига киради.

[l] - фонемаси тил олди, апикал-альвеоляр, ён сонантдир. [l] товушининг талаффузи тил учи [t], [d], [n] товушларидагидек альвеолага тегиб туради. [l] фонемаси узининг аллофонларига эга бўлиб, унлилардан олдин келса юмшоқ, ундошлардан олдин келса қаттиқ талаффуз қилинади.

[m] - ундош товуши лаб-лаб, бурун сонанти бўлиб, талаффузда лаблар жипслашиб, тўла тўсиқ ҳосил қилади. Инглиз тилидаги [m] товушининг талаффузи ўзбек тилидаги [м] товушининг талаффузига қисман ўхшайди.

[n] - фонемаси тил олди, шовқинли, апикал-альвеоляр, портловчи, бурун сонанти. Унинг артикуляциясида лаб ва тишлар сал очилади. Тил учи ёй шаклида тепа курак тишлар ёнига тақалади, ёнлари жағ тишларга тегади ва унинг оғиздан чиқиш йўли мутлоқо ёпилади. Тил олди юзаси қаттиқ танглайдан, тил ўрта юзаси юмшоқ танглайданйироқлашади, яъни ўртача кўтарилиш ҳолатини олади. Тил орқаси юзаси нисбатан пастроқ ва олдинроқ тортилади. Чунки лаклук унга томон тортилиб ҳалқумнинг бурун қисми орқа деворидан нарилашади ва хоаналар йўлини очади. Товуш пайларида ҳосил бўлган товуш ёй шакли тил олди ва қаттиқ танглайга урилиб, шовқин билан тил ўрта ва тил орқа оғиз бўшлиғи, ҳалқум бўшлиғининг бурун қисми, бурун бўшлиғи орқали бурун катагига, сўнг ташқарига йўналади,

йўлма-йўл резонатор тон ҳосил қилиб, биргаликда бурун [n] сонантини шакллантиради.

[p] - ундош товуши лаб-лаб, шовқинли, портловчи ва жарангсиз товуш бўлиб, ўзбек тилидаги [п] товушига нисбатан кучли талаффуз қилинади. [p] фонемаси унлилардан олдин келганда, нафас товуши қўшиб талаффуз этилади ва [p^h] вариантига эга бўлади. Шунинг учун бу товуш "fortis" товушлар гуруҳига киради.

Унинг артикуляциясида пастки лаб тепа лаб билан туташиб, [b] консонанти артикуляциясидагига ўхшаб ёпилади ва [b] консонантида нутқ органлари қандай жойлашган бўлса, бу консонантда ҳам шундай жойлашади. Лекин [b] консонантидан фарқли равишда [p] консонантида резонатор тон бўлмайди.

[q] - фонемаси чуқур тил орқа, портловчи жарангсиз ундош товуш. Унинг артикуляциясида оғиз бўшлиғи кенг очилади. Тил учи пастки курак тишлар милки остига тақалиб, тил олди ва ўртасиюзаси ниҳоятта паст тушган ҳолда, орқаси кескин кўтарилиб, чуқур тил орқаси юмшоқ танглайнинг лаклук олдига жипс туташади, ёнлади тепа жағ тишларидан сезиларли йироқлашади. Бўғизда тўпланган ҳаво босими чуқур тил орқа ва юмшоқ танглай оралиғини тил ўрта эгатидан бирдан, портлаб очади. Натижада [q] жарангсиз консонант ҳосил бўлади.

[r]-фонемаси тил олди, орқа альвеоляр, сирғалувчи, ўрта сонантдир. Талаффузда тил учи билан танглай ўртасида тор оралиқ ҳосил қилади. Тилнинг четлари юқори ён тишларга тегиб туради ва ҳаво оқими танглай ва тил учи ўртасидаги оралиқдан ўтади. [r] ундоши ўзидан олдин келган ундош товуш билан биргаликда талаффуз этилади ва ассимильяцияга учрайди.

Ўзбек тилидаги [r] товуши титроқ товуш ҳисобланади. Бу товуш талаффузида тил учи танглайга тегади ва ҳаво оқими тил учини титратиши сабабли титроқ [r] товуши ҳосил бўлади. Асл ўзбекча сўзларда [r] асосан сўз ўртасида келади **[8.42]**:

[s] - тил олди, шовқинли, сирғалувчи, жарангсиз альвеоляр фонемадир. [s] товуши талаффузида тил учи альвеолга тегиб ҳаво оқими тор тўсиқдан ўтади ва товуш пайчалари титрамайди. М: scar [skɑ:], scour [skɔ:]. [s] ва [h] харфлари бирикмаси [ʃ]товушини беради. 2- жадвалга қаранг.

[ʃ] – фонемаси тил олди, шовқинли сирғалувчи, жарангсиз ундоши. Талаффузида тил олди қисман қаттиқ танглай томон кўтарилади. Натижада [ʃ] ундоши бир оз юмшоқ талаффуз этилади. Ёзувда [ʃ] товуши "sh" ҳарфлар бирикмаси билан ёзилади. М: shout [ʃaʊt], shore [ʃɔ:(r)], shark [ʃa:k].

[t] - фонемаси тил олди, шовқинли, апикал-альвеоляр, портловчи, жарангсиз кучли ундошдир. [t] товушини талаффузида тилнинг учи вертикал ҳолатда альвеолга теккизилади ва талаффуз пайтида товуш пайчалари титрамайди. [t] унлилардан олдин келганда, нафас товуши қўшиб талаффуз этилади ва [t^h] вариантига эга бўлади. Шунинг учун "fortis" товушлар гуруҳига мансуб.

Ўзбек тилида [t] товуши тил олди, портловчи, жарангсиз ундош. Сўзларнинг барча бўғинларида келиши мумкин. Айрим сўзлар охирида келганида, товуш тушиш ҳолати кузатилади: *дўст-дўс, дарахт-дарах, мушт-муш.*

[θ] – фонемаси тил олди, тиш ўрта шовқинли, стрғалувчи, жарангсиз ундоши. [θ] товуши талаффузида лаблар ўртача, олдинги юқориги ва пастки тишлар

кўриниб турадиган даражада очилади, тилнинг учи юқори ва пастки тишлар ўртасида бўлиб, бироқ уларга тегмайди. Тилнинг ён томонлари юқориги ён тишларга тегиб туради, ҳаво оқими юқори тишлар ва тил учи ўртасида ҳосил қилинган оралиқдан ўтади. Ўзбек тилига мансуб товушлар тизимида [θ] товуши мавжуд эмас. [θ] товуши жарангсиз товуш бўлганлиги туфайли уни талаффузида товуш пайчалари титрамайди. “t” ва “h” ҳарфлари бирикмаси ёзувда [θ] товушини ифода этади ва мустақил сўз туркумлари талаффузида намоён бўлади. М: *froth* [frɔ:θ], *thaw* [θɔ:v], *think* [θıŋk].

[ð] - фонемаси тил олди, тиш ўрта шовқинли, стрғалувчи, жарангли ундоши. Бу товуш талаффузида товуш пайчалари титрайди. Шу сабабли [ð] товуши жарангли товушлар сирасига киради. Ўзбек тилида [ð] товуши мавжуд эмас. Ёзувда “t” ва “h” ҳарфлари бирикмасида ифодаланади. Бу ҳарфлар бирикмаси унлилар ўртасида келганида ва ёрдамчи сўз туркумларида [ð] деб ўқилади. М: *gather* ['gæðə(r)], *feather* ['feðə], *further* ['fə:ðə(r)]

[v] - лаб-тиш, сирғалувчи жарангли товуш бўлиб, талаффузда [f] товушига ўхшаш ва талаффуз жароёнида товуш пайчалари титрайди. [v] товуши ёзувда [vi:] белгиси билан берилади.

В.В. Решетовнтнг ёзишича, ўзбек тилидаги [в] товуши тиш ва лаб товуши бўлиб, рус тилидан кириб келган **[9.43]**. Ўзбек тилининг тариҳий фонетикасига мурожаат этсак, асл ўзбек тилида [в] товушининг лаб-лаб варианти бирламчи ва қадимий фонемаси ҳисобланади. Кейинчалик ўзбек тилининг бошқа тиллар билан муносабати натижасида, яъни бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар сабаб [в] товушининг лаб-тиш варианти юзага келган. Мисол тариқасида араб, форс ва рус тилларидан ўзлашган сўзларни келтириш мумкин: *ваъда, видо, вақт, вагон, вилоят* **[8.5]**.

[w] - фонемаси лаб-лаб, тил орқа, сирғалувчи, сонантдир. [w] товушининг талаффузида лаблар думалоқ ҳолда бўлиб, бир оз олдинга чиқади. Тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга кўтарилади.

Унинг артикуляциясида пастки лаб кўтарилиб, тепа лабга [f] консонанти артикуляциясидагига ўхшаш яқин келади ва қолган нутқ органлари [f] консонанти артикуляциясидаги кўринишни олади. Ичкаридан келган ҳаво лаблар оралиғидаги тор тирқишдан сизиб ўтади. Шу сизишдан ҳосил бўлган шовқин товуш пайларида ҳосил бўлиб чиққан товуш билан бирга [w] жарангли консонанти шаклланади. Бу консонант таркибида резонатор тон мавжуд.

[z] - фонемаси тил олди, шовқинли, сирғалувчи, жарангли, альвеоляр ундошдир. Талаффузда тил учи альвеолга тегиб, ҳаво оқими тор тўсиқдан ўтади ва товуш пайчалари титрамайди.

Ҳар бир тилнинг маълум бир даражада бошқа тилларда учрамайдиган жиҳатлари борлиги шу тилнинг ўзига хос эканлигини кўрсатади. Худди шу жиҳатларни Инглиз ва ўзбек тилларининг товушлар тизимида учратиш мумкин. Мисол тариқасида инглиз тилида мавжуд бўлмаган ўзбек тилидаги ундош товушларни келтириш мумкин:

[ғ] - чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли ундош товуш. Сўзларда барча ўринларда кела олади. Баъзан шеваларда [ғ] жарангсизлашиб, портловчи [q] товушига ўтади: *боғчадан ўтди-бақчадан отту*.

[ч] - тил олди аффрикатив ундош товуш. Инглиз тилида бу товушни “c” ва “h” ҳарфлар бирикмаси беради. Бу товушнинг луғатлардаги белгиси [tʃ].

Ўзбек тилидаги [ч] фонемаси тил олди-танглай, қоришиқ портловчи жарангсиз, шовқинли ундош. Ўзбек тилининг лотин ёзувида ушбу кўринишга эга **“ch”** ва турли ҳолатларда келади: *чарх, чашма, мусича.*

[ng] – тил орқа сонор товуш бўлиб, сўзларнинг бошида қўлланилмайди. Айрим сўзларда бу ҳарф бирикмалари алоҳида ўқилиб, ягона товушни ифодаламайди: *сингил, янги*.

Ўзбек тилидаги шевалар таъсирида [ng] товушининг талаффузга кўра юмшоқ ва қаттиқ вариантлари шаклланган. Ушбу мисолларда [ng] товуши бир оз палаталлашган ҳолда талаффуз қилинади: *аканг-екенг, дафтаринг-дептер’нг.* Андижон шевасининг балиқчи подгруппасида бу товуш бир мунча юмшоқ талаффуз этилади. *Олинг-олнг, қўйинг-қўйнг* **[8.46]**.

Ундош товушларнинг яна бир шакли икки ва ундан ортиқ ундош ҳарфлар бирикмасининг бир товушни ифода этиши. M: leopard ['lepəd], euthanasia [ju:θə'neɪzɪə:], mannerism ['mænərɪzəm]. Бу ҳолат фанда ***апокопа***, яъни, сўз охиридаги қўш ундошдан бирини йўқотишга уриниши дейилади. Талаффуз жараёнида ундош товушлар бирикмасига оид уч холат кузатилади. Биринчи ҳолатда таллаффуз ва эшитишда барча ундош товушларни англай олмаймиз.

M: *you and me* (an|d| me); *stop the work* (sto|p| the work)… бу ҳолатда нутқ товушининг тушиши кузатилмоқда. Фанда нутқ товушларининг тушиши – ***Диереза*** дейилади.

Иккинчи ҳолатда Ундош ҳарфлар талаффузида товуш алмашинади ва бошқа бир товушни беради: *ten books* (“n” ва “b” ҳарфлари биргаликда [m] товушини бермоқда); *bad goal* (“d” ҳарфи [g] товушини бермоқда). Бу ҳолатда “g” ҳарфи ўзидан олдин келган “d” ҳарфини ассимиляцига учратмоқда. Фанда ассимиляцияга шундай таъриф берилган: ***Ассимиляция*** – бу сўздаги маълум бир товуш иккинчи бир товушни маълум нуқтаи назар ёки нуқтаи назарларга кўра ўзи билан бир хил қилиб олишидир..

Учинчи ҳолатда бир сўз охирида ва иккинчи сўзнинг бошида бир ҳил ундош товуш келса, битта товуш талаффуз этилади: sto**p p**laying, a bla**ck c**at, so**me m**oney **[7.41]**.

Инглиз тилида сўзлаётганнинг ёки бирор матнни ўқиётганни талаффузлари тўғри, нотўғри бўлиши нутқ мазмунини тушунишга таъсир кўрсатади. Бу ҳолатларни бартараф этиш, тўғри талаффуз кўникмаларини ривожлантириш чоралари билан амалий фонетика шуғулланади.

Амалий инглиз тили фонетикаси амалий инглиз тили ташкил қилади, у нутқ фаолиятининг ҳамма турлари учун муҳим аҳамиятга эга. Айниқса амалий инглиз тили фонетик тизимидаги товуш бирикмаларни талаффуз қилиш гапиришга,

ўқишга, тинглаб тушунишга таъсири бор. Тинглаб тушунаётганни талаффузи нотўғри бўлса, нотўғри мазмун тушунилади, ёки тескариси бўлади **[4.30]**.

“Тинглаб тушунишда кузатиладиган қийинчиликларни билиш асосий шартлардан бири ҳисобланади. Мактаб шароитида ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш соҳасидаги қийинчиликлар қаторига қуйидагиларни киритган:

11. Тилга оид шаклий қийинчиликлар. Маъноси ҳар-хил, товуш шакли эса ўхшаш сўзларни ёки чет тили феълининг мажҳул даражасини тинглаш ва тушуниш мураккаблик касб этади. Омофон ва мажҳул феъл бир қарашда танишга ўхшайди, бироқ аудоматнинг мазманини пайқашда ҳийла қийинчилик туғдиради.

12. Мазмунга доир қийинчиликлар. Олинаётган ахборот қамровидаги нима, қаерда, ким билан, қачон бўлиши каби далилларни идрок этиш бобида ёки улар орасидаги боғланишниилғаб олиш, шунингдек, умумий ғояга тааллуқли қийинчиликларни мавжудлиги.

13. Нутқий идрок қилишнингшарт-шароитидаги қийинчиликлар. Булардан нутқ тезлиги, оҳанги ва меҳаник ёзилган аудио матннинг мураккаблигини эслатиш кифоя. Шу билан бирга аудиоматнни бир марта идрок қилиш, нотаниш одамни тинглаш, овоздаги ўзига хослик кабилар ҳам тушунишда ғов бўлиши мумкин.

14. Нутқ шаклига оид қийинчиликлар. Диолог нутқда жавоб қайтариш, монологни тинглашда эса жумлаларни эшитиши ҳотирасида сақлаш ўқувчи учун муайян қийинчилик келтириб чиқаради.

15. Тилшунослик нуқтаи назаридан содир бўладиган қийинчиликлар. Улар лисоний-лексик, грамматик ва фонетик қийинчиликлар деб ҳам аталади. Лексикада жуфт тушунчалар, турғун бирикмалардаги сўз маъноси, ёрдамчи сўзлар, грамматик жиҳаттан она тилида йўқ ходисалар ёки фонетик тарафдан сўзнинг ёзувда ва талаффузда кескин тафовути, урғу ва оҳангнинг ўхшамаслигидаги қийинчиликлар.

16. Аудиоматн тузулишига оид қийинчиликлар. Аудиоматннинг тузулиши ҳам қийинчиликларга олиб келиши аниқланган. Чунки жумланинг ёки гам бошининг бир-бирига мантиқан ёпишиши, матннинг юзаки ёки чуқурлиги, нотаниш лексик бирликлар иштироки ва қатор ўхшаш композицион – мазмуни ҳолатлар” **[10- Library.ziyonet.uz.]**.

Ушбу қийинчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишда ўқитувчининг ўрни катта. Ўқитувчи бу ҳолатларни аниқлагандан сўнг бартараф қилишда самарали методлар қўллаши ва таълим жараёнини жадаллаштириши лозим.

Унли товушлар сингари ундош товушларда ҳам турфа ҳиллик, ҳатто, ўхшашликлар ҳам мавжуд. Бир-биридан фарқ қилувчи товушларда, жамладаги маъно-мазмунни англаш, қийин кечмайди. Ўхшаш товушлар иштирок этган сўзларда тушуниш, англаб етиш бир оз мушкиллик туғдиради. Ана шу ҳолатларда диққат билан эшитиш лозим. Киши қандай эшитса, шундай тушунади, ва уни оғзаки нутқда ифода этади. Ундош товушлардаги ўхшашлик ва улардаги маъно ўзгаришларини мисоллар ёрдамида таҳлил қилсак.

1 – Мисол. *Warm* [wɔ:m], *warn* [wɔ:n], *warp* [wɔ:p], *wart* [wɔ:t] сўзларини таҳлил қилсак. Ҳар бир сўзнинг якунловчи ундош товушида фарқ мавжуд бўлиб, бази

ҳолларда эшитилиши бир ҳил бўлади. Биринчи ва иккинчи сўзлардаги ундош [m] ва [n] товушлари бурун товуши ҳисобланиб уларнинг, артикуляцияси деярли бир ҳил бўлганлиги туфайли талаффузи ва эшитилишида ўхшашлик кузатилади. Шу жумладан [m] ва [p] товушлари юқори ва пастки лаблар иштирокида ҳосил бўлувчи ундош товушлар ҳисобланади. Ана шу жиҳати билан *warm* [wɔ:m] ва *warp* [wɔ:p] сўзлари талаффузи ва эшитилишида ҳам айрим ўхшашлик мавжуд. Маъно жиҳатидан эса, *warm* [wɔ:m] – илиқ иқлим, *warp* [wɔ:p] – *эгмоқ*, *warn* [wɔ:n] - огоҳлантирмоқ, *wart* [wɔ:t] – сўгал дегани. Ёзма нутқда бу сўзларни осон тушуниш мумкин, аммо оғзаки нутқда жумланинг тўлиқ мазмунини тушунишда қийинчиликлар кузатилади.

2 – Мисол. Биринчи мисолни эслатувчи яъна бир мисол, *grim* [grɪm] ва *grin* [grɪn] сўзлари талаффузидаги ўхшашлик. *Grim* сўзи *жиддий* деган маънони англатади, *grin* сўзи эса *тиржаймоқ* дегани. Биринчи сўздаги [m] лаб-лаб, бурун сонанти бўлиб, талаффузда лаблар жипслашиб, тўла тўсиқ ҳосил бўлишидан юзага келувчи ундош товуши. Иккинчи сўздаги [n] товуши тил олди, шовқинли, апикал-альвеоляр, портловчи, бурун сонанти. Бу икки сўздаги бурун товушлари талаффузидаги ўхшашлик оғзаки нутқда қийинчилик туғдиради. М: *she looked grim* жумласи билан *she looked grin* сўзларини талаффузидаги фарқни кўринг.

3 – Мисол. *Pluck* [plʌk] (юлмоқ) – *plug* [plʌg] (пробка) сўзларидаги [k] - тил орқа, шовқинли, портловчи, жарангсиз кучли ундоши, [g] - тил орқа, шовқинли, портловчи, жарангли кучсиз ундошдир. Бу икки товушдаги ўхшашлик, оғзаки нутққа ўз таъсирини кўрсатади. М: "*he took the guitar and plucked at the strings*" ҳамда "*can I use this plug for my iron?*" жумлаларини талаффуз қилиб, улар ўртасидаги фарқни чиқариб кўринг. Ҳудди шундай ҳолатни plead [pli:d] (илтижо қилмоқ) – *pleat* [pli:t] (бурма) сўзларида ҳам кўришимиз мумкин. Бу сўзлардаги ундош товушлар [t] ва [d] тил олди ундошлари бўлиб, артикуляциясида [d] – жарангли кучсиз, [t] – жарангсиз кучли ундош товуш эканлиги билан фарқланади. Аммо талаффузи ва эшитилишида бундай фарқ деярли сезилмайди. М: *she pleaded with him not to go*.

4 – Мисол. Ўқувчиларда энг кўп кузатиладиган нотўғри талаффуз бу инглиз тилидаги мавжуд [θ], [ð] ва [z] ундош товушларидир. Енг муҳим сабаби, бу уч товушнинг талаффузидаги ўхшашлик жуда яқин эканлиги, [θ] ва [ð] товушларнинг ўзбек тилида мавжуд эмаслиги. Шунинг ҳисобига ўқувчиларда [θ] ва [ð] ундош товушлари талаффузида қийинчилик келтириб чиқаради.

Абдуазизов А.А, Дўстбобоева Д.У, Раўмонбердиева ва бошқалар, "Инглиз тили амалий фонетикаси" китобида [θ] ва [ð] ундош товушлари ҳақида маълумотлар берилган. Унга кўра ёзувда [θ] ва [ð] ундош товушлари "th" ҳарфлар бирикмаси орқали ифодаланади. "th" ҳарфлар бирикмаси унлилар ўртасида келганида доимо [ð] товушини беради деб ўтилган **[1.18]**. Изланишлар натижасида, уларнинг бу қарашлари нотўғри эканлиги намоён бўлди.

М: *Cathedral* (бош черков) - [kəθi:drəl], *catheter* (катетер) – [kæθɪtə], *cathode* (катод) – [kæθəʊd], *ethics* (етика) – [eθɪks], *euthanasia* (эфтаназия) – [ju:θə'neɪzɪə:], *hypotheses* (гипотеза) [ha'ɪpɔθəsi:z], *mathematics* (математика) – [mæθə'mætɪks], *method* (усул) – [meθəd], *mythology* (мифология) – [mɪ'θalədʒɪ]...

Ушбу сўзлардан маълумки “th” ҳарфлар бирикмаси унлилар ўртасида келганида доимо [ð] товушини бермайди, бази сўзларда [θ] товушини ҳам беради.

“th” ҳарфлар бирикмаси сўзлардаги ўрнига кўра қандай талаффуз этилишига оид:

16. “th” ҳарфлар бирикмаси сўзлар оҳирида келса доим [θ] товушини ифодалайди: *death* (ўлим) - [deθ], *dearth* (етишмовчилик) - [dəːθ], *depth* (чуқурлик) - [depθ], *eighteenth* (ўн саккизинчи) - [eɪ'tiːnθ], *forth* (олға) - [fəːθ], *froth* (кўпик) - [fraθ], *heath* (дашт) - [hiːθ]…

17. “th” ҳарфлар бирикмаси сўзлар ўртасида ундош ҳарфлардан олдин келса [θ] товушини ифодалайди: *deathbed* (ўлим тўшаги) - [deθbed], *deathless* (боқий) - [deθls], *deathly* (ўлгудай) - [deθlɪ], *ethnic* (этник) - [eθnic]…

18. “th” ҳарфлар бирикмаси сўзлар ўртасида унли ҳарфлардан олдин келса [θ] товушини ифодалайди: *diptheria* (дифтерия) – [dɪfθɪərɪə], *diphthong* (дифтонг) – [dɪ'fθɔːŋ], *enthusiasm* (энтизиазм) – [ɪnθjuːzɪæzəm], *labyrinthine* (чигал) - [læbərɪnθaɪn], *panther* (қоплон) – [pænθə], *ophthalmic* (кўзга оид) – [ɒf'θælmɪk]... Айрим сўзларда эса “th” ҳарфлар бирикмаси сўзлар ўртасида унли товушлардан олдин келса [ð] товушини ҳам ифодалайди: *further* (узоқроқ) – [fəːðə], *furthest* (жуда узоқ) - [fəːðɪst]…

19. “th” ҳарфлар бирикмаси ундош ҳарфлар ўртасида келганида [θ] товушини ифодалайди: *inthral* (маҳлиё қилмоқ) – [ɪnθrɔːl], *forthcoming* (бўлғуси) – [fɔːθkʌmɪŋ], *forthright* (самимий) – [fɔːθraɪt], *monthlies* (ойнома) – [mʌnθlɪz]…

20. “th” ҳарфлар бирикмаси [θ] ёки [ð] товушларини бермай, алоҳида [t] ва [h] товушларини бериши ҳам мумкин. М: *porthole* (иллюминатор) [pɔːthəʊl]…

Келтириб ўтган мисолларимиз, ўрта мактаб ўқувчиларда кузатиладиган қийинчиликлар сабаби бўлиши мумкин. Чунки, қандай ҳолатларда [θ] ва [ð] ундош товушлари талаффуз этилиши аниқ бир қоидага солинмаганлигидир. Бу эса инглизча талаффузни шакллантиришга тўсиқлиқ қилади. Яна бир қийинчилик ўзбек ўқувчилар инглиз тилини ўрганиш, талаффуз этишда [θ] ва [ð] ундош товушларини ўзбек тилидаги [z] ундош товуши каби талаффуз этиб, ҳатоликка ёл қўйишидир. Инглиз тилидаги [z] тил олди, шовқинли, сирғалувчи, жарангли, альвеоляр ундош товуши мавжудлиги ҳам уларда янада товушларни фарқлаш ва уларни талаффуз этишда чалғиш ҳолатларини келтириб чиқаради.

5 – Мисол. [v] ва [w] фонемалардаги фарқ ва улар талаффузидаги ўхшашлик. Инглиз тилидаги бу товушларнинг фарқи [v] – *лаб-тиш* товуши бўлса, [w]- *лаб-лаб* товушлари ҳисобланади. Ўзбек тилидаги [в] товуши инглиз тилидаги [w] товушига бироз яқин бўлганлиги сабабли, ўқувчиларда [w] ва [v] товушларини бир ҳил, ҳудди ўзбек тилидаги [в] товушидек талаффуз этиш ҳолатлари кузатилади. Яна бир ҳолат [w] товушини *лаб-тиш* [v] товушидек талаффуз этиш кузатилади. Натижада, бу ҳолат инглизча талаффуз шаклланишига тўсқинлик қилади.

Инглиз тилидаги [w] товушининг тўғри талаффуз этиш учун *лабларни* бир-бирига яқинлаштириб, ҳаво оқими ўтиши учун бир оз *думалоқ* ҳолатга келтириш *лозим*. [v] товушида паски *лабни* тепа тишга теккизган ҳолда талаффуз этиш *лозим*. [w] ва [v] товушлари иштирок этган сўзлар талаффузида ана шу ҳаракатларга эътибор бериш, тўғри талаффузни беради.

Инглиз тилидаги товушларнинг ҳудди ўзбек тилидаги товушлардек талаффуз этиш интерференцияга яққол мисол бўлади. Интерференция тушунчаси фанга янгилик эмас. Аммо ҳамон долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Интерференция тушунчаси 1950-60 йилларда фанга малум бўлиб, илк бор америкалик лингвист М.Вайнрайх (Weinreich 1953, с. 1-7) томонидан ўрганилган. М.Вайнрайхнинг фикрига кўра интерференция бу - икки ёки ундан ортиқ тилларни ўрганиш жараёнида нутқдаги тиллар аралашуви натижасида бир-бирига бўлган салбий таъсиридир, ва у нафақат оҳзаки нутқда хатто ёзма нутқда ҳам намоён бўлади.

Рус олими В. Ю. Розенцвейг ҳам интерференцияга ўз таърифини берган: “Интерференция – бу ўрганилаётган тилга она тилининг салбий таъсири ва бунинг натижасида ўрганилаётган тилда юзага келадиган хатолардир” **[11.28]**. Худди шу ғояни мақуллаган лингвист олим Л. Пумпянскийни киритиш мумкин **[12.5]**.

Юқорида келтирилган таърифларни ўзбек методисти Ж.Жалолов умумлаштириб, шундай ифодалаган: “Салбий таъсир (интерференция) ўз манбаига кўра тиллараро (биринчи (она тили) тил, иккинчи тил, чет тил) ва ўрганилаётган чет тилининг ўзида намоён бўлиши мумкин. Интерференция лексика, грамматика ва талаффузда учрайди, нутқ жараёнини тушунишга халақит беради, ҳатто сўзловчиларни бир-бирини тушуна олмайдиган ҳолатга тушириб қўяди. Интерференция оқибатида қийинчилик пайдо бўлиши, хатолар келиб чиқиши табиийдир” **[6.29]**.

Бизнинг фикримизча, тил ўрганувчилар талаффузидаги интерференцияни бартараф этишда, ҳар бир тил товушларининг артикуляциясини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

11. Абдуазизов А.А, Дўстбобоева Д.У, Раҳмонбердиева У.Х... Инглиз тили амалий фонетикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

12. Abduazizov A.A. English phonetics a theoretical cours. –Тошкент: Musiqa, 2007.

13. Абдураҳмонов Ш. Дарвишов И. Ўзбек диалоктологияси фанидан амалий машғулотлар ишланмаси. – Наманган: 2011.

14. Абдураҳмонов Ш. Дарвишов И. Ўзбек диалоктологияси фанидан амалий машғулотлар ишланмаси. – Наманган: 2011.

15. Акобиров С.Ф., Алиқулов Т.А., Иброҳимов С.И. ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-Том. –Москва: Русский Язык.-1981

16. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. –Тошкент. 2012.

17. Ирисқулов М.Т, Шатунова А.Ш. English phonetics. –Тошкент: 2011.

18. Набиева Д.А., Зокирова Ҳ.Р. Ўзбек тили фонетикаси.-Андижон, 2016.

19. Решетов В.В, Основа фонетики и грамматики узбекскоо языка. -Тошкент: 1965.

20. Эркабоева И. Инглиз тили дарсларида замонавий усуллар ва методлар. – Андижон: 2013.

21. Розенцвейг В.Ю. Языковые контакты. - Л.: Наука, 1972.

22. Пумлянский А.Л. Введение в практику перевода научной и технической литературы на английский язык, 1965.

ТИЛ ВА ТАФАККУР МУНОСАБАТЛАРИ МАСАЛАСИГА ОИД МУЛОХАЗАЛАР.

Ахмаджонов Олимжон Комилжонович,
НамДУ ўқитувчиси

Аннотация. *Ушбу мақолада тил ва тафаккур ўртасидаги муносабатлар муаммоси хақида сўз юритилади.Тил ва тафаккур бир-бирига чамбарчас боғлиқ воқелик эканлигига муаллиф ўз муносабатини билдиради.*

Калит сўзлар:*Тил ва тафаккур, ижтимоий ва индивидуал,фикр ва сўз, нутқ мулоқот, мақсадли жараён, мулоқот воситаси*

РАССУЖДЕНИЯ О ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ ЯЗЫКА И МЫШЛЕНИЯ.

Ахмаджонов Олимжон Комилжонович,
преподаватель НамГУ

Аннотация. *В данной статье речь идёт о проблемах взаимосвязи языка и мышления. Автор излагает свои мысли о том, что язык и мышление являются взаимосвязанной реальностью.*

Ключевые слова:*Язык и мышление, социальное и индивидуальное, мысли и слова, речевое общение, целеустремленный процесс, средство общения*

DISCUSSIONS ABOUT THE RELATIONSHIP BETWEEN LANGUAGE AND THINKING.

Ahmadjanov Olimjon Komiljanovich,
Namangan State University teacher

Annotation: *This article deals with the problems of the relationship between language and thinking. The author expresses his thoughts that language and thinking are interconnected reality.*

Key words*: Language and thinking, social and individual, thoughts and words, speech communication, purposeful process, means of communication*

Тил ва тафаккур ўртасидаги муносабатлар муаммоси нафақат умумий тилшуносликда, балки мантиқ, психология ва фалсафада ҳам энг мураккаб ва долзарб масалалардан биридир. Муаммонинг мураккаблиги биринчи навбатда табиат ва фикрлаш ва тилнинг мураккаблиги ва номувофиқлигидан келиб чиқади. Иккала ҳодиса ҳам инсоннинг зарурий фазилатлари сифатида ижтимоий ва биологик уйғунлашади. Бир томондан, тил ҳам, тафаккур ҳам ҳомосапиенс сифатида инсон миясининг маҳсулотидир, бошқа томондан, тил ва тафаккур ижтимоий маҳсулотдир, чунки инсон ўзи ижтимоий ҳодисадир.Ижтимоий ва индивидуал биологик бирликда тил ва тафаккурнинг энг кенг тарқалган ўзига хослиги намоён бўлади.

Бу шубҳасиз, биринчи навбатда, тегишли фанларда мавжуд бўлган тушунчаларни турли тиллар ва тафаккур нуқтаи назаридан тушунтиради. Ушбу тушунчаларнинг шартлилигини, баъзан ҳатто ўзлари билмаган ҳолда муаллифлари томонидан баҳам кўрган баъзи фалсафий тизимлар томонидан таъкидлаш муҳимдир.

Тил ва тафаккур (сўз ва фикрнинг ўзаро боғлиқлиги) муаммосининг ечими қадимги замонлардан то ҳозирги кунгача - икки ҳаддан ташқари қутблар орасида - фикр ва сўзни аниқлаш ва тўлиқ бирлаштириш ўртасида ва уларнинг тенг метафизикаси ўртасида доимо ўзгариб турди. мутлақ, тенг равишда тўлиқ ёрилиши ва ажралиши.Тил ва тафаккурнинг идентификацияси (шуни таъкидлаш керакки, бу ҳар доим ҳам очиқ шаклда бўлмайди) мантиқан муаммони умуман олиб ташлашга олиб келади.

Тил ва тафаккурни мустақил ва фақат ташқи ҳодисалар сифатида тўлиқ ажратиш ва қарама-қарши қўйиш, сўзни ташқи фикрнинг ифодаси сифатида кўриб чиқиш муаммони ҳал қилиш ўрнига ундан воз кечишга олиб келади. Шуни тан олиш керакки, тил ва тафаккур муносабати жуда мураккаб. Келинг, ушбу муносабатнинг баъзи бир замонавий хусусиятларига эътибор қаратайлик

Тил ва тафаккур бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-бирига боғлиқ ва бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади. Нутқ мулоқотидан ташқарида ўсган, тилни билмаган, тўлиқ инсон эмас, инсон ақлий фаолиятига қодир эмас. Тилни билмаслик кишининг паст интеллектуал салоҳиятини кўрсатади. Бундан ташқари, тил дунёга муайян нуқтаи назарни, бу дунёни аниқ тушунишни, муайян дунёқарашни белгилайди. Дунёнинг тил нақшларининг ўзига хос хусусияти бугунги кунда жуда долзарбдир, чунки турли тиллар ва маданиятлар ташувчилар ўртасида бир биоини ўзаро тушуниш тинч-тотув яшаш ва самарали ҳамкорлик учун зарур шартдир.

Бироқ, буларнинг барчаси ҳали ҳам барча муаммоларни ҳал қила олмайди. Тил ва тафаккур ўртасидаги фарқ кенгроқ тушунилади. Фалсафанинг асосий саволининг режасида ушбу йўналишдаги биринчи муаммо шундан иборатки,тилга нисбатан фикрлашда сезиларли фарқ бор. Иккинчидан, "на фикрлар, на тил ўз-ўзидан шаклланмайди, шунда улар фақат ҳақиқий ҳаётнинг намоён бўлиши" га алоҳида эътибор берилади. Шу тарзда тилнинг турли хил тушунчалари учун умумий фалсафий асосни тушуниш жуда муҳимдир.

Фикрлаш жараёнининг бирлигини ва нутқ фаолиятида унинг овозли тимсолини ҳар томонлама таъкидлайди. Бошқа томондан, тафаккур ва объектив дунё ўртасидаги иккинчи даражали ва асосий, идеал ва моддий муносабатларнинг материалистик концепциясини тан олиш, охир-оқибат, уларнинг идентификациясига ёки бир-биридан тўлиқ ажралишга олиб келадиган тил ва фикрлашнинг бирлиги ҳақидаги формулани талқин қилиш билан бирлаштирилиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, бу муносабатни ўз аъзоларининг бирлиги сифатида тавсифлашнинг ўзи етарли емас, биринчи навбатда, муайян муносабат бирлик сифатида баҳоланиши керак бўлган умумий хусусиятларни аниқлаш керак, иккинчидан, бу хусусиятларнинг мавжудлигини

исботлаш зарур. Ушбу концепцияни етарли даражада аниқлаштириш ва таҳлил қилмасдан ишлатиладиган "бирлик"[1] атамаси кўпинча тил ва фикрлашнинг аниқ шакл ва мазмуннинг бирлиги сифатида талқин қилинишига олиб келади. Тил фикрлаш шакли, фикрлаш - тил шаклланишининг мазмуни сифатида қаралади. Бу, аслида, ҳар иккала ҳодисанинг идентификациясидан келиб чиқади, чунки унинг бирлигидаги шакл ва таркиб бир хил объектнинг ажралмас томонлари ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, аниқ шаклда, тил ва фикрлашнинг шакли ва мазмуни сифатида муносабатини кўриб чиқиш сўнгги пайтларда камроқ учрайди. Тил ва фикрлаш жуда мураккаб ҳодисалар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос шакли ва ўзига хос мазмунига эга.

Психология, мантиқ, эпистемология, кибернетика, тилшунослик, юқори асабий фаолият физиологияси: бу турли фанлар соҳасида қўшма саъй-ҳаракатларни, тадқиқотлар талаб жуда қийин вазифа, деб очиқ-ойдин эмас. Илм-фан ҳали бу муаммо билан боғлиқ бир қатор муҳим масалаларни аниқ ҳал қилишдан узоқ бўлса-да, мураккаблиги янада аниқроқ бўлади, тадқиқот ғояси фикрлаш соҳасига ва тил соҳасига сезиларли чуқур кириб боради. Биологик ва ижтимоий бирлик, тил ва фикрлаш уларнинг фаолиятининг икки томонига эга. Бир томондан, улар амалга оширилган баъзи статик объектлар, ижтимоий билимларнинг ютуқлари мустаҳкамланган. Бу, биринчи навбатда, тил қийматлари шаклида қолдирилган тил тизими дунёнинг энг кенг тарқалган билимлари, иккинчидан, бу умумий билимлар асосида ҳақиқий дунёнинг турли соҳаларидан кўпроқ шахсий билимлар қайд этилган тил матнлари, ёдгорликлар тўплами, кўп авлодларнинг фикрлаш натижалари қайд этилган. Шуни таъкидлаш керакки, тилнинг турли шаклларини ажратиб кўрсатишга қаратилган барча уринишлар билан, унинг икки жиҳати ҳар доим тил ва фикрлашнинг табиатини ўрганишда тўсиқ бўлиб келган.

Мақсадли жараён сифатида ўйлаш онгли равишда амалга оширилади. Ва бу фикрлаш жараёнининг баҳолаш тартибини кўрсатади. Ҳар қандай онгли жараён, шу жумладан фикрлаш, муайян даражада мулоқот қилиш демакдир.[2] Табиийки, тилсиз мулоқот қилиш мумкин эмас. Бироқ, тил асосий, ҳал қилувчи, аммо ягона алоқа воситасидир, бу эса, тафаккурнинг коммуникативлиги унинг сўзлашув билан чегараланмаган деб ўйлашга имкон беради.

Рухшунослар, физиологлар, тилшунослар ва файласуфларнинг тадқиқотлари тил ва тафаккур минглаб иплар ва ўзаро фаолиятлар билан боғлиқлигини тасдиқлайди. Тил ва тафаккур бир-бирларисиз яшай олмайдилар. Фикрсиз нутқ бўш, нутқсиз фикр эса тушунилмайди.Тил ва тафаккур бутун ҳаётимизни қамраб олади. Бир нарса аниқ: инсоннинг дунёга бўлган муносабатларининг хилма-хиллиги, ўзгаларни ва ўзини англаш, унинг тили ва тафаккури билан белгиланади.

Агар тил янада мураккаб фикрларни ифодалашнинг қулай ва тушунарли усулларини топа олмаса, у дунёни билиш ва бу жамиятда билимларни тарқатиш йўлида тормоз бўлади. Бу ҳолатда одамларнинг фикрлаши маъно ёки сўзларни ифода этмайдиган сўзлар орасида адашиб юришига айланади, гарчи сўз маънони ифода англатсада, уни тингловчига етказмайди. Бу, албатта, тил эмас, балки унга

нисбатан гапириш, классик адабий анъаналарга ҳурматизлик, филология фанлари ва умуман гуманитар фанлар, нутқ маданияти масалаларига бефарқлик, сўзга бўш, мақсадсиз суҳбат, енгил, ўйламасдан муносабатда бўлишдир. Бундай шароитда тил фикрни ифода этиш воситасидан фикрларни йўқ қилиш воситасига, афсоналар, тушунмовчиликлар, ёлғон талқинларга айланиши мумкин.[3]

Тилнинг тарихий ривожланиши ва фикрлаш жараёнида уларнинг ўзаро муносабатларининг табиати ўзгаришсиз қолди. Жамият ривожланишининг дастлабки босқичларида, биринчи навбатда, мулоқот воситаси сифатида ишлаб чиқилган тил, шунингдек, фикрлаш жараёнларига киритилган бўлиб, унинг дастлабки икки турини – деярли самарали ва мажозий-янги, сифат жиҳатидан энг юқори оғзаки – мантиқий фикрлашни тўлдиради ва шу билан умуман фикрлашни ривожлантиришни фаол равишда рағбатлантиради. Ёзувнинг ривожланиши тилнинг фикрлаш ва тил алоқасининг интенсивлигига таъсирини кучайтирди, фикр юритиш воситаси сифатида тилнинг имкониятларини сезиларли даражада ошди. Умуман олганда, барча турларда фикрлашнинг тарихий ривожланиши аста-секин тилга таъсирини кучайтиради, бу асосан сўзларнинг маъносини кенгайтиришда, тилнинг лексик ва фразеологик таркибини кўпайтиришда, концептуал фикрлаш аппаратини бойитишни акс эттирувчи ва семантик муносабатларни ифодалашнинг синтактик воситаларини такомиллаштириш ва фарқлашда таъсир қилади.

Шундай қилиб, фикрлаш тилни ривожлантириш манбаи бўлиб хизмат қилар экан, тил ўз навбатида фикрлашнинг ривожланишига таъсир қилади. Бу эса тилнинг фикрлашни шакллантирувчи ролидир.

Инсон ўз ҳаёти воситаси сифатида тилни яратди, унинг ёрдамида у атроф-муҳитга мослашиши, табиатнинг сирларини ошкор қилиши ва унга таъсир қилиши, ўз онги ва фикрларини, тажрибаларини, истакларини, хотираларини ифодалаши ва бошқа одамларга тушунтириб бериш имконияти хосил бўлди.

Жонли фикрнинг ички нутқ билан мос келмаслиги, фикрнинг оғзаки жараёни мураккаблиги, тилнинг умумий қабул қилинган талқинини фикрлашнинг аждоди сифатида билиш имконини беради.

Фойдалинган адабиётлар рўйхати :

1.Витгенштейн Л. Фалсафий асарлар. М, 1995
2.Лешкевич Т.Г. Фалсафа. Курсга кириш. М, 1998.
3.«Философский энциклопедический словарь», М.,1983

НАВОИЙ СЎЗ СЕҲРИ ВА НУТҚ ОДОБИ ХУСУСИДА

Собирова Маҳбубахон Юсуфжоновна,
НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди

Аннотация: *Мазкур мақолада Алишер Навоийнинг нутқ одоби талаблари хусусидаги фикрлари, воиз ҳамда нотиқлик ва сўз қадрига оид қарашлари таҳлил қилинади.*

Калит сўзлар: *нутқ маданияти, нутқ одоби, нотиқлик санъати, воиз, нотиқлик, сўз қўллаш.*

НАВОИ О МАГИИ СЛОВА И РЕЧЕВОЙ ЭТИКИ

Собирова Махбубахон Юсуфжоновна,
Доцент НамГУ, кандидат педагогических наук

Аннотация: *В этой статье анализируются взгляды Алишер Навои на речевую культуру, его речь о речевых потребностях, его проповедники, а также его или ее речь и словарный запас.*

Ключевые слова: *речевая культура, этика речи, публичное выступление, проповедник, красноречие, использовать слова.*

NAVOI IS ABOUT MAGIK OF SPEECH AND SPEECH ETHICS

Sobirova Mahbubakhon Yusufjonovna,
Associate Professor of NamSU, candidate of pedagogical sciences

Annotation: *In this article analyzes Alisher Navoi's views on speech culture, his speech requirements, and his or her speech and vocabulary.*

Key words: *speech culture, speech ethics, public speaking, preacher, oratory, use words.*

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий туркий тилда гўзал нутқ тузишнинг байроқдори сифатида ўзбек тили бойликларини намоён этувчи машҳур асарлар яратди. Навоийнинг саъй-ҳаракатлари туфайли XV асрда ўзбек тилининг оламга донғи кетадиган адабий асарлар яратишга қодир тил эканлиги исботланди.

Бобур, Огаҳий, Комил Хоразмий, Мунис, Машраб, Махмур, Гулханий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Фитрат, Беҳбудий, Сўфизода каби мутафаккир шоир ва ёзувчиларнинг асарларида Навоий бошлаб берган ўзбек мумтоз адабий тили меъёрлари мукаммаллашиб борди.

Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ўз асарларида нутқнинг кишилар кундалик эҳтиёжини қондирувчи нодир восита эканлигини қайд этди. "Маҳбуб ул-қулуб" асарида воизлар тили одоби хусусида фикр юритса, "Муҳокамат ул луғатайн" асарида ўзбек адабий тилининг бойлигини эътироф этди. Агар нутқ бўлмас экан, тилнинг, сўзнинг чексиз имкониятлари руёбга чиқмай қолаверади. "Мажолисун-нафоис" да сўзнинг воизлари ҳаётида тутган ўрни ҳақида ҳам шахсий мулоҳазалар баён қилинади. "Назмул жавоҳир" асарида эса сўз қудратли восита эканлиги, инсонга ҳаётий зарурат саналиши айтиб ўтилади.

Тарихдан маълумки, Навоийнинг ўзи ҳам моҳир нотиқ бўлган ва ширин каломи, ўткир тафаккури билан халқ қалбидан жой олган. Ўз асарларида ҳам халойиққа нафи тегадиган, эл юрагидан жой оладиган ширин-забон сўзлар айтиш, чиройли ва равон нутқ тузиш йўлларини ўрганиш лозимлиги ҳақида мукаммал фикрлар баён этган. [1]

Алишер Навоийнинг нутқ маданияти масалаларига бағишланган фикрлари янада мукаммалроқ ифодаланган асари "Маҳбуб ул-қулуб" дир. Шоир бу асарида тилнинг аҳамияти, ундан фойдаланиш, нутқ сўзловчи дилидаги фикрни тўғри акс

эттириши лозимлиги ҳақида фикрлар баён қилади. “*Саодатбахш руҳнинг тиниқлиги манба ҳам тил, бахтсизликлар юлдузининг бошланишига сабаб ҳам тил. Тилига кучи етадиган киши ақл подшосидир: сўзга аҳамият бермайдиган киши лаънатланган, пастдир. Тил гўзал ва дилларни оловлантирувчи бўлиши билан бирга, сўзловчининг дилидагини акс эттирса, янада яхшироқ бўлади”.*[2]

Навоий тил деганда нутқни кўзда тутган. Тил, яъни сўз ўзининг кўп яхши фазилатлари билан нутқ учун материал эканлигини, нутқнинг қўполлиги, мақсадга мувофиқ бўлмаслиги сўзловчига зарар етказишини алоҳида таъкидлаб ўтади. Майин, ёқимли, ширали овоз билан сўзлаш одоби ҳақида, ўйламасдан сўзламаслик лозимлиги ҳақида *“Сўзни кўнгулда пишимагунча тилга келтурма, ҳарнаким кўнглунгда бўлса, тилга сурма”, дейди. Тилнинг ширин, ёқимли ва юмшоқлиги фойдадир. Чучук тил аччиққа айланса, тингловчига зарар етказади. Чучук сўзни тоза кўнгуллар симиради... Сўзни кўнгулда пишитиб олмагунча сўзламагин, кўнглингда бўлган ҳар қандай фикрни ҳам айта берма. Нутқдан мақсад фикр англатишдир.Аммо сўзлар ва сабоқлардин мурод маънодур”.*

Шоир назарида сўз ўликни тирилтириш кучига эга:

Ҳам сўз ила элга ўлимдин нажот,
Ҳам сўз ила топуб ўлук тан ҳаёт.
Баъзан бир сўз билан тирик вужуд,
*Саломат инсон ҳам жонсиз ўлук*ка айланиши мумкин.

Ёлғон сўз ҳам шундай қудратга эга:

Ўлук гар андин эрур жони пок
Валекин тирикни ҳам айлар ҳалок.

Навоий таъкидлашича, ширин сўз билан кўп ишлар амалга ошади. Аччиқ май, бода ҳам чучук тил билан узатилади. Ҳатто “Чучук сўз элга изҳор” этиш орқали у ким бўлмасин, “ҳар нечаким ағёр дурур ёр” га айланади.

Сўзлашнинг ҳам меъёрлари бор. “Боиси ғафлат кўп сўз”- кўп гапириш ҳам ғафлат, ғофилликка сабаб. Ҳар қанча сухандон бўлса ҳам, имкон бўлгунча сўзни қисқа гапириш зарур. Тўғри ва рост сўз мавжуд. Ёлғон ва ёлғончилик бор. Сўзлаётган кишиларнинг кимлиги, қандайлиги унинг кўриниши билан эмас, сўзланаётган гапларидан аён бўлади. Кўнгилга келган ҳар бир фикрни тилга чиқараверии бебурдликка олиб келади. Беҳуда, бебурд ва масхараомуз сўзлаш кишининг ўзига озор етказади. Тили кесилишига олиб келади. Сўзни кўнгилда пишитиб, мулоҳаза қилиб, сўнг “тилга сурмоқ” керак. Ҳар бир кишининг сўзи-унинг кўнглини акс эттиради. [3.24] Оллоҳнинг башариятга инъом этган улуғ неъмати тилдир:

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Шоир тилни пўлат ханжарга қиёслайди. Сўз эса шу ханжарга безак берувчи, унга қадалган инжулардир. Яна бир ўринда тилни лола баргига, сўзни эса ўша

лолага тизилган “жола”-чиройли шудрингларга қиёслайди. “Ҳайрат ул-аброр” достонининг Сўз таърифида бобида чуқур фалсафий маъно ифодаланади.

Навоий сўз ҳақида гапирганда “Сўз иқлими”, “Сўз мамлакати”, “Сўз жисми”, “Сўз кишвари” бирикмаларини ишлатилади. Сўз ҳам Навоий наздида ўзига хос олам, рангин шаклларга эга мамлакат. Бу иқлим мавжудотларидан ҳар ким ўзича фойдаланади. Унинг “ширин сўз”, “аччиқ сўз”, “тўғри сўз”, “ёлғон сўз”, “Чин сўз”, “хушомадомуз сўз” каби кўринишлари мавжуд шоир таърифида. Сўзни ажиб, сеҳрли ва қимматбаҳо гавҳар сифатида эъзозлайди. Кўпгина байтларда, айниқса “Хамса”, “Маҳбубул қулуб” сингари асарларида сўз, унинг ўрни, инсон ҳаётидаги аҳамияти, сўзлаш маданияти, сўзнинг бадиий ижоддаги мавқеи, сўз одоби каби томонлар хусусида мулоҳазалар билдиради. Шоир назарида “*Сўз жаҳон баҳрида дурдона*”, инсон қалбининг маъдани-“*Маъдани инсон гузари сўз*”, “*гулшани одам самари*”, “*ажаб гузар*”, “*баҳру мавжвар*”, “*дур*”, “*жавҳари руз*”, “*айтиб совумас тарона*”, “*олиб қуримас хизона*” - туганмас хазина.

Алишер Навоийнинг тил ва нутқ, нутқ одоби, нутқий маданият, нутқ санъати ҳақида айтган фикрларида қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти борасидаги бой ва ноёб мероси маҳорат билан умумлаштирилган. [4.48]

Кишининг кўнгли дарёдир, сўз эса дур, сўзловчи ғаввосга ўхшайди. Дур турли бўлгани сингари сўз ҳам турлича бўлади. Яхши сўз кишига жон бахш этса, ёмон сўз инсонни ҳалок этиши ҳам мумкин. Тил-маърифат ва адабиёт қуроли экан, сўз сўзлашдан мақсад маъно ифодалашдир, дейди шоир. “*Аммо Чун алфоз ва иборатдин мурод маънидир ва мазкур махлуқотдин мақсуд инсондур ва ул маҳзари маоний ва баён, сўз анинг сўзидадир ва такаллум анинг каломида бордур*”. Яъни, маъно туфайли сўз тилга келади ва ул сўздан маъно фаҳм бўлади. Навоий тил ва тафаккурни узвий бирликда олади. У маъно бирламчи, шаклни иккиламчи деб ҳисоблайди ва маънога сўзнинг жони деб таъриф беради.

Нутқ назарияси билан жиддий шуғулланган шоир “Маҳбубул-қулуб” асарининг 24-бобини воизлик илмига бағишлайди. Навоийнинг ўзи ҳам нотиқлик санъатини ўз даврида юксак даражага кўтарган. [4.7]“*Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз*” ёки “*Маъдани инсон гавҳари сўз дурур, гулшани одам самари сўз дурур*” деб ёзади.

Халқимиз тили аччиқ, инсон кўнглига озор берувчи кишиларга “тили заҳар”, “тилидан заҳар томади” каби нисбатларни беради. Бундай кишилардан ҳамма ўзини четга тортади. Дилдан суҳбатлашишни истамайди, аксинча, зарурат юзасидангина муомала қилишга мажбур бўлади. Навоий бу тахлит “аччиқ сўз, анфос” лик кишилардан “истиғно” зарурлигини ўринли таъкидлайди:

Ҳар кимки аччиқ бўлди сўзи, анфоси,
Бор суҳбатидин халқнинг истиғноси.

Навоий “сўз” ҳақида гапирганда қуйидагиларни эътиборга олади:

1. Сўз-тил маъносида.
2. Сўз-муомала, гапириш, нутқ моҳиятида.
3. Сўз-бадиий ижодда мазмунни шакллантирувчи восита тарзида.

Навоий талқинича, сўзнинг (тилнинг) инсоният ҳаётидаги ўрни беқиёс. У инсоннинг инсонлигини, барча жонзотлардан юксак эканлигини англатувчи унсур.[5.17] Сўзнинг тарихий-маданий хизмати беқиёс, аммо тил имкониятлари нутқ жараёнидагина очиб берилади. Сўзнинг тарихий-маданий хизмати беқиёс, аммо тил имкониятлари нутқ жараёнидагина очиб берилади. Яна бир ўринда шоир тилни лола баргига, сўзни эса, ўша лолага тизилган "жола"-чиройли шудрингларга қиёслайди:

Тил бу чаманнинг варақи лоласи,
Сўз зурларидан бўлубон жоласи.
Сўздин ўлуқнинг танида руҳи пок
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок,
Донаи дур сўзини афсона бил
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

Навоий сўзни ажиб, сеҳрли ва қимматбаҳо гавҳар сифатида эъзозлайди. Кўпгина байтларда, айниқса "Хамса", "Маҳбубул қулуб" сингари асарларида сўз, унинг ўрни, инсон ҳаётидаги аҳамияти, сўзлаш маданияти, сўзнинг бадиий ижоддаги мавқеи, сўз одоби каби томонлар хусусида мулоҳазалар билдиради.[6.364] Шоир *назарида "Сўз жаҳон баҳрида дурдона", инсон қалбининг маъдани- "Маъдани инсон гузари сўз", "гулшани одам самари", "ажаб гузар", "баҳру мавжвар", "дур", "жавҳари руз", "айтиб совумас тарона", "олиб қуримас хизона"* - туганмас хазина:

Айтиб совумас тарона сен-сен,
Олиб қурумас хизона сен-сен.

Демак, Алишер Навоий деярли барча асарларида сўз сеҳри ва сўз одоби хусусида фикр юритган. Сўзнинг қудратли восита эканлигини, инсоният ҳаётида бу ноёб гавҳарнинг қайдаражада юксак мавқеини эгаллаганлигини таъкидлаб ҳикматли дурдона байтлар яратган. Тил ва нутқ, нутқ санъати ҳақида айтган фикрларида қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти борасидаги бой ва ноёб мероси маҳорат билан умумлаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14 том. -Т.: 1998.
2. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. www.ziyouz.com.
3.Қўнғуров Р. ва б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Тошкент. 1992.
4.Ахмедов Б. Навоий замондошлари хотирасида. -Тошкент. 1985.
5.Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиқлик маҳорати. -Тошкент. 1984.
6. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. -Тошкент. 1976.

ИЖОДИЙ ЁЗУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЁРДАМ БЕРУВЧИ ОМИЛЛАР

Мухабат Эргашевна Рахимова
Андижон давлат университети доценти
Мирзакаримова Зарифа
Андижон давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада ёзма нутқ қобилияти таҳлил қилинган. Ёзма нутқ ижодий фикрлашни ривожланиши учун асосий омилдир.*

Мулоқат одатда икки шаклда амалга оширилади: оғзаки ва ёзма, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Калит сўзлар:*омил, хат, оғзаки шакл, мулоқатнинг ёзма шакли, вазият, тил муҳити, ситуацион нутқ.*

ФАКТОРЫ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ РАЗВИТИЮ ТВОРЧЕСКОГО ПИСЬМА

Мухабат Эргашевна Рахимова
Доцент Андижанского государственного университета
Мирзакаримова Зарифа
Преподаватель Андижанского государственного университета

Аннотация: *В статье анализируются навыки и умения письменной речи. Письменная речь является основой развития творческого мышления.*

Общение обычно осуществляется в двух формах: устной и письменной, каждая из которых обладает своей спецификой.

Ключевые слова: *фактор, письмо, общение, устная форма, письменная форма общения, ситуация, языковая среда, ситуативность речи.*

FACTORS CONTRIBUTING TO THE DEVELOPMENT OF CREATIVE WRITING

Rahimova Muhabat Ergashevna
assistant professor Andijan State University
Mirzakarimova Zarifa
Andijan State University teacher

Annotation: *The article analyzes writing skills. Written language is the basis for the development of creative thinking.*

Communication is usually carried out in two forms: oral and written, each of which has its own specifics.

Keywords:*factor, letter, communication, oral form, communication form,situation,language environment, situational speech.*

Как известно, мысль формируется и формулируется в речи, поэтому отдельно выделяются стратегии по развитию письменной речи. Навыки и умения письменной речи чрезвычайно важны, т.к. письменная речь является необходимым подспорьем

для развития творческого мышления. Она позволяет фиксировать неоформленные мысли и образы, удержать их, пока они рассматриваются со всех сторон и выразить их более точно. Письмо служит определенным целям в аудитории, где у учащихся есть возможность поделиться и обговорить то, что они написали.

В общении различают два вида средств: вербальные и невербальные. К **вербальным средствам общения** относятся виды речевой деятельности, из которых прежде всего наиболее целесообразно выделить: а) продуктивные виды деятельности: говорение и письмо; б) рецептивные виды деятельности: аудирование и чтение. К **невербальным средствам общения** относятся средства: 1) паралингвистические (интонация, темп, громкость, ритмика, тональность, мелодика); 2) экстралингвистические (стук в дверь, смех, плач, различные шумы и т.п.); 3) кинесические (жесты, мимика, контакт глаз); 4) проксемические (позы, телодвижения, дистанция, т.е. пространственно-временная организация общения).

Общение обычно осуществляется в двух формах: устной и письменной, каждая из которых обладает своей спецификой.

1. **Устная форма** характеризуется: богатством интонационного оформления; большой дозой паралингвистической информации (мимика, жесты); определенным темпом, иначе будет утеряна временная связь с ситуацией; высокой степенью автоматизированности, на чём и основан темп; контактностью с собеседником (если это не выступление по радио); специфическим набором речевых средств и своей структурой (то, что для письменной формы – отступление, здесь может быть нормой); линейностью во времени, так как нельзя вернуться к какому-либо отрезку речи.

Учёт специфики устной формы речи чрезвычайно важен для обучения.

2. Для **письменной формы** общения характерны несколько иные черты. Вот основные из них: специфический набор речевых средств (в письменной речи часто используется то, что в устной не имеет места); большая, чем в устной форме, структурная сложность; большая сознательность в оформлении, так как у пишущего есть возможность спланировать, проговорить про себя, оценить адекватность речевых средств и т.п., у читающего – подумать; полнота и развернутость, поскольку отсутствует постоянная связь с собеседником, а также непосредственная соотнесенность с наличной ситуацией, иной способ интонационного оформления актуального членения, например, порядок слов.

Общению свойственны следующие характеристики, как мотивированность, активность, целенаправленность, эвристичность, избирательность, иерархичность, единство сознания и подсознания, связь другими видами деятельности.

Любая коммуникативная (речевая) задача по сути своей является речемыслительной задачей. Если в мыслительных задачах человек должен путем познавательной деятельности найти что-то неизвестное, новое для себя, для людей (это имеет место в научных исследованиях и в учебном познании), то в речемыслительных задачах (например, в случае когда кто-то несправедливо высказался о вашем друге, а вы хотите опровергнуть это мнение) требуется прежде всего речевой поступок; мыслительная деятельность направлена на его совершение,

подчинена ему (задаче – опровергнуть, защитить). В этом случае общий единый механизм мышления активизируется через свою коммуникативную функцию[1].

Определения понятия «**ситуация**» многочисленны и разноплановы. Каждый автор подчеркивает какую-то одну сторону того, чем является ситуация: а) ситуация – это комплекс **обстоятельств**; б) ситуация – это комплекс **действий**; в) ситуация – это совокупность **событий**; г) ситуация – это совокупность **отношений**.

12. Sims-Williams, F.de Blois. The Bactrian calendar / Bulleten of the Asia Institute. New Series X. -Bloomfield Hills, 1998.
13. Henning W.B. Sogdica. –London, 1940.
14. Дьяконов Н.В., Смирнова О.И. К вопросу о культе Наны (Анахиты) в Согде // Советская археология. -1967. Т.I.
15. Лившиц В.А. Парфянская ономастика. СПб. –М., Наука, 2010.
16. Отахўжаев А.М. Суғд шаҳрининг турк ҳокими (В-8 Муғ тоғи ҳужжати асосида) // Шарқшунослик. - Т., 2001, №2.
17. Grenet F., Vaissaire E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archeology. VIII. 2002.
18. Бобоёров Ғ. Тохаристон ябғулари тарихига доир // Ўзбекистон тарихи. –2003. -№3.
19. Исхаков М.М. Палеографическое исследование согдийских письменных памятников: Дис. ... д-ра ист. наук. –Т., 1992.
20. Отахўжаев А. Муғ архивида Самарқанд билан боғлиқ маълумотлар // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий семпозиум материаллари. Тошкент–Самарқанд. 2007.
21. Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикент . –М.: Наука, 1963.

АЛИШЕР НАВОИЙ ШАХСИНИ ЎРГАНИШДА ТАРИХИЙ, ИЛМИЙ, БАДИИЙ АСАРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдуллаев Комилжон Абдуғаниевич,
НамДУ, илмий котиб, педагогика фанлари номзоди.
+99890-214-77-33; komiljon.abdullayev.1961@mail.ru

Тирикликнинг бонги Навоий,
Буюкликнинг ранги Навоий.
Ватан каби поёни йўқдир,
Ватан каби мангу Навоий!
[4,28]

Аннотация: *Мақолада Алишер Навоий шахсини ўрганишда тарихий, илмий, бадиий асарлардан фойдаланиш усуллари ёритилган бўлиб, ундан адабиёт дарсларида ва синфдан ташқари ишлар жараёнида самарали фойдаланиш мумкин.*

Калит сўзлар: *тарихий, илмий, бадиий асарлар; буюклик, мангулик, интернет, "Макоримул ахлоқ", "пир"(устоз), "мурид"(шогирд), шахс, ибрат, узлуксизлик, адабиёт дарслари, синфдан ташқари тадбирлар.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИСТОРИЧЕСКИХ, НАУЧНЫХ, ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ ПРИ ИЗУЧЕНИИ ЛИЧНОСТИ АЛИШЕРА НАВОИ

Абдуллаев Комилжон Абдуганиевич,
НамГУ, ученый секретарь, кандидат педагогических наук.

Аннотация: *В данной статье изложены проблемы использования исторических, научных, художественных произведений при изучении личности Алишера Навои, которые можно эффективно применять на уроках литературы и в процессе внеклассных работ.*

Ключевые слова: *величие, бессмертие, исторические, научные произведения; интернет, «Макоримул ахлок», наставник («пир»), ученик («мурид»), личность, назидание, беспрестанный, уроки литературы, внеклассные мероприятия.*

USING HISTORICAL, SCIENTIFIC AND ARTISTIC WORKS IN LEARNING THE PERSONALITY OF ALISHERNAVOI

Abdullaev Komiljon Abduganievich,
NamSU, Scientific secretary, candidate of pedagogic science

Annotation: *Given the article expresses the methods of using historical, scientific, artistic works in learning AlisherNavoi's personality and they can be used in literature classes and outclass events.*

Key words: *greatness, eternity, historic, scientific, artistic works, internet, "Makorimul-ahloq", "Master", "Student", person, pattern, continuousness, literature lessons, outclass events.*

Буюклик ва мангуликнинг бетакрор тимсоли, юксак истеъдод эгаси, мутафаккир шоир, олим, туркий тилда шоҳ асарлар битган, биринчи Президентимиз И.А.Каримов: "Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир" [1, 47] , - дея таърифлаган бобомиз ҳазрат Мир Алишер Навоий шахси, адабий мероси маънавий камолотга эришиш ва ўзликни англашда бебаҳо хазина вазифасини ўтаб келмоқда.

Ана шу хазина сирларидан баҳраманд бўлиш, ўзгаларни ҳам баҳраманд этиш биз, улуғ бобомиз авлодларининг, муқаддас бурчимиздир.

Академик Абдулла Аъзамов таъбири билан айтганда, "Алишер Навоий ижодий меросини Осиёнинг маҳобатли тоғларига қиёс қилиш мумкин. Бу "тоғли ўлка"нинг юксак чўққилари - "Хазойин - ул маоний" ва "Хамса" шу қадар фалакка бўй чўзганки, қараганнинг юраги энтикади. Бу ижод тоғларининг "геологияси" ҳали тўлиқ ўрганилган эмас. Уларнинг катта қисми бугунги авлод учун сирли тилсимлигича ётибди, фақат айрим – айрим жойларидан маънавият "Зарафшонлари" оқиб турибди, холос" [2,5].

Ёш авлодни ана шу булоқлардан баҳраманд этиш оила, мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактабларидан бошланса ва узлуксизлиги таъминланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар мактаблари тизимидаги ўқув юртлари, олий таълим муассасаларида Алишер Навоий адабий меросини ўрганиш учун жуда кўп вақт сарфланади. Кундалик газета, журнал, интернет, телевидение, радио орқали ҳам анчагина маълумотлар эълон қилинади. Қатор - қатор тадқиқотлар олиб бориляпти. Шундай бўлса-да, "Навоийни тушуниш қийин", "асарларининг тили оғир" каби фикрлар кўпчиликни ўйлантиради, масалани қийинлаштиради.

Бизнингча, улуғ шоирнинг ҳаёт йўлини синчиклаб кузатиш, чуқур ўргатиш орқали ёш авлод онгида бобомиз шахсига ҳурмат ва ҳавасни тарбиялаш ўринлидир.

Келинг, юксак инсоний фазилатларни ўзида жо этган олийжаноб инсон - Мир (амир) Алишер Навоийнинг шахсини умумий ўрта таьлим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари тизими ўқув юртларида ўрганиш жараёнида тарихий, илмий, бадиий асарларда ёритилган улуғ бобомизнинг айрим фазилатларига назар ташлайлик ҳамда улардан ўрни билан фойдаланиш ҳақидаги фикрларимизни баён этайлик.

Темурийлар саройининг яқинларидан бўлмиш Алишер (унинг бобоси амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмикдош (кўкалдош) бўлган экан) ёшлигиданоқ алоҳида тарбия билан ўсган.

1447 йилда Шохрухмирзо вафот этиб, Ҳиротда парокандалик бошланди. Алишерлар оиласи ҳам Ҳиротдан Ироққа кўчади.

Ана шу ўринда Ойбекнинг "Навоий" романидан олинган қуйидаги лавҳани эслаш ўринлидир :

"Ёш Алишер дўстлари билан ўйнаб юриб, қўлида обдаста кўтарган мўйсафидга дуч келадилар. Алишер дарров сув олиб келиб беради. Мўйсафид (бу киши машҳур тарихчи олим Шарофиддин Али Яздий эди) дуо қилиб: "Сен умрбоқийликка эришгин",- дейди. Алишернинг "Ҳеч ким абадий яшамайди - ку ?,"- деган эътирозига жавобан мўйсафид: "Ҳеч ким жисман абадий яшамайди. Лекин сен шундай ишлар қилгинки, бундан халқ умрбод баҳраманд бўлсин, номинг абадий қолсин",- дея жавоб беради" [4,31].

Кўринадики, олти ёшли бўлажак шоирда бизнинг миллатимизга хос бўлган энг юксак инсоний фазилат: ўзидан каттага ҳурмат, зийраклик, мулоҳазалилик хислатларини англаган алломанинг ишончи, дуоси, башорати ижобат бўлгандир.

Бундан 572 йил аввал содир бўлган бу воқеа барчамиз учун шу маънода ҳаяжонлики, фарзанд тарбиясида биз, катталарнинг, ўрни беқиёсдир. Олти ёшли Алишер билан ҳозирги ёшларни қиёсласак, уларни айблагандек бўламиз. Аслида-чи?! Оила ташвишлари билан бўлиб ёшларнинг тарбиясига бепарвороқ бўлмаяпмизми?

12-15 ёшларида зукко Алишер замонасининг машҳур шоири, даврининг маликул каломи - сўз мулкининг подшоси мавлоно Лутфий назарига тушади. У

Навоий ғазали бир байти учун 10-12 минг байт шеърий меросини алмаштирмоқчи ва буни ўзи учун ғалаба бўлишини айтади.

Маълумки, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро билан мактабдош дўст бўлган. Навоий-илм, ижод йўлини танлади. Ҳусайн Бойқаро - давлатни бошқаришни. Аммо улар ўртасидаги инсоний ришта - дўстлик бузилмайди. Авлодларга ўрнак бўлмоқда.

Навоий 1469-1472 йилларда мухрдор, 1472-1476 йилларда вазир лавозимларида ишлади. Мухрдорлик давлат бошқарувидаги энг масъулиятли лавозимлардан бўлиб, мамлакат миқёсидаги барча ҳужжатларни синчиклаб кузатиш ва расмийлаштиришни тақозо этади. Ана шу вазифага киришишда ҳам Навоий юксак фазилатларидан бири - камтарликни намойиш этади: “Қисқаси, олий ҳазрат подшоҳ илтимосини қабул қилгандан кейин ул ҳазрат билан Амир Сайид Ҳасан Ардашер бир кунда жубба (ҳашаматли, кенг, узун ва енгли тўн) ва кулоҳи наврўзий кийиб мухр босишлари муқаррар бўлди. Барчанинг хаёлида, подшо ҳукмига мувофиқ, тадбирли Амир ҳаммадан юқорига мухр босади, деган фикр айланар эди. Бироқ ўша куни, одатга мувофиқ, ул ҳазратнинг олдига яхши кунда мухр босиш учун нишон олиб келдилар. Ул ҳазрат нишонни Амир Сайид Ҳасанга берилсин, аввал у киши мухр боссин, дедилар. Амир Сайид Ҳасан эса, ҳурмат изҳор қилиб, нишонни яна Амирга қайтарди. Ул ҳазрат қоғозни олиб, ўша камтарлик юзасидан шундай жойга мухр босдики, ундан қуйироққа ҳеч ким мухр босолмасди” [5, 94-96].

Ҳазрат Навоий халққа, атрофидаги кишиларга, ҳатто жонивору ҳашоратларга нисбатан ҳам меҳрибон, раҳмдил бўлган. Хондамирнинг “Макоримул ахлоқ” асарида ёзишича, елкасига илашиб қолган чумолини озор топмасин, уясини топа олмай адашмасин дея уни уяси олдига олиб бориб қўйган экан [5, 91-92].

Ҳозирги кунда ота-онасига, фарзандларига, ҳамкасбларига, атрофидаги кишиларга дилозорлик қилаётган шахслар ҳақидаги хабарларни эшитсам, ўқисам, беихтиёр шулар ҳам Навоий ҳакида эшитганмикан, дегим келади.

1483-1485 йилларда ўзини дунёга танитган “ХАМСА” - бешлик асарини ёзиб тугатади. Маълумки, “Хамса” ёзишга кўплаб шоирлар ҳаракат қилишган. Аммо саноқлиларигина машҳур бўлишган. Улар: Низомий Ганжавий (1141-1209), Хисрав Деҳлавий (1253-1325), Абдураҳмон Жомий (1414-1492), Алишер Навоий (1441-1501). Биринчи туркий “Хамса”нинг тақдим этилиши ва пир (устоз-Ҳусайн Бойқаро) ва мурид (Алишер Навоий) можаросининг ҳал қилиниши воқеасида икки садоқатли дўстнинг инсоний фазилатлари янада ёрқинроқ намоён бўлади. Тасаввуф таълимотида “Пир (устоз)нинг тилаги-мурид (шогирд)нинг тилаги” нақлига қатъий амал қилиниши керак. Ана шу маънода шоҳ Ҳусайн Бойқаро (пир) “Хамса” тақдим қилинган кунда шоир Алишер Навоий (мурид)ни ўзининг оқ отига миндириб, унга жиловдорлик қилади.

Бу каби яқинлик кўпчиликнинг ҳасадини келтиради ва Навоийга фитна уюштирилиб, Астрободга сургун қилинади. Фитна фош бўлгач, даврининг соҳибқирони Ҳусайн Бойқаро “Жаҳолат адолат олдида тиз чўкди. Мен ҳазрат Навоийга сиғиндим”,- дейди. Аммо Навоийнинг кўнгил шишаси дарз кетган эди...

Ҳаётининг сўнгги йилларида 40 йиллик қадрдони Паҳлавон Муҳаммад ва устози Абдураҳмон Жомийдан жудо бўлиш, ўғил билан ота ўртасидаги тинимсиз тортишувлар, Мўмин Мирзонинг ўз бобоси - Ҳусайн Бойқаро томонидан қатл қилиниши кабилар унинг соғлигини ёмонлаштиради, кўзларидан ёш эмас, қон тўкиб йиғлайди. Ҳаётининг энг сўнгги кунларида ҳам юксак инсоний фазилатини намоён этади. Оғир касаллигига қарамай, дўсти Ҳусайн Бойқарони ғалаба билан қутлаш, кутиб олишга чиқади. Сохибқирон-Ҳусайн Бойқаронинг дабдабали ва кўркам тахтиравони кўринган пайтда Мир Алишернинг боши айланиб кетади. Бу ҳолатни ўз кўзи билан кўрган Хондамир шундай ҳикоя қилади: "...у зотнинг муборак боши айланиб қолди. Олижаноб Амир (Навоий) Хожа Шаҳобиддин Абдуллони ўз яқинига чақириб: "Мени сақлашдан ғофил бўлманг, аҳволим ўзгариб", - қолди деди. Шу пайтда аъло ҳазратинг қўлини ўпишга етишмоқ учун отдан тушди.Тўсатдан етишган касалликнинг оғирлиги охирги чекка бориб қолгани ва юришга мадор қолмаганидан, мазкур амир ва Мавлоно Жалолиддин Қосим қўлтиқларига кириб, шу йўсинда илгари юриб, бошини баланд даражали подшо қучоғига қўя олди... Ул буюклик ва дабдаба доирасининг маркази аҳволида ўзгариш кўриб, аъло ҳазрат ғоятда қайғули ва ғамгин бўлди. Бу ер тўхташ ўрни бўлмаганликдан аҳвол сўраш ва илтифот маросимларидан кейин ўтиб кетди. Шу онда бу касал сактага (ҳис ва ҳаракатнинг тўхтаб қолиш касали) айланиб, олий насабли Амирда қайтиб ҳаракат қилиш ва сўзлашга мажол қолмади. Касаллик шиддати орта бормоқда эди. Натижада мазкур ойнинг ўн иккинчисида якшанба (ҳозирги йил ҳисобида 1501 йил 3 январь) куни эрта билан боқилик нақдини руҳ олувчига топширди ва ҳаёт гулшани булбулини олий чаманга жўнатди... " [5, 124-128].

Унинг ўлимидан тош юракли, темир юракли кишилар ҳам йиғлайдилар. Султон соҳибқирон Ҳусайн Бойқаро уч кунгача у аҳли диллар бошлиғи Алишернинг уйида мотам тутиб ўтирди. Бу хислат, албатта, дўсти Навоий шахсидан ўтган бўлса, ажаб эмас.

Бундан ташқари, Иззат Султоннинг "Навоийнинг қалб дафтари" [6, 376], М.Жўраев нашрга тайёрлаган "Эл деса Навоийни ... (Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар)" [7, 160] , А.Тилавов, И.Сайдуллаевлар томонидан нашрга тайёрланган "Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар" [8, 520] , А.Қаюмовнинг "Алишер Навоий (Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар)" [9, 160] тўпламлари ; Омон Мухторнинг "Навоий ва рассом Абулхайр" романи [10, 244] каби манбалар атоқли сўз санъаткори - сўз мулкининг султони ҳақида қизиқарли, бой маълумотлар берадики, улардан адабиёт дарслари, синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларни ўтказишда унумли фойдаланиш таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширади, ўқувчиларнинг дунёқарашини бойитади, уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш учун хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий, илмий, бадиий асарларда ифодаланган улуғ бобомиз шахсиятидаги бу олийжаноб фазилатлар замондошлари учун ҳам, унинг авлодлари учун ҳам, ибрат, намуна мактаби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ҳазрат Алишер Навоий эса, тириклик, буюклик, мангуликнинг бетакрор тимсоли бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. - 176б.
2. Аъзамов А. Шеърият даҳоси - Оллоҳ инъоми. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" , 2001, 2 февраль.
3. Ойбек. Навоий: Роман. - Т.: Ўқитувчи, 1985. - 421б.
4. Саййид, Сирожиддин. Ватан абадий: Шеърлар, таржималар. Т.: - Шарқ , 2001. – 256 б.
5. Хондамир. Макоримул ахлоқ. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабий нашриёти , 1967.
6. Султон, Иззат. Навоийнинг қалб дафтари: Буюк шоирнинг ҳаёти билан ижоди ўзининг ва замондошларининг тасвирида // Масъул муҳаррир Наим Каримов. - 3-тўлдирилган ва тузатилган нашри. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 376 б.
7. Эл деса Навоийни ... (Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар) . – Т.: Чўлпон, 1991. - 160 б.
8. Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар. // Нашрга тайёрловчилар А.Тилавов, И.Сайдуллаев. - Т. : "Sano - standart" нашриёти, 2016. - 520б.
9. Қаюмов Азиз. Алишер Навоий (Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар). –Т., 1976. - 160 б.
10. Мухтор, Омон. Навоий ва рассом Абулхайр: Романлар. - Т.: Шарқ, 2006.-244 б.

NOMSHUNOSLIKKA OID TADQIQOT METODLARI

G'aniyev Nurbek O'ktamovich
Navoiy davlat konchilik instituti katta o◉qituvchisi

Annotatsiya: *mazkur maqola nomshunoslikda qo‌llanadigan metodlar tushunchasiga oydinlik kiritish bilan bir qatorda, "O'zbek nomshunosligi"da ham qo'llanadigan bir qancha metodlar haqida ma'lumot berishga bag'ishlandi. Jumladan, nomshunoslikda qo'llanadigan metodlar bilan nomlar qancha ko'p o'rganilsa, sohadagi tadqiqotlar misollar bilan shunchalik boyib borishiga asos bo'ladi.*

Tayanch so'zlar: *toponim, etnonim, tavsifiy, tarixiy, qiyosiy-chog'ishtiruv, areal, semiotik, stilistik, statistik, etimologiya.*

МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ОНОМАСТИКЕ

Ганиев Нурбек Уктамович
Старший преподаватель Навоийского государственнога института

Аннотация: *эта статья призвана уточнить понятие методов, используемых в ономастике, а также предоставить информацию о нескольких методах, используемых в узбекской ономастике. В частности, чем больше имена узнаются методами, используемыми в области топонимии, тем больше исследований в этой области обогащается примерами.*

Ключевые слова: *топоним, этноним, описательный, исторический, сравнительно-сопоставительный, ареал, семиотический, стилистический, статистический, этимология.*

RESEARCH METHODS ABOUT ONOMASTICS

Ganiev Nurbek Uktamovich
Senior teacher of Navai State Mining Institute

Abstract: *this article is intended to clarify the concept of methods used in onomastics, as well as provides information on several methods used in Uzbek onomastics. In particular, the more names are recognized by the methods used in the field of toponymy, the more research in this area is enriched by examples.*

Key words: *toponym, ethnonym, descriptive, historical, comparative, range, semiotic, stylistic, statistical, etymology.*

Nomshunoslikda qo‘llanadigan metodlar tushunchasiga oydinlik kiritish lozim. Har bir sohaning o‘z o‘rganish obyektlarini tadqiq etish metodlari bo‘lgani kabi “O‘zbek nomshunosligi”da ham qo‘llanadigan bir qancha metodlar bor. Ularning mazmuni va talqinida nomshunoslikka oid dalillarning e’tiborga olinishini nazardan chetda qoldirmaslik shart. Nomshunoslik, ya’ni onomastika ham tilshunoslikning ilmiy tadqiqotlar olib boriladigan alohida bir sohasi sifatida tavsifiy, tarixiy, qiyosiy-chog’ishtiruv, areal (hududiy), semiotik, stilistik, lingvopsixologik metod, statistik metod singari o‘ziga xos metodlar tizimi bilan ish ko‘radi.

Shuningdek, nomshunoslikka oid ilmiy tadqiqotlarda qo‘llanib kelinayotgan metodologiya esa dunyoni ilmiy bilishga qaratilgan dialektik bilishning nomlarni yig’ish, to‘plash, jamlash, kartotekalashtirish, bilish, tushunish, anglab yetish, ilmiy asoslarda tahlil-u talqin qilishga yo‘naltirilgan ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishning nazariy va amaliy qonuniyatlari, yo‘l-yo‘riq, ko‘nikmalarining majmuyi sanaladi. Bularni amalga oshirishda, albatta, nomlarga tegishli materiallar ko‘p bo‘lishi shart. Umuman, nomlar, ya’ni toponimlar ham, gidronimlar ham, etnonimlar ham, kishi nomlari ham, “oltin bitik”lar deb to‘g’ri aytilgan[21].

Quyida nomshunoslikka oid tadqiqotlarda qo‘llanadigan metod(usul)lar[22] to‘g’risida qisqacha to‘xtalamiz:

Tavsifiy metod. Unda onomastik (nomshunoslik)ka oid birliklarga tavsif berib borish yo‘lidan boriladi. Zero, nomlarga tavsif berish uchun o‘sha xalq, urug’ va ellarning nom berishga oid tamoyillarini, nomlarni izohlash va etimologik tahlil qilish yo‘llarini bilib olib, so‘ngra yakuniy fikrga kelish maqsadga muvofiq. Hojimaydon, Qiyot, Saksonkapa, Beltepa, Pisandi, Elshod, Elyor, Azizbek, Aziza, Farrux, O‘lmas, Qo‘rqmas, Tursunoy, O‘g’iloy, Go‘shtkuydi, Qoryog’di, Tupli, Hulkar, Mamarajab, Mamad,

[21] T.Enazarov va boshqalar. O`zbekiston joy nomlarining etimologik lug`ati – Toponimlar tilsimi. T., Nodirabegim, 2019. 3-28-betlar.

[22] Tilshunoslikda ilmiy tadqiqot metodlari ko`p bo`lib, ulardan ayrimlarinin tanlab oldik. Qarang: Степанов Ю. С. Методы и принципы современной лингвистики. М., Наука, 1975. 312 с.

Eshtemir, Normurod, Xolmat, Eshmat, Toshmat kabi nomlarni tavsiflab berish uchun ular mansub bo‘lgan urug’, xalqning an’analarini, shevaga oid bo‘lgan lingvistik xususiyatlarni e’tiborga olish zarur bo‘ladi.

Tarixiy metod. Bunda tarixiy taraqqiyotdagi til va tariximiz, madaniyatimizning rivojlanish bosqichlari zaminida kerakli hamda ishonarli dalillar ashyoviy manbalar sifatida jamlanib, ma’lum bir xulosaga kelish yo‘lidan boriladi. Albatta, unda tarixiy ahamiyatga ega bo‘lgan dalillar majmui bo‘lgan tarixiy voqyea, hodisalar nomlarining keltirilishi va dalillar vositasida asoslanishi hal qiluvchi rolni bajaradi. Qo‘shko‘pir, Tayloq, Farg’ona, Namangan, Buxoro, Samarqand, Toshkent, Qamashi kabi nomlarni tarixiy metodda tahlil qilish mumkin. Bu metod bilan nomlarni, shu jumladan, tarixiy toponimlarni o‘rganishning nazariy, ilmiy va uslubiy asoslari: hududiylik, tarixiylik va til jihatdan mansublik masalalarga munosabat bildirish imkoniyati yuzaga keladi.

Qiyosiy-chog’ishtiruv metodi. Ushbu metodda qardosh va qardosh bo‘lmagan tillarning materiallari asosida onomastik masalalarga munosabat bildirish yo‘lidan boriladi. Nukus, Karmana, Poyariq, Parkent, Olmaota, Kasbi, Zomin, Gulisafsar singari nomlarni ushbu metodda tahlil qilish maqsadga muvofiq. Bunda yonma-yon yashayotgan qardosh hamda qardosh bo‘lmagan tillarning nomshunoslikka xos xususiyatlarini to‘plangan materiallarga tayanib e’tiborga olish zarur bo‘ladi.

Areal (hududiy) metod. Mazkur metodda esa ajratib olingan ma’lum bir hududdagi onomastik birliklar birma-bir, birin-ketinlik asosida talqin etiladi. Bunda o‘sha hududga xos va mos keladigan nomlar, nomlanish tamoyillari, nomlarni talqin etish yo‘llari haqida ma’lumotga ega bo‘lish lozim. Morguzar//Molguzar, Ishtixon, Suvtushar, Qoryog’di, O‘g’iloy, Yodgor, Bolta, Ketmon, To‘xtasin, Kimsan,Toshkan kabi nomlarni talqin va tahlil etishda, areal metodning materiallari va dalillari majmuidan bemalol foydalanish o‘rinli.

Semiotik metod. Bu metodda so‘zlar asosiy rol o‘ynamaydi, balki topoob’ektlar ifodalaydigan ishora, belgilar majmui va ularning so‘z shaklidagi ifodasi-yu ma’nosi yetakchi vazifani amalga oshiradi. Bunga misol tariqasida, Qirqqiz tog’i, Yakkatog’, Yakkabog’, Sinabog’ qishlog’i, Sina tepaligi, Xolboy, Xolli, Xolmat, Ayirg’i arig’i, Odamtovi kabi bir qancha nomlar misol bo‘ladi. Natijada, bir obyektning, bir kishining ikki nomga ega bo‘lib qolish hollarini ham mana shu semiotik metod vositasida talqin etib, tushuntirish mumkin bo‘ladi.

Stilistik metod. Ayni shu metodda turli manbalar, badiiy matnlar va nutqdagi nomlarning uslubiy talqinini berish va misollar vositasida talqin etish o‘rinli bo‘ladi. Shu o‘rinda, manbadagi nomlarga oid uslubiy xususiyatlar qidiriladimi, albatta, ularning takror qo‘llanishi, buzib aytilishi kabi hollar e’tibordan chetda qolmasligi shart. Bunday metod bilan ma’lum bir ijodkor asarlaridagi nomlarning uslubiy xosligini talqin etish mumkin[23]. Badiiy adabiyot tilining lug’at tarkibiga bag’ishlangan tadqiqotlar jumlasiga X.Mamadov, Q.Samadov va E.Qilichevlarning ilmiy ishlarini ko‘rsatish mumkin[24].

[23] Husanov N. XV asr o`zbek yozma yodgorliklari tilidagi antroponimlarning leksik-semantik va uslubiy xususiyatlari. II-kitob, T.: Yozuvchi, 1997.

[24] Samadov Q. Oybekning tildan foydalanish mahoratining ba]zi masalalari. Nom.diss.T.,1967; Samadov Q. H.Olimjonning tildan foydalanishdagi novatorligi //Sharq yulduzi.1959.7-son; Киличев Э.Архаизмы и историзмы в прозе Садриддин Айни. Автореферат канд. дисс.и.Т.,1969.

X.Mamadovning Alisher Navoiy prozasining leksik-stilistik xususiyatlari haqidagi tadqiqotining birinchi bobida shoir prozasining leksikasi genetik (shu jumladan, ba'zi nomlar ham kelib chiqish nuqtayi nazaridan) jihatdan tasnif qilinadi (umumturkiy, o'zbekcha, fors-tojikcha va arabcha so'zlar o'rganilgan[25].

Q.Samadovning ilmiy tadqiqotlarida Oybekning tildan ijodiy-individual foydalanish mahorati, yozuvchining nutqiy jarayondagi novatorligi hamda badiiy ijod jarayonida yozuvchining so'z tanlash mahorati, xususan, nomlardan foydalanishishi ilmiy tahlil va talqini ko'rsatilgan. Shuning uchun ham muallifning Oybek asarlari tiliga oid ilmiy tadqiqotlari, E.Qilichevning tadqiqotlarida S.Ayniy asarlariga xos bo'lgan uslubiy xususiyatlar, S.Karimovning shoira Zulfiya asarlari tilining ilmiy tadqiqiga bag'ishlangan ishlarida bu metod ularda qo'llanilgan nomlarga nisbatan ham o'rinli ishlatilgan. Albatta, ularda leksik birliklar majmuida umuman nomlarga ham e'tibor qaratilganligi ularning uslubiy xususiyatlari hisobga olinishi maqsadga muvofiq.

Lingvopsixologik metod. Mazkur metodda ham til, ham tilshunoslikka, ham psixologiyaga oid dalillar insonlarning psixologik vaziyati, holatlariga qarab ishlatilishi yoki talqin va tahlil etilishi kabilarda kuzatiladi. Ba'zi bir nomlarning talqini asosidagi misollarga murojaat etaylik. Toshkent toponimining kelib chiqishini toshga bog'lagan tadqiqotlar bor[26]. Bu ayni vaqtdagi lingvopsixologik vaziyat natijasida chiqarilgan xulosadir.

Aslida esa bu topoobyekt hosildor yerli, xirmon joyli hudud ma'nosidagi *Chosh(Choch), Shosh* shakllaridagi fonetik o'zgarishlarga uchragan Chosh so'zidan yuzaga kelgan. Chosh – hosil xirmon joyda yig'ib, uyilgan holati. Keyinchalik unda turkiy va fors-tojik tillarning ta'sirida turli fonetik o'zgarishlar bo'lib, *Chosh* > *Shosh* > *Tosh* shakllaridagi o'zgarishlar ro'y berishi natijasida Toshkent toponimi yuzaga kelgan[27].

Psixologik jarayon ta'sirida shakllangan kishi ismlari ham nomlar jumlasiga kiradi. *Bo'rigul* – onasi qornidan yig'lab tug'ilganlarga qo'yiladigan nomlardan biri. *Bobomurod* – yoshlar unashtirilgandan keyin, qanaqadir sabablar bilan to'y kechiktirilib turilgan holda yoki to'ydan keyinroq qizning o'z uyida (ya'ni bobo uyida) farzand ko'rilsa, shu tug'ilgan farzandga qo'yiladigan nomlardan biri. *Xolbozor* – badanida xoli bor yoki xoli ko'p bolalarga qo'yiladigan nomlardan biri. Yosh chaqaloqlarga bu tarzda nom berish natijasida bolalar ba'zan ikki xil ismga ega bo'lishadi – rasmiy hujjatda boshqa ism, xoli

---

[25] Мамадов Х.Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои. Автореферат канд.дисс.Т.,1969.

[26] Muhammad ibn Muso Al Xorazmiy. Matematika, astronomiya, geografiya. T., Fan, 1983. 268-269-бетлар; Мурзаев Э. М. Очерки топонимики. М., Мысль, 1974. –С.230-232.; Кадырова Ш. М. Микротопонимы Ташкента. АКД. Т.,1970.-С.7-12.; Hasanov H. Geografik nomlar siri. T.,o`zbekiston, 1985. 101-бет; Mirtojiyev M.M. Toshkent so`zining ma'nosi //Sarq yulduzi. 2-son. 1981. 237-238-betlar; Qorayev S.Toshkent toponimlari. T., Fan, 1991. 13-bet; Do`simov Z., Egamov X. Joy nomlarining qisqacha izohli lug`ati. T., O`qituvchi, 1977. 132-bet; Muhammadjonov A. Qadimgi Toshkent. T., Sharq, 2002. 53-59-b.; Devonaqulov A. Asrori nomhoi kishvar. Dushanbe, Irfon, 1989. 151-157-b.; Поспелов Е. М. Школьный топонимический словарь. М.,1988. С.188; ДС. Лгр., Наука, 1969. –с.109, –с.536.; Mahmud Koshg`ariy. Devonu lug`otit turk. Uch tomlik. I t. T., Fan, 1960. 414-bet.

[27] Bu haqida T.Enazarovning "O`zbekiston toponimlari: lig`aviy asoslari va etimologik tadqiqi yo`llari" (T.,2006) nomli DDAning 26-29-betlariga murojaat qiling.

ko‘p bo‘lgani uchun ularga Xolbozor deb ikkinchi ism qo‘yilishi, shu ismni faolroq ishlatish kerakligini keksalar aytishadi. Ikkinchi ism oila davrasida bo‘lsa ham, faolroq aytilsa, ishlatilsa, bolaning badanidagi xollar kamayishi va hattoki, yo‘qolib ketishi mumkinligi amalda kuzatilgan. Ikkinchi ismni esa tor doirada ham aytishmay yoxud kam aytilishi esa bolaning badanidagi dog’ – xollarning kamaymasligiga, aksincha, ko‘payishiga asos bo‘ladi. Bu oilada, xalq hayotida qadim-qadimdan an’ana bo‘lib qolgan milliy va ma’naviy nomlash, etnopsixologik vaziyat tufayli yuzaga keladigan nom berish tamoyillarining o‘ziga xosligini va yana bola salomatligiga u yoki bu darajada ta’siri borligini ko‘rish mumkin. Bunday tarzdagi misollar boshqa xalqlarda, urug’, qabila, elatlarda ham uchrashi tadqiqotchi olimlar tomonidan maxsus kuzatilgan va ilmiy manbalarda qayd etilgan.

Statistik metod. Ushbu metod mavjud nomlarni statistikasini, ya’ni ularning ma’lum bir hudud(tumanlar, viloyatlar va respublika)da mavjud miqdorini, qo‘llanish darajasini, qo‘llanish yo‘nalishini ko‘rsatuvchi metod sanaladi. Chunki nomlarning umumiy miqdorini, shuningdek, faol qo‘llanayotgan nomlarning miqdorini bilmasdan turib, nomlanish va nom ma’nosini izohlash to‘g’risida gapirish o‘rinsiz hisoblanadi. Masalan, ma’lum bir hududda yoki tumanda toponimlarning, kishi ismi yoxud laqablarining qo‘llanishining miqdoriy darajasi, miqdoriy faolligi masalasini mana shu statistik metod tadqiq etib zarur umumlashma fikrlarni qayd etishi mumkin. Agar ba’zi bir o‘simlik nomlarining, *Qurbaqaobod, Yalang’och, Qonqus, Qayrabsoldi, Jo‘gi, Baytqo‘rg’on, Do‘kchilik, Varaksar, Dapsan, Qatag’on, Hayrovot, Saksonkapa, Hojimaydon, Gonchi* kabi qishloq nomlarining, *Shernazar, Pirnazar, Sino, Chingiz, Xolbozor, Shohrux, Zokir, Abdurahmon, Eshtemir, Tupli, Tolib, Javohir, Jahongir, Ulug’bek, Elbek, Elshod, Farrux* kabi kishi ismlarining, *Tanqas, Qorasuv, Tinnatentak* daryosi kabi ba’zi bir daryo nomlarining ma’lum bir hududdagi qo‘llanish miqdori va me’yorini o‘rganish ham mana shu statistik metodning zarurligini asoslay oladi.

Shu o‘rinda Samarqand toponimining ikki-uch o‘rindagina ishlatilishi, bu shaharning barpo bo‘lganligining 2750 yilligi 2007-yil 25-avgustda nishonlanishi kabi ma’lumotlar ham uning tahlilida statistik metodning zarurligini asoslaydi. Agar ba’zi bir nomlar bugungi kun uchun noto‘g’ri deyilgan holda miqdor jihatdan anchagina qo‘llangan bo‘lsa, ularni xato deyish mumkin emas, chunki uning to‘g’riligini, tasodifiy nomlar emasligini qo‘llanish miqdori ko‘rsatib turibdi. Ushbu metodning talablari ham bor, ya’ni onomastik birliklar deb talqin etilayotgan mavjud nomlarning yalpi miqdorini o‘rganish zarur bo‘lgani kabi bir necha nomlarning qo‘llanishini ham tadqiq etish tor doiradagi ishdir.

Kishilarning ism va nomlarimizga munosabatini ham mana shu metod yordamida bilib olish mumkin bo‘ladi. Buning uchun o‘z ismingizni odamlar qanday aytyapti, qanday vositalarni qo‘shib, qanday ohangda talaffuz etyapti, qanaqa nomaformantlar (ism yasovchi qo‘shimcha va so‘zlar) bilan aytilayotganiga e’tibor qilish kerak. Agar sizning ismingiz Salimjon, Javohir bo‘lsa-yu, kishilar sizni Salim, Javohir yoki Salimboy, Javohirboy yoxud Salimxon, Javohirxon deb chaqirsa, yoki ular tilyog’lamalik qilib, katta bo‘lsa hamki, sizni Salim aka, Javohir aka deb aytsa, bunday tarzda necha marta ismingizni tilga olinishiga e’tibor bering. Shundan bilasizki, so‘zlovchi (ehtimol, u

do‘stingiz, kursdoshingiz, xonadoshingiz bo‘lishi mumkin) sizni yoqtirmaydi, ilojsizlikdan hamda sizdan foydalanish maqsadida, sizdan yordam olish uchun siz bilan muomala munosabatida bo‘ladi, xolos.

Xulosa shuki, ismingizni ko‘p marta turlicha aytsa, u sizni yoqtirmaydi. Agar Sizning isminingizni to‘liq aytib, uni samimiy ohangda tugal tarzda aytsa, ko‘p emas, ikki-uch martagina ismingizni tilga olib, qolgan hollarda do‘stim, birodar, kursdosh, deb murojaat etsa, bilingki, u(lar) sizni hurmat qiladi. Xalqimizda “O‘zini, o‘z ismini hurmat qilganlar boshqalarning ismini ham, o‘zini ham hurmat qiladi,” degan oqilona gap bor. Bunga amal qilishda statistik metodning yordami zarur bo‘lib qoladi.

Mamlakatimizdagi hududiy bo‘linish va toponimik hududiy bo‘linish ham ularga xos umumiy hamda individual belgilarni jamlab, tahlil qilish statistik metodning faolligini oshiradi.

Bizningcha, “O‘zbek nomshunosligi” sohasidagi to‘plangan mavjud barcha nomlar majmuyi mazkur metod (usul) bilan o‘rganilishi ilmiy tadqiqotlar olib borishning birinchi, avvalgi sharti deyish mumkin. Masalan, rus olimasi N.V.Podolskayaning nomshunoslik masalalariga, shu jumladan,unda qo‘llanadigan metodlarning talqini va tavsifiga bag’ishlangan terminologik lug’ati 1977, 1988- yillarda to‘ldirilgan va tuzatilgan holda ikki marta nashr etilgan[28]. Demak, nomshunoslikda qo‘llanadigan metodlar bilan nomlar qancha ko‘p o‘rganilsa, bu sohadagi tadqiqotlar misollar bilan shunchalik boyib boradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. М., Наука, 1975. 312 с.
2. Husanov N. XV asr o◎zbek yozma yodgorliklari tilidagi antroponimlarning leksik-semantik va uslubiy xususiyatlari. 2-kitob, T.: Yozuvchi, 1997.
3. Samadov Q.Oybekning tildan foydalanish mahoratining ba◎zi masalalar. Nom.diss.T.,1967.
4. Samadov Q.Oybek ◎ so◎z san◎atkori.T.,1965; Samadov Q. H.Olimjonning tildan foydalanishdagi novatirligi // Sharq yulduzi.1959.7-son.
5. Қиличев Э.Архаизмы и историзмы в прозе Садриддин Айни. Автореферат канд. дисс..Т.,1969.
6. Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои. Автореферат канд.дисс.Т.,1969.
7. Muhammad ibn Muso Al Xorazmiy. Matematika, astronomiya, geografiya. T., Fan, 1983. 268-269-betlar;
8. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. М., Мысл, 1974. –с.230-232.
9. Кадырова Ш. М. Микротопонимы Ташкента. АКД. Т.,1970.-с.7-12.;
10. Hasanov H. Geografik nomlar siri. T.,O◎zbekiston, 1985. 101-bet;
11. Mirtojiyev M. M. Toshkent so‘zining ma’nosi // Sharq yulduzi. 2-son. 1981. 237-238-betlar.
12. Qorayev S. Toshkent toponimlari. T., Fan, 1991. 13-bet;

[28] Подольская Н.В.Словарь русской ономастической терминологии. М.,Наука,1977.; М.,Наука,1988.188 с.

13. Do‘simov Z., Egamov X. Joy nomlarining qisqacha izohli lug’ati. T., O‘qituvchi, 1977. 132-bet.
14. Devonaqulov A. Asrori nomhoi kishvar. Dushanbe, Irfon, 1989. 151-157-b.;
15. Mahmud Koshg’ariy. Devonu lug’otit turk. Uch tomlik. I t. T., Fan, 1960. 414-bet.
16. T.Enazarovning “O‘zbekiston toponimlari: lug’aviy asoslari va etimologik tadqiqi yo‘llari” (T.,2006) nomli DDaning 26-29-betlar.

ЯСАМА СЎЗНИ ЎРГАНИШНИНГ МОРФОЛОГИК БОСҚИЧИЛАРИ

Навоий давлат кончилик институти мустақил изланувчиси
Турсунов Акмал Раҳматуллаевич
Навоий давлат кончилик институти

Аннотация: *Ясама сўз таркибидаги маъно мустаҳкамловчи омил эканлиги бу олимларнинг тадқиқотларида белгилаб берилган.Тарихий ва ҳозирги замон морфологиясини ўрганиш бўйича ҳам жиддий тадқиқот юзага келганлиги айтилди. Маълумки, морфология аслида грамматик шакл ҳақидаги таълимот.*

Калит сўзлари: *лингвистика, олдин, турк тили,форма, тарихий ва ҳозирги замон.*

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ СЛОВООБРАЗОВАНИЯ

Навоийского государственного горного института
Турсунов Акмаль Рахматуллаевич

Аннотация: *Тот факт, что искусственная речь является укрепляющим фактором в содержании слова, был установлен в исследованиях этих ученых. Было сказано, что серьезные исследования были проведены по изучению исторической и современной морфологии. Хорошо известно, что морфология на самом деле является доктриной грамматической формы.*

Ключовая слова: *прогрессивная, в тюркских языках, форма, историческая и современная, семантическая.*

MORPHOLOGICAL STAGES OF RESEARCHING COMBINED WORDS

Independent researcher of Navoi State Mining Institute
Tursunov Akmal Rakhmatullaevich
Navoi State Mining Institute

Annotation: *The fact that combined speech is a reinforcing factor in the content of the word has been established in the studies of scholars. It has been said that serious research has been carried out on the study of historical and modern morphology. It is well known that morphology is actually a study of grammatical form.*

Ключовая слова: *linguistics, first of all, Turkish language, form, history and modernity.*

XX аср ўзбек тилшунослиги морфология соҳасининг тараққиётида йирик олим Саид Усмоновнинг хизмати алоҳида ўрин тутади. С.Усмонов 1953 йилда тилшунос Т.Иброҳимов раҳбарлигида “Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бу иш унинг морфологияга оид дастлабки жиддий иши эди. Шундан сўнг олимнинг морфологияга оид қатор иши нашр қилинди. “Сўз ва унинг морфологик структураси ҳақида” алоҳида қўлланма” (1957), “Бош келишик формасида такрорланган сўзнинг семантик ва грамматик хусусиятига доир” (1957), “Баъзи феъл формалари ҳақида” (1966), “Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши” (1963), “Тилларнинг морфологик классификацияси ва туркий тилларда агглютинация” (1963), “Сўз ясовчи аффиксоид” (1969), “Ўзбек тилида сўзнинг грамматик формалари” (1964), “Ҳозирги ўзбек тилида сўз формаларининг қўлланиш хусусияти ва тил типологияси масаласи” (1964), “Сўзнинг морфологик ва функционал анализи ҳақида” (1965) кабилар шулар жумласидан. [1]

С.Усмоновнинг умуман туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили морфологияси тараққиётини белгилаб беришдаги барча қараши, айниқса, унинг “Морфологические особенности слова в современном узбекском языке” (“Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик хусусияти”) фундаментал тадқиқотида ўз ифодасини топди. Бу иш докторлик илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқот эди. Ишнинг биринчи боби “Тилларнинг типологик классификацияси ва туркий тилларда агглютинация” деб номланган. С.Усмонов тилни морфологик жиҳатдан таснифлашга эътиборнинг Европа тилшунослигида XVIII аср охирида бошланганлигини қайд этиб, ака-ука Шлегел, кейинроқ Штейнталь, ниҳоят, Я.Гримм, А.Шлейхер, А.И.Томсон қарашида бу ҳолатга эътибор берилганини таъкидлайди. Тилни флектив ва агглютинатив тил тарзида икки гуруҳга ажратиш, флексия ҳамда агглютинациянинг ўзига хос жиҳати бўйича барча қарашни таҳлил этган тилшунос С.Усмонов “агглютинация” терминини тилшуносликка биринчи марта Лассен олиб кирган бўлса-да, бироқ агглютинация назариясини Ф.Бопп яратганлигини қайд этади. С.Усмонов агглютинацияга ёндашишда алоҳида йўналиш шаклланганлигига алоҳида эътибор қаратади. Чунки туркий тил морфологиясига оид тадқиқотни амалга оширишда бу масалага аниқлик киритилиши жуда муҳим эканлиги унга маълум эди. Агглютинациянинг муҳим хусусияти ҳақида Ф.Боппдан сўнг, биринчи йўналиш вакили В. фон Ҳумбольдт ўз қарашини баён қилиб, бу ҳодисанинг хусусиятини кўрсатиб берганлигини олим алоҳида қайд этади.

Иккинчи йўналиш вакили сифатида С.Усмонов Фердинад де Соссюрни белгилайди. Фердинад де Соссюрнинг агглютинацияга хос уч хусусиятни кўрсатиб берганлигини қайд этади. Олим агглютинацияни ўзакка кетма-кет (ёки асосга), бир занжирга боғланишнинг аъзоси, қисми тарзида қўшимчанинг қўшилиб келиши, шу асосда грамматик маънонинг ифодаланиши тарзида баҳоланган учинчи йўналиш вакилларига алоҳида эътибор қаратиб, А.Шлейхер, В.А.Богородский, В.В.Радлов каби олим қарашларига ўз муносабатини билдиради.

С.Усмонов сўзнинг грамматик шаклига алоҳида эътибор қаратди. Маълумки, морфология аслида грамматик шакл ҳақидаги таълимот. Сўз шакл, грамматик шакл;

синтетик ва аналитик шакл ҳақида муҳим фикр айтган олим грамматик маъно ва функция бўйича сўз шакл кўринишини белгилайди.

XX аср ўзбек тилшунослигининг морфология соҳасида В.В.Решетов, Е.Д.Поливанов, А.Н.Кононов, С.Н.Иванов, А.М.Шчербакнинг асари илмий-амалий ҳамда методик асос вазифасини ўтайди. Бу борада, албатта, В.В.Решетовнинг "Ўзбек тили фонетикаси ва грамматикаси асоси" (1960) китобининг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаш зарур.

50- йилларда О.Қосимхўжаева, Б.Мадвалиев, А.Хўжаев, З.Маърупов, С.Фердаус, С.Фузаилов, А.Сулаймонов каби олим ўзбек тилшунослиги морфология соҳаси тараққиётига катта ҳисса қўшган бўлса, 60-йилларга келиб, А.Ғуломов, А.Боровков каби олим билан ҳамкорлик қилган машҳур турколог А.Н.Кононов бу соҳада катта иш қилди.

Туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб сўз ясалишининг асосий масалалари бўйича муҳим тадқиқотлар орасида А.Ғ.Ғуломовнинг асарлари ўзининг теран фикрлари, янги илмий хулосаларга бойлиги билан ажралиб туради. Жаҳон тилшунослигида қўлга киритилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда, бой илмий тарихий манбаларимиз, бадиий асарлар, халқ оғзаки ижоди ва шева далилларини ўзига хос илмий услуб ва тафаккур, заковат билан тадқиқ этган олим умумтилшунослик ривожига улкан ҳисса қўшганлиги кейинги йиллардагина эътироф этилмоқда. Бу эътироф тилшуносликнинг бошқа соҳалари қатори тўлиқ маънода сўз ясалиши соҳасига ҳам тааллуқлидир. [2]

Қиёсий-тарихий тилшунослик тизимида сўз ва шакл ясалишининг муҳим масалаларини ривожлантирган ва янги йўналишлар очган И.А.Бодуэн де Куртэне, Н.В.Крушевский, М.М.Покровский, А.А.Потебня каби олимларнинг ишларида ясовчи ва ясалмалик муносабати, ясама сўздаги шакл ва мазмун муносабати атрофлича ўрганилган. Ясама сўз таркибидаги маъно мустаҳкамловчи омил эканлиги бу олимларнинг тадқиқотларида белгилаб берилган. Айни ҳодисага нисбатан "анология" (И.А.Бодуэн де Куртэне) "соддаланиш", "морфологик қайта бўлиниш" (А.А.Потебня) каби атамалар хосланган. А.Ғ.Ғуломов бу хил ҳолатларга нисбатан қуйидагича баҳо беради: "сўзнинг маъноси унинг таркибидаги қисмларнинг семантик хусусияти билан боғлиқ" деган фикр ҳамма вақт ҳам шу қисмларнинг маъноси йиғилиб, ўша сўзнинг маъносини ҳосил қилади, шунга тенг бўлади, деган мазмунни англата бермайди". Масалан, сувоқ, сувоқчи, сувоқчилик каби ҳолатларда ясалманинг маъноси қисмларининг маъносидан туғилса, андаваламоқ сўзининг "хаспўшламоқ" маъноси сўз қисмлардан англашилган маънодан бошқачароқ кўринишни олган.

Сўз ясалиши, олимнинг фикрича, "бир вақтлилик" (синхроник) муносабатга таянади, "ҳар вақтлилик" (диахрония) эса даврлар бўйича ўзгариш, тараққиётини тушунтиришда ишлатиладиган тамойиллар мажмуидан иборат: "Ҳар қандай ясалма (ҳосил қилинган – ясалиб чиққан элемент) дастлабки ("бирламчи") эмас, балки кейинги (иккиламчи) ҳодисадир: у бошқа бир ҳодисага тобе (маъно ва бошқа жиҳатлардан), унинг семантик ва структурал хусусиятлари ўша дастлабки ҳодиса

орқали аниқланади. Сўз ясалиши таҳлилида тарихий, диахроник фактлар зарур бўлиб қолган ўринларидагина, қиёс учун келтирилади, ҳисобга олинади, лекин асосга олинмайди. А.Ғ.Ғуломовнинг ишларида умумий тилшуносликдаги "тилнинг ички формаси (шакли)" (В. фон Гумбольдт), "сўзнинг ички формаси (шакли)" (А.А.Потебня) ҳодисаларига ҳам муносабат билдирилиб, ясама сўзнинг пайдо бўлиш сабаблари, унинг мотивация асослари қайд этилади: "Янги сўз ҳаётнинг талаби билан туғилади. Бу талаб –жамиятнинг шу билан алоқадор ҳолда онгнинг тараққиётига боғлиқ... у ҳамма янгиликларнинг, динамиканинг, ҳамма ўзгаришларнинг туғилиш манбаидир". [3]

Бу сўз ясалишининг социолингвистик, прагматик томонини кўрсатадиган асосий белгилардан ҳисобланади. Ясама сўзлар онда-сонда, мантиқий-лисоний асосланган бўлиб, бу асосланиш маълум йўл-усул, воситаларига таянади. Шу сабабдан, А.Ғ.Ғуломов "сўз ясаш моделлари" тушунчасини қўллайди: сўз ясаш моделлари, умуман ҳосил қилиш, яратиш схемаси-андозаси маъносидаги умумлашган, абстракт ҳодисадир. Бунинг айрим хусусиятлари: 1) ясалиш модели бир хил бўлмаган сўзлар структура ва маъно томонидан ўхшаш бўлади; 2) сўз ясаш моделларининг унумли ё унумсиз бўлиши структурадаги моделнинг янги ясалма ҳосил қилиш ё ҳосил қилмаслигидандир: сўзнинг ясалиш структурасини аниқлаш билан умумлаштириш натижасида сўз ясалиш моделлари белгиланади, бу моделлар тилнинг сўз ясалиш системасини ташкил қилади".

Тарихий ва ҳозирги замон морфологиясини ўрганиш бўйича ҳам жиддий тадқиқот юзага келганлиги айтилди. Бундан ташқари, Европа ва жаҳон тилшунослигида, йирик тадқиқот қилиниб, унинг барча ютуғи ўзбек тилшунослигига татбиқ этила бошлади.

Н.А.Баскаков, А.Н.Кононов, С.Н.Иванов каби йирик олимнинг ўзбек тилшунослари билан учрашувлари, мулоқоти натижаси сифатида ҳам морфологиянинг жиддий тадқиқотчиси сафи Ф.Камолов, Т.Ибрагимов, С.Усмонов, А.Ғуломов каби қатор олим билан кенгайди. А.Ҳожиев, М.Содиқова, Р.Қўнғуров, И.Қўчқортоев, А.Ҳ.Сулаймонов ("Ҳозирги ўзбек адабий тилидан сўнг кўмакчилар"), Ғ.Абдураҳмонов ("Ҳозирги ўзбек адабий тилида субстантивация"), Ж.Мухторов ("Ҳозирги ўзбек тилида боғловчилар"), Б.Ўринбоев ("Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория"), Т.Хўжаев ("Ҳозирги ўзбек адабий тилида феълнинг буйруқ майли"), А.Абдуазизов, И.Расулов, Х.Комилова, А.Мадғозиев, К.Назаров каби йирик тадқиқотчи, морфология соҳасининг жонкуяри улар сафидан ўрин олган бўлса, айнан 70-йиллар бошидан М.Аъламова, М.Наримонова, М.Жўрабоева, Ё.Тожиев, А.Бердиалиев, Т.Мирзақулов, С.Махматқулов, С.Султонсаидова каби кўплаб олим морфология соҳасидаги жиддий илмий изланишни улар сафида туриб бошлаб юборди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Усмонов С Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. Тошкент 2010 й

2. Усмонов С. Сўзнинг морфематик ва функционал анализи ҳақида//Ўзбек тили ва адабиёти. 1965,1.

3. Усмонов С. Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши //Низомий номидаги ТДПИ Илмий асарлари, 42-том, I-китоб. - Тошкент, 1963.
4. Усмонов С. Сўз ва унинг морфологик структураси ҳақида қўлланма Тошкент, 1957., 43
5. Севортян Э.В. Аффиксы глаголообразованияв азарбайджанском языке – М., 1962.

ПАРЕМИОЛОГИЯНИНГ ТИЛ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Мирзаева Дилшода Икромжоновна,
ФарДУ ўқитувчиси

Аннотация: Мақола тил воситаларини таҳлил қилишда, нафақат шахснинг, балки тўлиқ этноснинг этник-маданий хусусиятлари ва маданий муносабатларини акс эттиришда энг типик ғояларни, стереотипларни аниқлашга бағишланган.

Таянч сўз ва иборалар: мақоллар, лингвокультурология, маданият, прагматика, матн.

РОЛЬ ПАРЕМИОЛОГИИ В ЯЗЫКОВОЙ СИСТЕМЕ

THE ROLE OF PAREMIOLOGY IN THE LANGUAGE SYSTEM

Мирзаева Дилшода Икромжоновна,
преподаватель ФарГУ

Аннотация: Статья посвящена выявлению наиболее типичных идей, стереотипов, анализу языковых инструментов, отражению не только личности, но и этнокультурных особенностей и культурных установок всей этнической принадлежности.

Опорные слова и выражения: пословица, лингвокультурология, культурема, прагматика, контекст.

THE ROLE OF PAREMIOLOGY IN THE LANGUAGE SYSTEM

Mirzaeva Dilshoda Ikromjonovna,
FarSU teacher

Annotation: The article is devoted to the identification of the most typical ideas, stereotypes, analysis of language tools, reflection of not only personality, but also ethno-cultural characteristics and cultural attitudes of all ethnicity.

Key words and expressions: proverb, linguoculturology, culture, pragmatics, context.

Бутун XX аср давомида тилшуносликда етакчи ўринни фразеологизм эгаллаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Турли тилшунос олимлар томонидан

паремиологиянинг ўрни турлича аниқланган, бу уларнинг фразеологизм деганда нимани тушунишига ва фразеологиянинг ҳажмига боғлиқ бўлган. Фан сифатида паремиологиянинг асосчиси сифатида, ўзининг расмий таркибий таснифини таклиф қилган Ф.В.Вандера юритилади. У мақолларни маталлардан, ҳикматли сўзлардан, умумий тан олинган ҳақиқатлардан ва турли хил шиорлардан ажратган, у маталларни мақоллардан фарқли ўлароқ, тилнинг лексик таркибининг ажралмас қисми деб ҳисоблаган. XX аср давомида паремиологиялар тарихий-маданий, адабий жиҳатдан кўриб чиқилган. Улар диалектология, фолклор ва бундан ташқари тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган, асосан паремиология тузилиши таҳлил қилинган, бу бирликларнинг семантикаси эса олимлар эътиборидан четда қолган. Баъзи немис паремиология тадқиқотчилари, Ф.В.Вандердан кейин, мақолларни бошқа шунга “ўхшаш” мажозий иборалардан, биринчи навбатда маталлардан саралаб олиш билан шуғулланган. Масалан Ф.Зайлер ўзининг "Deutsche Sprichwörterkunde" асарида мақол ва маталларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро бир-бирига ўтиши муаммосини, шунингдек, "ҳали метафора" ва "аллақачон мақол" ўртасидаги чегара муаммосини муҳокама қилган. Аммо бу саволларга аниқ жавоб бугунги кунда ҳам тўлиқ ўз исботини топганича йўқ. Ф.Зайлернинг ушбу асари ҳақли равишда немис тилшунослигидаги паремиология муаммосига бағишланган энг эътиборли тадқиқотлардан бири деб ҳисобланади. Олим нафақат мақолларни тузилиш ва семантикасини таҳлил қилди, балки бошқа турғун иборалар ва сўз бирикмаларни ҳам, уларнинг тилда пайдо бўлиш манбаларини аниқлади. Унинг асарининг мазмуни фақат бой эмпирик маълумотдан иборат эмас. У назарий тадқиқотларни ва биринчи навбатда - мақолларнинг таркибини ҳар томонлама таҳлилини ўз ичига олган. Ф. Саилер ушбу лингвистик ҳодисага хос бўлган ифода воситаларини ёритиб берди, мақолга классик таъриф берди, ва этимология муаммоси билан шуғулланди. Х.Х.Годхард, М.А.Варганинг " Introduction to Paremiology: A Comprehensive Guide to Proverb Studies ", В.А. Маслованинг "Introduction to linguoculturology", Р.Клаппенбахнинг "FesteVerbindungen in der DeutschenGegenwartssprache" асарлари паремиология билан боғлиқ мавзуларга бағишланган. Д.А.Крюснинг "Lexical Semantics", К.Клостанинг "Das Sprichwort in der überregionalen Tagespresse” ва бошқа тадқиқотлар паремиологияларни нутқда қўллашга бағишланган. Бугунги кунда паремиологияларга фақат кундалик ҳаётда ишлатилган ҳодиса сифатида қаралмаяпти. Паремиологиялардан матбуотда фаол фойдаланиляпти, тез-тез интернетда учраяпти. Баъзи тилшуносларнинг фикрига кўра (масалан, Р.Баур, К.Клост), мақолларни этно-лингвистик-маданий жиҳатдан кўриб чиқишда, уларнинг семантикасини ўрганишга бағишланган ишларда камчиликлар сезилади.

Замонавий паремиология доирасида мақоллар минимумини тавсифлаш ва саралаб олиш зарур ҳисобланади, бунда этник гуруҳнинг кўпгина вакилларига маълум бўлган паремиологиялар тўплами тушунилади (95% дан кам эмас). Шунингдек, маданий, иқтисодий, сиёсий омилларнинг таъсирида ўз лексик таркибини ўзгартирган паремиологияларни кўриб чиқиш эътиборга лойиқ. Шундай қилиб, ҳозирда паремиологияларни ўрганишдаги асосий муаммоларга ўзбек, рус ва хорижий тилшуносларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида объектив мезонлар асосида ечим топмоқда, гарчи кўплаб масалалар ҳали ҳам янги ва аниқ жавобларни талаб қилади. Ушбу муаммолар айниқса инглиз тилшунослиги олдида кескин, чунки унда паремиология ва фразеология назарияси ҳали тўлиқ шаклланмаган ва кўплаб бўшлиқларга эга. Бизнинг мақоламиз тил воситаларини таҳлил қилишда, нафақат шахснинг, балки тўлиқ этноснинг этник-маданий хусусиятлари ва маданий муносабатларини акс эттиришда типик ғояларни, стереотипларни аниқлашга бағишланган. Албатта, лексикографик доирада маданий ҳолатнинг ўзгариши натижасида бир қатор паремиологиялар бизни қизиқтирадиган мавзуда "шартли акс эттирувчилар" сифатида қабул қилиниши мумкин, аммо шунга қарамай, айнан шу "тил бирликларида" маданиятнинг концептуал ва образли таркибий қисми яширинган. Испан тилшуноси Х. Касареснинг сўзларига кўра, мақолларни ўрганиш (у испан тилшунослиги анъаналарига кўра "модизм" деб атайди) - бу фавқулотда муаммодир, чунки "ҳар бир дунёга келган янги авлод аввалгиларига қараганда, ўтмиш тўлқинларини нисбатан кам ҳис қилади, бу вақтинчалик бўлади ва тез унутилади", бу ҳар биримизни ва маданиятимизни кучсизлантиради, ахир мақолларда "йўқолиб бораётган урф-одатлар, нотўғри хурофотлар, маросимлар, халқ ўйинлари; тўлиқ психология, тўлалигича шахсий ва жамоат ҳаёти, аждодларимизнинг чексиз тарихи, авлоддан- авлодга эллиптик формулаларда ўчмас из қолдирган". Ярим аср аввал айтилган бу фикр, бугунги кунда - умумий урбанизация даврида, тобора тезлашиб бораётган технологик тараққиёт, маданиятларнинг глобал миқёсда бирлашиши (интеграциялашуви)га қарамай, марказида инсон: унинг психологияси, тили ва маданияти бўлган антропоцентрик парадигмага қаратилган тадқиқот янада долзарб ва муҳим.

В.Н.Телиянинг ўз изоҳига кўра, фразеологиянинг ҳажми, ва ўз ўрнида, тил тизимида паремиологияларнинг аҳамияти турли олимлар томонидан танланган фразеологик мезонларга қараб белгиланади. Тилшуносликнинг замонавий ривожланиш босқичида фразеологиянинг ҳажмини кенг ва тор тушунишга ажратилади. Фразеологиянинг ҳажми деганда, биз В.Н.Телияга эргашиб, "маълум хусусиятлар ва улар ўртасидаги алоқалар асосида гуруҳланган аралаш тўпламларнинг, тез-тез такрорланадиган барча бирикмаларини" тушунамиз [1:59].

Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, фразеологиянинг кенг ҳажми ҳозирда фанда устунлик қилмоқда (масалан, Г.С. Голеванинг сўзларига кўра), улар нафақат фразеологик бирикманинг "ядроси"ни, яъни сўз бирикма хусусиятларини ўз ичига олган фразеологик бирикмалар - идиомалар ва фразеологик бирикмалар билан бир қаторда, гап тузилишига эга фразеологик бирликлар - паремиологиялар, нутқ штамплари, турли хил эпик қолип ва кўчма маъноли ибораларни ўз ичига олади. Ушбу турдаги барча бирликлар бир нечта мезонларга мувофиқ бирлаштирилган: улар бир нечта сўзлардан иборат ва нутқда тайёр ҳолда ифодаланади, уларнинг барчаси она тилида сўзлашувчилар хотирасидан олинади. Бундан ташқари, фразеологик бирликларнинг семантикасида иккита маъно бирлаштирилган - тўғридан-тўғри ва мажозий "дастлаб аниқ тасвирловчи контент, сўзларнинг генетик жиҳатдан эркин бирикмаси ва якуний яхлит маъно. Она (ўз) тилида сўзлашувчилар томонидан ушбу икки маъно мураккаб, бой ва мажозий бирлик сифатида қабул қилинади. " [2:136].

Бизнинг фикримизча, фразеологик бирликлар ва эркин сўз бирикма гапларни бир – биридан ажратувчи энг муҳим мезонлардир. Ушбу мезонга жавоб берадиган энг ёрқин фразеологик бирликлар - идиомлар, фразеологик бирикмалар ва мақоллар дейилади. "Фразеологик бирлик" атамасини фанга, маълумки, рус тилшуноси академик В.В.Виноградов олиб кирган ва у бу тушунчани мақолларга ҳам, уларни сўзлашувчи хохишига қарамай нутқда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган "тайёр" тил бирликлари (бошқа фразеологик ибораларбилан бир қаторда) ўзгармас бирикмалар дея боғлаган.

В.В.Виноградов фикрига кўра, мақоллар фразеологик бирликларнинг тўртта асосий мезонларига жавоб беради: кўчма мажозий маъно, ифодали (экспрессив) бутунлик, фразеологик ибораниг тўлиқ семантик ўзаро алмашиниши, унинг индивидуал таркибий қисмларини эмас, бирликдаги сўзларнинг алоҳида тарзда синонимик алмаштиришнинг иложиси йўқлиги. Аммо, баъзи ҳолларда компонентларни алмаштириш мумкин. Паремиологияларни фразеологик тил қатламининг ажралмас қисми деб атайдиган тадқиқотчилар, фразеологизмни нутқда тайёр (ўзгармас) ҳолда ифодаланишини асосий белгиси деб ҳисоблайдилар ва бу семантик ва тузилиш жиҳатдан гап ва ибораларни ҳам ўз ичига олади (А.А.Потебня, И.И.Срезневский, И.М.Вулфиус, Н.И.Амосова, Н.М.Шанский, Д.О. Доброволский, С.Г.Воркачев ва бошқалар). А.А.Потебня мақолларни (шунингдек, маталлар, масаллар ва бошқалар) ва уларни мазмунини "инсон ҳаётидан олинган ўзгарувчан воқеаларга доимий (ўзгармас) ибораларбилан" деб фикр билдирган"[3:12]. Баъзи тилшунослар барча мақолларни битта фразеологик категорияга киритишни мувофиқ эмас деб санашади, сабаби, улар семантик ва синтактик тузилишига кўра фразеологик мавҳумлик жиҳатдан фарқланади. А.В.Кунин фақат тўғридан-тўғри

маъносидан ташқари, мажозий маънога эга мақолларни фразеологик бирликларга киритишни таклиф қилади [4:197]. В.А.Архангелский паремиологияларнинг семантик ва расмий хусусиятларини таҳлил қилиш асосида, уларнинг кўплари "фразеологик бирикма тоифасига" киради, чунки улар фразеологик бирликларга қўйилган барча талабларга жавоб беради деб хулоса қилган [5:194].

Бир қатор тадқиқотчилар паремиологияларни фразеология доирасида кўриб чиқишнинг ҳар қандай имкониятини рад этишади. Баъзилар (масалан, И.А.Филипповская) буни, мақолни – халқ бадиий ижодиётининг асари, фразеологизмларни эса-тил тараққиёти маҳсулидир деб тушунтиради. Аммо бу фараз замонавий тилшуносликда етарли даражада ўз тасдиғини топмаган. Бошқалар, мақоллар, фразеологизмлар (биринчи навбатда, идиомалар) ва қисмларга (синтактик ва семантик жиҳатдан) бўлинадиган гапларни таққослаганда, мақолларни, фразеологик бирликлар билан тайёр ҳолда ифодаланишидан ташқари, гаплар билан умумий хусусиятлари кўп деган хулосага келади [6:29].

О.С.Ахманова бирликларнинг фразеологик таркибга кириши учун асосий мезон - бу уларнинг воқелик билан ўзаро боғлиқлик хусусиятидир "берилган бирликнинг тўлиқлиги" деб ҳисоблайди [7:169]. Баъзи олимлар бу ҳолда структуравий бир хиллик тамойилига амал қилади.

Фразеологияга оид энг кўзга кўринган, фундаментал ишлардан бири В.Н.Телиянинг "Рус фразеологияси" номли асари бўлиб, унда фразеологиянинг ҳажми ва паремиологияларнинг тил тизимидаги ўрни ҳақида гап кетади. Ушбу асарда паремиологиялар халқ донишмандлигини, унинг дунёсининг қадрли тасвирини акс эттирувчи халқ ижодиёти асарлари сифатида аниқланади. Аммо бирликларнинг шунга ўхшаш лингвистик ҳолатини “фразеологиянинг кенг маъносига” киритиш “ноаниқ ва шартли” бўлиб қолмоқда. В.Н.Телия мақолларнинг икки маънолилигини – интралингуал (тил ичидаги) қонунлар натижаси эмас, балки бу фақат жанрнинг шарти, мақолнинг моҳияти, тўғридан-тўғри маънога нисбатан идиоматиклик деб тушунтирган. Аммо В.Н.Телия “худди шу ишонч билан топишмоқларни, афсунларни, маросимга оид сўзларни, урф-одатларни ва бошқа фолклор бирликларнинг идиоматиклиги ҳақида гапириш мумкин" деб таъкидлаган. Мақолларнинг ифодаланиши ушбу асарда халқнинг бирор бир қадриятига нисбатан фикрини ўзига хос тарзда иқтибос қилиш дейилган. Шу билан бирга қайд этилишича, паремиологиялар ифодаланиши тил бирликлари сифатида эмас: балки уларнинг аҳамияти фолклор муҳитида шаклланади, уларга хос ва хос бўлмаган белгилари (денотациялари) дунё учун эмас, қадриятлар тизимига қўшиш учун сабабдир. [1:73-74].

Шундай қилиб, фразеологиялар ҳажмининг муаммоси ҳақида хулоса қилганда, мақолларни унинг энг самарали идиоматик манбани ифодалашига

қарамай фақат уларнинг кенг маъносида фразеологияга киритиш мумкин. В.Н.Телиянинг фикрига қўшилиб, биз мақолларни – фразеологик бирликларга ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга, тилшуносликнинг алоҳида бўлими – паремиологияда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлган, мутлақо муҳим махсус тоифа деб тасдиқлаймиз.

Адабиётлар

1.Телия В.Н. Phraseology in the context of culture. Languages of Russian culture. Moscow, 1999. P. 17-20, 288 c.

2.Голева Г.С. Персидская фразеология (лингвокультурологический аспект) //Вопросы языкознания.- 1997.- № 5.- С. 135-141.

3.Потебня А.А. Из лекций по теории словесности: Басня. Пословица. Харьков: Тип. К. Счастии, 1914.-162 с.

4.Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. Опыт систематизированного опиания.- М.: Международные отношения, 1972.- 288с.

5.Архангелский В.А. Устойчивые фразы в современном русском языке-Ростов н/Д; Из-во Ростовского университета, 1964,-194с.

6.Ожегов С.И. О структуре фразеологии //Лексикографический сборник.- Вып. 2.- М., 1957.- С 29-46.

7.Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.-М.,Советская энциклопедия, 1966.- 608 с.

13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

УДК-21474

6G SIMSIZ ALOQA TIZIMLARI: TALABLAR, TEXNOLOGIYALAR, YO'NALISHLAR MUAMMOLAR VA TADQIQOTLAR.

Kodirov Elmurod Solijon o'g'li, TATUFF assistenti,
Umarov Xusniddin Turdali o'g'li, TATUFF talabasi,

Annotatsiya: *Ushbu maqolada 6G texnologiyasining kelajakda samarali qo'llash usullari bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan. Shu turidagi texnologiya yordamida IoT vositalari bilan katta yutuqlarga erishish mumkinligi bo'yicha xulosalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *LTE va 4G, 802.11ax, WAN, Apple iPhone, IoT vositalari.*

БЕСПРОВОДНЫЕ СИСТЕМЫ 6G: ТРЕБОВАНИЯ, ТЕХНОЛОГИИ, ЗАДАЧИ, НАПРАВЛЕНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЯ.

Кодиров Элмурод Солижон ўғли, ассистент ФФ ТУИТ,
Умаров Хусниддин Турдали ўғли, студент ФФ ТУИТ

Аннотация*: Эта статья содержит советы о том, как использовать 6G в будущем. Сделаны выводы, что этот тип технологии может достичь больших успехов с помощью инструментов IoT.*

Ключевые слова: *LTE и 4G, 802.11ax, WAN, Apple iPhone, устройства IoT.*

6G WIRELESS SYSTEMS: REQUIREMENTS, TECHNOLOGIES, DIRECTIONS PROBLEMS AND RESEARCH.

Kodirov Elmurod Solijon og'li, assistant, Ferghana branch of TUIT,
Umarov Xusniddin Turdali o'g'li, student, Ferghana branch of TUIT,

Annotation: *This article provides tips on how to use 6G in the future. Conclusions have been drawn that this type of technology can achieve great success with IoT tools.*

Keywords: *LTE and 4G, 802.11ax, WAN, Apple iPhone, IoT devices.*

Wi-Fi texnologiyasining navbatdagi katta to'lqini, 802.11ax, kelgusi yillar davomida korxona miqyosida odatiy holga aylanadi, xuddi Wi-Fi ekvivalenti ishlab chiqaruvchilarining marketing guruhlari bunga ishonishadi. Soha mutaxassislarining ta'kidlashicha, Wi-Fi tarmog'iga ega bo'lgan korxona inqilobiy o'zgarishlarining eng aniq bashoratlari 2020 yilga nisbatan hali ham biroz uzoqroq davom etmoqda.

Gap shundaki, 802.11ax Wi-Fi 6 markali ulanish nuqtalari doimiy ravishda korxona joylashuviga o'tadigan bo'lsa, keng Wi-Fi ekotizimi yangi standartga bir necha yil davomida ustunlik qilmaydi. 802.11ax-ni tarqatish 802.11ac-ni tarqatishda va haqiqatan ham oldingi Wi-Fi standartlarining ko'pida bir xil bo'ladi. Eng tez-tez uchraydigan senariy - yangi texnologiyani sinovdan o'tkazib, keyin uni ishlab chiqarishni kutayotgan korxonalar faoliyat yurityapdi.

Yaqin kelajakda 802.11ax kirish nuqtalarini o'rnatadigan korxonalar ish samaradorligini oshiradi - tizimning MU-MIMO antenna texnologiyasi Wi-Fi standartining oldingi versiyalariga qaraganda ancha rivojlangan va ko'p sonli yuqori zichlikli muhitlarga yaxshiroq mos keladi. Bir vaqtning o'zida ulanish amalga oshirishdan iborat. Biroq, ushbu o'sish 802.11ax tugash nuqtalari, ya'ni telefonlar, planshetlar, kompyuterlar va IoT sensorlari va tibbiy asboblar singari ixtisoslashgan qurilmalar bilan bir vaqtda paydo bo'ladigan narsalarga nisbatan kichikroq bo'ladi.

Wi-Fi 6 bu boshqa Wi-Fi

5G texnologiyasi butun dunyo bo‘ylab asta sekinlik bilan rivojlanib borayotgan bir vaqtda allaqachon 6G fundamentini yaratish boshlab yuborildi. Uning asosiy ustunligi, inson miyasi darajasida fikrlovchi sun’iy intellektlar bilan kontaktsiz aloqaga kirishish va boshqa aqlbovar qilmas funksiyalarni ishlatish imkonini yaratadi. Ayni damda 6G tarmog‘i ustida to‘qqizta yirik universitetlardan tashkil topgan ComSenTer birlashmasi ter to‘kmoqda. Birlashma ilmiy ishlari chastotasi 140 GGs, 220 GGs va 340 GGs bo‘lgan birinchi test rejimidagi baza stansiyalarini ishga tushirish imkonini yaratishi ko‘zda tutilgan. 6G tufayli barcha murakkab hisob-kitoblarni bajarish vazifasi inson miyasi kabi fikrlovchi sun’iy intellekt zimmasiga o‘tadi. Taxminan 2036 yilga kelib, bunday vazifani bajaruvchi kompyuterni 1000 dollardan sotib olish mumkin bo‘ladi. 6G standarti ushbu klassdagi qurilmalarni istalgan nuqtadan boshqarish imkonini beradi. Shuningdek, yangi tarmoq tufayli tunda sifatli suratga oluvchi millimetrlik kameralar, yirik chastotali radarlar, personal tekshirish uchun teragersli skanerlar va boshqa yuksak innovatsion texnologiyalar paydo bo‘lishi mumkin.

Wi-Fi 6 O'rta chastotali bo'linma ko'p martali kirish (OFDMA), 1024-QAM (kvadrat amplituda modulyatsiyasi) kodlash va Wi-Fi tez va kamroq tig'iz bo'ladigan maqsadli uyg'onish vaqti (TWT) kabi funktsiyalar bilan to'ldirilgan. Ushbu aksessuarlarning ko'pi LTE va 4G dunyosidan kelib chiqqan bo'lib, ular ilgari ushbu muammolarni hal qilganlar. Ushbu yangi xususiyatlar yaxshiroq mobil aloqa tajribasini va batareyaning uzoq umrini

olib keladi va ilgari Wi-Fi-da amalga oshirib bo'lmaydigan keng ko'lamli dasturlar eshigini ochadi. Masalan, endi me'mor uyni namoyish qilish uchun Wi-Fi orqali virtual haqiqatdan (VR) foydalanishi mumkin.

Afsuski, bu hali ham ma'lum bir yo'ldir va Matiasning ta'kidlashicha, 802.11ax uchun har doimgidek bo'lishga besh yil vaqt ketadi. Qurilmalarning zamonaviy Wi-Fi standartlariga mos kelishiga ishonch hosil qilish kelajakda hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'ladi, ammo bu tibbiyot kabi yuqorida sanab o'tilgan ba'zi ixtisoslashtirilgan so'nggi nuqtalardan foydalanadigan maydonlardan tashqarida juda ko'p asbob almashtirishni talab qiladigan jiddiy muammo bo'lmasligi kerak. Sog'liqni saqlash, og'ir sanoat va kommunal xizmatlarning barchasi kutilgan o'rtacha umr ko'rish muddatidan ancha uzoq umr ko'rishadi, demak, ularning ba'zilari 802.11ac darajasida bo'lishi mumkin.

Bu xavfsizlik va o'tkazish qobiliyati jihatidan yomon, ammo Stealth Communications kompaniyasi bosh direktori Shrihari Panditning so'zlariga ko'ra, Nyu-Yorkda joylashgan 802.11ax kirish Internet-markazlari, ularni qo'llab-quvvatlaydigan texnologiyalar tufayli ushbu parametrlarda ustunlikni saqlab qolishlari mumkin. MIMO va beamformatsiya hali ham ishlash yaxshilanishini anglatadi, chunki ular bir nechta ulanishlarni muammosiz bajaradilar.

Muhim nuqta shundaki, ba'zi 802.11 versiyalaridagi **n, g** va hatto **b** versiyalaridagi ba'zi ulangan qurilmalar yangi standartning ko'plab texnologik yangilanishlaridan foydalana olmaydilar. Berilgan tarmoq mutlaqo bir-biriga mos kelishiga ishonch hosil qilish IT-xodimlar uchun eskirgan uzatish tarmoqlarida ishlash samaradorligini oshirishni ko'zlaydigan asosiy masala bo'ladi.

Panditning so'zlariga ko'ra, texnologik kompaniyalar kabi ma'lumotlarga ega mijozlar tobora ko'proq 802.11ax-ga ushbu sozlashlarni simlarni almashtirish vazifasini bajarishga kirishmoqda. "Biz bu erda xizmat ko'rsatadigan ko'plab texnologik kompaniyalar, ularning ba'zilari simlarni ishlatmasdan gigabit ko'rsatkichlaridan foydalanishlari uchun Wi-Fi 6-ni istaydilar", dedi u [1].

Wi-Fi 6 yoki 802.11ax orqali bo'ladimi, Wi-Fi texnologiyasining yangi avlodi ilgari Wi-Fi standartlariga qaraganda biroz boshqacha sotilishi mumkin, Tezroq ulanishni ta'minlaydigan yangi Wi-Fi standartining mavjudligi va 802.11ax imkon beradigan yangi funktsiyalarni, shu jumladan, IoT qurilmalarini yaxshiroq boshqarish va AI / mashina o'rganish tizimlari bilan integratsiyalashuvni ta'minlash haqida ko'proq ma'lumot kerak xisobanadi. Yaxshiyamki, yuqori darajadagi Wi-Fi uskunalari narxlari tarmoqning amaldagi yuqori qismiga nisbatan deyarli o'zgarmasligi kerak, bu deyarli har qanday tashkilot uchun kommutatsiya uchun byudjet tuzishni osonlashtiradi.

Korxonalarda 5G imkoniyatlari

Korxona foydalanuvchilari uchun 5G-ning va'dasi pastroq kechikish bilan yuqori tezlikda ulanishdir. Uyali aloqa texnologiyasi litsenziyalangan spektrdan foydalanadi, bu asosan litsenziyasiz Wi-Fi spektri bilan yuzaga kelishi mumkin bo'lgan shovqinlarni yo'q qiladi. Hozirgi 4G LTE texnologiyalari singari, 5G ham uyali simsiz aloqa operatorlari tomonidan ta'minlanishi yoki xususiy tarmoq sifatida qurilishi mumkin.

5G uchun arxitektura boshqa ko'plab radio kirish nuqtalarini talab qiladi va ular uy sharoitida yomon yoki ulanishdan aziyat chekishi mumkin. Shunday qilib, odatiy

tashkilot o'zining 4G va potentsial 5G xizmatini shaxsiy kompyuterlari, yo'riqnoma va boshqa qurilmalar uchun baholashi kerak. Ichki mikroelementlar, takrorlash uskunalari va tarqatilgan antennalarni joylashtirish 5G xizmatining ichki muammolarini hal qilishga yordam beradi. 4G kabi, eng yaxshi korxona 5G foydalanish holati jamoat xavfsizligi transport vositalari va tog'-kon, neft va gaz qazib olish, transport, dehqonchilik va ba'zi ishlab chiqarish kabi muhitlarda chinakam mobil aloqaga mo'ljallangan. Qo'shimcha ravishda, 5G roumingda autentifikatsiya va joylashish tezligi nuqtai nazaridan pop-up ofisiga yoki chakana saytga WAN ulanishini ta'minlash uchun kerak bo'lishi mumkin. 5G jonli video kabi ma'lumotlarning tiqilib qolishi holatlarida trafikni tushirish imkoniyatiga ega bo'ladi. 5G standartlari etuk bo'lib borgan sari, texnologiya kam quvvatli IoT ulanish imkoniyatlarini yaxshilaydi. Keyingi to'rt-besh yil ichida 5G asta-sekin yirik shaharlarda va o'ziga xos geografiyada boshlanadi. 4G texnologiyasi bir necha yillar davomida keng tarqalgan. Korxona foydalanuvchilari 5G xizmatlariga ulanish uchun yangi qurilmalar, dongle va marshrutizatorlarga muhtoj bo'ladi. Masalan, Apple iPhonelari 2020 yilgacha 5G ni qo'llab-quvvatlamasligi kutilmoqda va 5G-ga ulanish uchun IoT qurilmalariga ma'lum uyali moslik kerak bo'ladi. Doyle Tadqiqot, 5G tomonidan va'da qilingan 1Gb / s va undan yuqori o'tkazish qobiliyati SD-WAN bozoriga sezilarli ta'sir qiladi. 4G LTE allaqachon uyali aloqa xizmatlariga WAN-ning birlamchi bo'g'ini bo'lib xizmat qiladi. 5G MPLS yoki Internet kabi WAN-ning ko'pgina variantlariga qaraganda raqobatdosh yoki arzonroq bo'lishi mumkin. 5G WAN menejerlariga o'zlarining tarmoq saytlari va uzoq foydalanuvchilarga keng polosali o'tkazish qobiliyatini taqdim etish imkoniyatini beradi - vaqt o'tishi bilan MPLSni boshqa joyga ko'chiradi [2].

Korxonalarda Wi-Fi 6 imkoniyatlari

Wi-Fi mobil noutbuklar, planshetlar va boshqa qurilmalarni korporativ tarmoqlarga ulash uchun deyarli hamma uchun qulaydir. Wi-Fi 6 (802.11ax) - bu Wi-Fi-ning so'nggi versiyasi bo'lib, u tezlikni oshirish, past kutish vaqti, yaxshilangan agregatlarning kengligi va trafikni boshqarishni yaxshilaydi. 5G bilan bir qator o'xshashliklar mavjud bo'lsa ham (ikkalasi ham markaziy chastotani taqsimlashga ko'p marta kirishga asoslangan), Wi-Fi 6 shovqinlarga kamroq moyil bo'ladi, kam quvvat talab qiladi (bu batareyaning ishlash muddatini uzaytiradi) va spektral samaradorlikni oshirdi.

6G texnologiyalari kelajakda «aqlli» uylar asosiga aylanadi

Mazkur avlod asosida — yo‘ldosh orqali ma’lumotlar uzatish, ya’ni baza stansiyalaridan to‘liq yoki qisman voz kechish va butun Yer kurrasini aloqa bilan qoplash maqsadi yotadi. Bundan keyingi yangiliklar — «aqlli» uy va shaharlarning barcha yo‘ldosh tizimlari, navigatsiya va boshqalar bilan integratsiyasi kabi ma’lumotlar aslida, chuqur ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarga sabab bo‘lsada, allaqachon hayratga solmay qo‘ydi. Texnologiyani joriy etishning taxminiy vaqti — 2030–2040 yillar etib belgilangan. Faqat industriya yangiliklaridan hayratlanib, yangi yo‘ldoshli asrni o‘z ko‘zlarimiz bilan ko‘rishni orzu qilishimiz mumkin.

Xulosa

Har doimgidan ham ko'proq, oltinchi avlod uyali simsiz aloqa ilgari nomutanosib texnologiyalarni, shu jumladan chuqur o'rganish va katta ma'lumotlar tahlilini o'z ichiga oladi. 5G-ning joriy etilishi ushbu konvergentsiyaning ko'piga yo'l ochib beradi. Ultra-

ishonchli, past kechikishli aloqa echimlari uchun umumiy o'tkazuvchanlikni va past kechikishni ta'minlash uchun chekka kompyuterlardan foydalanish zarurati, shuningdek, narsalar Internetda (IoT) mashina-mexanik aloqani qo'llab-quvvatlash zarurati mavjud. Bundan tashqari, kelajakda 6G echimlari va yuqori samarali hisoblash (HPC) o'rtasida mustahkam aloqa aniqlanganligi bilan ahamiyatlidir. Ba'zi bir IoT qurilmalari ma'lumotlari cheklangan hisoblash manbalari tomonidan ko'rib chiqilsada, aksariyat markazlashtirilgan HPC manbalari tomonidan qayta ishlash talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Stoica and G. T F. Abreu, “6G: the wireless communications network for collaborative and AI applications,” arXiv:1904.03413.
2. L. Loven et al, “Edge AI: a vision for distributed, edge-native artificial intelligence in future 6G networks,” 6G Wireless Summit, Levi, Finland, Mar. 2019.
3. F. Clazzer et al, “From 5G to 6G: has the time for modern random access come?” arxiv:1903.03063

АҲОЛИНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИ ЎРГАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдувалиев Ҳайитбой Абдуғаниевич
ФарДУ таянч докторанти

Аннотация: *Ушбу мақолада аҳолини ҳудудий ташкил этилишининг долзарб муаммолари ўрганилган ва уни тадқиқ этишдаги географик йўналишлар таклиф этилган.*

Калит сўзлар: *ҳудудий ташкил этиш, аҳоли зичлиги, аҳоли жойлашуви, табиий-ландшафт омили, ижтимоий-иқтисодий омил.*

ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИЗУЧЕНИЯ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ НАСЕЛЕНИЯ

Абдувалиев Хайитбой Абдуганиевич
Докторант ФерГУ

Аннотация: *В данной статье исследуются актуальные проблемы территориальной организации населения и предлагаются географические направления его изучения.*

Ключовые слова: *территориальная организация, плотность населения, размещение населения, природно-ландшафтный фактор, социально-экономический фактор.*

GEOGRAPHICAL DIRECTIONS OF THE STUDY OF THE TERRITORIAL ORGANIZATION OF THE POPULATION

Abduvaliyev Hayitboy Abduganiyevich
Doctoral student of FerSU

Annotation: *In this article explores the current problems of the territorial organization of the population and suggests geographical directions for its study.*

Keywords: *territorial organization, population density, population distribution, natural landscape factor, socio-economic factor.*

Бугунги кунда иқтисодий географияда ҳудудий ташкил этиш масалаларини такомиллаштириш ва унинг истиқболли йўналишларини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Хусусан, бунда аҳолини ҳудудий ташкил этиш масаласи ўта муҳимдир. Аҳолини ҳудудий ташкил этишнинг долзарб муаммолари турли давлатлар, минтақалар, кичик минтақалар ва хатто аҳоли пунктлари учун ҳам бир-биридан фарқ қилади. Аҳолини ҳудудий ташкил этишда ҳар бир минтақа учун хос бўлган битта ўзига хос омилни аниқлаш мумкин эмас. Фақатгина аҳолини ташкил этишнинг доминант омилини аниқлаш муҳимдир.

Аҳолини ҳудудий ташкил этишнинг муҳим йўналишларини белгилаш ишнинг мақсади сиафатида танланган. Аҳолининг ҳудудий ташкил этишга таъсир этувчи турли омилларга географик баҳо бериш унинг вазифаси сифатида белгиланган. Аҳолини ҳудудий ташкил этишнинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб барча минтақалар учун умумий бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд. Улар қаторига қуйидаги 3 та муаммо киритилади.

Аҳолининг ҳудудий ташкил этиш билан боғлиқ биринчи тур муаммо ҳозирги замонда дунё аҳолисининг тез суръатлар билан ўсишидир. Аҳоли нафақат аҳолиси сийрак ҳудудларда балки, аҳолиси ўта зич ҳудудларда ҳам тез суръатларда ўсмоқда. Баъзи холларда хатто аксинча ҳолатлар ҳам мавжуд: аҳолиси зич ҳудудларда аҳоли жадал ўсмоқда, кам аҳолили ҳудудлар аҳолиси янада камаймоқда. Шундай қилиб, бир вақтнинг ўзида иккита ўзаро боғлиқ муаммо юзага келади: дунёнинг баъзи жойларида аҳоли зичлиги ҳаддан зиёд кўпайиб бормоқда ва бошқа қисмларида ҳали маълум бўлган ресурсларни мақбул ривожлантириш учун етарли аҳоли мавжуд эмас (янги ресурслар одатда ноқулай шароитли, аҳолиси сийрак ҳудудларда мавжуддир). Аҳамиятли жиҳати икки муаммо ҳам бир мамлакатнинг ичида учраши ва катта ҳудудий ташкил этиш муаммоларини юзага келтириши мумкин [5]. Мазкур муаммо Фарғона водийси ҳудудида ҳам учрайди. Марказий Фарғона минтақасида (Бўз, Улуғнор, Мингбулоқ, Ёзявон туманларида) ер ресурсларини ўзлаштирилиши, саноатни ривожлантириш учун ишчи кучини етишмаслиги кузатилади. Яна бир ҳолат, норасмий меҳнат бозорлари юзага келишига сабаб бўлмоқда, аҳоли зичлиги юқори ва нисбатан сийрак туманлар ўртасида шундай бозорлар шаклланган.

Аҳолини ҳудудий ташкил этиш билан боғлиқ муаммонинг иккинчи тури айрим ҳудудларда аҳолининг бир жойга йиғилишидаги катта фарқларнинг юзага келишидир. Катта шаҳарларда аҳоли сони доимий равишда кўпайиб, унинг зичлиги 100 минг кишигача етаётган бир пайтда қўшни ҳудудларда аҳоли сони кескин қисқариши кузатилмоқда. Бу ҳолат аҳолининг бир текисда жойлашиш муаммосини

кучайтиради. Хусусан мамлакатимизда аҳоли сони 100 мингдан ортиқ 18 та шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларнинг 5 таси (Наманган, Андижон, Фарғона, Қўқон ва Марғилон) Фарғона минтақасига тўғри келади. Шунингдек, ушбу рўйхатга давогар минтақада яна 2 та (Қувасой, Асака) шаҳар мавжуд. Мамлакатимизда бундай урбанистик вазият (катта шаҳарларнинг 30 фоизи Фарғона минтақасида) айнан аҳолини ҳудудий ташкил этиш билан боғлиқ иккинчи тур муаммога мисол бўла олади.

Аҳолининг ҳудудий ташкил этишдаги долзарб муаммоларнинг учинчи тури – истиқболли ривожланиш нуқтаи-назардан оқилона бўлмаган кўчишларнинг мавжудлигидир. Аллақачон тўлиб тошган аҳоли масканларига аҳолининг кўчиб бориши ҳозирча фойдалидек кўриниши аммо, вақтлар ўтиб бу кўчишлар катта ижтимоий-иқтисодий инқирозни юзага келтириши кузатилади. Масалан, Мексикада аҳолининг катта қисми Мехикога кўчмоқда. Бироқ, шаҳар ўсиб бораётган босимни ҳозирданоқ кўтара олмай қолмоқда. Шаҳарнинг ер ости сувлари доимий равишда пасайиб бориши ҳисобига тупроқ қопламининг ҳар йили чўкиши, пастлаши кузатилмоқда. Ёки мамлакатимиздаги Муборак, Газли, Шўртан каби ресурс шаҳарларда ҳам аҳолининг ўсиб бораётганлиги ҳам шунга ўхшашдир. Вақти келиб, ушбу шаҳарларнинг нефт-газ захиралари тугайди ва бу ҳолат ўзининг салбий ижтимоий-иқтисодий ҳолатини юзага келтириши мумкин. Фарғона минтақасидаги Шўрсув, Андижон, Жанубий Оламушук ва Полвонтош каби ресурс посёлкаларнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий вазияти у қадар хавас қиларли эмас. Ваҳоланки бир пайтлар улар ҳам ҳудди Муборак, Газли, Шўртан каби аҳолини ўзига оханрабодек тортган эди.

Аҳолини ҳудудий ташкил этиш ибораси бевосита аҳоли жойлашуви ибораси билан яқин алоқага эга. Иккисида ҳам аҳолининг маълум бир ҳудудий бирлиги тушунилади. Аммо «аҳоли жойлашуви» ибораси аҳоли жойлашувининг миқдор ва сифат йўналишлари ҳамда ҳудудларнинг аниқ хусусияти, яъни ҳудудий бирлиги ва инсон ижтимоий фаолияти ўртасидаги ўзаро алоқадорликни намаён этади. Бу муносатларнинг кўрсаткичларидан бири аҳоли зичлигидир. «Аҳоли зичлиги» ибораси география фанидан кенг қўлланилади. Кўплаб тадқиқотчилар «аҳоли жойлашуви» ва «аҳоли зичлиги» иборалари маънодош эканлигини таъкидлайдилар.

Аҳоли зичлиги маълум бир ҳудудда жойлашган аҳоли сонини ифодаловчи иқтисодий географик мезон бўлиб, у ресурслар манбаи ҳисобланган ҳудуддаги кишиларнинг ҳаёт кечириши ва ишлаб чиқариши уйғунлашган муносабатни ифодалайди. «Аҳоли зичлиги» ҳудуднинг сиғимини тавсифлайдиган маълум кўрсаткич – бу аҳоли сонининг у эгаллаган ҳудудга бўлган нисбатида намоён бўлади [1].

Юқоридагилардан кўринадики, аҳоли жойлашуви ва аҳоли пунктларининг шаклланиши ва ривожланиши жамият тараққиёти, ҳудудий меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар билан узвий боғланган. Суғорма деҳқончиликнинг тараққий этиши аҳолининг ўтроқлашувига, улар яшайдиган ҳудудларнинг мунтазамлашувига сабаб бўлган. Қишлоқ хўжалигида замонавий суғориш иншоатларининг яратилиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аҳолининг гуруҳлашувини тақозо этиб, доимий аҳоли пунктларининг шаклланиши ва йириклашиб боришига сабаб бўлган. Айни фикр устида айтиш керакки, аҳоли пунктларининг шаклланишида қишлоқ аҳоли пунктлари қадимийроқ саналади.

Аҳоли пунктларининг ривожланиши аввало ердан, табиий иқлим шароитидан фойдаланиш билан алоқадор. Лекин кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги шаҳар жойларда (51 фоиз) истиқомат қилаётган бўлса-да ҳудудий меҳнат тақсимотида, хом ашё етиштиришда қишлоқ аҳоли пунктлари ва унга ёндош қишлоқ хўжалик ерларининг аҳамияти катта. Айнан қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарлар каби иқтисодий географик нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим. Қишлоқ аҳоли пунктларини ўрганиш дунёнинг барча мамлакатлари ва минтақалари учун ҳамма даврларда долзарб бўлиб келган. Дунёда бутун шаҳарлар майдони қуруқликнинг атига 2 фоизини эгаллашини ҳисобга олсак [3], қишлоқ жойларини тадқиқ этиш ҳам аҳолини ҳудудий ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги равшанлашади [4].

Аҳоли географияси билан шуғулланган бир қатор олимлар уни қуйидаги йўналишларини тадқиқ этишни таклиф қиладилар:

- Аҳолини ҳудудий ташкил этилишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва баҳолаш;
- Аҳолини мавжуд ҳудудий ташкил этилишини баҳолаш, анализ қилиш, диагноз қўйиш, муаммоларни аниқлаш;
- Аҳолини ҳудудий ташкил этилишини баҳолаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.

Бугунги аҳолининг ҳудудий жойланиши сабаб ва қонуниятларини, мавжуд ҳолатини аниқлаш, тадқиқ этиш учун тарих, социология, иқтисодиёт, экология, этнология, антропология, район планировкаси, шаҳар қурилиши, арихитектура, статистика, математик моделлаштириш каби фанлардан олинган материаллардан фойдаланилади. Шунингдек, география фанлари қаторида табиий география (ландшафтшунослик, иқлимшунослик, гидрология), иқтисодий география (қишлоқ хўжалиги географияси, саноат географияси, шаҳарлар географияси, аҳоли география, демография), ижтимоий география (хизмат кўрсатиш географияси, рекреация ва туризм географияси) фанлари таркибига кирувчи бир қатор фанлардан олинган материаллар, тахлиллар ва баҳолашдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Табиий география фанларидан аҳолининг ер-сув ресурсларидан

фойдаланишдаги роли, иқтисодий географиядан қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳудудий меҳнат тақсимоти, ижтимоий географиядан аҳолига хизмат кўрсатишнинг таснифи масалаларга катта эътибор қаратилса, ёндош фанлардан ҳисобланган экология фанида аҳолининг табиий ресурслар билан таъминланганлик даражасига ва бу русурсларга ўтказилаётган босим миқдорига эътибор қаратилади.



1-расм. Аҳолини ҳудудий ташкил этишни тадқиқ этишнинг географик йўналишлари

Аввало аҳолини ҳудудий ташкил этиш бўйича тадқиқотнинг ахборот-таҳлилий қисмида аҳолини ҳудудий ташкил этишни ўрганишнинг уч географик

йўналишини ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу географик йўналишлар аҳолининг ҳудудий таркибини шаклланишига таъсир этувчи омиллар мисолида кўрилади. Биринчисида, аҳолининг ҳудудий таркибига таъсир этувчи ижтимоий омиллар, иккинчисида табиий-ландшафт, учинчисида аҳолининг ҳудудий таркибига таъсир этувчи иқтисодий омиллар ўрганилади. Бевосита аҳолининг ҳудудий таркибига таъсир этувчи табиий-ландшафт омиллари бу тадқиқотнинг марказидан жой олиб, у геоморфологик (ер усти тузилиши, реъльеф), иқлимий (қуёш радиациясининг тақсимланиши, қулай иқлим минтақаларида жойлашув), тупроқ, гидрологик (океан, денгиз, дарё ва сойлар бўйида жойлашув) қисмларга ажратилиб тавсифланади. Аҳолининг ҳудудий таркибига таъсир этувчи ижтимоий омиллар тарихий-географик-иқтисодий омиллар тарихий-географик, ресурсли, иқтисодий омиллар эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш каби қисмларига ажратиб тавсифланади.

Юқоридаги уч омиллар таъсирида шаклланган аҳолининг мавжуд ҳудудий ташкил этилиши мажмуали-географик асосда баҳоланади. Баҳолаш натижалари аҳолининг ҳудудий ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган муаммо ва муаммоли вазифаларни аниқлаш имкониятини беради. Бундай муаммолар назарий жиҳатдан юқорида санаб ўтилган бутун дунё учун хос бўлган уч муаммога ўхшаш бўлсада, лекин уларни вужудга келишига сабаб бўлган омиллар ва ўзига хос минтақавий хусусиятлари аниқланади.

Тадқиқотнинг якуний босқичида аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун муаммолар дарахти усулидан фойдаланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади (1-расм).

Юқоридаги икки омиллар таъсирида шаклланган аҳолининг мавжуд ҳудудий ташкил этилиши мажмуали-географик асосда баҳоланади. Баҳолаш натижалари аҳолининг ҳудудий ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган муаммо ва муаммоли вазифтларни аниқлаш имкониятини беради. Бундай муаммолар назарий жиҳатдан юқорида санаб ўтилган бутун дунё учун хос бўлган уч муаммога ўхшаш бўлсада, лекин уларни вужудга келишига сабаб бўлган омиллар ва ўзига хос минтақавий хусусиятлари аниқланади.

Тадқиқотнинг якуний босқичида аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун муаммолар дарахти усулидан фойдаланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда аҳоли жойланиши ва уни ҳудудий ташкил этиш билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, экологик ва ландшафт тадқиқотлари олиб бориш зарурияти туғилмоқда. Хусусан, бу борада мамлакатимизнинг энг катта демографик салоҳиятига эга бўлган Фарғона минтақасида (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари) юқоридаги масала муҳим амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

22. Жумаханов Ш. Наманган вилояти аҳолисининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш. Геог. фан. ном. ...дис. автореф.-Т., 1998.-22 б.

23. Исаченко А.Г. Методы прикладных ландшафтных исследований.- Л.: Наука, 1980. - 222с.
24. Кузина И.М. Современные изменения в географии сельского населения мира. // Вестн. Моск. ун-та. Сер.5. География. - Москва, 2004 №1. - С. 17-22. (http://www.izdatgeo.ru).
25. Мўминов Д. Қишлоқ жойларнинг геоэкологик - хўжалик ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари. Геог. фан. ном. ...дис. автореф.-Т., 2011.-36 б.
26. Хорев Б. С. Территориальная организация общества. - М., 1981.

ТАЛАБАЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

Т. Эгамбердиева, ФарДУ профессори, педагогика фанлари доктори
Н. Асадуллаева, ФарДУ Фуқаролик жамияти кафедраси мустақил изланувчиси

Аннотация: *Мақолада талабалар, уларнинг ҳаётий ва фаол фуқаролик позицияси шаклланишининг психологик, педагогик, фалсафий асослари, олий таълим муассасасида ушбу жараённи ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурияти ҳамда мамлакатимизда кечаётган янги тараққиёт босқичи талаблари билан уйғунлаштириш омиллари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *ҳаёт, позиция, фаоллик, фуқаролик позицияси, ёшлар, талаба, таълим, олий таълим, жамият тараққиёти, педагогик омил.*

СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ АКТИВНОЙ ГРАЖДАНСКОЙ ПОЗИЦИИ У СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ТРЕБОВАНИЙ НОВОГО ЭТАПА РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА

Т. Эгамбердиева, профессор ФерГУ, доктор педагогических наук
Н. Асадуллаева, независимый исследователь кафедры гражданского общества ФерГУ

Аннотация: *В статье проанализированы психологические, педагогические, философские основы формирования жизненной и активной гражданской позиции студенты, социально-педагогическая необходимость организации и развития данного процесса в высшем учебном заведении и факторы гармонизации с требованиями нового этапа развития страны.*

Ключевые слова: *жизнь, положение, активность, гражданская позиция, молодежь, студент, образование, высшее образование, развитие общества, педагогический фактор.*

SOCIO-PEDAGOGICAL FACTORS OF FORMATION OF ACTIVE CIVIL POSITION IN STUDENTS ON THE BASIS OF THE REQUIREMENTS OF A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF SOCIETY

T. Egamberdieva, Professor of FerSU, doctor of Pedagogical Sciences
Nargiza Asadullaeva, Independent researcher of the Department of Civil Society of FerSU

Annotation: *the article analyzes the psychological, pedagogical, philosophical foundations of the formation of students, their life and active civil position, the factors of the organization and development of this process in a higher educational institution and its harmonization with the requirements of a new stage of development in our country.*

Keywords: *life, position, activity, civil position, Youth, Student, Education, Higher Education, Community Development, pedagogical factor.*

2017 йилдан буён Ўзбекистон Республикасида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шахсни ижтимоийлаштиришга юксак талаблар қўймоқда. Шунингдек, мамлмкатимизда 2020 йилнинг "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилиниши социумнинг ҳаракатчанлиги ва ўзгарувчанлиги шахснинг фаол ўзаро ҳамкорлик қилишини ва тубдан ўзгаришини талаб қилмоқда. Айнан шахснинг шаклланиш даврида унинг ижтимоий дунёга мослашиши содир бўлади, ижтимоий етук инсон хусусиятлари ва сифатларини эгаллайди.

Педагогларни анча вақтдан буён замонавий ёшларнинг ижтимоий пассивлиги масаласи қизиқтириб келмоқда. Ҳозирги пайтда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борган сари долзарб педагогик муаммога айланиб бормоқда. Замонавий муҳитдаги ноаниқлик инсондан нафақат юксак фаолликни, шу билан бирга ундан маҳорат ва ностандарт муомала, ахлоқий қобилиятлари талаб қилади. Олиб борилган кўплаб социологик тадқиқотлардан олинган маълумотлардан, замонавий талаба-ёшларнинг севимли машғулотлари орасида телекўрсатувлар ва видеофильмларни томоша қилиш етакчилик қилиши, шунингдек интернет ва дўстлар билан мулоқотда бўлиши, бундан кейинги ўринларда компьютер ўйинлари туриши, педагоглар томонидан талабаларнинг бўш вақтида ташкил қилинган тўгараклар, экскурсиялар, китоб ўқишлар эса, ёшлар ўз ихтиёри билан танлаган машғулотлардан анча ортда қолиши маълум бўлди. Бу ҳолат замонавий педагогика ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда бошқа ижтимоий институтлардан кам таъсирга эгалигини англатади.

Демак, анъанавий равишда турли таълим муассасалари томонидан ўсмир ва ёшларни банд қилиш, уларни мақсадсиз вақт ўтказишларидан чалғитиш, уларга қўшимча билим бериш учун ташкил қилинадиган таълим маконининг бу атрибут (ажралмас қисм)ларини, замонавий ёшлар ўз ижтимоий тажрибалари учун аҳамияти нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқадилар ва шу орқали таълим маконини қайта қуришга, янгилашга ҳаракат қиладилар.

Ушбу имкониятларни амалга ошириш меъёри(ўлчови) инсон ким билан ва қай даражада зўр бериб ўзаро алоқада бўлиши билан боғлиқ. Ўқув муассасасида фаолликни амалга ошириш йўналиши, унда қабул қилинган меъёр ва қадриятлар билан белгиланиб, ҳам ижтимоий, ҳам ижтимоийликка зид бўлиши мумкин, улар ижтимоийлаштирувга ўзаро алоқанинг бу турини таъсирини белгилайди. Мавжуд бўлган маълумотлар, талабаларнинг маълум бир қисми ўзаро ҳамкорликка

интилмаслигини, турли сабабларга кўра ундан қаноатланмаган бошқа бир қисми эса, унга энг оз миқдор мурожаат қилишини кўрсатади.

Талаба-ёшлар олий ўқув юртида ўзларига етишмаётган нарсаларни: сифатли таълим, фаол ижтимоий муносабатлар, жавоавийликдаги ҳаракат, ўзаро яхши муносабатларни олишлари керак. Ёлғиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилган инсон, катта ёшда ёки гўдак бўлишидан қатъий назар, ҳеч қачон ўзини руҳий хотиржам ҳис қилмайди. ОЎЮ инсонни ёлғизликдан қутқаришнинг камдан кам учрайдиган имкониятига эга ёки, ҳеч бўлмаганда шахсга оид бу салбий омилни юмшатади. ОЎЮ ўзига ишонч туйғусига эга бўлишнинг асосий таркибий қисмлари билан таъминлаши ва ўз муҳим ўрнига эга бўлиш, юксак даражада билим ва фикрлаш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши лозим. Ўқув жараёни, талабаларни академик ва ижтимоий муаммоларни мустақил ҳал қилишга ундовчи характерда ташкил қилиниши мумкин. Ижтимоий қобилиятларни ривожлантириш - талаба-ёшларнинг ижтимоий ва шахслараро муносабат усулларни ўзлаштиришлари, замонавий ижтимоий муҳитда муваффақиятли киришиш ва фаолият олиб боришнинг самарали йўли ҳисобланади. Бундай вазифани ҳал қилиш талабада ўз ҳаётий позициясини шакллантириш жараёни субъекти бўлишини талаб қиладики, у шахслараро муносабатларнинг ижтимоий-маданий усулларини ҳар хил турдаги ижтимоий жамоаларда ва ўзаро фаолиятнинг (ўқиш, мулоқот, меҳнат, санъат, ижод ва ҳ.к.) ҳар хил турларини қамраб олади.

Шундай қилиб, талабалар ҳаётий ва фаол фуқаролик позициясини ривожлантириш бўйича педагогик фаолиятни ўрганиш ва таҳлил қилиш, ривожлантиришга ёрдам берувчи шарт-шароитларни аниқлаш долзарб педагогик муаммо ҳисобланади. Бу муаммо шўролар ҳокимиятининг илк даврида педагоглар (П.П.Блонский, А.С. Макаренко, Н.К. Крупская) ва замонавий тадқиқотчилар (Н.Ф. Голованова, Т.Н. Мальковская, Н.Е. Шчуркова, В.И. Сперанский, В.И. Слободчиков)томонидан ўрганилган. Шахсни ижтимоийлаштириш муаммоси кўп йиллар давомида психологларни ҳам ўзига жалб қилиб келади(Н.С. Лейтес, Э. Эриксон, А. Адлер, Э. Фромм, А. Маслоу, Д.И. Фельдштейн ва б.)

Рус тилида фаоллик, фаолиятлилик сўзи “активный” – ғайратли, серғайрат, ишчан, фаол (фаол, фаолиятли) сўзидан ҳосил бўлган ва пассив, суст сўзига қарши қўйилади [1]. Ижтимоий фаоллик эса инсон томонидан маълум билимлар системаси, меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш [2]. Шундай қилиб, ижтимоий фаоллик – бу ижтимоий субъектлар (шахс, гуруҳ, жамоа)нинг ахлоқи, феъл-атвори, муомала, юриш-туриши бўлиб, уларнинг ҳаёт шароитини қайта тикловчи ёки ўзгартирувчи ва уларнинг шахсга оид тизимини ўзгартиради.

Луғавий жиҳатдан “позиция” сўзи (лотинча positio – ҳолат) бир неча маънода ишлатилади: “(1) ҳолат, жойлашув <...> (2) нуқтаи назар, бирор бир масалага муносабат”[3]. Биринчи маънода, “позиция” атамаси гуруҳнинг ички мавқе-рол структурасида шахснинг ўрнини ифодалайди. Иккинчи маънода, хулқ-атворда намоён бўладиган инсоннинг воқеликка бўлган муносабатларининг барқарор тизимини тавсифлаш учун қўлланилади[4]. “Позиция” категорияси А. Адлер,

Э.Берн, А.Н. Леонтьев, С.Л. Рубинштейн, В.Н. Мясищев, В. Франкл, Э. Фромм каби бир қатор олимлар томонидан муносабатлар тизими контекстида кўриб чиқилган.

“Позиция” атамаси дастлаб А. Адлер томонидан қўлланилган. У позицияни шахснинг мавжуд муаммо, савол, ҳодисага нисбатан доминант муносабати сифатида талқин қилади[5]. Америкалик олим Э.Берн позицияни шахс томонидан қабул қилиб олинган субъектив роллар[6], А.Н. Леонтьев “дунёқараш ва ҳаётий муносабатларнинг алоқадорлигидан келиб чиқувчи хусусият”[7], С. Л. Рубинштейн “хулқ-атвор ва фаолиятнинг барқарор усуллари, ўз-ўзини ифода этиш ва дунёга бўлган муносабатларнинг маълум бир типга айланиши” сифатида тавсифлайди[8]. Шахснинг фуқаролик позицияси борасидаги тадқиқотларда таснифлаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Бу борада биз ўзимиз учун энг муҳим деб ҳисоблаган Э.Фромм, Э. Берн, Ф. Эрнст ва К. Давидсонлар томонидан амалга оширилган таснифларга эътибор қаратамиз ва баъзи ижодий ўзгартиришларни таклиф қиламиз. Бу шахс фуқаролик позициясининг психологик, дунёқарашлик ҳамда ижтимоий жиҳатларини тушуниш имконини беради.

Фалсафий, социологик, психологик-педагогик адабиётларда фуқаролик позициясига кўп нуқтаи назар(аспект)дан ёндашилади ва “инсоннинг ахлоқи, феъл-атворининг ҳаёт шароитини қайта тикловчи ёки ўзгартирувчи ҳамда уларнинг ташкилий тизими ва психикасини ўзгартирувчи тушунча” (В. Г. Красько) сифатида; асосида ижтимоий муҳим эҳтиёжлар ётувчи фойдали ижтимоий ҳаракатлар сифатида; шахснинг дунёга ишчан, серғайрат муносабати, уни ўзгартиришга қодир қатнашчиси сифатида; ижтимоий ҳаётда шахс хусусиятларининг намоён бўлиши сифатида қаралади.

Фуқаролик позицияси талабанинг субъект сифатида ижтимоий-сиёсий фаолият жараёнида ўз ахлоқий имкониятини амалга ошириш лаёқатидир. Шахснинг хусусияти ва унинг жўшқин тузилмаси бўлган фуқаролик позицияси турли даражада намоён бўлади[9].

Кўпгина педагог олимлар фуқаролик позициясини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эҳтиёжлар, қизиқишлар, мақсад ва идеалларга мос равишда ижтимоий шарт-шароитларни ўзгартиришга, ижтимоий инновацияларни илгари суриш ва амалга оширишга, ўзида зарурий ижтимоий-сиёсий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган методлар, иш тартибининг мажмуи сифатида қабул қилади [10].

Шахснинг “фуқаролик позицияси” тушунчасини ўз тадқиқотларида биринчи бўлиб А. Адлер (1920-йиллар) қўллаган. А.Адлернинг фикрича, фаол фуқаролик позицияси асосида “ижтимоий талаб”, яъни инсоннинг бошқа одамлар билан айнан ўхшашга бўлган лаёқати, уларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳис-туйғуларига эмпатик шерик бўлиш ётади: “бошқа инсон кўзлари ёрдамида кўриш, бошқа инсон қулоқлари билан эшитиш, бошқанинг қалби билан ҳис қилиш. Э. Фроммнинг фикрича, самарали фаоллик, деганда “ташқи фаоллик, бандлик эмас, балки ички фаоллик, ўз инсоний имкониятларидан самарали фойдаланишни” тушуниш керак. Э.Фромнинг таъкидлашича, самарали фаол фуқаролик позицияси албатта ижтимоий фойдали фаолиятда намоён бўлади: “бу ижтимоий тан олинган

мақсадга йўналтирилган хулқ, феъл-атвор бўлиб, унинг натижаси мос равишдаги ижтимоий фойдали ўзгаришлар ҳисобланади".

Тараққиётнинг янги босқичида талаба-ёшларнинг фуқаролик позицияси ошиши табиий. Бинобарин, ёшларни тўғри йўлга йўналтириш ҳар бир зиёли инсоннинг бурчидир. Сабаби, ёшлар ҳам жамиятда яшар экан, шу жамиятдаги ўзгаришларни, янгиликларни таҳлил қилиб ўзлари ҳам қайсидир соҳада, қандайдир янгиликни яратиб из қолдиришга интилиши заруриятга айланар экан. Улар ўз имкониятларини воқеликка айлантириш учун қадам ташлар экан. Жамиятнинг янги тараққиёт басқичида талаба-ёшлар фаол фуқаролик позициясини ошириб бориш ишлаб чиқариш соҳасини янада такомиллаштиришда устувор эканлиги маълум. Маълумки, жамият тараққиёти - иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, маданий жиҳатларини ўзида қамраб олади. Жамиятда яшовчи ёшлар ана шу соҳаларда фаоллик кўрсатиши ҳаётий заруриятдир.

Талаба-ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини аниқлаш ва хулоса чиқариш модернизация жараёнида маълум бўладики, улар бу жараёнга лоқайд эмаслар.

Иккинчидан, модернизация жараёнидан ёшлар ажралиб қолишни истамайдилар. Ўз ўринларини тўғри баҳолай оладилар. Бунга ёшларнинг билимлари кучли таъсир этади.

Учинчидан, минглаб алломалар ўз давридан келиб чиқиб янгиликларга кашфиётларга, умуман жамият тараққиётига нисбатан ҳаракатларини, фикрларини ўз асарларида билдириб кетганлар, фақат улардан ўринли фойдаланиш лозим.

Тўртинчидан, ёшлар билан олиб борилган суҳбатлардан, баҳс ва мунозаралардан хулоса шуки, талаба-ёшларнинг янгилик яратиш учун назарий манбаларга эътиқод қўйиб, бунга эътибор бериш заруриятини ўртага қўяди. Натижада уларнинг имконияти, воқеликка айланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, биринчидан, жамият тараққиётининг янги босқичи моҳиятини англамасдан туриб фаол фуқаролик позицияси кўникмаларини шакллантириш осон кечмайди;

Иккинчидан, жамиятнинг янги тараққиёт босқичи жараёнида талаба-ёшлар бу даврнинг мақсад ва вазифаларини тушуниши, ўзларининг онгига сингдириши муҳим педагогик вазифа ҳисобланади. Ушбу соҳада талаба-ёшлар малакага эга бўлмасада, назарий билимларга эга бўлишларини таъминлаш зарур. Назарий манбалар эса, педагогик фаолиятда буюк кишилар ҳаёти, тарихий ёдгорликлар, адабиёт ва санъат асарларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Учинчидан, жамият тараққиётининг янги босқичида педагоглар олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳар бир ёшни имконият ва қобилиятига қараб ўз ўрнини топишига ёрдамлашишдир. Талаба-ёшларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш тасодифий воқеалардан, уринишлардан ҳоли бўлган ҳамда инкорни-инкор қонуни асосида тадрижий асосда амалга ошиши керак, инқилобий ёндашишдан воз кечиш лозим.

Тўртинчидан, талаба-ёшларнинг фуқаролик позициясини юксалтириш билан боғлиқ педагогик жараёнда "янги тараққиёт даври тафаккури"ни ижтимоий-

гуманитар фанларни янги инновацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда сифатли ўқитиши орқали шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бешинчидан, жамиятизнинг янги тараққиёт босқичида педагогик жараёнда ёшларга туб ўзгаришларнинг аҳамияти, унинг ҳозирги ва кейинги авлодлар учун зарур эканлигини ёркин мисоллар ёрдамида тушунтириш лозимдир. Мамлакат мустақиллиги учун ва шу мамлакатнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан янада мустаҳкам ўрин олишига амин бўлишларини мунтазам равишда сингдириш талаб этилади;

Олтинчидан, ёшларнинг фаол фуқаролик позицияси мутлоқ муаллақ ёки вакумда пайдо бўлмайди, балки ўзлари яшаётган даврдан олдинги давр таълимотларига суяниши талаб этилар экан, бу эса қарама-қаршилик қонунини эътироф этиш билан ҳам боғлиқ ва унга риоя қилиш ҳам зарур.

Еттинчидан, барча соҳаларда бўлгани сингари жамият тараққиётининг янги босқичида назарий манбаларга эътибор бериш эҳтиёжга айланади. Чунки, талаба-ёшлар ўз фаол фуқаролик позицияларини шакллантиришда ўтмишдаги ёшлар фаоллигига тақлид қиладилар ва хулоса чиқарадилар;

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Большой российский энциклопедический словарь [Текст]. - М., 2009. -830 с.
2. Воспитание социальной активности подрастающего поколения. Проблемы, поиски, решения [Текст] // Материалы III научно - практической конференции, посвященной 115-летию со дня рождения А.С. Макаренко, 20-летию ВДЦ «Океан» / Под ред. Марзоевой Э.В. - Владивосток, 2003. - 260 с.
3. Словарь иностранных слов. 17-е изд., испр. – М.: Русский язык, 1988.- С. 306
4.Общая психология: Словарь / Под. ред. А.В. Петровского // Психологический лексикон: Энциклопедический словарь в шести томах / Ред.-сост. Л.А. Карпенко. Под общ. ред. А.В. Петровского. –М., 2005. –С. 195.
5.Адлер А. Понять природу человека. – Санкт-Петербург: Академическй проект, 2007. –С. 87
6.Берн Э. Л. Люди, которые играют в игры. –Москва: Эксмо, 1964.-С.21-22
7.Леонтьев А.Н. Потребности, мотивы, эмоции / А.Н. Леонтьев // Психология эмоций / Под ред. В.К. Вилюнаса, Ю.Б. Гиппенрейтер. - М.: МГУ, 1993.-С. 171
8.Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. –М.: Изд-во АН СССР, 1957.-С. 131
9. Мальковская, Т.Н. Воспитание социальной активности старших подростков / Т.Н. Мальковская. - Л., 1974. - 383 с.
10. Сперанский, В.И. Социальная ответственность личности. Сущность и особенности формирования / В.И. Сперанский. - М., 1987. - 402 с.

ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ПРЕДМЕТИДА ПЕДАГОГИКА ТАРИХИНИ ТАСАВВУФ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Чориев Икром Абдушукурович
Ўзбекистон Республикаси ОЎМТ вазирлиги

ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси,
Республика маънавият-маърифат маркази тадқиқотчиси
тел:+99890 139-40-32
E-mail:choriyev_ia@mail.ru

Мақолада **:** таълим – тарбия предметида педагогика тарихини тасаввуф билан боғлиқлиги, қонуниятлари, принсипи, методлари асосланган.

В статье **:** закономерности, принсипи, взоимосвяз история педагогики с исламской учений на предмети воспитания и обучения.

In the article **:** the history of pedagogy is connected with mysticism in the subject of education.

Калит сўзлар **:** педагогика, таълим – тарбия, тасаввуф, дин, Қуръони Карим, инсонпарварлик, комил инсон.

Ключевые слова **:** педагогика, воспитания, мистика, Қуръони Карим, религия, гуманизм, идеалъный человек.

The key word **:** pedagogy, education, mysticism, Qur'oni Karim, religion, humanism, perfect man.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 – йил 20 - сентябръ жаҳон минбарида ЮНЕСКОнинг 72 – сессиясидаги нутқида ислом дини халқимизнинг миллий, муқаддас қадрияти эканлигини, инсонпарварлик эзгуликка йўлловчи қудратли восита бўлиб келгани, ҳадис илми Ўзбекистонда ривожлангани, умуминсоний қадриятларга айлангани исломшуносликка жоҳил қарашларга жавоби тарихий воқеа бўлди. ЮНЕСКО раҳбарлари, ислом мамлакатлари Президентлари бу жасоратни ҳушладилар.

Бу методологик таълимот таълим – тарбия маънавият предметига доир тадқиқотларни тасаввуф билан боғлиқлиги бўйича, инновацион ёндашувга йўл очиб берди. Шунингдек, таълим – тарбия предметида педагогика тасаввуф таълимоти билан тарихан ва мантиқан боғлиқлиги комил инсонни шакллантириш барча динлар, жумладан, исломнинг назарий асоси тасаввуфда жорий қилинган маънавий, руҳий тажрибалар, энг аввало диққатни инсонга қаратган, инсонни ўзини илоҳий моҳиятини билишга, мушоҳада этишга илҳомлантиради. Шунинг учун ҳам башарият ислом тасаввуфига қизиқиши, ўзгача эҳтиром билан орта бошлади. Тасаввуф инсоннинг басират кўзини Руҳ ва Кўнгил оламига қаратади. Нафсни таниш ва енгиш орқали гўзал ахлоққа эришиш тажрибасини ўргатади. Руҳоният тарбияси учун узлуксиз ғамхўрлик қилиш усулларини кўрсатади.

Муҳаммад Пайғамбар таълимотининг мусулмон маданияти, адабиёти илм-фаннинг тадқиқот объектига айланишининг бош сабабларидан бири ҳам шунда. Расулуллоҳ учун диннинг камоли, энг аввало, ахлоқнинг камоли эди. Бир зот Расулуллоҳнинг ёнига келиб: "Эй Оллоҳнинг Расули! Дин нимадир" – дея сўраганда, пайғамбар: "Дин гўзал ахлоқдир", - деб жавоб берибди. Ўша одам пайғамбарнинг ўнг томонига ўтиб, яна Расули Оллоҳ! Дин нимадир деб сўрабди. Пайғамбар эса: "Дин гўзал ахлоқдир", - дебди. Сўнг ҳалиги кимса пайғамбарнинг орқасига ўтиб "Эй

Оллоҳнинг Расули! Дин недур” деган экан, пайғамбар: Англамасмисан, дин ғазабланмасликдир”[1] , - деган экан.

Демак, комил инсон моҳияти, фазилати уни шакллантириш омиллари тараққиёти масаласида педагогика тарихи ва тасаввуф таълимоти узвий боғлиқ ривожланган. Комил инсонни шакллантиришда таълим – тарбиянинг ижтимоий моҳияти фалсафа тарихи, жамият тарихи каби фанлар ўрганилсада унинг қонуниятларини, мазмуни, методлари, воситалари ва шакллари тарихий тараққиётини педагогика тарихи ўрганади.

Таълим - тарбиянинг ижтимоий моҳияти, мақсади инсоний ҳаёти, яшашга тайёрлаш экан унинг мазмуни ҳар бир давр талабидан келиб чиқади. Зеро, педагогик қонуниятлардан бири ҳам таълим – тарбиянинг давр талабига, жамият буюртмасига мослигидир.

Бу борада ислом таълимоти VII – VIII асрларда жамиятдаги маънавий бўшлиқни тўлатишга қаратилгани, қатий таълим – тарбия мазмунида ифодаланади.

Ислом таълимоти фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлган «Қуръони Карим”га илоҳият, диний эътиқод масалалари билан бирга инсонпарварлик, инсонларни қовуштириш, уларнинг ўртасида юзага келган зиддият – низоларнинг олдини олиш, улар орасига адолат ўрнатиш каби ахлоқий таълим – тарбия мазмуни ифодаланган.

Тасуввуф таълимотини омманинг, шахснинг онгига, қалбига асрлар бўйи барқарор таъсири, дунёда буюк шахслар томонидан эътироф этилиши унинг таъсирчан метод ва воситаларидан далолат беради. Ҳар бир тасаввуф алломасининг тариқатида, таълимотида комил инсонни шаклланиши метод ва воситалари изчил ифодаланади.

Тасаввуф жорий этилган маънавий руҳий тажрибалар, энг аввало, диққатни инсонга қаратар, уни ўзининг илоҳий моҳиятини мушоҳада этишга илҳомлантиради. Тасаввуф инсонни оллоҳга тобелигига алоҳида урғу берар экан инсоннинг, инсонга қарам ва муҳтожлиги тушунчаларани тубдан ислоҳ айлашни ҳуррият, эркинлик тенглик каби ақидаларини тарғиб қилади. Тарихий тажрибалардан келиб чиқадиган таълим-тарбия инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш тамойили “ҳар бир шахсни эркин ривожлашига шарт-шароит яратиш” имкониятини оширади.

Тасаввуфда инсоншунослик ғояси устуворлиги яна илмий ўрганишга молик. “Тасаввуф маслаги инсоннинг бесурат кўзини Руҳ ва Кўнгил оламига қаратади. Нафсни таниш ва енгиш орқали гўзал ахлоққа эришиш тажрибасини ўргатди. Ва руҳоният тарбияси учун узлуксиз ғамхурлик қилиш усулларини кўрсатди”[1].

«Ўрта Осиё олимлар қомуси” сўзбошида Ироф Зунунабаров шундай ёзади: «Ўзбекистон — алломалар юрти» деган иборани барчамиз кўп эшитганмиз, кези

1 Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис (Ал-жомеъ ас-саҳиҳ). 1-жилд /Таржимон З.Исмоилов. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 572 б.

1 Иброҳим Ҳаққул “Таҳдир ва тафаккур” “Шарқ” Т., 2007 27-28 б

келганда, ўзимиз ҳам ғурур билан айтамиз. Зеро, ушбу сўзлар замирида шундай улкан ҳақиқат ва ибратли эътироф ётадики, уларга сазовор бўлиш дунёдаги саноқли ўлкаларгагина насиб этган. Лекин тарих гардиши билан ушбу ҳақиқат узоқ, йиллар давомида хаспўшлаб келинди, унинг умуминсоний аҳамияти атайлаб пастга урилиб, талқин этилди. Истиқлол туфайли нафақат мусулмон оламининг ривожи, балки умуминсоний тараққиётнинг юксалишига беназир ҳисса қўшган аллома аждодларимизни янгидан кашф этилмоқда. Ўзбекистон олимлари билан бир қаторда жаҳон илмий жамоатчилиги ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ана шундай инсонлардан бири — мисрлик истеъдодли олим, дунёга машҳур «ал-Азҳар» университетининг собиқ талабаси, ҳозирда эса, профессори, доктор Абдуллоҳ Абдулҳамид Садирнинг кўп йиллик машаққатли, шу билан биргаликда, мазмун-моҳияти билан эзгуликка йўғрилган илмий изланишлари шулар жумласидандир. Унинг эзгулиги шундаки, қомус мозийда араблар томонидан «Мовароуннаҳр» деб аталган ўлканинг умуминсоний тамаддундаги алоҳида ўрнини янада тиниқлаштиради, бу жаннатмакон юртда етишиб чиққан алломалар жаҳон илму фани тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссанинг ҳақиқий залворини ойдинлаштиради. Масаланинг иккинчи тарафи асарлар шу замин халқининг қалбидаги энг нозик ҳиссиётларни жубушга келтириб, аждодлари билан фахрланиш, уларга муносиб ворис бўлиш, мазкур заминга мансубликдан ғурурланиш туйғуларини уйғотади. Оддий қилиб айтганда, ватанпарварлик дея аталмиш олий инсоний фазилатни мустаҳкамлайди.

Табиийки, турли нисбатлар остида келтирилган олимларнинг сони бир – биридан фарқланади. Масалан, айрим нисбатлар остида биргина олим зикр этилган бўлса, баъзиларида ўнлаб, ҳатто юздан ортиқ олимлар ҳақидаги маълумотлар баён этилган. Мамлакат тарихий тараққиёти давомида муҳим рол ўйнаган ўзига хос илмий ва маданий марказларнинг жуғрофияси ва кучи ҳақида ҳам хулоса чиқариш мумкин. Хоразм Маъмун академияси, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва мадрасаи олияси, Бухородаги Мир Араб ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари каби юзлаб илму ирфон марказларининг қандай шаклланганини чуқурроқ билиб олса бўлади.

Шу тариқа, мазкур қомусдан 2700 нафардан зиёд олиму уламолар ҳақидаги қисқача маълумотлар жой олган. Улар VIII – XIX асрларда яшаб, ижод қилган аждодларимиз бўлиб, бундан Ўзбекистон заминида илму фан тараққиёти, маърифат зиёси ҳамиша мунаввар бўлиб келгани, энг оғир дамларда ҳам юртимизда бунёдкорлик тўхтаб қолмагани ҳақидаги мантиқий хулоса келиб чиқади.

Масаланинг яна бир муҳим тарафи борки, уни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Қомусда келтирилган алломалар фақат диний илмлар билан шуғулланибгина қолмасдан, балки уларнинг фаолияти бугун биз дунёвий ва аниқ фанлар деб номлайдиган соҳаларнинг беистисно барча тармоқлари, яъни тариху фалсафадан бошлаб, кимё, тиббиёт ва математикагача, ҳаттоки давлат ва жамият қурилиши масалаларигача бўлган кенг кўламни ўз ичига қамраб олгандир. Улар ижодининг жуда катта қисми ҳанузгача тадқиқ этилмай, номаълум бўлиб қолаётгани назарда тутилса, келгусида қанчадан – қанча кашфиётлар кутаётгани маълум бўлади.

Бу ҳол қомусда қамраб олинган давр, айниқса, ўрта асрларда, умуман Ўрта Осиё ва, хусусан унинг «юраги» Ўзбекистоннинг, жаҳондаги энг нуфузли илмий – маданий марказлардан бири бўлганини кўрсатади. Шу билан баробар, жой олган олимларнинг мутлақ кўпчилиги айнан Ўрта Осиёдан чиққан алломаи замонлар, эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Китобдаги кўплаб олимларнинг кенг жамоатчиликка номаълумлиги, ҳатто ўзбек ва рус тилларидаги қомусий нашрларда ҳам учрамаслиги унинг илмий – амалий қимматини янада оширади». Бир сўз билан айтганда, мазкур қомусий нашр Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — умумжаҳон цивилизацияси эшикларидан бири» деган фикрининг амалдаги яна бир ҳужжати тасдиғидир.

Халқимизнинг маънавий – маданий тарққиётидаги бу қудратли омилни англаган мустамлакачи сиёсатдонлар фан ва динни бир асрга яқин кураштириб келди. Миллий қадриятларимизни зўр бериб йўқотишга барча чораларни кўрдилар. Натижада буюк бобокалонларимизнинг илмий меросини жаҳон тан олган ҳолда, буни бир томонлама танқидий ўрганилди. Масалан, Алишер Навоийнинг асарларидан ўша давр ижодидаги анъанавий ҳамд боблари олиб ташлаб нашр қилинди. Ваҳоланки, жаҳон алломалари меросидаги илмий ва диний уйғунлик мукаммал нашр этиларди. Масалан, жаҳон педагогика фанининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган чех олими Ян Амос Коменскийнинг “Буюк дидактика”[1] асари педагогик қоидалар Аллоҳга ҳамду санолар билан ифодаланган. Унинг ўз миллатининг дин пешвоси бўлди, педагогик асарлари чех халқини миллий ўзлигини англашга йўллади.

Инсоншунослик асосида фан ва диннинг ўзаро ҳамкорлиги баркамол шахсни шакллантириш мазмун ва моҳиятини бойитди, истиқболли йўналишларини белгилаб берди. Илмий тадқиқотларда ёшлар тарбиясида миллий қадриятлар тасаввуф таълимотидан фойдаланиш йўллари, усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Инсон предметида фан унинг ўзаро боғлиқлик қонуниятларини аниқланиши ҳамкорликнинг самарали йўлларини такомиллаштириш имкониятини оширади.

Малумки, динларнинг келиб чиқиши ҳам инсониятни юксалиш сари интилиши, маънавий бўшлиқни тўлдириш заруратидан келиб чиққан. Инсонларни халқларни малум бир ғоя йўлида бирлаштириш ўзига хос инсоний комилликка йўллашдан иборат бўлган. Биз динлар тарихи ҳақида мунозара юритмоқчи эмасмиз. Ислом дини жорий этилиш даврида Арабистонда қиз бола туғилса тириклайин кўмишдек тубанлик ҳолати мавжуд бўлган. Муборак ҳадиси шарифда “жаннат оналар оёғи остида”, “Уч қиз болани тарбиялаб вояга етказган она жаннати бўлади”, ақидаси бу каби иллатлардан қутилиш йўли бўлганини мисол келтириш мумкин.

Инсон моҳияти борасида комил инсон сийрати, фазилатлари уни шакллантириш омиллари динларнинг ҳам, фанларнинг асосий муаммоси, мунозара предмети бўлиб келган. Халқ педагогикаси, мутафаккирларининг комил инсон ҳақидаги ғоялари кишилик жамиятининг ҳар бир даврида, ҳар бир миллатга комил

1 Коменский Й. А. Великая дидактика. Изд. Пед. Соч. в 2-х томах.- М.: Педагогика, 1982.-344й.

инсон моҳияти, ўзига хос хусусият касб этган. Халқ оғзаки ижодида, достон, эртак, ривоят , мақоллар ва бадиий асарлар қаҳрамонлари, идеал образларида комил инсон намунаси ифодаланган.

Фойдаланилган адабиётлар :

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 – йил 20 - сентябрь жаҳон минбарида ЮНЕСКОнинг 72 – сессиясидаги нутқи.
- Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. «Чўлпон» нашриёти / Тошкент.
- Ҳадис. Тошкент.
- А.Чориев, Н.Чориев «Педагогика тарихи методологияси». «Фан» нашриёти / Тошкент – 2010.
- А.Чориев, И.Чориев «Педагогиканинг фанлараро боғлиқлик методологияси». «Фан» нашриёти / Тошкент – 2011.
- А.Чориев, И.Чориев «Nishon noshir» нашриёти / Тошкент – 2016.

ЁШЛАРДА ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНИШИДА АВЕСТО ТАЪЛИМОТИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Эгамбердиева Турғуной Аҳмаджоновна,
педагогика фанлари доктори, профессор,
Пўлатова Нигора Раҳимжоновна,
Фарғона давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация: *ушбу мақолада ёшларда этноэкологик маданиятни шаклланишида Авесто таълимотидан фойдаланиш усуллари ва унинг этнопедагогик воситалари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *этноэкологик маданият, этнопедагогика, усуллар, этнос, этноэкологик тизим, тарбия, табиат ва жамият.*

МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИДЕИ АВЕСТО ФОРМИРОВАНИЯ У МОЛОДЁЖА ЭТНОКУЛЬТУРЫ

Эгамбердиева Тургуной Аҳмаджоновна,
доктор педагогисеских наук, профессор,
Пулатова Нигора Рахимжановна,
свободный исследователь Ферганский государственный университет

Аннотация: *В данной статье анализируются способы использования учения Авесто и его этнопедагогических средств в формировании этноэкологической культуры у молодежи.*

Ключевые слова: *этноэкологическая культура, этнопедагогика, методы, этнос, этноэкологическая система, воспитание, природа и общество.*

METHODS OF USING AVESTO TEACHING IN THE FORMATION OF ETHNOECOLOGICAL CULTURE IN YOUNG PEOPLE

Egamberdieva Turgunoy Ahmadjonovna,
doctor of Pedagogical Sciences, Professor.
Pulatova Nigora Rahimjonovna,
free researcher of Fergana state University

Annotation: *this article analyzes the methods of using Avesto teaching in the formation of ethnoecological culture in young people and its ethnopedagogic tools.*

Keywords: *ethnoecological culture, ethnopedagogy, methods, Ethnos, ethnoecological system, upbringing, nature and society.*

Тарихдан маълумки, жамиятнинг тараққиёти, иқтисодий қудрати равнақи ёшларнинг ҳар томонлама билим олиш, аҳлоқий юксалиши, экологик маданиятнинг қай даражада шаклланишига бевосита боғлиқ эканлигини таҳлиллар асосида таъкидламоқчимиз.

“Ўзбекистон Республикасининг 2017 – 2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947 – сон Фармони, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ – 4038 – сон “Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда кўплаб маънавий аҳлоқий йўналишлар бўйича меъёрий – ҳуқуқий хужжатларда баён этилган ёшлар тарбияси ҳақидаги кўрсатмалар экологик маданиятни шакллантиришни ёшларнинг маънавий ахлоқий жихатларини шакллантиришни муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган.Ёшларни замонавий илм эгаллашлари баробарида атроф мухитга, табиатга бўлган онгли муносабатларини, экологик маданиятларини шакллантириш таълим тарбия жараёнининг узвий боғлиқ қисми хисобланади.

Зеро таълим тарбия жараёнида ёшларни экологик маданиятини шакллантиришда турли мутахассисликларнинг ўқув режаларида тегишли фанлар мавжуд бўлиб, таълимий ва тарбиявий функцияларни бажарадилар.

Аждодларимиз босиб ўтган минглаб йиллар давомида шаклланган этноэкологик маданияти этнопедагогик тарбия орқали шаклланиб халқимизнинг маънавий мероси сифатида бир бутун этноэкологик тизим шаклида ривожланиб келмоқда. Этноэкологик тизим этносларнинг табиат билан бўлган ўзаро муносабатлари орқали шаклланиб, бир ҳил табий – иқтисодий мухитда яшайдиган турли минтақаларда умуммаданий ғоялар, анъаналар, урф – одатларни, эътиқодларни ўзида бирлаштиради.

Турли тарихий даврларда яшаган этносларда этноэкологик маданиятнинг шаклланиши ўзлари яшайдиган табиий мухитга монанд ҳолда: 1. Анъанавийқадриятлар, урф одатларни оила ва жамият аъзоларига етказиш; 2. Диний ва илмий билимларни ёшларга етказиш, 3. Турли маънавий, диний, тарихий ва маданий манбаалар орқали амалга оширилиб келинган.

Этноэкологик маданиятни шаклланиши кўпинча этнопедагогик фанларни ўқитишдан,таълим,тарбия жараёнига боғлиқдир. Этносларнинг этнопедагогик фаолиятлари атроф – табиий мухит шароитларидан келиб чиқиб, табиий муҳитдаги жараёнларни ўрганишга, улар билан боғлиқ урф – одатлар, эътиқодларни ёшлар онгига сингдириб боришга, уларда амалий кўникмаларни шакллантириш усуллари билан боғлиқ.

Чех педагоги Ян Каменский : “бола тарбияси табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг гормоник ривожланишига мос бўлиши керак” деган ғояни илгари сурган эди.

Ҳақиқатдан ҳам бундай мутаносиблик негизида ўзаро боғлиқ бўлган муносабатлар шаклланиб турли географик худудларда ўзига хос анъанавий этник жиҳатларни юзага келтиради.

Бу борада туронзамин ҳалқларида бир ҳил табиий иқлимий шароитда, турли этносларнинг муштарак манфаатларига мослиги ҳамда этноэкологик маданиятни шакллантиришда турли маънавий, диний, тарихий ва маданий манбааларни таълимий,тарбиявий аҳамияти беқиёсдир.

Бундай манбаалар бугунги кунда халқимизнинг бой маънавий мероси, этнопедагогик тарбиянинг тарихий – анъанавий воситаси сифатида этноэкологик маданиятни шаклланишида муҳим тарбия воситасидир .

Этноэкологик маданиятни шаклланиши ҳақида кўплаб фан вакилларининг қарашлари, илмий ғояларига диққат қаратишимиз ва ундан фойдаланишимиз мумкин. Рус тарихчи ва этнографи Л.Н. Гумилёв [1] этноэкологияни инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар билан бевосита боғлиқлигини эътироф этиб, этноэкологияни анъанавий табиатдан фойдаланиш билан бир ҳил маънода эканлигини эътироф этади.Олим Л.Н.ГумилёвЭтнос феноменини биологиялаштирилиб, этносларни табиий географик ходисалар шаклланади деб, этносларни келиб чиқишида ва ривожланишда пассионар туртки мухим роль ўйнайди дейди.

Этноэкологик маданиятни шаклланишида этнопедагогиканинг роли ҳақида бирнеча, хорижий олимлардан И.А.Арабова, М.С.Богова, Х.М.Батчаев, Г.Н.Волкова, В.А.Данилова, К.Б.Семенова ва бошқаларнинг ҳам илмий фикрларидан фойдаланиш зарурати бор.

Этноэкологик маданият – бу ҳар бир шахснинг атроф мухитга бўлган экологик, аҳлоқий эстетик, руҳий, ҳуқуқий қарашларини итегратив кўринишидир.

Турли даврларда этноэкологик маданият муайян табий мухитда вақт ва маконда ўзгариб борадиган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, диний, қарашлар орқали шаклланиб, ўзгариб ва ривожланиб боради.

Этнопедагогик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ,ҳалқимизнинг бой ва қадимий қадриятлари ,урф-одатлари кўплаб тарихий манбаларимизда баён этилган бўлиб, уларни ўқиш,ўрганиш орқали авлод аждодларимизнинг табиатга,атроф-мухитга бўлган муносабатларидан ибрат олишлари мумкин.

Г.Н.Волковнинг таъкидлашича “Ҳар бир ҳалқнинг кучли ва ўзига ҳос жиҳатларини таъкидловчи стереотип тавсифлар ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.[5]

Манбаларни тахлил ва ўрганиш борасида 3000 йилдан кўп бўлган қадимий“Авесто” қўлёзма анашундай ноёб манбалардан ҳисобланади.Демак Марказий Осиё ҳалқларини хаётини маънавий диний ва тарихий мероси бўлган “Авесто”даги илмий ғоялар этнопедагогиканинг юксак таълим,тарбиявий жиҳатларини ўзида қамраб олган бўлиб ундан дарс жараёнида фойдаланиш амалий усулда мақсадлидир.

Авестонинг асоси бўлган зардўштийлик таълимоти айниқса дунёни, табиатни билишда англашда ўз даври учун етарли билимларни беради. Жумладан Авестода ер куррасини юмалоқ (тухумсимон) деб тасвирланади.

Дунёни тасаввур қилиш ҳақидаги бир мунча илғор ғоялар эътироф этилади. Гарчан зардўштийлик диний таълимот бўлсада табиат ва атроф муҳит хақидаги тушунчалар илмий ғоялар, қарашлар орқали тушунтириб берилади. Айниқса, жонзотлар ва уларнинг яшаш мухити ҳақидаги фикрлари муайян экологик қарашларни очиб беради.

Авестода жонзотлар 5 тоифага бўлинади: сувда яшовчилар, ер остида яшовчилар, осмонда яшовчилар, ер устида яшовчилар, уй ҳайвонларига ажратилади. Бу орқали жонзотларни қадрлаш, улар турмушда фойдаланиш, кўпайтириш амалга оширилган.

Оташпарастларнинг асосий машғулотлари чорвачилик ва деҳқончилик бўлгани учун улар уй ҳайвонларига ўзгача муносабатда бўлганлар.[3]

Зардўштийлик таълимотида атроф мухит муҳофазаси муайян қонунлар орқали ҳуқуқий асосга эга бўлиб, жамият аъзоларига катта маъсулият юклаган.Экин ерларни кўпайтириш, шудгор қилинадиган ерларни асраб авайлаш, уни муқаддас ҳисоблаб сажда қилиш илоҳий низом тусини олган.

Ўсимлик ва дарахтларни кўкартириш, катта ва кичик уй ҳайвонларини кўпайтириш, ерни парвариш қилиш зардўштийлик динининг асосини ташкил этган.

Зардўштийлик таълимоти инсонни табиатга бўлган муносабатларини бир томондан диний қарашлар орқали, иккинчи томондан эса жонзотларга нисбатан меҳр – мухаббат, инсонийлик каби этноэкологик маданият орқали шакллантиришга асосланган.

“Авестода” ер, сув, замин, хона, бадан, кийим – кечак, озиқ – овқатларни тоза тутиш ва сақлашга алоҳида эътибор берилган. Унда қабристонларни шаҳар ва қишлоқлардан йироқда баландроқ жойларга жойлаштириш, уни ўраб қўйиш ҳақидаги кўрсатмалар берилган.

Маълумки, экологик маданият турли табиий иқлимий шароитда яшаган этносларнинг турмуш тарзи, ижтимоий – иқтисодий муносабатлари, диний қарашлари, урф – одатлари ва анъаналари билан боғлиқдир. Авесто таълимотидаги этноэкологик маданиятнинг шаклланиши қадимги Турон заминининг чўл шароитининг жазирама иссиғи, сув манбааларининг етарли эмаслиги, ерларни

ўзлаштириш ва суғориш учун мураккаблигишароитида юзага келди. Овланадиган ҳайвонларнинг тобора камайиб бориши этносларнинг турмуш тарзида уй ҳайвонларини тобора кўпайтириш, уларга тўғри муносабатда бўлишни тақозо этар эди. Жонзотларни 5 тоифага бўлиниши ва уй ҳайвонларини алоҳида тоифа қилиб ажратилиши жонзотларга бўлган меҳр - муҳаббатнегизидаги этноэкологик қарашлардан иборатдир.

Зардўштийлик таълимоти инсоният камолоти, унинг табиат ва жамиятга бўлган муносабатини гормоник ривожланишни таъминлайдиган, табиат ва инсон ҳаётидаги ўзаро уйғунликни ва мутаносибликни эътироф этади. “Авестода” атроф муҳит экологик холатига муносабатлар уни яхшилашга қаратилган ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган этнопедагогик ғоялар мукаммал шакллантирилган. Жумладан атроф – муҳитни, кўча – кўйни, бутазор ўтлоқларни, ерларни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахслар 400 қамчи уриш жазосига гирифтор қилинган. Деярли барча касалликларни даволашда пархез асосий омиллардан бири ҳисобланган. Хомиладор аёллар пархезига алоҳида эътибор берилган ва айниқса бола тарбиясида алоҳида эътироф этилган.

“Авесто” даги мухит тозалигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш воситаларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Ахлатларни беркитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, қум билан кўмиб ташлаш. Шу йўл билан микробларни ўлдирилган ёки камайган.
- Оташ, иссиқлик ва совуқлик таъсири билан йўқотиш.
- Кимёвий йўл: кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар (исфанд – исириқ, михак, садаф, пиёз, алод, саидал) тутатиш йўли билан.[3..56]

“Авесто” таълимоти ўша даврда яшаган этносларнинг этник – миллий, диний маънавий, руҳий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий қарашларини кўрсатиб берувчи мукаммал манба сифатида эътироф этилади.

Авесто“ этносларнинг миллий урф – одатлари, анъаналарини маънавий – ахлоқий ғоялар негизида шаклланишига, инсоннинг етук шахс сифатида намоён бўлишига қаратилган халқ педагогикасининг юзага келишида жуда катта манба сифатида эътироф этилади.

“Авесто” даги зардўштийлик фалсафаси инсоният бешигида табиат ва жамият, хаёт ва коинот, мутлоқ ғоя ва инсон, моддий оламнинг такомиллиги хамиша харакатдалиги, инсон камолотида касб-кор, маънавиятнинг ўрни, моддий борлиқнинг инсон онгига таъсири ва унинг акс садоси, табиат унсурлари таснифи ҳақида ғоятда чуқур ва теран мулоҳазалардир [3...33].

Этноэкологик маданиятнинг шаклланишида Авесто таълимотининг буюк аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз,бугунги кунда ҳалқимиз орасида сувни, оловни, ерни эъзозлаш, сувни исроф қилмаслик, ўсимликларни,жонзотларни нобуд қилмаслик ҳақидаги кўрсатмалари сақланиб қолганлиги,унинг ислом маданияти орқали ривожлантирилганлигини эътироф этамиз.Авесто таълимотидаги этноэкологик маданият табиат ва инсонлар ўртасидаги тўғри муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган ҳуқуқий таълимотдир.Унинг тарбиявий аҳамияти бугунги кунда ҳам ёш авлодни атроф муҳитга бўлган ҳуқуқий муносабатларини

шакллантиришда ғоят муҳимдир. Шунга кўра ,бундай таълимотларни таълим муассасаларида кенгроқ ўрганиш,дарсликлар,ўқув адабиётларида кенгроқ ёритиш бир томондан халқимизнинг бой миллий маданий меросини ўрганишда ва ёшларни авлодларимизнинг этноэкологик маданиятини наъмуна сифатида ўзлаштиришларига муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса

Халқимизнинг асрлар оша шаклланган этноэкологик маданияти бугунги кунда қимматли маданий – мерос хисобланиб, таълим – тарбия жараёнида бундай манбаалардан фойдаланиш ёш авлодни миллий меросимизни ўрганишга ва ундан ўрнак олишга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 7февралдаги ПФ-4947-сон Фармони.
2.2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.
3.Гумилёв Л.НЭтногенез и биосфера земли,-1.: Гидрометиздат-, 1990, - 528с
4.Ҳомидов.Ҳ "Авесто" файзлари - Т.: "Шарқ", 2001 – 128 б
5. Т.Махмудов "Авесто" ҳақида – Т.: Шарқ, 2000 – 63 б
6.Волков Г.Н. Этнопедагогика – Т.: Фан, 2000

ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРДА МАДАНИЯТЛДАРАРО МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТИ

Т. Эгамбердиева, ФарДУ профессори, педагогика фанлари доктори
Алимжонова Мехринисо, ФарДу Факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *ушбу мақолада бугунги кунда олий таълимнинг глобаллашув тенденциялари, унинг ўзига хос хусусиятлари, ижобий ва салбий жиҳатлари, олий таълим соҳасидаги ўзаро алмашинув жараёнларида талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини шаклантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурияти таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *таълим, олий таълим, талаба, глобаллашув, маданият, мулоқот, маданиятлараро мулоқот, компетенция.*

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ КОМПЕТЕНЦИИ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ДИАЛОГА У СТУДЕНТОВ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ

Т. Эгамбердиева, профессор ФерГУ, доктор педагогических наук
Мехринисо Алимжонова, преподаватель кафедры иностранных языков межфакультеты ФерГУ

Аннотация: *В данной статье проанализированы тенденции глобализации высшего образования на сегодняшний день, его особенности, положительные и отрицательные стороны, социально-педагогическая необходимость формирования у студентов компетенции межкультурного диалога в процессах взаимного обмена в сфере высшего образования.*

Ключевые слова: *образование, высшее образование, студент, глобализация, культура, общение, межкультурное общение, компетенция.*

PEDAGOGICAL NECESSITY OF DEVELOPMENT OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN STUDENTS IN THE CONDITIONS OF GLOBALISATION OF EDUCATION

T. Egamberdieva, Professor of FerSU, doctor of Pedagogical Sciences
Alimjonova Mexriniso, teacher of the Department of foreign languages at the Faculty FerSU

Annotation: *in this article, the global trends of higher education today, its peculiarities, positive and negative aspects, the socio-pedagogical necessity of formation of cultural communication competence in students in the processes of mutual exchange in the field of higher education are analyzed.*

Keywords: *education, higher education, student, globalism, culture, communication, communication culture, competence.*

Дунё олий таълим маконини глобал ривожланиш тенденциялари ҳақида гапирилганда, аввалambор глобаллашув жараёнини бевосита олий таълим тизимига кўрсатган таъсири натижасида уни интеграциялашганини ва халқаролашганини таъкидлаш керак.

Давлатлар ва университетлар глобаллашув жараёни таъсирида янги стратегия ва дастурлар ишлаб чиқиш билан чекланмасдан шунингдек, талабаларни халқаро алмашуви ва чет элларда олий ўқув юртларини филиалларини ташкил этиш, халқаро алоқаларни бошқа кўринишларидан фойдаланишга катта эътибор бермоқдалар.

Маълумди жаҳондаги етакчи университетлар ҳар доим академик ва илмий алоқаларни ривожлантириб борганлар. Олий таълим глобаллашувининг яна бир муҳим жиҳатларидан бири, барча йўналишларда халқаро алоқаларни ривожлантиришда инглиз тили асосий мулоқот тилига айланганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бу эса глобал таълим муҳитида талабаларнинг турли маданиятларга эга бўлсаларда ўзаро умумий мулоқот тилидан фойдаланиш имкониятларини оширади.

Бир томонда глобаллашувни олий таълимга кўрсатаётган таъсири натижасида дуйёни исталган бурчагида билим олиш ва илмий иш билан шуғуллаяиш имкони яратилган бўлса, иккинчи томондан унга ривожланаётган давлатларда миллий маданий ўзликка таҳдид сифатида қаралётганлигини дам алоҳида таъкидлаш керак. Шундай бўлишига дарамасдан ҳозирги кунда талабалар, кўпгаб олимлар ва халқаро

таълим дастурлари дунё бўйлаб чегараларни бартараф этган ҳолда бошқа давлатларга кириб бормоқда.

Ўз навбатида халқаролашув ҳам глобал, ҳам минтақавий миқёсда намоён бўлаётгани кўзга ташланади. Бунга яққол мисол сифатида Европа Иттифоқида 1999 йилда бошланган Болония жараёни натижасида 48 та давлатни қамраб олган ягона Европа олий таълим маконини вужудга келганини айтиш мумкин[1].

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик бошқа қитъаларда ҳам кенг авж олиб бормоқда. Худди шундай жараён Логин Америкасида, Африка Иттифоқида, Осиё ва Тинч океани давлатларида ҳамда Жанубий-Шардий Осиёда кенг ёйилмоқда. Дунёнинг иқтисодий жиҳатдан бой давлатлари қаторида Сингапур, Катар ва Бирлашган Араб Амирлиги олий таълимни халқаролашувига катта эътибор бериб ўзларида дунёни етакчи университетларини филиалларини очмоқдалар ва ўқув жараёнига ҳамда илмий тадқиқотлар олиб боришга етакчи чет эллик олимларни жалб қилмоқдалар [2].

ЮНЕСКОнинг маълумотларига кўра, 2010 йилдан то бугунги кунгача чет эллик талабалар сони дунёда 80 фоизга кўпайган. Дунёда 5 млн. дан ортид талаба чет элларда таҳсил олмоқда. Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Австралияни етакчи олий ўқув юртлари Осиё ва Африка мамлакатлари талабаларини юқори сифатли таълим хизматлари билан ўзига жалб қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим [3]. Ушбу давлатлар аввалambор ўз иқтисодий манфаатларини кўзлаган ҳолда глобаллашув даврида чет эллик кўплаб талабаларга ўз университетларида турли дастурлар тақдим этмоқдалар. Айрим университетлар бевосита ўз филиалларини бошқа давлатларда очиш йўли билан ривожланаётган давлатлар таълим хизматлари бозорига кириб бормоқда. Бундай ҳолатни мамалкатимиз тараққиётининг янги даври учун ҳам хос воқеликка айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирда кўплаб мамлакатимиз ёшлари дунёнинг ривожланган давлатлари олий ўқув юртларида ёки уларнинг мамлакатимиздаги филиалларида таҳсил олмоқдалар. Зеро, мамлакатимизда 2020 йилнинг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланиши ижтимоий соҳани ва шу жумладан, олий таълимни, яъни кадрлар тайёрлаш миллий тизимини инновацион асосда ривожлантириш учун муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлигини тасдиқлайди[4]. Таъкидлаш лозимки, ушбу жараён мамлакат тараққиётини белгиловчи кўрсаткичларга эришишни, жаҳон бозорига рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш ва уларнинг экспортини ошириш, ижтимоий юксалишнинг алоҳида кўрсаткичи ҳисобланган олий таълим тизимини яъни, шу муносабат билан кадрлар тайёрлаш ишини етакчи мамлакатлар университетлари даражасида ташкил этишни талаб қилади, яъни бу жараён олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни, илмий тадқиқот ишларини янги давр иқтисодиёти, ижтимоий тизимлар талаблари даражасида такомиллаштириш зарурияти вужудга келтирди. Шунинг учун ҳам янги ривожланиш босқичида рақобатбардош кадрларга бўлган талабни қондириш мақсадида “Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим

дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.”[5]. Юқори малакали кадрларга бўлган ижтимоий талабни қондириш мақсадида, ушбу жараён давом эттирилмоқда. “Ҳозирги даврда мамлакатимизда Жанубий Корея, Буюк Британия, Россия, Ҳиндистон, Италия, Сингапур, Латвия каби давлатларнинг 14 та университет ва институтларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда[6]. Юқоридагилардан кўринадики, ҳозирги кунда талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантиришни муҳим педагогик вазифага айлантирди.

Глоаб таълим муҳитида турли маданият шаклларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантириш, дунё ҳамжамиятларининг интеграциялашуви асосида умумбашарий қадриятларни ўрганиш ва таълим жараёнига киритишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Илғор олий таълим муассасаларида айниқса, чет тиллари бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнлари талабаларнинг миллий ва умуммаданий компетенцияси, умуммаданий филологик саводхонлик даражаси, умуммаданий фарқларни англаш, умуммаданий стандартларни ўстириш, умуммаданият иммунететини такомиллаштиришга асосланиб ташкил этилмоқда.

Дунёда талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясининг таркиби ва хусусиятлари, халқларнинг маданий камолотида экологик, иқтисодий, ахборот ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти, аҳолининг умуммаданий савиясини ошириш, талабаларда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг инновацион ёндашувлари, илмий изланишли фаолиятга аксиологик муносабатни қарор топтиришга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий натижалар замонавий шароитда чет тилларни ўқитишнинг интенсив усулларини ишлаб чиқиш, бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маданий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий тенденцияларини жорий этиш, аутопсихологик компетентлиликни ривожлантириш орқали ёшларни билим олишга иштиёқини уйғотиш, глобал тафаккур ва кишилар билан толерантлик муносабатларида бўлишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ёшларни чет тилларини ўрганишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ҳар жиҳатдан билимли ва мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялаш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида таълим стандартлари такомиллаштирилиб, соҳага оид замонавий таълим технологиялари жорий этилмоқда. «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш»[7] ҳамда «чет тилларини чуқур ўрганишга эътибор қаратган ҳолда, ихтисослаштирилган синф ва мактабларни яратиш амалиётини кенгайтириш усули билан мактабларда таълим сифатини тубдан яхшилаш»[8] каби вазифалар белгиланган. Бунда талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришнинг мазмун-моҳиятини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш ва моделлаштириш, баҳолаш мезони ва

кўрсатгичларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади ва таълим-тарбия сифатини янги босқичга олиб чиқиш имкониятини оширади.

Жамият тараққиётида, хусусан баркамол шахс тарбиясида маданият катта аҳамият касб этади. Чунки маданият инсонннинг иқтидори, салоҳияти, қобилияти ва ўзлигини намоён этиб, унинг билимлари, кўникма ва тажрибаларини, маънавий салоҳиятини амалий фаолияти орқали камол топтиришда асосий роль ўйнайди.

Талабалар маданиятлараро мулоқот компетенциясининг муҳим элементлари санъат, моддий-маънавий меърос, фан ва бошқалар турли йўллар билан ўрганилади ҳамда талабалар онгига етказилади. Маданиятлараро мулоқот компетенциясига ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таъсир қилар экан, уларнинг эмоционал-ҳиссий таъсири эстетик таъсир вазифасини, ўтмишни яқинлаштириш, айрим шахсларнинг тарихи ва психологиясини очиб беришга оид вазифасини; ҳаётга бўлган муносабати орқали ифодалашга йўналтирилган, жамиятнинг ғоявий ҳаёт жараёнига кирувчи мафкуравий вазифасини инсоннинг маънавий шаклланишига ақли, иродаси, ҳиссиётига таъсир этувчи тарбиявий вазифасини ва ниҳоят, маънавий бойишига таъсир этувчи коммуникатив вазифани бажаради.

Лекин буларнинг барчаси қўйидаги қатор омилларга боғлиқ ҳолда амалга ошади:

1. Талабалар онгига миллий ғояни сингдириш асосида улар тафаккурини янгилаш орқали умуммаданий дунёқарашни шакллантириш.

2. Жаҳондан умумбашарий қадриятлар, ўтмишда маданият ривожланишида эришилган ютуқлар, муваффақиятлардан ворислик жараёнида фойдаланиш асосида келгусида маданият соҳасида бажариладиган ишлар кўламини белгилаб олиш.

3. Турли маданият шаклларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришда мамлакатимизда амалга оширилаётган мустақил тараққиётнинг имкониятларидан фойдаланиш.

4. Мамлакат иқтисодиётидаги туб ўзгаришларнинг маданият соҳасига ҳам таъсири, маданият соҳасида мамлакатлараро алоқанинг ортиб бориши.

5. Давлат сиёсатида маънавий маданиятнинг устувор йўналиши касб этганлигининиг шахс умуммаданий дунёқарашини шакллантиришга таъсири.

6. Миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғуси шаклланаётганлигининг бой миллий, тарихий анаъаналарига, халқ интеллектуал меросга ҳурматининг ортиб бориши.

Талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришда маданиятнинг қуйидаги юксалиш мезонларига асосланиш лозимлигини белгилайди:

1. Жамият тараққиёти жараёнида яратилган маънавий қадриятлар кўлами ва сони, уларнинг тарқалиш даражаси, одамлар томонидан ўзлаштирилиши.

2. Маънавий маданият турларининг бир текис тараққий этиши.

3. Маданий қадриятлардан баҳраманд бўлишда барча кишиларнинг иштирок этиши.

4. Маданий бойликларни яратишда аҳоли барча қўламларининг онгли равишда иштирок этиши.

5. Кишилар маданий юксалишига ўз ҳиссаларини қўшишлари учун жамиятда барча имкониятларнинг мавжуд бўлиши.

Юқоридаги фалсафий мезонларга таянган ҳолда талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришга доир қуйидаги мезонларни келтириш мумкин:

– умуммаданиятнинг мазмун-моҳиятини тушуниш;

– ўз миллий маданияти ва бошқа халқларнинг маданиятларига ҳурмат туйғуси;

– ўз-ўзига ҳурмат;

– тарихий онгининг шаклланганлиги;

- мен ва вандализм (маданий бойликларни ҳақорат қилувчиларга қарши курашиш);

– маънавий ва моддий бойликларга маданий муносабат;

– тасаввур ва фантазия (мен ва миф);

– эстетика ва тарбия (мен ва гўзаллик);

– ахлоқий тарбияланганлик (бошқаларнинг ҳолатини ҳис этиш);

– маънавий бой (мен ва менинг қалбим);

– экологик маданият (атроф-оламга муносабат);

– ўз фаолиятида умуммаданий дунёқарашни намоён эта олиш.

Талабалар белгиланган мезонлар асосида билим, тасаввурга эга бўлишлари учун маданиятлараро мулоқотни англашининг ўзига хос хусусиятлари, педагогик-психологик асослари мавжуд бўлиб, баркамол шахс тарбиясининг ўзаро алоқадорлиги, ҳар бир тарбияланувчининг ёш хусусиятлари ҳамда унинг интеллектуал ривожланишини ҳисобга олмай туриб, маънавий маданиятни таъминлаш мумкин эмас. Бу борада педагогик фаолиятнинг йўналишлари ва технологияларини ўз ичига олган талаба-ёшларнинг психо-физиологик ривожланиши ва бу ривожланиш фаолиятнинг асосий турлари – таълим муассасидаги шарт-шароитлар билан уйғун бўлиши талаб этилади. Талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришда барча ўқув фанлари иштирок этади.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришда

1) маданиятнинг фалсафий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қарашларда яхлит бир тизим сифатида етакчи тушунчаларини ажратиб олиш;

2) ўқув фанларида дунёқараш мазмуни қай даражада эканлигини аниқлаб бериш (ўқув предметлари ва ёш хусусиятлари жиҳатидан);

3) олий таълим тизимида ўрганиладиган фан асосларини умуммаданий фанларни яхлит бир мажмуада бирлаштириш талаб этилади. Шунга кўра, ижтимоий гуманитар, табиий математика, «Маданиятшунослик асослари», миллий бадиий маданиятга доир дастурлар ҳамда россиялик Э.Гелвман томонидан тузилган «Фан ва маданият тарихи» дастури таҳлил этилиб, уларнинг умуммаданий дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамияти ёритилган ҳолда, лекин шу пайтгача

талабалар умуммаданий дунёқарашини шакллантиришга доир муҳим бир инегратив дастур, ўқув қўлланмаси, дарслик ёки методик қўлланма яратилмаганини ҳисобга олган ҳолда «Маданиятшунослик» дастурини яратиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В Париже прошла конференция министров образования стран-участниц Болонского процесса https://минобрнаукирф/пресс-центр/12944
2. Six ways to ensure higher education leaves no one behind. Global Education Monitoring Report. UNESCO ED/GEMRMRT/2 017/PP/30. - P. 1. Яна даралсин: The Role of Quality Assurance in Higher Education: Challenges, developments and trends UNESCO Regional Meeting on QA Moscow, Russian Federation April 23-24, 2018 Peter J. Wells Chief, Higher Education, UNESCO. - P. 6. https://iite.unesco.org/wp-content/uploads/2018/06/Piter-Uells -UNESCO angl.pdf.
3. Six ways to ensure higher education leaves no one behind .Global Education Monitoring Report, c/o UNESCO ED/GEMR/MRT/2017/PP/30. - P. 2.
4.Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
5.Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
6.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи. 7 март 2019 йил. https://president.uz/uz/2417
7.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиѐевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhm. Мурожаат санаси: 26.11.2018 й.
8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони.

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.

НамДУ, Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси
Эргашева Дилором
Қўқон Давлат Педагогика Институти ўқитувчилари
Тошматова Шоирахон, Ибрагимова Дилфуза, Халимова Мохигул, Тошпўлатова Дилрабо

Аннотация: *ушбу маколада мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш, қизиқиш ва лаёқатларини хисобга олиш, фан-техника ютуқларига эришишда касбга йўналтиришнинг педагогик жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *фан-техника, касб, таълим, тарбия, фаолият, махсулот, ижодкорлик, қизиқиш, эҳтиёж, меҳнат малакалари.*

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ НАПРАВЛЕНИЯ УЧЕНИКОВ В ПРОФЕССИЮ.

Аннотация: *В данной статье рассматриваются педагогические аспекты направления школьников к профессии с учетом их интересов и способностей, направления их к профессии в достижении достижений науки и техники.*

Ключевые слова: *Наука, техника, профессия, образование, воспитание, деятельность, продукт, творчество, интерес, потребность, трудовые навыки.*

PEDAGOGICAL BASES FOR SENDING STUDENTS TO THE PROFESSION.

Abstract: *this article discusses the pedagogical aspects of directing students to the profession, taking into account their interests and abilities, their direction to the profession in achieving the achievements of science and technology.*

Keywords: *Science, technology, profession, education, upbringing, activity, product, creativity, interest, need, work skills.*

Ҳозирги фан-техника ва ижтимоий тараққиёт шароитида ёш авлодни жамият барпо этишда фаол қатнашишга тайёрлаши лозим бўлган мактабнинг роли ҳар қачонгидан кўра ўсди. Шу муносабат билан ўқувчиларга илм-фан асосларининг мустаҳкам билимларини сингдириш, уларда юксак онглиликни тарбиялаш, умуминсоний ахлоқийликни шакллантириш, ёш авлодни турмушга ва меҳнатга, ижтимоий зарур касбларни онгли равишда танлашга тайёрлаш таълим ва тарбиянинг ҳамма босқичларида ҳозирги мактабнинг вазифаларидир. Касбни тўғри танлаш – инсон турмушида муҳим қадамдир, ёш авлоднинг бутун ҳаётидаги муваффақият кўп жиҳатдан касбнинг қанчалик тўғри танланишига боғлиқ.

Касбни тўғри танлаш ҳар бир мактаб ўқувчисининг қизиқишига, майлига, қобилиятига ва имкониятларига мос бўлиши учун унинг соғлиғини, ўзлаштиришини ва ҳиссиётларини ҳисобга олиш лозим, булар ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатда ҳаммадан кўра кўпроқ қарор топади ва намоён бўлади. Одам бажараётган ишларига ижодий муносабатда бўлиб, меҳнат унумдорлигини доимо ошириб борса, танлаган касбига зўр қизиқиш билан қараса, ўз ишининг ижтимоий аҳамиятини тушунса, унинг қобилиятлари меҳнатда такомиллашиб борса, ўшандагина у меҳнатдан қониқиш ҳосил қилади ва хурсанд бўлади, бундай ҳолда ҳар бир шахс жамиятга энг кўп наф келтиради. Мана шу айтган гаплардан касб танлашнинг ғоят муҳим ижтимоий аҳамияти келиб чиқади. Касб-корни эркин танлаш жуда катта аҳамиятга эга. Одам шуғулланаётган ишини яхши кўрса, бундан у хурсанд бўлади, қониқиш ҳосил қилади, зўр ташаббус кўрсатади, толиқмай меҳнат

унумини оширади. Мактаб ўқувчиларининг касб танлаши онгли зарурият бўлиши ва айни вақтда жамият манфаатларига мос бўлиб тушиши, йигит ва қизларнинг камолот йўлида шахсий муддаоларини қондириши лозим. Бунинг учун юксак даражада маълумотли бўлиш зарур, ҳозирги асримизда бундай маълумотсиз фан-техника илдам тараққий этиши мумкин эмас. Умуммеҳнат ва махсус малакаларни, касбга бўлган қизиқишларини шакллантиришнинг бундай имкониятлари объектив заминга эга бўлиб, воқеликда ҳар куни амалда оширилмоқда. Саноат тез ривожланганлиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш борасида катта қадамлар қўйилганлиги, илм-фан, техникани ва маданиятни юксалтириш соҳасидаги муваффақиятлар бир томондан, ёшларнинг қизиқишларига ва қобилиятларига мувофиқ, иккинчи томондан халқ хўжалиги талаб-эҳтиёжларига асосан касб танлашлари учун амалий жиҳатдан чекланмаган имкониятлар яратди; умумий таълим мактабида меҳнат политехника таълими шароитида касбга йўналтириш муаммосини ижобий ҳал қилиш учун барча шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Касбга йўналтириш ўқувчиларга политехник маълумот бериш масалалари билан, касб танлаш эса муайян билим даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ёш авлодга меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни тарбиялаш муҳимдир. Ижодкорлик инсон фаолиятига умуман хос нарсадир, қобилиятларини ҳар томонлама камол топтириш учун имконият мавжуд бўлади, чунки болалар ёшлигиданоқ меҳнатга қизиқиб қоладилар: улар ўз ўйинларида ота-оналарига, атроф-теваракдаги кишиларга тақлид қиладилар, уларнинг меҳнат ҳаракатларини такрорлайдилар. Фаолиятга ана шунда интилиш, катталарнинг меҳнатига тақлид қилиш болаларга мактабгача ёшдаёқ ҳаммабоп меҳнат малакаларини сингдириш учун қулай омил бўлиб хизмат қилади. Табиийки, буларнинг ҳаммасини тушунарли ва образли шаклда болалар онгига етказиш, болаларни ўраб турган ва уларга хизмат қилаётган ҳамма нарсалар одамларнинг меҳнати билан вужудга келтирилган, қўллар фақат меҳнатдагина “моҳир қўллар”га айланади, меҳнатсиз ҳеч нарсани ўрганиб бўлмайди, деган фикрни сингдиришга интилиш зарур.

Умумий таълим мактабларида, завод ва фабрикаларда, ўқув юртларида касбга йўналтириш ишларини ўтказиш заруриятини турмушнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу нарса қайта қуриш янги марралари йил сайин тобора кенг авж олдирилаётгандир. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: ўқувчи танлаган касб оғзаки тушунчагина бўлиб қолмаслиги, ўқувчи ўз қобилиятларини янги касбда синаб кўриши, ушбу касб тўғрисидаги тушунчаси қанчалик тўғри эканини холисона текшириб кўриши лозим. Ўз-ўзидан маълумки, бунга ўқитишнинг тўғри йўлга қўйилиши, билимларни, илм-фан асосларини, айниқса ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат билан чамбарчас боғланган меҳнат политехник билимни чуқур ва мустаҳкам эгаллаш натижасидагина эришиш мумкин. Ҳар қандай касбда энг муҳими - унинг меҳнат мазмунига эга бўлишидир. Шу боисдан меҳнатсеварликни, яхши урф-одатларни тарбиялаш ва уларни меҳнат жўшқинлигига кўчириш болаларни касб танлашга тайёрлашнинг бош негизидир. Оилада болани меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш одатда мактабгача бўлган ёшдан бошланади. Ана шу пайтдан эътиборан болаларни

бўлғуси касбни танлашга тайёрлаш амалга оширилиши лозим. Бунда болаларнинг қизиқишлари, майллари, қобилиятлари ва имкониятларини мунтазам равишда ўрганиш зарур. Касб танлашда хато қилмаслик учун болаларга аввало мактаб ва оила ёрдам бериши керак. Ҳар бир шахс ҳар томонлама камол топиши лозим, бунинг учун мактабларда барча имкониятлар мавжуд. Болалар яхши, ақлий, жисмоний, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни ва шу билан бирга политехник маълумотни ола туриб, шу асосда ўзларини касбий фаолиятга тайёрлашлари мумкин. “Ким бўлсам, экан?” муаммоси “Қандай одам бўлиш керак” муаммоси билан биргаликда ҳал қилиниши лозим. Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтиришга оид ишларни таълим йўллари орқали муттассил ва изчиллик билан олиб бориш керак.

Барча касблар учун зарур ва муҳим бўлган шахс хислатлари бор, булар-меҳнатсеварлик, ҳамма касб ва мутахассисликдаги меҳнат аҳлига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш зарурлигини тушуниш ва англаш, ўз ичини режалаштира ва назорат қила билиш, иш жойини тўғри ташкил қилиш, иш батартиб ва интизомли бўлиш, тоқатлик, саботлилик, топшириқни бажаришнинг энг оқилона усулини танлаб ола билиш, материаллар ҳамда вақтни тежаш ва шу кабилардир. Ана шу хислатлар ва фазилатларнинг ҳаммасини болаларда биринчи синфдан бошлаб шакллантириш лозим.

Болаларни касблар оламига аста-секин олиб кириш, уларни шу оламда мўлжал олишга ўргатиш зарур. Ўқитувчи ўқувчини дарсларда кузатиш, у билан суҳбатлашиш, бола фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш жараёнида унинг баъзи бир хусусиятларини, майлларини пайқаб олади, бу хислатларни ривожлантириш юзасидан тегишли ишларни адо этгандан кейин булар кейинчалик касбни белгилашда асосий омил бўлиши мумкин.

Боланинг касбий муҳим хислатларини барвақт аниқлаш эса кейинчалик унга ўз хусусиятларига қараб касбни тўғри танлаш, уни муваффақиятли равишда ўзлаштириш, меҳнатда юксак натижаларга эришиш имконини бериши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мактаб ўқувчиларининг тахминан 30 фоизида танланган касбга нисбатан барқарор қизиқишлар бошланғич синфлардаёқ шаклланар экан. Ўқитувчининг вазифаси- ўқувчиларнинг қизиқишларини мумкин қадар олдинроқ аниқлашдан ва жамият талаб-эҳтиёжларига мувофиқ шу қизиқишларини ривожлантиришдан, инсон шахсини ҳар томонлама уйғун камол топтириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Мактабларда меҳнат таълими дарслари касбга йўналтириш ишини олиб бориш учун алоҳида имкониятларга эга. Буни меҳнат дарслари касбга йўналтиришга қаратилган йўлининг таҳлил мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бошланғич синфларда меҳнат таълимининг асосий мақсадларидан бири-ўқувчиларда инсон учун меҳнат биринчи зарурият, ижтимоий бурч эканлигига, ҳар қандай касбни эгаллаш учун мустаҳкам ва чуқур билимлар кераклигига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Меҳнатга мухаббатни ва ишлаш истагини фақат меҳнатда тарбиялаш мумкин. Шу боисдан ҳам меҳнат таълими дарсларида қарийб 80 фоиз вақт амалий ишлар учун ажратилган. Шу билан бирга дарсларда болалар

инсонлар меҳнат фаолиятининг асосий соҳалари билан, уларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашувчи саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид энг кўп тарқалган касблар билан таништирилади. Ўқитувчи илгари тузган касбга йўналтириш режасига мувофиқ тарзда касбга йўналтириш дарси олдига мақсад қўйиб, касбга йўналтиришга оид маълумотларни унга киритади. Бу эса бирон-бир касб, асбоб, ишлаб чиқариш технологияси, муайян меҳнат операцияларини ўргатишдан, касб жиҳатидан муҳим хислатларини тарбиялашдан, ўқувчиларни илгари белгиланган режа асосида ўрганишдан ёки ана шу таркибий қисмларнинг ҳаммасини қўшиб олиб боришдан иборат бўлиши мумкин.

Юқори синфларда ўқувчилар касблар билан профессиограммалар ёрдамида танишадилар. Кичик ёшдаги ўқувчилар учун эса ҳикоя қилиб бериш, суҳбатлар ўтказиш, касб намоёндалари билан учрашиш, диафилмлар, кинофильмлар кўриш, албомларни кўздан кечириш, саёҳатлар ўтказиш кўпроқ самарага эгадир. Бу соҳада олиб борилаётган барча иш шаклларидан суҳбат ўтказиш ҳаммадан кўп фойдаланилмоқда. Суҳбат болаларнинг фаол иштирокида ўтиши муҳимдир. Шу мақсадда ўқитувчи касблар тўғрисида, айниқса ота-оналари, қариндошлари ёки таниш-билишлари мазкур касблари ҳақида маълумотлар тўплаш юзасидан ўқувчиларга топшириқлар бериши мумкин. Суҳбатларда касб-ҳунарга доир ҳикоялар айтиб бериш, фотосуратларни намойиш қилиш мумкин.

Ўқувчиларни дастурда кўзда тутилган касблар билан таништиришдан ташқари касбини таргъиб қилиш, яъни болаларни ушбу ҳудуд учун зарур бўлган касблар билан таништириш, уларда яна шу касбларга нисбатан ҳурмат-ехтиромни тарбиялаш, шу касбларнинг кўзга кўринмас қирраларини очиб бериш лозим.

Мантиқий масалаларни ечиш жараёнида уларнинг шартида берилган боғланишлар, шунингдек улардан келтириб чиқариладиган хулосалар алоҳида-алоҳида мулоҳазалар шаклида ифодаланиб, бирин-кетин хулосалар занжири қурилиб, бунда ҳар бир хулоса натижаси (охиргидан ташқари) кейинги хулосани келтириб чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади[2].

Шунинг учун ҳам "Бошланғич математика курси назарияси" фанининг "Математик мантиқ элементлари" модулида мулоҳаза, мулоҳазалар ва улар устида мантиқий амаллар бажариш мавзуларига асосланган ҳолда тўғри ва нотўғри мулоҳазалар ва айниқса дедуктив мулоҳазалар асосида ётувчи келтириб чиқариш қоидаларига асосий урғу бериш мақсадга мувофиқдир, чунки бу қоидаларни қўлланилиши натижасида рост асослардан рост хулосалар келтириб чиқарилиши кафолатланади.

Келтириб чиқариш қоидаларига кўп эътиборни кучайтириш ҳақидаги фикрни олға сурар эканмиз, биз улар кўп сонда эканлигидан ҳамда уларни барчасини кўриб ўтмасдан, бошланғич синфлар математикасига киритилиши таклиф этилаётган мантиқий масалаларни ечиш учун зарур бўладиган учта:

Хулоса қоидаси: $\dfrac{A(x)\Rightarrow B(x), A(a)}{B(a)}$

Инкор қоидаси: $\dfrac{A(x)\Rightarrow B(x), \overline{B(a)}}{\overline{A(a)}}$

Силлогизм қоидаси: $\dfrac{A(x)\Rightarrow B(x), B(x)\Rightarrow C(x)}{A(x)\Rightarrow C(x)}$

"Дискрет математика асослари" модулида тўпламлар ўртасида ўзаро бир қийматли мослик ўрнатишга доир: X тўпламнинг ҳар бир элементига Y тўпламнинг ягона элементи мос келтирилса ва Y тўпламнинг ҳар бир элементи X тўпламнинг фақат битта элементига мос келса, X ва Y тўпламлар орасидаги мослик ўзаро бир қийматли мослик дейилиши ҳақидаги таъриф киритилиб, назарий ўқув материаллари ёритилишида уларни графлар ёрдамида шунингдек, жадвал усулида ифодаланиши кўриб ўтилгандан сўнг машқлар системасига назарий материални мустаҳкамлашга доир мисоллар билан бир қаторда бошланғич синфлар ўқувчилари учун таклиф этилган қуйидаги турдаги мантиқий масалаларни ҳам киритилиши мақсадга мувофиқдир.

1-масала. Югуриш мусобақасида Алишер, Воҳид ва Санжар дастлабки учта ўринни эгаллади. Агар Воҳид иккинчи ўринни ҳам, учинчи ўринни ҳам эгалламаган бўлиб, Санжар иккинчи ўринни эгалламаган бўлса, болаларнинг қайси бири нечанчи ўринни эгаллаган?

Ечиш. Масалада қаралаётган тўпламлар ўртасида ўзаро бир қийматли мосликни жадвалдан фойдаланиб ўрнатамиз. Жадвални тўлдиришда агар мусобақа қатнашчиси эгаллаган ўрни маълум бўлса, мос катакка "+" белги, эгалламаган

бўлса , “-“ белги қўямиз. Масала шартига кўра Воҳид иккинчи ўринни ҳам, учинчи ўринни ҳам эгалламагани учун мос катакларга “-“ белги қўямиз. У ҳолда Воҳид биринчи ўринни эгаллаган бўлади. Мос катакка “+” белги қўямиз.

Эгалланган ўрин	Исмлар		
	Алишер	Воҳид	Санжар
1- ўрин		+	
2- ўрин	+	-	-
3 -ўрин		-	+

Шу тарзда масала шартида берилган, шунингдек улардан келтириб чиқариладиган хулосалар занжирини қуриб, уларга таянган ҳолда жадвални тўлдирамиз:

- Санжар иккинчи ўринни эгалламаган: “-“ белги қўямиз. Демак иккинчи ўринни Алишер эгаллаган: “+” белги қўямиз.

- Воҳид биринчи ўринни, Алишер иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, у ҳолда Санжар учинчи ўринни эгаллаган бўлади: “+” белги қўямиз.

Жавоб: Воҳид 1-ўринни, Алишер 2-ўринни, Санжар 3-ўринни эгаллаган.

2-масала. Карим, Ботир, Мансур ва Аҳмад математика олимпиадасида биринчи тўртта ўринни эгаллашди. Карим биринчи ўринни ҳам, тўртинчи ўринни ҳам эгалламаганлиги, Ботир иккинчи ўринни эгаллаганлиги, Мансур тўртинчи ўринни эгалламаганлиги маълум бўлса, болалардан қайси бири нечанчи ўринни эгаллаган?

Ечиш. Масала шартига кўра олимпиада қатнашчилари исмлари тўплами ва эгалланган ўринлар тўпламига эгамиз. Биринчи тўплам элементларини К, Б, М ва А нуқталар билан (мусобақа қатнашчилари исмлари бош ҳарфлари) иккинчи тўплам элементларини 1,2,3 ва 4 сонлари (эгалланган ўринлар) билан белгилаймиз. Улар орасидаги ўзаро бир қийматли мосликни кесмалар билан туташтирамиз. Агар тўплам элементлари ўртасида қаралаётган мослик ўринли бўлмаса (инкори бўлса) у ҳолда уларни штрих чизиқлар билан туташтирамиз.

Дастлаб масала шартида берилган мосликларни графда тасвирлаймиз.

Сўнгра қуйидаги мулоҳазалар занжири қуриб, хулосалар чиқариб, уларни графда тасвирлаймиз:

-Карим биринчи ўринни ҳам тўртинчи ўринни ҳам эгалламаган бўлиб, Ботир иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, у ҳолда Карим учинчи ўринни эгаллаган бўлади.

- Мансур тўртинчи ўринни эгалламаган бўлиб, иккинчи ўринни Воҳид, учинчи ўринни Карим эгаллаган бўлса, у ҳолда Мансур биринчи ўринни эгаллаган бўлади.

- Демак Аҳмад тўртинчи ўринни эгаллаган бўлади.



Графдан 1-ўринни Мансур, 2-ўринни Ботир, 3-ўринни Карим, 4-ўринни Аҳмад эгаллаганлигини аниқлаймиз.

Худди шунингдек, ушбу модулда тартиб муносабатига доир: R муносабат X тўпламда бир вақтнинг ўзида антисимметрилик ва транзитивлик хоссаларига эга бўлса, бу муносабат тартиб муносабат дейилиши ҳақидаги таъриф киритилиб, назарий ўқув материаллари ёритилиб, бу муносабатлар графлар билан тасвирланиши кўриб ўтилгандан сўнг машқлар системасига назарий материални мустаҳкамлашга доир мисоллар билан бир қаторда бошланғич синф ўқувчилари учун таклиф этилган қуйидаги турдаги мантиқий масалаларни киритилиши мақсадга мувофиқдир.

3-масала. Акмал дўстларини туғилган кунига таклиф этди. Меҳмонлардан *Л*азиз Маҳмуддан олдин, Зокир Валидан олдин, лекин Маҳмуддан кейин, Салим Валидан кейин табриклагани келишди. Меҳмонлар қандай тартибда келишган?

Ечиш. Ўрганилган назарий ўқув материалига таянган ҳолда талабалар масалани граф билан тасвирлаб ечганларидан сўнг бу турдаги масалаларни ечишда тўплам элементларини тўғри чизиқда нуқталар билан белгилаб, уларни берилган муносабатга мос жойлаштириб ҳам ечиш мумкинлигини
кўрсатиш мақсадга мувофиқдир, чунки бошланғич математика курсида тўплам элементларини тартиблашга доир масалалар худди шу усул билан ечилади. Жумладан, берилган масалани ечишда болаларни тўғри чизиқда уларнинг бош ҳарфлари кўрсатилган нуқталар билан ҳамда улардан олдин келганини тўғри чизиқда чапроқда, кейин келганини эса ўнгроқда белгилаб, сўнгра тартиб билан масалани ҳар бир шартини тўғри чизиқда белгилаш асосида қуйидагича ечилади:

*Л*азиз Маҳмуддан олдин келган, демак *Л* нуқта М нуқтадан чапда жойлашади;

0. Зокир Маҳмуддан кейин келган, демак З нуқта М нуқтадан ўнгда жойлашади;

1. Зокир Валидан олдин келган бўлса, Вали Зокирдан кейин келган бўлади, демак В нуқта З нуқтадан ўнгда жойлашади;

Салим Валидан кейин келгани учун С нуқта В нуқтадан ўнгда жойлашади. Тўғри чизиқда нуқталарнинг жойлашишидан меҳмонлар қуйидагича: Лазиз, Маҳмуд, Зокир, Вали, Салим тартибда келишганлигини аниқлаймиз.

“Матнли масалалар” модулида мантиқий масалаларни ечишга доир ўқув материаллари умумлаштирилишида юқоридаги каби ўзгартиришларни ҳисобга олиш билан бир қаторда кечиб ўтишга доир, қуйишга доир, тарозида тортишга доир, энг ёмон ҳолни кўриш ва Дирихле принципини қўллашга доир гипотезалар тузиш ва текшириш асосида ечишга доир мантиқий масалаларни ечиш бўйича ўқув материаллари ёритилиб, уларни ечиш усуллари системалаштирилиб, якунига етказилади.

- Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини мантиқий масалаларни ечишга тайёргарлигини таъминлаш нуқтаи –назаридан “Бошланғич математика курси назарияси” фанида ўрганилаётган математик тушунчалар, қоидалар ва методларни бошланғич синф математикасида ўрганиладиган ўқув материалларини ёритишга татбиқ этиш улар ўртасида узвий алоқани ўрнатишга асос бўлиб хизмат қилади.

-Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини 1-4 синфлар ўқувчиларини мантиқий масалаларни ечишга ўргатишга тайёргарлигини таъминлаш фақат ўқув материаллари мазмунини такомиллаштириш асосидагина ҳал этилмай, балки уларини талабаларга қай даражада баён этилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунда ўқув материалларини баён этилишида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси у ёки бу тушунчанинг киритилиши, ривожланиши ва қўллаш соҳалари мазмун-моҳиятини тушуниб етиши учун шарт- шароитлар яратилиши лозим.

-Назарий материални мустаҳкамлашга доир машқлар системаси таркибига бошланғич синфлар математикасида ўрганиладиган мантиқий масалаларни киритилиши бўлажак ўқитувчилар томонидан ўрганилаётган ўқув материалини пухта ва онгли ўзлаштирилишини таъм1инлаш билан бир қаторда, бошланғич мактаб математикасидаги ўқув материаллари билан боғланишни ўрнатиб, уларнинг касбий тайёргарлигига ижобий таъсир ўтказади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори. lex. uz./pages/ getpage.aspx?/ act/id =3153714 – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари. маълумотлари миллий базаси

2. Математика фанидан ўқув дастури (1–4 синфлар). Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2017-йил 3 июндаги 197-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Тошкент, 2017. 47–б.

3. Математика. Сборник задач: учеб.пособие для студ. учреждений высш.проф.образования/ [Л.П. Стойлова, Е.А. Конобеева, Т.А. Конобеева, И.В. Шадрина]. - М.:Издательский центр " Академия". 2012.-240с. -(Сер.Бакалавриат).

БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамарасулов Акмалжон, ФарДУ ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада дунёда бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида касбий, ижтимоий-маданий, социолингвистик компетенциясини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар, уларнинг асосий йўналишлари, устивор тамойиллари таҳлил этилган.*

Калит сўзлар: *таълим, тил, хорижий тил, бўлажак ўқитувчи, касб, компетенция, социология, лингвистика, социолингвистика, аксиолгик билим, мулоқот.*

АНАЛИЗ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ И ИХ НАПРАВЛЕНИЙ

Мамарасулов Акмалжон, преводаватель ФерГУ

Аннотация: *В статье анализируются исследования, проведенные по совершенствованию профессиональной, социокультурной, социолингвис-тической компетентности будущих учителей иностранных языков в мире, их основные направления и принципы.*

Ключевые слова: *образование, язык, иностранный язык, будущий учитель, профессия, компетенция, социология, лингвистика, сосиолингвистика, аксиальные знания, коммуникация.*

ANALYSIS OF RESEARCH ON IMPROVEMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE FOREIGN LANGUAGE TEACHERS AND THEIR DIRECTIONS

Mamarasulov Akmaljan, teacher of FerSU

Annotation: *The article analyzes the researches carried out on improvement of professional, socio-cultural, sociolinguistic competence in the future Foreign Language teachers in the world, their main directions and principles.*

Key words: *education, language, foreign language, future teacher, profession, competence, sociology, linguistics, Sosiolingvistika, axial knowledge, communication.*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси (1998 й.), ЮНЕСКО нинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати (1995 й.), Европа олий таълим муассасалари сифатини бир хиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Болонья декларацияси дунё миқёсида таълим сифатини оширишда муҳим ўрин эгалламоқда. Мазкур ҳужжатларга биноан бўлажак чет тиллари мутахассисларини тайёрлашда CEFR (Common European Framework of Reference for Language) малака

талаблари асосида олий таълим мазмуни ва сифатини халқаро даражага кўтариш, модулли таълимни ташкил этиш, замонавий педагогик ва ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан бўлажак ўқитувчилар компетентлигини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда[1].

Мустақиллик йилларида замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш, жумладан, чет тиллари ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини халқаро малака талаблар асосида ташкил этиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида, жумладан, бўлажак чет тиллари ўқитувчиларини тайёрлашнинг илғор хорижий тажрибаларга асосланган миллий тизими яратилди. Шулар билан бир қаторда чет тиллари ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини оширишда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга оид ёндашувларни жадаллаштириш зарурати кўзга ташланмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий педагогик кадрлар заҳирасини яратиш”[2] каби вазифалар белгиланиб, бу борада бугунги кунда бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, ижтимоий лингвистик тайёргарлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда халқаро малака талабларига мос рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлаш мазмуни ва илмий-методик базасини мустаҳкамлаш, инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, ижтимоий лингвистик тайёргарлигини ошириш, хорижий тил ўқитувчиси профессиограммасини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Бўлажак чет тиллари ўқитувчилари тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, the English language center (Англия); Oxford University (Англия); Monterey Institute(АҚШ), Yale University (АҚШ), Sogang University (Шарқий Корея); The Mainz Johannes Gutenberg Universite (Германия); The University Of Eastern Finland (Финляндия), Москва давлат педагогика университети (Россия) [3] да олиб борилмоқда.

Бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: енгиллаштирувчи тил муҳити орқали ривожлантирувчи ўйин воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг нутқи ва лингвистик малакаларини яхлит шакллантириш самарадорлиги таъминланган (the English language center); чет тилини ўрганишда нафақат мазкур тилда сўзлашувчилар маданиятини, балки ушбу маданиятнинг таълимий мақсадини дунёни мантиқий англашга йўналтиришдек англоцентристлик ёндошув ишлаб

чиқилган (Oxford University); бимаданиятшунослик ёндошуви асосида компетенцияни шакллантириш мазмуни такомиллаштирилган (Monterey Institute); таълимни ташкил этишнинг инновацион интернет-лойиҳа, вебквестлар (webquests), электрон кундаликлар (blogs), электрон портфеллар (e-portfolio) подкаст (podcasts) ва бошқа технологиялари ишлаб чиқилган (Yale University); бўлажак хорижий тил ўқитувчиларига чуқур билим беришда тил тузилиши, мимика, расм, театр, кино, реклама, рассомлик, архитектура, мусиқа, опера, балет ва бошқаларни ўз ичига олувчи дискурс-таҳлил стратегиясини ишлаб чиқилган (The Mainz Johannes Gutenberg University); чет тиллари ўқитувчиларини тайёрлаш амалиётида ўзга маданиятларнинг хусусиятлари, уларга оид ахборотларни интерпретация қилаолиш, шахснинг сифатлари (эмпатия, толерантлик) ҳақида билимлар мужассам бўлган кросс-маданий ёндошув ишлаб чиқилган (Sogang University); чет тиллари ўқитувчиларининг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга мазмунан йўналтирилган “double qualification”-“икки ёқлама квалификация” дастури яратилган (The University Of Eastern Finland); ўзида аксиологик билимга эга фаолиятни лойиҳалаштиришни ифодалаган, касбий-педагогик фаолият қирраларини намоён этадиган контекстли ёндошувдан кенг фойдаланиш компетентли ўқитувчи кадрлар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилган (Москва давлат педагогика университети).

Дунёда бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг компетентлигини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишдаги тадқиқотлар олиб борилмоқда: халқаро Умумевропа CEFR стандартлари талаблари асосида компетентли чет тиллари ўқитувчилари тайёрлашнинг педагогик механизмини такомиллаштириш; бўлажак чет тиллари ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш; аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил таълимни ташкил этиш жараёнини лойиҳалаштириш.

Бўлажак хорижий тил ўқитувчилари касбий компетентлигини шакллантиришнинг методологик ва илмий-назарий асослари, замонавий таълим менежири компетенциясини белгиловчи халқаро ҳуқуқий-меъёрий мезонлар ва уларнинг чет тиллари ўқитувчилари компетентлигини шаклланишидаги аҳамияти, социолингвистик компетенцияни шакллантириш контекстида бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини тайёрлашнинг амалиётдаги аҳволи бўйича ҳам бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Етук мутахассис олимларнинг фикрларига таянган ҳолда компетенция атамасиннинг мазмун ва моҳиятини қуйидагича изоҳладик: “Компетенция” у ёки бу касб эгасига зарур бўлган касбий қонуниятлар, тамойиллар, талаблар, қоидалар, бурч, вазифа ҳамда мажбуриятлар, шунингдек, шахсий деонтологик меъёрлар йиғиндисини англатади. Компетентлик эса-шахс амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, компетенция меъёрларини жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда креативлик асосида иш тажрибасида намоён этиш маҳоратидир. Компетентликнинг асосий мезони самарали фаолият, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан белгиланади.

Тадқиқотлар натижасига кўра замонавий хорижий тил ўқитувчиларини тайёрлашда социолингвистик компетентликнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Тилшунослик атамалари луғатида таъкидланишича: “Социолингвистика (лот. soci(etas)–жамият+лингвистика) тилшуносликнинг тилни ижтимоий яшаши ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси. Социология ва лингвистиканинг синтезидан иборат бўлган бу соҳа тил билан ижтимоий ҳаёт фактлари алоқаси; нолисоний омиллар таъсирида тил тараққиётидаги фаол жараёнлар; радио, телевидение, кино кабиларнинг кенг тарқалиши билан тилнинг оғзаки ва ёзма шакли ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, тил сиёсатини юритишнинг вазифа ва шакллари; кенг халқ оммасининг нутқ маданиятини кўтариш каби муаммолар билан шуғулланади.

Илмий адабиётлар таҳлилига кўра социолингвистик компетенция, ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини назарда тутади. Яъни, мос коммуникатив вазиятда дискурс танлай олиш; юзага келган муаммонинг моҳиятини тушунтира олиш ва мижозга зарурият туғилганда розилик борасидаги хизматни тақдим қилувчи шахсга тушунтира билиш; тил шаклларини танлай билиш ва уларни нутқий мавзу бўйича коммуникатив вазиятлар доирасида касбий матнга мувофиқ тарзда қўллай ва ўзгартира олиш; тил эгаларида ҳайратланиш ёки аччиқланишни уйғотмайдиган, улар учун табиий, одатий саналган муомалада мулоқот қила олиш кабиларларни ўзида мужассам этади.

Бизнинг назаримизда социолингвистик компетенция-сўзловчининг коммуникатив жараёнда ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисалари мазмун ва моҳияти асосида ўз-ўзини ва атрофдагиларни нутқ техникаси талаблари асосида ижтимоийлаштириб бориш демакдир.

Илмий-назарий манбалар таҳлили шундан далолат берадики, социолингвистикада тилнинг уч вазифаси мавжуд бўлиб, улар таянч, этноижтимоий ва ижтимоий тарзида тасниф этилади. Бу ўринда унинг таянч функцияси-алоқа қилиш, этноижтимоий-турли этник тиллар воситасида ижтимоий-этник тарихий ва ҳозирги давр воқеа-ходисалар; ижтимоийда эса у ёки бу халқнинг тарихи, урф-одатлари ва уларнинг анъаналари бошқа халқлар урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари, турмуш тарзи билан ўхшашликлари ҳамда фарқи, маданияти, санъати, адабиёти, иқтисодий ҳолати, миллий бойлиги, шевалари ва бошқа жиҳатлари ифода этилади.

Тадқиқотлар жараёнида бўлажак хорижий тил ўқитувчилари социолингвистик компетенциясини шакллантиришнинг дидактик тамойиллари (ўқув материалини импровизация қила олишга инновацион ёндашув; тиллар ва маданиятлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир тамойили; толерантлик тафаккурининг устуворлигини таъминлаш тамойили; илғор халқаро ғояларнинг имплементация қилиниши тамойили; ижтимоий-ғоявий маданиятнинг

устуворлиги тамойили; лингвомаданий тамойили), методик омиллари (истиқболини башоратлаш, технологиялаштириш, алгоритмлаштириш, лойиҳалаштириш), социолингвистик коммуникация турлари, типлари, тадқиқот объекти, идентификация иерархияси (биологик, географик, конфессионал, тил нуқтаи назаридан, ижтимоий ва маданий), нутқ маданияти компонентлари, таълим воситалари (матнли воситалар, аудиовизуал воситалар, тасвирли воситалар, асосий воситалар, ёрдамчи воситалар), илмий-методик тизими, дарс мазмуни педагогик мотивлар, эхтиёжлар, манфаатлар якдиллиги аниқланади, ўзаро самарали алоқа натижасига эришишнинг шакл, метод ва воситалари танланади.

Тадқиқотларда социолингвистик коммуникация шакллари қўйидагича тасниф этилади: таълим жараёнида, оила муҳитида; ижтимоий гуруҳлар ичида; турар жойларда, вақтинчалик жамоа ичида; таълим муассасалари ичида, ишлаб чиқариш жамоаси ичида; кенг халқ оммаси, жамоатчилик ичида; миллатлараро, этник гуруҳлараро; ҳалқаро яъни умуминсоният ичида ёш тоифаларига кўра фуқароларараро; шахсларараро; кундалик маиший ҳаётда.

Тадқиқотлар жараёнида социолингвистик компетентликни шакллантиришда мақсадни тўғри қўйиш, таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишни аниқ лойиҳалаштириш, ўзга тилда айтиладиган фикрларни эшитиш ва тушунишга ўрганиш, суҳбатдош тилида тўғри, аниқ ва равон мулоқот олиб бориш; фикрлар алмашинувида мулоқот маданиятига эга бўлиш; натижани доимий маниторинг қилиб бориш, ташхислаш, тил ўрганиш ва ўргатиш техникасини чуқур билиш, педагогик жараённи тўғри ташкил этиш ва бошқариш малакасига эгалик, линсоний муҳит ярата олиш техникасини билиш каби индикаторлар муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий тил ўқитувчисининг касбий компетенциясини такомиллаштириш йўналишларини илмий-назарий жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

биринчи йўналиш – Ўзбекистонда мавжуд фанлараро классификация таркибида алоҳида эътиборни айнан чет тиллари предметига қаратиш, уни бевосита мамлакат истиқбол ривожини таъминловчи омил сифатида баҳолаш. Унда соф педагогик омиллар қаторида, ижтимоий инфраструктуралар яратиш, улар ишини жадаллаштириш назарда тутилади.

иккинчи йўналиш – чет тиллари бўйича мутахассисларни тайёрловчи таълим муассасаларига эътиборни инновацияларга қаратиш орқали таълим сифатини оширишни таъминлаш. Бунинг учун таълим муассасаси учун зарур бўлган барча техник ва ахборот-коммуникацион имкониятларнинг тўлиқ бажарилиши зарур;

учинчи йўналиш – узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини замон талаблари асосида такомиллаштириш.

тўртинчи йўналиш – олий таълим муассасаси(ОТМ)нинг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, техник воситалар, зарур анжомлар билан жиҳозлаш йўналиши.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси (1998 й.), ЮНЕСКО нинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати (1995 й.), CEFR. Learning, teaching, assessment. Language Policy Uhit, Strasbaurg. www.coe/lang-CEFR

2.“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 феврвлдаги ПФ-4947-сонли фармони.

3.Малев А.В.Непрерывная лингводидактическая подготовка преподавателя английского языка.: Дисс.. канд.пед. наук.– Нижний Новгород., 2015. –С.34. Lane H. Construction of Deafness/Deafness: 1993 — 2013 / A DeaI American Monograph. — 2013. — Vol. 43. Кудайбергенова Р.Е. Высшее образование в Южной Корее. //Вестник. КазНПУ им. Абая. серия Специальная педагогика.- № 4. 2009.- С.7-16; Н.Ф.Радионова, М.В.Кропачева. Зарубежный опыт профессиональной подготовки педагогов к раннему обучению детей иностранным языкам // ЧЕЛОВЕК И ОБРАЗОВАНИЕ. -№1. –Санкт-Петербург., 2015. -С.151.; Е.Г.Речицкой. Психолого-Педагогическое Сопровождение в системе высшего образования.– М., 2013 – С.15-23.

НЕМИС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ НУТҚ КЎНИКМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маматова Анора, ФарДУ ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада олий таълимда немис тилини ўқитишда талабаларнинг нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг воситалари, омиллари, таълимий ўйинлар ҳақида сўз юритилади. Немис тилини ўқитишда талабаларга қўйиладиган малака ва кўникмалар мазмуни, нутқ маданиятини шакллантиришда қўлланадиган воситалар, оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш усуллари таҳлил этилади.*

Таянч сўзлар: *олий таълим талабалари, немис тилини ўқитиш, кўникма ва малакалар, нутқ кўникмаси, таълимий ўйинлар, замонавий педагогик технологиялар.*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАЗГОВОРНЫХ НАВЫКОВ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ НЕМЕЦКОМУ ЯЗЫКУ

Маматова Анора, преводаватель ФерГУ

Аннотация: *В статье рассказывается об инструментах, факторах, развивающих играх для развития речевых навыков студентов при обучении немецкому языку в вузе. Анализируется содержание квалификаций и умений, которые предъявляются студентам при обучении немецкому языку, средства, используемые при формировании культуры речи, методы развития устной речевой компетенции.*

Ключевые слова: *студенты высших учебных заведений, обучение немецкому языку, навыки и квалификация, навыки говорения, развивающие игры, современные педагогические технологии.*

IMPROVING STUDENTS ' SPEAKING SKILLS IN GERMAN LANGUAGE TEACHING

Mamatova Anora, teacher of FerSU

Annotation: *The article talks about the tools, factors, educational games for the development of students ' speaking skills in teaching German in higher education. The content of the qualifications and skills that are put on the students in the teaching of the German language, the tools used in the formation of the culture of speech, the methods for the development of oral speech competence are analyzed.*

Key words*:students of higher education, teaching German, skills and qualifications, speaking skills, educational games, modern pedagogical technologies.*

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш ва ижтимоий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида ахборот-коммуникация технологияларини жадал суръатлар билан ривожланиши ўзаро мулоқот воситаси сифатида чет тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Дунё тажрибасига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ўқитишнинг илғор усулларини жорий этган ҳолда педагогларнинг хорижий тиллар бўйича билим, малака ва кўникмаларини ошириш ҳамда фан-технологияларнинг сўнгги ютуқларини таълим жараёнига татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «XXI асрда олий таълим: ёндашувлар ва амалий чоралар»[1,244] Бутунжаҳон Декларацияси доирасида нофилологик таълим йўналиши талабаларининг нутқий кўникмаларини Умумевропа стандарти CEFR (Common European Framework of Reference for Languages) халқаро даражасига кўтариш, уларнинг ижтимоий-маданий компетентлиги даражасини оширишда веб-квест технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда замонавий ўқитиш методларини жорий этиш катта аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда чет тили ўқитиш технологияларини такомиллаштириш, нофилологик таълим йўналиши талабаларининг ижтимоий-лингвистик билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, тил ўрганиш малакаларини узлуксиз оширишнинг назарий асосларини ривожлантиришга доир илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Талабаларнинг нутқий кўникмаларини шакллантиришнинг янги моделларини жорий қилиш, шунингдек, уларнинг етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун ахборот излаш, чет тилида профессионал мулоқот қилиш учун эгалланган билим ва кўникмаларини тизимлаштириш ҳамда таълим жараёнига инновацион ўқитиш усулларини татбиқ қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, нофилологик таълим йўналиши талабалари ўзга тилли нутқини ижтимоий-маданий билимлар контекстида такомиллаштириш, айниқса, немис тилини ўқитиш ва нутқий кўникмаларини такомиллаштириш давлат таълим сиёсатининг устувор йўналишлари қаторида илмий изланишларнинг мустақил йўналиши ҳамда

педагогика фани олдида турган долзарб вазифалардан бири саналиб, бу ёндашув нофилологик таълим йўналиши талабаларига чет тили ўқитишни ижтимоий-маданий билимлар контекстида йўлга қўйиш заруратини белгилайди.

Мустақиллик йилларида мутахассислиги чет тил бўлмаган педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантириш учун зарур моддий-техник шарт-шароитлар яратилди. Натижада, педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминотни яратиш ҳамда ундан таълим жараёни самарадорлигини оширишда фойдаланишга эришилди. Республикамизда хорижий тажрибаларга асосланган халқаро стандартларга мос дастурлар ишлаб чиқилди, моддий-техник база мустаҳкамланди, хорижий тил ўқитувчиларидан тренерлар тайёрланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий қилиш асосида олий таълим муассасасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларни яратиш”[2] устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг нутқий кўникмаларини ижтимоий-маданий компетентлик контекстида такомиллаштириш қуйидаги ёндашувларни қўллаш имконини беради:

1)**компетент (компетенциявий) ёндашув** касбий билим, малака вакўникмаларнинг яхлит тизимини ва таълим олувчиларнинг шахсий масъулиятини шакллантиришга ёрдам беради;

2)**шахсга йўналтирилган ёндашув** ҳар бир талаба билимларни мустақил ўзлаштириши ва амалда қўллаши, ўз фаолиятини режалаш-тириши, унинг натижаларини таҳлил қилиши ва баҳолаши, жамоада ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш кўникмаларининг шаклланиши учун шароит яратишни назарда тутади;

3)**коммуникатив-когнитив ёндашув** муаммоли нутқий ва ижодийвазифалар лингвистик, репродуктив-машқ қилиш вазифаларидан устун бўлишини назарда тутади;

4)**тизимли ёндашув** ўзаро алоқадор малакаларни тадқиқ қилиш, тизим вамуҳитнинг ўзаро муносабати, тизим учун характерли бўлган поғонавийлик характерини ўрганиш, тизимни тўлиқ қамраб олиш мақсадида ифодаларнинг кўп вариантлилигини таъминлаш, тизимдаги динамикани ўрганиш, ривожланаётган яхлитлик деб тавсифлашга қаратилган.

Олий таълим муассасаларининг нофилологик йўналишларида хорижий тиллардан бири немис тилини ўқитишда талабаларнинг оғзаки нутқи кўникмаларини ривожлантириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Нофилологик йўналишларда немис тилидан сабоқ олаётган талаба давлат таълим стандартида белгиланганидек, шу тилдаги имло ва тўғри талаффуз меъёрларини билиши, луғат бойлигига эга бўлиши, услубий меъёрларни билиши талаб этилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чет тиллар бўйича

таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар" га кўра олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари тўрт йиллик таҳсиллари ниҳоясида ўрганган чет тили бўйича B2 даражани эгаллашлари лозим[3,5]. Бу меъёрларни ўзлаштирган талаба бўлғуси мутахассис сифатида нутқий фаолиятида ёки касб соҳасида амалиётда қўллай билиши зарур бўлади.

Ўтмишда тил ўргатишда асосан грамматикани ўзлаштириш талаб этилган ва барча дарсликлар ҳам шу мақсадга қаратилган ҳолда тузиларди. П.Глезер ва И.Петцольднинг йигирма мартадан ортиқ нашр қилинган немис тили дарслигида қуйидаги гапларни таржима қилиш тавсия этилган: Биз Фридрих Шиллер ва машҳур Гётенинг асарларини ўқиймиз. Петербургда Екатерина II ва Буюк Пётр ҳайкаллари бор". Текстдан кейин эса немисча ўқимоқ, асар, машҳур, Петербург, бор, ҳайкал, буюк каби таржима қилишда фойдаланиладиган барча сўзлар берилган [4,9]. Кейинчалик эса ҳар иккала муаллиф дарсликларининг сўнгги нашрлари оғзаки нутқни ўргатиш вазифалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишлаб чиқилди, уларга ўқиш учун шеърлар, диалоглар киритилди [4,27].

Талабаларнинг нутқ кўникмаларини шакллантиришда олий таълим ўқитувчисидан билимдан ташқари касбий маҳорат талаб этилади. Олий таълим талабаларининг немис тилида оғзаки нутқини ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялардан, ахборот технологияларидан фойдаланиш ўз самарасини беради. Талабаларнинг немис тилидаги нутқ кўникмаларини шакллантиришда маданий нутқ мезонларига амал қилиш талаб этилади. Тилшунос мутахассисларнинг белгилашига кўра, маданий нутқ мезонлари қуйидагилар: 1. Нутқ тўғрилиги. 2. Нутқнинг аниқлиги. 3. Нутқнинг софлиги. 4. Нутқ бойлиги. 5. Нутқнинг ифодалилиги. 6. Нутқ мантиғи. 7. Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги [5,56-58].

М.Берлиц чет тилларини ўқитишда қуйидаги қоидаларни ишлаб чиққан эди: 1. Ўқитишда она тилини қўлламаслик, тил ҳодисаларини эса таржимага мурожаат қилмай, бевосита идрок этиш лозим. Тил ҳодисаларининг маъносини турли хил кўргазмали қурол, контекст ёки таърифлашлар ёрдамида очиб бериш керак. 2. Барча тил материали фақат оғзаки берилиши зарур. 3. Ўқув материали ўқитувчига тақлид қилиш процессида таққослаш принципидан кенг фойдаланиб мустаҳкамланиши зарур. 4. Ўқувчиларнинг активлашувига имкон берувчи, тилни табиий ўрганишга энг яқин иш формаси деб ҳисобланиши керак[4,42].

Маълумки, оғзаки нутқ одатдаги товушли ва сўзлашув нутқи бўлиб, бу нутқ кўпроқ оҳанг ва турли имо-ишоралар билан алоқадордир. Унда мураккаб грамматик қурилмалардан фойдаланилмайди. Бу нутқда фикрни ихчам ифодали етказиш мақсадида тўлиқсиз гаплардан ҳам фойдаланилади. Нутқнинг бу тури бир ва бир неча киши томонидан амалга оширилади.

Нофилологик йўналишларда немис тили дарсларида талабаларнинг оғзаки нутқини ўстиришда тадқиқот методини қўллаш самаралидир. Хусусан, топшириқлар тузишда талабаларни ижодий ишлашга йўналтириш мумкин.

Ҳозирда дарсларда моделлаштириш (тренировка), намойиш қилиш, кичик гуруҳларда ишлаш, ақлий ҳужум, танқидий тафаккур, дебатлар, нуқтаи назаринг бўлсин, бир-бирига ўргатиш, ролли ўйинлар, муайян ҳолатни ўрганиш, модификацияланган маъруза каби турли иннавацион усуллар мавжуд.

“Кичик гуруҳларда ишлаш”. Бу усулда ҳар бир талаба дарсда фаол иштирокчи, бошловчи, бир – биридан ўрганувчи, турли нуқтайи назарларини қадрлашни ўрганади. Қўллаш усули: 1. Фаолият йўналиши аниқланади, муаммодан бир – бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади. 2. Керакли асос яратилади, ўқувчилар мазкур муаммо ҳақида тушунчага эга бўлиши лозим. 3.Гуруҳлар белгиланади. 4. Аниқ кўрсатма берилади. 5. Қўллаб – қувватлаб йўналтириб турилади. 6. Муҳокама қилинади.

Немис тилини ўқитишда нофилологик йўналишларда, луғат бойлиги кам бўлган дастлабки ўқув босқичида класстер, Венн диаграммаси, ақлий ҳужум, ББВ стратегияси, Т- чизма каби усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Муаммоли таълим технологияси, «стол ўртасидаги ручка» усули, «бумеранг» технологияси, “қарорлар шажараси” методи, нуқтаи-назарни танлаш - бурчаклар усули нисбатан мураккаб ҳисобланади.

Оғзаки нутқни ривожлантиришида таълимий ўйинларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Таъкидлаш ўринлики, таълим жараёнида қўлланадиган ҳамда ўқув машғулотига мувофиқ келадиган, талабаларни фаоллаштиришга йўналтирилган ўйинларгина таълимий ўйин бўла олади. Клеппин ўйинли ҳодисаларнинг биринчи планида ўйин мақсадлари туриши кераклигини, ўйин учун иштирокчиларнинг ёшлари ҳисобга олинишини таъкидлаб ўтади. Нофилологик йўналишларда немис тилини ўқитишда ролли ўйинлардан фойдаланиш ҳам самара беради.

Хулоса қилиб айтганда, немис тилини ўрганаётган талабаларнинг лисоний (тилга оид), нутқий ва ижтимоий компетенциялар муҳим ўрин тутади. Уларга немис тилини ўқитиш назарияси ва амалиётида талабаларнинг нутқий кўникмаларини такомиллаштириш ижтимоий-маданий компетенциянинг асосий элементлари саналган компетенцияларга асосланади, уни шакллантириш немис тилини ўрганаётган талабаларни немис тилида сўзлашувчи давлатлар қадриятлари билан таништиришни таъминлайдики, бу касбий-педагогик фаолиятни ижтимоий-маданий компетенция контекстида самарали амалга оширишга кўмаклашади.

Талабаларнинг немис тилидаги нутқий кўникмаларини такомиллаштириш янада муваффақиятли амалга ошишига кўмаклашадиган инновацион шарт-шароитлар, ижтимоий-маданий компетенция аниқланди. Талабаларнинг нутқий кўникмаларини веб-квест асосида такомиллаштиришнинг назарий таҳлил натижасига асосланган инновацион шарт-шароитлари таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятига қизиқишини ошириш, вазиятларни лойиҳалаштириш малакаларини кенгайтириш, аутентик матнлардан фойдаланиш, муаммоли топшириқлар ва талабаларнинг мустақил фаолиятига таяниш, ҳамкорлик муҳитини яратиш, машғулотларда аудитор ва АКТ билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «XXI асрнинг Олий таълими: ёндашувлари ва амалий чоралари» Бутунжаҳон декларацияси (1998 й.), CEFR. Leanihg, teaching, assessment. Language Policy Uhit, Strasbaurg. - 244 P.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегия» тўғрисидаги Фармони; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. 6-сон, 70-модда.

3. „Chet tili“ (nemis tili) fanidan o’quv-uslubiy majmua.UrDU 2015. –Б. 5.

4. Муртазаева Н. Чет тили ўқитиш методикасининг ривожланиш мазмуни. Маг.дисс. – Т., 2009. –Б. 9.

5. Қўнғуров Р. ва бошқ. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т., 1992. –Б. 56-58.

“NUTQIDA NUQSONI BO’LGAN BOLALARNI ERTAKLAR ASOSIDA NUTQINI RIVOJLANTIRISH”.

NamDU Pedagogika fakulteti maktabgacha ta’lim metodikasika kafedrasi o’qituvchisi Usmonova Muattar Bohodirjonovna va Defektologiya yo'nalishi 1-bosqich talabasi Baxriddinov Biloliddin Roxatali o’g’li.

***Annotatsiya**: Mazkur maqolada nutqida nuqsoni bo’lgan bolalarni maktabgacha tayyorligini psixologik-pedagogik tekshirish va ertak terapiya asosida nutqni rivojlantirish kabi masalalar yoritilgan, hamda mavzuga doir xulosa va takliflar bildirilgan.*

***Kalit so’zlar:** Nutqida nuqsoni bo’lgan bola, deprivatsiya, affektiv ehtiyoj, ertak terapiya, obrazli tafakkur, analitik faza, nutq ontogenezi.*

“РАЗРАБОТКА СКАЗОК ДЛЯ ДЕТЕЙ С ДЕФЕКТАМИ РЕЧИ”

Преподаватель кафедры дошкольного образования НамГУ Усмонова Муаттар Боходировна и студент 1 курса кафедры дефектологии Бахриддинов Билолиддин угли

***Аннотация**: В данной статье освещаются такие вопросы, как психолого-педагогическая подготовка детей дошкольного возраста с нарушением речи и развитие их речи на основе сказок, а также даны выводы и предложения по теме.*

***Ключевые слова:** Ребенок с дефектами речи,депрессия, аффективная потребность, сказочная терапия, образное мышление аналитическая фаза, речевой онтогенез.*

“DEVOLEPMENT OF FAIRY TALES FOR CHILDREN WITH SPEECH DEFECTS”

Teacher of Preschool education methodology of NamanganStateUniversity Pedagogical faculty Usmonova Muattar Bokhodirjonovna and the first year student of Defectology Bakhriddinov Biloliddin Roxatali o’g’li.

Annotatsion: *This article covers such issues as psycho-pedagogical testing of preschool preparation for children with hearing impairments and development of speech based on fairy tales, and conclusions and suggestions on the topic.*

Keywords: *Child with speech defects, deprivation, affective need, fairy tale therapy, figurative thinking, analytical phase, speech ontogeny.*

Ma'lumki, Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev tomonidan yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularni bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni ilgari surgan edilar. Ushbu tashabbuslarning to'rtinchisi "Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ular o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish bo'yicha tizimli ishlarni tashkil etishga yo'naltirilgan" bo'lib ushbu maqolada ham o'sib kelayotgan yosh avlodni kitobxonlikka targ'ib etish hamda nutqida nuqsoni bo'lgan bolalarni ertak terapiya orqali davolash bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biridir.Nutqning yetarlicha shakllanmasligi esa tafakkur jarayonlariga salbiy ta'sirini ko'rsatadi.Bunday jarayonlarning yuzaga kelishiga, ayniqsa hissiy deprivatsiya (ing. yo'qotish)yomon ta'sir ko'rsatadi. Bunda bola tug'ilganidan boshlab uning affektiv ehtiyojlari (suyish, erkalash, yaxshi ko'rish) qondirilmaydi. Bunday vaziyat ko'pincha ota-onalari spirtli ichimliklar ichuvchi, onasi yo'q oilalarda, bola tug'ilishi bilan tarbiyaga sust qaraladigan bolalar uyida tarbiyalanishi oqibatida vujudga keladi.

L.S. Vigotskiy tomonidan bolaning psixik va rivojlanishida ta'lim va tarbiyaning yetakchi ro'li haqidagi fikr ilgari surilgan. [1] Ayni vaqtda neyrofiziologik tadqiqotlar tufayli bu fikr rivojlandi va tasdiqlandi. Bola miyasiga qanchalik ko'p doimiy va xilma-xil axborotlar oqimi kelsa, markaziy nerv tizimining funksional va anatomik jihatdan yetilishi shunchalik tez sodir bo'ladi. Alohida funksional tizimlar rivojlanishini tezlashtirish imkoniyati muammosi hali to'liq o'rganilmagan. Biroq, kelayotgan axborot oqimi bolaning yoshi, jismoniy va psixik holatiga mos ravishda bo'lishini hisobga olish lozim, chunki har qanday ortiqcha yuklashlar markaziy nerv tizimi holatiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Zamonaviy adabiyotlarda (manbalarda) keltirilishicha kichik yoshdagi maktab bolalarining qator ruxiy jarayonlari (nutq, xotira, hayol, diqqat) rivojlanmaganligi, o'qishda ma'lum qiyinchiliklarga duch kelishi sababali o'zlashtiraolmayotganlar soni oshib borayotganligi takror-takror ko'rsatilmoqda. [2] Ushbu toifadagi bolalarda maktabda o'qishga o'z vaqtida tayyorgarlik shakllanmaydi. Bunday bolalarga esa o'z dunyoqarashi va fikrlash doirasidan kelib chiqqan holda alohida yondashuv hamda mashg'ulotlar o'tkazish kerak.

Shubhasiz ertak terapiya–ertaklar vositasida bola va kattalrning juda tabiiy va an'anaviy muloqot shakli bo'lgan bolalar bilan amalga oshiriladigan psixologik ishning juda qimmatli usuli hisoblanadi. Odatda bola bilan ishlash davomida pedagog tashqi analizning "psixologik" tilini qo'llamaydi, biroq bolaga nima kerakligi va qanday qilib unga buni berish kerakligini anglab yetish uchun analitik fazaga "chiqish" qobiliyatini doimiy saqlab qoladi. Ya'ni ertak dastlab diagnostik xarakter, so'ngra esa vaziyatga ta'sir etish usuli sifatida ikki tomonli instrumentni ifodalaydi.

XIX asrning o'rtalaridan boshlab, nutq ontogenezi (yun.ontos-borliq va genez) olimlarni qiziqtirib qoldi K.D Ushinskiy bolalarni ona tilida o'qitishning zarurligini

asoslab, bolalarga ona tilini dastlabki o'qitish metodikasini ishlab chiqar ekan, bolalar tilni o'zlashtirishlarining til bilan tafakkurning o'zaromunosabatlarini falsafiyjihatdan chuqur anglash, o'z-o'zini rivojlantirish va o'qitishga asoslangan xususiyatlari va qonuniyatlari borasida o'z fikrlarini bildirdi. [3]

Jumladan yosh bolada identifikatsiya (Identification. nomi bo'yicha aniqlash) mexanizmi kuchli rivojlangan, ya'ni o'zini boshqa inson, personaj (lot. Persona-shaxs) bilan hissiy yaqinlashish jarayoni hamda uning normalari, qimmatlari, namunalarini o'zlashtirishdir. Bu bolaga ahloq me'yorlari va qimmatlarini o'zlashtirish, yaxshilik va yomonlikni farqlash imkonini beradi.

Ertaklarni sahnalashtirish shaxsning adaptiv qirralari diapazonini kengaytiradi, obrazli tafakkur, shuningdek inqirozli vaziyatlarda harakat qilish ko'nikmasini rivojlantirishga imkon beradi.

Maktabgacha yoshda ertakni idrok etish bolaning o'ziga xos faoliyatiga aylanadi, unga erkin orzu qilish va tasavvur etish kattalar dunyosining murakkab voqea hodisalari va hislari bilan to'qnash kelish imkonini beradi. Ertak terapiyada –hatto dastlab o'yinlar jarayoniga qo'shilmaydigan, ertakni qabul qilmaydigan bolalar baribir ong osti darajada uning ijobiy ta'sirini his etadilar. Birgina ertak har bir bolaga turlicha ta'sir etadi. Har bir bola unda uning uchun ayni damda muammoni hal etish uchun zarur bo'lgan biron-bir "o'zinikini" topadi.Ertak bolani qahramonlarga qayg'urishga majbur qiladi, buning natijasida unda kishilar, predmetlar atrof-olamdagi hodisalar haqida yangi tasavvurlar, yangi hissiy tajribalar paydo bo'ladi.

Muloqot doirasi kengayib borgani sari bolalar ularning hissiy dunyosini ma'lum darajada faollashtiruvchi turli-tuman ijtimoiy omillarning ta'sirini his etadilar.Maktabgacha yoshda ertakni idrok etish erkin orzu qilish va tasavvur etishga imkon beruvchi bolalarning o'ziga xos faoliyatiga aylanadi. [4]

Ertaklar bola uchun nafaqat uydirma va fantaziya bo'libgina qolmay o'ziga xos voqelikni ham aks ettiradi.Shuning uchun ertakni idrok etar ekan bola bir tomondan o'zini ertak qahramonlari bilan solishtiradi, bu esa unga bu kabi muammolar va kechinmalar faqatgina unda mavjud emasligini anglab yetish imkonini beradi. Bu holat esa bolaning taffakkur doirasi va dunyoqarashini kengaytiradi hamda boshqa insonlar bilan o'zaro muloqotini teranlashtiradi.

Tafakkur-obyektiv borliqning intihosi, til esa-ifoda usuli, fikrni boshqa kishilarga berish va mustahkamlash vositasi. So'z bilan tushuncha dialogik tarzda bir-birini taqazo etadi.Boshqa bir tomondan ertak obrazlari vositasida bolaga turli murakkab vaziyatlardan chiqish yo'llari, vujudga kelgan nizoli vaziyatlar yechimi taklif etiladi, uning imkoniyatlari va o'ziga bo'lgan ishonch hissi pozitiv qo'llab-quvvatlanadi. Bunda bola o'zini ijobiy qahramon sifatida tasavvur qilibgina qolmay ertakdagi jarayonlarni hayotiy dunyoqarashlari asosida tahlil qila boshlaydi. Tahlil metodlari tilda ishlatiladigan

murakkab uslublarni qisman ta’minlaydi va shu sababli, ayniqsa maktabgacha bo’lgan bolalarda til tahlili bo’yicha ko’proq izlanishni talab etadi. [5]

Bunday holatda maktabgacha yoshdagi bola insoniy o‘zaro munosabatlarini shu qadar yaxshi his etadi.O‘zining holatiniqahramon holatiga va boshqa personajlar bilan solishtirganda nisbatan yaxshiroqligini anglab yetadi.

Ertak terapiya bolalar bilan turli usullarda amalga oshirilishi mumkin. Ish uchun mavjud mualliflik yoki xalq ertagi qo‘llanilishi, pedagog bola bilan birgalikda ertak to‘qishi yoki bola ertakni mustaqil to‘qishi mumkin.Bunday holat uchun kunduzgi yoki kechki uyqu oldi vaqt ma’qul keladi.

Bola ertakda u bilan nimalar bo‘layotganini yaxshi anglab yetishi uchun sirli ertakka ko‘chish marosimini o‘ylab topish mumkin. Bunday marosimning elementlaridan biri bolaning biron bir qahramonga “aylanib qolishi”dir. Ertak sifat materialni taqdim etish va bolani ijodiy jarayonga jalb etish usulini mustaqil tanlash mumkin. Masalan, ertakni hikoya qilish davomida voqealar rivojining qizg‘in pallasida bolaga qnanday fikrdasan, sening qahramoning nima uchun bunday qildi?, senga uning qaysi bir qilmishi yoqmadi?, sen uning o‘rnida bo’lganingda qanday yo‘l tutgan bo‘larding singari savollar bilan murojat etish mumkin. Bolaga ertakning kichik bo‘laklarini galma-galdan hikoya qilgan holda unga birgalikda to‘qishgataklif berish mumkin. Shu bilan birga bolaga murojaatetilgan mavzu asosida ertak to‘qishni taklif etish mumkin.Ertak asosida rivojlantirish ishlarining yana bir turi turli personajlar tilidan tanish bo‘lgan ertakni hikoya qilish hisoblanib, bolalarmuloqotniertakorqali rivojlantirishda korreksion ishlarini alohida, katta bo‘lmagan va yaxshi yoritilgan xonada o‘tkazish maqsadga muvofiq. Bolalarda muloqotni rivojlantirish ishlarini muntazam o‘tkazish bolani nutqini rivojlanishini hamda boshqa bolalar bilan tez muloqotga kirishish imkon beradi.

Nutqiy rivojlanish jarayonini A.N.Leontev quyidagicha tavsiflaydi: Nutqni “rivojlantirish jarayoni bola lug’atining va so’zlarining asotsiatsiya asosida bog’lanishining ortishida ifodalanadigan miqdoriy o’zgarishlar jarayoni emas, balki sifat jihatidan o’zgarish jarayonidir, zero, u fikrlash va ong rivojlanishi bilan ichki bog’langan holda so’zning barcha funksiyalari, tomonlari va aloqalarini qamrab oladigan haqiqiy rivojlanish jarayonidir”. [6]

Foydalanilgan adabiyotlar:

1 D.R.Babayeva. Nutq o’stirish nazariyasi va metodikasi Tosh.2018.
2 RaxmanovaNigora. Magistrlikdissertatsiyasi. Tosh-2014.
3 AyupovaM.Yu. Logopediya. Tosh.2007.
4 Филичева Т. Б. Туманова Т.В. “Дети с общим недоразвитием речи”. Москва 1999.
5 Бородич А.М. Методика развития речи детей: Учеб. Пособю для студ. Педюинс. 2-е изд –М.; Просвещение, 1981. –С. 101-255.
6 Леонтьев А.Н. Проблема деятельности в психологии. // Ж. Вопросы философии. - 1972. №9 С.95-108.
7 Ушинский К.Д. родное слово. //Собр.соч. –М., 1949. Т. –С. 242-243

PISA ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТИДАГИ ТОПШИРИҚЛАРГА ЎХШАШ ТОПШИРИҚЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ (ТАБИИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ФАНЛАР МИСОЛИДА)

Маткаримов Акрамжон Мухторович
Андижон давлат университети мустақил тадқиқотчиси
e-mail: akramjon14@list.ru Tel.:+99899 8161871

Аннотация: *Мақолада PISA халқаро баҳолаш тадқиқотида қўлланилган топшириқларга ўхшаш топшириқлар ишлаб чиқишнинг муҳим жиҳатлари табиий фанлар мисолида таҳлил қилинган. Топшириқлар ишлаб чиқишда табиий фанларга оид контекстлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга эканлиги адабиётлар таҳлили асосида баён этилган.*

Таянч сўзлар: *табиий фанлар, топшириқлар, таянч билимлар, асосий таянч ва фанга оид компетенциялар, ўқув машғулоти.*

РАЗРАБОТКА ЗАДАНИЙ, АНАЛОГИЧНЫХ МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРОГРАММА ПО ОЦЕНКЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ДОСТИЖЕНИЙ УЧАЩИХСЯ PISA (НА ПРИМЕРЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК)

Маткаримов Акрамжон Мухторович
Независимый исследователь в Андижанском государственном университете
e-mail: akramjon14@list.ru Tel.:+99899 8161871

Аннотация: *В статье анализируются важные аспекты разработки задач, аналогичные тем, которые используются в международном оценочном исследовании PISA на примере естественных наук. На основании анализа литературы установлено, что использование естественнонаучных контекстов при разработке заданий имеет большое значение для формирования базовых компетенций студентов.*

Ключевые слова: *естественные науки, задания, базовые знания, базовые базовые и научные компетенции, обучение.*

DEVELOPMENT OF TASKS SIMILAR TO THOSE CONTAINED IN THE INTERNATIONAL PISA ASSESSMENT STUDY (THE EXAMPLE OF NATURAL SCIENCES)

Matkarimov Akramjon
Independent Researcher at Andizhan State University
e-mail: akramjon14@list.ru Tel.:+99899 8161871

Annotation: *The article analyzes important aspects of task development, similar to those used in the international PISA assessment study using the example of natural sciences. Based on the analysis of the literature, it was established that the use of natural science contexts in the development of tasks is of great importance for the formation of basic competencies of students.*

Key words: *natural sciences, tasks, basic knowledge, basic and scientific competencies, training*

Топшириқлар ишлаб чиқишда ва ўқув жараёнида фойдаланишда аввал баҳолаш тадқиқотидаги асосий таянч компетенцияларнинг тавсифига эътибор қаратиш лозим. Мисол тариқасида PISA баҳолаш тадқиқоти тавсифига кўра, табиий фанлар бўйича саводхонлик, «табиий фанларга оид билимларни амалда қўллай олиш, табиий фанларнинг муаммоларни тушуниш, илмий манбалардан фойдаланган ҳолда хулосалар ишлаб чиқиш, табиатга оид ва инсон омили билан содир бўладиган табиатдаги ўзгаришлар бўйича қарорларни тушуниш» дея тавсифланган. Агар ушбу тавсифни таҳлил қилсак, табиий фанларга оид саводхонлик билвосита кундалик ҳаёт, жамиятдаги турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларга боғлиқ тарзда текширилмоқда. Ўқувчидан мустақил фикри, мустақил қарор қабул қилиши ва ўз натижаларига баҳо бериши талаб этилмоқда. Ўқувчиларни атроф оламни ўрганишга ишонч туйғуларини ҳосил қилиш, табиатдаги жараён ва ҳодисаларни кузатиш, таҳлил қилиш, табиат ҳодисаларни ўрганишда асбоблар, восита, услублардан тўғри фойдалана олиш, атамалар, тушунчалар, қонуниятлар, катталикларни математик формулалар билан ифодалай олиш, фан соҳасидаги эришилаётган ютуқлар, уларнинг амалиётдаги татбиқи орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини ривожлантириш, келажакда инсониятни фан ва технологиялар ютуқларидан тўғри фойдаланишда фан ва техника ижодкорларига ҳурмат билан қараш, маънавий ва маданий меросни асраб-авайлаш умумбашарий маданият элементларини тарбиялашдан иборат.

Табиий йўналишдаги фанларда топшириқлар аксарият ҳолларда ўқув машғулотларининг такрорлаш ва имтиҳон босқичларида ишлатилади [4, Б.10]. Топшириқлар кўп ҳолларда асосан ўқувчиларни баҳолаш учун қўлланилади. Баҳолаш эса ўқитувчи учун ўқувчиларни фаолликка ундовчи, рағбатлантирувчи восита сифатида кўрилади. Шу билан бирга, Р.Дуит (R. Duit) [10, Б.85] тадқиқотларида физика китобларидаги топшириқларни таҳлил қилиб чиққан ва қуйидаги хулосага келган: «Физика дарслигидаги топшириқлар такрорланувчи формал топшириқлардан иборат ва бу 90%ни ташкил этади. Кундалик ҳаётга оид топшириқлар эса камдан кам ҳолатларда учрайди. Бундай топшириқлар одатда ўқувчиларнинг кундалик ҳаётни кузатиши, ўқув машғулотларида ўрганаётган билимлари билан боғлаши ва уларнинг муаммоларни ҳал қилиш компетенциясини ривожланишига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг топшириқларни ўзлари кўрган, билган, амалда учрайдиган маълумотларга боғланса, уларда фаннинг муҳимлиги, ўрганишга бўлган мотивациясини ошириб боради. Н.Шекер (H. Schecker) ва Ж. Гердес (J. Gerdes) фикрича, «схемага солинган доимий такрорланувчи топшириқлар, ўрганилган билимнинг чегараланган миқдорда қўллаш имкониятини беради [8, Б.31]». Шунингдек, улар тадқиқотлари натижасида қуйидаги хулосани баён этади: «Ўқувчилар топшириқларни ечишни ўрганишади, аммо муаммоларни ҳал этишни эса камдан-кам ҳолда ўрганади». Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда ўқув машғулотларида топшириқларнинг вазифаси ўқувчиларнинг муаммоли вазиятларни ҳал қилишга бўлган муносабатларини ўзгаришни тақозо этади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, маълум топшириқни бажара олмаётган ўқувчи намунавий топшириқлар ёрдамида ечишга ҳаракат қилади. Бу ҳолдаги топшириқлар ўқув жараёнида, айниқса, математика дарсида формулалар устида ишлаш ёки тенгламаларни ечишда ишланиши мумкин. Табиий йўналишдаги фанларда эса топшириқлар кўпроқ маълумотларни қамраб олиши, мазкур кўп миқдордаги маълумотлар ичидан зарурий маълумотларни ажратиб олиши ва шундан тегишли формула ёрдамида топшириқни бажариш назарда тутилиши керак бўлади. Бу эса ўқувчиларнинг мустақил изланиш кўникмасини ривожлантиради. «Топшириқлар анъанасини» ривожланишига яна бир муҳим омил ўқувчиларнинг мустақил тушунтириб бериш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат [4, Б.10]. Топшириқларда ўқувчиларга тақдим қилинадиган маълумотлар тайёр ҳолатда эмас, балки мустақил равишда қидириш, такрорлаш ва бошқа топшириқлар билан таққослаш орқали маълумотлар топиши назарда тутилиши керак. Топшириқлар ўқув жараёнининг давом этишига қараб мураккаблашиб бориши лозим.

Х.Гуджонс (H. Gudjons) [30,Б.13] нинг фикрича, «мураккаб бўлиб борувчи топшириқларни бажариш орқали билимлар янгидан тизимлашиб боради. Амалиётда қўлланилишига оид топшириқларни бажариш орқали эса бошқа билимлар билан мужассамлашиб таянч билимларга боғланиб боради». Шунингдек, ўқитувчи янги мавзу тушунтириш, янги мавзуга оид топшириқларни бажаришда ўқувчиларга мустақил топшириқ намуналаридан ечиш ва ўз ечимини тақдимот қилиш имкониятини бериши лозим. Мазкур ҳолатда ўқитувчи ўқувчининг «ҳозирги ҳолати» ва «потенциал ҳолатига» баҳо беради. Шу билан бир қаторда, мазкур мавзуни тушунтиришда услубий жиҳатларига эътибор қаратади, ўқувчиларнинг «ҳозирги ҳолатини» ҳисобга олган ҳолда мавзунинг энг муҳим қисмларини атрофлича тушунтиришга ҳаракат қилади [9, Б.11]. Топшириқлар ишлаб чиқишда кам эътибор қаратиладиган муҳим жиҳатлардан бири йўл қўйилган хатолар билан самарали ишлаш ҳисобланади. Хато ечимлар эса топшириқларни узлуксиз ва давомий хатоларни ҳисобга олган ҳолда ечилишига асосий туртки бўлади. Ўқувчиларнинг топшириқни ечишда хато қилишидан қўрқишга эмас, балки хатолар орқали якуний тўғри ечимга келишга рағбатлантириш керак. П. Хеуслур ва Г. Линд ўзининг илмий тадқиқотида «Кимки қандай хато келиб чиқишини билса, тўғри ечим қандай бўлишини билади [4, Б.8]» дея мазкур ҳолатни баён этган. Педагогик нуқтаи назардан хатолар йўқ қилиниши зарур бўлган ёки йўл қўйиб бўлмас ечим сифатида қабул қилинмайди, балки хатолардан ва хато билан ўрганиш мумкин, деб қараш керак [7, Б.21]. Фан дидактикаси нуқтаи назаридан эса хатолар шу хатога мос келувчи топшириқлар асосида тушунтирилиши тавсия этилади. Мисол учун, маълум гуруҳда ишланган ёки алоҳида ўқувчи ишлаган топшириқ мақсадли равишда хато ишланиб, ўқув машғулотида мазкур хато ечим танқидий нуқтаи назардан муҳокама қилинади. Ўқувчиларнинг хатоларни аниқлаш ва нима учун хато эканлиги бўйича фикрларини шакллантириш ва тизимли ривожлантириб бориш ўқитувчининг вазифаларидан биридир. Бу орқали ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш ва конструктив ечим топиш компетенциялари шаклланиб боради.

Топшириқлар ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда кейинги йилларда кўп ечимли топшириқлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиий фанларда топшириқларни ечиш бир ёки бир қанча қонуниятлар асосида топшириққа ёндашишни кўзда тутади. Ўқувчиларнинг маълум бир топшириқ бўйича чегараланган миқдордаги воситалар, ресурслар ёки маълумотлар мавжуд бўлганда муқобил ечимлар топиш йўлларини топиш кўникмасини шакллантирмайди. Ўқувчиларнинг тор фикрлашга ва биргина ечим орқали топшириқларни ечиш ва бошқа ечиш йўлларини қидирмасликка ундайди [4, Б.9]. Компетенциявий ёндашувли топшириқлар ўқувчиларнинг асосий таянч ва фанга оид компетенцияларининг шаклланиши билан касбларга оид идентитетини шаклланиши орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу бир қатор тадқиқотларда [6, Б.22] исботланган. Ўқувчилар топшириқлар бажариш орқали келгусида эгалламоқчи бўлган касбига тегишли бўлган компетенцияларни ривожлантириб боради. Топшириқлар орқали маълумотларни тизимли қидириш, мантиқий кетма-кетликда топшириқни ечишни режалаштириш, режа асосида амалга ошириш, ўз натижаларини баҳолаш ва такомиллаштириш учун янги маълумотлар устида ишлаш каби тўлиқ фаолиятни амалга оширади. Бу эса ўқувчининг ўз фикрининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш, топшириқни чуқур ва кенг қамровли ёндашиш орқали ечиш, ўз фикрини кучли томонларини далиллар орқали исботлаш, ўз позициясини билдириш ва шунингдек, топшириқ ечимига бўлган танқидий фикрларни қабул қилиш каби компетенцияларни ривожланишига катта туртки бўлади. Бу компетенциялар касбий идентитет билан узвий алоқага эга ҳолда ривожланади.

Математика фанига оид аксарият топшириқларда маълум формула ёрдамида топшириқни ечиш тушунилади. Табиий йўналишдаги фанларда бу каби топшириқлардан камроқ фойдаланиш тавсия этилади. Бундай топшириқлар ўқувчиларда топшириқ мазмунини тушунишдан кўра, кўпроқ мазмунга боғламаган ҳолда ечим топишга ундайди [5, Б.23]. Табиий йўналишдаги фанларга оид топшириқларда топшириқ бирор қонуният ёки тамойилга асосланиши ва бунинг амалда қўлланилиши топшириқ ечимида акс этиши керак [4, Б.8]. Мисол тариқасида энергияни сақланиши қонуни маятник ёки кийшиқ юзадан бочкани юмалаши мисолига боғланса, топшириқ чуқур ёндашилган топшириққа мисол бўлади ва ўқувчидан ўз шахсий тажрибаларига ва тасаввур қилган ҳолда топшириқни тизимли ечишга ундайди. Бу каби топшириқлар, шунингдек, ўқувчиларнинг мотивацияси ва қизиқишини оширади, топшириқнинг мазмун-моҳиятини тушунишига туртки беради, табиий йўналишдаги фанларга бўлган шахсий қизиқишини ошириб боради. П. Хеуслур ва Г.Линдлар ўқувчиларнинг табиий йўналишдаги фанларга бўлган қизиқишларида топшириқ контекстлари муҳимлиги таъкидланган ва қуйидаги контекстлар педагогик нуқтаи назардан тавсия этилган.

1-расм. П. Хеуслур ва Г.Линд томонидан табиий фанлар бўйича топшириқлар ишлаб чиқишда танланадиган контекстлар

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган контекстлар чуқур ёндашилган ҳолда топшириқларга татбиқ этилса, табиий йуналишдаги фанларнинг асосини ўрганишга имкон беради. Топшириқлар ишлаб чиқишда яна бир тамойилларидан бири топшириқлар ўтилган мавзуларга боғлиқ бўлиши керак. Педагогика ва психология фанларида «Scaffolding» тушунчаси мавжуд бўлиб, топшириқлар ўқувчининг «ҳозирги ҳолати»ни ҳисобга олинган ҳолда «потенциал ҳолати»га етказиши тушунилади. Таниқли рус педагоги Выготский эса мазкур тушунчани «ривожланишнинг кейинги зонаси» [10, Б.20] деб таърифлаган. Топшириқлар аввал ўтилган дарслар билан вертикал боғлиқликка эга бўлиши, уларни аввало такрорлаши ва мустаҳкамлаши керак. Шунингдек, ушбу топшириқлар горизонтал равишда турдош фанлар, кундалик ва касбий ҳаёт билан ҳам боғлиқликни ҳам акс эттириши керак.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

5. Duit R. Alltagsvorstellungen und Physik lernen// In E. Kircher & W. Schneider, Hrsg., Physikdidaktik in der Praxis (S. 1-26). Berlin: Springer, 2002.-p.125
6. Gibbons, P., 2006. Unterrichtsgespräche und das Erlernen neuer Register in der Zweitsprache. In: Mecheril, P., Quehl, Th. (Hrsg.): Die Macht der Sprachen. Englische Perspektiven auf die mehrsprachige Schule. Münster u. a.: Waxmann, p. 295.
7. Gudjons H. Intelligentes Üben. Methoden und Strategien. Gefälligkeitsübersetzung: Intelligent practice. Methods and strategies// https://www.fachportal-paedagogik.de/literatur/vollanzeige.html, 26 (2006), p. 139
8. Häußler P., Lind G. “Aufgabenkultur”- Was ist das?// In: Praxis der Naturwissenschaften - Physik 49 (2000) Nr. 4, p.2-10
9. Meyer H. Kompetenzorientierung allein macht noch keinen guten Unterricht! Handout zum Vortrag auf der didacta 2012// Carl von Ossietzky Universität Oldenburg. Online verfügbar unter http://www.profilq.ch/downloads/kompetenzorientierung-allein-macht-noch-keinen-guten-unterricht/, zuletzt geprüft am 1.9.2019.
10. Reinhold M. Kompetenzerwerb und Identitätsbildung in der elektrotechnischen Facharbeit : Begründung und Erprobung eines Indikatorenmodells //Bielefeld : wbv Media GmbH & Co. KG, 2015, p.439
11. Riedl A. Didaktik der beruflichen Bildung// Stuttgart: Steiner (Pädagogik) 2004, p.144

12. Schecker H. Gerdes J. Interviews über Experimente zu Bewegungsvorgängen// In: Zeitschriftfür Didaktik der Naturwissenschaften 4, 1998,p 61-74.
13. Schelten A., Riedl A. Fächerübergreifender und handlungsorientierter Unterricht: Vermittlung von Voraussetzungen für das Handeln-Können in der beruflichen Praxis// In: VLB-akzente 6 (2), 1997 p. 11–13.
14. Выготский Л.С. Психология развития человека// Москва «смысл» Экасто 2005. - С.1136.

OLIY TA`LIMDA O'QUV JARAYONIDA VIRTUAL LABORATORIYALARDAN FOYDALANISH METODIKASI

Muradova Firuza Rashidovna
Buxoro – muhandislik texnologiya instituti
PhD, dotsent

Annotatsiya. *Maqola axborot kompyuter texnologiyalaridan foydalanish orqali oliy ta`limning o'quv jarayonini optimallashtirishga bag'ishlangan. Laboratoriya ishlarining bevosita, jismoniy bajarilishini uning kompyuter analogini tahliliga almashtirish g'oyasi ishlab chiqilmoqda. Bunday almashtirish uchun ekvivalentlik shartlari ko'rib chiqiladi.*

Kalit so'zlar: *O'quv jarayoni, laboratoriya, metodika, ta`lim, virtual laboratoriya, axborot texnologiyalari.*

МЕТОДИКА ПРИМЕНЕНИЯ ВИРТУАЛЬНЫХ ЛАБОРАТОРИЙ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ ВУЗА

Мурадова Фируза Рашидовна
Бухарский инженерно-технологический институт
PhD, доцент

Аннотация. *Статья посвящена вопросам оптимизации учебного процесса вуза за счет применения информационных компьютерных технологий. Развивается идея замещения непосредственного, физического выполнения лабораторной работы разбором ее компьютерного аналога. Рассматриваются условия эквивалентности такого замещения.*

Ключевые слова: *Учебный процесс, лаборатория, методология, образование, виртуальная лаборатория, информационные технологии.*

THE METHODOLOGY OF USING VIRTUAL LABORATORIES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF A UNIVERSITY

Muradova Firuza Rashidovna
Bukhara engineering - technological institute
PhD, associate Professor

Annotation. *The article is devoted to the optimization of the educational process of the university through the use of information computer technologies. The idea of replacing the direct, physical implementation of laboratory work with the analysis of its computer analogue is being developed. Equivalence conditions for such a substitution are considered.*

Key words: *Educational process, laboratory, methodology, education, virtual laboratory, information technology.*

Bugungi kunda texnika oliy o'quv yurtlari oldida yuqori innovatsion texnologiyalar sharoitida murakkab muhandislik muammolarini hal etishga qodir mutaxassislarni tayyorlashning dolzarb vazifasi turibdi. Shubhasiz, bugungi kunda Oliy o`quv yurtida o'qish paytida muhim ahamiyatga ega bo'lgan narsa uning ahamiyatini yo'qotishi mumkin. Zamonaviy ta'lim texnologiyalarida axborotni eslab qolish amaliyotidan uzoqlashish kerak.

Axborot texnologiyalarining zamonaviy rivojlanish darajasi talabalarga turli xil o'quv-uslubiy hujjatlarni elektron shaklda topshirish qulayligini ta'minlaydi:

– o'quv qo'llanmalari va metodologiyalari;

– laboratoriya uskunalari va laboratoriya ishlarining turli bosqichlarida yuqori sifatli fotosuratlar;

– laboratoriya ishlarining bajarilishini ko'rsatadigan videolar;

– laboratoriya ma'lumotlari va o'lchovlarining tasdiqlangan natijalari bilan ma'lumotlar bazalari;

– hisobot hujjatlarini rasmiylashtirish namunalari;

– test topshiriqlarining misollari [1].

Ma'lumotlar nafaqat oddiy kompyuter va noutbuklarda ko'rish uchun mos bo'lgan shaklda taqdim etiladi, balki zamonaviy DVD pleerlarda va yuqori aniqlikdagi raqamli televizorlarda yoki aksincha, mobil telefonlar, smartfonlar, kameralar va kommunikatsiyalarning mini-ekranlarida namoyish etilishi mumkin. Bularning barchasi talabalarning mustaqil ishlarini optimallashtirish, uni uyga ma'lum darajada o'tkazish, transportda sayohat vaqtidan foydalanish va shu bilan ta'lim sifatini oshirishga imkon beradi. Boshqa tomondan, laboratoriya jihozlarining jismoniy eskirganligining yuqori darajasi, shuningdek akademik guruhlarning haddan tashqari ko'payishi ba'zi hollarda o'qitish sifatining pasayishiga olib keladi, bu esa yuqorida aytib o'tilgan o'quv-uslubiy ma'lumotlarning mavjudligi va xilma-xilligi bilan qisman qoplanishi mumkin [2].

"Virtual laboratoriya" atamasi ushbu laboratoriya ishining haqiqiy bajarilishini o'quv jarayonida jismonan mavjud bo'lgan laboratoriya qurilmasida almashtirishi mumkin bo'lgan kompyuter axborotlari to'plami sifatida tushuniladi [3].

"Virtual laboratoriya" atamasi o'quvchiga kompyuterlar yoki boshqa media-texnologiyalar yordamida tegishli nazariyani o'rganish, laboratoriya tajribasini batafsil kuzatib borish va talabalar tomonidan ushbu mavzu bo'yicha bilimlarni keyingi nazoratga tayyorlash uchun imkoniyat berish tushunilishi mumkin. Mavzu bo'yicha bilimlarni nazorat qilish, albatta, o'qituvchi tomonidan amalga oshiriladi.

Bugungi kunda ta'limning asosiy vazifasi talabalarning bilim olish va bu bilimlarni amalda qo'llash qobiliyatini rivojlantirishdir. Ushbu ko'nikmalar talabalar mustaqil ravishda ishlashlari sharti bilan shakllanadi. Oliy o`quv yurtlarda auditoriya soatlari sezilarli darajada qisqartirildi, ma'ruzalar, seminarlar va laboratoriya mashg'ulotlari. Bunday sharoitda ta`limning muhim omili talabalarning mustaqil ishlarini vakolatli tashkil etishdir. Talabalarni ilmiy va o'quv adabiyotlari bilan, laboratoriya jihozlari bilan ishlashga o'rgatish, multimedia vositalaridan, Internet manbalaridan foydalanishlarini yo`lga qo`yish kerak [4].

Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, mutaxassislarni tayyorlashning zamonaviy qarashlarida muhim jihatlardan biri talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etishdir.

Laboratoriya ishlarining yuqori sifatli bajarilishi uchun laboratoriya mashg'ulotlariga mustaqil oldindan tayyorgarlik talab etiladi. Birinchidan, ma'ruzalar kursi bo'yicha dars beradigan o'qituvchi tomonidan tavsiya etilgan darsliklar bo'yicha nazariy materialni mustaqil ravishda o'rganish kerak. Shuningdek, o'quv va uslubiy nashrlardagi ishlarning mazmuni bilan tanishish kerak [5].

Bugungi kunda Internet-resurslar ko'plab virtual laboratoriya ishlarini taklif qilmoqda. Virtual laboratoriyalardagi kompyuter laboratoriyalari, qoida tariqasida, haqiqiy eksperimental o'rnatishning kompyuter modelidir. Virtual laboratoriya model bo'lganligi sababli, u har doim o'rganilayotgan hodisa yoki ob'ektning o'ziga xos xususiyatlarini aks ettiravermaydi. Bundan tashqari, biron bir darajada virtual ishning noqulayligi shundaki, bu talabaning uyda yoki laboratoriyada bajaradigan individual laboratoriya ishi. Talabalarni guruhda ishlashga o'rgatish, eksperimental vazifalarni belgilash va ularni haqiqatga aylantirish kerak. Shunga qaramay, laboratoriya ishlarini bajarish uchun an'anaviy usullardan virtual laboratoriyaning bir qator afzalliklarini qayd etib bo'lmaydi. Shubhasiz, laboratoriya jihozlari biz xohlagancha tez-tez yangilanmaydi. Shuningdek, o'quv laboratoriyalarida amalga oshirib bo'lmaydigan ishlar mavjud. Kompyuterni simulyatsiya qilish qimmat uskunalarsiz amalga oshirishga imkon beradi va deyarli har qanday haqiqiy jismoniy modelni yaratishga imkon beradi. Virtual laboratoriya zamonaviy ta'lim texnologiyalarida keng qo'llaniladigan masofaviy o'qitishning muhim tarkibiy qismidir. Shuni ham ta'kidlash kerakki, oldingi avlod o'quvchilaridan farqli o'laroq, zamonaviy o'quvchilar allaqachon axborot texnologiyalaridan foydalangan holda maktabda o'qishmoqda. Shuning uchun ular kompyuter laboratoriyasi va amaliy ishlar bilan ishlashga allaqachon tayyorlar [6].

Mustaqil ish uchun virtual laboratoriyadan foydalanishning asosiy vazifalaridan biri talabaga haqiqiy laboratoriya ishlariga tayyorgarlik ko'rish imkoniyatini berishdir. Amaliy mashg'ulotga kelgan talaba allaqachon laboratoriya jihozlari, haqiqiy laboratoriya ishining metodikasi haqida tasavvurga ega, bu ularni laboratoriyani bajarish vaqtini sezilarli darajada kamaytiradi.

Haqiqiy yoki virtual har qanday laboratoriya ishlarini bajarish bir necha bosqichlardan iborat:

1) ishlashga tayyorgarlik - talaba ish daftariga ishning qisqacha tavsifini yozadi. Ishning tavsifi ishning maqsadini, qisqacha nazariyani, zarur jihozlarni, ish tartibini, o'lchangan qiymatlarni yozib olish jadvallarini aks ettiradi;

2) ishga qabul qilish - o'qituvchi ish bo'yicha so'rov o'tkazadi;

3) ishning eksperimental qismini bajarish;

4) o'lchash natijalarini hisoblash va qayta ishlash. Asbob xatolarini topish;

5) laboratoriya ishlarini himoya qilish. Talabalar har bir ish oxirida berilgan nazorat savollariga javob berishadi va mashg'ulotlar natijalari to'g'risida yozma hisobot berishadi [7].

Ammo asosiy farq shundaki, virtual laboratoriya individual ravishda amalga oshiriladi va virtual laboratoriya 2-3 kishidan iborat guruhlarda amalga oshiriladi.

Guruhda ishlash talabalarning birgalikda ishlash qobiliyatini, kollektivizm, mas'uliyat hissini shakllantiradi, bu ularning kelajakdagi kasbiy faoliyatida zaruriy omil hisoblanadi. Xulosa qilib shuni ta'kidlaymizki, virtual ishlarni amaliyotga joriy qilish kerak, haqiqiylarni almashtirish emas, balki ularni to'ldirish kerak. O'quv jarayoniga axborot texnologiyalarini joriy etish an'anaviy ta'lim shakllariga nisbatan qo'shimcha afzalliklar mavjud bo'lsa asoslanadi. Oliy o`quv yurtida o'qish davomida talabaning bilim faoliyati yangi innovatsion texnologiyalardan foydalangan holda o'qituvchilar tomonidan yo'naltirilishi va tuzatilishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

REFERENCES:

1. Evans Lamp. The Effectiveness of Using Virtual Laboratories to Teach Computer Networking. Zombie, 2013. – 167 p.
2. Rilov S. A. Development of computer information simulators based on virtualization technologies, 2011, 265 p.
3. Savkina A.V., Savkina A. V., Fedosin S. A. Virtual laboratories in distance learning. Educational technologies and society (ISSN 1436-4522). - Volume 17. - No. 4, 2014. Pp. 507-517.
4. Mayasov D.A., Subbotin A.N. Virtual reality in the context of human existence. - Nizhny Novgorod: Nizhny Novgorod state technical University. R. E. Alekseeva, 2015.
5. Nosov N. A. Yanovsky R. G., Virtual reality. Proceedings of the virtualistics laboratory. Vol. 4. Proceedings of the center for career guidance / Ed. - Yes. R. G. Yanovsky, N. A. Nosov. - Yeah.: 1998. - 212 p.
6. Muradova F.R., Murodova Z.R. Use of information technologies in education / International Journal of Psychosocial Rehabilitation, UK. -2020.- P. 3110-3116
7. Muradova F.R., Kadirova Sh.M. The use of innovative methods in education // Проблемы и перспективы развития образования, Krasnodar. - 2019. P. 62-63.
8. Мурадова Ф.Р., Кадиров Р.Ж. Игровые технологии один из эффективных способов обучения учащихся на уроках информатики // Вестник магистратуры, Йошкар-ола. - 2019 , -P. 60-62 .
9. Muradova F.R. Game Technology for Science Lessons // Eastern European Scientific Journal, Germany. - 2017. - P. 107-109
10. Muradova F.R. Virtual laboratories in teaching and education. ISJ Theoretical & Applied science. Philadelphia, USA. 2020. P. 106-109.
11. Muradova F.R. Types and structures of educational and methodological materials with computer support // Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. Khorezm. - 2020. P. 291-296.
12. Muradova F.R. Using multimedia and communication technologies as a means to implement active learning methods // European Resaerch. Boston. – 2020.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ РАҲБАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ МАЗМУНИ ВА ТУЗИЛМАСИ

Нигматова Гулнора Нурханбетовна
Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, катта ўқитувчи

Аннотация: *Ушбу мақолада фалсафий, психологик-педагогик ва махсус адабиётларнинг таҳлили асосида иқтисодий компетентликни кўриб чиқишга турлича ёндашувларни, "иқтисодий компетентлик" тушунчасининг мазмуни ва тузилмасини аниқлаш билан боғлиқ бўлган асосий назарий қоидалар кўриб чиқилган. "Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлиги" тушунчаси шакллантирилган. Мактабгача таълим ташкилоти раҳбари иқтисодий компетентлигининг таркибий хусусиятлари келтирилган.*

Калит сўзлар: *компетентлик, касбий компетенция, иқтисодий компетентлик, мактабгача таълим, раҳбар, бошқарув, тузилма.*

СОДЕРЖАНИЕ И СТРУКТУРА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ РУКОВОДИТЕЛЯ ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Нигматова Гулнора Нурханбетовна
Институт переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений, старший преподаватель

Аннотация: *В данной статье на основе анализа философской, психологической, педагогической и специальной литературы рассмотрены основные теоретические положения, связанные с выявлением различных подходов к рассмотрению экономической компетентности, содержания и структуры понятия «экономическая компетентность». Сформулировано понятие «экономическая компетентность руководителя дошкольной образовательной организации». Представлена характеристика структуры экономической компетентности руководителя дошкольной образовательной организации.*

Ключевые слова: *компетентность, профессиональная компетенция, экономическая компетентность, дошкольное образование, руководитель, управление, структура.*

CONTENT AND STRUCTURE OF ECONOMIC COMPETENCE OF THE HEAD OF A PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATION

Nigmatova Gulnora Nurxanbetovna
Institute for Retraining and Advanced Training of Preschool Education Personnel and manager, Senior lecturer

Annotation: *In this article, based on the analysis of philosophical, psychological, pedagogical and special literature, the main theoretical provisions related to the identification of various approaches to the consideration of economic competence, the content and structure of the concept of "economic competence" are considered. The concept of "economic competence of the head*

of a preschool educational organization" has been formulated. The characteristics of the structure of economic competence of the head of a preschool educational organization are presented.

Keywords: *competence, professional competence, economic competence, preschool education, leader, management, structure.*

Замонавий раҳбар нафақат педагогика, психология масалаларида компетент бўлиш, бошқарув кўникмаларини эгаллаши, балки ишлаб чиқариш, молиявий, маркетинг ва ресурс вазифаларини ҳисобга олиб қарор қабул қилиши, ташқи ва ички муҳит таҳлили натижалари асосида ўзининг бошқарув фаолиятини ташкил этиши керак. Бошқача айтганда замонавий раҳбар иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ фикрлаши ва ҳаракат қилиши шарт.

Айтиб ўтилган муаммо сабабли мактабгача таълим ташкилоти раҳбари эгаллаши керак бўлган ҳамда унинг касбий маҳорати асосини ташкил қиладиган компетентлар, балки у эгаллаши зарур бўлган мутлақо янги лаёқатлар тўғрисида ҳам гапиришга асос бор. Уларнинг мазмуни тўлиқ белгиланмаган, аммо айнан улар замонавий раҳбар фаолиятини тавсифлайди. Ўз-ўзидан савол туғилади, иқтисодий компетентлик нимани акс эттиради ва самарали касбий фаолиятни амалга ошириш учун таълим муассасаси раҳбари қандай компетенцияларга эга бўлиши керак.

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг компетентлилиги мазмуни ва тузилишини аниқлаш муаммоси нафақат айтиб ўтилган жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан, балки айрим услубий муаммолар билан ҳам асосланган. Олиб борилган кўплаб тадқиқотларга қарамасдан компетентлик тушунчасининг аниқ таърифи ва шакллантириш механизми ҳозирга қадар мавжуд эмас.

"Компетентлилик" атамаси "компетентли" сўзидан келиб чиққан тушунча саналади. Ҳозирги замон хорижий сўзлар луғати "компетентли" тушунчасини (лотинчадаги competens – мос келувчи, қобил) маълум бир соҳада компетентли ёки билувчи, хабардор деган маънода талқин этади [7].

Даставвал "компетентлилик" тушунчаси ҳозиргига қараганда анча тор маънода эди ва бу унинг "керакли даражадаги, қобил" тарзидаги этимологик мазмуни билан боғлиқ бўлган, чунки у ўз билимлари ёки ваколатлари бўйича бирон нарсани амалга ошириш ёки ҳал қилиш ҳуқуқини ифодалар эди, кейин эса ўқитишнинг якуний натижасини, таълим олувчи томонидан билим, маҳорат ва кўникмаларнинг "керакли даражадаги" маррасига эришини ҳам ифодалай бошлади.

XX асрнинг 90-йилларида компетентлилик атамаси бошқарув бўйича илмий ишларда ҳам кўриб чиқила бошланди. Бу тадқиқотларда компетентлилик билимлар жамланмасидан ташқари таъсир кўрсатишнинг конкрет усулининг эҳтимолий оқибатларини ҳам акс эттиради.

Компетентлиилк шахснинг асосий компонентларидан бири ва одам фаолияти давомида учрайдиган ва мазкур ташкилот манфаатлари йўлида амалга ошириладиган асосий вазифаларни бажаришдаги муваффақиятни шартлайдиган шахснинг маълум сифатлари жамланмаси сифатида олиб қаралади.

С.Е.Шишов “компетентлилик” тушунчасига урғу бериб, уни таълим олиш натижасида эгалланган билимлар, тажриба, қадриятлар, мойилликларга асосланадиган умумий қобилият деб таърифлайди. Унинг фикрича, компетентлилик билимдан ҳам, кўникмалардан ҳам, маҳоратдан ҳам иборат бўлмайди, у билим ва вазиятлар орасидаги алоқаларни ўрнатиш имконияти сифатида олиб қаралади [8].

В.А. Кальней компетентлиликни конкрет вазиятларда эгалланган билим ва тажрибаларни сафарбар эта олиш маҳорати деб ҳисоблайди ҳамда компетентлилик ҳақида улар фақат бирон-бир вазиятда намоён бўлгандагина гапириши мумкиндир деб уқтиради. У шундай деб фикр юритадики, намоён бўлмадиган ва потенциал имкониятлар қаторида қолиб кетадиган комптетенлилик энг кўпи билан фойдаланилмаган, яшириш имконият бўлиб, бу вазиятда у энди компетентлилик эмасдир. Бизнинг тадқиқотимиз учун компетентлилик тушунчасининг конкрет вазиятда конкрет маҳоратни намоён қилиш сифатида олиб қараладиган талқини муҳим бўлиб саналади [2].

Назария ва амалиётнинг синтезланиши асосида шаклланадиган компетентлилик қуруққина ёдлаб олинган, ўлик билим шаклида эмас, балки шахснинг англаб етиш, фикрлаш, мулоқот қилиш ва ҳаракат қилиш, маълум бир синфдаги вазифаларни олға суриш ва ҳал қилиш, уларни ечишнинг боришини ва натижаларини таҳлил қилиш, доимий равишда мақсадга мувофиқ тузатишларни киритиб бориш бўйича долзарблаштирилган маҳорати ҳолатида намоён бўлади [1; 89-б.].

Е.Ф.Орехов компетентлилик деганда фаолият кишисининг ўз иши кўзини билган ҳолдаги барқарор қобилиятини тушуниб, бу унинг бажараётган вазифалари ва ҳал қилаётган муаммоларининг моҳиятини чуқур англаши, мазкур соҳада мавжуд бўлагн тажрибалардан яхши хабардор бўлиши, уни энг яхши ютуқлар асосида эгаллаганлиги; конкрет жой ва вақтга мос бўлган ҳаракат усуллари ва воситаларини танлай олиш маҳорати; эришилган натижалар учун маъсулият ҳисси; хатоликлардан хулоса чиқара олишга ва мақсадга эришиш жараёнига тузатишлар кирита олишга қобиллигидан иборат бўлади [1; 10-б.].

Компетентлиликнинг энг кўпг тарқалган ва кенг очиб берилган талқини бўлиб Ж.Равен берган талқин ҳисоланади, бунда у маъсулият, ишонч, қобиллик, тайёрлик каби шахсий сифатлардан фойдаланган ҳолда компетентлиликнинг 37 хил турини баён қилиб берди. Компетентлилик кўп сонли компонентлардан иборат бўлиб, улардан кўпчилиги бир-биридан нисбатан мустақил бўлади, айрим компонентлар когнитив соҳага, бошқалари эмоционал соҳага мансуб бўлади, компонентлар самарали хулқ-атворнинг таркибий қисмлари сифатида бир-бирини тўлдиришлари ҳам мумкиндир [4].

Шундай қилиб, компетентлиликни таҳлил қилиш бўйича амалга оширилган назарий таҳлил бизга компетентлилик тузилмавий нисбатда компетентлиликлар жамланмаси эканлигини кўришга имкон бериб, бу ерда компетенциялар ўз навбатида элементлар тўпламидан иборат бўлади. Қоидага кўра, бу билим, маҳорат ва кўникмалар, тажриба, қадриятли (шахсий) таркибий қисмлардир. Шу билан бир

вақтда шуни билиш зарурки, шахснинг мазмуний тузилмасида компетенциялар нафақат ўзининг мазмуни ва мўлжалланиши бўйича, балки улар шахснинг ўзининг ривожланишида ўйнайдиган роли бўйича ҳам фарқланади. Ж.Равеннинг [4] фикрига кўра, компетенциялар турли хилларининг конкретлаштирилишидаги асосий мақсад шундан иборатки, бунга кўра кишиларга компетенцияларни ривожлантиришга ва шахсий аҳамиятли бўлган мақсадларга эришиш учун улардан фойдалана олишда ёрдам бериш лозим бўлади.

Кўпчилик педагог-тадқиқотчилар иқтисодий компетентлилик ҳам умуман компетентлилик сингари энг аввало, ўз ичига иқтисодий таълимнинг маълум бир даражасини, яъни, тўпланган билимлар, маҳорат ва кўникмаларни олади. Жумладан, А.С.Нисимчук [3] шундай деб таъкидлайди: "...иқтисодий компетентлилик – бу шахснинг иқтисодий фикрлаши ва онги ривожланганлиги, элементар хўжалик юритишнинг иқтисодий билимлари, маҳорати ва кўникмалари даражасининг сифат тавсифидир" ва бунга қўшимча тарзда: "...шахснинг иқтисодий компетентлилиги тушунчасига амалиётда, турмуш тарзида, хулқ-атвор меъёрларида ва анъаналарда фаол-ижодий меҳнат ва ижтимоий фаолият киритилиши лозим" деб фикр юритади. Бизнинг фикримизча, бундай қўшимча тўлдириш жуда муҳим бўлиб саналади, чунки иқтисодий компетентлилик ўз ичига нафақат иқтисодий таълим компонентини, балки шахс сифатларининг муваффақиятли ижтимоий фаолият учун зарур бўлдиган иқтисодий мақсадга йўналтирилган ҳолда тарбияланишини, шунингдек, самарали натижаларга эришиш учун турли хилдаги иқтисодий вазиятларда ижодкорона ҳаракат қила олиш маҳорати ҳамда кўникмаларининг шакллантирилишини ҳам олади.

Тадқиқот ишларида иқтисодий компетентлиликнинг мазмуни иқтисодий соҳадаги шартли билимлар, маҳорат ва кўникмаларнинг ўзлаштирилиши орқали очиб берилади. Жумладан, Л.Н.Фалевич иқтисодий компетентлиилкни иқтисодий билимлар, маҳорат ва кўникмаларни эгаллаганлик даражаси, иқтисодий фикрлаш асосида иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш ва башорат қилиш ҳамда уларни тизимли равишда кўриб чиқиш ва таҳлил қилишнинг йўлларини онгли ҳолда топа олиш имкониятлари, қобилиятларининг тўплами сифатида таърифлайди [5].

Е.Н.Хаматрунова иқтисодий компетентлилик касбий компетентлиликнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва ўзида шахснинг касбий қадриятли мотивациясини, иқтисодий билимлари ва маҳоартини, шунингдек, шахснинг ташкилий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлигини ва қобилиятини акс эттирувчи иқтисодий муҳим бўлган сифатларини (ташаббускорлик, мобиллилик, ишнинг кўзини билиш, қарор қабул қилишдаги мустақиллик, фикрлашнинг танқидийлги) кабиларни ҳам ўз ичига олувчи интегратив сифатини намоён қилади деб ҳисоблайди [6].

Иқтисодий компетентлилик муаммоларига бағишланган илмий ишларнинг амалга оширилган таҳлили бизга "шахс иқтисодий компетентлилиг"нинг қуйидаги ишчи таърифини аниқлашга имкон берди.

Иқтисодий компетентлилик бизга шахснинг интегратив сифати бўлиб намоён бўлади, у иқтисодий билим ва маҳоратнинг юқори даражаси, субъектнинг иқтисодиётга,

унинг предметларига, воситаларига, натижаларига шаклланган қадриятли муносабатлари билан тавсифланади, субъектнинг ўзини билишга доир ва ижтимоий-йўналтирилган иқтисодий фаолиятда энг тўла равишда юзага чиқариш имконини беради.

Иқтисодий компетентлилик ўзида динамик жараённи намоён қилиб, унда шахс нафақат иқтисодий маданият қадриятларини яратади ва истеъмол қилади, балки иқтисодий воқеликни ижодий жиҳатдан ҳам қайта ўзгартиради. Бизнинг фикримизга кўра, шахснинг иқтисодий компетентлилиги бошқа турдаги компетентлиликларнинг муфассал тавсифи бўлиб ҳисобланади ва шу билан бир вақтнинг ўзида уларни ҳам ўз ичига олади, чунки шахс онгининг иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, маънавий, меҳнат, эстетик ва бошқа турлари ўзаро бир-бирлари билан жипс боғланиб кетган ҳолда шахс ягона онгининг ажралмас қисмлари бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тушунчани шакллантирамиз:

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлилиги – бу шахснинг интеграл сифати бўлиб, у шахсда устун бўлган қадриятлар ва мотивлар билан тартибга солинадиган, таълим ташкилотининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш учун узлуксиз шахсий такомиллашиш жараёнида фаолият объектларини, иқтисодий мазмун-моҳиятни ярата билишга, раҳбарнинг олинган иқтисодий билимлар, маҳорат, тажриба, фаолиятнинг маълум усулларидан фойдаланишга қобиллигини акс эттирадиган махсус (маркетинг, тадбиркорлик, хўжалик-ҳуқуқий) компетенцияларнинг жамланмаси билан тавсифланади.

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлилиги унинг касбий фаолияти хусусиятлари билан белгиланади ва ўзида назарий (иқтисодий билимлар), амалий (хўжалик фаолияти тажрибалари), мотивацион тайёрликни ва мазкур фаолиятни амалга ошира олиш қобилиятини намоён этиб, бу моддий, ижтимоий-иқтисодий ва шахсий аҳамиятли бўлган маҳсулотда – таълим ташкилотининг барқарор фаолият юритишида ўз аксини топади ҳамда биз уни раҳбарнинг касбий компетентлилиги элементларидан бири сифатида олиб қараймиз, бу элемент турли хил мураккабликлардаги иқтисодий масалаларни самарали ҳал қилишга имкон беради.

Иқтисодий компетентлилик раҳбарнинг мураккаб иқтисодий шарт-шароитларда йўналиш топа олишини, иқтисодий қарорларни мустақил ва маъсулият билан қабул қилишини ҳамда бунинг натижасида самарали бошқарувга қобиллик намоён бўлишини таъминлаб, бу билан таълим ташкилотининг рақобатбардош бўлиб қолишига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бенин В.Л. Экономическая составляющая (компетентность) педагогической культуры : учеб. пособие для студентов высш. и сред. спец. пед. учеб. заведений и слушателей системы повышения квалификации / В. Л.

Бенин, Е. Ф. Орехов, А. Н. Нопов; Урал. гос. акад. физ. культуры и спорта, Ин-т экономики. - Челябинск : УралГАФК, 2004. - 231 с.
2. Кальней В.А. Мониторинг качества образования / В. А. Кальией, С.Е, Шишов. - М.; Вологда : Изд-во Вологод. ин-та повышения квалификации, 1998. - 462 с.
3. Нисимчук А.С. Россия: Ценности общества на рубеже XXI века / А.С. Нисимчук. - М.:МИРОС, 1997.-144 с.
4. Равен Дж. Постиндустриальное общество: сдвиги в континууме культуры и их социальные предпосылки / Дж. Равен // Общество и человек: пути самоопределения. - СПб, 1994. - Вып.1. - С.9-20.
5. Хлопотова, Е.В. Формирование экономической компетентности будущего учителя технологии и предпринимательства : Автореф.дис.... канд. пед. Наук / Е.В. Хлопотова. - Челябинск, 2005. - 21 с.
6. Хуторской А.В. Современная дидактика / А.В. Хуторской. Изд. дом Питер, 2001.-531с.
7. Шарипова Э.Ф. Компетентностный подход в технологическом образовании: формирование общетехнологической компетенции будущих учителей [Текст]: монография / Э.Ф. Шарипова. – Челябинск: Изд-во Челяб. гос. пед. ун-та, 2015. – 202 с.
8. Шишов С.Е. Понятие компетенции в контексте качества образования / С.Е. Шишов // Стандарты и мониторинг образования. - 1999. - № 2. - С. 15-20.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Пўлатов Фозилжон Усибжонович
Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, катта ўқитувчи

Аннотация: *Ушбу мақолада ижод тушунчасининг моҳияти ёритиб берилган. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган. Катта ёшли киши ва бола ижодкорлиги тушунчаларининг асосий хусусиятлари аниқланган.*

Калит сўзлар: *ижодкорлик, ижодий ривожланиш, ижодий фаолият, педагогик муаммо, фаолият.*

ТВОРЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА КАК ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА

Пўлатов Фозилжон Усибжонович
Институт переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений, старший преподаватель

Аннотация: *В этой статье освещается суть концепции творчества. Проанализированы исследования развития творческих способностей дошкольников. Выявлены основные черты концепций взрослого и детского творчества.*

Ключевые слова: *творчество, творческое развитие, творческая деятельность, педагогическая проблема, деятельность.*

CREATIVE DEVELOPMENT OF PRESCHOOL CHILDREN AS PEDAGOGICAL PROBLEM

Po'latov Foziljon Usibjonovich
Institute for Retraining and Advanced Training of Preschool Education Personnel and manager, Senior lecturer

Annotation: *This article highlights the essence of the concept of creation. Research on the development of creative abilities of preschool children is analyzed. The main features of the concepts of adult and child creativity have been identified.*

Keywords: *creativity, creative development, creative activity, pedagogical problem, activity.*

Бугун мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбиясига, уларнинг маънан ва жисмонан соғлом, баркамол бўлиб улғайишларига катта эътибор қаратилмоқда. Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан [1]. Илк ҳаётий тасаввурлар, инсон тафаккурига пойдевор бўлувчи тушунчалар болалар онгига айнан шу пайтда сингади.

Мана шунга боғлиқ ҳолда айни кунларда мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қизиқиш ортиб, бу ҳам илм-фанда, ҳам мактабгача таълим амалиётида педагогик изланишларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатди. Психологик-педагогик тадқиқотлар кўрсатадики, ижодий қобилиятларнинг намоён бўлишидаги шарт-шароитлар илк болалик чоғларида пайдо бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодкорлиги гарчи у ҳали ривожланмаган шаклда бўлсада, лекин ўзида болага катта ёшли кишилардан оладиган билимлар ва маҳорат чегарасидан ташқарига мустақил чиқишга имкон берадиган муҳим сифатларга эга бўлади, янги маҳсулот – оригинал расм, қурилган нарса, эртак ва шу кабилар пайдо бўлади. Ижодкорликка мана шундай эҳтиёж болада соф инсоний эҳтиёж сифатида юзага келади. Болалар ижодкорлигининг моҳияти якуний натижанинг объектив эмас, балки субъектив янгилигида намоён бўлади. Ижодий фаолият жараёнида бола ўз-ўзининг иқтидорини очиб, бу унга ўз "Мен"ини англашга имкон беради.

Боланинг ва катта ёшли кишинннг ижодий жараёнлар натижаларидаги ташқи фарқларга қарамасдан унинг ички моҳияти ўхшашдир. Шунинг учун болалар ижодкорлиги ҳар доим умуман олганда "ижодкорлик" тушунчаси орқали олиб қаралади.

"Ижод (ижодкорлик)" тушунчаси Афлотун ва Арасту замонларидан бери илгари мавжуд бўлмаган нарсанинг яратилиши тарзида талқин қилиб келинади. Жумладан, фалсафий луғатда ижод сифат жиҳатидан янги бўлган моддий ва маънавий қадриятларнинг яратилишидан иборат бўладиган киши фаолиятининг

жараёни деб таърифланади. Ижод ўзида меҳнат давомида материални етказиб беришнинг ҳақиқийлигидан (объектив борлиқнинг қонуниятлари асосида) иборат бўладиган маълум бир эҳтиёжларни қондирадиган янгича воқеликни яратишга кишиниг қобиллигини намоён қилади [2].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ижод тушунчаси яратиш, кашф этиш, вужудга келтириш маъносини англатиши баён этилган бўлиб, ижод қилмоқ тушунчаси яратувчилик иши билан машғул бўлмоқ, ўйлаб чиқармоқ, кашф этмоқ сифатида талқин қилинган [7].

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ижод – инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолияти сифатида келтирилган. Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намоён бўлади. Ижод дастлаб инсон тасаввурида туғилади, кейин ижодга тааллуқли масалалар юзасидан изланишлар олиб борилади, бошқалар бажарган ишлар танқидий кўриб чиқилади, таҳлил этилади, кузатишлар, тажрибалар ўтказилади, мантиқий хулосалар чиқарилади, гипотезалар қилинади, булар тажрибада синаб кўрилади, нотўғри бўлса янгиланади ва ҳ.к. Изланишлар натижаси турли шаклларда (бадиий асар, математик формула ва б.) юзага чиқади. Уни жамият эътироф этсагина ҳақиқий, тўлиқ ижод бўлади. Ижод фан-техникани, маданиятни бойитади, ривожлантиради. Ижодни шартли равишда 2 га: илмий ижод ва бадиий ижодга бўлиш мумкин. Олимлар фаолияти илмий ижодга, санъаткорлар, ёзувчилар фаолияти бадиий ижодга қаратилган. Баъзи кишиларда ҳар икки ижод ривожланган бўлиши мумкин [6].

Ижод категорияси Я.А.Пономарёвнинг ишларида ҳам тадқиқ қилиб чиқилган бўлиб, бунда у ижодий фаолиятни кишининг ижодкор бўлишга интилиши ва бу борадаги мақсад-вазифаларига ҳақиқий жавоб бера оладиган кишилик моҳиятининг ўзига хослиги деб ҳисоблайди. Олим таъкидлаб ўтадики, ижод жонсиз табиатга ҳам, одам пайдо бўлгунигача жонли табиатга ҳам, кишига ҳам, жамиятга ҳам хосдир. Ижод – материя ривожланишининг, унда янги шаклларнинг ҳосил бўлиши учун зарурий шартдир, уларнинг пайдо бўлиши билан ижоднинг шакллари ҳам ўзгаради [3].

Шундай қилиб, ижодий фаолият кўп компонентли жараён саналиб, у ўз асосида мазкур фаолиятга хос бўлган усуллар ёрдамида воқеликнинг қиёфалар кўринишидаги акс эттирилишига эга бўлади. Ўтказилган тадқиқотлар катта ёшли кишининг ижодий фаолиятини тушуниш учун пойдевор яратади. Тегишли илмий адабиётларнинг таҳлили бизга шу нарсани ажратиб олишга имкон бердики, бунга кўра ижод – бу янги нарсани яратиш, мавжуд тажрибани янги комбинацияларда амалга ошириш, масалани ҳал қилишнинг номаълум бўлган йўлларини излаб топишдир.

Ижод – бу кишининг акс эттирувчилик фаоллигининг олий босқичи, атрофдаги воқеликни акс эттиришнинг, ҳозир, ўтмиш ва келажакни такрор ҳосил қилишнинг шаклидир, ижодий фаолият эса киши қобилиятини намоён қилиш жараёнида янги реаллик ва қадриятларнинг яратилишидир.

XX асрнинг 90-йилларида болалар ижодкорлигини ривожлантириш муаммолари бўйича амалга оширилган тадқиқотлардан биз учун энг муҳим бўлганларининг мазмунини ёритиб берамиз. Шунга кўра, В.В. Степанова [4] сифат жиҳатидан янги ўқитиш жараёнини тузиб чиқиш учун мактабгача ёшдаги болаларнинг тасвирий санъат фаолиятидаги ижодкорлиги механизмларини тадқиқ қилди. У мактабгача ёшдаги болаларнинг тасвирий фаолиятининг ўзига нисбатан ғоя-фикрлар ва воситаларнин яхлитлигини таъминлаш йўллари ҳамда усулларини белгилаб берди, тасаввур, расмли ўйинларни ривожлантиришнинг алоқадорлигини аниқлади, ўйинли фаолиятни фаоллаштириш йўлларини ва тасвирий фаолиятни шакллантириш ҳамда ёзишни ўргатиш методкасини ишлаб чиқди.

Н.В. Падашулнинг [2] тадқиқотида биринчи маротаба Мактабгача таълим муассасасида қўшимча таълим шаклида ўртага чиқувчи бадиий студияда болаларнинг ижодкорлигини ривожлантириш муаммоси кўриб чиқилган. Бу муаллиф томонидан болаларнинг турли хилдаги бадиий-ижодий фаолиятлари турларини интеграциялаш асосида тасвирий фаолиятнинг янги тенденциялари белгилаб берилди. Ижодкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналиши бўлиб қўшимча таълим шаклида бадиий студиянинг дастурини ишлаб чиқиш, болалар ижодкорлигини ривожлантиришнинг ўйинли технологияларини – бадиий интеграциялашган машғулот-фантазияларни, ўйинли машғулотларни, тажриба ўтказиш машғулотларини, саёҳатли машғулотларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ривожлантирувчи ўқитиш тизимида мактабгача ёшдаги бола ижодкорлигининг ўзига хосликлари ҳақидаги тасаввурларни Р.К.Ашехова асослаб берган бўлиб, у бунда мактабгача ёшдаги боланинг ижодий қобилиятлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий шарти бўлиб ҳисобланадиган боланинг ўйиндаги перцептив ҳаракатлари роли ва аҳамиятини кузатди.

Бундан ташқари, мазкур тадқиқотчи мактабгача ёшдаги боланинг ижодкорлиги ривожланишидаги психологик ва педагогик шарт-шароитларни ажратиб кўрсатди, мактабгача ёшдаги боланинг ижодий ва интеллектуаль қобилиятларини ривожлантиришнинг шакллари ҳамда методларини белгилаб берди, болалар ижодкорлигининг ривожланишидаги ёшга доир имкониятларни очиб берди [5].

Тасвирий фаолиятнинг муваффақиятли ривжланиши катта ёшли кишилар ва болаларнинг ўзаро ҳаракатларидаги мулоқотли шакллардан фойдаланиш йўли билан индивидуаль-дифференциациялашган раҳбарлик, болалар билан амалий тасвирий фаолият мазмунини, ундаги ечимларни излаб топиш ва биргаликда ижод қилишни муҳокама қилиш орқали амалга оширилади. Бунда болаларнинг бир қисми мустақил ҳаракат қилиш имконига эга бўлади, катта ёшли кишининг кўмагига эҳтиёж сезадиган бола эса у билан мулоқот қилган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин бўлади. Ўз тадқиқотида ўқитишнинг босқичма-босқичли йўлининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш билан Е.Н. Дмитриева “биринчи босқичда эгалланган бадиий-эстетик тажриба асосида болалар тасвирий фаолиятнинг ҳар хилдаги турларининг ифодали воситалари ёрдамида қиёфани тасвирлаб беришнинг мос ҳолдаги усулларини эгаллашга ўтадилар. Иккинчи босқичда олинган бадиий-

эстетик тажрибада фойдаланиб, болалар тасвирни мустақил излаб топиш ва уни амалга ошиишни рўёбга чиқарадилар" деб ҳисоблайди [2].

Шундай қилиб, болалар ижодкорлигини ривожлантиришнинг асосий мазмунини ёритиб берувчи психологик-педагогик тадқиқотларнинг асосий назарий-методологик қоидаларини таҳлил қилиб, биз умуман болалар ижодкорлигининг ўзига хосликларини очиб бердик.

Катта ёшли киши ва бола ижодкорлиги тушунчаларининг асосий хусусиятлари таҳлили ижодий жараённинг таркибий қисмини ташкил этувчи компонентларни аниқлаш имконини беради. Олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Катта ёшли киши ва бола ижодкорлигининг таҳлили

Ёш даври **Тавсифлари**	**Катта ёшли киши**	**Бола**
Умумий тавсиф	**Ижодкорлик фаолиятда амалга оширилади**	
	Ижодий фаолият натижасида жамият учун аҳамиятли маҳсулотни олади (картина, пьеса, опера)	Ижодий фаолият натижасида бола янги расм, буюм, конструкцияни олади. У жамият учун ҳеч қандай янги нарса очмайди, лекин бир вақтнинг ўзида катта ёшлиларга ўзи ҳақида янги нарсаларни билдирган ҳолда ўзи учун ихтиро қилади.
Психологик тавсиф	- англаш; - туйғу; - хотира; - тасаввур; - фикрлаш операциялари: • таҳлил; • синтезлаш; • таққослаш; • умумлаштириш; • таснифлаш; • конкретлаштириш. • фикрлаш сифати: • маҳсулдорлик; • мослашувчанлик; • оригиналлик. • қизиқувчанлик.	- англаш; - туйғу; - хотира; - тасаввур; - фикрлаш операциялари: • таҳлил; • синтезлаш; • таққослаш; • умумлаштириш; • таснифлаш; • конкретлаштириш. • фикрлаш сифати: • маҳсулдорлик; • мослашувчанлик; • оригиналлик. • қизиқувчанлик.
Шахсий тавсиф	- ташаббус; - мустақиллик; - фаоллик; - ўзини ифодалаш; - ҳиссиётлилик; - эркинлик; - қизиқиш; - киришимлилик; - новаторлик;	- ташаббус; - мустақиллик; - фаоллик; - ўзини ифодалаш; - ҳиссиётлилик; - эркинлик; - қизиқиш; - киришимлилик; - новаторлик;

	- универсаллик; - руҳланиш.	- универсаллик; - руҳланиш.

Шундай қилиб, “ижод” тушунчаси киши шахсий намоён бўлишининг феномени бўлиб саналади. ижодий фаолият фаолиятда амалга оширилади, ундаянги нарсани яратишда иштирок этаётган кишининг психологик ва шахсий хусусиятлари ҳаракатга келтирилади.

Катта ёшли киши ва боланинг ижодкорлиги хусусиятларини таққослаш шу ҳақида гувоҳлик берадики, улар кўп жиҳатдан ўхшашдир. Мактабгача ёшдаги боланинг психологик таркибий қисмлари фаол ривожланиш босқичида бўлади. Бироқ, компонентарнинг хусусиятларида айрим фарқлар мавжуд бўлади. Боланинг ижодий фаолиятида бунда компонентлар бўлиб киришимлилик, новаторлик, руҳланиш, универсаллик каиар саналади, бу сифатлар боланинг ижодий жараёнида тажрибасининг йўқлиги оқибатида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Катта ёшли кишининг ижодкорлиги – бу ноёб фаолият бўлиб, унинг асосларни илк болалик чоғларидаёқ қўйиш керак бўлади.

Шундай қилиб, ижодкорлик муаммолари бўйича фалсафий, психологик-педагогик адабиётларнинг таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

15. Ижодий ривожланиш – бу болада ижобий-қайта ўзгартирувчилик фаолиятига эҳтиёжнинг пайдо бўлиши жараёни бўлиб бунда универсал қобилиятлар – тасаввурнинг реализми, бутунни унинг қисмларидан олдин кўра олиш маҳорати, ижодий ечимларнинг вазиятусти-қайта ўзгартирувчилик хусусияти, тажриба қилиш кабилар ўзлаштирилади.

16. Ижодкорлик хусусиятлари катта ёшлилар ва болалар учун универсал ва бир хилдир.

17. Болаларнинг ижодий ривожланиши феномени бу жараённинг ва унинг натижаларининг ўзи учун қадриятлилигидан иборат бўлади.

18. Ижодий ривожланиш боланинг муаммоларни, уларни дастлаб сунъий яратилган, кейин эса реал шарт-шароитларда енгиб ўтишнинг янги усулларини топишга йўналтирилган изланишли-тадқиқотчилик фаоллиги даваомида амалга оширилиб, унда янгилик ва оригиналлик элементи мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, фаол ижодий шахснинг ривожланиши замонавий педагогик назария ва амалиётнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу шу билан шартланганки, катта ёшлиларнинг ижодкорлиги намоён бўлишининг шарт-шароитлари болалик чоғларидан бошланиб, бу даврда ижодий уринишлар кўп жиҳатдан беихтиёрий ва ҳаётий зарур бўлади, бола оёққа туришининг асосий босқичлари унинг ижодий имкониятларининг ривожланганлигидан ажралмас бўлади. Ижодий салоҳият болада унинг туғилганидан бошлаб мавжуд бўлади ва кўп омиллар таъсири остида унинг улғая бориши билан ривожланади.

Шунинг учун ижодий ривожланиш бўйича мақсадга йўналтирилган ишларни мактабгача бўлган ёшда бошлаш зарурдир. Болаларнинг ижодий ривожланиши бўйича тадқиқотчилик ишида мақбул педагогик таъсир кўрсатиш тизимини

сезиларли равишда белгилаб берадиган мактабгача ёшдаги болаларнинг ёшга доир хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. — 176 б.
2. Павленко Г.В. Педагогические условия развития творческих способностей детей старшего дошкольного возраста в сюжетно-ролевой игре: Дис. ... канд. пед. наук : 13.00.07 : Москва, 1998. - 227 с.
3. Пономарев Я.А. Психология творчества.М.:Педагогика,1976. 280с.
4. Степанова, В.В. Психологические условия развития творчества у детей дошкольного возраста: Дис.... канд. псих, наук: 19.00.13./ В.В.Степанова. - М., 2001. 164 с.
5. Шаехова, Р.К. Педагогические условия развития творческих способностей дошкольников в игровой деятельности: Дис. ... канд. пед. наук: 13.00.01. /Р.К. Шаехова. - Казань, 1999. - 153 с.
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. А-Ҳ ҳарфлари. — Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001-2006.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. Иккинчи жилд Е-М. А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. - 671 б.

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ

Қосимова Шахноза Нуриддиновна
Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, катта ўқитувчи

Аннотация: *Ушбу мақолада “ривожланиш”, “шаклланиш”, “касбий ривожланиш” тушунчаларининг моҳияти ёритиб берилган. Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг малакасини ошириш муаммоси баён этилган. Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг касбий ривожланишига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.*

Калит сўзлар: *ривожланиш, шахсий ривожланиш, профессионаллик, касбий ривожланиш, шакллантириш.*

ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ПРОЦЕССЕ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ

Косимова Шахноза Нуриддиновна
Институт переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений, старший преподаватель

Аннотация: *В данной статье раскрыта сущность понятий «развитие», «становление», «профессиональное развитие». Описана проблема повышения квалификации руководителей дошкольных образовательных учреждений. Факторы, влияющие на профессиональное развитие руководителей дошкольных образовательных организаций, изучались в процессе профессионального развития.*

Ключевые слова: *развитие, развитие личности, профессионализм, профессиональное развитие, становление.*

PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF HEADS OF PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS IN THE PROCESS OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT

Kosimova Shakhnoza Nuriddinovna
Institute for Retraining and Advanced Training of Preschool Education Personnel and manager, Senior lecturer

Annotation: *This article describes the essence of the concepts of "development", "formation", "professional development". The problem of professional development of heads of preschool education institutions is described. Factors influencing the professional development of preschool leaders have been studied in the process of professional development.*

Keywords: *development, personal development, professionalism, professional development, formation.*

Замонавий малака ошириш тизими мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларига қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак, яъни ривожланиш тамойили малака ошириш жараёнидаги ўқув фаолиятининг асоси бўлиши керак. «Ривожланиш» тушунчаси замонавий маданиятнинг асосий тушунчаларидан биридир. У турли жиҳатларга эга ва турли фанлар томонидан: педагогика, ривожланиш психологияси, социология, ёшга доир физиология ва анатомия, фалсафа ва бошқа фанлар томонидан кўриб чиқилади.

Фалсафада ривожланиш, мавжуд ҳолатнинг намоён бўлиши ва кўпайиши ёки сифат жиҳатидан янги шаклларнинг пайдо бўлишидан иборат бўлган бир ҳолатдан иккинчисига илгариланма ҳаракатни белгилаш мақсадида ишлатилади. Ривожланиш – бутун борлиқ шаклланиб борувчи бўлгани каби, материя ва онгнинг табиий ўзгаришидир. Шаклланиш - бу борлиқнинг бир муайянликдан иккинчисига ўтиши бўлиб, амалга оширилган ҳаракат ва амалга оширилмаган имкониятдан иборатдир [9]. Ушбу тушунчанинг фалсафий талқини шаклланиш жараёнини ривожланиш категориясининг шакли, босқичи сифатида кўриб чиқади. Психологияда шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини тушунишга бундай ёндашув сақланиб қолинган. Э.Ф.Зеер шахснинг шаклланишини ижтимоий таъсирлар ва ўзини-ўзи такомиллаштириш ҳамда ўзини-ўзи амалга ошириш шахсий фаоллиги таъсири остида унинг прогрессив ўзгаришининг узлуксиз жараёни деб билади [3; 7-б.]. Психологияда «ривожланиш» тушунчаси, уни кейинчалик тартиблаштирилган, таркиблаштирилган ҳолда, маълумотни мақсадли тўплаш билан боғлиқ бўлиб, янги тузилма, ташкилот пайдо бўлишининг шарти

ҳисобланади [6]. «Ривожланиш» ва «шаклланиш» тушунчалари маъно жиҳатидан бир-бирига яқин. «Ривожланиш» атамаси, одатда, юқори даражада ўзини-ўзи таъминлаш қобилиятига ва шахсий ўзгаришларининг ички манбаларига эга бўлган тизимларга тегишлидир. Шаклланиш жараёни, мақсадли йўналтирилган ташқи таъсирлар остида шахснинг психологик динамик функционал тузилмасини, асосан унинг мазмунини ўзгартиришдан иборат [5; 233-б.].

Шахсни шакллантириш машғулот, машқ, ўқитиш каби шаклларда содир бўлади. Аммо автоном тизимларнинг ривожланиш жараёнларида улар таркибий қисмларининг шаклланиш моментлари мавжуд, айрим объектларнинг шаклланиш жараёнида баъзи босқичларда компонентларнинг ривожланиш моментлари кузатилади. Ушбу тушунчалар ўртасида ҳеч қандай ўтиб бўлмас жарлик мавжуд эмас [8].

Ўтказилган таҳлил «ривожланиш», «шаклланиш», «ташкил топиш» атамаларининг маъноларини семантик жиҳатдан яқин деб тасаввур этиш имконини беради. Ушбу қаторга В.И.Слободчиков «қайта ташкил этишни» ўзини-ўзи ички ривожлантириш ва мавжуд ҳаёт тарзини енгиб ўтиш жараёни сифатида қўшади [7]. Ривожланиш тушунчаси ва принципи инсонга нисбатан қўлланилади - бу ҳам педагогик, ҳам психологик фанлардаги бош, асосий ғоялардир. Хусусиятлар, ўзини англаш, қобилиятлар, тажриба тўплашдаги миқдорий ва сифат ўзгаришлари жараёни сифатида инсон шахсининг ривожланишини аниқлаш энг кенг тарқалган ҳисобланади. Педагогика ва психологиянинг замонавий ривожланиш даражаси «шахснинг ривожланиши – бу, шу жумладан илгари эришилганлари доирасидан четга чиқадиган, ҳар қандай мураккаб даражаларда пайдо бўладиган ёки қўйилган вазифаларга мос равишда, инсоннинг (унинг ички салоҳиятининг) ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўзини-ўзи реализация қилишга тайёрлигининг шаклланиш жараёнидир» деган хулосага келишимизга имкон беради. [10].

«Касбий ривожланиш» тушунчаси ҳам психологиянинг категориясидир. Моҳирлик категориясини фаолият ва шахсийлик кўринишларида кўриб чиқишга йўналтирилган акмеологияда, фаолият моҳирлигининг шаклланиш жараёни шахснинг ривожланиши билан биргаликда кўриб чиқилади. Шахсий ва касбий ривожланиш - бу ўзини ривожлантириш, касбий фаолият, касбий ўзаро муносабатларда амалга ошириладиган, шахс ва унинг моҳарати шаклланиши жараёнидир [2; 13-б.].

Бизнинг фикримизча, малака ошириш жараёнида бошқарув фаолиятини психологик жиҳатдан қайта қуриш эҳтимоли мавжуд, чунки бу, хатти-ҳаракатлар ва қўйиладиган талаблар ўртасидаги қарама-қаршилик туфайли юзага келган муаммоли вазиятни англаш туфайли раҳбарнинг ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартириш заруриятини келтириб чиқарадиган шароитларда юзага келади.

Охирги пайтларда раҳбарлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш менежментда энг зарур ва муҳим муаммо сифатида кўриб чиқилмоқда. Ходимларни бошқариш тизимида ходимларни ривожлантириш учун қуйи тизим мавжуд. Инсон ресурсларини ривожлантириш менежерлар томонидан бошқа вазифалар орасида биринчи ўринга қўйилади ва бу жараён ходимнинг шахсий

салоҳиятини тўлиқ очиб беришга ва унинг ташкилотга ҳисса қўшиш қобилиятининг ўсишига ёрдам берадиган узлуксиз бўлиши керак. Ғарбий йирик фирмалар кадрлар тайёрлашнинг замонавий концепциясини амалга оширишга кўпроқ сармоя киритмоқдалар. В.Р.Веснин таъкидлаганидек, ушбу қуйи тизимнинг элементлари бу ёки бу малакадаги кадрлар ва лавозим ўсишини ва касбий ўсишни бошқариш, мослашув ва ўқитиш жараёнини ташкил этиш, ташкилий маданиятни шакллантириш учун кадрларга бўлган эҳтиёжни башорат қилади. И.К.Макарова, инсон манбаларини ривожлантириш тизимига биринчи навбатда, малака оширишни назарда тутади. Менежментда касбий ривожланишнинг энг муҳим омили сифатида В.Р.Веснин ва И.К.Макарова малака оширишнинг турли шаклларидаги ўқитишни ажратиб кўрсатишади. В.Р.Веснинниng таъкидлашича, айрим мутахассислар касбий ривожлантириш ва ўқишни битта нарса деб ҳисоблайдилар. Олим касбий ривожланишни «ходимларни янги ишлаб чиқариш функцияларини бажаришга тайёрлаш, лавозимларни эгаллаш, ходимга қўйиладиган талаблар ва ҳақиқий инсон фазилатлари ўртасидаги тафовутни бартараф этишга қаратилган янги муаммоларни ҳал қилиш жараёни» сифатида таърифлайди [1; 191-б].

И.К.Макарова ходимларни ривожлантириш мақсадини билим, кўникма даражасини ошириш, шахсий эҳтиёжларни қондиришда рағбатлантиришни кучайтиришда кўради ва қуйидаги элементларни қўшади: малака ошириш, касбий йўналтириш, мартаба ўсишини режалаштириш, ротация ва ваколатларни бериш, ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўзини-ўзи реализация қилиш учун шароит яратиш.

Малака ошириш меҳнат бозорида рақобатбардошликни оширади ва ўсиш учун қўшимча имконият яратади, умумий интеллектуал ривожланишга ҳисса қўшади ва ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Ўзининг касбий ривожланишига бўлган эҳтиёжни аниқлаётиб раҳбар, бу эҳтиёж қандай омиллар таъсири остида юзага келишини тушуниши керак:

- ташқи муҳитнинг динамикаси (истеъмолчилар - болалар, рақобатчилар - бошқа мактабгача таълим муассасалари, етказиб берувчилар - ота-оналар, давлат - мактаб);

- янги хизматларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган технологияларнинг ривожланиши;

- ташкилот ривожланиш стратегиясининг ўзгариши;

- янги ташкилий тузилмани яратиш;

- янги фаолият турларининг ривожланиши [4; 378-б.].

Айтилганларни хулоса қилганда шуни таъкидлаш мумкинки, менежментда ҳам, педагогик менежментда ҳам касбий ривожланиш нафақат назарий ва амалий тажрибанинг ўзгаришига, балки мутахассис шахсий фазилатларига ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари, хулоса сифатида биз учта муҳим хулосани кўриб чиқамиз. Биринчидан, ўқитишнинг турли шаклларида малака ошириш жараёнида кадрлар малакасини ошириш ғояси шубҳа остига қўйилмайди. Кўпгина тадқиқотчилар

«касбий ривожланиш» ва «ўқитиш» тушунчаларини тенг деб билишади. Ушбу ёндашув мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг малакасини ошириш жараёнида уларнинг касбий ривожланишини кўриб чиқишга имкон беради. Иккинчидан, менежмент тадқиқотчиларининг фикрига кўра, касбий ривожланиш, мазмуни мутахассисларнинг касбий ўсишига ёрдам берадиган тегишли дастурларни яратиш шарти билан амалга оширилади. Малака оширишнинг таркибий модели бизнинг мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг касбий ривожланиши шартлари тўғрисидаги тасаввурларимизга мос келади. Учинчидан, Т.Ю.Базаров томонидан ходимлар мартаба тузилишида аниқланган рефлексив компонент, бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, раҳбарнинг малака ошириш шароитида нима содир бўлаётганини ва шахсий ҳамда фаолият ўзгариши имкониятини англаш қобилияти сифатида, раҳбарлик фаолияти таркибидаги муҳим элемент бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

(1) Веснин, В.Р. Практический менеджмент персонала [Текст] / В.Р. Веснин. - М.: Юрист, 2003. - 495 с.
(2) Деркач А.А. Акмеология : личностное и профессиональное развитие человека [Текст] / В 2 ч. Ч. 2. Акмеологические основы управленческой деятельности / А.А. Деркач. - М.: РАГС, 2000. - 536 с.
(3) Зеер Э.Ф. Концепция становления педагога профессиональной школы [Текст] / Э.Ф.Зеер // Психология становления педагога профессиональной школы / Под ред. Зеер Е.Ф. - Екатеринбург: УГПУ, 1996. - 148 с.
(4) Одегов, Ю.Г. Управление персоналом [Текст] / Ю.Г. Одегов, Н.В. Журавлев. - М. : Финстатинформ, 1997. - 878 с.
(5) Платонов К.К. Психология [Текст] : учебное пособие / К.К. Платопов, Г.Г. Голубев. - М.: Высшая школа, 1977. - 247 с.
(6) Психолого-педагогический словарь для учителей и руководителей общеобразовательных учреждений [Текст] / сост. В.А. Мижериков. — Ростовна-Дону: Феникс, 1998. - 544 с.
(7) Слободчиков В.И. Психология развития человека [Текст] / В.И. Слободчиков, Е.И. Исаев. - М.: Школьная пресса, 2000. - 416 с.
(8) Современный словарь по педагогике [Текст] / Сост. Е.С.Рапацевич. - Минск: Современное слово, 2001. - 928 с.
(9) Философский энциклопедический словарь. - М.: Инфра - М, 1997. - 576 с.
(10) Шиянов Е.Н. Развитие личности в обучении [Текст] / Е.Н. Шиянов, И.Б.Котова. - М.: Академия, 1999. - 288 с.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШДА УЗВИЙЛИК ТАМОЙИЛИ

Равшанова Наргиза Норбоевна
ЎзР МТВ МТМРХМҚТМОИ мустақил изланувчиси (PhD)

Аннотация. *Мақоланинг мақсади - катта мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни экологик тарбиялаш жараёнида узвийлик тамойилининг аҳамиятини очиб бериш.*

Калит сўзлар: *мактабгача таълим, экологик таълим, атроф-муҳитга муносабат,экологик маданият, болани табиат билан таништириш, узвийлик тамойили табиатни асраш, табиатни кузатиш.*

ПРИНЦИП ПРЕЕМСТВЕННОСТИ В ЭКОЛОГИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ ДОШКОЛЬНИКОВ

Равшанова Наргиза Норбоевна
Докторант ИППКРСДОУ МДО РУз

Аннотация. *Цель статьи –раскрыть значение принципа преемственности в процессе экологического воспитания детей старшего дошкольного и младшего школьного возраста.*

Ключевые слова: *дошкольное образование, экологическое образование, отношение к окружающей среде, экологическая культура, ознакомление ребенка с природой, охрана природы, принцип преемственности наблюдение природы.*

THE PRINCIPLE OF CONTINUITY IN ENVIRONMENTAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN

Ravshanova Nargiza Norboevna
Doctoral student IPPKRSDOU MDO RUz.

Annotation. *The purpose of the article is to reveal the significance of the principle of continuity in the process of environmental education of children of senior preschool and primary school age.*

Keywords: *pre-school education, environmental education, respect for the environment, ecological culture, familiarize the child with nature, environment the principle of continuity, nature observation.*

Долзарблиги ва муаммоли баён. Экологик таълим тизимининг долзарблиги мамлакатимиз табиати, экотизимлари, атроф-муҳитни беқарорлик ва издан чиқишидан асраш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ўта жиддий, ҳаётий масалага аҳолининг барча қатлами, айниқса, ёшлар томонидан салмоқли ҳисса қўшилиши зарурлиги билан белгиланади. Айни чоғда экологик муаммоларни ҳал этишда тежамкор, экологик тоза технологияларни жорий қилиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини изчил олиб бориш ёки соҳага оид қонунчиликни

такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар уларни ҳал этишда етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиат неъматларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш антропоген таъсирларнинг олдини олишда асосий омиллардандир. Бунда экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳам ниҳоятда юқори. Саноат ишлаб чиқаришининг жадал ўсиши шароитида инсон ва табиат, жамият ва унинг атроф-муҳитининг мавжуд кўп чиқинди маҳсулотлар ва технологиялар билан ўзаро таъсири муҳим шакллар чегарасига етди. Бироқ, экологик таълимни амалга ошириш жараёнининг турли даражадаги экологик таълим мазмунининг узлуксизлигини белгилаш зарурати мавжуд, лекин экологик таълим ва тарбиянинг узвийлиги ҳақида тўлиқ тушунча ва олиб борилган чуқур таҳлил натижалари экологик таълимни ташкил этишда ислоҳотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи жиддий камчиликларнинг сақланиб қолаётганлигидан далолат бермоқда. Хусусан: барча турдаги таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасида назарда тутилган экология ўқувининг мажбурийлигига оид талаблар етарли даражада бажарилмаяпти; [1]. Инсониятнинг хаёти таҳдид остида: табиий ресурсларнинг узлуксиз камайиши ва атроф-муҳитнинг хавфли ифлосланиши мавжуд. Бу борада экологик тафаккурни ривожлантириш ва ёш авлоднинг экологик маданиятини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Шундай қилиб, экологик таълим ва тарбия сифатини ошириш зарурлигини англаш ва экологик таълим сифатини ошириш билан боғлиқ узвийлик, изчиллик ва узлуксизлик тамойилларини амалга ошириш учун илмий асосланган педагогик шарт-шароитнинг йўқлиги ўртасида умумий зиддият мавжуд.

Сўнгги тадқиқотлар ва нашрлар таҳлили. Олимларнинг ишлари шахсий ривожланишнинг ҳар бир босқичида мулоқот, изчиллик ва мақсадлар, вазифалар, мазмун, усуллар, воситалар, ташкил етиш шакллари ва ўқитиш шакллари истиқболлари муҳимлигини кўрсатади, турли ёш босқичларида уни амалга ошириш учун узлуксизликнинг муҳим хусусиятларини, педагогик шарт-шароитларни асослаб беради (Э. Зюсс, В. И. Вернадский, И. Ш. Исматов, М. Р. Халилова, Н. М. Эгамбердиева, , А. Н. Нигматов, М. Б. Раҳимқулова, А. С. Тўхтаев, Э. В. Қодиров), роли узлуксиз ишлаб чиқиш болалар билим фаолияти (Б. Ш .Алиева), ичида шаклланиши, ахлоқий сифатлар (А. А. Қудратов, Д. Х. Анваров, Л. И. Мушенок) ҳисобланади.

Мақоланинг мақсади - катта мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни экологик тарбиялаш жараёнида узвийлик тамойилининг аҳамиятини очиб бериш.

Асосий материал тақдимоти Узлуксизлик тамойили-таълимнинг турли босқичлари ўртасида сифат жиҳатдан ҳар хил, мактабгача ёшдан бошлаб қуйи синфлардан юқори синфдагилар билан тугайдиган алоқадир [2]. Бу тамойили таълим мазмуни, унинг шакллари, методлари, ўқув жараёнидаги фанларнинг ўзаро таъсири стратегияси ва тактикасига, ўқувчиларнинг шахсий ўсишларига тааллуқлидир. Амалиётда бу жараённинг узлуксизлигини ва уни амалга ошириш

учун тегишли педагогик шарт-шароитлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда болаларнинг экологик таълимини ривожлантириш бўйича илмий асосланган методик тавсияларининг мавжудлиги объектив зарурият мавжуд. Катта мактабгача ёшдаги болалар ва кичик мактаб болаларининг экологик таълимида узлуксизлик боланинг экологик маданиятини шакллантиришнинг ажралмас жараёни бўлиб, у табиат, жамият, ривожланиш ва табиий муҳитни сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш, яхшилаш бўйича фаолиятни амалга ошириш қобилиятини аниқ ифодалайди. [3] Табиат билан инсон ўртасидаги уйғунликни таъминлашда экологик таълим-тарбиянинг роли ниҳоятда катта. Таълим тизимининг барча босқичларида амалга ошириладиган узлуксиз экологик таълим ва тарбия инсоннинг табиатига, қолаверса, ўзига нисбатан янги муносабатларнинг шаклланишини тақозо этади. Бу ўз навбатида баркамол инсоннинг шаклланишида пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин. [4]. Агар экологик таълимнинг ҳар бир босқичи доирасида асосан бир даражадаги узлуксизлик (миқдорий ўзгаришлар) бўлса, бир босқич (поғона) дан кейингисига ўқувчиларнинг ривожланишидаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқ нотекис, сакраш шаклидаги белгилар киради. Узлуксизлик тамойилини амалга ошириш ушбу педагогик тизим фаолиятининг ҳақиқий натижаларини унинг оралиқ ва якуний мақсадларига мослигини доимий диагностикалашсиз мумкин эмас. Якуний мақсадлар ҳар доим ҳам белгиланган ёки режалаштирилган мақсадларга маълум даражада мос келавермайди, лекин бу ҳолат амалиётчилар томонидан камдан-кам ҳисобга олинади. Бироқ мактаб ўқувчиларининг экологик тарбиясида узлуксизлик тамойилини амалга ошириш ишларининг ҳар қандай босқичида камчилик ва нуқсонлар экологик таълимнинг кейинги босқичларида тузатиш деярли мумкин бўлмаган ўзгармас педагогик йўқотишларга айланиши мумкин, чунки унинг узлуксизлиги бузилади [5] Ворисликни самарали амалга ошириш болаларни турли хил фаолият турларига (атроф-муҳит билан ўзаро алоқалар тизими) қўшишга ёрдам беради, бу ахлоқий, интеллектуал, эстетик, экологик маданиятнинг фаол компонентларини ривожлантиришга, боланинг атроф-муҳит билан алоқалар ва муносабатлар дунёсига аста-секин кириб боришига ёрдам беради, конкретлик, табиат билан мулоқот, экологик маданий хулқ-атвор нормаларини ҳурмат қилиш машқлари, мустақил ахлоқий танлов учун намуна. Узлуксизлик тамойилини самарали амалга ошириш болаларни турли хил фаолият турларига (атроф-муҳит билан ўзаро алоқалар тизими) қўшишга ёрдам беради, бу ахлоқий, интеллектуал, эстетик, экологик маданиятнинг фаол компонентларини ривожлантиришга, боланинг атроф-муҳит билан алоқалар ва муносабатлар дунёсига аста-секин кириб боришига ёрдам беради, конкретлик, табиат билан мулоқот, экологик маданий хулқ-атвор нормаларини ҳурмат қилиш машқлари, мустақил ахлоқий танлов учун намуна. Катта мактабгача ва биринчи синф ўқувчилари учун энг муҳими: катталар-мустақил кузатиш ва кузатиш – таҳлил раҳбарлигида кузатиш; табиат билан мулоқотлар, ҳиссий тажрибани кенгайтириш – табиат билан мулоқот, ҳиссий таъсирчанлик ва эмпатия туйғусини ривожлантириш; экологик мазмунга эга ўйинлар; катталар томонидан ташкил этилган амалий тадбирлар-мустақиллик ва ижодкорлик элементлари билан амалий тадбирлар;

оғзаки бўлмаган моделлар ёрдамида моделлаштириш; табиатдан олинган таассуротлар ёки табиатдаги одамларнинг фаолиятига асосланган самарали фаолият; билиш фаолияти ўқитувчи томонидан таклиф этилган шаклланишни тушуниш сифатида-ахборотни мустақил қидириш ва уни муайян вазиятда қўллаш [1;5] Хулоса. Назарий тадқиқот орқали кўрсатилганидек, болаларнинг ушбу фаолият турларига қўшилиши уларнинг экологик таълим-тарбиясини ривожланишига ёрдам беради, унинг асосий кўрсаткичлари катта мактабгача ёшдаги: атроф-муҳитнинг яхлитлиги, табиат объектлари ва ҳодисаларига қизиқишнинг мавжудлиги, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаёт шароитлари, экологик аҳамиятга эга бўлган қиймат-семантик қурилмаларнинг пайдо бўлиши, муайян мулоқот қилиш зарурати ҳақида бошланғич ғоялар мажмуи билан ҳамдардлик ва тирик мавжудотлар билан ҳамдардлик қобилияти, эстетик ҳис-туйғуларини намоён, Меҳрибонлик, эътибор, хайрия, одамлар ва табиат билан муносабатларда бағрикенглик, ижодий фаолияти турли хил ўз-ўзини амалга ошириш учун эҳтиёж, сақлаш асосий кўникмаларини мавжудлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва такомиллаштириш [6] Зеро, экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги узвийликни таъминлаш ҳамда табиий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, экологик таълим-тарбия ёшларни табиатдан онгли равишда фойдаланиш ва улар қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда тежамкорликка ўргатишда қўл келади. Албатта, ёш авлод қалбида табиатга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим масалалардан саналади. Бу, ўз навбатида, катта мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни экологик таълимнинг янги босқичи турли алоқалар ва боғлиқликлар ҳақида хабардорлик билан тўлдирилади атроф-муҳит, мустақил равишда экологик маълумотларни излашга интилиш, ўсимлик ва ҳайвонларга ҳиссий ва ижобий муносабатни намоён этиш, уларнинг табиатдаги роли, мустақиллик ва ижодкорлик элементларининг намоён бўлиши билан экологик жиҳатдан тегишли тадбирларда иштирок этишга ундайди. . Ушбу лавозимларни ҳисобга олган ҳолда экологик таълимни амалга ошириш боланинг экологик маданиятини бирлаштирувчи тизимнинг вакили сифатида ривожлантиришга ёрдам беради. Фазо, ер сайёраси, табиат, жамият, шахснинг ички дунёси. Боланинг мактабгача таълим муассасасидан мактабга ўтиш даври экологик таълим кўрсаткичларининг мазмунига ифода кучи билан боғлиқ бўлган динамикасини белгиловчи шахс экологик тарбиясининг шаклланишидаги муайян йўналишлар билан тавсифланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарори 3 боб
2. Т. Гайсин Экология в школе: до и после. - 2008. - No 2. - С. 3-7.
3. Р. Бобоёров, Г. Бабаярова Замонавий таълим / Современное образование Т-2015, № 5, С 2-6
4. А.Содиқова, А.Расулхўжаева Болаларни табиат билан таништириш методикаси. (Ўқув қўлланма) Т – 2013

5. И. И. Сычева, Формирование нравственных отношений к природе у детей раннего возраста через дидактические игры и упражнения Молодой учёный №47 (181) ноябрь 2017 г. С 147-149.
6. Б. Алихонов. Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси. Халқ сўзи, 10 август 2012 йил

КРАТКИЙ ОБЗОР ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ОТКРЫТОЙ ОПТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ ДЛЯ КОНТРОЛЯ ОТКЛОНЕНИЙ ЗДАНИЙ ИЗ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ ИЗДЕЛИЙ

Райимжонова Одинахон Содиковна, заведующая кафедрой "Телекоммуникационный инжиниринг" Ферганского филиала ТУИТ, доктор философских наук
Искандаров Усмонали Умарович, старщий преподаватель кафедры "Телекоммуникационый инжиниринг" Ферганского филиала ТУИТ
Азимжонов Улугбек Абдумалик угли, магистр направлении "Компьютерный инжиниринг", Ферганского филиала ТУИТ

Аннотация: *В статье изложены основные принципы систем контроля технического состояния зданий из железобетонных изделий на базе открытой оптической системы. Представлены данные оптической системы мониторинга с лазерным излучателем. Проанализированы расчетные данные расстояний и углов контроля такого типа мониторинга. Изложены основные принципы систем мониторинга технического состояния сооружений на базе открытой оптики.*

Ключевые слова: *оптический сигнал, лазерные оптические системы, лазерный изучатель, преобразователи сигналов.*

OVERVIEW OF THE EXPERIMENTAL REASARCHE OF OPEN OPTICAL SYSTEM FOR MONITORING OF DEVIATIONS OF THE BUILDINGS WITH CONCRETE PRODUCTS

Raimimonova Odinaxon Sodiqovna, Head of the Department of Telecommunication Engineering, Ferghana Branch of TUIT, Doctor of Philosophy
Iskandarov Usmonali Umarovich, Senior Lecturer, Department of Telecommunication Engineering, Ferghana Branch of TUIT
Azimjonov Ulugbek Abdumalik ugli, Master, Computer Engineering, Ferghana branch of TUIT

Abstract: *In article main principles of monitoring systems of a technical condition of buildings from ferroconcrete products on the basis of open optical system are stated. The data of optical system of monitoring with a laser radiator is presented. The settlement data of distances and corners of control of monitoring of this kind are analyzed. Main principles of systems of monitoring of a technical condition of constructions on the basis of open optics are stated.*

Keywords*: optical signal, laser optical systems, laser researcher, signal converters.*

ТЕМИР-БЕТОН МАХСУЛОТИДАН ҚУРИЛГАН БИНОЛАРДА ОЧИҚ ОПТИК ТИЗИМЛАР ҚАРШИЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАЖРИБА ТАДҚИҚОТИНИНГ ҚИСҚА ШАРХИ

Райимжонова Одинахон Содиқовна, ТАТУ Фарғона филиали “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори
Искандаров Усмонали Умарович, ТАТУ Фарғона филиали “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси катта ўқитувчиси
Азимжонов Улуғбек Абдумалик ўғли, ТАТУ Фарғона филиали “Компьютер инжиниринг” йўналиши магистри

Аннотация: *Мақолада осҳиқ оптик тизимга асосланган темир-бетон буюмлардан ясалган биноларнинг техник ҳолатини кузатиш тизимларининг асосий принциплари тасвирланган. Лазер эмиттери билан оптик мониторинг тизимининг маълумотлари келтирилган. Ушбу турдаги мониторингнинг масофалари ва назорат бурчакларининг ҳисобланган маълумотлари таҳлил қилинади. Очиқ оптикага асосланган тузилмаларнинг техник ҳолатини кузатиш тизимларининг асосий принциплари тавсифланган.*

Калит сўзлар: *оптик сигнал, лазерли оптик тизимлар, лазер тадқиқотчиси, сигнал конверторлари.*

Введение

Применения лазерных оптических систем, базирующихся на обработке характеристику оптического сигнала, в мониторинге технического состояния сооружений можем оценить состояние отклонения, деформацию и другие повреждение сооружений. [1, 2, 7]. Тем не менее, материал дает довольно интересную картину с точки зрения использования преимуществ открытой оптики для контроля состояния строительных конструкций, а также в решении задач мониторинга разного рода [6]. Возможность позиционировать преобразователи сигналов как внутри железобетонных сооружений, так и снаружи, высокая точность и стабильность оптических датчиков позволили сформулировать ряд задач, остававшихся до сих пор в сфере теоретического анализа и численного моделирования [1].



Рис. 1 Внешний вид информационного лазерного излучателя

Сегодня один из основных вопросов– какие отклонение или деформация, получает здание от напряжения, эксплуатации и силы тяжести, землетрясения – решается с помощью различных моделей в сочетании с данными традиционных и не

традиционных датчиков. Они позволили расширить рамки контроля напряженно или деформированного состояния сооружения. Одни из типов такого контроля открытие оптические системы, предлагаемые применить в строительстве, в качестве параметра, регистрируемого преобразователем, используют интенсивность световой волны [3, 4]. Степень изменения интенсивности и время возвращения световой волны в результате воздействия внешней среды на луч позволяет однозначно определять величину этого воздействия. Причем механизм изменения оптического параметра может иметь различные причины – отражение, поглощение, микро изгибы и т.д.

В работе представлен исследования состояний конструкций на базе лазерного излучателя. Представленная работа контроля состояния самого или некоторого элемента ЖБ конструкции [2].

Оптическая система контроля отклонений

Выбор блок схемы системы представлен на Рис.2. Здесь величина отклонения объекта контроля Δl, а Δt – величина изменения времени хода луча при опыте. При этом, мы можем выбирать расстояние, так как параметр приращение расстояния между контрольными точками, величина интенсивности обратно отраженного светового потока имеет линейную зависимость от величины расстояния. Выбор блока схемы системе зависит от вида системы и существующий элементной базы системы или проекта. [12].

Рис. 2 Выбор блок схемы системе.

В результате величина интенсивности или время отраженного светового потока преобразованная фотоприемником в электрическое напряжение U, после обработки с помощью специальной программы, дает величину отклнония конструкции Δl и времени Δt. По изложенному алгоритму определяется искомая величина деформации элемента такой конструкции при опыте.

Таблица 1

остаточный угол	градус	140	100	60	20	0
альфа 2	градус	20	40	60	80	90
альфа 1	градус	20	40	60	80	90
L растояние	метр	5,130302	9,641814	12,99038	14,77212	15
R радиус	метр	15	15	15	15	15

Что касается принимаемой интенсивности луча лазера, она зависит от расстояния, срока годности излучателя и приемника, от интенсивности эксплуатации лазера и приемника, точности установки, погодных условий, от ингредиентов воздуха и т.д. Этот раздел имеет еще более глубокого исследования, и он частично описан в источнике. [14].



Рис.3 Метод определения отклонения объекта контроля и его параметров Δt, Δl

Изменение угла падения изменяет угол отражения, они прямо пропорциональные.

Прямо пропорциональное отношение углов дают, прямо пропорциональная разница расстояний ΔL по конкретному обусловленному радиусу r. Расстояние ΔL определяется по формуле(переведен в формат Excel)

$$\Delta L = \text{SIN(H22*ПИ()/180)*H24} \qquad (1)$$

Таблица проведенного расчёта в электронные таблицы (программы Excel) и результаты по определению расстояния на конкретный радиус (15 м) внесено таблице ниже (таблица 1).

Заключение

1. Исследованный метод обладают хорошими эксплуатационными и метрологическими свойствами для построения систем мониторинга и мониторинга отклоненного состояния зданий и строительных сооружений;
2. Исследования подтверждают точности параметров открытого оптического измерения в сравнении с некоторыми моделями;
3. Успешно исследован и проведен опыт тестирования систем контроля на базе открытой (лазерной) оптики;
4. Метод позволяет нам выявит те же параметры при последствии землетрясений;
5. Как достаток существует и недостатки, такие как сбор первичных данных о состояния зданий, если тест проводится через долгое время;

- сложность определения фиксация прежнего состояния установки измерительной системы;
- установки измерительной системы (если использовать переносной вариант, так, как приемник и передатчик разнесены);
- опасность попадания луча в зрительные органы персоналов или других лиц.

СПИСОК ЦИТИРОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Егоров Ф.А., Неугодников А.П., Быковский В.А., Экспериментальные исследования волоконно-оптических датчиков для контроля деформаций железобетонных конструкций. Россия. ЗАО «Мониторинг-Центр», ООО «Мониторинг-Урал»
2.Гауэр Д. Оптические системы связи. М., 1989. и Кулик Т. К., Прохоров Д.В. Методика сравнительной ОЦЕНКИ работоспособности лазерных линий связи. Технология и средства связи, 2000, № 6, с. 8-10.
3.Алякишев С.А., Гордеев Д.В., Милинкис Б. М., Остапченко Е.П. Передача телевизионного изображения и звука с помощью лазера. Техника кино и телевидения, 1965, № 5, с. 45-49.

ФУТБОЛЧИЛАРНИ ЭМОЦИОНАЛ СТРЕССЛАРГА БАРДОШЛИЛИК ДАРАЖАЛАРИНИ ТЕМПЕРАМЕНТЛАР ТИПЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сатиев Ш.К., НамДУ. ўқитувчи, Спорт фаолияти кафедраси мустақил изланувчиси,
Азизов С.В. п.ф.н.доцент,илмий рахбар.

Аннотация: *ушбу мақолада айни вақтда олиб борилаётган илмий изланишлар ва илмий тадқиқот ишларида футболчиларнинг юқори стрессли омилларга тез берилувчанлиги ва уларни эмоционал стресс ҳолатларга бардош бера олишида темперамент типлари боғлиқлиги масаласига катта эътибор қаратилаётганлиги,*

шунингдек, ушбу психик ҳолатни ўрганиш жараёнлари ва унинг натижалари тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: *экстровет, интероверт, эмоционал стресс, харктер типлари.*

ЗНАЧЕНИЯ СВЯЗИ ТИПОВ ТЕМПЕРАМЕНТА К ЭМОЦИОНАЛЬНЫМ СТРЕССАМ И СТЕПЕНИ СТРЕССОУСТОЙЧИВОСТИ ФУТБОЛИСТОВ

Сатиев Ш.К. преподователь НамГУ.кафедры спортивная деятельность
самостоятельный соискатель, Азизов С.В. к.п.н.доцент,научный руководитель

Аннотация: *в данной статье рассматривается, в каких ситуатциях появляется эмоциональной стресс, переживания футболистов в эмоциональных деятельностях. Каким образом оценивается стресс устойчивость, связана ли тип темперамента личности характеристики обеспечивающих стрессоустойчивости и излогаются выводы исследования опредаления типов темперамента футболитов.*

Ключевые слова: *экстровет, интероверт,эмоциональный стресс, типы харктера.*

BEGINNINGS OF THE RELATIONSHIP OF TEMPERAMENT TYPES TO EMOTIONAL STRESS AND THE DEGREE OF STRESS RESISTANCE OF FOOTBALL PLAYERS

Satiyev Sh.teacher NamSU in the deportament, of sports activities,
Azizov S.V. PhD.,dotsent in the deportament of sports activities

Abstract: *This article discusses the situations in which emotional stress appears, and the experiences of football players in emotional activities. How is stress resistance assessed, whether the type of temperament of the individual is related to the characteristics of stress resistance and the conclusions of the conclusions of the study of determining the types of temperament of football players.*

Keywords: *extrovert, interovert, emotional stress, types of harkter.*

Кириш. Республикамизда ижтимоий соҳанинг барча жабҳаларида улкан ислоҳатлар олиб борилмоқда. Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги амалга оширалаётган ишлар жуда салмоқлидир. Республикамизда жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ва фармонларни қабул қилинганлиги жисмоний маданият ва спорт ишларини ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Буни ватанимиз спортчиларини халқаро майдонларда кўрсатётган натижалари мисолида кўриш мумкин. Аммо бугунги кунда барча спорт турларини шиддат билан ривожланиши спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш ва мусобақалар даврида улар организмдаги кечадиган физиологик- психологик жараёнларга эмоционал стресснинг турли даражадаги таъсир механизмларини аниқлаш ва спортчиларнинг фаолиятига стресснинг таъсирини камайтириш дунё олимларининг олдида ўз ечимини кутиб турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Жаҳон спортининг барча турларида, жумладан, футболчиларнинг турли вазиятларда эмоционал беқарорлиги туфайли яхши натижаларни кўрсата

олмаслиги, эмоционал стресснинг шикастловчи таъсирлари натижасида мусобақалардан сўнг турли даражадаги рухий зарбаларни олишлари айнан бу масалани янада чуқурроқ ўрганиш заруриятини юзага келтиради.

Мавзунинг долзарблиги.Стрессларга бардошлилик – инсоннинг олий нерв фаолияти, яъни характер типи, шахсий сифатлари, айниқса, футболчиларнинг жисмоний сифатлари ва психологик тайёргарликларининг даражаси асосида стрессларга бардошлилигини синаб кўриш ва якуний хулоса чиқариш юқори натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу сабабли стресслар (интеллектуал, жисмоний, ақлий, жароҳатлар стресслари, шунингдек, эмоционал юкламали стресслар)ни енгиб ўтиш учун талаб қилинадиган касбий фаолиятга, шахсий соғлиғига, атрофдагиларга маънан ва жисман зарар етмайдиган ҳолда ҳаракат қила олиш, ҳамда муаммони ҳал қила олишни тадқиқотлар асосида синаб кўриш ва натижаларини аниқлаш масаласи айни вақтда долзарблигича қолмоқда.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси: Спортчиларнинг фаолиятига эмоционал стресснинг таъсирини бир қатор олимлар ўрганиб чиқишган. Жумладан, **Е.В.Зайка** ўзининг *“Методика исследования индивидуальности-типичности эмоционального отклика” асарида,* **Г.Д.Бабушкин** *“Психология физической культуры”*, **Б.А.Вяткин** *“Роль темперамента в спортивной деятельности”* **Э.К.Изард** *“Эмоции человека”*, **В.Л.Марищук** *“Методики психодиагностики в спорте”* **А.Ц.Пуни** *“Проблема личности в психологии спорта”*, **И.П.Павлов** *“Психология и высщая нервная система человека”*, номли илмий асарларида, шунингдек, О.А.Черникова, А.В.Родионов, А.Д. Ганюшкин, В.Л.Марещук, Б.А.В.Гошек, Б.Карольчак-Биернацка, Ч.Д.Спилбергер, А.В.Мальчиков, В.Л.Мильманларнинг илмий ишларида учратиш мумкин.

Юқорида номлари қайд этилган олимларнинг олиб борилган илмий тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, мусобақаларга тайёргарлик ва мусобақаларни ўтказиш даврида спортчиларни руҳий тайёрлаш билан бир қаторда уларнинг характер типлари ва эмоцияларининг даражаларига ҳам эътибор берилиши керак.

Тадқиқоднинг мақсади: Инсон организмида кечадиган эмоционал стресс таъсиридаги бу ўзгаришларни ўрганиш спортчиларни стрессор факторларга чидамлилигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Шу боисдан ҳам тадқиқод мақсади бўлиб:

- мавзуга оид илмий адабиёт манбааларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- педагогик кузатувлар ва сўровнома асосида футболчиларни темперамент типларини аниқлаш;
- футболчиларни эмоционал вазиятларга муносабати, ижобий ва салбий ҳаракатларнинг омиллари, футболчиларнинг характерли типлари, стрессоген вазиятларда қайтарадиган жавобларини, сифатли аналитик баҳоловчи восита бўлиши мумкинлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқоднинг вазифаси: Футболчиларни стрессор факторларга чидамлилигини оширишда қуйидаги вазифалар ҳал қилувчи омил ҳисобланади**:**

1.Тадқиқод олиб борилаётган футболчиларнинг темпераментлари олий нерв фаолияти типларини И.П.Павловнинг классификацияси асосида,

темпераментларни аниқлаш бўйича Г.Ю.Айзенк тестини ўтказиш йўли билан аниқлаш.

2.Футболчиларни темпераментларни аниқлаш бўйича Г.Ю.Айзенк тести асосида ўтказилган сўровнома натижаларини, интерпритация қилиш усули билан сўровнома тестида иштирок этувчиларнинг темпераментлар типларини аниқлаш.

3.Тадқиқот жарёнида олинган натижаларга асосланиб футболчиларни стрессоген вазиятларга бардошлилиги бўйича мурббийлар учун услубий кўрсатмалар тайёрлаш.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Илмий адабиётларда акс эттирилган тадқиқотларида **Г.Д.Бабушкин** *(Психология физической культуры)* спортчиларни организми жисмоний машқларга вақт ўтиши билан мослашиб борса, мусобақаларга тайёргарлик ва мусобақалар давридаги эмоционал юкламаларга ёш спортчиларда ҳам, тажрибали спортчиларда ҳам тўла мосланиш кузатилмайди.

Эмоционал кечинмалар ва ҳис-ҳаяжонлар, инсон ҳаётидаги эҳтиёжларни қондириш ва эмоцияни (ҳаяжонлар)ни бошдан кечириш жараёнининг маълум бир қисмини ташкил этади [1,2,7]

Б.А.Вяткин *(Роль темперамента в спортивной деятельности)* ўз асарида эмоционал стрессларнинг физиологик механизмлари оқибатида организм ўзига ҳавф тўғдираётган ҳаракатларга муносабати, сустлаша бошлайди. Бундай реакциялар “курашиш” ёки “енгилиш ” даражасидаги ақлий муносабатларни автоном асаб системасида автоматлашувига олиб келади. Агар у бу реакцияларга ижобий “курашиш” муносабатини билдирса, стресслардан ўтиб бўлса ҳам интилиш муносабатини кўрсатади. Ёҳуд акс реакция ”енгилиш”га муносабати ижобий бўлса, у иш фаолиятидан сустлаша бориш, охир-оқибат ўзини кераксиз, иложсиз, фаолиятни ҳатто тўхтатишга ҳам олиб бориши мумкин, деб фикр юритади.[2,4,5]

Стресс – асаб тизимининг эмоционал психологик кечинмаларнинг узоқ давом этиши ва кучли зуриқиши натижасида келиб чиқувчи вазиятдир. Стресс – футболчи фаолиятини чекловчи, унинг хулқ-атворини мейъёрида тўғри бошқаришига йўл қўймайдиган ҳодиса.

Стресслар агар узоқ вақт давом этса, у, нафақат, футболчининг психологик ҳолатига, балки, унинг саломатлиги ва жисмоний фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Улар юрак қон-томир тизимини, ошқозон-ичак органлари ва бош мия фаолиятини барқарор ишлашига зарар келтиради.

Эмоционал стресслар – ҳавф туғилганда ёки кўнгилсиз воқеалардан ҳафа бўлиш оқибатларида инсоннинг узоқ вақт ўзи билан ёлғиз қолишидир. Психологик стресслар ўз навбатида ўзига хос турларга бўлинади. Стресслар ижобий ёки салбий информацион (ахборот берувчи) ва эмоционал (ҳис-ҳаяжон) туғдирувчи турларга бўлинади[2]

Е.В.Зайка *(“Методика исследования индивидуальности-типичности эмоционального отклика” асарида баён қилишича)* фикрича, ижобий эмоция ўз-ўзидан майдонда ҳаракатланиш завқини, мувоффақиятли натижалар, ҳаттоки жароҳатларга ҳам эътибор бермай ҳаркатланишни таъминлайди. Жароҳат стресси

бир муддат футболчи онгида мужассам бўлса ҳам, у буни кичик бир сабаб сифатида қабул қилади ва ҳаракатланишда давом этади, деб хисоблайди.

Салбий психологик стресслар оқибатида, футболчи ўзига юклатилган вазифалар, футбол майдонидаги амплуасининг талабларини ўз вақтида бажаришга улгурмаса, ўз вақтида керакли қарорларга кела олмаса, шунингдек, информацион зўриқиш, яъни нимани қандай бажаришини ҳар вақт уқтириш оқибатида информацион стресс вужудга келиши мумкин. Бу турдаги стрессга учраши эса, диққатни пасайиши, вазифаларни ўз вақтида бажаришга улгурмаслик, диққатни жамлай олмаслик, ҳардам хаёллик, хатоларга кўплаб йўл қўйиш, воқеаиликни тўғри баҳолай олмаслик каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради деган хулосага келган.[3]

И.П.Павлов *(“Психология и высщая нервная система человек”)* фикрича, футболчиларда эмоционал стресслар спортчининг шахсий харктер темпераментлари ва олий нерв фаолияти боғлиқ деган фикрни олдинга суради. Академик И.П.Павловнинг классификацияси асосида (бефарқлик, ўта сокинлик, ёки жиззакилик, қўполлик, менсимаслик ва юлдузлик кассалиги) бу сифатлардаги нуқсонлар уларнинг харктерлари: сангвиник, холерик, флегматик ва меланхолик типларига мансублиги натижасида эмоционал юклар, депрециялар ва эмоционал нохушликлар, рақиб билан муносабатларда вужудга келадиган стрессларга бўлиниши ҳақидаги фикрларини кузатишимиз мумкин. Олимнинг илмий ишларида спортчиларнинг темпераментларни аниқлаш бўйича Г.Ю.Айзенк тести асосида футболчилардан, уларнинг ота-оналаридан ва мураббийлардан сўровнома ўтказиш йўли билан аниқлаш ва футболчиларни темперамент типларига ажратиб олиш кўзда тутилган.[7]



1-расм. Экстровер-интероверт ва хиссий барқарорли(нейротизмни) баллар асосида аниқлаш ордината обсица ўқининг кўриниши.

Тадқиқот жараёнида футбол академияси, ихтисослаштирилган мактаб интернат ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланаётган 180 дан зиёд 16-17 ёшли футболчилар, уларнинг мураббийлари ҳамда ота- оналари иштирок этдилар. Футболчиларнинг темпераменит типларини **аниқлаш бўйича Г.Ю.Айзенк тестини интерпритация қилиш шкалалари ва экстроверт-**

интеровертлик, ҳиссий барқарорликни аниқловчи ордината ва обсица ўқлари кўрсаткичи билан қуйидагича аниқланди.

.Савол номери	1	2	3	4	5	6 + **	7	8	9	100	11	12 - -- -	13	14	15
Жавоб белгиси (+, –)															
спортчи															
Мураббий															
Ота –она															
Савол номери	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
Жавоб белгиси (+, –)															
спортчи															
Мураббий															
Ота –она															
Савол номери	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45
Жавоб белгиси (+,–)															
спортчи															
Мураббий															
Ота –она															
Савол номери	46	47	48 ---	49	50	51 **	52	53	54 ---	55	56	57			
Жавоб белгиси (+,–)															
спортчи															
Мураббий															
Ота –она															

1-жадвал. **Темпераментларни аниқлаш бўйича Г.Ю.Айзенк тестини интерпритация қилиш жадвали.**

Жавобларнинг ишончлилик даражасини аниқловчи шкала:

«Ҳа» -6, 24, 36. «Йўқ»-12, 18, 30, 42, 48, 54.

Қуйида кўрсатилган савол рақамлари асосида балларни ҳисобланг (ҳар бир рақам 1 балл)

Экстраверсия-интероверсия:

«Ҳа»- 1,3,8,10,13,17,22,25,27,39,44,46,49,53,56 «Йўқ»-5,15,20,29,32,34,37,41,51.

Нейротизм:**«Ҳа»-2,4,7,9,11,14,16,19,21,23,26,28,31,33,35,38,40,43,45,47,50,52.55,57.**

Юқоридаги **темпераментларни аниқлаш бўйича Г.Ю.Айзенк тестини интерпритация қилиш асосида тадқиқотда иштирок этган футболчилар уларнинг мураббийлари ва ота-оналарининг жавоблари таҳлил қилинганда шундай натижалар келиб чиқди.**

Экстроверт- холерик 42 нафар 23.4%

Экстроверт-сангвиник 102 нафар 56.5%

Интероверт-флегматик 34 нафар 18.9%

Интероверт-меланхолик 2 нафар 1.2 % **ни ташкил этди,**

А.П.Павловнинг темпераментларни тавсифлаш жадвалида қуйидагича кўринишда акс этди.

Темперамент тури	Темпераментларнинг тавсифлари	Фоизларда %
Холерик	**Кучли Мувозантсиз Харакатчан**	23.4%
Сангвиник	**Кучли Мувозантли Харакатчан**	56.5%
Флегматик	**Кучли Мувозантли Камхаракат**	18.9%
Меланхолик	**Кучсиз Мувозантсиз Вазмин**	1.2%

2-жадвал. **А.П.Павловнинг олий нерв фаолияти темпераментларни тавсифлаш жадвали.**

Шунингдек олий нерв фаолиятини турлари Экстровертлар ва интеровертларга булиниши натижасини кўриб чиққанимизда, тестларда катнашувчилар сонининг 144 нафари экстровертлар 79.9%**ни,**

интеровертлар 36 **нафари** 19.1%**ни ташкил этди.Олинган натижалар таҳлилидан кўриниб турибдики тестларда иштирок этган футболчиларнинг асосий қисмини** Кучли, Мувозантли,Харакатчан **яъни** Сангвиниклар 56.5%**ни ташкил этди.Бу эса характерларни тавсифида айтилаганидек спортчи.футболчилар учун зарур бўлган характер типидир.** Кучли, Мувозантсиз, Харакатчан **яъни** Холериклар эса 23.4 %**дир.Бу типдаги характерлар ҳам жанговор,ўйин ва мусобақалар фаолиятида фаол иштирок этувчилар бўлиши кузатилади.Аммо мусобақлар жарёнида эмоционал стресснинг хавфлилик даражасига чиқиб боришлари мумкинлиги тезлиги тадқиқотлар давомида аниқланади.** Кучли, Мувозантли, Камхаракат **яъни** флегматиклар 18.9%**ни ташкил этди бу характерлар типидаги футболчиларда стресслар қай даражада кечиб ўтилади кўриб чиқишни мақсад қилиб қўйилди. Оз бўлса ҳам** Кучсиз, Мувозантсиз, Вазмин меланхоликлар 1.2%**ни ташкил этди.Бу типдаги**

футболчилар майдоннинг қайси амплуасида фаолият кўрсатадилар албатта тадқиқотлар давомида жавоб топамиз деган умиддамиз.

Хулосалар. Юқоридаги илмий адабиётларда тавсиф берилганидек, футболчиларнинг кечинмалари ва хис-хаяжонлари шунингдек эмоционал стресснинг турларига оид фикрлар юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, футболчиларни психологик тайёрлаш ва уларнинг ўйинлар ва мусобақалар даврида ҳаракатларини моделлаштириш, футболчилар билан мулоқотларда стресслар ва уларни таъсири остида ҳаракатларни бошқаришга ўргатишни психологик кўрсатмалар курсларини ўтказишни, футболчиларнинг ҳарактер типларини аниқлаган холда улар билан индивдуал психологик тайёргалик ишларини олиб боришни, стресслар даражалари ва уларни енгиб ўтиш бўйича илмий мақолалар ва ўқув адабиётларини яратиш зарурлигини, соҳа олимлари ва мутахассислари тамонидан кенг оммага мутахассислик бўйича фаолият юритаётган мураббийлар учун ўқув қўлланмалар тақдим этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. **Г.Д.Бабушкин.** *Психология физической культуры.* Москва : "Спорт", 2016. Vol. Учебник.
2. **Б.А.Вяткин.** *Роль темперамента в спортивной деятельности .* Москва : "ФИЗКУЛЬТУРА И СПОРТ", 2000.
3. **Е.В.Зайка.** *Методика* исследования *индивидуальности-типичностиэмоционального отклика.* Харьков : Вопросы психологии, 1993.
4. **К.Изард.** Эмоции человека. *Эмоции человека.* Санктпетергбург : "Санктпетергбург", 2001.
5. **В.Л.Марищук.** Методики психодиагностики в спорте. *Методики психодиагностики в спорте.* Москва : "Происвещение", 1990, Vol. учебное пособие.
6. **А.Ц.Пуни.** Проблема личности в психологии спорта. *Проблема личности в психологии спорта.* Москва : Просвещение, 1988.
7. **И.П.Павлов.** Психология и высщая нервная система человека. *Психология и высщая нервная система человека.* Москва : Педагогика, 1980, pp. 125-150.

ТАДБИРКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖИДА ШАХС ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

Сайитхонов Акмалхон Ахатжонович
Фарғона давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация: *Мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган инновацион фаолиятни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги тадбиркорлар фаоллигини оширишнинг назарий, амалий аҳамияти тадқиқ қилинган.*

Калит сўзлар*: тадиркорлик, тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик маданияти, инновацион фаолият, шахс, тадбиркор шахс, бозор иқтисодиёти.*

МЕСТО ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЧНОСТИ В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ ОТНОШЕНИЙ

Сайитханов Акмалхан Ахатжанович
свободный исследователь Ферганский государственный университет

Аннотация: *В статье рассматривается теоретическая и практическая значимость развития инновационной деятельности, осуществляемой в нашей стране, повышения активности предпринимателей в социально-экономическом развитии*

Ключевые слова*: предпринимательство, предпринимательская деятельность, предпринимательская культура, инновационная деятельность, личность, предпринимательская личность, рыночная экономика.*

THE PLACE OF INDIVIDUAL INNOVATION IN THE DEVELOPMENT OF BUSINESS RELATIONS

Sayithanov Akmalhan Axatjonovich
free researcher of Fergana state University

Annotation: *The article discusses the theoretical and practical significance of the development of innovative activities carried out in our country, increasing the activity of entrepreneurs in social and economic development.*

Keywords: *entrepreneurship, entrepreneurial activity, entrepreneurial culture, innovative activity, personality, entrepreneurial personality, market economy.*

Тадбиркорлик фаолияти - кенг маънода шахсий ва ижтимоий манфаатни қондиришга асосланган ақлий ва жисмоний ҳатти-ҳаракатни билдиради. Тор маънода тадбиркорлик муносабатлари ижтимоий- иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини-уй хўжалигини бошқаришдан тортиб - ишлаб чиқаришгача, товар сотиш ва хизмат кўрсатиш турларигача қамраб олади[1,366]. Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий ходиса ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти жамият ҳаётини барқарорлаштиришга хизмат қилувчи муносабат бўлиб, унинг натижасида янги йўналишдаги, ҳамда қўшимча иш жойлари яратилинишига олиб келади. Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми ортади, инсонлар яъни истеъмолчилар эҳтиёжлари тўлақонли қондирилади. Тадбиркорлик муносабатларидаги муҳим омил - бу тадбиркорнинг шахсий (индивидуал) хусусиятлари. Тадбиркорлик муносабатлари тўлақонли субеъкти бўлиш учун шахс ташқи ҳолатдан ташқари фақат ўзига боғлиқ хусусиятлар борки, шароит, сармоя ва ҳуқуқий кафолат, шарт-шароитлар тўла-тўкис яратиб берилганда ҳам бусиз у ҳақиқий тадбиркор шахс бўла олмайди. Бу хусусиятлар унинг ишбилармонлик, тижорат қоблияти ва инновацион фаолиятини ривожланишига боғлиқлигини таъкидлаш жоиз.

Инсонда шахсий эҳтиёжларини мунтазам ошиб бориши, уларни қондириш ва тартибга солиш асослари ҳам тинимсиз равишда ўзгариб туришини тақозо қилади. Шахс тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга асосланган инновацион фаолият муайян эҳтиёжларни қондирадиган новациялар(янгиликлар)ни яратиш

билан бир қаторда - бу соҳада янги имкониятларни топиш ва уларни рўёбга чиқаришга ҳам йўналтирилган бўлади. Бу эса ўз навбатида, ўтимшда инсон ҳис этиб, лекин юзага чиқара олмаган эҳтиёжларини қондириш, истакларини қайта туғдириши мумкин. Натижада норационал эҳтиёжлар рационал, қондириш имконияти мавжуд ички зарурият ва талабларга айланиб боради. Бу доимий айланма ҳаракат, яъни инновацион фаолият эҳтиёжларни янги усул, воситалар ёрдамида қондирадиган яратувчанлик хусусияти юзага келиши, унинг фаол ҳаракат сифатида ривожланишига замин яратади.

Шу боис юқорида тилга олинган янгиликни яратиш ва татбиқ этишда алоҳида фаолият тури - инновацион [2,212] фаолият кўринишига эга бўлиб бормоқда. Инновацион фаолиятнинг алоҳида онгли ва ижодий самарадор саъй-ҳаракатларга айланиши, унинг қайта тиклаш функциясидан воз кечишни англатмайди, албатта.

Жамиятнинг тарихий тараққиётида ижтимоий ҳаётнинг тадрижий такомиллашиб бориши, кишилар ўртасидаги янги муносабатларни пайдо бўлиши ва ривожланиши, ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни ва кўринишларининг сайқаллашишига олиб келади. Бунинг оқибатида, табийки, шахс фаолияти меҳнат тақсимотига монанд равишда мустақил соҳалар ажралиб чиқишини тақозо қилади. Натижада, алоҳида касблар пайдо бўлади, ақлий ва жисмоний меҳнат янада мукаммал тизимга солинган қатъий белгиланган онгли ҳатти-ҳаракатлар мажмуига айланади. Мазкур ижтимоий-иқтисодий ва маданий-касбий жараёнлар шахс, табиат ва жамият ҳақида янгича назарий билимлар, фан соҳаларининг таркиб топишига имконият яратади, инсон эҳтиёжларини тинимсиз вужудга келтириб, қондирилишини таъминлашга қаратилган тадбиркорлик фаолияти соҳасида самарадорликни ошириш тақозо қилинади. Инновацион фаолиятда тадбиркор шахс янги, маданий қадриятларни яратади ва ўзини-ўзи ижод этади [3,38].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли туб ислоҳотлар тадбиркор шахсларни самарали яъни инновацион фаолият олиб боришлари учун имкониятлар яратмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Президентимизнинг Фармонида ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилмоқда [4,34].

Жамиятимиз тараққиётининг янги босқичида ижтимоий ҳаётнинг янгиланиш жараёнлари ўзининг объектив асосига эга бўлиб, илмий-назарий томондан такомиллаштиришни тақозо қилади. Бу эса шахс инновацион фаолияти учун қулай ижтимоий-маданий муҳитни яратиш, уни амалга ошириш учун зарур инновацион маконни шакллантиришга замин яратишини талаб этади. Эндиги долзарб масала ана шундай имкониятларни юзага чиқариш билан боғлиқдир.

Бундай кенг кўламли вазифани амалга оширишнинг муҳим шарти шахс инновацион маданиятини ҳар томонлама юксалтиришдан иборатдир. Зеро, онгли фаолият (инновацион тафаккур - А.Сайитхонов)ни барча жабҳалари сингари, янгилик яратиш, уни ҳаётга татбиқ этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш жараёнининг изчил кечиши индустриал жамиятдаги мавжуд салоҳиятни ижтимоий тараққиётга оқилона сафарбар этиш лаёқатига эга ижтимоий-маданий механизмини шакллантиришни тақозо қилади. Бу салоҳият инновацион фаолият субъектлари бўлган мутахассислар ижодкорлик қобилияти, ақлу-заковатини замон талаблари асосида шакллантириш ва бошқаришни талаб қилади. Ўз навбатида маданиятнинг барча турлари сингари шахс инновацион фаолият маданияти ҳам бевосита ижодий яратувчилик фаолияти жараёнида юзага келиши ва ўз функцияларини амалга оширишини айтиб ўтиш лозим. Демак, инновацион маданият вакиллари аниқ бир касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида жамиятдаги илмий-маданий салоҳиятни ҳам юксалтиришга хизмат қилади.

Табиийки, шахс инновацион фаолияти умумий маданиятни оширишга, ҳамда бойитишнинг ўзига хос янги соҳаси сифатида шаклланиб, ривожланмоқда. Шахс инновацион фаолият тизими ўта мураккаб бўлиб, тузилиш жиҳатидан қуйидаги учта муҳим қадриятни ўз ичига олади.



Шахс инновацион фаолиятининг таркибий қисмлари: аксиологик, интеллектуал, функционал асосларини ўз ичига олади ва уларнинг тизимли фаолият кўрсатишидан ташкил топади.

Шахс инновацион фаолиятининг аксиологик асосини - инновацион фаолиятга оид ғоялар, аҳлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, анъаналар ташкил қилади. Мазкур фаолиятнинг интеллектуал компонентлари: янгилик яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ назариялар, концепциялар, яхлит таълимотлар, эмпирик билимлар ва инновацион ахборотларни ўз ичига қамраб олади.

Мазкур ижтимоий маданий тизимнинг функционал вазифаси янги ғояларни конкрет амалий ечими, технология ёки моддий ашёга айлантириш ва уни амалий

фаолиятга татбиқ этишга қаратилган тажриба, алоҳида қобилият, кўникма ва малакаларидан ташкил топади.

Инновацион фаолиятнинг бу компонентлари ўзаро боғланган бўлиб, яҳлит ижтимоий-маданий тизим сифатида шаклланади ва ривожланади. Ушбу тизимнинг асосий вазифаси жамиятнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш (шакллантириш), ўз-ўзини ривожлантириш лаёқатини юзага келтириш билан унинг доиравий айланма тарзидаги ҳаракатини таъминлаш ва ривожлантиришдан иборатдир [5,304].

Инновацион фаолиятнинг таркибий қисмлари бир-бири билан ўзаро ички тизимий алоқалар билан, ижодий маданиятнинг бошқа тур ва шакллари, ташқи алоқалар орқали ташкил топади. Шу боисдан жамият ҳаётидаги туб ўзгаришлар бу тизимга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Аксарият ҳолларда мазкур тизимдаги ўзгаришлар унинг аксиологик компонентида тизимли ўзгаришлар орқали қарор топади.

Жамият маъанавий қадриятлари муттасил янгиланиши туфайли юзага келадиган жараёнларнинг инновацион фаолият маданиятига, ижтимоий муносабатларга янги ахлоқий мезонлар, меъёрлар, ўзига хос анъаналар мустаҳкамланишига таъсири кузатилади. Бундай маънавий салоҳият маданий тизимнинг интеллектуал ва функционал компонентларида ҳам жиддий ўзгаришларни келтириб чиқаради ва тизим ривожланишини таъминлайди.

Ҳозирги даврда инновацион фаолият маданияти ривожланишида умумий маданиятнинг бошқа соҳалари билан ташқи тизимлар, унинг таркибий қисмлари ўртасида ички тизимий алоқалар кучайиб бориши кузатилмоқда. Бу жараёнлар кечишида ҳозирги даврда юз бераётган бевосита мураккаб ижтимоий жараёнларга - глобаллашувнинг таъсири сезилмоқда ва динамик тарзда ортиб бормоқда. Барча ижтимоий-маданий қадриятлар сингари инновацион қадриятлар яратиш ва уларни ҳаётга жорий этиш кўлами ошиб бормоқда.

Инновацион фаолиятни қўллаш даражасининг ортишига, шунингдек, замонавий ахборот тизимлари таркибий тузилмалари фаолияти доирасида яратилган янгиликларни тезда, яҳлит тадбиркорлик фаолиятига тарқатиш имконияти ўз таъсирини кўрсатмоқда. Янги ғояларни назарий асослаш билан бир қаторда уни амалга оширадиган самарали инновацион технологияларнинг пайдо бўлиши янгиликни бевосита амалий фаолият соҳасига кўчириш учун қулай шароит яратмоқда. Бунинг оқибатида аниқ технологик ечим таркибидаги инновацион ғояларни татбиқ этиш осонлашади, инновацияни оммавий жорий этиш учун қулай шарт-шароит юзага келади [6,267]. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини оширади.

Шу билан бирга, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топиши, мулкчилик шакллари ҳилма-ҳиллигининг таъминланиши тадбиркорлик фаолиятининг барча соҳаларида соғлом рақобат муҳитини юзага келиши, ижтимоий-маданий муносабатларнинг кенгайишига олиб келмоқда. Шу боис рақобатбардошликни таъминловчи омиллардан бири - янгилик яратиш ва унинг самарадорлигига эришишга интилиш ортиб боради. Табиийки, бундай ўзгаришлар инновацион фаолият мобиллигининг янада ортишига олиб келади [7,37].

Инновацион фаолиятнинг оммавийлашуви ижтимоий-маданий қадриятлар тизими бойишига хизмат қилади, оқибатда ижтимоий-маданий қадрият сифатида инновацияларнинг аҳамияти ортиб боради. Жамиятда юз бераётган ижобий ўзгаришларга монанд равишда инновацион фаолият маданиятини юксалиб боришида инновацион фаолият субъекти бўлган ижодий, ташаббускор ва фаол шахсни шакллантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, тадбиркорлик маданиятида инновацион фаолиятнинг *мамлакатимиз тараққиётининг илмий-фалсафий асосларини ўрганишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўзбекистон янги тараққиёт босқичидаги маданий ҳаёт ва иқтисодий ривожланиши билан узвий боғлиқликда амалга оширишда миллий маданият ва қадриятларга бўлган эътибор, қизиқишининг кучайиши билан ўзига хос аҳамият касб этади. Тадбиркорлик маданиятининг юксалиши, айниқса, шахс интеллектуал қобилиятлари, аҳлоқий дунёқарашининг ошиши, мамлакат ва жамият иқтисодий тараққиёт учун пухта замин яратади. Шунингдек, тадбиркор шахс иқтисодий тафаккури, унинг маданиятини шаклланишида инновацион фаолият асосий омилардан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки,* ижодий фаолият учун зарур малакавий-касбий сифатларни шакллантириш ҳам асосий таълим-тарбиявий мақсадлар сирасига киради. Мазкур ёндашув тадбиркорликда инновацион фаолият кўламини кенгайтиришга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

2. Мустақиллик. (изоҳли илмий-оммабоп луғат.) - Тошкент: Шарқ, 2009.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006.
4. Б.Ғаниев. Ўзбекистонд тадбиркорлик маданиятини юксалтиришнинг фалсафий асослари. (монография) - Тошкент: Наврўз, 2017.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармонига Шарҳ. - Тошкент: Адолат, 2017.
6. Харгадон Эндрю. Управление инновациями. Опыт ведущих компаний - How Breakthrouths Happen. The Surprising Truth About How Companies Innovate. - M.: Вильямс, 2007.
7. Гольдштейн Г.Я. Стратегический инновационный менеджмент. (учебное пособие.) - Таганрог: Изд-во ТРТУ, 2004.
8. Тычинский А.В. Управление инновационной деятельностью компаний: современные подходы, алгоритмы, опыт. - Таганрог: ТРТУ, 2006.

ТЕХНИКА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Шаходжаев Махмуд Ахмедович
Фарғона политехника институти
Педагогика фанлари номзоди

Аннотация: *Таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишда ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий*

ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялаш кўп жиҳатдан таълим берувчига боғлиқ бўлади.Таълим берувчидан юқори даражадаги тайёргарлик, мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш, белгиланган вазифаларни бажариш учун кўп маълумотлар орасидан кераклигини танлаб олиш ва бу маълумотларни қайта ишлай олиш талаб қилинади. Педагог мустақил таълим фақатгина талаба учун эмас, балки ўзи учун ҳам керак эканлигини, мустақил фикр юрита оладиган талабалар билан мулоқотда бўлиб, ўз билимини ҳам бойитиш муҳимдир. Техника йўналишидаги таълим муассаларида мустақил таълимни ташкил этиш, таълим сифатини ва мазмунини оширишда аҳамияти юқоридир.

Калит сўзлар: *мустақил таълим, ижодий фаоллик, ахборот коммуникацион технологиялари, медиа таълим, видео архив, таълим технологиялари, компьютер дастури, кўникма, малака, таълим мазмуни, ахборот алмашуви, натижа, таълим самарадорлиги, техника фанлари, таълим сифати, хулоса.*

САМОСТОЯТЕЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАПРАВЛЕНИЯМ ОБРАЗОВАНИЯ И МЕТОДЫ ЕГО ОРГАНИЗАЦИИ

Шаходжаев Махмуд Ахмедович
Ферганский политехнический институт
Кандидат педагогических наук

Аннотация: *Педагог должен выполнять задачи, поставленные перед системой образования, осваивать материалы для самостоятельной работы студентов, стимулировать их профессиональный рост и развивать их творческую деятельность. Необходимо выбрать и обработать данные. Для учителя важно обогатить свои знания тем, что самостоятельное обучение важно не только для ученика, но и для способности мыслить самостоятельно. В технических учебных заведениях важность самостоятельного обучения ценна для повышения качества и содержания образования.*

Ключевые слова: *самостоятельное образование, творческая деятельность, информационно-коммуникационные технологии, медиаобразование, видеоархив, образовательные технологии, компьютерная программа, навыки, квалификация, содержание образования, информационный обмен, результат, эффективность образования, техническая наука, качество образования, заключение.*

SELF-EDUCATION AND METHODS OF ITS ORGANIZATION IN THE TECHNICAL BRANCHES OF EDUCATION

Махмуд Ахмедович Шаходжаев
Ferghana polytechnic institute
Candidate of Pedagogical Sciences

Annotation: *This article is considered the importance of new educator performs the tasks assigned to the education system, to master students' self-study materials, to stimulate their professional growth, and to develop their creative activity. It is necessary to choose the an appropriate data and to process I autonomous study. Enriching the knowledge of instructor is important because autonomous study is necessary not only for the student, but for himself as well.*

In technical education institutions, the importance of independent learning is important in improving the quality and content of education.

Key words: *self education, creative activity, information and communication technologies, media education, video archive, educational technologies, computer program, skills, qualification, content of education, information exchange, result, efficiency of education, technical science, quality of education, conclusion.*

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда барча соҳаларда юқори натижаларга эришиш даврга мос ҳолда тезкорликни талаб қилмоқда. Бундай тезкорликни таълим тизимига жорий қилиниши ўзининг ижобий самарасини беради. Олий таълим муассасаларида соҳага йўналтирилган билимлар асосан турли маълумотлар кўринишида талабаларга берилади. Талаба ўқув аудиторияларида мавзу бўйича маълумотларни профессор-ўқитувчидан тўғридан-тўғри эшитиб, кўриб ўрганади.

Таълим берувчилар мазмунли ва сифатли таълим жараёнини ташкил қилишларида ахборот манбаларидан яъни Ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ) имкониятларидан, Ахборот ресурс марказлари электрон ўқув базаларидан, маҳалий ва хорижий ўқув-услубий ҳамда илмий адабиётлардан кенг фойдалана олишлари муҳимдир. Таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишда ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялаш кўп жиҳатдан таълим берувчига боғлиқ бўлади. Шунингдек улардан юқори даражадаги тайёргарлик, мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш, белгиланган вазифаларни бажариш учун кўп маълумотлар орасидан кераклигини танлаб олиш ва бу маълумотларни қайта ишлай олиш талаб қилинади. Педагог мустакил таълим фақатгина талаба учун эмас, балки ўзи учун ҳам керак эканлиги, мустақил фикр юрита оладиган талабалар билан мулоқотда бўлиб, ўз билимини бойитиш ҳам англаши лозим. Шу билан бир қаторда, педагогнинг ўқув жараёнида талабалар билан ҳамкорлиги, уларнинг мустақил таълимга ишончини шакллантириши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялардан фойдаланаётганини кўрсата олиши, маърузаларни анъанавий, яъни фақатгина маълумот бериш билан чегараланмасдан, балки муаммоли интерактив усулда олиб бориши кутилаётган ижобий натижаларга олиб келади [1]. Бозор иқтисодиёти устиворлиги даврида талабаларни мустақил ижодий фикрлашлари шу куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Айниқса, олий таълим муассаларининг техника таълим йўналишларида мустақил ўрганишни аҳамиятига ортиб бормоқда. Талабалар ўқитувчининг бевосита иштирокисиз ёки билвосита бошқарувида, у берган вазифа, дарслик ва бошқа манбалар асосида индивидуал бажарадиган иши мустақил иш ҳисобланади. Бундан кўзланган асосий мақсад талабаларда янги билим олиш усулларини эгаллаш, жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш, аудиториядаги машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тартибга солиш, маълумотлар ва махсус адабиётлар билан ишлашни, ўқув материалларини мустақил ўрганишни шакллантиришдир. Замонавий педагогик технологияда, таълим олувчилар ўқиш

жараёнида имкон даражасида мустақил ўрганишлари, педагог эса бу мустақил меҳнатни бошқариш, талабаларга керакли материалларни бериб бориши лозим. Мустақил таълимни фаоллаштирмасдан олий таълимда талабаларни самарали ўқитишнинг натижасига эришиш қийин. Талабага мустақил таълимга топшириқ берилаётганда, унинг олдига аниқ мақсад қўйиш, бажариладиган ишнинг алгоритмини таклиф қилиш, адабиётларни тавсия қилиш, ишни бажариш шакли ва ташкил қилишда бериладиган маслаҳатлар, муддатлари белгиланиши ва баҳолаш мезонларини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Аудитория машғулотларида талабалар маълум даражада билим оладилар, лекин, улар олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида мустақил иш билан шуғулланиш мақсадга мувофиқдир. Талабаларнинг таълим олишда анъанавий ўқитиш усулидан мустақил фаолиятига катта эътибор бериб бориш асосий етакчи ғоядир [2]. Мустақил таълим талабаларга билим беришда бу талабани ўз ихтиёрига ташлаб қўйиш эмас, балки таълим берувчи томонидан мунтазам бошқариладиган талабаларнинг мустақил фаолиятидир.

Аудитория машғулотларида педагог фақат билимнинг бир қисмини маълум қилади, таълим олувчиларга муаммо, фараз, вазифаларни ифодалашда ёрдам беради ва тезкор бошқаради, талабаларни билимни излаб топиш қадамларини бажаришга йўналтиради, турли муаммоли вазиятларда ўқиш ўрганиш жараёнини ташкиллаштиради. Таълим берувчи томонидан таълим олувчининг қизиқиши, фанларни ўзлаштириши ва унинг ҳоҳишига қараб мустақил ишларнинг даражаси белгиланади. Танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги, ўқув материалларининг қизиқарлиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги шунингдек, бериладиган мустақил ишлар ва ижодий характерга эгалиги жуда муҳимдир. Талабалар эса педагогнинг кузатуви остида мустақил таққослайдилар, умумлаштирадилар, хулоса қиладилар, баҳолайдилар ва таҳлил қиладилар, муаммоли ҳолатларни ҳал этадилар ва ностандарт топшириқларни ечадилар, мураккаблаштирилган шароитдаги амалий ҳаракатларни бажарадилар. Шунингдек, улар учун янги бўлган муаммоларни ечиш жараёнида билимларни мустақил излайдилар, кутилаётган натижаларга эришишнинг йўл ва воситаларини ўзлари аниқлайдилар. Мустақил таълим талабалар манфаати учун зарурлигининг мазмун моҳиятини, мақсадини онгли тушунишлари, унинг келажакдаги муваффақиятларини таъминлашининг асосий омили эканлигини ҳамда олаётган билими натижасига ўзи масъуллигини англаши зарур [3].

Талабалар мустақил ишлаш учун берилган топшириқларни бажариб, тезкор маълумот кўрсатиши талаб қилинади. Бунинг учун талаба интернет тармоғида ижтимоий тармоқлар хизматидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Биз мустақил таълимни ташкил этишнинг самарали усуллари сифатида иккита усулни таклиф этамиз. Эслатиб ўтиш жоизки бу ҳар икки усул ҳам амалиётда қўлланилиб юқори натижаларга эришилган.

Биринчи усул: намуна сифатида telegram мессенжеридан фойдаланиб, мустақил таълим учун берилган топшириқларни бажариш мумкин. Бунинг учун telegram мессенжерида академик гуруҳ талабалари орасида фан номи билан

номланган telegram гуруҳи ташкил қилиниб, гуруҳнинг барча талабалари ва фан ўқитувчиси шу гуруҳ аъзолигига қабул қилинади. Талабалар берилган топшириқларни бажариб шу гуруҳ мессенжерига жойлаштирадилар. Ўқитувчи топшириқни кўриб ҳатоликлари белгилаб қайта гуруҳга жойлайди. Гуруҳнинг қолган талабалари ўз топшириқларини қандай усул ва ечимда кетаётганини бевосита кузатиб, ўқитувчи томонидан кўрсатилган хатоликларни бартараф этади. Шунда савол ва жавоб тарзидаги ўзига хос ечимлар пайдо бўлади. Бундан ташқари ўқитувчи бирор топшириқни шу гуруҳга жойлаб талабалар эътиборига ҳавола эта олади. Мавзуга оид ёки фан бўйича адабиётларни ҳам шу мессенжер орқали тарқатиш мумкин. Бу тавсия этилаётган усул ҳам тажриба синов тариқасида кичик бир гуруҳда қўлланилиб, яхши натижага эришилди.

Иккинчи усул: Техник таълим йўналишида медио таълим воситаларидан фойдаланиб мустақил таълимни ташкил этишда аввало талабаларга мустақил таълим мавзулари танлаш учун берилади. Талаба мустақил таълим мавзуси бўйича уч босқичли ишларни амалга оширади:

Биринчи босқичда мустақил таълим мавзуси бўйича маълумотларни ахборот русурс марказларидаги мавжуд илмий, услубий манбалар ҳамда интернет тармоғидан олинган ахборотлар бўйича маълумотлар тўплайди.

Иккинчи босқичда тўпланган маълумотларни ўзлаштириб чиқади. Маълумотларни ўзлаштириш жараёнида ҳосил бўлган саволлар бўйича профессор-ўқитувчилар ҳамда мутахассислар билан мулоқотда бўлади. Қўйилган масаланинг ечимини моҳиятан тушуниб унинг ечимига олиб борадиган усулларни ўзлаштиради.

Учинчи босқичда тўпланган маълумотлар ва ўзлаштирилган билимлар асосида мустақил таълимни ҳисобот қилиб топшириш учун медио таълим воситалари ёрдамида мавзу бўйича қисқа лавҳали видео ролик тайёрлайди. Видео роликда мустақил таълим мавзусидаги қурилма ёки ишланмани таҳлил қилиб ўтади. Яъни мустақил таълим мавзусидаги қурилма ёки ишланманинг номи, қўлланилиш соҳаси, авфзаллиги, камчилиги, уланиш схемалари, самарадорлиги, тавсиялар ва хулосалар билан якунлайди.

Талабалар томонидан тайёрланган шундай видео роликлар тўплами фан бўйича энг камида йигирма ёки ўттизга яқин видео ишланмалар архивини шакллантиради. Гуруҳ талабалари ёки кичик курс талабалари ушбу видео ишланмалар архивидан фанни мустақил тарзда ўзлаштириш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

Мустақил таълим талабаларга билим, кўникма ва малакалар бериш билан бирга уларни мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг ҳам асосий мезони ҳисобланади.

Техник таълим йўналишларида таълим олаётган талабаларни мустақил таълимларини ташкил этишда аввалом бор талабалар таълим олаётган йўналиши бўйича олган назарий билимларини амалий бажариб кўришлари катта аҳамият касб этади.

Талабалар мустақил таълим бажаришда аниқ механика, микроэлектроника, электротехника, компьютерли бошқарув ва информацион технология фанларини системали бирлаштиришдан иборат.

Буларга асосан турли компьютер дастурлари, тренажёр технологиялар васистемаларни бошқариш учун кўпинча микроконтроллерлар ва дастурланувчи мантиқий контроллерларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Компьютер дастурларидан фойдаланиш - талабаларда реал жараёнлардаги ҳаракатларни (ишини) имитация қилувчи интерфейсга эга бўлган сонли ҳисоблаш дастурлар ёрдамида мураккаб моделларни ҳам аниқлиги реал объектларда ўтказиладиган тажрибаларда олинадиган натижаларнинг аниқлигидан қолишмайдиган аниқликда тадқиқ қилиш имконини беради.

Тренажер технологиялари бу мураккаб комплекслар, моделлаштириш ва симуляция тизимлари, компьютер дастурлари ва физик моделлар, сифатли ва тезкор қарорларни қабул қилиш учун талабаларни тайёрлаш учун яратиладиган махсус методика ҳисобланади.

Инсон тафаккури эффектив ўрганишни асосий элементи бўлиб тренировка (машғулотлар) ҳисобланади. Мустақил таълимни бажариш давомида компьютер бошқариш тизимларида замонавий дастур тизимларини кенг тадбиқ қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Тренажёрни ишлаш режимлари:

- Намойиш этиш (бошқаришда иштирок этмаган ҳолда қурилма ҳақида назарий билимлар олиш).
- Ўргатиш (бутун жараён ёки алоҳида жараёнларни бошқаришда харакатларга интерактив ўргатиш).
- Билимини синаш (назорат ўтказиш шартларини танлаш имкони мавжудлигида ўз билимларини баҳолаш режимидан ўтиш).

Микроконтроллерлар ва дастурланувчи мантиқий контроллерлардан фойдаланиш кенг маънода ҳаракатлари компьютерли бошқарилувчи техник системаларни, агрегатларни, машиналарни ва машиналар комплексини ўрганиш ҳисобланади.

Контроллер –плата кўринишида тайёрланган электрон қурилма бўлиб, датчикдан келган сигналларни қайта ишлаб актуаторларга бошқариш сигналларини чиқарувчи қурилмадир.

Микроконтроллерлар – бу дастур ёрдамида бошқарилувчи микросхема бўлиб, турли контроллерларни ясаш учун ишлатилади.

Талабалар мустақил таълимларини юқорида келтирилган усуллар ёрдамида ташкил этиши бўлажак мутахасисларни ишлаб чиқариш жараёнларига тайёрлашда самарали ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

9. Муаллифлар: Махмуд Ахмедович Шаходжаев, Элдоржон Мухаммедович Бегматов, Нозимжон Нурдинбекович Хамдамов, Шахзод Дилшоджон ўғли Нумонжонов. Методы эффективного использования информационно-

коммуникационных технологий в образовательном процессе. Журнал: Проблемы современной науки и образования. № 10 (143 октябрь 2019 г.) стр 64 – 66.
10. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: 2015. – 208 с.
11. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма. –Т.: 2001. – 68 с.

ФИЗИКАНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Содиқова Шоҳида Мирзаахмадовна
Ўзбекистон Миллий университети
Педагогика фалсафа фанлари доктори, PhD
Тел: +998(94) 647-75-92, e-mail:sohidasodikova2@gmail.com

Аннотация: *Мақолада физика таълим сифатини янада ошириш учун медиатехнологиялар асосида ўқитиш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги, бунинг учун таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва кўзланган мақсадга эришишда медиа, яъни интернет, телевидения, радио, кино, видео ва бошқа медиатехнология ресурслардан фойдаланишда ижобий натижаларга эришилганлиги кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар: *физика, медиатехнология, медиа, интернет, видио, фотоэффект, мультимедиали электрон қўлланма, фотоэлектрик эффект, ташқи фотоэффект қонунлари, ички фотоэффект, фотоэлемент, яримўтказгич, тўлқин узунлиги, фотоўтказувчанлик, фототок,фотон.*

ЗНАЧЕНИЕ МЕДИА-ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЯ ФИЗИКЕ

Содикова Шохида Мирзаахмадовна
Национальный университет Узбекистана
Доктор философии по педагогическим наукам, PhD
Тел: +998(94) 647-75-92, e-mail:sohidasodikova2@gmail.com

Аннотация: *В статье рассматривается возможность достижения высокой эффективности за счет обучения на основе медиатехнологий для дальнейшего повышения качества образования физики, для этого необходима эффективная организация учебного процесса и достижение целевого назначения средств массовой информации, то есть интернета, телевидения, радио, кино, видео и т.д. использование ресурсов медиа технологий показало положительные результаты.*

Ключевые слова: *физика, медиа технологии, медиа, интернет, видео, фотоэффект, мультимедийный электронный пособия, фотоэлектрический эффект, законы внешнего фотоэффекта, внутренний фотоэффект, фотоэлемент, полупроводник, длина волны, фотопроводимость, фототок, фотон.*

VALUE OF MEDIA TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE EFFICIENCY OF TEACHING PHYSICS

Sodikova Shokhida Mirzaakhmadovna
National university of Uzbekistan
Doctor of philosophy degree of pedagogical sciences, PhD
Тел: +998(94) 647-75-92, email-sohidasodikova2@gmail.com

Annotation: *The article considers the possibility of achieving high efficiency through training on the basis of media technologies to further improve the quality of physics education, this requires the effective organization of the educational process and the achievement of the intended purpose of the media, that is, the Internet, television, radio, cinema, video, etc.the use of media technology resources has shown positive results.*

Keywords: *physics, media technology, media, Internet, video, photoelectric effect, multimedia electronic manuals, photoelectric effect, laws of the external photoelectric effect, internal photoelectric effect, photocell*, semiconductor, wavelength, photoconductivity, photocurrent, photon.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабаблардан бири шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларнинг фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларнинг эгаллаётган билимларини ўзлари ўзлаштиришга, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Таълим сифатини янада ошириш учун медиатехнологиялар асосида ўқитиш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин.

“Медиа” атамаси (лотинча- medium, яъни восита, воситачи, усул)турли кўринишдаги коммуникация ва ахборот воситасини англатади. Медиа тушунчаси мазмунига ахборотни яратиш, нусхалаштириш, тарқатиш воситаси ҳамда муаллифлар ва оммавий ахборот алмашинувининг техник воситалари киради. Ҳозирги замон жамияти тараққиётиги медиаларнинг таъсири йил сайин ортиб бормоқда. Бунинг натижасида талабалар атроф-воқеликни ижтимоий ва руҳий жиҳатдан англайдилар, шунингдек, уларда креативлик, яъни яратувчанлик, ижодкорлик қобилиятлари ривожланади [6].

Медианинг таълимдаги кўриниши у узлуксиз таълим жараёнини визуал материаллар билан бойитишга, дарс машғулотининг сифатли ўтилиши ва таълим олувчилар томонидан ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Коммуникация канали сифатида медиалар сирасига мутахассислар босма нашрлар, электрон оммавий ахборот воситалари (ОАВ), шу жумладан Интернет, рекламанинг ташқи воситалари ва ҳатто почта тарқатмасини, яъни товар ёки хизматлар сотувчиси ва истеъмолчи ўртасидаги ҳаёт-мамот звеноси функциясини бажарувчи барча омилларни киритади [8].

Глобал информацион жараёнда муҳим ўрин тутаётган медианинг назарий асослари мавжудми ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида баҳсли фикрлар бор. Зеро, исталган педагогик фаолиятнинг назарий асослари бор. Рус олими А.В.Шариков “Бугунги кунда медиатаълим бўйича ундан ортиқ концепциялар яратилган бўлса-да, унинг турли йўналишдаги педагогик тажриба тўпланмасини яхлит ҳолга келтирувчи ягона назарияси мавжуд эмас”- деб таъкилайди [5]. Фикримизча, бунинг асосий сабаби медиатаълим ҳозирга кадар таълим тизмининг барча жабҳаларига тўлиқ кириб бормаганлигида ҳамда замонавий ўқитиш жараёнини бутунлай қамраб олмаганлиги билан изоҳланади.

Инглиз олими А.Дорринг фикрича, медиатаълим медиани ўрганиш орқали медиасаводхонликни оширишга хизмат қилади [3]. Медиатехнологиялар асосида медиатаълим вужудга келган бўлиб, рус олими А.Журин медатаълимни учта турга ажратган [4]: оммавий ахборот воситаларининг болалар ва ўсмирларга таъсирини ўрганувчи ва назарий масалаларини ишлаб чиқувчи, таълим олувчиларни ОАВ дунёси билан учрашувга тайёрловчи педагогик фан; болалар ва ўсмирларни оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, медианинг дунёдаги ролини тушунишга тайёрловчи ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги амалий фаолияти; таълимнинг ОАВларини маданият ва дунёни тушунишдаги роли ҳақида билим берувчи, медиа ахборотлар билан самарали ишлаш кўникмасини шакллантирувчи қисми.

Демак, глобаллашув шароитида физикага оид медиатехнологияларни бугунги кун талабига ва вазифаларига кўра бир қанча турга ажратишимиз мумкин: медиа-ахборотлар орқали физик назария, ҳодиса, жараён ва фундаментал тушунчаларни шаклланишини ҳамда улардан самарали фойдаланиш кўникмасини шакллантириш механизми сифатида; физикани медиатехнологиялар асосида ўқитиш ОАВ ларини талабаларга таъсирини ўрганувчи назарий методик фан; ўқитувчининг методик фаолияти асосида талабаларда медиа-ахборотлар орқали ҳозирги замон физикасининг долзарб йўналишларини тушунишдаги ўрни ва аҳамиятини оширувчи омил сифатида; медиатехнологиялар асосида талабалар физик қонунияларни амалий тадбиқларини ўрганиш воситаси сифатида; медиатехнологиялар - тез содир бўладиган физикавий жараён, ҳодисалар моҳиятини макон ва замонда тез англатувчи, осон тушунтирувчи манба сифатида; кенг қамровли информацияларни қисқа муддатда қайта ишлаш, синтез қилиш имконини яратувчи омил сифатида.

Юқоридаги медиатехнологияларнинг тизимли такомиллашган механизмини умумлаштириш асосида физика фанининг ахборот майдонини медиатехнологияли методик ресурслари деб номладик. Бу талабаларда медиаахборот билан ишлаш кўникмаларини такомиллашганлигини белгилаб берадиган манба деб қараш имконини беради (1-расм).

1-расм. Медиатехнология ресурслари.

Ресурс- (фр. resource- ёрдамчи восита, усул) инсон турмуш шароитини янада яхшилаш учун зарур бўлган нарсаларнинг мавжуд захирадир [7]. Замонавий дарс машғулотларини сифатини ошиб бориши ва уни маҳорат билан ташкил этиш воситаларидан бири медиатаълимдир. Медиатехнологик таълим - медиавоситалар асосида дарс ўтишнинг замонавий усулларидан бири бўлиб, таълимга медиатехнологияларни жорий этган ҳолда унинг сифатини оширишга қаратилган таълим жараёнидир.

Медиатехнология- бу электрон ҳужжатларни, шу жумладан визуал ва аудио эффектларни тайёрлаш, интерфаол ўқув жараёнини ягона назорат остида турли хил вазиятларни дастурлаштиришдир. Ушбу технологиялар мулоқотнинг бир усули, инсон фаолиятининг маҳсулидир. Бинобарин, улардан фойдаланиш таълим сифатини хамда талабаларнинг фанга бўлган иштиёқи ошиши, ўқиш вақтини тежаш, бир вақтнинг ўзида бир нечта сезги органларига таъсири туфайли материални чуқур ўзлаштириш, махаллий тармоқ орқали ўқув машғулотларини ташкил этиш, масофавий ва электрон таълимни жорий этишга эришилади. Бундай технологияларнинг мавжудлиги талабаларга уларни бошқаришда ёрдам берадиган махсус воситаларга эга бўлиш зарурлигини келтириб чиқаради. Ушбу воситалар мультимедиа алоқаси ёки оддийгина мультимедиа воситаларидир. Мультимедиа воситалари тўплами катта имкониятларга эга бўлган медиатаълим технологияларининг бир қисмидир. Уларни ўқув жараёнида қўллаш интерфаоллик, хиссиётлилик ва маълумотнинг бойлигини максимал даражасини яратади [9]. Медиатехнологияни такомиллаштириш босқичи бевосита медиатаълим билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Миллий университети “Намойиш тажрибалар маркази” да яратилган мультимедиа воситаларидан бири “Фотоэффект” номли мультимедиали электрон қўлланмадир. Бу электрон қўлланмани маъруза жараёнида фойданилганда “Ташқи фотоэлектрик эффект”, “Ташқи фотоэффект қонунлари”, “Ички фотоэффект”, “Ички фотоэффектли фотоэлементлар”, “Фан ва техникада фотоэлементдан фойдаланиш” каби мавзуларни ўтишда фойдаланиш мумкин.

Қуйида мультимедиаланган электрон қўлланмадан фойдаланган ҳолда дарс ишланмасини кўриб чиқамиз.

Дастлаб ёруғликни ютиш коэффициентининг тўлқин узунлигига боғлиқлиги ўрганилади. Бу эса яримўтказгичнинг фотоўтказувчанлигини тушунишга ва бу ҳодисанинг физикавий механизмини ошкор этишга имкон беради. Аввал ўрганилган ўқув тажрибаларига ва улардан талабаларнинг олган билимларига асосланиб, *яримўтказгичга тушаётган қандай тўлқин узунликдаги ёруғлик фотоўтказувчанликни юзага келтиради?* деган саволни қўйилиши "*Яримўтказгични ёритганда ниманинг ҳисобига занжирда электр токи ортади?* каби саволлар билан маърузачи томонидан муаммоли вазият юзага келтирилади.

Талабалар олдинга сурган фаразлар қуйидагича бўлиши мумкин: Агар фотонларнинг энергияси хусусий ютиш энергиясига тенг ёки бу энергиядан катта бўлса, яримўтказгичларда фотоўтказувчанлик юзага келиши мумкин. Ушбу нурланиш таъсирида атомлар билан боғланган электронлар ортиқча энергияга эга бўладилар. Агар ушбу ортиқча энергия электроннинг боғланиш энергиясига тенг ёки ундан катта бўлса, электронлар эркин заряд ташувчилар бўлиб қолади ва ток ҳосил қилади. Ушбу токни *фототок* дейилади.

Олдинги сурилган бу фаразларни намойиш тажрибалари билан асослаш мумкин [1; 275-283]. Қоронғулатилган фотоқаршиликка кучланиш берилган гальванометр стрелкаси жуда оз оғади. Қоронғудаги токни жуда кичик эканлиги таъкидлаб қўйилади. Шундан сўнг нурланишнинг кенг спектрини олишга имкон берувчи қурилма ёрдамида ютилиш коэффициентининг спектрал боғланишига ўхшаган тажриба ўтказилади. Намунага навбат билан аввал қизил (λ=760нм), кейин сариқ (λ=590нм) нурларни тушурилади, яъни яримўтказгич ошиб борувчи энергияли ёруғлик квантлари билан ёритилади. Бу ҳолда яримўтказгич ёритилаётган бўлса ҳам эркин заряд ташувчилар ҳосил бўлмайди. *Нимага?* – деган савол туғилади ва муаммоли вазият келиб чиқади. Талабалар бу муаммони таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келадилар: намунага тушаётган фотонлар деярли ютилмаганлиги учун гальванометрнинг кўрсатиши деярли ўзгармайди.

Яримўтказгичда яшил рангли нурланиш (λ=575нм) нинг ютилиш коэффициенти катта бўлиб, фотонларнинг энергияси электронларни валент соҳадан ўтказувчанлик соҳага ўтказишга етарли бўлади. Шунинг учун худди кутилгандек, пайдо бўлган қўшимча заряд ташувчилар фототок ҳосил қилади. Буни эса занжирда токни кескин ошиб кетиши тасдиқлайди. Шу жойда "*хусусий ютилиш*" тушунчасининг маъносини очишга ва унинг таърифи билан таништишга жуда қулай шароит яратилади.

Нурланиш таъсири остида валент ҳолатдаги электронлар уларнинг атомлари билан боғланиш энергиясига тенг ёки бу энергиядан катта бўлган қўшимча энергия олиб, эркин ҳолатга ўтиши мумкин. Бундай ютишни *хусусий ютилиш* деб аталади.

Тажрибани давом эттириб, яримўтказгичнинг хусусий ютиш энаргиясига қараганда катта энергияли квантлар билан нурлантирганда фототокнинг ўсиши эмас, балки монотон камайиши кузатилади. *Нима учун?* – деган савол туғилади ва кескин муаммоли вазият юзага келади [2; 65-78].

Шундай қилиб, юқорида келтирилган мисолда кўринадики, медиатехнология ресурсларидан фаол фойдаланиш талабаларни фақат ақлий фикрлашларини

фаоллаштирибгина қолмасдан, балки уларда яримўтказгичнинг ичида содир бўладиган жараёнларни визуал кўриш орқали уларни таҳлил қилиш имконига эга бўладилар ҳамда яримўтказгичли фото элементларнинг ўтказувчанлигин турлича табиатини чуқурроқ англайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Покровский А.А. Демонстрационный эксперимент по физике в средней школе. М.: “Просвещение”, Ч.-1., 1978. - С.352
- Қурбонов М.Физикадан намойиш экспериментларининг услубий функцияларини кенгайтиришнинг назарий асослари. Монография. -Т.: “Фан”, 2008.-128 б.
- Dorr, A. (2001) Media Literacy. In: International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences. Vol. 14 / Eds.N. DJ.Smelser & P.B.Baltes. Oxford, 2001, pp.9494-9495.

4. Журин А.А. Интеграция медиаобразования с курсом химии средней общеобразовательной школы // Медиаобразование. 2005. № 1. -С.32.
5.Шариков А.В. Так что же такое медиаобразование?// Медиаобразование. 2005. №2. -С. 77.
6. Маматова Я., Сулайманова С Ўзбекистон медиатаълим тараккиёти йўлида. Ўқув қўлланма. -Т.: Extremum-press, 2015. –Б.60-64.
7.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5томлик.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -2-том.-396 б.
8. www.advesti.ru/ glossary/desk/1952
9. http://www.allbest.ru

ФАННИНГ ШАХС ИНТЕЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ГАРМОНИК РИВОЖЛАНИШДА ИНСОН АҚЛ ҚУВВАТИНИНГ ЎРНИ (ТАРИХИЙ ЭКСКУРС)

Соипова Мавжуда Каримжоновна
ФарДУ мустақил изланувчиси

Аннотация: *мақолада фаннинг ижтимоий институт сифатидаги жамият тараққиётидаги аҳамияти, унинг ривожида интеллектуал салоҳият ва фаолиятининг замонавий вазифалари, фан ва шахс камолотида ақл қуватининг ўрни таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар*: инсон, жамият, фан, интеллект, интеллектуал салоҳият, илмий фаолият, ақл, ақл қуввати, илмий тараққиёт, фан ривожи, шахс камолоти.*

РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО РАЗУМА В ГАРМОНИЧНОМ РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ С ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ НАУКИ (ИСТОРИЧЕСКИЙ ЭКСКУРС)

Сойпова Мужджуда Каримжоновна
независимый исследователь ФерГУ

Аннотация: *В статье анализируется значение науки в развитии общества в качестве социального института, современные задачи интеллектуального потенциала и деятельности в его развитии, роль интеллекта в совершенствовании науки и личности.*

Ключевые слова: *человек, общество, наука, интеллект, интеллектуальный потенциал, научная деятельность, интеллект, научный прогресс, развитие науки, личность.*

THE ROLE OF HUMAN INTELLIGENCE POWER IN HARMONIC DEVELOPMENT WITH THE INTELLECTUAL ACTIVITY OF THE INDIVIDUAL IN SCIENCE (HISTORICAL EXKURS)

Saipova Mavjuda
independent researcher of FerSU

Annotation: *the article analyzes the importance of Science in the development of society as a social institution, modern functions of its development, the role of intelligence in the perfection of Science and personality.*

Keywords: *person, Society, science, intellect, human potential, scientific activity, intelligence, intelligence, scientific development, science fiction, personality perfection.*

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида илмий, техник ва инновацион салоҳият фан ривожланишининг энг муҳим унсурларидир. Айниқса, фан ва узлуксиз таълимнинг интеграциялашуви икки томон учун ҳам тенг манфаатли бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу борадаги қуйидаги фикри муаммо борасида методологик асос бўлмоқда: “биз сизларнинг бой билим ва тажрибангизга таянамиз. Шу мақсадда сизларни, илмий йўналишингиздан келиб чиқиб, республикамиздаги олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига, вазирлик ва идораларга, йирик банкларга бириктиришни лозим топдик.

Сизларнинг ҳар бирингиз бириктирилган таълим муассасаларида илмий мактабларингизни ташкил этишингиз, юқорида зикр этилган технопарк ва инновацион марказда эса инновацион ишланмаларни жорий этиш бўйича зарур маслаҳатлар бериб боришингиз кўзда тутилмоқда”[1].

Фуқаролик жамияти ривожланишида ҳар бир кишидан тобора чуқурроқ илмий саводхонлик ва ижодий ёндашувлар талаб этилмоқда. Тадқиқотчи Э.Қосимов фикрича, илмий ишни таҳлил қилиб исботлаш учун ақл, фикрлаш қобилияти, тажриба ва натижа зарурдир. Шуларни эплаган одам билимлидир[2]. Ўзбекистонлик файласуф олимларнинг янги авлоди айни пайтда билимдон, зукко, истеъдодли бўлиши билан бирга ўз билимларини ёшларга тушунарли тилда баён этиш қобилиятига ҳам эга. Ҳозирги ёш ўзбек олимларининг ватанпарварлиги уларни фидойиси бўлишади. Улар аждодларимиз яратган, буюк алломаларимиздан то бугунги кунгача яратилган бой маънавий мероснинг ворисларидир.

Ахборотлашган жамиятнинг характерли хусусиятларидан бири ҳам жамият ва инсон ҳаётида билимлар ва ахборот технологиялари, билимларга асосланган янги ишлаб чиқариш усулларининг яратилиши, ахборот ва фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучи турига айланиб бориши каби жараёнлар билан боғлиқ. Мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий

ислоҳотлар ҳам одамларнинг ақлий фойдали меҳнати билан боғлиқ. Улуғ мутафаккир Маҳмуд аз Замахшарий бобомиз таъкидлаганидек: “Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур”[3].

Ақл қуввати (энергияси)ни жамиятнинг манфаатлари, равнақи ва тараққиёти томон бутунлай буриб юбориш, биринчи навбатда комил инсон ва етук малакали мутахассис тайёрлаш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг асосий вазифа қилиб қўяди. Кадрлар тайёрлашнинг улкан вазифаларига назар ташланса, унинг моҳияти, фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига узвий боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олади. Бу – шахс, давлат ва жамият узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлигининг билдиради. Худди шу ердан ақл қувватини бунёдкорлик томон буриб юбориш вазифаси яққол юзага чиқади. Ақл қуввати инсоннинг билими воситасида реал воқеликка айланиб боради, демак бунёдкорлик касб этади.

Воқелик ҳақидаги билимларимиз онгимизда тўпланиб, тажриба асосида юқори босқичга ўсиб ўтади, ақл фаолияти натижасида илмий билимга айланади. Ақл қуввати (энергияси)нинг воқелик ҳақидаги маълумотларни илмий билим даражасига маълумотлар объектив борлиққа мутаносиб бўлиши; иккинчидан, етарли даражада ишончли бўлиши; учинчидан, олинган маълумотлар далиллар билан асосланган бўлиши, Тўртинчидан, ҳаётий тажриба синалган бўлиши, бешинчидан бобокалонимиз Ибн Сино таъкидлаганидек, - “Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳимдир”[4].

Ақл қуввати(энергияси)ни мунтазам тарбиялаб, ривожлантириб боришда диний ва дунёвий билимларнинг ҳар иккисига ҳурмат билан қараш зарурлиги мутафаккирлар томонидан таъкидланиб келинади. Демак, ҳар бир ватандошимиз, айниқса ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Бу эса ёшларда дин билан дунёвий ҳаёт масалаларининг бир-бирига бўлган таъсири ҳамда улар ўртасидаги мўътадил муносабатнингоқилона амалга ошириш зарурлигини англаб етадилар. “... бу масала айнан бугунги кунда, дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ва радикализм кучайиб, диний экстремизи ва терроризм тобора авж олиб бораётган ҳазирги даврда айниқса муҳим ва долзарб аҳамиятга эга”[5].

Инсондаги хилма хил эҳтиёжларнинг энг асосийларидан бири билимга бўлган эҳтиёждир. Зеро, билим Аллоҳнинг ўзи яратган инсонларнинг ақл нури, шундай экан у буюради: “Ёзгил, менинг илмим менинг халқимга то қиёмат кунигача бўлур. Бас, қалам Аллоҳ таолонинг яратган махлуқотига оид илмини, то қиёмат кунигача нимани ирода қилган бўлса ҳаммасини ёзди. Коинотдаги ҳамма нарса ва ҳар бир воқеа-ҳодиса Аллоҳ таолонинг илми, тақдири, изни ва ҳоҳиш иродаси билан бўлур”[6]. Демак, яратганнинг каромати билимдон, ўқиш ва ўрганишдан бошланган.

Ақл қуввати тўғрисидаги фалсафий қарашлар Шарқ мутафаккирлари таълимотида асосий ўринни эгаллаб келган. Бунинг ёрқин ифодасини буюк аллома Абу Наср Форобийнинг ақл концепцияси мисолида кўриш мумкин. Унинг “Ақл маънолари ҳақида”, “Саволларнинг моҳияти”, “Ақл(сўз)нинг аҳамияти ҳақида”,

“Ақл тўғрисида трактат”, “Фанларнинг келиб чиқиши тўғрисида”, “Донишмандликнинг моҳияти”[7] номли асарларида ақл қуввати тўғрисидаги илмий-назарий ва амалий таълимотлар асослаб берилган ва инсон ўзининг фаолиятида, оламни билиш ва ундан унумли фойдаланишда ақлга асосланиши лозимлиги уқтирилади. Форобийнинг ақл концепциси тўғрисида батафсил тўхталиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, чунки бу аллома Аристотелнинг бу борадаги қарашларини такомилига етказди, батафсил ва ҳар томонлама ривожлантирди. Унинг рационалистик (ақл) ақл салоҳияти тўғрисидаги фикрлари, гарчи муайян даражада диний мистик бўлсада, аммо ундаги инсонни улуғлаш, билиш қобилиятлари, ақл қувватини (ақл билан қувват) йўқотгани йўқ. Инсон энг олий камолотга эришмоғи учун унга, яъни инсон табиати ва фаолиятига қўшимча иккита: амалий ва назарий фикрий қувватлар зарурдир, деб таъкидлайди, мутафаккир[8].

Форобий ақлий қувватни инсондан ажралмас табиий хислати эканлигини ва бу хислатларни турли томонларини характерлаб берганлигидадир. Форобий талқинида салоҳиятли ақл биргина моддий борлиқни билиш билан тўхтаб қолмайди, балки нарса ва воқеаларни моҳияти тушунишга олиб боради. Ўзининг “Ақл ҳақида” номли трактатида мавжуд нарсалар моҳиятини билиб олишни таъминловчи имконий ақлни воқеликка олиб чиқувчи ақл – воқеий ёки фаолиятдаги ақл деб таърифлайди[9]. Ақлнинг куч-қудратини исботлар экан “Фусус ул-ҳакам (Ҳикматлар жавҳари)” номли асарида ҳақиқатга йўл муҳокама ва ақл орқали боради, аммо, унгача, бу мақсадга эришиш учун фақат ақлнинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун ички оламни поклаб бориш керак, дейди. “Афлотун фикрича, - деб ёзади Абу Наср Форобий, - ҳар бир одамнинг қалбида қарама-қарши, ўзаро туташ жуфт қувват: ғамгинлик ва қувонч, лаззат ва изтироб ва ҳоказолар бор. Бу қувватлардан бири (Ватан, халқ ҳақида ғам ейиш, адолатсиз, нохақ ишлардан изтироб чекиш) – таҳсинга сазовор, иккинчиси (доимо ўзини хурсанд қилиш, кўнгилхушлик, лаззатпарастлик) – хайвонийдир. Қонун хайвоний кучни эмас. Таҳсинга сазовор кучни ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарур. Афлотун ҳайвоний қувват томонидаги (яъни, ёмонликнинг яхши феълга қаршилиги) кучли ва таҳсинли қувват томонидаги зиддият (яъни, яхши феълнинг ёвузликка, ёмонликка қаршилиги) гўзалроқ, ёқимлироқ деб тушунтиради. Ҳар бир инсон шу икки зиддиятли ҳолат (яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик) ҳақида ўйлаши, таҳсинга сазовор қувватга бўйсуниши керак”[10].

Форобий инсоннинг ақлий қувватини турли хил шарт-шароитларда ва қандай ишларга, яхшилик ёки ёвузликка қаратилганини аниқ ва мазмунли англаб олиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Айниқса, унинг ақлий қувват ҳақида, ақл ва тафаккур тўғрисидаги фикрлари эътиборлидир. Унда ақл қувватини вужудга келиши ва қарор топишининг сабаблари кўрсатилган. Тафаккур қилиш (интеллект) жараёнида фикр қуввати (майдони)да турли ақлий нарсаларнинг (тушунчанинг сувратлари, шакллари, қолиплари) ақлий қувватда мухрланиб келади. Ақлда акс этувчи мавжудотлар ақлдан ташқарида моддий ҳолда бўлсалар-да (тошлар, ўсимликлар ва бошқалар) фикрлаш жараёнида (моддий ҳолда эмас, таассурот

тарзида) бил-қувва (тушунча сифатида) қатнашадилар. Лекин, бу тушунчалар фикрлаш жараёнида ақл-бил феъл (фаол интелект)га айланади ва ундан одам ўзининг амалий фаолиятида фойдаланади.

Ақл қуввати (энергия)ни бунёдкорлик томон буриб юборишда баркамол инсонлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бундай инсонлар ўзларининг табиати, ижтимоий мавқеи, билим даражаси, тафаккури билан ижралиб туради. Улар юқори билим, тажрибаси, тафаккури, шижоати, собит қадамлиги билан илм-фанда ҳамда ижтимоий сиёсий ҳаётда етакчилик (лидер) ролини эгаллайди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, - "Ўзбек номи, ўзбек илм-фани ва маданиятини, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг қандай буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улуғ зотлар фидоийлик намуналарини кўрсатиб келган. Бундай инсонлар диёримизда ҳозир ҳам кўплаб топилади ва бундан кейин ҳам уларнинг сафлари кенгайиб бораверади"[11].

Хулоса қилиб айтганда, баркамол инсонларнинг ақл қуввати (энергия)сини ифодаловчи қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш лозим:

- инсонлар ўзининг ақл қуввати, заковати воситасида фанда техникада буюк кашфиётлар ва ихтиролар қилади ва уларнинг бевосита ёрдамида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари инсоният тараққиётини, бир бутун цивилизацияни, миллатни, халқни янги тарихий босқичга кўтарилишига хизмат қилади;

- ақл қувватига таянган баркамол инсонлар илмий башоратлар қилади ва уларни инсонга, унинг бугуни ва келажаги учун хизмат қлишга йўналтиради, табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг муҳим қонуниятларинби очиб беради ва ҳаётга тадбиқ этишнинг самарали йўлларини кўрсатади;

- инсоннинг ақл қувватини бунёдкорлик ишлари томон буриб юбориш масаласи инсоннинг эркинлиги ва заруриятни англаб етиши билан бевосита боғлиқ. Инсон ўз фаолиятида эркинликни англанилган зарурияти сифатида қабул қилсагина ақл қувватини яратувчиликишларига, истиқболни белгилашда сафарбар қила олади;

- баркамол инсонларнинг ақл қуввати уларни ижодий, ижтимоий фаоллиги, эркин, ижодий, оқилона ҳамда оқилона ташкил этилган сермаҳсул меҳнатининг натижаларида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. –Т.: Ўзбекистон. 2017. Б- 173

2.Қосимов Э.У. Доноликка етакловчи сўзлар. –Т.: Турон-иқбол. 2006. Б- 73.

3.Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ. 1999. Б- 144

4.Ҳақиқий манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Т.: Янги аср авлоди. 2009. Б- 197

5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: Ўзбекистон. 2-том. Б- 456

6.Қасос ул-анбиё (Пайғамбарлар қиссаси). Сино. Илмий журнал. 2011 Баҳор-ёз-куз-қиш. Б-108-109
7.Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: Ўзбекистон. 1971. Б-87
8.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 1993. Б- 140-150
9.Аль-Фараби. О разуме и науке. Алма-Ата. Наука. 1975. С.11
10.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Халқ мероси. 1993. Б- 21-22
11.Каримов И.А. Юксак манъавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 121-122

BOSHLANG`ICH SINFLARDA CHET TILINI O`QITISHDA "AUTHENTIC" MATERIALLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI.

Abdullayeva Nargiza Axmadjonovna
Namangan Davlat Universiteti Ingliz tili va adabiyoti kafedrasi katta o`qituvchisi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada boshlang`ich sinflarning chet tili darslarida va erta til o`rganuvchilar bilan til o`rgatish jarayonida o`qituvchi muvoffaqiyatga erishish va o`z oldiga qo`ygan maqsadini amalga oshirish uchun "authentic"materiallardan qay darajada foydalanish mumkinligi kabi masalalarga alohida to`xtalib o`tilgan. Shuningdek samarali dars jarayonini tashkillashga yordam beruvchi ayrim til o`rgqatish mashqlari ham misol tariqasida yoritilgan.*

***Kalit so`z va iboralar:*** *til o`rgatish jarayoni, erta til o`rganuvchilar, yondashuv, usul, o`qituvchining til o`rgatishdagi maxorati, darsning muvoffaqiyati.*

THE INFLUENCE OF USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING YOUNG LEARNERS IN PRIMARY CLASSES

Abdullaeva Nargiza Axmadjonovna
Namangan State University Chair of English language and literature senior teacher

Annotation: *In this article it was discussed some issues in teaching young learners in primary classes and how to teach them effectively with authentic materials. What should teachers do in order to have successful lesson? The author shared some ideas from own experience and tries to justify them with examples.*

Key words: *language learning, Young English Learners, approach, way of teaching, teachers` skills in teaching, success of the lesson.*

ВОЗДЕЙСТВИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АУТЕНТИЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ УЧЕНИКОВ МЛАДШЕГО ВОЗРАСТА

Абдуллаева Наргиза Ахмаджоновна
Кафедра английского языка и литературы Наманганского Государственного Университета старший преподаватель

Аннотация: *В данной статье рассматривается важность использования «аутентичных» материалов при обучении иностранному языку учащихся младшего*

возраста и учеников начальных классов. Отдельное внимание уделяется на факторы, которые должен учитывать каждый лингвист, стремящийся добиться успешного урока. Так же даётся описание нескольких упражнений с использованием аутентичных материалов в качестве примера.

Ключевые слова: *изучение языка, учащиеся младшего возраста, достижение успеха, подход, эффективные методы обучения, аутентичные материалы.*

Til o`rgatish uzoq davom etuvchi va ayni vaqtda o`qituvchidan katta ma`suliyat talab qiluvchi jarayon hisoblanadi. Har bir kasbning o`ziga yarasha qiyinchiliklari bo`lgani kabi til o`rgatuvchilarda ham til o`rganuvchilarga til o`rgatishda kelib chiqadigan muammolar talaygina. Lekin o`z oldiga yuqori marralarga erishishni maqsad qilib qo`ygan har bir til o`rgatuvchi yuqoridagi qiyinchiliklarni yengib o`tish uchun doimiy izlanishda bo`lishi va til o`rganayotgan o`quvchisini yaxshigina til ustasi bo`lib yetishishiga harakat qilishi lozim.

Bir necha yillik pedagogik tajribamdan shuni anglab yetdimki, til o`rganishni boshlagan til o`rganuvchilarni ikki toifaga bo`lishimiz mumkin. Ular ingliz tilida “beginners” va “young learners” atamalari bilan beriladi. “Beginner” til o`rganuvchilar bular til o`rganishning eng boshlang`ich darajasidagilar bo`lib ularning yoshi turlicha bo`lishi mumkin. “Young learner” til o`rganuvchilar esa erta til o`rganishni boshlagan 5-6 yoshli bolalar yoki O`zbekiston sharoitida bishlang`ich ta`lim ya`ni 1-2 sinf o`quvchilari hisoblanadilar. Til o`rgatuvchida yuqoridagi ikki toifa til o`rganishni boshlang`ich darajasidagi til o`rganuvchilarning qaysi biri bilan ko`proq qiyinchiliklar paydo bo`ladi degan savol tug`iladi. Va ayni shu savolga o`qituvchi sifatida shuni ta`kidlashim mumkinki erta yoshdan til o`rganishni boshlagan til o`rganuvchilar bilan ko`proq muammolar kelib chiqishi mumkin. Buning bir qator sabablari bor, lekin biz ushbu maqolada yuqoridagi muammolarni keltirib chiqaruvchi sabablarni emas, aksincha ularni hal qilish uchun yordam beruvchi dars jarayonida til o`rganuvchini motivatsiyaga undovchi yondashuvlardan biri “authentic” materiallardan o`rinli foydalanish borasida ayrim fikrlarga to`xtalib o`tmoqchimiz.

Yuqorida bir necha bor ta`kidlangan “authentic” so`zini asl ma`nosi nima?
Ushbu so`zning tarjamasi ingliz tilidan o`zbek tiliga asl nusha yoki real mavjud narsa kabi tarjima qilinishi mumkin. Til o`rgatish jarayonida o`qitish uchun moslab yaratilmagan aksincha kunlik xayot tarzimizda foydalanishimiz uchun moslashtirilgan barcha narsalardan o`qitish jarayonida qo`llash “authentic” materiallardan foydalanish hisoblanadi. [1] Bundan buyon maqolada ushbu ”authentic” so`zini “asl nusxa” deb ishlatamiz. Asl nusxalarga biz gazeta va jurnallarni, adabiy asarlarni, taklifnoma va e`lonlarni yoki sof kundalik hayotimizdagi asbob uskunalarni, istemol uchun munjallangan meva va sabzavotlarni kiritishimiz mumkin. Ushbu narsa va predmetlardan dars jarayonini samarali tashkillash uchun qanday foydalanish mumkin.

Erta yosh til o`rganuvchilarga va boshlang`ich sinf o`quvchilariga chet tilini o`qitishda asosan birinchi navbatda ularning so`z boyliklarini shakllantirish maqsadga muvofiqdir. Chunki bu kabi yosh til o`rganuvchilar hali o`z ona tillarida o`qish va yozish ko`nikmasini to`laqonli shakllantirib ulgurmagan hisoblanadilar. Soz boyligini boyitish

yo`llaridan biri til o`rganuvchilarga ma`lum mavzu atrofidagi so`zlarni qayta-qayta takrorlatish orqali amalga oshiriladi. Huddi shu holatda bizga asl nusxa predmetlar yordamga kelishi mumkin. Masalan ingliz tili alifbosi asosan 2-sinf o`quvchilariga "Kid`s English" kitobi asosida har darsda 2 yoki 3 tadan bo`lgan holda o`qitiladi. Ingliz alifbosining bosh harfi "A" ni o`rgatishda doimiy tarzda "apple" so`zi misol tariqasida beriladi, agar biz darsimizni samarali chiqishini va til o`rgatayorgan o`quvchilarimizni ushbu harfni tezroq o`zlashtirib olishlarini xohlasak asl olma mevasidan olib kelib o`quvchilarga tarqatib va shu mevani ko`rsatgan holda bir necha bor "apple" so`zi talaffuzi bilan takrorlatsak, bu bolada qiziqishni oshiradi va so`z va jismning bog`liqligini tushungan holda "apple" bu "olma" ekanligini tez anglab yetadi. O`qituvchiga bu so`zning tarjimasini berishga ham xojat qolmaydi. Shu so`zni mustaxkamlash uchun o`qituvchi "apple" rusumidagi uyali telefon vositasidan foydalanishi mumkin. Til o`rgatuvchi telefondagi olma belgisini ko`rsatishi bilanoq yosh til o`rganuvchilar "apple" deb javob qaytaradilar chunki hozirgi jadal suratlar bilan rivojlanib borayotgan texnika asrining yosh avlodlari bu kabi rusumli telefonlar va ulardan qay usulda foydalanishni juda yaxshi biladilar, ayni vaqtda ushbu telefon rusumi, nomi, talaffuzi ular uchun yot narsa emas. Dars jarayonida bu so`zni o`rganishlari esa ularga huzur bag`ishlaydi va bajonidil bu so`zni o`z so`z boyliklariga qo`shishni xohlaydilar.

Bola yoshidagi til o`rganuvchilarda yana shu xolat kuzatilganki, ular har bir narsani ushlab ko`rishni yoki bajarib sinab ko`rishni xohlaydilar,chunki bu ularning tabiatiga bog`liq. [2] Ijodkor o`qituvchi huddi shu holatdan ham unumli foydalanishi mumkin. Agar o`qituvchi ranglar mavzusida til o`rganuvchilarga amaliy mashg`ulot o`tayotgan bo`lsa, rangli qog`ozdan foydalanib shu ranglarni harflarda berishi va til o`rganuvchilarni guruhlarga bo`lib ma`lum rang so`zlarini yozishni so`rashi mumkin. Masalan sariq rangdan foydalanib "yellow" so`zi uchun kerak bo`ladigan barcha xarflarni qirqib olinadi va boshqa rangli harflar orasidan shu so`zga tegishli sariq rangli harflarni topishni bolalardan so`raladi. Bu kabi til o`rgatish mashqini bajarishda o`quvchilar asl sariq rangdan foydalanishni va "yellow" so`zini yozishni o`rganadilar.

Bizga ma`lumki yosh til o`rgatuvchilarga TPR metodidan foydalanish ham samarali natija beradi. Bu metod asosan harakatli o`yinlar orqali bolalarni darsga qiziqtirishi bilan ajralib turadi.m [3] Shu o`rinda yosh til o`rganuvchilarga quyidagi o`yin mashqini misol qilib olishimiz mumkin. Til o`rgatuvchi yosh til o`rganuvchilarni sinfdan tashqariga olib chiqadi va bu o`yin ko`proq kuz fasliga mos bo`lib huddi yilning shu faslida bolalarning tushkun kayfiyatlarini ko`tarishga ham yordam beradi. Tashqari hovlida o`qituvchi o`quvchilarga yerga to`kilib yotgan daraxt barglarini faqat sariq ranglilarini terib kelishni topshiriq sifatida beradi. Bu ko`rsatmani berishda o`qituvchi ingliz tilidan foydalanadi va bolalarga tushunarli bo`lishi uchun qo`shimcha "body language" ya`ni imo ishoralardan foydalanishi maqsadga muvofiqdir. Kerakli o`rinda faol bo`lmagan o`quvchilar bilan birgalikda barglarni terib kelishi ham mumkin. Bu o`rinda savol tug`ilishi tabiiy, o`qituvchi til o`rganuvchiga bu mashq orqali nimani o`rgatyapti?

Til o`rgatuvchi yosh til o`rganuvchilarga "authentic" material sifatida daraxt barglaridan foydalanyapti va barg terish bolalar uchun kunlik o`yin bo`lib ular bu kabi o`yinlarni bajonidil bajaradilar. O`yinning ikkinchi qismida ya`ni barglarni terib kelgan o`quvchilar

“I have 6 leaves” yoki “My leaves are 6” kabi oddiy soda gaplarni aytish bilan o`z o`qituvchilariga hisobot qilib berishlari lozim. Bu kabi gaplar orqali ular o`zlarining og`zaki nutq maxoratlarini oshiradilar. Agar guruhingizda 15ta o`quvchi bo`lsa har biri yuqoridagi gaplarni qayta-qayta takrorlash bilan bu iborani yod oladi va passiv til o`zlashtiruvchi o`quvchi ham o`z navbatida ijobiy natijaga erishishi mumkin. Til ko`nikmasini bu kabi shakllantirishda esa “authentic” material sifatida oddiy yerdagi burglar bola motivatsiyasini oshiradi.

Bir necha ilmiy izlanishlar shuni ko`rsatadiki, masalan Kilickayaning ta`kidlashicha [4] asl nusxa materiallardan bolalarning o`qish ko`nikmasini oshirish uchun ham foydalanish til o`rganuvchining o`qish uchun bo`lgan motivatsiyasini oshiradi. Kunlik darsda foydalaniladigan darsliklardan ko`ra sotuvdagi bolalar uchun munjallangan “Excellent”, “Dono bolajon” yoki”Znayka” kabi jurnallarning ingliz tiliga oid ruknlarida berilgan kichik-kichik hikoyalarni o`qish, berilgan krossvordlarni bajarish yosh til o`rganuvchilar uchun qiziqarli va yaxshi natija beradi. Bu kabi krosvordlar bolalarning nafaqat o`qish ko`nikmasini yaxshilaydi balki ularning so`z boyligini ham oshiradi hamda imloviy to`g`ri yozuv ko`nikmasini shakillanishiga yo`l ochib beradi. Yuqorida nomi keltirilgan jurnallar “authentic” materiallar hisoblanadi.

Hulosa sifatida shuni ta`kidlashimiz lozimki, kichik yoshdagi til o`rganuvchilarga til o`rgatish katta yoshdagi til o`rganishni boshlagan til o`rganuvchilardan farqli ravishda bir qator qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi. Buning asosiy sabablaridan biri til o`rganuvchining yosh darajasi bo`lsa, boshqa tomondan bu kabi til o`rganuvchilarda hali ichki motivatsiyaning shakllanmaganligidir. Shuning uchun ma`suliyatli o`qituvchi sifatida kichik yoshdagi til o`rganuvchilarga (bular O`zbekiston sharoitida maktabgacha ta`lim muassasasi tarbiyalanuvchilari hisoblanadi) va boshlang`ich sinf o`quvchilariga chet tilini o`rgatishda til o`rgatuvchi ancha ijodkor bo`lishi yoki bir necha yillik tajribaga ega bo`lishi lozim. Har ikki toifadagi o`qituvchi o`z darsini samarali natijasini ko`rishi uchun har darsga turli hil metodlardan foydalanib mashqlar tayyorlashi va ularni o`z darslarida unumli qo`llashi lozim. “Authentic” yani yuqorida aytib o`tganimizdek asl nusxa materiallardan foydalanish ham shu kabi dars samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

References

1. Lewis, Gordon. The Internet and Young Learners. Oxford University Press, 2004.
2. Adams, T. (1995). What Makes Materials Authentic? ERIC Document Reproduction Service.
3. Guariento, W., & Morley, J. (2001). Text and task authenticity in the EFL classroom. ELT Journal, 55 (4).
4. Kilickaya. F. (2004). Authentic materials and cultural content in EFL classrooms. The Internet TESL Journal, 10 (7). Retrieved November 1, 2006

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА БАДИИЙ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Тўхтарова Ирода, ФарДУ ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада хорижий тилларни ўрганишда бадиий адабиёт намуналаридан фойдаланишнинг аҳамияти, афзал томонлари ва камчиликлари тўғрисидаги асос ва далиллар таққослаб ўрганилган.*

Калит сўзлар: *таълим, тил, хорижий тил, таржима, фольклор, бадиий адабиёт, бадиий матн, герменивтика.*

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРИМЕРОВ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

Тўхтарова Ирода, преподаватель ФерГУ

Аннотация: *В статье сопоставляются и исследуются основания и доказательства важности, преимуществ и недостатков использования образцов художественной литературы при изучении иностранных языков.*

Ключевые слова: *образование, язык, иностранный язык, перевод, фольклор, художественная литература, художественный текст, герменивтика.*

SOME ASPECTS OF USING EXAMPLES OF FICTION IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES

Tuhtarova Iroda, teacher of FerSU

Annotation: *In the article, the basis and evidence on the importance, advantages and disadvantages of using samples of fiction in the study of foreign languages are compared and studied.*

Key words: *education, language, foreign language, translation, folklore, fiction, artistic text, germenivtika.*

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг сўнгги янги даврида миллий қадриятлар, бадиий адабиёт намуналарига алоҳида эътибор бериляпти. Чунончи, «…фольклор анъаналари ва қадриятларини сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш, ривожлантириш....»[1] мана шу борада қилинаётган ишларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосидир. Халқ томонидан яратилган нодир маънавий бойлик ҳисобланмиш ўзбек фольклори ҳамда руҳий тарбия озиғи бўлган мумтоз адабиёт намуналари асрлар оша олийжаноб ғояларни кишилар қалбига сингдиришга хизмат қилиб келмоқда. Шу жиҳатдан, сақлаб қолинган маданий қадриятнинг бадиийлик даражасини, поэтик нафосатини, унда олға сурилган фалсафий ғояларни асл моҳияти билан намойиш этиш, улар намуналарини дунё халқларига таништириш, қиёсий-типологик тадқиқотлар олиб бориш фанимизнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда бадиий адабиёт намуналарини инглиз, француз, немис, рус каби халқаро тилларига таржима қилиш масалаларига эътибор ортиб бормоқда ва улардан чет тилларини ўқитишда самарали фойдаланиш долзарб масалага айланмоқда. Глобаллашув жараёнида аллақачон юксак маънавий-маданий тафаккур маҳсули сифатида тан олинган бадиий адабиёт намуналарини барча учун тушунарли ҳолга келтириш талаби уларнинг тарбиявий ва педагогик аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади. Халқ тарихи, одоб-ахлоқи, маърифатининг кўзгуси бўлган бадиий адабиёт намуналари матнининг поэтик ва прозаик жиҳатларини аслиятга муқобил тарзда ўгириш ва чет тилларини ўқитишда самарали фойдаланиш масалалари доимо долзарб муаммоларидан бўлиб келган.

Хорижий тилларни ўқитишда бадиий матндан фойдаланиш педагоглардан муайян назарий ва амалий жиҳатдан дидактик билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Бадиий матндан чет тилини ўрганишда фойдаланишнинг тарихи жуда узоқ эмас. XX асрнинг 70-йилларида чет тил ўрганиш дидактикасида чет тилидаги аутентик матн, диалог кабилардан фойдаланиш афзал кўриларди. Кўп вақт ўтмай, маданиятлараро мулоқот компетенциясини ўрганиш бошланиши билан чет тилини ўқтишда бадиий адабиётни қўллаш муҳим аҳамият эгаллай бошлади [7, 288].

Чет тили машғулотларида бадиий адабиётдан фойдаланишни чет тил ўқитиш дидактикасининг бўлими – бадиий адабиёт(дан фойдаланиш) дидактикаси ўргана бошлади. Бадиий адабиёт дидактикаси адабий таҳлил, адабий танқид ва назария билан шуғулланувчи адабиётшунослик билан чамбарчас боғлиқдир. Адабий матнлар нафақат ҳар бир ўқувчи томонидан, балки чет тилни ўрганувчилар томонидан ҳам муайян тарзда тушунилади, таҳлил қилинади. Шу боис адабий талқин (интерпретация) бадиий адабиёт

дидактикаси учун ҳам муҳим омил ҳисобланади. Адабий интерпретация билан шуғулланувчи асосий методлардан бири герменевтика ҳисобланади. Унга кўра, матн интерпретацияси матн тўғрисида гепотеза қилиш ва ўша гепотезани конкретлаштиришнинг туганмас жараёнидир. Герменевтика ўқувчини ҳам, балки унинг ўзлаштирган тажриба, кўникма ҳамда эгаллаган билимини ҳам интерпретация қилишни мақсад қилади. Ўқувчи матнга илк (кўпинча хато) тасаввур, таассуб деб номланувчи [3, 13] ўз ҳаётий тажрибалари ва билими билан ёндашади ва улар ёрдамида матн ҳақида гепотеза тузади. Матнни ўқиш жараёнида улар матн мазмуни билан таққосланади, матн ёрдамида янада аниқлашади ёки баъзан унинг ўзгаришига туртки бўлади. Шу тарзда яна янги гепотеза уйғонади, у яна матн билан тўқнаш келади ва ҳоказо. Бу интерпретациялар жараёни “герменевтик доира (hermeneutischer Zirkel)” деб аталади [7, 282;5, 122; 3, 13].

Герменевтика билан бир қаторда чет тилни ўрганишда бадиий адабиётдан фойдаланишга туртки бўлиб хизмат қиладиган кейинги сабаб – рецепцион (идрок, зеҳн) эстетика туради. У герменевтиканинг кейинги ривожланиш босқичи сифатида ҳам қаралади. Рецепцион эстетиканинг диққат марказида матн эмас, балки ўқувчи ҳамда унинг матнни қай даражада идрок этиши, қабул қилиши туради. Унга кўра адабий матн мазмунини даставвал ўқувчи ўзича тузади, идрок этади [2,17].

Ўқувчининг (китобхоннинг) бадиий матнни қай даражада тушуниши нафақат унинг ўз тажрибасига, балки унинг миллий маданиятига ҳам боғлиқ. Демак, бир матн турли ўқувчилар томонидан турлича идрок этилиши мумкин, чунки ҳар бир ўқувчи матнни ўз индивидуал кечинмалари, тажрибаси ҳамда эгаллаган билим-кўникмаларидан келиб чиқиб тушунади. Бундан ташқари, чет тилини ўрганаётган ўқувчи ва ўрганилаётган тил ўз она тили бўлган ўқувчи бир матнни турлича тушунади, чунки улар матнга бир хил бўлмаган маданий нуқтаи назардан қарайдилар. Демак, рецепцион эстетика чет тил ўрганувчиси томонидан адабий матнларни муайян даражада ўзгача тушунилишини назарда тутади [5, 121].

Элернинг таъкидлашича, бадиий матнни ўқувчининг ўз билим ва кўникмалари, кечинма ва тажрибаси орқали англаши уни хато ва нотўғри тушунишга сабаб бўлиши мумкин. Инсон ўз дунёсини матн ёрдамида шакллантира олмайди, бу тушуниш, англаб етиш эмас. “Тушуниш, англаш бу – матн мазмунини, ундаги маълумотларни ўзаро боғлай олиш, улар ўртасидаги боғлиқликни бир-бирига қўша олиш демакдир”. Матнда бу боғлиқликлар тўғридан-тўғри берилмайди, балки уларга муайян йўналиш –кўрсатмалар берилади, холос [3, 12].

Бир адабий матннинг ҳар хил ўқувчи томонидан турлича талқин қилиниши, тушунилиши, интерпретация қилиниши – бу ҳақиқатдир. Бу эса ўша адабий матнни чет тили машғулотларида муҳокама қилишга, унинг устида баҳс олиб боришга, матн интерпретациясининг ягона ечимини қидиришга сабаб бўлади, бошқача айтганда, ундан гапириш – мулоқотни келтириб чиқариш омили сифатида фойдаланиш мумкин [5, 122].

Демак, бадиий матнни чет тилининг репродуктив компетенциялари – гапириш (оғзаки нутқ) ва ёзиш (ёзма нутқ)ни ўргатиш жараёнидаги энг мақбул омил сифатида кўриш тавсия этилиши мумкин.

Чет тилини ўқитишда фойдаланиш учун бадиий ва ноадабий (газета- журнал, диалоглар ва бошқалар) матнлар бизнинг ихтиёримизда бўлади. Бадиий матнлар ўзининг эстетик-поэтик хусусиятлари, миллий-маданий унсурларни ўзида акс эттириши ҳамда полисемантик хусусиятга эгалиги билан бошқа матнлардан ажралиб туради. Бадиий матнлар орқали ўқувчи (китобхон) ва муаллиф ўртасидаги бевосита мулоқот амалга ошади ва улар ҳар бир китобхон томонидан турли тарзда қабул қилиниши мумкин. Ноадабий матнлар эса бунинг акси, яъни улар ҳамма томонидан бир хил тушунилади ва уларнинг бир хил интерпретация қилиниши талаб этилади [6, 32].

Бадиий матнлардан чет тили ўрганишда фойдаланилаётган чоғи учраётган камчиликлари ҳақида тўхталганда, шуни айтиб ўтиш жоизки, улар биз сўзсиз – албатта ўқишимиз керак бўлган матнлар эмас. Чунки чет элда муайян мақсадда бўлган вақтларимизда, ҳатто кундалик ҳаётимизда биз кўпроқ бошқа матн турларига, жумладан, транспорт воситаларида ҳаракатланиш жадваллари, маълумотномалар, таомномалар, кўча ёзувлари, йўриқномалар, электрон почталар ёки газета-журнал маълумотларига дуч келамиз, уларни ўқишга эҳтиёжмандмиз. Чет тили дарсларида ушбу фактларнинг ҳам ҳисобга олиниши, бундай матн турларидан машғулотларда фойдаланиш зарур[8, 8].

Бадиий матнларни тушуниш учун ўқувчилардан чет тилини жуда яхши билиш талаб этилади, шу сабабли улардан, одатда, эндигина чет тилини ўрганаётганлар учун фойдаланиш тавсия этилмайди. Бундай даражадаги ўқувчиларга қисқа шеърий парчалар, болалар адабиётидан фойдаланиш баъзан тавсия этилса-да, бу каби бадиий матнни тушуниш қийинроқ ва мураккаброқ деб ҳисобланади. Одатий тилга қараганда бадиий матнлар ўз таркибида кенгроқ мазмунли луғат, семантик қочирмалар ва истисноларни қамраб олади. Вестҳоффнинг [8, 65] фикрига кўра, бунинг учун ўқувчиларда олдиндан маълум бир билим-кўникмаларни (маълум сўз бирикмалари ва бошқаларни) шакллантириш керак. Унинг фикрича, бадиий матнни тушуниш, уни англаб етиб, ундан маънавий ҳордиқ олиш учун, аввал бадиий адабиётнинг одатий тилдан фарқ қиладиган бадиий воситаларини тушуна олиш керак. Бадиий матнлардан чет тили машғулотларида фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида қуйидагиларни айтиб ўтиш жоиздир:

Юқорида тилга олинган бадиий матнлар вужудга келтириши мумкин бўлган қийинчиликлар, кундалик ҳаётимизда учрайдиган бошқа нобадиий матн турларидан (масалан, транспорт воситаларида ҳаракатланиш жадваллари, маълумотномалар, таомномалар, йўриқнома ва бошқалар) чет тили машғулотларида фойдаланиш зарурияти муҳокамасиз талаб этилишига қарамасдан, бадиий адабиётни чет тили машғулотларида қўллаш учун ҳам етарли асослар мавжуд [7, 289; 5, 119-124].

1. Адабий матнларда матннинг бошқа турларида кузатилмайдиган полисемия, коннотация, метафора ва бошқалар кўп учрайди. Бу эса тил компетенцияси сифатида талаб этиладиган тилнинг эстетик сифатини таъминлайди.

2. Бундан ташқари, адабий матнлар орқали тили ўрганилаётган мамлакат ҳақидаги миллий-маданий, географик, демографик ва бошқа маълумотлар бевосита ўрганилади. Бошқача айтганда, улар ёрдамида ўша мамлакат ҳаёт тарзига назар ташланади.

3. Адабий матнларни ўқиш талабаларнинг луғат бойлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, шунингдек ўзлари сезмаган тарзда бевосита грамматик билимларни яхшилашга хизмат қилади. Контекст орқали ўрганилган луғат ва грамматика қоидаларини эсда сақлаш осонроқдир.

4. Бундан ташқари, адабий матнлар орқали машғулотларда умумий таълим-тарбия бериш функцияси ҳам амалга оширилади. Улар шахсий хусусиятларнинг шаклланланиши, тараққий этиши ва албатта, тили ўрганилаётган мамлакат ҳақидаги нотўғри фикрларни бартараф этишга ҳисса қўшади.

5. Адабий матнлар мулоқотни амалга ошириш ёки ёзиш учун асос, туртки бўлиши мумкин. Адабий матнлар бошқа матнлардан ўзларининг очиқлиги, ноаниқлиги ва кўп маънолилиги билан ажралиб туради. Уларда бўш қолдирилган фикрлар мавжуд, яъни вазият ёки ҳодисалар тўлиқ тасвирланмайди, балки фақат муайян жиҳатлар ёритилади ҳамда “китобхон (ўқувчи)га ўз ҳаётий тажрибаси, ўз

қарашлари, миллий-маданий қадриятлари орқали уни тушунишга, интерпретация қилишга ва ўша бўшлиқларни ўзича тўлдиришга имконият қолдиради"[5, 122].

Демак, бадиий адабиёт ўқувчиларнинг ўз фикрларини билдириш (гапириш), муҳокама қилиш ёки креатив тарзда ёзиш компетенциялари ривожланишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисидаги» Қарори // Халқ сўзи. 2018 йил 1 ноябрь. № 228 (7186).
2. Bischof M., Kessling V., Krechel R. Landeskunde und Literaturdidaktik. Fernstudieneinheit 3 (Cultural studies and literary didactics. Distance learning unit 3), Berlin: Langenscheidt, 1999, 288 p.
3. Ehlers S. Lesen als Verstehen: Zum Verstehen fremdsprachlicher literarischer Texte und zu ihrer Didaktik. Fernstudieneinheit 2. (Reading as understanding: for understanding foreign-language literary texts and their didactics. Distance learning unit 2.), Berlin: Langenscheidt, 1992, 13 p.
4. Gotz D., Haensch G., Wellmann H. Langenscheidts Gro.worterbuch. Deutsch als Fremdsprache. Das neue einsprachige Worterbuch fur Deutschlernende. 5. Aufl., (Langenscheidt's dictionary. German as a foreign language. The new monolingual dictionary for learners of German. 5th edition,), Berlin: Langenscheidt, 1997, 9-98 (78 p.)
5. Heyd G. Aufbauwissen fur den Fremdsprachenunterricht (DaF). (Advanced knowledge of foreign language teaching (DaF).), Tubingen: Gunter Narr Verlag, 1997, 121-122 (121 p.)
6. Kyloushkova H. Kak icpolsowat literaturnyj tekct w prepodawanii inoctrannych jasykow (How to use literary text in foreign language teaching), Brno: Masarykova univerzita, 2007, 32 p.
7. Riemer C. Henrici G. (Hg.): Einfuhrung in die Didaktik des Unterrichts: Deutsch als Fremdsprache. Band 2. ((Ed.): Introduction to didactics of teaching: German as a foreign language. Band 2.), Baltmannsweiler: Schneider Verlag Hohengehren, 1994, 282 – 299 pp.
8. Westhoff G. Fertigkeit Lesen. Fernstudieneinheit 17 (Skill reading. Distance learning unit 17.), Munchen: Goethe-Institut, 2001, 7-9 pp.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ УСУЛЛАРИ

Холбекова Матлюба, ФарДУ ўқитувчиси

Аннотаци: *Мақолада хорижий тилларини ўқитишда педагогик дастурий воситалардан фойдаланишнинг самарали усуллари, фойдали томонлари ва камчиликлари таҳлили келтирилган. Шунингдек, мақолада педагогик дастурий воситалар ва уларнинг чет тилларини ўрганишдаги ишлаш механизмлари юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган*

Таянч сўзлар: *таълим, олий таълим, чет тиллар, педагогик дастурий восита, масофавий электрон таълим, интерактив усул, ўқиш кўникмаси, ёзиш кўникмаси, гапириш кўникмаси, эшитиш кўникмаси.*

ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

Холбекова Матлюба, преподаватель ФерГУ

Аннотация: *В статье представлен анализ эффективных методов, преимуществ и недостатков использования педагогического программного обеспечения в обучении иностранным языкам. Кроме того, в статье представлены предложения и рекомендации по педагогическим программным средствам и их работе при изучении иностранных языков*

Ключевые словая: *образование, высшее образование, иностранные языки, педагогическое программное обеспечение, дистанционное Электронное образование, интерактивный метод, навыки чтения, письма, говорения, слуха.*

INTERACTIVE METHODS OF USING PEDAGOGICAL SOFTWARE IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES

Kholbekova Matlyuba, teacher of FerSU

Annotation: *The article presents an analysis of the effective methods, benefits and disadvantages of using pedagogical software in teaching foreign languages. In addition, the article presents suggestions and recommendations on pedagogical software tools and their work in the study of foreign languages*

Key words*: Education, Higher Education, Foreign Languages, pedagogical software tool, distance electronic education, interactive method, reading skills, writing skills, speaking skills, hearing skills.*

Ҳозирда чет тилини чуқур ўрганишда дунё бўйича бир қатор вариантлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти талабгорнинг хоҳишидан келиб чиқиб, online шаклда ўз ифодасини топмоқда. Яъни, бу ҳолатда тил ўрганувчилар учун педагогик дастурий восимайдонга чиқмоқдаки, улар талабгорлар учун ҳам вақтни тежаш, ҳам маблағни тўғри сарфлаш, қолаверса, билим даражасига кўра ўз билимини янада юксалтиришга ёр- дам бермоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1875-сон қарори [1] ҳамда бу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот орқали эришилган хулосалар муайян даражада хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Rosetta Stone, Lingua Leo, Smart Notebook каби педагогик дастурий воситалар орқали хорижий, хусусан, хорижий тилларни CEFR талаблари ва даражалари асосида ўрганишнинг илмий ва самарали асосларини ўрганиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунда биринчидан:

− хорижий тилларни ўқитиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш;

− педагогик дастурий воситалар ва уларнинг хорижий тилларни ўрганишдаги ишлаш механизмларини ўрганиб чиқиш;

– Rosetta Stone, Lingualeo, Smart Notebook дастурий воситаларининг дастурий таъминотини таҳлил қилиш;

– педагогик дастурий воситаларнинг хорижий тилларни ўқитишдаги самарадорлигини аниқлаш;

– педагогик дастурий воситаларнинг хорижий тилларни ўқитишдаги ютуқ ва кам- чиликларига ойдинлик киритиш;

– хорижий, хусусан, хорижий тилларни ўрганишда педагогик дастурий воситаларнинг зарурати юзасидан хулосалар чиқариш ва таклифлар киритиш.

Таҳлилга тортмоқчи бўлган илк педагогик дастурий восита – Rosetta Stone дастурий таъминотидир. Мазкур педагогик дастурий восита 30 дан ортиқ хорижий тилларни ўргатишга мўлжалланган бўлиб, CEFRнинг ўқиш, тинглаб тушуниш, грамматик машқ бажариш каби даражалари бўйича кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Унинг мавзу кўлами ва машқлар тўплами кенг.

Rosetta Stone педагогик дастурий воситасининг бошқа дарслик ва қўлланмалардан фарқи шундаки, грамматик қоидаларни фақат машқ- лар орқали ўрганилаётган чет тилида тушунтириб беради. Бундан ташқари, машқлар орқали грамматик қоидаларнинг ўрганилишига ёрдам беради[2,14].

Унда сўз бойлигини оширишга қаратилган қатор машқлар мавжудки, бу талабларда B2 даражасигача бўлган сўзликлар ўз ифодасини топган. Бунда асосий муаммо – улардан гапириш кўникмасини шакллантиришда унумли ва самарали фойдаланиш заруратининг мавжудлигидир. Шуни инобатга олиб, дастур тузувчилар ибора ва кундалик ҳаётда ишлатилувчи сўз бирикмаларини ҳам келтирганлар. Қолаверса, эшитиш кўникмаси учун қатор овозли машқлар келтирилган бўлиб, бу ҳам ўрганилаётган тилнинг товуш имкониятларини, фонетик қурилмаси, морфологик тузилмаси борасида тасаввурга эга бўлишларига туртки бўлади.

Lingua Leo дастурий таъминоти. Бугунги кунда 18 000 000 абоненти мавжуд бўлган, 17 тадан ортиқ дунё тилларини ўзида жамлаган педагогик дастурий восита бу – Lingua Leo дастурий таъминоти ҳисобланади. Бу дастур компьютерда фойдаланиш учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот бўлиб, бир вақтнинг ўзида унинг мобиль телефонлари ва планшетлар учун ҳам версиялари тақдим қилинган. Бу эса тил ўрганувчиларга қатор қулайликлар яратади.

Тил ўрганишнинг халқаро стандарти – CEFR талабларини бажариш учун: 1) ўқиш; 2) ёзиш; 3) тушуниш; 4) луғат бойлиги каби кўникмалари ишлаб чиқилган. Шунингдек, унда A+ ва A1 даражасидан бошлаб токи B2 ва B2+ даражасигача мавзулар қамралган. Бу дастурий таъминотни юклаш учун электрон почта орқали рўйхатдан ўтилади ва дастлабки A+ босқичи учун йўлланма олинади. Аввалига ўқувчининг билим даражасини аниқлаш учун машқлар берилади. Ҳар бир машқ грамматик қоидаларни ўзида акс эттирган жумлалардан иборат бўлади, бу машқлар муваффақиятли ҳал этилганидан кейин дастурий таъминотнинг ўзи тил ўрганувчининг билим даражасини автоматик равишда аниқлайди ва кейинги билим даражасини дастурнинг ўзи белгилаб беради. Кейинги босқичда, CEFRнинг қайси даражаси бўлишидан қатъи назар, биргина хато ёки тўғри жавоб орқали савол ва

топшириқлар осонлашади ёки қийинлашади. CEFRнинг A+ ва A1 даражасини ўзлаштирган тил ўрганувчи кейинги босқичга ўтиши учун маълум тўловни амалга ошириши талаб этилади.

Lingua Leo дастурий таъминотининг созламалар бўлимида қатор қулайлик ва тавсиялар мавжуд бўлиб, тил ўрганувчи томонидан бир вақтнинг ўзида улар билан танишувга имкон бўлади. Бундан ташқари, маълум бир тилнинг бошланғич даражасидан бошлаб маърузалар, мультфильм ва видеофильмлар, бизнес, илмий-техник тараққиёт бўйича қатор мақолалар келтирилган бўлиб, улар бўйича глоссарийлар ҳам бериб ўтилган. Бу эса юқорида назарда тутилган эшитиш, ўқиш, тушуниш, гапириш кўникмаларини шакллантиришларига кўмаклашади.

Lingua Leo дастурий воситаси анимацион расмли ҳамда рангли шаклда тайёрланган бўлиб, энг аввало, мактаб ўқувчилари, талабалар, қолаверса, ўрта ёш вакилларини ҳам ўзига жалб эта олади. Бу дастур CEFR дара- жалари бўйича қуйидаги тартибда ишлайди:

Эшитиш (Listening) кўникмасини шакллантиришда:

Тил билиш даражасига кўра маълум аудио, фильм ёки мультфильм (бир жумла- дан бир неча жумлагача) бериб, кейин қатор сўзлар беради ва уларни эшитилган аудио ёзуви тартибида жойлаштириб бериши ло- зим. Масаланинг аниқ ёки нотўғри бажарилганини дастур белгилайди. Бу вазиятда дастур интернетга уланган бўлиши лозим. Шу тарзда, агар вазифа тўғри бажарилса, кейинги вазифалар осонлашиши ёки, аксин- ча, қийинлашиши мумкин.

Гапириш (Speaking) кўникмасини шакллантиришда:

Тил билиш даражасига кўра, маълум аудиофайл ўқиб эшиттирилади, кейин уни қайтадан талаффуз қилиш учун вақт ва имконият берилади. Вазифа аниқ ва тўғри бажарилса (яъни, тўғри талаффуз этилса), гапириш (speaking) кўникмасининг кейинги босқичига ўтилади.

Ўқиш (Reading) кўникмасини шакллантиришда:

Танланган даражага кўра, маълум қийинчиликдаги матн берилади. Келтирилаётган матн тил ўрганувчи даражасига мувофиқ 200 тадан 2000 тагача символдан иборат бўлиши мумкин. Жумлалар таркибидан маълум сўз- лар тушириб қолдирилган ва улар қуйида келтирилган бўлади. Ўрганувчининг билим даражасига кўра вақт белгиланади. Ўқувчи мазкур матнни ўқиб кетиш давомида туши- риб қолдирилган сўзларни ўз ўрнига қўйиш орқали вазифани бажариши керак бўлади. Ҳар бир сўз ўз ўрнига қўйилмагунга қадар вазифа бажарилмаган бўлади. Бу даражани давом эттиришни истаган ўқувчига қийин- чилик даражаси орттирилган ҳолда яна топшириқ берилади.

Ёзиш (Writing) кўникмасини шаклла- тиришда:

Бу кўникмани амалга оширишда тайёр сўзлар берилади, тил ўрганувчи улардан би- рини танлаш билан вазифани амалга ошириши мумкин.

Бошқа педагогик дастурий воситалар сингари ушбу дастурий таъминот ҳам қатор қулайлик ва соддаликка эга бўлиб, тил ўрганувчининг ёши ва савиясидан қатъи назар, тил ўрганишнинг барча аспектларини тартибга солади.

Smart Notebook дастурий таъминоти. Мазкур дастурий таъминот чет тилини ўқитишда машқларни мустаҳкамлаш, қолаверса, ўқувчи ёки талабаларнинг мустақил таълимини ташкил қилишда, маълум мавзуни ўргангандан сўнг уларни ўзлаштиришлари юзасидан хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Педагогга эса маълум мавзу ёки дарс юзасидан тақдимотлар тайёрлашга, мавзу якунида эса "ақлий ҳужум версияси" доирасида савол ва топшириқлар ташкил этишда кўмаклашади.

Smart Notebook дастурий таъминотининг структураси билан танишиб чиқиш чоғида шундай хулосага келдикки, унда 7 000 дан ортиқ PDF расмлар, мавзуий суратлар, аудио ва видео файлларнинг бой архивлар, шаблон ва намуналар, 3D анимациялар, иллюстратив ва интерактив материаллар жамланган бў- либ, мавзуга тайёрланишда анчагина қулайлик яратади. Шунингдек, катта масштабдаги математик, физик ва кимёвий формулалар ва улар доирасида бажарилувчи функциялар жамланмаси мавжуд бўлиб, ҳаммаси базага киритилган. Smart Notebook дастурий таъминоти, асосан, интерактив таълимни амалга оширишда, қолаверса, дарснинг ўйин шаклида ташкиллаштирилишида жуда қулай. Бу дастурий таъминот кроссвордлар, савол-жавобларни анимацион шаклда яратиш учун тайёр шаблонлардан ташкил топган. Бу эса педагог- га дарсга тайёрланиши учун қулай имконият- лар яратади ва унинг ишини осонлаштиради.

Rosetta STONE, Lingua Leo ва Smart Notebook дастурий таъминотлари юқорида таъкидланганидек, ҳар томонлама – грамматик хатолар устида ишлаш, луғат бойлигини орттириш, машқлар бажариш, туширилган сўзларни топиш, эшитиб тушуниш каби кўникмалар орқали чет тилини ўргатишга бағишланган педагогик дастурий воситалар ҳисобланади. Юқорида уларнинг ҳар бирининг ишлаш принциплари таҳлил этилди. Қуйида уларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўриб ўтилади:

Афзалликлари:

Маблағни тежаш имкониятини оширади (яъни репетиторга ортиқча маблағ сарфланишидан ҳимоя қилади);

Хорижий тилни ўрганишнинг бошланғич нуқтасидан бошлаб ўргатади; тил ўрганишнинг халқаро талаби бўлган CEFR бўйича машқлар билан таъминланган;

Дастурий таъминот "қоғоз ва ручкадан воз кеч ва тил ўрган" шиори остида ишлайди; дастурий воситалар грамматик қоидаларни фақат машқлар орқали тушун тириб беради;

ўқувчида тинглаб тушуниш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради; ўқиш кўникмасини максимал шакллантиришга ҳамда ўз устида ишлашга кўмаклашади.

Камчиликлари:

устоз-шогирд, жонли таълим олиш имкониятини пасайтиради;

чет тилини ўқитишда CEFRнинг фақатгина B1 ва B2 даражасигача олиб чиқа олади;

Қоидалар фақат конструктив тарзда ўқитилади (талаба фақат англаса, шунинг ўзи етарли, тарзида);

Бу ҳолатда бошқа аудиофайллардан ҳам фойдаланиб, ўрганса бўлади; ўқувчи тинглаб тушуниш кўникмаси учун аудио ва видеофайлларни бошқа жойдан ҳам излаб топиши мумкин;

педагогик дастурий воситаларнинг маълум қисмигина бепул бўлиб, қолгани маълум суммага сотиб олинади. Таълимнинг бу даражаси кафолатланмаган;

педагогик дастурий воситалардан фойдала ниш талабаларда ёзиш кўникмасининг шаклланишига тўсқинлик қилади. Аксинча, талабаларда бехато ёзиш бўйича кўникмани шакллантириш ва ривожлантириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимида талабаларга хорижий тилларни ўқитишда педагогик дастурий воситалардан фойдаланишнинг самара-лари ҳақида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бугунги кун интеграцияси, глобаллашув жараёнлари ҳамда дунёга бевосита чиқиш имконияти бир нечта дунё тилларини ўрга- нишни талаб қилмоқда. Бу ўринда тил ўрганувчидан қисқа вақт ичида мукаммал ва чуқур таълим олиши, ўрганилаётган чет тилининг ички барча элементларини систем таҳлил қилиши, шунинг билан бирга, арзон нархга ушбу тилни самарали ўрганиши ҳар томондан талаб этилади. Қолаверса, “Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрга- ниш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умум- эътироф этилган халқаро даражаси (CEFR)ни эгаллаши кун вазифасига айланмоқда.

2. Ҳозирда чет тилини чуқур ўрганишда дунё бўйича бир қатор вариантлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти талабгорнинг хоҳишидан келиб чиқиб, online шаклда ўз ифодасини топмоқда. Яъни, бу ҳолатда тил ўрганувчилар учун замонавий педагогик дастурий воситалар майдонга чиқмоқдаки, улар талабгорлар учун ҳам вақтни тежаш, ҳам маблағни тўғри сарфлаш, қолаверса, билим даражасига кўра ўз билимини янада юксалтиришга ёрдам бермоқда. Педагогик дастурий воситалар – ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик восита ёрдамида компьютер техно- логияларидан фойдаланиш ҳисобланади ҳам- да улардан фойдаланилган ҳолда хорижий тилларни ўрганишни соддалаштиради.

3. Бугунги кунда хорижий тилларни ўрга- ниш учун 50 дан ортиқ педагогик дастурий воситалар яратилган бўлиб, улардан фақат- гина Rosetta STONE, Lingua Leo ҳамда Smart Notebooklар тадқиқот учун таҳлилга тортил- ган. Қолаверса, улардан фойдаланувчилар- нинг сони нисбатан кўп.

4. Педагогик дастурий воситалар орқали хорижий тилларни ўрганиш – талабаларнинг тил билишидаги даражасини аниқлаштириб, унинг юқори, ўрта ва қуйи босқичларини белгилаб беришга имкон яратади. Бу эса, келажакда, тил ўрганувчиларнинг тил билиш даражасига кўра таълимни давом эттириш- ларига замин яратади.

5. Педагогик дастурий воситалар индивидуал таълим бериш имкониятига эга бўлиб, ўрганувчининг бўш вақтларида таълимни ташкил қилишни таъминлайди.

Педагогик дастурий воситалардан хорижий тилларни ўқитишда самаралироқ бўлиши учун қуйидаги таклифларни киритмоқчимиз:

1. Педагогик дастурий воситалардан хорижий тилларни ўқитишда дарс жараёнида фаол фойдаланиш мумкин. Аммо уни ўқитувчининг ўрнини босувчи восита сифатида баҳоламаслик лозим.

2. Педагогик дастурий воситаларни хорижий тилларни ўрганишнинг дастлабки босқич- ларида, қолаверса, тил ўрганишнинг қўшимча воситаси сифатида қабул қилиш мумкин.

3. Бугунги кунда CEFR даражаларига мос равишда тил ўрганиш талаб этилаётган экан, бу борада педагогик дастурий воситалар қўшимча манба вазифасини ўтайди. Аммо ёзиш кўникмасини юқори босқичларга чиқи- шини таъминлай олмайди. Педагогик дастурий воситаларда "Smart ёзиш" бўйича қулайликлар яратилса, ўрганувчида ёзиш кўникмасини аъло даражага олиб чиқишига имкон яратилган бўлади.

4. Олий таълим тизими барча соҳаларда юқори малакали мутахассислар тайёрлаши лозимлигини инобатга олганда, педагогик дастурий воситалар таълим беришда икки- ламчи воситага айлантирилиши, бирламчи восита сифатида қаралмаслиги лозим.

5. Бугунги кунда педагогик дастурий воситалардан мустақил фойдаланувчиларнинг сони ортаётганлигини инобатга олганда, CEFR даражаларига мос машқларнинг кўпайтирилиши, ҳар бир тилнинг энг нозик томонларигача ўргата олиши учун мукам- маллаштирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1 "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ 1875-son qarori. ["On Measures for Further Improvement of the Foreign Language Learning System, "Resolution of 1857] Available at: http://www.lex.uz/acts/1387345.

2.Mirzaxmedova H. V. Pedagogik dasturiy vositalardan foydalanilgan holda xorijiy tillarni o'qitishning interaktiv usullari. Tashkent, 2019. -Б.14

10-12 ЁШЛИ КУРАШЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ВА КООРДИНАЦИОН ҚОБИЛИЯТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ОШИРИШ УСЛУБИЯТИ

Ғофуров Азизбек Умаржонович

Аннотация.*:Мақолада 10-12 ёшли курашчиларнинг координацион қобилияти ва жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот натижалари тасвирланган.*

Калит сўзлар: *жисмоний тайёргарлик, координацион қобилият, ёш курашчилар, ўқув-машғулот жараёни.*

ПОВЫШЕНИЯ МЕТОДИКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КООРДИНАЦИОННЫХ КАЧЕСТВ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ 10-12 ЛЕТНИХ БОРЦОВ

Гофуров Азизбек Умаржонович

Аннотация.: *В статье изложены результаты научных исследований по определению координационных способности и физической подготовленности юных борцов 10-12 лет.*

Ключевые слова: *физическая подготовленность, координационные способности, юные борцы, учебно-тренировочный процесс.*

METODS OF IMPROVING THE PHYSICAL TRAINNING AND COORDINATION SIKILLS OF WRESTLERS AGED 10-12

Gofurov Azizbek Umarjonovich

Annotation.: *The thesis describes the results of research to improve the coordination and physical training of wrestlers aged 10-12.*

Key words: *physical training, ability to cardinate, young wrestlers, learning process.*

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунини ҳаётга жорий этиб, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Бунда болалар ва ўсмирлар жисмоний тарбияга концептуал ёндашиб, узлуксиз таълим тизимида Республика аҳолисининг кўп миллатлигига таянган ҳолда, ҳар - бир мамлакатнинг маданий - маърифий, ижтимоий - иқтисодий талаблари ҳисобга олинган. [1].

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, ватан равнақини таъминлайдиган, ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Бу борада муҳим қадамлардан бири Ўзбекистонда илк бор "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур" ҳамда "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга.

Курашчиларда координацион қобилиятни ривожлантириш жуда мухим саналади, чунки бу кўрсаткич асосий жисмоний фазилатлардан бири ҳисобланади. Яхши координацион қобилиятга эга бўлган спортчининг техник-тактик маҳорат даражаси ҳам бошқа спортчилардан кўра юқори бўлади. Бизнинг бу муаммони олдинга сурганимиздан мақсадимиз шундан иборатки, ҳозирги вақтда ёш спортчилар билан машғулот олиб борадиган мураббийларнинг аксарияти жисмоний тайёргарликка эътибор қаратишади. Лекин улар координацион қобилиятларни ривожлантириш масалаларига кам эътибо беради. Кўпчилик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, координацияси яхши ривожланган спортчиларда техник ҳаракатларни юқори даражада бажариш муваффақияти баландроқдир. Шунинг учун биз 10-12 ёшли курашчиларнинг ўқув-машғулот жараёнига янги услубият олиб кирилди. Ҳозирги вақтда курашчиларимиз жаҳон спорт майдонларида катта натижаларга эришиб мухим ғалабаларни қўлга киритиб келмоқда. Эришилган ғалабаларни сақлаб қолиш ҳамда келгусида оптимал тайёргарликни сақлаб қолишда ўқув-машғулот жараёнини такомиллаштириш ва спортчиларнинг координацион қобилиятларини такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Курашчилар билан олиб бориладиган ўқув тренировка машғулотларида жисмоний тайёргарликни ривожлантириш мусобақаларда муҳим ғалабаларни эгаллашда асосий ўринлардан бирида туради. Ўқув-тренировка машғулотларида жисмоний тайёргарликни ривожлантириш асосида бешта жисмоний сифатнинг тарбияланиши беллашувларда яхши натижалар кўрсатишга замин яратади. [2 3].

Адабиётларда ёш курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим эканлиги тўғрисида тадқиқотларда бу йўналишга кам эътибор қаратилганлигини кузатиш мумкин. Юқоридаги фикрларимиз биз танлаган ишнинг танланган мавзуси долзарб эканлигидан далолат беради.

Тадқиқот мақсади. Ёш курашчиларнинг координацион қобилиятларини ошириш учун ишлаб чиқилган услубиятнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот предмети: 10-12 ёшли курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш.

Тадқиқот объекти. Ёш курашчилар билан олиб бориладиган ўқув-машғулот жараёни.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси. Тошкент шахридаги яккакураш спорт турларига ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактабида бошланғич ихтисослашган гуруҳи спортчиларида педагогик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот ўтказишдан олдин ёш курашчиларнинг орасидан ҳар икки гуруҳда 12 тадан спортчилар тажриба ва назорат гуруҳлари учун ажратиб олинди.

Олиб борилган изланишлар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарликлари техник усулларни бажаришда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини махсус тестлар ёрдамида ривожлантириш ва баҳолаш мумкин бўлади.

Ёш курашчиларнинг мусобақа беллашувларини олиб боришларида жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари бўйича тафовутларнинг мавжудлигини қайд этиш мумкин. Бу тафовутларни ҳисобга олиш ҳамда ўқув-машғулот жараёнида улардан фойдаланиш зарурлигини жуда кўп мутахассислар таъкидлаб ўтганлар.

Жисмоний тайёргарликни ривожлантирувчи тестларнинг ахборотга бойлиги уларнинг муайян спортчилар фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлар ва шароитларга нечоғлик яқинлиги билан ўлчаниши кўпчиликка аён бўлсада, ҳозиргача маълум бўлган тестлар спортчиларнинг мусобақа беллашувларини олиб боришдаги алоҳида ҳаракат хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда яратилган. [4,5].

Олинган натижалар асосида аниқландики, ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш муайян даражада ҳаракатлар тезлигини белгилайди, шунингдек бу жараён чидамлилик ҳамда чаққонликни талаб қилувчи беллашувларда ва мусобақаларда ҳам катта аҳамиятга эга.

Курашчининг жисмоний тайёргарлик машқлари қуйидагилардан иборат: турган жойда ва шериксиз ҳаракат қилиб тақлидий машқлар бажариш; турникда тортилиш, полда қўлларни букиб ёзиш, шерик билан бирга ўтириб туришлар, ўзидан оғирроқ вазнга эга бўлган спортчи билан ишлаш, арқонга тирмашиб чиқиш,

елкасида рақиб ўтирган ҳолда қўлларни букиб ёзиш, кураш резиналари билан машқлар бажариш ва шу кабилар.

Умумривожлантирувчи машқларнинг, техник-тактик машқларини, жисмоний сифатларни ривожлантириш машқларини, ҳаракатли ўйинларни бажариш: бир-бирига қарама-қарши туриб қўлларни итариш; белбоғдан фойдаланиб ҳар хил ҳолатдан турлича тартиб олиш; оёқ ёрдамисиз ва оёқ билан ташланмасдан доира ичидан тортиб чиқариш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ва координацион қобилиятларини комплекс тарзда ривожлантириш орқали ҳар томонлама оптимал спорт формасига эга спортчиларни тарбиялаш мумкинлиги тўғрисидаги фикримизни илгари сурдик. Қуйида 1-2 жадвалларда келтирилган маълумотлар бўйича 10-12 ёшли бошланғич ихтисослашган гуруҳ тарбияланувчиларида ўтказилган тадқиқот натижалари тасвирланган.

1-Жадвал

10-12 ёшли курашчиларнинг жисмоний тайёргарлик ва координацион қобилият кўрсаткичлари тадқиқотдан олдин (n-12)

№	Ф.И.Ш.	Узунликка сакраш (см)	Полда қўлларни буки ёзиш (марта)	Қўлларни тирсакда буккан ҳолда ушлаб туриш (сония)	Гиламда кўприк ҳолатида туриб ўнгга ва чапга айланиш (10 сония ичида)	Рақибни ушлаш ва гиламдан узиш ҳолатига ўтиш (20 сония ичида)
1	Ахм-в. А	170	46	27	4	4
2	Рахм-в. С	158	34	51	6	6
3	Исл-в. Д	148	38	66	8	9
4	Ғоф-в. Н	162	36	48	8	8
5	Ёқ-в. Ж	160	35	45	9	7
6	Ходж-в Ш	158	36	50	7	8
7	Хал-в Р	162	51	57	5	6
8	Нур-в. С	160	18	54	4	7
9	Рах-в. Л	155	35	42	5	5
10	Шавк-в. Д	140	47	59	3	4
11	Хол-в. Ф	140	36	44	4	5
12	Хак-в. М	200	47	45	5	2
	X	**159.4**	**38.25**	**49**	**5.66**	**5.91**
	δ	**15.61**	**8.73**	**9.88**	**1.92**	**2.02**
	tст	**10.21**	**4.37**	**4.95**	**2.94**	**2.92**

2-Жадвал

10-12 ёшли курашчиларнинг жисмоний тайёргарлик ва координацион қобилият кўрсаткичлари тадқиқотдан олдин (n-12)

№	Ф.И.Ш.	Узунликка сакраш (см)	Полда қўлларни буки ёзиш (марта)	Қўлларни тирсакда буккан ҳолда ушлаб туриш (сония)	Гиламда кўприк ҳолатида туриб ўнгга ва чапга айланиш (10 сония ичида)	Рақибни ушлаш ва гиламдан узиш ҳолатига ўтиш (20 сония ичида)
1	Ахм-в. А	172	48	30	5	6
2	Рахм-в. С	161	38	53	8	8
3	Исл-в. Д	150	40	70	10	10
4	Ғоф-в. Н	165	38	50	9	10
5	Ёқ-в. Ж	160	40	49	11	9
6	Ходж-в Ш	162	38	54	8	11
7	Хал-в Р	163	52	58	8	9
8	Нур-в. С	164	23	55	7	9
9	Рах-в. Л	158	35	44	8	6
10	Шавк-в. Д	144	49	64	5	5
11	Хол-в. Ф	142	37	50	6	8
12	Хак-в. М	210	50	52	8	5
	X	**162.5**	**40.66**	**52.41**	**7.75**	**8**
	δ	**17.3**	**8.08**	**9.91**	**1.81**	**2.04**
	tст	**9.38**	**5.03**	**5.28**	**4.26**	**3.91**

Бизнинг олиб борган изланишларимизда жами 12 нафар ёш курашчилар иштирок этди. Уларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда координацион қобилиятларини ошириш учун умумий жисмоний ва махсус жисмоний тайёргарлик машқлари машғулот жараёнига киритилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тадқиқотдан кейин ўтказилган барча меъёрий талаблар бўйича кўрсаткичлар бўйича натижалар яхшиланганини кузатиш мумкин. Синалувчиларнинг координацион қобилиятлари тадқиқотдан кейин ўртача 9,7% га ошди.

Хулоса. Ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда жисмоний сифатларни тарбиялашга оид адабиётларнинг тахлили ва курашчилар билан олиб бориладиган ўқув-машғулот жараёни тахлили шуни кўрсатдики, машғулотларда амалиёт билан боғлиқ ҳаракат малакалари ва улар билан боғлиқ бўлган координацион қобилиятларга ва жисмоний сифатларни ривожлантирилишга қаратилган машқларнинг самарадорлиги мажмуали тарзда ўрганилмаган.

Шу билан бир қаторда мутахассисларнинг (Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш.Х) фикр билдиришларича ёш курашчиларни тайёрлашда интеграл тайёргарликнинг олиб борилиши келажакда ёш курашчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун қўлланиладиган машқлар ҳажмини оширганлигимиз сабабли тадқиқот гуруҳидаги курашчиларнинг жисмоний сифатлари ҳамда координацион қобилиятлари яхши томонга ўзгарди.

Ёш курашчиларнинг жисмоний сифатлари ва координацион қобилиятларини тарбиялаш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар ва кузатувлардан хулосалар шундан иборатки:

- уларнинг координацион қобилиятларини оширишда жисмоний сифатларни мажмуали тарзда ривожлантирилишига ўқув-машғулот жараёнида алоҳида аҳамият бериш керак, бу эса курашчиларнинг мусобақаларда юқори натижаларга эришишида муҳим аҳамият касб этади;

- ёш курашчиларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишда махсус жисмоний тайёргарлик машқларидан ҳам фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири). -Т, 2000 , 26 май.
2. Абдуллаев А.,Хонкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. Тошкент-2005,
3. Иванков Ч.Т. и др. Комплекс методик для совершенствования управления спортивной подготовки борцов /Методическое пособие - Ташкент, 1991, 52с.
4. Керимов Н.А. Скоростно-силовая подготовка дзюдоистов и борцов вольного стиля/Методические рекомендации. -Т, 1990, 20 с.
5. Керимов Ф.А. «Спорт кураши назарияси ва усулиёти» Тошкент, 2005й
6. Матвееев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. – Киев: Олимпийская литература, 1999. – 318 с.
7. Платонов В.Н. Подготовка квалифицированных спортсменов. - М.: ФиС, 1986.
8. Бакаринов Ю.М. Особенности ориентации во времени в условиях воздействия вестибулярных нагрузок: Автореф. дис. ... канд. пед. наук / Ю.М. Бакаринов. Калинин, 2009. 17 с.

ТЕХНИКА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Шаходжаев Махмуд Ахмедович
Фарғона политехника институти
Педагогика фанлари номзоди

Аннотация: *Таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишда ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий*

ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялаш кўп жиҳатдан таълим берувчига боғлиқ бўлади.Таълим берувчидан юқори даражадаги тайёргарлик, мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш, белгиланган вазифаларни бажариш учун кўп маълумотлар орасидан кераклигини танлаб олиш ва бу маълумотларни қайта ишлай олиш талаб қилинади. Педагог мустақил таълим фақатгина талаба учун эмас, балки ўзи учун ҳам керак эканлигини, мустақил фикр юрита оладиган талабалар билан мулоқотда бўлиб, ўз билимини ҳам бойитиш муҳимдир. Техника йўналишидаги таълим муассаларида мустақил таълимни ташкил этиш, таълим сифатини ва мазмунини оширишда аҳамияти юқоридир.

Калит сўзлар: *мустақил таълим, ижодий фаоллик, ахборот коммуникацион технологиялари, медиа таълим, видео архив, таълим технологиялари, компьютер дастури, кўникма, малака, таълим мазмуни, ахборот алмашуви, натижа, таълим самарадорлиги, техника фанлари, таълим сифати, хулоса.*

САМОСТОЯТЕЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАПРАВЛЕНИЯМ ОБРАЗОВАНИЯ И МЕТОДЫ ЕГО ОРГАНИЗАЦИИ

Шаходжаев Махмуд Ахмедович
Ферганский политехнический институт
Кандидат педагогических наук

Аннотация: *Педагог должен выполнять задачи, поставленные перед системой образования, осваивать материалы для самостоятельной работы студентов, стимулировать их профессиональный рост и развивать их творческую деятельность. Необходимо выбрать и обработать данные. Для учителя важно обогатить свои знания тем, что самостоятельное обучение важно не только для ученика, но и для способности мыслить самостоятельно. В технических учебных заведениях важность самостоятельного обучения ценна для повышения качества и содержания образования.*

Ключевые слова: *самостоятельное образование, творческая деятельность, информационно-коммуникационные технологии, медиаобразование, видеоархив, образовательные технологии, компьютерная программа, навыки, квалификация, содержание образования, информационный обмен, результат, эффективность образования, техническая наука, качество образования, заключение.*

SELF-EDUCATION AND METHODS OF ITS ORGANIZATION IN THE TECHNICAL BRANCHES OF EDUCATION

Махмуд Ахмедович Шаходжаев
Ferghana polytechnic institute
Candidate of Pedagogical Sciences

Annotation: *This article is considered the importance of new educator performs the tasks assigned to the education system, to master students' self-study materials, to stimulate their professional growth, and to develop their creative activity. It is necessary to choose the an appropriate data and to process I autonomous study. Enriching the knowledge of instructor is*

important because autonomous study is necessary not only for the student, but for himself as well. In technical education institutions, the importance of independent learning is important in improving the quality and content of education.

Key words: *self education, creative activity, information and communication technologies, media education, video archive, educational technologies, computer program, skills, qualification, content of education, information exchange, result, efficiency of education, technical science, quality of education, conclusion.*

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда барча соҳаларда юқори натижаларга эришиш даврга мос ҳолда тезкорликни талаб қилмоқда. Бундай тезкорликни таълим тизимига жорий қилиниши ўзининг ижобий самарасини беради. Олий таълим муассасаларида соҳага йўналтирилган билимлар асосан турли маълумотлар кўринишида талабаларга берилади. Талаба ўқув аудиторияларида мавзу бўйича маълумотларни профессор-ўқитувчидан тўғридан-тўғри эшитиб, кўриб ўрганади.

Таълим берувчилар мазмунли ва сифатли таълим жараёнини ташкил қилишларида ахборот манбаларидан яъни Ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ) имкониятларидан, Ахборот ресурс марказлари электрон ўқув базаларидан, маҳалий ва хорижий ўқув-услубий ҳамда илмий адабиётлардан кенг фойдалана олишлари муҳимдир. Таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишда ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялаш кўп жиҳатдан таълим берувчига боғлиқ бўлади. Шунингдек улардан юқори даражадаги тайёргарлик, мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш, белгиланган вазифаларни бажариш учун кўп маълумотлар орасидан кераклигини танлаб олиш ва бу маълумотларни қайта ишлай олиш талаб қилинади. Педагог мустакил таълим фақатгина талаба учун эмас, балки ўзи учун ҳам керак эканлиги, мустақил фикр юрита оладиган талабалар билан мулоқотда бўлиб, ўз билимини бойитиш ҳам англаши лозим. Шу билан бир қаторда, педагогнинг ўқув жараёнида талабалар билан ҳамкорлиги, уларнинг мустақил таълимга ишончини шакллантириши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялардан фойдаланаётганини кўрсата олиши, маърузаларни анъанавий, яъни фақатгина маълумот бериш билан чегараланмасдан, балки муаммоли интерактив усулда олиб бориши кутилаётган ижобий натижаларга олиб келади [1]. Бозор иқтисодиёти устиворлиги даврида талабаларни мустақил ижодий фикрлашлари шу куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Айниқса, олий таълим муассасаларининг техника таълим йўналишларида мустақил ўрганишни аҳамиятига ортиб бормоқда. Талабалар ўқитувчининг бевосита иштирокисиз ёки билвосита бошқарувида, у берган вазифа, дарслик ва бошқа манбалар асосида индивидуал бажарадиган иши мустақил иш ҳисобланади. Бундан кўзланган асосий мақсад талабаларда янги билим олиш усулларини эгаллаш, жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш, аудиториядаги машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тартибга солиш, маълумотлар ва махсус адабиётлар билан ишлашни, ўқув материалларини мустақил ўрганишни

шакллантиришдир. Замонавий педагогик технологияда, таълим олувчилар ўқиш жараёнида имкон даражасида мустақил ўрганишлари, педагог эса бу мустақил меҳнатни бошқариш, талабаларга керакли материалларни бериб бориши лозим. Мустақил таълимни фаоллаштирмасдан олий таълимда талабаларни самарали ўқитишнинг натижасига эришиш қийин. Талабага мустақил таълимга топшириқ берилаётганда, унинг олдига аниқ мақсад қўйиш, бажариладиган ишнинг алгоритмини таклиф қилиш, адабиётларни тавсия қилиш, ишни бажариш шакли ва ташкил қилишда бериладиган маслаҳатлар, муддатлари белгиланиши ва баҳолаш мезонларини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Аудитория машғулотларида талабалар маълум даражада билим оладилар, лекин, улар олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида мустақил иш билан шуғулланиш мақсадга мувофиқдир. Талабаларнинг таълим олишда анъанавий ўқитиш усулидан мустақил фаолиятига катта эътибор бериб бориш асосий етакчи ғоядир [2]. Мустақил таълим талабаларга билим беришда бу талабани ўз ихтиёрига ташлаб қўйиш эмас, балки таълим берувчи томонидан мунтазам бошқариладиган талабаларнинг мустақил фаолиятидир.

Аудитория машғулотларида педагог фақат билимнинг бир қисмини маълум қилади, таълим олувчиларга муаммо, фараз, вазифаларни ифодалашда ёрдам беради ва тезкор бошқаради, талабаларни билимни излаб топиш қадамларини бажаришга йўналтиради, турли муаммоли вазиятларда ўқиш ўрганиш жараёнини ташкиллаштиради. Таълим берувчи томонидан таълим олувчининг қизиқиши, фанларни ўзлаштириши ва унинг ҳоҳишига қараб мустақил ишларнинг даражаси белгиланади. Танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги, ўқув материалларининг қизиқарлиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги шунингдек, бериладиган мустақил ишлар ва ижодий характерга эгалиги жуда муҳимдир. Талабалар эса педагогнинг кузатуви остида мустақил таққослайдилар, умумлаштирадилар, хулоса қиладилар, баҳолайдилар ва таҳлил қиладилар, муаммоли ҳолатларни ҳал этадилар ва ностандарт топшириқларни ечадилар, мураккаблаштирилган шароитдаги амалий ҳаракатларни бажарадилар. Шунингдек, улар учун янги бўлган муаммоларни ечиш жараёнида билимларни мустақил излайдилар, кутилаётган натижаларга эришишнинг йўл ва воситаларини ўзлари аниқлайдилар. Мустақил таълим талабалар манфаати учун зарурлигининг мазмун моҳиятини, мақсадини онгли тушунишлари, унинг келажакдаги муваффақиятларини таъминлашининг асосий омили эканлигини ҳамда олаётган билими натижасига ўзи масъуллигини англаши зарур [3].

Талабалар мустақил ишлаш учун берилган топшириқларни бажариб, тезкор маълумот кўрсатиши талаб қилинади. Бунинг учун талаба интернет тармоғида ижтимоий тармоқлар хизматидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Биз мустақил таълимни ташкил этишнинг самарали усуллари сифатида иккита усулни таклиф этамиз. Эслатиб ўтиш жоизки бу ҳар икки усул ҳам амалиётда қўлланилиб юқори натижаларга эришилган.

Биринчи усул: намуна сифатида telegram мессенжеридан фойдаланиб, мустақил таълим учун берилган топшириқларни бажариш мумкин. Бунинг учун

telegram мессенжерида академик гуруҳ талабалари орасида фан номи билан номланган telegram гуруҳи ташкил қилиниб, гуруҳнинг барча талабалари ва фан ўқитувчиси шу гуруҳ аъзолигига қабул қилинади. Талабалар берилган топшириқларни бажариб шу гуруҳ мессенжерига жойлаштирадилар. Ўқитувчи топшириқни кўриб ҳатоликлари белгилаб қайта гуруҳга жойлайди. Гуруҳнинг қолган талабалари ўз топшириқларини қандай усул ва ечимда кетаётганини бевосита кузатиб, ўқитувчи томонидан кўрсатилган хатоликларни бартараф этади. Шунда савол ва жавоб тарзидаги ўзига хос ечимлар пайдо бўлади. Бундан ташқари ўқитувчи бирор топшириқни шу гуруҳга жойлаб талабалар эътиборига ҳавола эта олади. Мавзуга оид ёки фан бўйича адабиётларни ҳам шу мессенжер орқали тарқатиш мумкин. Бу тавсия этилаётган усул ҳам тажриба синов тариқасида кичик бир гуруҳда қўлланилиб, яхши натижага эришилди.

Иккинчи усул: Техник таълим йўналишида медио таълим воситаларидан фойдаланиб мустақил таълимни ташкил этишда аввало талабаларга мустақил таълим мавзулари танлаш учун берилади. Талаба мустақил таълим мавзуси бўйича уч босқичли ишларни амалга оширади:

Биринчи босқичда мустақил таълим мавзуси бўйича маълумотларни ахборот русурс марказларидаги мавжуд илмий, услубий манбалар ҳамда интернет тармоғидан олинган ахборотлар бўйича маълумотлар тўплайди.

Иккинчи босқичда тўпланган маълумотларни ўзлаштириб чиқади. Маълумотларни ўзлаштириш жараёнида ҳосил бўлган саволлар бўйича профессор-ўқитувчилар ҳамда мутахассислар билан мулоқотда бўлади. Қўйилган масаланинг ечимини моҳиятан тушуниб унинг ечимига олиб борадиган усулларни ўзлаштиради.

Учинчи босқичда тўпланган маълумотлар ва ўзлаштирилган билимлар асосида мустақил таълимни ҳисобот қилиб топшириш учун медио таълим воситалари ёрдамида мавзу бўйича қисқа лавҳали видео ролик тайёрлайди. Видео роликда мустақил таълим мавзусидаги қурилма ёки ишланмани таҳлил қилиб ўтади. Яъни мустақил таълим мавзусидаги қурилма ёки ишланманинг номи, қўлланилиш соҳаси, авфзаллиги, камчилиги, уланиш схемалари, самарадорлиги, тавсиялар ва хулосалар билан якунлайди.

Талабалар томонидан тайёрланган шундай видео роликлар тўплами фан бўйича энг камида йигирма ёки ўттизга яқин видео ишланмалар архивини шакллантиради. Гуруҳ талабалари ёки кичик курс талабалари ушбу видео ишланмалар архивидан фанни мустақил тарзда ўзлаштириш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

Мустақил таълим талабаларга билим, кўникма ва малакалар бериш билан бирга уларни мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг ҳам асосий мезони ҳисобланади.

Техник таълим йўналишларида таълим олаётган талабаларни мустақил таълимларини ташкил этишда аввалом бор талабалар таълим олаётган йўналиши бўйича олган назарий билимларини амалий бажариб кўришлари катта аҳамият касб этади.

Талабалар мустақил таълим бажаришда аниқ механика, микроэлектроника, электротехника, компьютерли бошқарув ва информацион технология фанларини системали бирлаштиришдан иборат.

Буларга асосан турли компьютер дастурлари, тренажёр технологиялар васистемаларни бошқариш учун кўпинча микроконтроллерлар ва дастурланувчи мантиқий контроллерларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Компьютер дастурларидан фойдаланиш - талабаларда реал жараёнлардаги ҳаракатларни (ишини) имитация қилувчи интерфейсга эга бўлган сонли ҳисоблаш дастурлар ёрдамида мураккаб моделларни ҳам аниқлиги реал объектларда ўтказиладиган тажрибаларда олинадиган натижаларнинг аниқлигидан қолишмайдиган аниқликда тадқиқ қилиш имконини беради.

Тренажер технологиялари бу мураккаб комплекслар, моделлаштириш ва симуляция тизимлари, компьютер дастурлари ва физик моделлар, сифатли ва тезкор қарорларни қабул қилиш учун талабаларни тайёрлаш учун яратиладиган махсус методика ҳисобланади.

Инсон тафаккури эффектив ўрганишни асосий элементи бўлиб тренировка (машғулотлар) ҳисобланади. Мустақил таълимни бажариш давомида компьютер бошқариш тизимларида замонавий дастур тизимларини кенг тадбиқ қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Тренажёрни ишлаш режимлари:

1. Намойиш этиш (бошқаришда иштирок этмаган ҳолда қурилма ҳақида назарий билимлар олиш).
2. Ўргатиш (бутун жараён ёки алоҳида жараёнларни бошқаришда харакатларга интерактив ўргатиш).
3. Билимини синаш (назорат ўтказиш шартларини танлаш имкони мавжудлигида ўз билимларини баҳолаш режимидан ўтиш).

Микроконтроллерлар ва дастурланувчи мантиқий контроллерлардан фойдаланиш кенг маънода ҳаракатлари компьютерли бошқарилувчи техник системаларни, агрегатларни, машиналарни ва машиналар комплексини ўрганиш ҳисобланади.

Контроллер –плата кўринишида тайёрланган электрон қурилма бўлиб, датчикдан келган сигналларни қайта ишлаб актуаторларга бошқариш сигналларини чиқарувчи қурилмадир.

Микроконтроллерлар – бу дастур ёрдамида бошқарилувчи микросхема бўлиб, турли контроллерларни ясаш учун ишлатилади.

Талабалар мустақил таълимларини юқорида келтирилган усуллар ёрдамида ташкил этиши бўлажак мутахасисларни ишлаб чиқариш жараёнларига тайёрлашда самарали ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муаллифлар: Махмуд Ахмедович Шаходжаев, Элдоржон Мухаммедович Бегматов, Нозимжон Нурдинбекович Хамдамов, Шахзод Дилшоджон ўғли Нумонжонов. Методы эффективного использования информационно-

коммуникационных технологий в образовательном процессе. Журнал: Проблемы современной науки и образования. № 10 (143 октябрь 2019 г.) стр 64 – 66.
2. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: 2015. – 208 с.
3. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма. –Т.: 2001. – 68 с.

ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ ФАНИНИ ИННОВАЦИОН ЎҚИТИШДА МАТЕМАТИК ТИЗИМЛАР

Тошбоев Сайфиддин Муҳаммадинович
Наманган давлат университети, ўқитувчи.

Аннотация: *Мақолада ҳисоблаш усуллари фанини ўқитишда инновацион технологияларининг аҳамияти, таълим самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланиладиган MathCAD, Matlab, Maple математик тизимлар ва уларнинг имкониятлари ҳақида сўз юритилган.*

Калит сўзлар: *Инновацион технологиялар, таълим сифатини ошириш, ўқитишда математик тизимлар, MathCAD, Matlab, Maple тизимлари, Ҳисоблаш усулларини ўқитиш технологиялари.*

ИННОВАЦИОННЫЕ УЧЕБНЫЕ НАУЧНЫЕ МЕТОДЫ МАТЕМАТИЧЕСКИЕ СИСТЕМЫ

Тошбоев Сайфиддин Мухаммадинович
Наманганский государственный университет, преподаватель.

Аннотация: *В статье рассматриваются значение инновационных технологий в обучении численных методов, возможности и преимущества математических систем MathCAD, Matlab, Maple для повышения эффективности образования.*

Ключевые слова*: Инновационные технологии, повышение качества образования, математические системы в обучении, системы MathCAD, Matlab, Maple, технологии обучения «Численные методы».*

INNOVATIVE EDUCATIONAL SCIENTIFIC METHODS MATHEMATICAL SYSTEMS

Toshboyev Sayfiddin Muhammadinovich
Namangan State University, teacher.

Abstract: *The article discusses the importance of innovative technologies in the teaching of numerical methods, the possibilities and advantages of the mathematical systems MathCAD, Matlab, Maple to increase the effectiveness of education.*

Key words: *Innovative technologies, improving the quality of education, mathematical systems in training, MathCAD, Matlab, Maple systems, teaching methods "Numerical Methods".*

Бугунги кундаги таълим тизими янги таълим технологиялари ва концепцияларни кашф этишга қаратилган, унда информатика, математика фани билан боғлиқ мутахассислар ўртасида рақобат тобора кучайиб бормоқда. Миллий ва халқаро миқёсда компьютер фани ўқитувчилари асосан касбий ассоциациялар, таълим ва компьютер олимлари, компьютер саноати ҳамда иқтисодий ва сиёсий доиралар томонидан қўллаб қувватланиши кузатилмоқда. Бу эса олий таълим муассасаларида ушбу соҳани ривожлантиришда мутахассислик фанларини чуқур ўрганиш тақозо этади. Шунинг учун олий таълим муассасаларининг амалий математика ва информатика, математика йўналишларида мутахассислик фанлардан бири бўлган “Ҳисоблаш усуллари” фанини ўқитишда янги инновацион технологияларни қўллаган ҳолда талабаларда ўзлаштириш самарадорлигини оширишимиз лозим.

Ҳозирги вақтда фанларни ўқитиш жараёнида турли хил инновацион технологияларидан фойдаланиб келинмоқда. Инновацион технологиялар педагогик жараён, ўқитувчи (педагог) ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланиш тушунилади. Интерфаол методлар - жамоа бўлиб фикрлашдир, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади [1].

Мазкур вазифаларни сифатли амалга ошириш учун “Ҳисоблаш усуллари” курсини ўқитишда янги инновацион технологияларни қўллаш долзарблигини асослайди. Амалий математика ва информатика, математика йўналишларида “Ҳисоблаш усуллари” фани асосий фанлардан бири ҳисобланади. “Ҳисоблаш усуллари” фани илмий ва амалий масалаларни ҳал этишнинг алгоритмларини ишлаб чиқишга асосланган бўлиб, турли хил жараёнларни моделлаштириш ва тадқиқ этишда фойдаланилади. Шундай масалалар борки, мураккаб ҳисоблашларни талаб қилади: об-ҳавони башорат қилиш, космик кема ҳаракати, кўп йиллик истиқбол режаларини ишлаб чиқишда кўплаб ҳисоблашларни тез бажаришга тўғри келади. Масалан, суткалик об-ҳаво башорати бир неча соатда ҳисобланиши керак, космик кема траекторияси бир неча минутда ҳисобланиши керак ва ҳоказо. Замонавий “Ҳисоблаш усуллари” ва ЭҲМ лар шундай имкониятларга эга. “Ҳисоблаш усуллари” фани эса ушбу масалаларни ечиш учун алгоритмлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Алгоритмни асослаш масалани тўғри ечиш учун асос ҳисобланади, лекин алгоритмнинг баҳосини амалий ҳисоблашлар бажаргандан кейин берилади.

Амалий математика ва информатика, математика йўналиши талабаларини математик тизимлардан фойдаланиш малакаси унинг пухта билимга эга бўлиши, дастурлаш тилларини билмаган ҳолда ҳам “Ҳисоблаш усуллари”ни ўзлаштиришда самарали воситалардан бири ҳисобланади. Математик тизимлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш, бўлажак мутахассисга мустақил равишда катта ҳажмдаги ҳисоблашларни бажариш ва мураккаб амалий масалаларини ечиш имконини яратади. “Ҳисоблаш усуллари” фанидаги амалий масалаларни ечишда замонавий

математик тизимларнинг қўлланилиши талабаларда эгалланган назарий билимларининг такомиллашиши ҳамда янги билимга эга бўлишларига олиб келади.

Ҳозирги вақтда турли математик масалаларни ечишда MathCAD, Mathematics, Matlab, Maple ва бошқа математик тизимлар ишлаб чиқилган [2-5].

Барча мутахассислик фанларини ўқитишда ушбу тизимлардан фойдаланиб келинмоқда. Масалан, Математик анализ фанида MathCAD, Алгебра ва сонлар назарияси фанида Mathematics, "ҳисоблаш усуллари" фанида Matlab тизимларидан фойдаланилмоқда.

Matematika-энг кучли математикага яқинроқ дастур бўлиб, MatLab эса (Matrix Laboratory)-чизиқли алгебра масалаларини ечишга мўлжалланган, Maple-кенг қамровли турли хил илмий масалаларни ечишга мўлжалланган математик тизимлардир. Mathcadда эса масалани математик жиҳатдан қўйилиши ва ечимни олиш учун унинг стандарт функцияларидан фойдаланиш лозим бўлади.

Математик тизимларнинг ҳусусияти шундаки, масалаларни уч хил усулда ечиш имконияти мавжуд:

1) тизимнининг ички тилида ёзилган дастур асосида;

2) стандарт ички функциялар асосида;

3) табиий математик тилда ёзилган усулнинг алгоритми ёрдамида.

"Ҳисоблаш усуллари" алгоритмларни ўрганишда учинчи усул катта аҳамиятга эга. Ички функцияларда олинган натижалар алгоритмларни текшириб кўриш учун зарур бўлади.

Ўқитишда керакли тизимни танлашдан олдин унинг имкониятларини берилган масалани ечиш нуқтаи-назаридан баҳолаш керак бўлади. Қуйида энг оммавий математик тизимларнинг имкониятларини кенгроқ баён қиламиз.

MATLAB – математик ва илмий-техник ҳисоблашларни амалга оширишга мўлжалланган энг қадимий, узоқ вақтлар давомида ишлаб чиқилган ва текширилган, автоматлаштирилган тизимлардан бири бўлиб, у матрица ва матрицавий амалларни кенгайтирилган талқини устига қурилган. Мазкур тушунча унинг номида ўз аксини топган, яъни MATLAB – matrix laboratory – матрицали лаборатория. Маълумки, жуда кўплаб дастурлар ва улар устида амаллар бажариш цикллар орқали амалга оширилади. Бу эса дастурни ишлашини секинлаштиради ва баъзи бир амалларни бажаришни дастурлаш тилларида кўп ўлчамли, ҳусусан, икки ўлчамли, яъни матрицаларни эълон қилишни мураккаблаштиради. MATLABда асосий объект сифатида матрицалардан фойдаланиш цикллар сонини кескин камайтиради [2].

MATLABни қуйидаги кўпдан-кўп соҳаларда қўллаш мумкин:

- математика ва ҳисоблаш;
- алгоритмлар ишлаб чиқишда;
- ҳисоблаш тажрибасида, имитацияли моделлаш, макетлар тузиш;
- берилганларни таҳлиллаш, натижаларни ўрганиш ва тасвирлаш;
- илмий ва муҳандислик графикасида;
- фойдаланувчининг хусусий муҳити билан биргаликда амалий дастурларни яратиш.

Таълимда MATLAB тадқиқотларни бажариш, ишланмаларни тайёрлаш,

маълумотларни таҳлил қилиш учун юқори унумдорликка эга бўлган воситадир.

MathCAD оддий, етарлича қайта ишланган ва текширилган математик ҳисоблашлар тизимидир. Умуман олганда MathCAD – бу компютер математикасининг замонавий сонли усулларини қўллашнинг ягона коллекциясидир. У ўз ичига йиллар ичидаги математиканинг ривожланиши натижасида йиғилган тажрибалар, қоидалар ва математик ҳисоблаш усулларини олган [3].

MathCAD тизими муҳандислик ҳисоб ишларини бажариш учун дастурий восита бўлиб, у профессионал математиклар учун мўлжалланган. Унинг ёрдамида ўзгарувчи ва ўзгармас параметрли алгебраик ва дифференциал тенгламаларни ечиш, функцияларни таҳлил қилиш ва уларнинг экстремумини излаш, топилган ечимларни таҳлил қилиш учун жадваллар ва графиклар қуриш мумкин. MathCAD мураккаб масалаларни ечиш учун ўз дастурлаш тилига ҳам эга.

Maple – типик интеграллашган тизим бўлиб унинг афзалликларидан бири тизимда кўп сондаги амалий мисолларнинг киритилганлиги ва уларни ёрдамчи маълумотлар базасидан таҳрир ойнасига тезда бажариш имконияти билан тўғридан-тўғри ўтказилиши мумкинлигидир [4].

Шунингдек, Maple бир ёки кўп ўзгарувчили ифодаларни ҳисоблаш учун кўплаб кучли воситалар тўпламига эга бўлиб, тизимдан дифференциал ва интеграл ҳисобнинг масалаларини ечишда, лимитларни ҳисоблашда, функцияларни қаторларга ёйишда, Лаплас алмаштиришлари, Z-алмаштириш- лар, Фуръе алмаштиришлари каби интеграл алмаштиришларда фойдаланиш мумкин [5].

Maple тизими математикадан умумлаштирувчи маърузалар ва амалий машғулот дарсларини ўқитиш услубиятини замон талабларига мувофиқ такомиллаштиради: амалий машғулот дарслари самарасини оширади, ўқиш жараёнига қизиқишни орттиради, амалий мазмунда ечиладиган масалалар кўламини кенгайтиради, талабалар билим ва кўникмаларини баҳолашнинг модулли-рейтингли тизимидан фойдаланиш имконини беради.

Maple тизимида ишлаш кўникмасига эга бўлиш учун ниҳоятда кам вақт кетиши ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, бунда тадқиқот фаолияти элементларининг юзага чиқиши талабаларда ўрганилаётган фанга бўлган эътиборини кучайтиради. Maple дастури талабаларга мустақил фикрлаш, фаннинг назарий асосларини кузатиш ва уй вазифаларининг тўғри бажарилганлигини текшириш имкониятини яратади.

Келинг ушбу ночизиқ тенгламани MathCAD , MATLAB ва Maple дастурларида ишлаб чиқамиз! $f(x)=x-\sin(x)-1$. Натижаларни эса солиштирамиз.

$f(x)=x-\sin(x)-1$ тенгламани MathCAD дастурида ишланиши:

$x := 0$

$f(x) := x - \sin(x) - 1$

$r := \text{root}(f(x), x)$

$r = 1.9346$

$x := -10..10$



1-расм. $f(x)=x-\sin(x)-1$ **функцияни ушбу -10≤x≤10 оралиқдаги графиги**

$f(x)=x-\sin(x)-1$ тенгламани MATLAB дастурида ишланиши:

```
x = -10.0: 0.001: 10.0;
y = x - sin(x)-1;
plot(x, y); grid on;
>> fzero('x-sin(x)-1',1)
ans =1.9346
```



2-расм. $f(x)=x-\sin(x)-1$ **функцияни ушбу -10≤x≤10 оралиқдаги графиги**

$f(x)=x-\sin(x)-1$ тенгламани Maple дастурида ишланиши:

```
> s:=RootOf(x-sin(x)-1,x);
```

$$s := \text{RootOf}(-_Z + \sin(_Z) + 1)$$

```
> x[1]:=allvalues(%);
```

$$x_1 := \text{RootOf}(-_Z + \sin(_Z) + 1, 1.934563211)$$

```
> plot(x-sin(x)-1,x=-10..10,y=-10..10);
```



3-расм. $f(x)=x-\sin(x)-1$ **функцияни ушбу -10≤x≤10 оралиқдаги графиги**

Кўриниб турибдики уччала тизимда ҳам натижалар деярли бир хил. Лекин натижани визуализация қилишда MATLAB дастури қулайроқ ва сифатлироқ эканлиги кўриниб турибди. Бизнинг вазифамиз талабаларга тақрибий ечимини топишда барча усулларни таҳлил этиб бериш, талаба эса ўзлаштириши осонроқ ўзига қулай усулни танлаб олади.

Математикага яқин фанларни замонавий математик тизимлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш талабанинг билим даражасини кенгайтиради, юқори билимга эга бўлиш, илмий-амалий масалаларни қуйиш ва ечиш кўникмаларини шакллантиради.

Ҳулоса қилиб айтганда, замонавий математик тизимлар олий таълим тизимида “Ҳисоблаш усуллари”ни ўқитиш учун етарли даражада имкониятга эга. Шу сабабли матетематик тизимлардан Matlab, MathCAD ва Maple “ҳисоблаш усуллари”ни ўқитишда мустақил ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин. Бундай инновацион технологиялардан фойдаланиб, ўтилган дарсда талабалар ўз қобилияти ва имкониятларидан етарлича унумли фойдаланишга эришадилар. Бу эса, ўқитиш жараёнида дарснинг самарадорлиги ва таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сайидаҳмедов Н.С., Очилов М. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. -Т.: РТМ, 1999.
2. Дьяконов В.П. «MATLAB. Полный самоучитель». 2012, 768 с.
3. Васильев А.Н. «Mathcad 13 на примерах». 2006, 528 с.
4. Касюк С.Т., Логвинова А.А. «Высшая математика на компьютере в программе Maple 14». 2011, 57 с.
5. Хуррамов Ш.Р., Абдурахмонов Б.А., Шодмонова У.А. Математика фанини ўқитишда ахборот технологиялари математик пакетларидан фойдаланиш имкониятлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №1, 2018. 1-6 б.

ГЕНЕЗИС И ЭТАПЫ ИЗУЧЕНИЯ МОББИНГА, БУЛЛИНГА И КИБЕРБУЛЛИНГА В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ

Холдарова Индира,
Исследователь
Ташкентского педагогического университета
имени Низами

Аннотация: *В данной научной статье рассматривается генезис, история возникновения буллинга и этапы научных исследований по данному феномену. В том числе, вклад учёных по предотвращению случаев буллинга, моббинга, кибербуллинга, а также ключевые элементы, богатый мировой опыт по проблеме издевательств в общеобразовательных школах. В статье отражены цитаты, хронологии первых конференций, художественных произведений, законов против издевательств.*

Ключевые *слова: моббинг, буллинг, виктимизация, стресс, агрессия, киберзапугивание.*

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МОББИНГ, БУЛЛИНГ ВА КИБЕРБУЛЛИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА БОСҚИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Холдарова Индира
Тадқиқотчи
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети

Аннотация: *Мазкур илмий мақолада таъқиб (моббинг, буллинг) ҳолатларини келиб чиқиши, тарихи ва илмий изланиш босқичлари ёритиб берилган. Шунингдек, ҳалқаро тажрибалар акс эттирилган. Илмий мақолада умумий ўрта таълим мактабларда таъқибни олдини олиш бўйича илгор хорижий давлатларнинг тажрибаси алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, таъқибни олдини олишга қаратилган илк, илмий конференциялар, бадиий адабиётлар, таҳқирлашга қарши қонунлар тўгрисида маълумотлар акс этган.*

Калит *сўзлар: моббинг, буллинг, виктимизация, стресс, тажовуз, кибертаъқиб.*

GENESIS AND STAGES OF STUDYING MOBBING, BALLING AND CYBERBULLING IN GENERAL EDUCATIONAL SCHOOLS

Kholdarova Indira
Researcher
Tashkent Pedagogical University named Nizami

Annotation: *This scientific article discusses the genesis, the history of bullying and the stages of scientific research on this phenomenon. Including the contribution of scientists to prevent cases of bullying, mobbing, cyberbullying, as well as key elements, rich international experience on the problem of bullying in secondary schools. The article reflects citations, chronologies of the first conferences, works of art, laws against bullying.*

Keywords: *mobbing, bullying, victimization, stress, aggression, cyberbullying.*

1.Актуальность

Запугивание среди детей и молодежи является вековым явлением, но лишь относительно недавно издевательства стали рассматриваться как международная проблема общественного здравоохранения [1]. Феномен запугивания становится все более распространенным и интенсивным как с точки зрения возраста, так и в отношении его различных форм. По этой причине он вызвал интерес многочисленных организаций, работающих в области защиты детей, а также официальных директивных органов Европейского Союза. В первые термин « моббинг» был употреблён в 1958 году зоопсихологом Конрадом Лоренцом. Обозначив им специфическое поведение животных и птиц, предупреждающих иных особей о приближении врага и общими усилиями отгоняющих противника (например, гуси так отгоняют лису, а вороны – ястреба). Термин на сферу человеческих отношений был перенесен шведским врачом Петером Паулем Хайнеманном, в частности, в 1969 г. в шведском журнале «Liberal Debatt» вышла

статья Хайнеманна, где он впервые использовал термин «моббинг» для обозначения групповой травли в ученической среде. Интерес к проблеме моббинга вышел на международный уровень, благодаря работам Олвеуса, Хайнеманна и Лемана. Вплоть до 1990-х гг. такие исследования проводились в основном в странах Северной Европы. В Скандинавских странах, где началось изучение этого явления, а также в немецкоязычных термин «моббинг» остался более распространенным, в то время как в англоязычном и русскоязычном профессиональных сообществах стали употреблять преимущественно термин «буллинг» (травля) — агрессивное преследование одного из членов коллектива (особенно коллектива школьников и студентов, но также и коллег) со стороны другого, но также часто группы лиц, не обязательно из одного формального или признаваемого другими коллектива. В 1987 году в норвежском городе Ставанган состоялась первая международная конференция по проблеме буллинга. Она была организована Советом Европы и собрала ученых и педагогов из большинства западноевропейских стран. По итогам конференции была выпущена книга «Буллинг в разных странах: обзор проблемы»[2].

2.Степень изученности

По материалам статьи Питера Смита «Школьный буллинг» были выделены четыре «волны» изучения буллинга. С помощью данной периодизации можно увидеть этапы изучения буллинга в разных странах. Первая волна: конец 1960-х – 1988 гг. Вторая волна: создание научно-исследовательской программы 1989 – середина 1990-х гг. Третья волна: создание международной программы исследования в середине 1990-х – 2004 гг. Четвертая волна: кибербуллинг [3]. В 1969 г. шведский школьный врач Петер-Пауль Хайнеманн опубликовал статью, посвященную травле. Статья вызвала широкий общественный резонанс, и Хайнеманн продолжил работу над этой проблемой. В 1972 г. вышла его книга «Моббинг. Групповое насилие среди детей и взрослых», которая в 1973 г. была издана в Норвегии [4]. Запугивание было критической проблемой в школах, однако в последнее время оно превратилось в эпидемию, и многие учащиеся лишают себя жизни из-за издевательств. Студенты подвергаются физическим, умственным и эмоциональным травмам с помощью различных форм, таких как словесная угроза и дразнить получение текстовых сообщений мгновенных сообщений через телефоны и компьютеры.

В литературных произведениях дети были выделены и подвергались преследованиям с незапамятных времен. Написанный Чарльзом Диккенсом и опубликованный в 1838 году, Оливер Твист был одним из первых романов на английском языке, который сфокусировался на издевательствах и жестоком обращении с ребенком в главной роли. Поведение запугивания было впервые охарактеризовано как часть опыта детей в статье 1897 года, озаглавленной «Дразнить и запугивать», опубликованной Берком в Педагогической семинарии. Статья стремилась разоблачить поведение мучителей и жертв и предоставила поразительно ужасные примеры виктимизации среди детей. Виктимиза́ция (лат. victim — жертва) — процесс или конечный результат превращения в жертву преступного посягательства.

3. Результаты исследования

В начале 1970-х годов шведский - норвежский психолог и профессор психологии личности Университета Бергена доктор Дэн Олвеус, начал первое в мире исследование систематических издевательств. Результаты его исследований были опубликованы в шведской книге в 1973 году и в Соединенных Штатах в 1978 году под названием «Агрессия в школах: хулиганы и мальчики для битья». Олвеус давно рассматривал школьную безопасность как основополагающее право человека. Еще в 1981 году он предложил принять закон против издевательств в школах, чтобы ученики могли избежать повторного унижения, связанного с издевательствами. К середине 1990-х годов эти аргументы привели к принятию закона против издевательств со стороны парламентов Швеции и Норвегии. (Первое предложение закона против издевательств).

В 1993 году Олвеус написал книгу «Запугивание в школе: что мы знаем и что мы можем сделать», и в настоящее время широко признан ведущим мировым авторитетом в области поведения, связанного с издевательствами. Новаторские программы исследований и вмешательства Олвеуса сыграли важную роль в повышении осведомленности о том, что издевательства являются растущей социальной проблемой, к которой должны серьезно относиться исследователи, работники образования, законодатели, родители, студенты и общество в целом. С увеличением доступа к интернету и мобильному телефону, кибер издевательства стали эпидемией среди подростков в школе. Киберзапугивание - это использование технологий для запугивания, угроз, смущения или нападения на другого человека. По определению, это происходит среди молодежи.

В 2001 году Журнал Американской Медицинской Ассоциации сообщил, что более 160 000 учеников пропускают школу каждый день, потому что они обеспокоены и боятся издевательств со стороны других учеников. Предполагается, что школа является безопасным убежищем, где обучение происходит не там, где студент должен защищаться от сверстников из-за различий [5].

Директор Национального центра Узбекистана по правам человека Акмаль Саидов во время открытого разговора с журналистами, заявил что настало время узаконить проблему издевательств («домогательства и насилие») против детей. «Я не знаю, насколько распространены такие случаи в школах в средствах массовой информации и в социальных сетях, и это не в моих полномочиях. Но такую дискриминацию нужно регулировать. Подобная проблема ранее не поднималась до этого уровня. Я даже не слышал и не обращал внимания на эту фразу. Это новая социальная реальность. Я видел, как девушки в российской прессе жестоко избивали своих подруг, и это очень неприятная ситуация. Во-первых, конечно, существует нездоровая образовательная и школьная среда, а во-вторых, пришло время ее регулировать в рамках закона» [6].

Таким образом, подростковый возраст является наиболее вероятным для возникновения буллинга, а также именно в этот период последствия буллинга являются наиболее негативными.

Список использованной литературы

1. National Academies of Science, Engineering, and Medicine 2016
2. Научно-методический журнал “Образовательная политика” № 3 (73) 2016
3. Научно-методический журнал Исследователь/Researcher • 1-2/2018
4. Heinemann, P. Apartheid // Liberal Debatt. 1969. Vol. 3. P. 3-14
5. https://bullypreventionblog.wordpress.com/2012/12/06/history-of-bullying/
6. https://daryo.uz/k/2019/08/06/akmal-saidov-bulling-yangi-ijtimoiy-voqeylik/

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ БИЗНЕСГА ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТЧИСИ У.Т.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Аннотация. *Ушбу мақолада ёшларни бизнесга тайёрлашда инсон фаолиятининг турли босқичларида нафақат давлат таълим муассасаларида, балки тадбиркор кадрларни тайёрловчи, бозор иқтисодиётининг вужудга келишини, ишбилармонлик фаоллиги ривожланишини таъминловчи ва ўз имкониятларини амалга оширишга қодир бўлган кадрларни шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёнлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар баён этилган.*

Таянч сўзлар: *ўқувчи, ёшлар, тадбиркорлик, бизнес, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, ишбилармонлик таълими, бозор муносабатлари, касб-ҳунар, таълим соҳасини ривожлантириш.*

Резюме. *В этой статье одним из важных факторов в обучении предпринимателей является обучение предпринимателей на различных этапах человеческой деятельности, не только в государственных образовательных учреждениях, но и в обучении предпринимателей, формировании рыночной экономики, развитии бизнеса и самореализации. мнения и комментарии.*

Ключевые слова: *ученик, молодёжи, предпринимательства, бизнес, производства, экономика, бизнес образования, рыночных отношений, профессия, развитие образования.*

Abstract: *n this article, one of the important factors in the training of entrepreneurs is the training of entrepreneurs in various stages of human activity, not only in public educational institutions, but also in the training of entrepreneurs, the formation of a market economy, business development and self-realization. opinions and comments are expressed.*

Key words: *Development of entrepreneurship, business education, management, production, economics, education.*

Маълумки, тадбиркорлик жамиятнинг ривожланишига, иқтисодиётнинг янада юксалишига ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи ўта муҳим фаолиятдир. Масаланинг ғоят долзарблигини ҳисобга олиш, бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар кўламини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятига ёшларни тайёрлашда муайян билим ва тушунчаларни ҳосил қилишнинг назарий, педагогика шарт-шароитларини ишлаб чиқиш бугунги

куннинг долзарб масалаларидан биридир. Жаҳон тенденциясига кўра, ёшларни бизнес фаолиятига тайёрлаш илғор мамлакатлар таълими тизимидаги ишчи ўринларининг яратилиши ва ишсизликнинг камайишига, ишлаб чиқариш товарлари ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ортишига, ижтимоий дастурларни жорий этиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга имкон беради.[36]

Инсонда изланиш, интилиш ва ташаббус уйғотиш манбаига айланиб улгурган тадбиркорликка кенг имкониятлар, унинг даҳлсизлигини таъминлашнинг самарали механизмлари яратилди. Фуқароларда тадбиркорлик фаолиятини қонуний асосда юритиш маданияти шаклланди, давлат органларида улар ишига асоссиз аралашувлар кескин камайди, чет эллик инвесторлар билан юртимизда ҳамкорликда бизнес юритиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилди. Бозор муносабатлари меҳнат бозорида тадбиркорлик фаолиятини юритиш, ўз иш ўрнида турли муаммоларни ҳал этиш қобилиятига эга бўлган ходимларга бўлган талабнинг ортишига олиб келди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, уни ҳал этишнинг асосий йўли эса, ишловчининг меҳнат натижаларига бўлган қизиқишини оширишдир.[37]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва кенгайишининг асосий шартларидан бири малакали тадбиркор кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Бозор муносабатлари чуқурлашуви, истеъмолчилар талабларига мос келувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқариш доираси кенгайиши, аҳолининг иш билан бандлиги ошиши хусусий корхоналар раҳбарларининг айнан билимларига, қобилиятларига боғлиқ. Замонавий иқтисодиёт эса ўз ишини яхши биладиган, ақл-заковатли тадбиркорлар билан шаклланади.

Ўқувчи-ёшларни бизнесга тайёрлаш – у инсон фаолиятининг турли босқичларида нафақат давлат таълим муассасаларида, балки тадбиркор кадрларни тайёрловчи, бозор иқтисодиётининг вужудга келишини, ишбилармонлик фаоллиги ривожланишини таъминловчи ва ўз имкониятларини амалга оширишга қодир бўлган кадрларни шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёнларининг йиғиндиси ҳисобланади.

Ёшларни бизнесга тайёрлашга эҳтиёж бозор муносабатларига кириш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва мулкчиликнинг турли шакллари

---

[36] Teaching Business Ethics: IN THE AGE OF MADOFF. Author(s): R. Edward Freeman, Lisa Stewart and Brian Moriarty. Source: Change,Vol. 41, No. 6 (November/December 2009), pp. 37-42. Published by: Taylor & Francis, Ltd. Stable URL: http://www.jstor.org/stable/20696192. Accessed: 18-04-2018 11:24 UTC.

[37] Бакиева И.А. Ўзбекистонда тадбиркор кадрлар тайёрлаш тизими ва уни ислоҳ қилиш хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, -Т.:, 2011, 2-сон. 5-бет.

пайдо бўлиши муносабати билан пайдо бўлди[38]. Хусусий мулк илгари олинган умумтаълим ва касб-ҳунар билимларига қўшимча равишда билим олиш талаб этилган тадбиркорлар синфининг шаклланишига олиб келди.

Ушбу ғояни амалга ошириш учун аҳолини бизнесга ўқитиш зарур. Ёшларни бизнесга тайёрлаш ва ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш мамлакатда инсон сармоясини сақлаб қолиш ва оширишни таъминловчи асосий тизимдир. Таълим тизимлари томонидан билимлар бериш тезлиги ва самарадорлиги инсон сармоясининг ривожланиш суръатларини белгилаб беради. Инсон сармоясини шакллантириш мулкдорлар синфининг ўсиш суръатларига таъсир кўрсатади.

Ўқитишнинг ягона тизими, иқтисодиётнинг нодавлат сектори учун кадрлар тайёрлаш умумтаълим ва касб-ҳунар мактабларидан бошланиб ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги касб-ҳунар таълими (дипломдан кейинги таълим) тизимида ниҳоясига етказилиши керак.

Бундай тизимни тузиш турли (ҳудудий, муниципал) даражадаги давлат органлари, ижтимоий ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг келишилган ҳолда ҳаракат қилишларини талаб этади. Бу ҳаракатлар давлат қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, махсус воситаларни ажратиш, барча манфаатдор ташкилотларнинг ўзаро оператив ҳаракатлари асосида амалга ошади. Ўрта махсусдан тортиб, то олий ва муқобил бизнес таълим тизимигача бўлган барча таълим бўғинларининг бирлашган ҳаракатлари билан ижобий натижага эришиш мумкин. Бу фикрга қўпчилик қўшилади, бироқ давлат ва жамият ушбу дастакни охиригача ишлата олиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

